

А. В. АРЦИХОВСКИЙ

АРХЕОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

*СССР Олий таълим министрлиги университетлар
ва педагогика институтларининг тарих факультетлари учун
дарслик сифатида тавсия қилган*

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ — ТОШКЕНТ — 1970

КИРИШ

Археология — тарихнинг бир бўлимидир. Тарих фани тарихий, ёзма ва моддий манбаларни ўз ичига олади. Моддий манбаларнинг жуда ҳам ўзига хос хусусиятлари уларнинг алоҳида мутахассислар, яъни археологлар томонидан ўрганилишини зарур қилиб қўяди.

«Археология» сўзининг маъноси этимология жиҳатидан хийла ноаниқдир. Грекча «архайос» — қадимги, «логос» фан, асл маъноси эса, сўз демакдир. Дастлаб бу терминни эрамиздан аввалги IV асрда Афлотун ўзининг «Гиппий» диалогидида, қадим замон ҳақидаги фанни назарда тутиб жуда кенг маънода ишлатган. Эндиликда эса бу ноаниқ терминга шартли равишда аниқ маъно берилади. Археология-тарихий моддий манбалар асосида инсониятнинг тарихий ўтмишини ўрганувчи фандир.

Бошқа тарих фанлари орасида археологиянинг нисбий аҳамиятини бўрттириб кўрсатиб бўлмайди, шундай қилинган тақдирда ҳам, бу албатта мутахассиснинг тарафкашлиги деб талқин қилинарди. Лекин ҳар ҳолда археологиянинг аҳамияти тобора ўсмоқда, чунки тарихий моддий манбаларнинг сони жуда тез кўпайиб бормоқда. Ёзма манбалар эса бошқачароқ кўпаймоқда: фақат XX аср тарихигагина хос янгидан янги ажойиб материаллар тинмай оқиб келмоқда, аммо бошқа асрларга оид катта кашфиётлар камдан-кам бўлиб турипти. Археология эса, аксинча, 20—30 йил ичида ўзининг асосий манбаларини икки баравар кўпайтирди. Шундай бўлиши табиий ҳам: негаки, бу манбалар битмас-туганмасдир. Тарихда ҳеч нарса изсиз йўқолиб кетмайди. Тарихий воқеадан архивда ва солномаларда из қолмаслиги мумкин, аммо ерда албатта унинг изи қолади, ана шу изни топиш археологиянинг вазифасидир.

Моддий тарихий манбаларнинг кўпи ер тагида кўмилиб ётибди. Археологлар ҳозирча уларнинг озгина қисмини топиб текширганлар. Шу сабабдан археологларнинг ҳаммаси кўп вақтларини қазиш ишларига сарф қилади. Қазишлар одатда қадимда одамлар яшаган жойлар — мавзелар ва қадимги қабрларда олиб борилади. Археология фанида мустаҳкамланган турар жойлар «Шаҳар харобаси» деб, шу даврга мансуб, аммо мустаҳкамланмаган жойлар «Қишлоқ харобаси» деб ва ҳар қандай

шаҳар харобасидан қадимгироқ бўлса, «Макон» деб юритилади. Шаҳар харобаларининг кўпчилиги кўтарма ва хандақлар билан ўраб олинган. Бундай истеҳкомлар кўпинча бир неча қатор бўлади. Дастлабки кўтармалар паст бўлган. Аммо синфий жамият пайдо бўлгандан кейин ишланган кўтармалар баъзан жуда баланд бўлган. Баъзи шаҳар харобалари тош деворлар билан ўралган. Истеҳкомлар ҳақида ўрмонзорлар кўп бўлган мамлакатларда дарахтдан кўп фойдаланганлар, ўрмонлари бўлмаган мамлакатларда эса лой ишлатганлар.

Инсонлар яшаган хоҳ қадимги ва хоҳ ҳозирги замонга доир турар жойларнинг ҳаммасида органик ва бино қолдиқларидан ҳосил бўлган маданий қатлам деб аталадиган қатлам бўлади. Худди шу қатлам қазилади: ҳар хил буюмлар ва иншоотларнинг қолдиқлари фақат ўша қатламда сақланиб қолган бўлиши мумкин. Бу қатламнинг қалинлиги жуда ҳам хилма-хил бир неча сантиметрдан 20 метргача ва ҳатто ундан ҳам қалинроқ бўлади. Одатда, кишилар унда қанча узоқ яшаган бўлса, қатлам ҳам шунча қалин бўлади, аммо қатламнинг бевосита қалинлигига қараб бунда одамлар оз вақт ёки узоқ яшаганликларини сира аниқлаб бўлмайди, чунки қатлам бир текисда ўсиб бормайди.

Қадимги қабрлар, мазор қўрғонларни, яъни устига тупроқ уйилган ёки уйилмаган гўрларни қазиб йўли билан очилади.

Археология фани қазиларда топилган моддий манбаларни ўрганиш билан бирга ҳар хил ер қазиб ишларида тасодифан топилган нарсаларни, шу жумладан хазиналарни ҳам ўрганади. Ер тагида ҳеч ётмаган моддий манбалар ҳам бор. Масалан, ўрта аср хазиналаридан қолган буюмлар, кошинкор ва нақшинкор эски бинолар ва ҳоказолар ана шундай манбалардир. Археологлар буларни ҳам ўрганадилар.

Қазиб ишлари археологдан кўпгина ва жуда хилма-хил усуллар ишлатишни талаб қилади. Қазилдан олдин унга тайёргарлик кўраётганда ҳам археологлар археологик қидириш ишлари олиб борадилар ва қидириш жараёнида унгача фан учун маълум бўлмаган шаҳар харобалари, қишлоқ харобалари, маконлар ва қўрғонлар топилади.

Қадимги буюмларни ўрганиш бирдан-бир мақсад қилиб олинмайди. Топилмалар тарихий тадқиқотлар учун фақат материал сифатида илмий қимматга эга бўлади, холос. Шундай бўлса ҳам, баъзи археологлар қазиб олинган буюмларни юзаки таърифлаш, уларнинг ёшини, нимага ишлатилганлигини, қандай усулда ясалганлигини, қайси қабилга мансублиги ва шу қабиларни аниқлаш билан кифояланадилар. Бу тадқиқотнинг зарур тайёргарлик босқичидир, холос. Фақат шу билан чегараланилган тақдирда археологиянинг зарурати ҳам бўлмас эди. Буюмларни бир-бирига боғлиқ ҳолда, уларни шу буюмлар топилган иншоотларга боғлаб текшириш керак, шу билан бирга ўша тарихий манбалар воситаси билан одамлар ўртасидаги муносабатларни аниқлашни

асосий мақсад қилиб қўймоқ зарур. Фактларни қайд қилиш билангина чегараланиб қолиш ярамайди, уларни тарихий жиҳатдан изоҳлаб беришга уринмоқ лозим.

Антик дунё ва ўрта асрлардан бизнинг замонимизгача етиб келган моддий манбалар ўша даврлардаги ёзма манбаларга боғлаб ўрганилиши керак. Ана шу тариқа ҳар икки манбани бири-бирига боғлаб ўрганиш билан икки хил илмий материал ўзаро текширилган бўлади. Бу хил текшириш натижасида археология маълумотлари антик дунё ва ўрта асрлардаги авторларнинг ахборотлари тўғри эканлигини кўп марта тасдиқлаб берди.

Ибтидоий ёдгорликлар одатда ёзма маълумотлар бўлмаган даврларга мансубдир. Аммо бунда этнография материаллари алоҳида аҳамиятга эга, чунки ҳозирги замонда яшовчи ибтидоий қабилаларда кўпгина шундай маданий ҳодисалар борки (ёки ҳали яқиндагина бўлиб ўтганки), улар ибтидоий маконларда яшган кишиларнинг ҳаётини ўрганишга ёрдам беради. Умуман археология билан этнография кўпинча бир-бирининг камини тўлдиради. Этнографлар ўрганадиган урф-одат қолдиқларидан археологлар ибтидоий ёдгорликларни текширишдагина эмас, балки феодализм даври ёдгорликларини текширишда ҳам фойдаланадилар.

Археологлар ўрганадиган моддий тарихий манбалар марксча-ленинча тарих фанидагина лозим ўрин олди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг тарихи ана шу моддий тарихий манбалардан ўрганилади, ишлаб чиқарувчи кучларнинг аҳамиятини эса тарихий материализм белгилаб беради.

Жамиятнинг табиатга муносабатини белгилаб берадиган ишлаб чиқарувчи кучларни — ишлаб чиқариш қуроллари ва уларнинг ишга солувчи одамлар ташкил этади.

Маркснинг қуйидаги гаплари бевосита археология материалларига оиддир: «Йўқ бўлиб кетган ҳайвон турларининг сақланиб қолган суякларининг тузилиши шу ҳайвонлар гавдасининг тузилишини ўрганиш учун нақадар аҳамиятли бўлса, меҳнат воситаларининг қолдиқлари ҳам йўқ бўлиб кетган ижтимоий-иқтисодий формацияларни ўрганиш учун шу қадар аҳамиятлидир. Иқтисодий даврлар бир-биридан нималар ишлаб чиқарилгани билан эмас, балки қандай ишлаб чиқарилгани билан, қандай меҳнат воситалари ила ишлаб чиқарилгани билан фарқ қилади. Меҳнат воситалари киши иш кучининг нақадар ривож топганини ўлчайдиган бир меъёр бўлибгина қолмай, балки меҳнатнинг қандай ижтимоий муносабатда амалга ошганини ҳам кўрсатади»¹. Маркс меҳнат воситалари деганида асосан ишлаб чиқариш қуролларини назарда тутган.

Археологлар ишлаб чиқариш қуролларининг тарихини шу қуроллар ва улар билан ясалган буюмлар орқали ўрганадилар.

¹ К. Маркс, Капитал, I том, Ўздавнашр, 1955, 204 - бет.

Бироқ тарихий материализм қойдаларини юзаки талқин қилишга уриниш ва ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш процессида кишиларнинг бир-бирларига муносабатлари ҳақида фақат ишлаб чиқариш қуролларига қарабгина ҳукм қилиш механистик хатоларга олиб келиши мумкин, холос. Шубҳасизки, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характериға албатта мувофиқ бўлиш қонуни муҳим тарихий хулосалар чиқаришга имкон беради. Аммо ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар тараққийсидан кейинда қолиб боришини назарда тутиш керак. Маълумки, ишлаб чиқарувчи кучлар ҳам ишлаб чиқариш қуролларидангина иборат эмас. Ҳолбуки баъзи археологлар техникани ўрганишга берилиб кетиб, кишининг муҳим ишлаб чиқарувчи куч эканлигини унутиб қўядилар. Тарихий ҳодисаларни ҳамма вақт ўрганиш мумкин бўлган тарихий манбаларнинг мажмуи асосида тиклаш лозим бўлади. Лекин ҳамма тарихшунослар ҳам ўз тадқиқотларида археологлар ўргангани ишлаб чиқариш қуролларининг аҳамиятини назарда тутишлари керак. Буни эсдан чиқариш идеализмга олиб келиши мумкин, холос.

Археологлар ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқариш қолдиқларига қарабгина тикламайдилар. Ахир, қазиладиган қадимги турар жойлар ва бошқа иншоотлар бунда қандай ижтимоий тузум бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш учун материал бўлади, чунки ижтимоий тузум ўзгариши билан турар жой ва бошқа иншоотлар ҳам ўзгаради; буни исбот қилувчи мисолларни ҳали кейин келтирамиз. Археологлар қадимги идеологияларни ҳам ўрганадилар. Улар амалий санъат асарлари, дин-этиқод буюмлари ва шу кабилар асосида ўрганилади. Аммо археолог ўзининг бутун тадқиқот ишларида ўрганаётган жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучлар даражасини доим назарда тутиши керак.

Археология фақат марксча-ленинча тарих фанидагина шу фаннинг бир бўлими деб умумий эътирофга сазовор бўлди. Буржуа мамлакатларида моддий ёдгорликларни қадимги жамиятларнинг ижтимоий-иқтисодий тузумига боғламасдан, унда ажратилган ҳолда ўрганадилар, шунинг учун ҳам археология маълумотларидан мукамал тарихий хулосалар чиқарилмайди. Буржуа олимларининг кўпчилиги археология билан тарих бир-бирига бевосита боғлиқ эканлигини умуман инкор қилади, улар археологияни гоҳ табиёт фанларига, гоҳ бадий фан деб аталмиш фанларга ёки яна бошқа бирор фан қаторига қўшиб қўядилар. Бироқ археологияни тарих билан боғлашга уринувчилар ҳам баъзан учрайди. Прогрессив олимлар орасидаги бундай уринишлар археологияни совет фанига яқинлаштириб қўяди, реакция олимларнинг уринишлари эса буржуа тарихшунослигидаги реакция оқимларга яқинлаштиради.

Археологлар ўрганадиган нарсалар меҳнат қуроллари, яроғ-аслаҳа, зеб-зийнат буюмлари, идишлар, шунингдек, турар жойлар, устахоналар, истеҳкомлар ва шу қабилардан иборат. Тош, металл, сопол ва ёғочдаги ёзувларни ўрганадиган эпиграфика фани, танга пулларни ўрганадиган нумизматика фани, муҳрларни ўрганадиган сфрагистика фани, гербларни ўрганадиган геральдика фани каби археологиянинг бир қанча алоҳида тармоқлари бор. Археология тарихга оид фан бўлиб қолиш билан бирга қазилардаги кузатмаларни изоҳлаб бермоқ учун геология, ботаника, зоология ва антропология маълумотларидан фойдаланади ва шу билан бирга ўзи ҳам ўша табиёт фанларига қимматли материаллар беради.

* * *

Ушбу китоб СССР археологиясига бағишланган, шунинг учун бу китобда мамлакатимиз археологияси тарихининг қисқа очеркини бериш лозим бўлади. Чет эллар археологиясига озроқ (баъзи бир умумий масалалар муносабати билангина) тўхтаб ўтилади.

Инсонларда қадимги нарсаларга қизиқиш илғаридан бошланган эди. Рус йилномаларида Псковда княгина Ольганинг чанаси, Владимир шаҳри ёнидаги Боголюбовода князь Бориснинг қиличи сақланганлиги ва ҳ. к. айтилади. Бу нарсалар бизнинг замонамизгача сақланмаган, аммо Псковда псковликлар князь Всеволод билан князь Довмонтнинг қиличларини ҳозиргача сақлаб келадилар. Бундай қимматбаҳо нарсалардан анчаси азалдан бери Москвада сақланиб келинмоқда.

Урта асрлардан қолган нарсалар Европа ва Осиёдаги ҳамма пойтахтларнинг давлат хазиналарида сақланмоқда. Бундай хазиналарнинг энг яхшиси Москва Кремлидаги Аслаҳа палатасидир. Бу палатада тўпланган нарсалар ва XVII асрда тузилган рўйхатларнинг характери Русда бу даврда қадимги нарсаларга, хусусан қурол-яроғларга ва зеб-зийнат санъатига доир нарсаларга қизиқиш кучайиб борганлигини кўрсатади. Палатанинг тараққийсида унинг XVII асрдаги раҳбари бояр Г. М. Хитрово муҳим роль ўйнаган. Бундай бой ва буюмлар батартиб тўпланган қадимги хазина ҳозирги вақтда дунёнинг ҳеч қайси бурчагида топилмайди.

Қазиб топиладиган қадимги нарсаларга Россияда Петр I нинг ўзиёқ эътибор билан қараган. У «ер тагидан ёки сув ичидан топиладиган... эски ёзмалар... эски қурол-яроғ, идиш-товоқлар ва жамики жуда кўҳна ва ажойиботларни» тўплашга буюрган эди. «Бундай нарсалар қаердан топилса, —деб ёзган эди у, топилган ҳамона ҳаммасининг чизмаси олинсин». Ўша замон Европасидаги фан учун бундай талаблар янгилик эди, ҳали у вақтда Фарбий

Европа олимлари қазиб топиладиган қурол-яроғлар билан ҳам, идиш-товоқлар билан ҳам умуман қизиқмас эдилар.

XVIII асрда дворянлар орасида коллекциячиликнинг авж олиши туфайли бир қанча мамлакатларда ноёб буюмлар билан савдо қилувчи шахслар баъзи археологик топилмаларни тўплайдиган бўлдилар. Тезда баъзи мамлакатларда илмий мақсадлар йўлида дастлабки тажрибаларни қилиб кўрдилар. Россияда машҳур тарихшунос В. Н. Татищев XVIII асрнинг биринчи ярмида археология билан шуғулланди ва археология қазिशмалари учун дунёда биринчи қўлланмалардан бирини нашр қилди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида, Қора денгиз соҳили (у ерда эллин даврига хос буюмлар учрарди) Россияга қўшилгандан кейин бизнинг мамлакатимизда ҳам антик дунё ёдгорликларига қизиқиш тараққий топди. XVIII асрдаёқ рус олимлари Қора денгиз бўйлари-нинг шаҳар харобаларида ва қўрғонларида дастлабки қазिशлар ўтказдилар.

Россияда антик дунё ёдгорликларини ўрганиш соҳасида қадим замонлардаёқ ажойиб муваффақиятларга эришилди. Қадимги Боспор подшолиги территорияси (Керчь райони) да қадимги грек шаҳарларини археология жиҳатидан мунтазам равишда текширишни дастлаб (Ғарбий Европадан олдин) И. А. Стемпковский бошлаб берди. Керчга яқин жойда скифларнинг Кулоба мозор қўрғони ҳам унинг замонида 1830 йили қазилди. Фан олами грек заргарлик санъатининг нодир асарлари билан дастлаб ана шу орқали танишди, бу ноёб асарлар бошқа ҳамма мамлакатлардан кўра бизнинг мамлакатимизда кўпроқ топилган. Бундан кейин Петербургдаги сарой қошидаги Эрмитаж музейини безаш учун олтин буюмлар қидириш иши авж олдирилди. Қимматбаҳо нарсаларга кўпроқ қизиқиш умуман дворян археологиясига хос хусусиятдирки, бизда XIX асрнинг биринчи ярмида археология дворянлар тарих фанининг бир қисми сифатида тараққий қилган эди.

Бизнинг мамлакатимизда (шарқий славян ёдгорликлари ва ўрта асрлар Русини ўрганувчи) славян-рус археологияси антик дунё археологияси билан бир вақтда тараққий қила бошлади деса бўлади. Қадимги Русь тарихи юзасидан зўр бериб янги манбалар қидириш 1812 йил Ватан урушидан кейин юз берган миллий юксалиш натижаларидан бири эди. Дастлаб ёзма манбаларга эътибор берилди, аммо қадимги қўл ёзмаларни кашф қилган К. Ф. Калайдович қазиб топилган рус ёдгорликларини ҳам ўша вақтларда фанга олиб кирди, у Эски Рязандан топилган олтин буюмлар хазинаси ҳақида асар нашр қилди ва бу хазинани хийла тўғри изоҳлаб берди. Руснинг қадимий шаҳар харобаларини илмий жиҳатдан дастлаб таърифлаб берган киши ҳам К. Ф. Калайдович бўлди. Мамлакатимизда шаҳар харобалари ва мозор қўрғонларнинг жуда кўп эканлигини дастлаб З. Я. Ходаковский айтиб берди. 1838 йилда А. Д. Чертков ўрта рус славян мозор

қўрғонларида методика жиҳатидан тўғри бўлган дастлабки қазишларни олиб борди. Афсуски, бошланган бу ишлар яхши давом эттирилмади.

XIX аср ўрталарида реакционер ва юзаки иш кўрувчи А. С. Уваров Владимир ерларида жуда кенг кўламда мозор қўрғонларни қазиди (4 йил ичида 7729 мозор қўрғон қазилди): шошиб-пишиб қилинган бу қазишларда топилган ғоят муҳим буюмлар ҳатто қайси қабрлардан чиққанлиги ҳам қайд қилинмай, шу тариқа фан учун уларнинг қадр-қиммати бўлмай қолди деса бўлади. VII асрдан XIV асргача ўтган даврга онд буюмлар ёппасига аралаш-қуралаш бўлиб кетган, уларнинг қайси асрмансуб эканлигини аниқлаб бўлмай қолган эди. Бунда худди дворянлик руҳидаги коллекционерликка хос аломатлар юз берган, гўзал нарсалар тўплашга интилган-у, аммо сони кўплиги жиҳатидан фан учун қиммати баланд бўлган оддий нарсалар назарга олинмаган.

XIX аср ўрталарида Россияда дворянлар археологияси билан бир қаторда фанда буржуа оқими пайдо бўлади. Бу оқимнинг етакчиси илғор буржуа тарихчилари билан маҳкам алоқада бўлган И. Е. Забелин эди. Қамбағал мешчан оиласидан чиққан бу киши ўз фаолиятини аслаҳа палатасида иккинчи даражали хизматчи бўлиб бошлаган бўлса-да, мустақил равишда ўқиб катта олим бўлиб етишган эди. У ўз фаолиятини Т. Н. Грановский раҳбарлиги остида бошлайди. И. Е. Забелин Аслаҳа палатасидаги ажойиб буюмлар мажмуидан уқув билан фойдаланиб, қадимги Русь турмуши тарихини яратган. У жаҳонда биринчи ўлароқ улкан мозор қўрғонларни қазिशнинг илмий методикасини ишлаб чиққан, мозор устидаги тупроқ уюми қатламлари жиддий назар билан кузатишларида жуда кўп муҳим хулосалар чиқариш мумкинлигини кўрсатиб берган; у 1863 йили Қуйи Днепр бўйида скифларнинг ғоят бой мозор қўрғонларидан Чертомлик, 1864 йили Тамань яқинида грекларнинг жуда бой мозор қўрғонларидан Большая Близницаларни қазиган. Археология текширишларининг кўлами, текширишларнинг тўғрилиги ва текширишда қўлланиладиган усулларнинг янгиллиги жиҳатидан рус археологлари Фарбий Европа археологларидан кўпинча устун бўлиб келди.

Қазилма ҳайвонларга қараб палеолит (қадимги тош даври) маконларини излаб топиш методикасини Европада дастлаб ишлаб чиққан олимлардан бири И. С. Поляковдир. А. А. Иностранцев Приладожьеда ҳар хил археологик, геологик ва биологик текширишлар асосида Европада биринчи бўлиб неолит (янги тош даври) ни ўрганди. А. А. Иностранцев ўтказган қазишлар натижасида у, гуё неолит даври учун асосан силлиқланган қурооллар бўлган деган фикрни рад қилди (у қазиган маконларнинг ҳаммасидан ҳам силлиқланган қурооллар топилмаган эди) неолит тўғрисида А. А. Иностранцев рад қилган фикрларни ҳозир ҳеч ким қўлламаса ҳам, ўша даврда Европа фанида бундай тасав-

вурлар ҳукмрон эди. Машҳур географ ва антрополог, этнограф ва археолог Д. Н. Анучин рус археологиясининг тараққий қилишига самарали таъсир кўрсатди. У Европада биринчи бўлиб, археология материаллари асосида турли халқларнинг маданий тараққиёт йўли умумий эканлигини (XIX аср охирларида ўқ ва ёй тўғрисидаги ҳамда дафн маросимлари ашёлари ҳақидаги асарларида) муваффақиятли равишда кўрсатиб берди. Унинг асарлари кўпчилик археологлар асосан машғул бўлиб келган изланишларнинг, яъни халқларнинг бир-биридан кўчирма қилиш фактларини муттасил қидиришнинг илмий иш эмаслигини кўрсатди; у гарчи тараққиёт қонуниятларини ўрганиш билан машғул бўлмаса ҳам, юзаки бир-бирига ўхшаш кўпгина ҳодисалар халқларнинг бир-бирига эргashiш натижаси эмас, балки тараққиёт йўлларининг умумий бўлганлиги натижаси деб ҳаммадан олдин таърифлади.

Б. В. Фармаковский антик дунё шаҳарларини ўрганиш ишини юккак даражага кўтарди. У XX аср бошларида грекларнинг Оливия шаҳрида кенг кўламда қазишлар ўтказди. Унинг қазишда қўлланган ажойиб усули натижасида шаҳарнинг бир неча давр ичидаги қиёфаси ва чегаралари тамомила аниқланди; чет эллардаги антик дунё шаҳарларини қазитдан бунгача ҳеч ким бунчалик самарали ва асосли хулосалар чиқаролмаган эди. Рус олимларининг меҳнати туфайли Қора денгизнинг шимолий соҳилларидаги антик дунё ёдгорликлари бошқа кўпчилик мамлакатлардаги антик дунё ёдгорликларидан кўра яхшироқ ўрганилган.

Ўрта Осиё ўзининг қадимги шаҳарлари билан XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия составига кирди. Жуда қадим замонлардаёқ ғоят тараққий топган, ўрта асрларда эса дунёда энг маданий, археология нуқтаи назаридан ғоят қимматли бўлган бу шаҳарларни қазиш жуда мураккаб ва қийин иш эди. Аввал бошда археологик қидириш ишлари билангина чегараланишга тўғри келди. Н. И. Веселовский Ўрта Осиёдаги бу ишни муваффақиятли ўтказди. У қидириш жараёнида шарқий эллин подшоликларининг шаҳарларини топди, бунгача бундай шаҳарларни ҳеч қаерда ҳеч ким тополган эмас эди. Ўрта Осиёда жуда кўп учрайдиган ва чет эл сайёҳлари қўрғон деб билган тепаликларга Н. И. Веселовский тўғри баҳо берди: улар қадимги уй-жой қурилиши қолдиқларидан ҳосил бўлган тепаликлар эди. XX аср бошларида В. Л. Вяткин кўп йиллар давомида қазишлар қилиб, жаҳоннинг энг муҳим ва қадимги маданий марказларидан бири бўлган Самарқанд археологиясини яратди. У Ғарбий Европа археологларидан олдин шарқий ўрта асрлардаги турар жой қатламларини қазиди ва бу қатламларнинг археологиясини ўрганди; В. Л. Вяткин антик дунё қатламлари билан ҳам шуғулланди.)

XIX аср охирларида славян-рус мазор қўрғонларини текшириш ишлари ғоят авж олди. Л. К. Ивановский Новгород ерлари-

даги мозор қўрғонларни қазиди. У биринчи бўлиб жуда кенг кўламдаги қазииш ишларини ғоят мунтазам суратда олиб борди, шунинг учун ҳам унинг материаллари кейинчалик тузилган рус мозор-қўрғон хронологиясига асос бўлди.

Смоленск ёнидаги Гнездовода X асрдаги рус жангчи-чоқарларининг ғоят муҳим мозор қўрғонлари бор. Бу мозор қўрғонларни энг кўп текширган киши В. И. Сизовдир. У 1885 йили бир князнинг жуда бой марказий мозор қўрғонини ковлаб, славяндарга оид асбоб-ускуна ва анжомлар топган ва ўзининг илмий текширишлари билан рус ва ажнабий норманистларининг гумонларини рад қилган эди. Узун мозор қўрғон деб аталган энг қадимги славян мозор қўрғонларини ҳам шу тадқиқотчи очган эди. У (вятничлар мозор қўрғонларидан топилган етти парракли ҳалқалар мисолида) қадимги буюмларнинг турлари секин-аста ўзгариб боришининг хронологик аҳамиятини жуда асосли қилиб кўрсатиб берди. В. И. Сизов қадимги рус қўл ёзмаларидаги расмларни археология билан боғлаб ўрганди.

А. А. Сициин қадимги рус қабилаларининг жойланишини мозор қўрғонлардан топилган материаллар асосида текширди. Унинг хулосалари йилномалардаги маълумотларга мос келди ва кўп жиҳатдан бу маълумотларни бойитди. Бу тадқиқотчи олим рус илм-фан тарихида алоҳида ўрин тутди. У шунчалик кўп (ибтидоий ва ўрта аср) ёдгорликларини классификация қилди ва наshr этдики, бунгача бошқа ҳеч бир рус археолог бунчалик ишни қилмаган эди. Қадимги Руснинг археологик жиҳатидан текширилиши ўрта асрларга хос ёдгорликларни ковлаш нақадар қимматли натижалар бериши мумкинлигини дунёда биринчи бўлиб кўрсатиб берди.

Революциядан олдинги рус археологиясининг атоқли намоёндаларидан кўпчилигини буржуа фанининг илғор вакиллари ташкил этар эди. Шундай бўлса ҳам, Россияда социал-иқтисодий муносабатлар тарихига эътиборсизлик, археология билан тарих ўртасидаги бевосита алоқани инкор қилиш ва шу каби буржуа археологиясига хос бошқа хусусиятлар мавжуд эди. Ғарбий Европа фанида эса бундай қарашлар яна ҳам кенг ўрин олган эди.

Бу ерда шунга айтиш керакки, XIX асрда Ғарбий Европа археологияси ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритган эди. Тараққийпарвар буржуа олимлари ибтидоий маданият тараққиётининг асосий паллаларини белгиладилар, тош даври маданиятини аниқлаш айниқса мураккаб иш эди; ҳамма даврларга оид кўпдан-кўп буюм-асбоблар муваффақиятли равишда классификация қилинди; бронза ва темир даврларининг батафсил хронологияси ишлаб чиқилди; қадимги кишилар, хусусан греклар ва римликлар турмуш маишатидаги кўпгина тафсилотлар текширилди.

Аmmo буржуа археологлари социал-иқтисодий муносабатлар тарихи билан қизиқмас ва жамият тараққиёти процессини ўр-

ганмас эдилар. Маданият соҳасидаги (айниқса бронза ва темир даврларидаги) ўзгаришларни халқларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши (миграцияси) ёки бир-бирларидан ўрганиб ўзлаштириб олиш туфайли пайдо бўлган деб таърифлардилар. Биз бу масалада буржуа фанига хос бўлган хусусий ҳолатни, ҳаракатни ўрганишда унинг «манбаи ташқарига кўчирилиши» ни¹ кўрамыз.

Биринчи жаҳон урушидан кейин буржуа археологиясида олдин пайдо бўлган реакциялар устунлик қилиб қолди. Бу ҳол эса археология фанининг тараққий қилиб боришини секинлаштирди. Буржуа мамлакатларидаги археологлар орасида совет археологияси таъсиридаги прогрессив олимлар ҳали ҳам бор, аммо улар оз бўлиб, оғир шароитда иш олиб бормоқдалар. Реакцион назариялар археологиянинг турли қисмларида акс этгандир.

XIX асрда қадимги тош даврини ўрганиш иши бу соҳада катта хизмат кўрсатган буржуа эволюционистлари қўлида эди. Улар одамнинг пайдо бўлиши тўғрисида Дарвин таълимотига амал қилиб, ибтидоий маданиятнинг секин-аста тараққий қилиб боришидаги бир неча босқичини белгилаб берган эдилар. XX аср бошларида қадимги тош даврини текширишда етакчилликни католик аббатлар бошчилик қилаётган антиэволюционистлар қўлга олган эдилар. Католик руҳонийлар бу ишда умуман катта фаолият кўрсатдилар, чунки улар одамнинг пайдо бўлишини текшириш юзасидан топилган ҳақиқий маълумотларнинг черков дунёқарашига нақадар хавфли эканини жуда яхши билардилар. Улар буржуа эволюционистларининг хатоларидан жуда усталик билан фойдаландилар, эволюционистлар эса (материалист-механистларга хос тарзда) тараққиёт жуда секин давом этган деб фараз қилган ва шунинг учун ҳам турли даврлардаги чақмоқ тош индустрияси ўртасидаги жиддий тафовутни юмшатардилар.

Клерикал археологлар шу тафовутларни пеш қилиб, эволюция принципига очиқдан-очиқ қарши чиқмасалар ҳам, ҳар қандай йўллар билан бу принципнинг бурдини кеткизишга ҳаракат қилардилар. Улар тош даврини бир неча замонга бўладилар (ҳар бир замон ичидаги тараққиётни назарга олмайдилар) ва бу замонларнинг бири ўрнига иккинчисининг келишини қаердандир ташқаридан янги тур одамнинг пайдо бўлиши билан боғлайдилар (гарчи ҳеч бир жойда очиқдан-очиқ айтилмаса ҳам ҳар сафар худонинг аралашishi назарда тутилади). Археология фанининг тараққий йўлига клерикаллар солган ғоялар совет археологлари қилган ишлар билан олиб ташланди (бу ҳақда ҳали қуйида гапирилади).

Тарихий процесс бирлиги ва прогрессивлигини инкор қилиш «маданий доиралар назарияси» деб аталган «назария» да камол

¹ В. И. Ленин, *Философские тетради*, Гослитиздат, 1947, 328-бет.

топади. Буржуа археологлари бу «назария» ни буржуа этнографларидан ўзлаштириб олган эдилар. Бу «назария»га мувофиқ жами маданий ҳодисалар маълум маданий доираларга биркитилади. Бу маданий доиралар эса ҳар хил археология ва этнография материалларидан сунъий равишда қориштирилган қурамадан иборат. Ҳар қайси доира ичидаги социал ҳодисалар тараққиётдан хориж бўлиб, минг-минг йиллар давомида гўё қотиб тураверади. Бу «назария» тарафдорлари бундай доираларни ер юзида бир нечта деб ҳисоблайдилар, тарихий процесс эса доиралар территориясининг торайиши ёки кенгайишидан, айрим маданият элементларининг бир доирадан иккинчисига ўтишидан иборат қилиб қўядилар. Бу реакцион назария тарафдорлари ижтимоий формаларнинг прогрессив тараққиётдан гувоҳлик берувчи ёзма ва моддий тарихий манбаларнинг ҳеч биттасини эътиборга олмайдилар.

Антик дунёни ўрганувчи буржуа археологлари, аслда, антик дунёдаги буржуа тарихшунослари сингари цикличилардир, чунки улар назарида кишилик тарихи такрорланувчи цикллارнинг биқиқ доирасида айлана беради. Бу эса антик жамиятни замонлаштириш ва ундан (қадимги шарқ жамиятидан қидирилгани сингари) феодал ва капиталистик муносабатларни излаш билан боғлиқдир. Бунда ишлаб чиқаришдаги қулдорлик усулининг ўзига хос хусусияти инкор қилинади. Цикличилар, капитализм тараққиётининг албатта энг чўққиси, капитализмнинг ҳалокати шубҳасиз цивилизациянинг ҳалокатига олиб келади, дейдилар. Бу тарихшунос ва археологлар қадимги дунёни ҳозирги капиталистик мамлакатларга сунъий равишда ва юзаки таққослаб, шу қиёсنى ўз фикрларига асос қилиб оладилар. Экономикани ўрганишда археология материаллари асосида савдо-сотик ишларини, унинг кенг кўлам олганлигини муфассал таърифлайдилар, аммо археология материаллари асосида ўзига хос туб хусусиятларини аниқ кўрсатиб бериш мумкин бўлган антик дунё саноатига жуда кам эътибор берадилар. Шундай қилиб, буржуа фанининг тарихий процесс прогрессивлигини эътироф қилишдан қўрқиши (бу эса буржуазиянинг социал революциядан қўрқишидан келиб чиқади) ҳар хил (антиэволюционизм, маданий доиралар назарияси, цикличлик) тус олади, аммо бу мутлақо буржуа оламидаги чириб бораётган ҳамма нарсанинг тарихий тараққиётга қарши ҳаракати билан боғлиқдир.

Буржуа археологияси халқларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши ва бир-бирларидан ўрганиб ўзлаштириши ҳақидаги фанга бирданига айланган эмас, бунинг секин-аста ана шундай фанга айланганлиги тасодифий ҳол эмас. Ижтимоий тараққиёт қонуниятларини фақат марксча-ленинча фангина билиб олди. Буржуа археологлари моддий маданият соҳасидаги туб ўзгаришлар қабиаларнинг алмашилиши, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши туфайли, хусусий ўзгаришлар эса қабиаларнинг

бир-бирларига таъсир қилиши, бир-биридан ўрганиб ўзлаштириши туфайли содир бўлади, дейдилар. Ўзгаришларнинг туб сабаблари, социал сабаблари ҳақида оғиз очилмайди. Кўпгина буржуа археологлари моддий маданият соҳасидаги барча ҳодисаларни ирқлардан бирортасига тақайдилар. Шунинг учун ҳам кўчиш ва ўзлаштириш фактларини традицион қидириш ирқий тус олади. Ирқчиларнинг инсониятга қарши қаратилган қарашлари гитлерчилар Германияси археологиясида ҳукмрон эди ва бундай қарашлар баъзи буржуа мамлакатларининг археологиясида ҳали ҳам ҳукм сурмоқда.

* * *

Совет Иттифоқида ва барча социалистик мамлакатларда археология фани марксизм-ленинизм асосида тараққий қилиб бормоқда. Марксча-ленинча методология барча илмий муваффақиятларнинг асосидир. Қазилма меҳнат қуроллари ва моддий маданиятга оид бошқа қолдиқларга қараб қадимги ва ўрта асрлардаги жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари текширилади. Совет археологлари ҳар қайси территорияда текширилаётган ҳар қандай даврнинг ижтимоий муносабатларини билиб олишга, ибтидоий жамоа, қулдорлик, феодал тузум тараққиётининг конкрет хилларини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Шу билан ижтимоий тараққиётнинг буржуа археологлари учун ёт бўлган, улар билиб ололмайдиган асосий қонуниятлари ўрганилади.

Совет археологлари шу тараққиётни текширар эканлар, бир қанча даврлар ва кўпгина ўлкаларнинг жуда кўп конкрет мисоллари асосида моддий маданият соҳасидаги катта-кичик ўзгаришларнинг буржуа фани хиралаштирган туб сабабларини очиб бердилар. Шу билан аниқ, равшан бўлдики, маданий ҳодисалар, шу жумладан моддий маданият ҳодисалари ҳам ҳар хил ўлкаларда умумий қонуниятларга мувофиқ тараққий топганлигидан бир-бирига ўхшайдилар. Буржуа олимлари бундай ўхшашликни бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ва бир-биридан ўрганиб ўзлаштириш натижаси дейдилар, аслда эса бу ўхшашлик социал шароитлар тақозосидир. Совет археологияси халқларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчишини ҳам, бир-бирларидан ўрганиб, ўзлаштиришини ҳам инкор қилмайди, аммо бу процессларнинг ўзи ҳам социал шароитлар тақозосидир, улар ҳеч қачон тарихий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч ҳам, бу тараққиётнинг асосий мазмуни ҳам бўлган эмас. Зотан, улар буржуа археологлари ўйлаганидан кўра камдан-кам содир бўлгандир.

Совет археологиясининг ютуқлари реакцион фанга қарши, шунингдек, ўз фанимизда марксизмни бузишларга қарши жуда қаттиқ кураш натижасида қўлга киритилди.

Фақат СССР билан социалистик мамлакатлардагина археология ишлари давлат кўламида ташкил этилган ва тарих фанининг манфаатлари юзасидан план асосида олиб борилади. Археология ишларининг тематикаси тарих фани олдида турган вазифаларга қараб тузилади. Совет халқининг хусусан колхозчи деҳқонларнинг маданий талаблари тез ўсиб борганлиги туфайли археология соҳасидаги кашфиётлар сони кўпайди: илгари вақтларда тасодифан топилган қадимги ёдгорликларни одатда олимлар билмай ҳам қоларди. Ҳозир эса бундай ёдгорликларни аҳоли музейларга олиб бориб топширади, жуда кўп қадимги маконлар, шаҳар харобалари, гўрлар, мозор-қўрғонлар ва бошқалар ана шу тариқа тасодифан топилмоқда.

Совет археологиясининг дала ишларидаги муваффақиятлари кўп жиҳатдан кенг кўламда олиб борилаётган совет қурилишлари билан боғлиқдир. Қурилиш ташкилотлари қурилиш вақтида бузилиши ёки сув бостирилиши лозим бўлган жойлардаги мавзелар ва қабрларни қазिशга махсус маблағ ажратадилар. Топиладиган қадимги ёдгорликларнинг ҳаммаси давлат мулки бўлиб, давлат уларни илмий ташкилотларга топширади. СССРда бундай топилмалар хусусий мулк бўлолмайди, капиталистик мамлакатларда эса уларнинг хусусий мулкини археологиянинг ривожлантирилишига фоят тўсқинлик қилади.

СССРда ибтидоий жамият тарихи тарих фанининг бир бўлими ҳисобланади. Палеолитни текширувчи совет олимлари марксизм-ленинизм таълимотига таяниб, инсоният тарихининг энг қадимги давларидаги социал-иқтисодий муносабатларни аниқладилар, буржуа фани эса бу муносабатларни аниқлаб бўлмайди дейди. Палеолит соҳасида замонамизнинг энг катта мутахассиси П. П. Ефименко бўлиб, у ғарбдаги антиэволюционист археологларнинг концепциялари ногўфрилигини исбот қилди. Буржуа археологлари даврлар ўртасидаги кескин тафовутларни пеш қилиб, шу асосда Дарвиннинг одамнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги таълимотини инкор қиладилар; П. П. Ефименко эса даврлар ўртасидаги кескин тафовутларни социал-иқтисодий ўзгаришлар туфайли вужудга келганлигини биринчи бўлиб исбот этди. П. П. Ефименко ибтидоий давр маконларини қазининг янги усулини ишлаб чиқди ва шу асосда Юқори Донда палеолит маконларини аниқлади, палеолит маконлари эса шу вақтгача фанда маълум эмас эди. С. Н. Замятин ва П. И. Борисковскийлар палеолит даврини текширишда муҳим ишлар қилдилар. Мезолит даврини текширишда М. В. Воеводский катта хизмат кўрсатди. Чор Россиясида неолит даврига оид анчагина материал тўпланган бўлса-да умуман олганда бу давр ҳеч ҳам ўрганилмай қолаверган эди деса бўлади. СССР нинг Европа қисми ва Сибирь неолити Совет химияти даврида муфассал ўрганилди, бу соҳада қилинган ишларни умумлаштирадиган асарлар яратилди, бу асарларда неолит қабилаларининг тараққий қилиш ва кўчиб

юришларининг умумий манзараси берилди. Археологиянинг бу соҳаси тўғрисида гапирар эканмиз, А. Я. Брюсов, М. Е. Фосс, О. Н. Бадер ва А. П. Окладниковларнинг асарларини айтиб ўтиш лозим. СССР да энеолит даври ҳаммадан кўра Украинада яхши ўрганилган, бу жиҳатдан Т. С. Пассек, С. Н. Бибилов ва Е. Ю. Кричевскийларнинг Триполье турар жойлари ҳақида ёзган асарлари фоят муҳимдир. Олимлар Шарқий Европада кўп вақтлар инкор қилиб келган бронза даврининг бўлганлигини В. А. Городцов XX аср бошларида исбот қилиб берди. Бу ажойиб совет олими ўзининг илмий фаолиятини XIX аср охирларидаёқ бошлаган эди. Унинг бронза даври ҳақидаги асарларидан ташқари палеолит ҳақидаги асарлари, турли даврлардаги турар жойларни текшириш усули, шунингдек Россияда археология соҳасида қилинган ишларни умумлаштирувчи асарлари (улар палеолит давриддан тортиб ўрта асрларни ҳам ўз ичига олади) катта аҳамиятга эгадир. Бронза даврини ўрганишда И. В. Сеницин, К. В. Сальников, Б. А. Куфтин, Г. К. Ниорадзе ва Е. И. Крупновларнинг асарлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Скифлардан қолган қадимги ёдгорликларни ўрганишда Б. Н. Граков ва М. И. Артамонов кўп иш қилдилар. Жанубий Сибирдаги бронза ва темир даврларининг археологиясини ўрганишда катта муваффақиятларга эришилди, буни кўп ўрганган олим С. В. Киселевдир. У Жанубий Сибирнинг тўрт минг йил давомидаги социал-иқтисодий тарихини тиклаб берди. Бу тарихнинг ҳар бир даври тўғрисида чиқарилган илмий хулосалар С. В. Киселевнинг ўзи қазиб топган ажойиб материалларга асосланган. Сибирни текширувчилардан Г. П. Сосновский, С. И. Руденко, Л. А. Евтюхова ва М. П. Грязновларни ҳам айтиб ўтиш керак.

Ибтидоий жамиятларнинг аниқ тарихини фақат археология ишлари асосидагина яратиш мумкин. Бу иш сўнгги вақтларгача ер юзининг ҳеч бир жойида қилинмаган эди. Ҳозир эса совет археологларининг ҳаракатлари натижасида СССРнинг бир қанча областларнинг кўп минг йиллар давомидаги бундай тарихи, бу областларда одамлар дастлаб жойлашган вақтдан бошлаб, уруғчилик тузуми емирилиб синфлар пайдо бўлган давргача бўлган тарихи ўрганилди. Совет археологларининг антик дунёни ўрганишлари натижасида қулдорлик жамиятининг хўжалик ва маданиятини таърифлаш юзасидан кўпгина янгиликлар киритилди. В. Д. Блаватский ва В. Ф. Гайдукевич Қора денгиз бўйидаги антик дунё давлатларини текширган машҳур тадқиқотчилардир. Совет археологлари антик дунёнинг амалий санъати билангина эмас, балки моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма турлари билан шуғулланадилар ва шу билан революциядан олдинги археологлардан фарқ қиладилар.

Қулдорлик ва феодал формациялар Шарқда ҳам, Ғарбдаги сингари, қонуниятлар асосида ривожланиб борган, аммо баъзи

хусусиятлари билан Фарбдаги формациялардан фарқ қилган. Тарихий ҳодисаларни аниқлаш юзасидан совет археологлари кўп ишлар қилди. Б. Б. Пиотровский археология материаллари асосида, Арманистондаги Тейшебаини шаҳрида олиб борган қазилардан кенг фойдаланиб, Урарту қулдорлик подшолигининг тарихини ёзди; у Тейшебаинини қазиларда ўша подшоликдаги деҳқончилик, ҳунармандчилик, ҳарбий ишлар ва санъатга доир жуда кўп материаллар топган эди.

Ўрта Осиёнинг Амударё этакларида С. П. Толстов қадимги Хоразм маданиятини кашф этди, бу эса фан учун тамомла янги кашфиёт эди. С. П. Толстов қадимги Хоразм алифбосини аниқлашга муваффақ бўлди. У Хоразмда неолитдан бошлаб ўрта асрларгача бўлган ҳамма даврлардаги турар жойларни текширди ва Ўрта Осиёда ибтидоий-жамоа тузумидан қулдорлик тузумига, қулдорлик тузумидан феодал тузумига ўтиш йўллари аниқлади. Хоразм шаҳарлари ва қасрларидан топилган нарсалар бундаги маданиятнинг порлоқлиги ва ўзига хос маданият бўлганлигидан далolat беради. А. Ю. Якубовский Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги энг муҳим шаҳарларининг ижтимоий топографиясини аниқлади, ўрта асрларда маданияти гуллаб-яшнаган давридаги Самарқанднинг археологик таърифини берди ва Ўрта Осиё археологияси билан Волга бўйи археологияси ўртасида маҳкам алоқа ўрнатди. Ўрта Осиё археологиясини ўрганишда М. Е. Массон, В. А. Шишкин, Я. Ф. Гуломов, А. Н. Бернштам ва М. М. Дьяконовларнинг асарлари катта аҳамиятга эгадир. А. П. Смирнов доимий қазилар ўтказиб Волга Булғориясини текширди, у топилган археология материаллари асосида бу давлатнинг тарихи ва экономикасини аниқлаб тиклади. Совет археологлари қилган ишлари Кавказда, Ўрта Осиёда ва Волга бўйида яшаган бир қанча давлатларнинг тарихини ёзишга имкон берди ва бу давлатларнинг ҳақиқатда қандай аҳамиятга эга бўлганликлари ва маданиятлари нақадар юксаклигини кўрсатди.

Совет тарихи фани В. И. Лениннинг кўрсатмаларига амал қилиб, Россия тарихий тараққиётининг алоҳида қонуниятлари тўғрисида буржуа тарихчиларининг реакцион уйдирмаларини муваффақиятли равишда рад қилди. Археология бундай уйдирмаларга қарчиқураш олиб бориш учун гоят қимматли материаллар берди ва бунда археологлarning текширишлари катта аҳамиятга эга бўлди. Шарқий славян қабилаларининг, шунингдек жанубий ва шимолий славян қабилаларининг ҳам илк тарихини дастлаб текширган П. Н. Третьяков Руснинг пайдо бўлишига доир масалаларни муваффақиятли равишда ўрганди. Қадимги Руснинг ҳамма бурчакларидаги шаҳарларда ўтказилган қазилар натижасида ҳамма жойда ҳунармандчилик устаноналари топилди ва шу билан ўрта асрлардаги рус шаҳарлари аввалги тарихчиларнинг фикрларига зид ўлароқ ўзига хос

савдо ва маъмурий марказлар бўлмай, балки ҳаммадан ҳам кўра (Европа ва Осиёдаги бошқа ўрта аср шаҳарлари сингари) ҳунармандчилик шаҳарлари эдилар. Б. А. Рибоков қадимги Русь ҳунармандчилигини махсус ўрганди, у бу ҳунармандчиликнинг техника усуллариин икир-чикиригача ўрганиб, ижтимоий жиҳатдан қандай ташкил этилганлигини аниқлади ва унинг юксак даражада тараққий қилганлигини исбот этди. Б. А. Рибоковнинг бу ишлари қадимги Руснинг маданий савияси жуда паст эди деган илм-фанга зид уйдирмаларни рад қилишда муҳим роль ўйнади.

М. К. Каргер ва Н. Н. Воронин олиб борган ишлар қадимги Русь шаҳарлари тарихида муҳим ўрин тутади. Улар қадимги архитектура ёдгорликларини очиш ва бу ёдгорликлардан тарихий манба сифатида фойдаланиш жиҳатидан кўп иш қилдилар.

Феодал хўжаликнинг таърифига кўп янгилик киритган совет олимларининг славян-рус археологияси юзасидан қилган ишларининг энг муҳим якуни қадимги Русь маданиятининг туб аҳамиятини аниқлаб берганлигидир. Мўғуллар ҳароб қилишдан олдин Русь Европанинг илғор мамлакатларидан бири бўлган, моддий-тарихий манбалар ҳам буни қатъий исбот қилмоқда.

Совет тарихшунослари буржуа тарихчиларидан фарқ қилиб, археология материаллари ва текширишларга қатъий таяниб иш кўрадилар.

Рус ва совет археологлари ер шарининг олтидан бир қисмини текширдилар. Улар текширган шу қисмда жаҳон маданиятининг кўпгина муҳим қадимги марказлари жойлашган. Рус ва совет олимларининг жаҳон археологиясига қўшган ҳиссалари шу қадар буюкки, ҳамма мамлакатларнинг энг машҳур археологлари рус тилини ўргандилар. Совет ҳокимияти даврида археология фани мисли қўрилмаган даражада сифат жиҳатидан тамомила янги асосда тез тараққий қилди. Улуғ Ватан урушидан кейин археология соҳасидаги текширишлар моддий таъминоти, техника воситалари билан таъмин этилиши ва проблематикасининг кенглиги жиҳатидан урушдан олдинги даражадан тез ўтиб кетди.

* * *

Бу курс ўз олдига тарихчиларни моддий тарихий манбалар билан ва шу манбаларга асосланиб қилинаётган илмий хулосалар билан таништириш вазифасини қўяди. Археология фани хоҳ ибтидоий жамиятга, хоҳ антик даврга, хоҳ ўрта асрларга доир қадимги ёдгорликларнинг ҳаммаси билан ҳам баб-баравар иш кўради. Университетда ўқитиш учун уларнинг ҳаммаси ҳам баб-баравар муҳим ва улар бир-бири билан жуда маҳкам боғлиқдир. Курснинг материаллари хронологик ва географик тартибда жойлаштирилган, негаки, у материалларнинг баёни конкрет-тарихий бўлиши лозим.

Ушбу китобнинг асосий вазифаси ижтимоий-иқтисодий формациялар тараққиёти тарихининг баёнидан иборат, негаки, бу тарих турли даврга ва мамлакатимизнинг турли областларига оид археология материаллари асосида аниқланган.

Китобдаги материаллар даврларга қараб тўртта катта бўлимга бўлинган. Улар «тош даври», «бронза даври», «темир даври», «СССР территориясидаги қулдорлик ва феодал давлатлар» давридир.

Меҳнат қуроли ясалган материаллар археология даврларига бўлиш учун энг қулай асосдир. Тош давридан бронза даврига ўтиш чегараси Европа билан Осиёдаги ҳамма мамлакатларда деярли эрамиздан олдинги III минг йиллик охирига қадар тўғри келади, бронза давридан темир даврига ўтиш эса мазкур жуда кенг территорияда эрамиздан олдинги I минг йилликнинг бошларига тўғри келади.

Археология даврларига бўлиш ибтидоий-жамоа тузуми доирасидаги жуда катта тарихий даврларни бир-бирдан ажратиш учун қўлланилди. Ўзма манбалар пайдо бўлиши билан археология даврларига (меҳнат қуроли ясалган материалларга қараб) бўлишнинг аҳамияти қолмайди, шу сабабдан синфий жамият тарихига оид археология маълумотлари муайян ижтимоий-иқтисодий формация доирасида, яъни маълум синфий жамият қайси формацияга мансуб бўлса, ўша формация — ё қулдорлик ёки феодал жамият доирасида кўрилади.

Тош даври палеолит ёки қадимги тош даври, мезолит ёки ўрта тош даври, неолит ёки янги тош даврига бўлинади. Энеолит ёки мис — тош даври бронза даврига ўтиш босқичи бўлса ҳам тош даври билан яқинроқ боғлангандир.

«Қадимги славянлар. Шарқий Европадаги илк ўрта аср» деган ўн биринчи боб «Қулдорлик ва феодал давлатлар» деган IV бўлим доирасидан чиқиб кетади, чунки славянлар ва қўшинларининг илк тарихи ибтидоий-жамоа тузумига оиддир. Аммо археологиянинг ўзи ва бу бобнинг кейинги баён билан боғланганлиги сабабли ўн биринчи бобни дарсликнинг IV бўлимига киритишга мажбур бўлинди.

Бу китоб СССР археологиясига бағишланган. Бошқа мамлакатларнинг археологияси курснинг тор рамкасига сиғмади. Бошқа мамлакатлар археологиясига доир маълумотлар айрим масалаларни изоҳлаш учунгина келтирилди. Ушбу китоб автори ёзган «Введение к археологии» деган ўқув қўлланмасида (3-нашри Москвада 1947 йили босилган) СССР, Ғарбий Европа ва Шарқ археологияси баён қилинган эди, аммо у қўлланма манбалар обзоридан иборат бўлиб, унда тарихий хулосалар озгина эди; ана шу тариқа у қўлланма мазмунга шикаст бериб жуда қисқартириб қўйилган эди.

СССР — қадимги ёдгорликлари асосида археология умумий курсини тузиш мумкин бўлган бирдан-бир мамлакатдир, чунки

бу мамлакатнинг қадимги ёдгорликлари жуда муҳим ва хилма-хилдир. Ушбу дарсликдаги баёнлар XV аср билан тамомланади. XV аср билан чеклаб қўйишнинг сабаби шуки, бундан кейинги асрларга оид археология манбалари мукамал эмас, ёзма манбаларга нисбатан уларнинг аҳамияти ҳам унча катта эмас. Бу курс археологияни тарих фанининг бир бўлими сифатида умумий тарзда қисқача баён қилиш йўлида қилинган биринчи тажрибадир.



I. ТОШ ДАВРИ

БИРИНЧИ БОБ

ПАЛЕОЛИТ

«Палеолит термини грекча «палайос» — қадимги ва «литос» — тош сўзларидан келиб чиққан. Бу қадимги тош даври инсоният тарихининг бир неча юз минг йиллини ўз ичига олади.

Кишилик маданиятининг вужудга келиш масаласи бевосита одамнинг пайдо бўлиш масаласи билан боғлиқдир. Реакцион олимлар Дарвиннинг гениал назариясини рад қилишга ҳар қанча уринсалар ҳам, у назариянинг тўғрилиги неча ўн йиллар давомида янгидан-янги илмий кашфиётлар билан исбот этилмоқда. Хусусан бу олим белгилаб берган одам генеалогиясининг тафаккури эришган энг мустақкам ютуқлардан бири бўлиб чиқди. Аммо Дарвиннинг ўзи ҳам ва шогирдлари ҳам одам билан маймун ўртасидаги чегара қаерда деган саволга жавоб беролган эмаслар.

Бу фақат биологияга доир масала эмас. Одам аввал бошда ноқ ўзининг янги сифатлари билан, унинг биологик хусусиятларига (гарчи бу хусусиятлар жуда муҳим бўлса ҳам) боғлаб бўлмайдиган сифатлари билан маймундан фарқ қилади. Одам яратган бутун маданият буни тасдиқлайди, ҳатто маданиятнинг энг биринчи куртаклари ҳам (гарчи улар ибтидоий ва дағал бўлса-да) шу тафовутнинг муҳим ўлчовини кўрсатади.

Энгельс «Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли» деган машҳур асарида ана шу ўлчовни аниқ белгилаб берди. Меҳнат, деди у, «Одам бутун ҳаётининг биринчи асосий шартидир, зотан шу қадар муҳим шартки, биз маълум маънода: одамнинг ўзини меҳнат яратган, дейишимиз керак». Кўпгина биологлар ўзига ин ва пана қурган, ҳар хил мақсадларда қўлига тош, таёқ ҳамда бошқа нарсалар олган маймунларни кузатиб, уларнинг бу ҳаракатларига ортиқча баҳо бердилар. Фақат Энгельс шу шубҳасиз фактларни келтиргани ҳолда ундан жуда аниқ хулоса чиқариб, бу фактларни ўз жойига қўйди: «Ҳеч бир маймун ҳеч қачон ўз қўли билан гарчи жуда кўпол бўлса ҳам тошдан пичоқ ясаган эмас». Бу ерда асосий фарқ кўзга ташланади: «...Кишилик жамияти маймунлар галасидан фарқ қиладиган муҳим аломатни биз яна нима-

да кўрамир? Мехнатда». Сўнгра Энгельс: «Мехнат — қуроллар ясашдан бошланади»¹ деб алоҳида уқтириб кўрсатади.

Бу археологлар учун айниқса муҳимдир ва археологиянинг, яъни мехнат қуроллари тарихини бевосита ўрганадиган фаннинг аҳамияти ана шундан кўриниб турибди. Маймун қўлига олган таёқ ёки тошни қурол деб бўлмайди, ёғоч қуролни фақат тошдан ясалган қурол воситаси билангина тайёрлаш мумкин. Тошдан ясалган қуроллар булмаган жойда одам ҳам яшаган эмас. Ишланган тош топилар экан, гарчи одам суюқлари топилмаганида ҳам (одатда палеолит қатламларида одам суюқлари сақланмайди), у одам фаолиятининг аниқ-равшан аломатидир. Фақат шу йўл билангина одамнинг қачон пайдо бўлганлигини аниқлаш мумкин. Лекин буни аниқлаш учун зарур материаллар ҳали етарли эмас, шу сабабдан бу соҳада бўлаётган илмий текширишлар ҳозирча енгиб бўлмаётган битта қийинчиликка дуч келмоқда. Қайси қуролни энг қадимги қурол деб ҳисоблаш керак, деган масалада ҳар хил фикрлар бор, чунончи, эолит деб аталадиган тошларни қурол дейиш мумкинми, йўқми (грекча «эос» — тонг, «литос» — тош демакдир).

Уткир қиррали, одатда чақмоқ тош парчаси эолит деб аталади, бу парчалар секин-секин кертиб ишланганга ўхшаб туради. Эолитлар шакли билан кешиш уруш ва ҳоказолар учун бирмунча қулай кўринади, аммо хилма-хил табиий чақмоқтош парчалари беҳисоб кўп бўлганлигидан, бундай парчалар табиий равишда шундай ҳолга келган бўлиши ҳам мумкин. Шундай бўлса-да, жуда кўп эолитларда кертилган излар худди маълум мақсадни кўзлаб тўғри кертилгандек аниқ кўриниб туради. Биринчи қарашдаёқ буни одамдан бошқа ҳеч ким қилиши мумкин эмас деган қатъий фикр туғилади.

Аммо чақмоқтош парчалари тезоқар сувлар таъсирида, оқимда бир-бирларига ёки сой тагидаги тошларга урилавериб худди шундай ҳолга келганлиги кузатилган эди. Эолит одам қўли билан ясалган деган фикр тарафдорлари чақмоқтош парчаларининг табиий равишда бундай ҳолатга келиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса, аммо эолитлар ҳаддан ташқари кўп дейдилар. Борди-ю шундай бўлсин, аммо ҳар ҳолда биз бу тошлар ичидан қайсисини одам ясаган, қайсиси сув таъсирида ҳосил бўлганини ҳозиргача ажрата олмаيمиз. Сўнгра ўша олимлар баъзи эолитларда ўт таъсири борлигини айтдилар. Аммо тош ўрмон ёки дашт ёнғинида қолган бўлиши ҳам мумкин, бундай ёнғинлар яшиндан ҳосил бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Бироқ ҳар ҳолда одамнинг дастлабки қуроллари эолитлар шаклида бўлиши турган гап. Энг қадимги инсоният тарихининг бир неча юз миңг йилини эолит даври деб аташ мумкин.

¹ Ф. Энгельс, Маймуннинг одамга айланиш процессида мехнатнинг роли. К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, Ўздавнашр, 1959 й., 86-бет.

Эолитлар масаласи мутлақо ҳал бўлмайдиган масала эмас, албатта. Улар одамзоднинг истиқомат аломатлари билан бирликда топилса керак. Аммо одамзоднинг истиқомат аломатлари қанақа? Бу аломатларни осонгина аниқлаб бўлмайди. Ахир, ёғоч буюмлар ерда бир неча минг йиллар давомида сақланмайди. Эолитлардан ташқари, тошдан ясалган бошқа хил қуроллар бўлмаган. У даврда турар жойларнинг бўлиши мумкин эмас эди. Одамзод томонидан чақилган ҳайвон суякларигина ишончли аломат бўлиши мумкин. Эолитларнинг ана шундай суяклар ёки одам суяклари билан бирликда топилишини кутиш керак; бундай топилмалардан бири Хитойда очилган эди (қуйида синантроп ҳақида ёзилганларга қаранг). Келгусида олимлар бевосита эолитларни ўрганганларида ҳам улар орасидан одам қўли билан ясалганларини аниқлашга ёрдам берадиган хийла мукаммал усулларни кашф қиладилар деган умид бор. Қуйида, ушбу курс саҳифаларида қадимги буюмларнинг кўпгина аломатлари санаб берилган, аввалги олимлар билмаган бу аломатлар археологиянинг тараққий қилиб бориши билан муҳим илмий хулосалар чиқаришга хизмат қилди. Фаннинг тараққий қилиш имкониятлари беҳаддир.

Одамнинг аниқ қачон пайдо бўлганлиги ҳанузгача аниқланган эмас. XIX асрдаёқ баъзи олимлар бу масалани ҳал қилишга уриниб кўрган эдилар. Улар эолитларни одамзод ясаган буюмлар деб ҳисоблаган ва ҳатто уларнинг эволюциясини ҳам белгиллаган эдилар. Аммо бу уларни жуда узоққа, учламчи даврга олиб бориб тақайди.

Бу ўринда ер тарихини геология даврларига бўлишни эслаиб ўтиш мумкин, бунда кишилик тарихи, маълумки, жуда ҳам қисқа вақтни ташкил этади. Архей эрасида ер шари ҳали қизиб турган бўлиб, фақат шу эранинг охиридагина дастлабки жуда оддий организмлар пайдо бўлган. Палеозой эраси авваллари бирламчи эра деб аталган эди; бу эра беш даврга бўлинади. Кембрий, силур ва девон даврларининг ҳайвонотида умуртқасизлар ҳукм сурган; тошқумир ва перм даврларининг ҳайвонотида ер ва сувда яшовчи ҳайвонлар ҳукм сурган. Урмаловчилар ҳукм сурган (авваллари иккиламчи эра деб ҳисобланган). Мезозой эраси уч даврга: триас, юра ва бўр даврларига бўлинади. Сут эмизувчилар ҳукм сурган кайнозой эраси учламчи ва тўртламчи даврлардан иборат икки даврга бўлинади. Палеозой эраси тахминий ҳисобларга кўра, бундан 900 миллион йил бурун бошланган, учламчи давр бундан бир неча ўн миллион йил бурун, тўртламчи давр эса бир миллион йил бурун бошланган.

XIX асрдаги буржуа эволюционистлари ўз замонасининг прогрессив олимлари бўлсалар ҳам уларнинг методологияси механик методология бўлган. Шунинг учун ҳам улар маймуннинг одамга айланиш эволюцияси жуда ҳам секин ва суст борган деб тахмин қилганлар. Шу сабабдан улар учламчи давр эолитлари

ҳақидаги фаразларга ёпишиб олганлар. Учламчи қатламларда бундай тошлар кўп марта топилган.

XX асрда эволюционистларга зид реакцион олимлар эволюционизмга қарши кураш олиб бориб, эолитлар билан боғлиқ илмий фикрларнинг ноаниқлигидан ўз мақсадларида фойдаланганлар. Улар бу тошларнинг табиий бўлиши мумкинлигини тажриба ва геологик кузатишлар воситаси билан исбот этганлар. Шу тариқа учламчи давр эолитларининг бурди кеткизилган. Аммо реакцион олимлар барча уринишларига қарамасдан, одамзод ва у яратган индустриянинг эволюция принципи маҳкамлигича қола берди.

Палеонтология жиҳатидан қараганда ҳам учламчи давр одамнинг бўлганлиги ақлга сиғмайди. Маймулларнинг эволюцияси яхши ўрганилган. Учламчи даврнинг охири босқичларидагина горилла, шимпанзе ва одамнинг дриопитек ва ундан кейин рамапитек, австралопитек сингари умумий аجدоди шунингдек, одамга яқинроқ бўлган бошқа турлар пайдо бўлган аммо шундай бўлса-да, булар шубҳасиз маймуллардир.

Бу топилмаларнинг ҳаммаси деярли яқиндагина очилди. Одамнинг пайдо бўлиши ҳақида Дарвиннинг хулосалари XIX аср схири ва асосан XX аср бошларида маймун билан одамни бири-бирига боғловчи бир қанча бўғинлар кашф этилиши билан исбот қилинди, ҳолбуки Дарвин яшаган замонда ҳали бу аждодлар фан оламига маълум эмас эди. Бу аждодларнинг кўпи ҳали одамга айланмаган бўлса-да, баъзилари одам тусини олган. Мана шу энг қадимги одамлар ҳақида бирмунча муфассалроқ гапириш керак.

Ява оролининг Триниль деган жойида бир неча питекантроп, яъни маймун-одамнинг суяклари топилган. Мия қосасининг ҳажми 900 см^3 ва ундан сал кичикроқ, яъни маймуннинг миясидан анча катта, одамникидан анча кичикдир (горилла миясининг ўртача ҳажми 500 см^3 , жуда катта бўлганида 600 см^3 га етади. Одам миясининг ўртача ҳажми эса 1400 см^3 , жуда катта бўлганида 2000 см^3 дан ошади). Питекантропнинг ияги бутунлай бўлмаган. Ҳозирги замон одамини узоқ аждодларидан ажратиб турадиган асосий хусусиятлардан бири иякдир. Сонининг тузилишига қараганда питекантроп фақат оёқларида юрган, қўллари эса иш қилиш учун тамомила бўш бўлган; аммо оёқлари ҳали хийла букилган бўлган. Бу топилмаларнинг геологик ёши **тўртламчи давр** бошлари билан саналади. Питекантроп ёнидан ҳеч қандай тош қурол чиқмаган.

Хитойда Пекинга яқин Чжоу-коу-тянь деган жойда қазилма одамнинг синантроп деб аталадиган бошқа бир тури топилди. Бир хил қиёфадаги 25 та топилма негандир фақат бош ва жаф суякларидан иборат. Синантроп ривожланиш жиҳатидан питекантропга нисбатан юқори поғонада турса ҳам ундан унчалик кўп фарқ қилмайди: унинг ҳам пешанаси ётиқ ва тор, ияги ҳам

ҳали йўқ, аммо мясининг ҳажми 1200 см³, бош тепаси питекантропникидан кўра баландроқдир, Синантропнинг ҳамма суяклари илк тўртламчи давр қатламида бўлган.

Бу суяклар билан бирга синантроплар ишлатган қуроллар ҳам топилган. Бу қуроллар кўпроқ кварцитдан бетартиб кертиб ясалган эолитлардир. Синантропларда тошни ишлашда ҳали ҳеч қандай аниқ бир техника бўлмаган. Синантроп қолдиқлари ва улар ишлатган қуроллар билан бирга парчаланган ҳайвон суяклари ҳам топилган. Тўпланиб қолган кул синантропнинг ўтдан фойдалана бошлаганлигидан дарак беради. Аммо у ўтни ҳосил қилишни билмаган бўлса керак, чунки бундан кейинги даврга мансуб қадимги маконларда ҳам ўтдан фойдаланишни кўрсатадиган аломатлар камдан-кам учрайди. Ахир, аввало ўтни эгаллаш ўрмондаги ёнғинлардан ёки вулканлардан чиққан табиий ўтлардан фойдаланишдан бошланган. Топиб олинган ўтларни ўчирмасдан муттасил ёқиб туриш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчириш мумкин бўлган. Чжоу-коу-тяндаги кул қатламининг қалинлигига қараб тадқиқотчилар — бу ерда гулхан бир неча юз, балки бир неча минг йиллар давомида муттасил ёниб турган, деган хулосага келишди.

Энг қадимги одамнинг яна бир хил қолдиқлари Европада, Германиянинг Гейдельбергга яқин жойидан топилган. Аммо бунда фақат жағ суяги топилган (бу «Гейдельберг жағи» деб аталади). Унда няк бўлмай, тузилиши худди маймунниқига аммо тишларининг тузилиши одамниқига ўхшайди. Бу ерда ҳеч қандай қурол топилмаган. Геология жиҳатидан бу топилма ҳам илк тўртламчи даврга мансубдир. Бу учта топилма одамнинг ривожланишидаги биринчи босқични кўрсатади (иккинчи босқични неандерталь ва учинчи босқичи эса ҳозирги замон одамларидир).

Шу нарса аниқ маълум дейиш мумкинки, энг қадимги одамлар дастлаб пода-пода бўлишиб яшаганлар, ов ва теримчилик билан шуғулланганлар. Мева, ёнғоқ, илдиш ва шу сингариларни тегиб тирикчилик қилганлар. Уларнинг озуқа жамғармалари чегараланган бўлиб, мавсумга қараб кўпайиб ва озайиб турган. Одамлар якка-якка яшай олмаган, якка яшаганида улар очидан ўлиб кетардилар. Улар бир-бирига кўмаклашмасдан яшай олмаганлар. Бундан ташқари улар ҳар қадамда йирик йиртқич ҳайвонларга дуч келганлар. Гарчи тош ва калтаклар билан қуролланган бўлсалар-да, якка-якка одам йиртқич ҳайвон ҳужумига бардош беролмаган, аммо тўда эса калтак ва тошлар билан бўлса-да бир идож қилиб ҳамлани қайтариши мумкин бўлган.

Мана шундай сабаблар одамнинг ҳозирги замондаги энг яқин қавм-қариндошларидан бўлган горилла ва шимпанзеларни ҳам (гарчи улар ўзларининг муайян тараққиётлари туфайли, одамга жумладан ибтидоий одамга нисбатан кучлироқ ва ҳаракатчанроқ бўлсалар-да), кичик-кичик пода бўлиб яшашга мажбур эта-

ди; горилла ва шимпанзелардаги ана шу хусусиятлар скелёт тузилишларида ҳам акс этган, бу эса уларни қазилма одамлар билан солиштиришга имкон беради.

Илмий адабиётда одамларнинг коллективи одатда «ибтидоий одамлар подаси» деб аталади. Ф. Энгельс ва В. И. Ленин худди шу терминни ишлатганлар. Ф. Энгельс 1875 йил 12—17 сентябрда Лавровга ёзган хатида: «Ибтидоий одамлар пода-пода бўлиб яшаган бўлсалар керак ва, бас, биз узоқ асрларга назар ташлай олар эканмиз, албатта шундай бўлган деб биламиз»¹ деган эди. В. И. Ленин 1913 йил декабрида А. М. Горькийга ёзган хатида: «Ҳақиқатда «зоологик индивидуализм»ни худо тўғрисидаги идея чеклаган эмас, балки уни қадимги пода ҳам, қадимги коммуна ҳам чеклаган»² деган эди. Бунда ибтидоий кишининг тараққиётидаги икки босқич, бошқача ном билан айтганда «уруғчиликдан олдинги жамият» билан «уруғчилик жамияти» жуда аниқ қилиб бир-бирига қарама-қарши қўйилади.

Умум мақбул топган дастлабки археология даври шелл деб аталади. Бу ном Франциянинг Шелл шаҳарчаси яқинида топилган маскандан олинган. Бу давр тахминан 400 мингдан 100 минг йилча бурун ўтган. Археология жиҳатидан чўқмор шелл даврига хос қуролдир. Бу икки томонлама кертиб ясалган чақмоқтош қуролдир. Тошни кертиб ишлаш техникаси эолит даврида табиий тош бўлакларини палапартиш ишлашга нисбатан хийла илгари қараб босилган қадамдир. Бу техника шундан иборатки, тош икки томонидан симметрик ва мунтазам берилган зарблар воситасида палахсалар кўчирилган, натижада муайян шаклдаги қурол ҳосил бўлган.

Тошнинг ишланишидаги муайян симметриклик ва мунтазамлик янги аломатдир (эолитларда бу нарса йўқ) ва шу сабабдан бу қуроллар шубҳасиздир. Қуроллар тошни тош билан уриб ишланган. Чўқмор катта (тахминан 20 см) ва вазмин қуроллардир. Улар кўпинча бодомсимон, баъзан тухумсимон ёки найзасимон бўлади ва шакли ҳам бир-бирига ўхшаш бўлади. Чўқморлар дом қўлда қулай ўтиради, кафтга маҳкам ўрнашиш учун унинг юқори (даста) томи думалоқроқ қилиб махсус кертилган ёки тошнинг табиий қобиғи билан қолдирилган бўлади. Даста томони кенгроқ бўлиб, пастки — ишлатиладиган томони ўткир учли бўлади.


Қўл чўқморлари одатда чақмоқтошдан ясалган: чақмоқтош кейинчалик ҳам тош қуроллар учун доимо энг маъқул материал бўлган. Чақмоқтош бўлмаган ҳоллардагина бошқа хил тошлар, биринчи навбатда, кварцит, яшма, роговиқ, халседон, обсидиан кабилар ишлатилган. Чақмоқтошнинг бунчалик кенг қўлланилганининг сабаби маълум. Бу тошга барабар келадиган бошқа

¹ К. Маркс, Ф. Энгельс, Избранные письма, Госполитиздат, 1953, стр. 307.

² В. И. Ленин, Асарлар, 35- том, Ўздавнашр, 110- бет.

тош хили йўқ. Унда энг муҳим тўртта хусусият мужассамдир: 1) қаттиқлик, 2) ўткир қирралар беришлик, 3) юпка парракчаларга қулай бўлинишлик, 4) табиатда кенг тарқалишлик.

Авваллари қўл чўқмори шелл даври одамининг бирдан-бир ва универсал қуроли бўлган. Аммо шелл маконларида кўпгина жойда парракчалар учрайди. Даставвал олимлар уларни қўл чўқморлари ишлашдан қолган чиқитлар деб ҳисоблаган эдилар. Ҳақиқатан ҳам чақмоқтош палахсаларидан қўл чўқмори ясаш учун бундай парчалардан алла қанчасини ундан синдириб олиш керак, ахир. Аммо энди бу майда тош парракчаларнинг ҳам ишлатилганлиги исбот этилди. Кўп олимлар ҳатто деярли бешакл ва кесгич сифатида хизмат қилган бундай майда тош парракча-



1- расм. Шелл даври чўқмори. Арманистондаги Сатани — Дар горидан топилган

лар энг қадимги тош қуролдир, деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, қўл чўқморлари учрамаган ёки жуда кам учраган баъзи маконлардан майда тош парракчалар топилади. Кўпинча олимлар бундай маконларни шелл давригача бўлган алоҳида бир босқич деб ҳисоблайдилар.

Қўл чўқмори нимага ишлатилганлиги ҳақида савол туғилади. Унинг даставвал учли томони билан уриш учун ишлатилганлиги аниқ ва равшандир. Қўл чўқморининг ҳажми, оғирлиги, муайян шаклидаги дағал кертилган томонлари ва қўлни шикаст ейтишдан сақлайдиган силлиқ юқори (даста) қисми ана шундан далолат беради. Қўл чўқморлари мутлақо дастага ўрнатилмаган. Қўл чўқмори эҳтимол илдизлар томир қовлаш, ҳайвонларни уриб ул-

дириб, шох-шаббаларни қирқиш, қозиқ йўниш ва шу каби ишларда ишлатилган. У деярли универсал қурол бўлган. Қўл чўқмор билан кесиш ҳам мумкин, аммо кесиш учун тош парракчалари ҳатто ўша замондагилари ҳам, қулайроқ бўлган. Шелл масканларида қўл чўқморлар субтропик ўрмонларида яшайдиган ҳайвонларнинг, жумладан ўша даврдан кейиноқ қирилиб кетган субтропик фил ва каркидонларининг суяклари билан палеонтология жиҳатидан аниқланадиган қатламларда учрайди. Бу хил ҳайвон ҳамма ерда шелл маконларида бўлиб, ўша даврда иқлим иссиқ бўлган дейишга имкон беради. Ҳайвонларнинг суяклари умуман қадимги иқлимни ўрганиш учун доим етарли асос бўла олади: улар бу жиҳатдан гоят муҳимдир ва улар кўп бўлганида тасодифий хулоса чиқаришга ўрин қолмайди. Иқлимнинг кескин суратда ўзгариши ҳар қачон ҳайвоннинг ўзгаришига сабаб бўлади ва палеонтология илми бунга жуда кўп мисоллар келтира олади.

Шелл одами ўрмонда эҳтимол дарахтлар устида яшаган. Шелл маконлари очиқ ерларда бўлган. Бу маконларда гулхан қолдиқлари камдан-кам учрайди, бу эса шелл одамлари ўт чиқаришни билмаганлар, фақат табиий ўтдан камдан-кам фойдаланганлар дейишга имкон беради (таққослаш учун шу нарсани айтиш мумкинки, кейинги ҳамма даврларда одамзод яшаган манзилларда гулханларнинг қолдиқлари албатта учрайди). Шелл давридаги иқлим иссиқ бўлганлигидан кишиларнинг турар жой ва кийимга эҳтиёжи бўлмаган.

Одамлар ўзларини ўлимдан сақламоқ учун, юқорида айтилганидек, ўша даврда ибтидоий подаларга уюшишга мажбур бўлганлар. Шелл давридаёқ ибтидоий одамнинг икки хил асосий машғулоти, яъни ов билан теримчилик бу подаларнинг тирикчилик манбаи булган. Бу икки машғулот ҳамма ерда ва ҳар қачон бир-бири билан боғлиқ бўлган.

Шелл маконлари Ғарбий Европа, Африка ва Жанубий Осиёда учрайди. Шелл қўл чўқморлари СССРда Арманистондаги Саташи-Дар маконида (Шимоли-Ғарбий Арманистонда) топилган; бу СССРда топилган энг қадимги макондир.

Бундан кейинги давр ашел деб аталади, бу Франциядаги Сенг – Ашел макони номи билан шундай деб аталган: ашелнинг шеллга оҳангдошлиги тасодифийдир. Ашел даврида қўл чўқморлари кичикроқ, ялпоқроқ ва қирралари ўткирроқ ясалган. Шунинг учун ҳам уларни ишлатиш анча қулай бўлган. Уларнинг шакли аввалгидай бодомсимон, тухумсимон ва найзасимондир. Демак бу маълум шаклдаги бирдан-бир қурол бўлиб, улар ёнида майда тош парракчалар аввалгидан кўра яна ҳам кўпроқ учрайди. Илк ашел даври хўжалик шароити ва табиий вазияти жиҳатидан шеллдан фарқ қилмайди деса бўлади.

СССРда бир қадар илк-ашел маконлари Абхазияда топилди. Уларнинг энг каттаси (Сухумидан 3 километр шимолда) Яштух

маконидир. Унда ашелнинг майда қўл чўқморлари ва тош парракчалари учрайди. Қўл чўқморларига нисбатан тош парракчалар кўпроқдир. Бундай маконлар Арманистонда ҳам топилган.

Шелл маконларида шу кунгача одам суяклари ҳали сира топилган эмас.

Сўнги ашел илк ашелдан анча фарқ қилади. Табиий вазият кескин равишда ўзгарган. Хўжаликда ҳам муҳим ўзгаришлар юз берган. Хўжалик тараққиётида юз берган ўзгаришларнинг сабабларини ташқи муҳит таъсиридан иборат қилиб қўйиш ярамайди; аммо бу ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган: унда жуда катта ўзгариш рўй берган, иқлим, ҳайвонот, ўсимликлар кескин суратда ўзгарган, музлик даври бошланган. Шўннинг учун ҳам кишилик маданиятининг бундан кейинги тараққиёти тўғрисида гапиришдан олдин муз босиш сабабини қисқача таърифлаш ва бу билан боғлиқ бўлган илмий тортишувларни тушунтириб бериш лозим.

Тўртламчи давр одамнинг пайдо бўлиши билангина эмас, балки музликнинг силжиши билан ҳам характерлидир. Музлик изларини геологлар мўътадил минтақадаги мамлакатларда текширдилар. Бу мамлакатларда музлик даври бўлганида тропикда плювия даври (латинча «Плювиа» — ёмғир демакдир) ҳукм сўрган. Бу даврда ёгин жуда сероб бўлиб, ҳатто Саҳрои кабирда ҳам серсув дарёлар оққан. Аммо ўсимликлари ва ҳайвонотига қараганда музлик даврида тропикда ҳарорат унча кўп пасаймаган. Жанубий ярим шарда музлик излари кам кўринади, буни тушунмоқ учун картага қараш kifоя. Фақат Жанубий Америкадагина мўътадил кенгликнинг анча ичкарисига кириб боради, у ерда музлик бўлган. Шимолий ярим шардаги музлик шимолий Америкада Европа ва Осиёдагига қараганда 3 баравар кўпроқ майдонни ишғол қилган. Гап шундаки, музликнинг маркази Гренландия бўлган, унинг муз қоплаган қисми то охиригача тўртламчи музликнинг энг сўнги жуда катта қолдигидир. Шу муносабат билан Шимолий Осиёда, яъни Сибирдаги музлик Америкадаги музликдан юпқа бўлибгина қолмай, балки Европадаги музликдан ҳам юпқа бўлган. Демак, гап фақат температурадагина эмас, ёгинда ҳам бўлса керак. Шимоли-шарқий Сибирь совуқлари музликнинг сақланиб туриши учун ҳозир ҳам етиб ортади. Бу ер совуқлик кўтби бўлса-да, аммо музлик йўқ.

Муз қоплами, ёки муз қалқони деб аталадиган сидирга чўзилиб кетган музлик масса бир неча миллион квадрат километр майдонни ишғол этган. Палеолит даврида бу қалқоннинг қалинлиги, бошқача сўз билан айтганда: баландлиги 1—2 км ва ундан ҳам ошиқ бўлган. Муз массаси гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб силжиб борган ва йўл-йўлакай учраган тошларни силлиқлаб думалоқ харсанг тошларга ёки шағалга айлантирган. Мореналар деб аталган музлик ётқишлари гил ва қум қатламлари, харсанг тош ва шағалдан иборат.

Муз босиш сабаблари ҳали маълум эмас. Геологияда бу ҳақда кўпгина илмий гипотезалар бор, аммо уларнинг биронтаси ҳам етарли далиллар билан исботланмаган.

Геология ва ибтидоий даврни ўрганувчи археологияда музлик бир мартаба бўлган деб даъво қилувчи моногласиалист олимлар билан музлик бир неча бор бўлган деб даъво қилувчи полигласиалист олимлар ўртасида ҳозиргача мунозара кетмоқда. Гап шундаки, геология кесмаларида баъзан морена қатламлари музлик даврига мутлақо тегишли бўлмаган қатламлар билан аралашганлиги кузатишмоқда. Геологик ётқизиқлардан ҳосил бўлган ҳар бир қатлам озми-кўпми узоқ бир даврга хос бўлиши лозим бўлганлигидан бу хил аралашниши таърифлаш учун музликлараро даврлар бўлганлиги ҳақида илмий гипотеза майдонга келди. Ҳолбуки моногласиалистлар бундай даврлар бўлганлигини инкор қилади, улар музлик чегаралари ўзгариб турган холос деб, ўзгарган музлик чегараларини геологлар Европа мамлакатлари орқали ўтганлигини диққат билан текширганлар. Полигласиалистлар муз Европани бир неча марта босиб келган (одатда тўрт марта муз босган деб ҳисоблайди), сўнгра ҳар сафар Муз океани томон чекинган, деб ҳисоблайдилар. Ҳар икки оқим ҳам: гинц, миндель, рисс, вюрм терминларини ишлатадилар. Бу терминлар тўртта альп қишлоғи номидан келиб чиққан, бу ерда музликларо ва музлик ётқизиқлар бирин-кетин қатламланган. Ҳар икки оқим ҳам тўртта катта даврни шу номлар билан атайдилар. Аммо моногласиалистлар музлик чегараларининг жанубга қараб тўрт марта силжиган деб фараз қилсалар, полигласиалистлар бу қатламларни тўртламчи даврда юз берган тўртта алоҳида муз босиш ҳодисаси деб таърифлайдилар.

Гинц музлиги ҳам, миндель музлиги ҳам Ўрта Европагача, шу жумладан Ўрта Россиягача етиб келмаган бўлса керак, бундан фақат тоғли ўлкалар мустаснодир. Аммо рисс музлиги энг кенг ёйилган. Унинг жанубий чегараси Ворскла дареси қуйилиш жойи яқинида Днепрни ва Хопернинг қуйилиш жойи яқинида Дон дарёсини кесиб ўтган, сўнгра бу ерлардан бирданига шимол томонга бурилиб кетиб Ветлуганинг қуйилиш жойи яқинида Волгани ва Чусовая дарёси қуйилиш жойи яқинида Кама дарёсини кесиб ўтган.

Моногласиалистлар одатда палеонтология маълумотларига асосланадилар. Полигласиалистлар фараз қилган иссиқсевар ҳайвонлар билан совуқсевар ҳайвонларнинг кетма-кет бўлиб ўтганлиги дунёнинг ҳеч бир бурчагида кузатишган эмас. Моногласиалистлар Ўрта Европада, шу жумладан Ўрта Россияда ҳам рисс ва вюрмга мувофиқ келадиган битта музлик бўлган, холос, деб ҳисоблайдилар. Бу музлик уч босқичга бўлинади; музлик энг ёйилган босқич (рисс), музликнинг озроқ вақт чекиниши (рисс вюрм интерстадиали, бу эса полигласиалистларнинг рисс ва вюрм музликлараро даври тўғри келади) ва унинг яна босиб келиши

(вюрм босқичи аммо бу сафар музлик ресс босқичидаги чегараларига етиб келмаган). Бу босқичларнинг ҳаммасида ҳам Европанинг кўп қисмида арктика ва тундрага хос ҳайвон ва ўсимликлар бўлган. Ресс бошида субтропикка хос фил ва каркидон турлари ўрнида мамонтлар, яъни узун юнгли филлар ва юнгдор каркидонлар пайдо бўлган. Бу даврда тарқалган ва арктикага хос ҳайвон ҳамда ўсимлик турларидан жуда кўпини санаб кўрсатиш мумкин.

Археологик даврлар билан геологик даврларнинг нисбати ҳақидаги илмий мунозара жуда кескин тус олди. Бу масалани ечишнинг икки йўли бор эди: бири — шелл ресс билан вюрм ўртасида булган деб тасдиқлаш, иккинчиси — шелл миндель билан ресс ўртасида булган деб тасдиқлашдир. Бошда олимларнинг кўпчилиги биринчи фикрга мойил эди, бу фикр бундан кейинги археология даврларини хийла яшартирар, қисқартирар эди. Аммо кейинчалик бир қанча мамлакатларда ресс қатламларидан кейинроқ даврга (мустье даврига) хос қуроллар топилиши билан мунозара ҳал бўлиб, энди иккинчи фикр қабул қилинди. Шу билан инсоният тарихи биринчи фикр тарафдорлари тахмин қилганидан кўра бир неча бор узунроқ, кексароқ бўлиб чиқди.

* * *

Музлик босиб келди. Совуққа мосланмаган ҳайвонлар қирилиб кетди ёки жануб томонга чекинди. Аввал бошда одамнинг музлик шаронтида табиат билан курашиш воситалари кам эди. Бу воситаларни топтоқ ёки ҳалок бўлмоқдан бошқа чора йўқ эди. Жанубга чекиниш билан одамлар ўзларини ҳалокатдан сақлаб қолишлари мумкинмиди, бу номаълум эди. Уша вақтда субтропиклар музламаса ҳам жуда совиб кетган эди. Тропиклар эса одам учун ғоят ноқулай бўлган илювиал ҳолатни кечирмоқда эди.

Табиат билан кураш воситаларини топиш бундан кейинги бутун кишилик маданияти тараққиётининг бевосита натижаси бўлди. Ахир муз босиб келган даврдаги кишилар қурол ясай олишлари билан ҳайвонлардан тамомила фарқ қиларди. Ана шу нарса одамзодни ҳалокатдан сақлаб қолди.

Сўнги ашел музлик яқинлашиб келаётган давр эди, иқлим тобора совиб, ҳаво тобора намлашиб бормоқда эди. Худди уша вақтда одам ўт чиқаришни билиб олади. Одамнинг сақланиши учун ўт ниҳоят даражада зарур эди. Сўнги ашел маконларининг ҳаммасида ҳам ўтдан фойдаланганликни кўрсатувчи аломатлар учрайди.

Сунгра турар жой ҳам зарур бўлиб қолади, шунинг учун ҳам кишилар зўр бериб ғорларни эгаллашга киришадилар. Кийимга, яъни ҳайвон териларига эҳтиёж туғилади, чунки ҳатто ғор ичида, гулхан қилинганида ҳам киши кийимсиз совқотиб қоларди.

Қишнинг қаттиқ келиши билан теримчиликнинг аҳамияти камайиб боради. Тундрада мевадан бошқа нима ҳам териб бўларди. Овқатнинг, аниқса гўштдор ҳайвонларни овлашнинг аҳамияти ошиб боради. Катта-катта ҳайвонларни овлашнинг у вақтдаги бирдан-бир усули кўплашиб ўт билан ўраб олиб овлаш, толиб қолган йиртқични ботқоқликка ҳайдаш, жарга қулатиш ва ш. к. лардан иборат бўлган. Якка овчилар бундай ов қилолмаганлар, албатта, ибтидоий пода эса бунини уудалай олган.

Қишларни овчилар коллективи бўлиб бирлашишга мажбур этган яна бир ҳолат бўлган. У ҳам бўлса ғорларга кириб олишдир. Ғорларга кириб олиш пайтларида жуда хавфли тўқнашишлар юз берган. Одамлар ғорларга кириб олгунча уларда палеолитга хос ҳайвонлар, хавфли йиртқичлар, ғор шерлари ва ғор айиқлари яшаган. Ғорларнинг қоронғи гумбазлари остида ҳаёт-мамот курашлари бўлиб турган.

Аммо икки томонлама кертма техника асосида ишланган қуроллар ов қуроллари яшаш ва кийим тайёрлашга унча ярамай қолади. Улар қўпол, бесўнақай ва унча ўткир эмас эди. Улар билан уруш учун қулай таёқни йўниб улар тери шилиш ва тозалашга ҳам ярамаган. Чақмоқтошдан ясаладиган қуролларни такомиллаштириш учун кўп замонлар беҳуда уринганлар. Аввал йўниланган таёқни секин-аста ёғоч найзага айлантирганлар (найза умуман маълум шаклдаги энг қадимги қуролдир). Ёғочни йўниш учун ишлатиладиган чақмоқтошдан ясалган қуролларнинг эволюцияси ўйлашга имкон беради. Афтидан, теридан пўстин қилиш ҳам худди шундай муҳим бўлган бўлса керак.

Чақмоқтошдан қуроллар ясашнинг янги техникаси ёйилиши билан янги археологик босқич, ашел ўрнига келган ва хронологик жиҳатдан музликнинг рисс босқичига асосан мувофиқ келадиган мустье босқич бошланади. Бу босқич Франциядаги Мустье ғор макони номи билан аталган. Бу босқич бир неча ўн минг йил давом этган ва бундан тахминан 40 минг йил бурун тугаган.

Чақмоқтошдан қуроллар ясашнинг янги техникаси ёрма техника деб аталади. Қуроллар яшаш учун ишлатиладиган чақмоқтошнинг бош томони усталик билан уриб ўчирилиб текис майдонча ҳосил қилинган. Бу — зарб майдончаси деб аталади. Бас, шундай майдонча ҳосил булгандан кейин унинг четларидан аввалги техника воситаси билан ҳосил қилиш мумкин бўлмаган юпқа тош парракчалар учириб олишга имкон туғилган. Тош парракчалар бирин-кетин учириб олинаверишиб ниҳоят тош бўлагидан бошқа учириб бўлмайдиган ва ташқариси тарашланган узак қолган. Бу узак нуклеус деб, уриб учириб учун ишлатиладиган яхлит тош эса ушатқич деб аталади. Мустье даври учун гардишсимон нуклеуслар ва уч бурчакли тош парракчалар характерли булган. Бу уч бурчакли яллиқ тош парракчалар ҳар ҳолда анча юпқа бўлиб, ёғоч йўниш, тери ишлаш, қурол ва кийим тайёрлашга ярайдиган қурол хизматини ўтаган.

Тош парракчанинг қиррасини ўткирлаш учун унга ретуш бериш, яъни секин-аста уриб ишлов бериш лозим бўлган. Шу жараёнда тош парракчанинг шакли ҳам бир қадар ўзгариб, маълум тур қурол ҳосил бўлган.

Узоқ вақт давом этган мустье даврида асосан икки хил қурол: найзасимон тош қурол ва тош қирғич ишлатилган. Бу қуролларнинг иккаласи ҳам мустье даврига хос уч бурчакли тош парракчалардан ясалган. Найзасимон тош қуролнинг ўткир тиғи учбурчакнинг учи, тош қирғичнинг ёйсимон тиғи эса учбурчакнинг асосида бўлган негизидир. Мустье техникаси учираиб олинган тош парракчанинг асл шаклини ўзгартирарлик даражасига етмаган, унга салгина ишлов бера олган, холос. Қуроллар калта ва ялпоқ бўлган. Найзасимон тош қуролни найза деб бўлмасди, чунки унинг асоси йўғон бўлганлигидан унда даста ўрнатиб бўлмаган. Найзалар ўша даврда ёғочдан ясалган бўлиши мумкин. Мустье даврининг охирларидагина, найза учи учун бўлса керак, ҳар икки томони ўткирланган найзасимон тош қуроллар пайдо бўлган.


Найзасимон тош қуроллар эркаклар пичоғи, тош қирғичлар эса аёллар пичоғи бўлган. Эркаклар пичоғи ёғоч қирқиш, йўниш, ҳайвонларни уриб ўлдириш ва шу кабилар учун, аёллар пичоғи тери шилиш ва ундан ёнинчиқлар тайёрлаш ва ҳоказолар учун ишлатилган.

Чақмоқтошдан ясалган асосий икки хил қурол билан бирга бошқа хил қуроллар ҳам бўлган. Масалан, ўша даврдасқ тошдан ясалган урокранда, яъни дарахт пустини шилиш ва дағал бўлса ҳам рандалаш қуроли пайдо бўлган. Тош даврининг ўроқ рандаси чақмоқтош пластинкадан иборат бўлиб, унинг тиғи кенг ёйсимон қилиб ўйиб ишланган. Мустье даврининг ўроқ рандаси шаклан ҳали қирғичга ўхшайди ва фақат ўймаси билангина ундан фарқ қилади.

Махсус мақсадлар учун чақмоқдан ташқари бошқа хил тошлардан ҳам фойдаланилган. Масалан, кумтош еки оҳактошдан ясалган шарлар учрайди. Узун тасма учига жуб қилиб боғланган шарлар этнографияда болас (сопқон) деб аталади. Ибтидий овчи сопқон билан ҳайвонларни оёғидан илтирган. Ёғоч дастага тасма билан боғланган каттароқ шар кучлироқ ов қуроли — шашпар хизматини ўтаган.



Суякдан ясалган қуроллар фақат мустьенинг охирларидагина пайдо бўла бошлади.

Мустьеликлар доимо мамонтларни, шунингдек, каркидонларни овлаганлар. Бундай катта йиртқич ҳайвонларни овламоқ учун ибтидий одам подаларида меҳнат ва тақсимотнинг жуда яхши ташкил қилинишини талаб этган.



2- расм. Найзасимон тош қурол. Қримдаги Волчий Горидан топилган

Мустьеликлар гўшти хомлигича эмас, гулханда қовуриб, ка-
боб қилиб еганлар. Ўт фақат совуқдан сақланиш ва овқат пиши-
риш учунгина эмас, балки мустьеликлар учун унинг аҳамияти
катта бўлган, ўт ёқиб йиртқич ҳайвонлардан сақланганлар ва
ҳайвонларни ўраб олиб ёки ҳайдаб қамаш учун уларга ҳужум
қилган вақтда ўтдан фойдаланганлар.



3- расм. Тош қирғич. Қримдаги
Волчий горидан топилган

4- расм. Тош ўроқранда. Қримдаги
Кийик Кобадан топилган

Аммо ўт чиқариш осон иш бўлмаган. Ибтидоий одамлар учун бу иш то ҳозирга қадар шунча қийин бўлиб қолмоқдаки, ҳозирги замондаги ибтидоий қабилалар, гарчи ўт чиқариш йўлини билсаларда, ўт чиқармаслик йўлини қидирадилар. Улар ўтни ўчирмасликка ҳаракат қиладилар, бир жойдан бошқа жойга кўчганларида ўтни ўзлари билан олиб кетганлар, ўт ўчиб қолган тақдирда қўшнларидан олганлар. Ўтни ўчирмай туриш учун жуда кўп одам қатнашиши ва кечаю кундуз назорат қилиб туриши керак бўлади. Ўт чиқаришнинг ҳозирги ибтидоий қабилаларга маълум бўлган кўп усуллари номаълум бўлган палеолит даврида айниқса бу муҳим иш эди. Аммо ҳар ҳолда дастлаб ана шу ўчмайдиган ўтни ёқиш лозим бўлган. Табиий ўт, масалан, ўрмонда яшиндан ҳосил бўлган ўт катта аҳамиятга эга бўлган бўлиши керак. Аммо ундан машъални ёндириб олиш учун бундай табиий ўт йетаган вақтда топилавермаган. Лекин шу нарса шубҳасизки, одамлар узоқ вақтларгача фақат табиий ўтдан фойдаланиб келганлар ва уни барча чоралар билан сақлашга ҳаракат қилганлар. Лекин ўт чиқариш йўли топилгандан кейингина уни эгаллай бошлаганлар. Ахир, палеолит одамлари қандай қилиб ўт чиқарганлар?

Ҳозирги вақтда баъзан чақмоқтош воситаси билан ўт ҳосил қилинса ҳам палеолит замонида чақмоқтош иш бермаган. Чақмоқтошдан учқун ҳосил қилиш учун уни темирга уриш керак, бу усул фақат темир даврида топилган. (Тўғри, темир ўрнига пирит тош ишлатиш мумкин, аммо тош даври маконларида пирит кам-

дан-кам учраганлигидан пирит тошдан ўт чиқариш усули ҳам кейинроқ топилган бўлиши керак, ана шунга кўра, у вақтда пирит тошнинг бу жиҳатдан аҳамияти бўлмаган.)

Куруқ ёғочни ёғочга ишқалаб ўт чиқариш ўт ҳосил қилишнинг қадимги усули бўлган бўлиши мумкин. Аммо бу усул шу қадар қийинки, ҳозирги замон олимларининг биронтаси кўпдан-кўп лаборатория тажрибаларида бу усул билан ўт чиқаролган эмас, ибтидоий одамлар эса ўт чиқара олган. Ўт чиқаришнинг учта усули бор, аммо бундан иккитаси жиддий меҳнат, малака талаб қилади, палеолит замонида бундай малакага эга бўлиш мумкин эмас эди (бунинг бири аралаш, иккинчиси эса пармалашдир). Ушса замон учун мумкин бўлган бирдан-бир усул ишқалашдир. Ёғочни ёғочга узоқ вақт ва қаттиқ ишқаланган, ундан жуда майда қипиқ ҳосил бўлган. Қипиқ қизиб тутай бошлаган (ишқалашдан қизиш пайдо бўлади). Уни аланга оладиган тутантириққа тутилган, тутантириқ ўт олган, сўнгра пуфлаб аланга олдирилган. Бу иш гоят катта чидам ва эпчилликни талаб қилган.

Мустье замонидаги кўпдан-кўп гулхан қолдиқлари сақланган. Бу ердаги гулханлардан қолган кўмирлардан қандай дарахт ёқилганлигини аниқлаш мумкин. Гулхан учун ўтиндан бошқа ҳайвон суякларини ҳам ёққанлар. Бу ҳайрон қоладиган парса эмас, суяк жуда яхши енади, овчи қабилалар ҳозир ҳам суякларни ёқиш учун ишлатадилар.

Мустье маконларида табиий минерал буёқлар (охра, марганец пероксиди) учрайди, одамлар улардан баданларини буюш учун фойдаланган бўлсалар керак. Бунинг учун эстетик аҳамияти ҳам бўлган бўлиши мумкин. Шимпанзелар ҳам ўзларини турли рангларга безайдилар. Бундан ташқари, мой билан аралаштирилган бўёқ баданни совуқдан сақлайди.

СССРда мустьенинг энг илк ва машҳур макони Қримда, Симферополь яқинида Кийик-Коба ғоридан топилди. Унинг қуни, қатламида мустье замонидан олдинги давр қуроллари топилган бўлса ҳам, бу макон асосан мустьега мансубдир, ундан жуда кўп тош қирғич ва найзасимон тош қуроллар топилди. Маконни қазиш вақтида ғорнинг секин-аста эгалланганлиги маълум бўлди: юқори қатлам (мустьега оид) қуни қатламга қараганда ичкари томон кенгроқ жой эгаллаган. Қримнинг бошқа ғорларидан ҳам мустье даврига хос бир қанча макон топилди. Бу даврга оид маконлар мамлакатимизнинг бошқа жойларида: Абхазия, Арманистон, Кубань, Донецк, Днепр ва Деснада ҳам топилди. Волгабўйида бундай макон Волгоградда топилди. Мустье маконлари Урта Осиёда Ўзбекистон территориясида топилди, Ўзбекистоннинг жануби-ғарбида, Сурхондарё областидаги Тешик тош ғори булардан энг муҳимидир.

Турли мамлакат мустье маконларида қабрлар учрайди; нима учун ўликлар кўмилган; мурдадан қўрққанлари учунми, унга

меҳрибонлик қилганлик учунми ёки мурдани ҳайвонлардан сақлаш учунми, ҳар қалай кўмиш сабаби маълум эмас. Ҳар ҳолда бу қабрлар неандертал одам тўғрисида бизга асосий антропологик материал берди.

Бу хил одам умуман мустье даврига хосдир. Баъзилар уни тўппа-тўғри мустье одами деб атайдилар. Унинг асосий аломатлари шундан иборатки, пешанаси тор ва нишаб, қош устидаги суякдари қалин, ёноқ суякдари чиқиб кетган, ияги бутунлай йўқ деса бўлади, оёқларининг тузилишига келганда, тиззалари сал букилиб туради. Бўйи ҳозирги одамлар бўйига қараганда сал пастроқдир.

Неандертал одамининг мияси анча катта; бу ҳол буюк турларнинг келиб чиқиши ва кишининг пайдо бўлиш назарияси билан абадий боғлиқ бўлган олимни ҳам ҳайратга солган эди. Давримизнинг ёрқин далили бўлган маймун билан ҳозирги одам ўртасидаги бўғинлардан, Дарвин тирик чоғида фақат неандертал одам маълум эди, у ҳам бўлса унчали яхши ўрганилмаган эди. Дарвин неандертал одам ҳақида гап орасида ҳайрат билан тилга олиб ўтади, холос: бош суякнинг катталиги уни ҳайратда қолдирган эди. Дарҳақиқат, неандертал одам бош суягининг ўртача ҳажми ҳозирги одамлар бош суягининг ўртача ҳажмига (1400 см³) тахминан барабар келарди, аммо пешанаси тор ва энса қисми каттароқ, мия бурмаларининг сурати хийла оддийроқ бўлган (бош суягида бу бурмаларнинг маълум даражада из тамгалари бўлади).

Неандертал одам суякдари ҳозир кўп топилди. Германиянинг Неандертал деган жойида топилган бош суяги жуда машҳур ва қазилма одамнинг бутун бир тури ўша жойнинг номи билан ата-ладиган бўлди. Қабр тасодифан, ер қазилаётганида топилиб қолган эди, суякларнинг кўпи чириб, йўқ бўлиб кетган, фақат бир қисми, бош косасининг қопқоғи ва иккала сон суяги чиримай қолган экан. Топилган бу нарсалар ҳамма ёққа овоза бўлиб кетган. Дарвинчиларнинг кўплари бунинг аҳамиятига тегишли баҳо бердилар ва мунозара бошланиб кетди. Дарвинчиларнинг душманлари неандертал кишиси аслда одам, аслда алкоголизм ёки захм касали натижасида насли бузилган ҳозирги замон одамидир, бундай неандертални одамлар тўпланган ҳар қандай катта тўдадан топиш мумкин, деб даъво қиладилар. Бу мунозара фақат антропологияга хос мунозара бўлганида эҳтимол ҳозир ҳам давом этган бўларди. Аммо археология ўзининг бир қанча кашфиётлари билан бу мунозарани ечиб берди. Бундай кашфиётлардан биринчиси Белгиянинг Спи деган жойида юз берди: унда мустье қуроллари (найзасимон тош қурол ва кирғич) билан музлик даври ҳайвонлари (мамонт, сержун қаркидон ва ҳоказоларнинг суякдари) етган қатламда иккита неандертал одамнинг суякдари топилган. Шундан кейин бундай нарсалар бошқа мамлакатларда ҳам кетма-кет топилди, нати-

жада неандертал одамларнинг қабрлари мустье даври билан ҳозирги замон одамнинг қабрлари эса фақат кейинги даврлар билан боғлиқ деган қатъий қонуният ўрнатилди. Неандертал қабрлари ҳатто Мустье маконининг ўзида ҳам топилган. СССР Европа қисмида неандертал одамнинг оёқ ва панжа суяклари Кримнинг Кийик-Коба маконидан топилган. Неандертал одамнинг суяклари Европадан бошқа Африка (Родезия ва Танганьика) да ҳамда Фаластинда топилди.

Ўзбекистоннинг Тешиктош маконида неандертал одамнинг суяклари мустье даврининг найзасимон тош қуроллари ва тош қирғичлари билан бирга топилди. Бу умуман Осиёда (Фаластиндан мустасно) шубҳасиз дастлаб топилган неандертал одамдир.

* * *


Неандертал одамдан ҳозирги замон одамига ўтиш даврида моддий маданият ва ижтимоий тузум соҳасида кескин ўзгаришлар юз берди.

Одамнинг янги тури жуда тез тарқалган. Шундай бўлса-да, неандертал одамидан ҳозирги замон одамига ўтиш арафасида яшаган одам тури Фаластин, Италия, Чехословакия, Германия ва Англияда топилган. Бироқ мустьедан кейинги даврларда неандертал одам ҳеч қасрда учрамайди. Турли мамлакатларда мустьедан кейинги даврнинг аввал бошидаёқ яшаган янги турдаги одам қолдиқлари топилган. Бу ҳамма қитъада ҳозиргача яшаб келаётган одам турининг худди ўзидир. У палеолитдаёқ бир қанча жисмоний типларга ажралган, аммо бу типларнинг ҳаммаси ҳам тузилиши жиҳатидан ҳозирги замон одамларидан фарқ қилмаган.

Совет тадқиқотчиларининг кўпчилиги янги тур одамнинг пайдо бўлиш сабабини экзогамия, яъни қариношлар уртасида никоҳнинг ман қилиниши деб тушунтирадilar. Ана шу вақтларда уруғчилик тузумига ўтилган бўлса керак. Кейинроқ бу масалага яна қайтишга тўғри келади. Уруғчилик тузумини экзогамиясиз тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Бу билан қон қўшилиши барҳам топган ва бу эса одамнинг жисмоний типини биологик жиҳатдан тез яхшиланишига олиб келиши керак эди.

Палеолитнинг сўнгги уч ориньяк, солютре ва мадлен деган уч даври (Францияда топиб текширилган маконлар номи билан аталган) ҳаммаси бўлиб бундан тахминан 40 минг йилдан 14 минг йилгача бўлган (эрамыздан аввалги 12 минг йилгача) даврни ўз ичига олади. Кейинги илмий текширишларга кўра ориньяк билан солютре ўртасида фарқ туб жойли бўлиб, у ҳам унчалик чуқур эмас, бу эса асосан қуроолларнинг турли шаклда бўлишидан иборат тафовутларнинг асосий қисмини назарга олмасдан, икки давр тўғрисида бирданига сўз юритишга имкон беради.

Ориньяк даврининг бошларида ёрма техника такомиллашади. Уриб-учириб олинадиган тош парракчалар узунчоқроқ бўлиб бо-
ради, улар энди тўғри ва пичоқсимон шаклни олади, мустьенинг
ялпоқ уч бурчакли тош парракчаларига қараганда анча юпқа




5- расм. Пичоқси-
мон тош қурол.
Курск области-
даги Авдеево ма-
конидан топил-
ган

бўлиб хийла такомиллашади. Шу муносабат
билан ҳамма томонидан мана шундай ялпоқ
тош парракчалар учириб олинган нуклеуслар
ҳам аввалгидай гардишсимон бўлмай, балки
узунасига учирилган, призматик нуклеусларга
айланади. Пичоқсимон тош парракчалар ҳар
ҳил қуроллар ясашда материал бўлиб хизмат
қилиши билан бирга уларнинг ўзлари ҳам ке-
сиш учун жуда яхши қурол эди. Бундан олдин
ўтган даврларда чақмоқтош қуролларни
ҳаммаси маълум даражада пичоқ вазифасини
ўтаган, бу уларнинг хизматларидан бири бўл-
ган, холос, аммо энди эса ҳақиқий пичоқ пайдо
бўлади.

Мустье давридагига қараганда қуроллар-
нинг хили жуда кўпая бошлайди, қуроллар
хили рўйхатининг узи анчагина жойини олиши

мумкин. Энг муҳим меҳнат қуроллари иккита: тош кескич
билан тош қирғич бўлган, бу икки қуролнинг турли хилдаги на-
муналари топилган. Бу қуролнинг тигида уч еки ундан кўпроқ
қирралар ётади. Кескич қаттиқ
материаллар ишлашда ишлатил-
ган. Тош қирғич юмшоқроқ мате-
риаллар ишлаш учун ишлатил-
ган; у узунчоқ парракча бўлиб,
мустье давридаги қирғичдан фарқ
қилади, унинг бир учи ёйсимон
тигга айлантирилган. Энди бу
даврдан пичоқсимон тош паррак-
чалар ясаладиган ўроқрандалар
ҳам тамомила ўзгаради. Унинг
қиртишлайдиган ботиғи тош пар-
ракча узун томонининг қоқ ўрта-
сида бўлади: чақмоқтошдан ясал-
ган пайза асосий ов қуроли бўлиб
қолади.




6- расм. Тош қирғич. Курск об-
ластидаги Авдеево маконидан
топилган

Одамлар фил суягининг пи-
шиқлиги, қаттиқлиги ва эластиклигини билганлар. Мамонт тиш-
ларидан қуроллар ясай бошлайдилар. Бу даврдан умуман суяк-
дан ишланган қуроллар кўпаяди, аммо аввал улар ёрдамчи қу-
ролгина бўлган.

Бир вақтлар буржуа эволюционист-археологлари мустьедан
секин-аста эволюция йўли билан бевосита солютре даврида ўтил-

ган дердилар. Кейин ориньяк кашф этилди. Эволюционистларга зид бўлган клерикал археологлар ориньякнинг кашф этилишини фан соҳасида инқилоб юз берди деб жар солдилар. Улар мустье билан ориньяк даврларидаги чақмоқ индустрияси ўртасидаги кескин тафовутдан бу даврлар ўртасидаги боғланишни рад қилмоқ ва ибтидоий одамнинг прогрессив тараққиёт қилиб боришини инкор этмоқ учун фойдаланмоқчи бўлдилар. Улар Европада янги тип одамнинг ва янги индустриянинг пайдо бўлишини ички тараққиёт процесси деб эмас, балки ташқи куч таъсирининг натижаси деб кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Палеолитшунос совет тадқиқотчилари бу уйдирмаларни рад қилди. Буржуа эволюционистларининг ўзгаришларни ҳаддан ташқари секинлик билан бўлган деб қилган фаразларига зид моддий маданиятнинг кескин ўзгариши хўжалик соҳасида кескин ўзгаришлар билан қонуний суратда боғлиқ бўлган деб кўрсатилди. Мустье билан ориньяк ўртасида муҳим ўтроқлик ва уруғчилик тузуми пайдо бўлишида худди ана шундай кескин ўзгариш юз берди (бу ҳақда ҳам қуйида гапирилади). Экзогамия натижасида одамнинг ташқи қиёфаси ўзгаргани сингари, меҳнатнинг янгича ташкил қилиниши ҳам чақмоқ тошдан ясаладиган қуролларнинг шаклларини ўзгаришига сабаб бўлди, бу қуроллар техник қўзғаният тақозоси билаёқ янги шакл олади. Зотан ҳозир мустье билан ориньяк ўртасидаги (Франция территориясидаги маконлардан бирининг номи билан аталган) Оди типидagi ўтиш маконлари бўлганлиги топилди. СССР да Қримдаги Шайтон Коба макони шулар жумласидандир.



7-расм. Кескич. Курск областидagi Авдеевдaги топилган

Бу ерда Солютре даврининг хусусиятларидан фақат эзиб ретушлаш усулидан кенг фойдаланилганини айтиб ўтиш керак. Бу усул шундан иборат бўлганки, суяқдан ясалган ингичка ва узун таёқ билан чақмоқтошдан қаттиқ, аммо эҳтиётлик билан эзиб юпқа тош зарралар учирилган. Қуролнинг четларигина эмас, кўпинча ҳамма томони майда чўтирдек ретуш билан қопланган. Қуролни ретушлаш учун суяк эзгич билан бир неча минг марта босиб эзилган, аммо салгина эҳтиётсизлик билан нотўғри босиб қўйилса бутун меҳнат бекор кетади (дарҳақиқат, ретушлаш давомида синиб кетган қуроллар кўп учрайди). Музейларда гўзаллиги ва шаклан тўғрилиги жиҳатидан кишини ҳайратда қолдирадиган чақмоқтош индустриясининг ноёб нусхалари ана шу тариқа диққат билан ишланган. Бундай қуроллардан энг гўзали солютре даврининг дафна баргисимон найза пайконларидир.

Ориньяк-солютре давр одамлари маконларида қалин маданий қатламлар қолдирган. Муқим ўтроқлилиқ бу даврнинг му-

ҳим хусусиятидир. Олдинги даврларда бунга ўхшаш нарсалар бўлмаган. Муқим ўтроқлилик ов учун энг қулай жойларда катта-катта ҳайвонларни овлаш билан узоқ вақт машғул бўлишга боғлиқдир. Маконлар мамонтларни қувиб ҳайдаш вақтида уларнинг йиқилиб тушиши мумкин бўлган катта жарлар яқинида қурилган. Ориньяк-солютре маконларида бундай ҳайвонларнинг қолдиқлари юзлаб учрайди.

Буржуа археологлари маконлардаги қатламлар ва топилмалар билангина қизиққанликларидан палеолит ер тўлалари ҳақидаги масала кўп вақтларгача ҳал бўлмасдан қолаверган эди. Фақат совет археологлари турар жойларга тегишли эътибор бердилар. Франция, Австрия ва бошқа жойлардаги баъзи маконларни қазиб вақтида тасвирланган, аммо изоҳланмаган чуқурлар совет олимларининг кашфиётлари муносабати билан аниқ бўлиб қолди. Юқори Донда палеолит ертўлалари қазиб топилди: дастлаб Гагаринода (Воронеждан 200 км юқорида) битта кичикроқ ертўла, сўнгра Костёнкида (Воронеждан 30 км пастроқда) бир қанча ертўла топилди. Уларнинг бўйи 6 м гача, эни 3,5 м гача, чуқурлиги эса баъзан 3 м га борарди. Одатда майда ертўлалар кўпроқ учрайди, уларни ярим ертўла ёки ерни сал қазиб ишланган чуқурлик деса бўлади. Палеолит ертўлалари Сибирда Иркутск яқинида Мальта деган жойда топилди. Этнографик қиёсларга қараганда бундай уйларнинг томлари ходалар билан ёпилиб, устига тупроқ босилган бўлса керак. Думалоқ тепача ҳосил бўлган, бу уйлар ҳар ҳолда уй ичида яшаган кишиларни ўша даврнинг совуқ иқлимидан сақлаган.

Санъат ориньякда бошланади. Тасвирий санъатнинг энг қадимги тури ҳайкалтарошлиқдир. Ориньяк ва солютре даврига оид аёллар ҳайкали Атлантика океанидан то Байкал кўлигача тарқалган. Баъзи ҳайкалчаларда прическаларини ҳам ажратиб мумкин: сочлари калта қилиб қирқилган, баъзиларининг сочлари жингалак бўлган. Кийим ва зийнат буюмларидан: қалпоқ, билагузук, камар ва думлар тасвирланади. Маълумки бундай ҳайкалчалар турли мамлакатларда юздан ошиқроқ топилган, аммо бунинг учдан икки қисмидан зиёдроғи СССРда; биттасидан бошқа ҳаммаси деярли Совет ҳокимияти даврида топилган. Асосий топилмалар юқорида айтиб ўтилган учта макондан, яъни Костёнки (ҳаммадан кўп), Гагарино ва Мальтадан чиққан. Ориньяк-солютре даврида ҳайкалчалар суяқдан, буғу шохидан ёки юмшоқ тошдан ясалган. Лекин ориньяк ва солютре даврига оид ҳайвон ҳайкалчалари ҳам камдан-кам учрайди.

Бундай ҳайкалчаларнинг нима учун кенг тарқалганлигини тушунтириб ўтиш лозим бўлади. Аёллар тасвири бу ерда, эҳтимол уруғчилик тузумига ва уруғ асосчисига сиғинишга ўтишни кўрсатади.

Уруғчилик тузумининг бошланғич ва асосий шакли ҳамма жойда матриархатдан иборат бўлган.

Ориньякнинг бошларида уруғчилик тузумининг пайдо бўлиши топилган ҳайкалчалар билангина эмас, балки ўша замон хўжалигини ўрганиш билан ҳам тасдиқланмоқда. Ертулалардан иборат муқим турар жойларнинг қурилиши хўжаликнинг турғун бирлашмасини талаб қиларди. Ибтидоий одамлар подаси бундай ишларни бажариш учун уюшмаган эдилар. Кейин маконларнинг ов қилинадиган жойлар билан боғлиқ бўлганлиги бу жойларга уруғлар эга бўлиб олган деб фараз қилишга имкон беради. Сўнгра қозишмаларда гўшти суюгидан ажратилмасдан маконларга олиб келинган нимталар ҳам учрайди. У нимталарнинг оғирлиги бир тоннагача борган, бу эса неча ўнлаб кишиларнинг меҳнати бирлашганлигини кўрсатади.

Шарқий Европада ориньяк ва солютре даврлари кўпроқ Юқори Дон ҳамда Қрим ғорларидан топиб текширилган. Жанубий Белоруссиядан Ғарбий Грузиягача бўлган бошқа ўлкаларда ҳам кузатилган. Шарқий областларда ҳали бу даврнинг қуроллари топилмаган. Шарқий Сибирь маконлари ва юқорида айтиб ўтилган Мальта бундан мустаснодир. Европа тусидаги мукамал чақмоқтош индустриясига эга бўлган. Мальта макони Сибирь учун кутилмаган ҳодиса эди. Чунки Сибирдаги бошқа маконларнинг кўпчилиги Мальтадан ғарброқда ва ундан кейинроқ пайдо бўлган бўлса-да уларнинг тош қуроллари биринча кўполроқ бўлган.

Палеолитнинг сўнги даври мадлен деб аталади, бу давр Франция ғорларидаги маконлардан бирининг номи билан аталган. Мадлен даври суюждан ясалган қуролларнинг кўплиги билан машҳур. Аммо тош аввалгидай кўп жиҳатдан энг муҳим ўрин тутган, айниқса ишлаб чиқариш қуролларини ясашда, биринчи навбатда ўша суюкларни ишлашда бошқа ҳеч нарса тош ўрнини босолмаган. Шундай бўлса ҳам, тош индустрияси ёрдамчигина бўлиб, ҳатто таназзулга юз тутгандай сезилади, солютре давридаги тараққиётдан кейин бу ҳол айниқса яққолроқ кўринади. Зотан, бу таассурот юзакидир, негаки, техника тараққий қилиб боради, қуроллар, жумладан, чақмоқтошдан ясаладиган қуроллар ҳам янада дифференциялашади.

Мадлен даври бошларига келиб муз босиш сўнги марта кенгайди. Бу вюрм бўлиб, муз босишнинг тўртинчи босқичидир. Вюрм майдони кенглиги жиҳатидан риссдан кичикроқ бўлса-да, совуқ максимал даражага етган. Бунинг сабаби шуки, бу босқичдаги қуруқ континентал иқлим музликнинг ҳаддан ташқари кенгайишига йўл бермаган ва шу билан бирга музлик атрофидаги ўлкаларда ер температурасининг пасайишига ёрдам берган.

Вюрм музлигининг энг жанубий чегараси бутун Ғарбий Двина оқимининг жанубидан, сўнгра юқори Волга бўйлаб (тахминан Кострома дарёсининг қуйилиш жойигача), кейин бирдан шимол томонга бурилиб Юг ҳамда Вичегда дарёларининг юқо-

ри оқимларини кесиб ўтади. Бу даврда музлик билан қопланган ўлкаларнинг ҳаммасида муз думалатиб келтирган катта-катта думалоқ харсанг тошлар жуда кўп учрайди. Табиий, бу валунлар мамлакатимиз шимоли-ғарби манзарасининг зарурий буюмларидир, шимоли-шарқида эса худди шу кенгликда улар учрамайди.

Мадлен даври флорасида шимол буғуси ва умуман ҳозирги тундра ҳайвонлари кўпчиликни ташкил этади. Мамонтлар ҳали ов ҳайвони бўлиб қолса-да, аммо улар кам учрайди. Унинг доимий йўлдоши сержун каркидон тез вақт ичида ўлиб кетади. Кўп ўлкаларда шимол буғуси асосий ов ҳайвони бўлиб қолади. Буғу кўчманчи ҳайвон. Шимол буғуси ҳозир ҳам текисликлар билан тоғлар ва ўрмонлар билан денгизлар ўртасида кўчиб юради. Шунинг учун буғу ови билан машғул бўлган ҳозирги шимол халқлари кўчиб юради. Шуниси қизиқки, мадлен даврининг маданий қатламлари кўпинча ориньяк-солютре давридагидан кўра анча юққа бўлади. Овчилар узоқ вақт давом этган ўтроқликдан кейин кўчманчилик ҳаётига қайтганлар. Аммо бу ҳаёт кўчишда маълум тартиб бўлишини, овчиларнинг муттасил ов излаб юришларини талаб қилган. Бу ишларнинг ҳаммасини энди кўп минг йиллардан бери яшаб келаётган уруғчилик ташкилоти тартибга солиб турган.

Балиқ қачондан бошлаб тутила бошлаганини археология ҳозиргача аниқлай олган эмас. Унинг ориньяк даврига хос аниқ белгилари (баъзи маконлардан йирик дарё балиқларининг суяклари) топилди. Ҳар ҳолда бу машғулот мадлен даврида ҳайвон ови билан бир қаторда муҳим ўрин тутган. Аммо ҳали бу даврда тўр ҳам, қармоқ ҳам, қайиқ ҳам бўлмаган. Балиқ суяк чангак ва найза билан ушланган.

Мадлен даврининг суяк қуроолларидан игналарни айтиб ўтиш мумкин. Улар жуда ингичка бўлиб, ҳозирги игналарга ўхшайди. Бу суяк игналар билан тери тикканлар. Одамлар тиқиш-чатишни ўрганганлар ва игналар шакли ҳозиргача ўзгармаган. Суяк бигиз ҳам ўша замонда пайдо бўлган.

СССРда мадлен даврининг маконлари кўп. Бундай маконлар Десна бўйида, шунингдек юқори Донда жуда яхши текширилган. Ока бўйида мадлен макони Муром яқинида Карачаровода топилган. Мадлен макони Чусоваянинг Камага қуйилиш жойи яқинида, Островда ҳам топилган. Бу Европада энг шимолӣ макондир. Кавказнинг мадлен ёдгорликлари Ғарбий Грузияда, Урта Осиёда — Ғарбий Туркманистонда, шунингдек Самарқандда ҳам топилган.

Сибирдаги мадленнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Енисей дарёси бўйида Афонтова Гора энг машҳур маконлардандир. Бундан ташқари бошқа маконлар ҳам бор. Бу маконда чақмоқтош йўқ деса бўлади, унинг ўрнида ҳайвон шохи ва кварцит ишлатилган. Бу ерда жуда архаик қурооллар — мустьега хос қирғич-

лар айниқса характерлидир (мустьега хос найзасимон тош қуроллар учрамайди). Аммо умуман олганда бу ердаги тош қуроллар ҳар ҳолда мадлен давридаги қуролларга ўхшайди: призма шаклидаги, узун ва юпқа нуклеуслар, пичоқсимон тош қуроллар мадлен даврига хос қирғичлар ва ҳоказолар кўп. Тошдан ясалган қуроллардан кўра суякдан ясалган қуроллар кўпчиликини ташкил этади, бу қуролларнинг шакли Европада топилган қуроллардан фарқ қилмайди.

Дунёда энг шимолий палеолит даври маконлари Лена дарёси бўйидан топилган. У ерда мадлен маконлари 62° шимолий кенгликкача етиб борган. —

Бизнинг мамлакатимизда палеолит даврига хос жойлар Октябрь революциясигача битта-иккита эди холос, ҳозир СССР да топилган бундай жойлар 800 дан ошиб кетди, дунёнинг бошқа ҳамма мамлакатларида топилганидан ҳам кўп.

Совет археологлари палеолит даврининг ижтимоий тузуми, хўжалиги ва идеологиясини ўрганишда янада муҳимроқ ҳисса қўшдилар. Бу ҳиссанинг аҳамияти юқорида келтирилган бир қанча мисолларда кўрсатиб ўтилди.



ИККИНЧИ БОБ

МЕЗОЛИТ

Музлик даври тугайди, у билан бирга палеолит даври ҳам тамом бўлди. Иқлим илиқроқ бўлиб қолди. Флора ва фауна ҳам бир оз ҳозирги фауна ва флорага ўхшаб келади, шу тариқа мезолит даври бошланади. Бу термин грекча «месос» — ўрта ва «литос» — тош деган сўзлардан келиб чиққан. Бу ўрта тош даври бир неча минг йил тахминан эрамыздан аввалги 12 мингдан 5 минг йилгача давом этган.


Мезолит даврининг бошланиши камон тарқала бошлаган вақтга тўғри келади. Мезолит даври археологларга XIX аср охиригача маълум бўлмаган ва ана шунга кўра узоқ вақт унинг маконлари топилмаган. Бу ҳақда олимлар палеолит билан неолит даври ўртасида тушунтириб бўлмайдиган узилиш бор дедилар, ҳатто Европадаги вақтинча (бир неча минг йил давомидаги) ҳувиллаш, яъни тамомила ғайри табиий ҳол содир бўлган деб таърифладилар. Музликнинг тугаши билан табиий шароит кескин суратда яхшиланган; бу ҳол аҳолининг кетиб қолишига сабаб бўлиши мутлақо мумкин эмас эди. Шундай бўлса ҳам XIX асрда бундай қарашлар ҳукм сурарди. Аммо илм-фанда ҳал бўлмаган жумбоқлар бора-бора очилади. Икки давр ўртасидаги узилиш эса бизнинг маълумотларимиздаги етишмовчилик бўлиб чиқди, ҳолос. XIX аср охирида палеолитдан неолитга ўтиш даврига мусбат мезолитнинг биринчи маконлари топилди. Бу кашфиётларнинг туб аҳамиятига бирданга тушуниб етилган эмас. Бироқ ҳозирги вақтда бундай манзиллар бир қанча мамлакатларда топилиб текширилди ва палеолит билан неолит ўртасидаги узилиш тўғрисида энди ҳеч ким гапирмайди.

Мезолитнинг очилиши Энгельснинг, камон сопол идишлардан анча илгари пайдо бўлган, деган фикрларини тасдиқлади. Энгельс яшаган даврда археологлар ўқ ва ёй сопол идиш билан бир вақтларда, неолит даврининг бошларида ихтиро этилган деб ҳисобладилар. Ҳали у вақтда мезолит даври маълум эмас эди. Ҳозир эса биз турли мамлакатлардаги кўпгина мезолит маконларини биламиз ва бу маконларнинг ҳаммасида ўқлар учрайди. Сопол идишларни ҳатто тасаввур ҳам қилмаган киши-

лар бир неча минг йил давомида ўқдан фойдаланиб келганлар, мезолит даврида сопол идишлар бўлмаган.

Ўқ ва ёй пайдо бўлиши билан узоқ вақт давомида одамларнинг асосий машғулоти ва тирикчилигининг ишончли манбаи бўлиб келган ов усули, яъни йирик ҳайвонларни қамаб олиб ов қилиш усулининг аввалги аҳамияти йўқолади. Янги қурол билан ҳамма ҳайвонларни тутиб бир оз муваффақиятли равишда озиқ-овқат топиш мумкин бўлиб қолган. Аммо ҳайвонларни ўраб, қамаб тутиб олиш аввалгидек зарур бўлса-да, энди бу усулдаги ов объекти кўпинча йирик йиртқичлар бўлмай, балки ўқ билан ўлдириш мумкин бўлган кўпдан-кўп майда ва ўртача ҳайвонлар бўлган.

Европанинг кўп жойида мезолит икки даврга: азил ва тарденуаз даврларига бўлинади. Бу даврлар Франция маконлари номи билан аталган.



8- расм. Мезолит пайконлари. Рязань области, Елин Бордан топилган

СССРдаги мезолит маконлари учун бундай даврий бўлинишнинг аҳамияти фақат Қора денгиз бўйи маконларигагина тегишлидир. СССР Европа қисмидаги


ўрмон зонасидан топилган маконларнинг ўзига хос хусусиятлари бор ва ўзига хос даврларга бўлишни талаб этади.

Азил ва тарденуаз даврларида табиий шароит қанақа бўлганини музлик даврлардан кейинги ҳозирги замонниқига ўхшаш фауна қолдиқлари топилганлиги белгилаб беради.

Азил даврининг чақмоқтош ва суяк қуролларида асосан мадлен тиби сақланиб қолган. Азилликлар мадленликларнинг бевосита ворисларидир. Азилнинг ўзига хос, қаламтарош тифига ўхшаган махсус ўткир тош парракчаларни қайд қилиш мумкин. Бу даврда майда чақмоқтош қуроллар — микролитлар (грекча «микрос» — кичик демак) учрайди, улар тез орада кенг тарқалган. Микролитларнинг кўпи ўқ учи хизматини бажарган (бу ҳақда ҳали қуйида гапирилади). Аммо азил қатламларида чақмоқтошдан ва суякдан ишланган бошқа хил ўқ учлари ҳам учрайди. Уларнинг ҳаммасининг шакли тол баргига ўхшайди ва калтакка биркитиш учун кичик зуғатаси бўлади.

Микролитлар тарденуаз маконларига хос қуроллардир. Бу даврда микролитлар ёки майда чақмоқтош парчалар жуда кўп жойда қуролларнинг бошқа ҳамма хилидан кўра кўпроқ тарқалган. Бу парчалар жуда майда, баъзилари ҳатто бир сантиметрга етар-етмас бўлиб, 2 сантиметрликлари камдан-кам учрайди. Уларни чақмоқтош бўлагидан эзгич билан уриб ҳосил қилинган. Микролитлар турли хил геометрик шаклда (учбурчак, ромб, трапеция, сегмент шаклларида) бўлган. Микролит-

ларнинг жуда кўп бўлганлиги изоҳ талаб қилади. Бу ҳақда ҳар хил фаразлар бор. Масалан, баъзи археологларнинг фикрича, микролитлар баданга суратлар солиш (татуировка) қуроли бўлган. Улар бу фикрни қувватлашда ҳозир ҳам баъзи қабила-лар баданга безак солиш учун худди шундай қуроллардан фойдаланганликлари ҳақидаги этнографик маълумотларга асосланадилар. Лекин микролитлар даставвал ана шу мақсадда ишлатилган деб айтиб бўлмаса керак; микролитларнинг ишлатилиши ҳақида бу талқинлар микролитларнинг бениҳоя кенг тарқалганлигининг аниқланиши биланоқ рад этилди. Баданга безак солиш ҳеч бир даврда инсониятнинг асосий касби бўлиши мумкин эмас.



9- расм. Микролитлар

Қуролларнинг нимага ишлатилганлиги ҳақида замонамиз археологларининг кўпчилигида икки хил фикр бор. Биринчидан, бу қуроллар ўқ учларидир. Улар таёқ учидаги ёриққа тиқиб ишлатилган. Бундай ўқлар ҳам ўткир, ҳам енгил бўлиб, кичик-роқ камон учун қулай бўлган. Иккинчидан, улар қадамалардир. Суюк ёки ёғоч қуролга қатор қилиб қадалган чақмоқтош парчалари тизмаси қуролнинг тигини ҳосил этган. Бунинг учун дастанинг узунасига ёриб микролитлар қадаб чиқилган. Шу тариқа озгина чақмоқтош сарф қилиниб, гарчи бутунлай чақмоқдан бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ундан қолишмайдиган тиги чақмоқтошли каттагина қурол ясалган.

Тарденуаз микролитлари Европа, Осиё ва Африкадаги кўпгина мамлакатлар территориясида жуда кенг тарқалган. Аммо бу техниканинг кейинги даврларда ҳам турли мамлакатларда қайта-қайта пайдо бўлишини айтиб ўтмоқ керак.

Геология текширишлари, айниқса палеоботаника текширишлари билан аниқланадиган иқлим ўзгаришлари археология хронологияси учун жуда муҳимдир. Тўғри, музлик тугайдан кейинги иқлим умуман олганда салгина ўзгарган, аммо фан ўша сал-пал ўзаришларни ҳам аниқлаб, уларнинг аниқ вақти-

ни белгилашга муваффақ бўлди, музликдан кейинги даврда бундай ўзгаришлар бир неча бор юз берган. Бизнинг замонамизда ғоят тараққий этган чанг анализи усули бу ишда ердам берди. Қадимги ўсимликлар чанги торфда яхши сақланади, уларни туфроқдан ҳам текшириб аниқлаш мумкин. Қадимги қатламлардаги чангларни микроскопда кўриб ўрганиш натижасида ҳар бир қатламдаги ўсимлик турларининг миқдор нисбати, яъни текширилаётган қатламда аксини топган ўша даврнинг ўсимликлар таркиби аниқланади. Иқлим салгина ўзгарса ўсимликлар таркиби ҳам ўзгаради, демак бу ўзгаришлар, шу тариқа ўсимликларнинг чанг таркибига таъсир қилади. Турли қатламлардаги чангларни таққослаб ўрганиш иқлимдаги қуруқ ва нам, совуқ ва иссиқ даврлар алмашилишини аниқлашга имкон беради.

Нам ўзгаришларини бундан ташқари, геология орқали торфзорлар, кўллар ва дарё водийларининг чегараларидаги ўзгаришларни аниқлаб ҳам кузатиш мумкин. Вақт рақамлари гил тасмаларига қараб белгиланади. Кесмада тузилиши йўл-йўл бўлиб турадиган музликдан кейинги кўл гили гил тасмалари деб аталади. Кўл тагида оқиш юпқа қум тасмалари ёзда, қорамтир юпқа гил тасмалари эса қишда пайдо бўлган. Демак, кўл қатламларидаги ана шу тасмасимон йўлларнинг (оқиши ёки қорамтирининг бари бир) сони иил сонига барабардир.

Гил тасмалари чанглари ва бошқа ҳодисаларни қўшиб ўрганиш натижасида археология саналарини белгилаш учун янги ймкониятлар очилди. Шу тариқа палеоклиматология фани, яъни қадимги иқлимлар ҳақидаги фан археологияга ғоят катта ёрдам берди. Палеоклиматологлар даврларнинг жуда аниқ системасини ишлаб чиқдилар, аммо ҳали бу система ҳамма мамлакат ва ўлкалар учун қўлланилганича йўқ, ҳозирча фақат СССРнинг ўрмон минтақаси учун, Скандинавия ва Англия учун, яъни музлик бошқа ҳамма жойдан узоқроқ давом этган ўлкалар учунгина қўлланилган.

Муз босилшдан кейинги жами иқлимий давр олтита. Дастлабки икки давр: арктик ва субарктик номлари бу иқлимий даврларнинг қанақа эканлигини билдириб туради. Бореал деб аталадиган учинчи давр эрамиздан аввалги 7000—5000-йиллар билан саналади. Бу даврда иқлим қуруқ бўлган. Тўртинчи, Атлантика даври эрамиздан аввалги 5000—3000-йиллар билан саналади. Иқлим нам ва илиқ, ҳозиргидан ҳам анча илиқ бўлган. Бешинчи давр суббореал даври бўлиб, у эрамиздан аввалги 3000—500-йилларни ичига олади. Иқлим бирмунча қуруқ бўлиб илиқлигича қолаверган. Ўрмонли майдонлар жуда камайган. Ўрмонлар билан даштлар чегараси ҳозиргидан кўра анча шимолроқдан ўтган. Олтинчи субатлантика даври эрамиздан аввалги 500-йиллардан бошланиб ҳозир ҳам давом этмоқда. Иқлим нам ва ундан олдин ўтган уч даврдагидан кўра хийла салқиндир.

Саналарга бўлишнинг бу тартиби мезолит, неолит, бронза ва темир даврларининг хронологиясини белгилашда археологларга ҳолат катта ёрдам берди.

СССРда мезолит даври Қримда яхши текширилган. Бу даврга тааллуқли бир қанча ғорлардан ва Яйли ер юзасидан маконлар топилди. Баъзан азил қатлами устидан тарденуаз қатлами пайдо бўлганлигини кузатилиши мезолитнинг икки даврга бўлинишини тасдиқлайди. Бу ҳол Қримнинг Шанкоба ғорида яхши кузатилган. Қрим мезолитидаги ўқлар асосан микролитлардан иборат бўлса-да, аммо тол баргисимон ўқлар ҳам учрайди. Фатма-Коба ва Мурзак-Коба ғорларидаги тарденуаз маконларида ўша замоннинг қабрлари топилди.

Мезолит даврининг маконлари мамлакатимизнинг ўрмон поясида: Ока бўйида (Гремячее, Елин Борда) ва Юқори Волгада (Соболево, Скнятинода) ҳам топилди. Бу маконлар Қримникидан фарқ қилади. Бу ерда геометрик шаклли микролитлар йўқ, аммо тол баргисимон микролитлар кўп. Хронология жиҳатидан бу маконлар субарктика ва бореал даврларига оиддир.

Мезолит даври дунёнинг ҳамма қитъаларида ҳам одамнинг ҳали қадам босилмаган жойларини ўзлаштириш давридир. У даврда одам яшайдиган ерлар чегараси муттасил кенгайиб борган, шимолда эса бу ҳол музликнинг чекинishi билан боғлиқ бўлган. Одамлар ўша вақтда Шимолий Европада ўрнашганлар. Одам палеолит даврида Сибирда Европадагидан кўра анча шимолроққа кўтарилиб, мезолит даврида шимолий қирғоққа бориб етган бўлса керак, бу эса Беринг бўғози орқали Америкага кириб боришга имкон берган бўлиши эҳтимол (дунёнинг бу қитъасида палеолит бўлмаган, одамлар бу қитъани Европа, Осиё ва Африкадагидан кўра кам деганда ярим миллион йил кейин эгаллаган). Зотан, бу ҳол қачон юз берганини археология ҳозирча аниқлай олмаган.

Музлик кечроқ чекинган Балтика мамлакатларида хронология жиҳатдан (Даниядаги маконларидан бирининг номи билан аталган) лингби даври мезолитга тўғри келади. Мезолитдан бошлаб бу ўлкалар одамлар томонидан дастлаб ўзлаштирила бошланган эди. Лингби типидagi маконларнинг ҳаммаси муваққат турар жойлардир. Шимолий Европадаги дастлаб кўчиб кела бошлаган овчи гуруҳлар доим кўчиб юриб ҳаёт кечирганлар. Қурол-асбоблари кўпроқ микролитлардан иборат бўлган. Бир оз қаттиқроқ ва анча дағал ромбсимон тош ўқлар ҳам учрайди. Суяк қуроллар мадлен даврининг қуролларини эслатади.

Субарктика даврига мансуб лингби давридан кейин бореал даврига мансуб маглемозе даври бошланган (бу давр ҳам Данияда топилган маконлардан бирининг номи билан аталади). Балтика бўйида балиқ тутиш овчилик хўжалигида асосий ўрин олган. Бу даврнинг қуроллари ичида тарденуаз типидagi микролитлар кўпчиликни ташкил этади, аммо шундай макролитлар

ҳам учрайдики, булар ҳақида қуйида гапирилади. Суяк буюмларда геометрик нақшлар кўп учрайди, бундай нақшлар неолит даври бошиданоқ ибтидоий санъатнинг ҳаммасида учрайди.

Балтика денгизининг СССРга қарашли соҳилида маглемозе типига муҳим макон текширилди. Шимоли-Шарқий Эстониядаги Кунда деган жойдан топилган бу макон санаси жиҳатидан бореал даврига мансубдир. Бунда топилган қуроолларнинг кўпи суяк санчқилардан, ўқ учлари ва шу кабилардан иборат. Бу макон Фин қўлтиғи соҳили яқинидаги қўл ўртасида жойлашган оролдадир. Бу ерда одамлар асосан балиқ тутиш ва сув паррандаларини овлаш билан кун кечирганлар. Бу вақтда жуда содда қайиқлар ясалган: балиқчиликнинг ривожланиш даражасига қараганда шундай қайиқлар бўлганлигини фараз қилиш мумкин. Ажойиб одамлар балиқни денгиздан эмас турар жойларига яқин кичкина кўлдан тутганлар, улар денгизда сузишга журъат этмаганлар.

Мезолит даврида ҳам уруғ аъзоларининг коллектив меҳнати ва узаро ёрдамлари ов ва балиқчиликнинг зарурий шarti бўлган. Ибтидоий жамоа тузумида ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги ишлаб чиқариш муносабатларининг асосидир. Бу ўша даврдаги ишлаб чиқариш кучларининг характерига асосан мувофиқ келади. Тош қурооллар ва кейинроқ пайдо бўлган ўқ ёй билан табиат кучлари ва йиртқич ҳайвонларга қарши якка ҳолда курашиб бўлмас эди. Қишилар оцдан ўлмаслик, йиртқич ҳайвонларга ем бўлмаслик ёни қўшни жамоалар қўлида ўлиб кетмаслик учун ўрмонда мева йиғиш, балиқ овлаш, уй-жой солиш ишини биргалашиб бажаришга мажбур эдилар. Биргалашиб меҳнат қилгандан кейин, ишлаб чиқариш воситалари ҳам, шунингдек ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳам умумий мулк бўлар эди. Агар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ва шу билан бирга йиртқич ҳайвонлардан сақланиш қурооллари бўлган баъзи бир ишлаб чиқариш қуроолларининг шахсий мулклигини ҳисобга олмасак, у вақтда ҳали ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклиги тўғрисидаги тушунча ҳам йўқ эди.

Камон ва ўқлардан иборат янги қуроолларнинг ихтиро қилиниши натижасида ов унумдорлигининг ўсиши, хўжаликнинг янги формаларини вужудга келтириб чиқариши лозим эди. Айрим қудай ҳолларда овда камон ишлатилиши натижасида бевосита истеъмолдан анча ошиққ улжа топиш мумкин эди. Бундай ҳолларда одамлар ярадор ҳайвонларни ёки тирик болаларини уйларига олиб келишлари, узлари туқ бўлсалар запас озиқ-овқат ғамлаб қўйиш мақсадида боқишлари лозим бўлган. Ҳайвонларни қулга ўргатиш ана шу тариқа бошланган. Чорвачиликнинг бу илк босқичини археологик йўли билан ўрганиш қийин. Маконлардан топиладиган суяклар илк чорвачиликни ўрганишда бирдан-бир манба бўлиши мумкин, аммо бу шароитда уйда боқилган ҳайвонлар ёввойи ҳайвонлардан унча фарқ қилмаган.

Уларнинг ўртасида фарқ бўлиши учун неча минг йиллар ўтиши лозим эди. Ўз қиёфаси билан уруғдошларга ўхшамай қолган биринчи уй ҳайвони ит эди. Итнинг аجدодлари қанақа бўлганлиги масаласи ҳозиргача зоологияда очиқ турибди.

Бир қанча мамлакатларнинг азил ва тарденуаз қатламларида ит суяклари топилган. Мезолит даврида яшаган одамлар ит гўштini еганликларини аниқ тасдиқловчи далиллар (тиг теккан суяклари) бир қанча жойда жумладан Қрим ғорларида ҳам учраган. Шу муносабат билан одамлар биринчи навбатда ит овқат манбаи, гўштининг жонли запаси сифатида қўлга ўргатилган деб тахмин қилинади.



УЧИНЧИ БОБ

НЕОЛИТ

Сопол идишлар, кулолчилик пайдо бўлиши билан неолит (грекча «неос» — янги демак) ёки янги тош даври бошланади. Археологлар учун бу ҳолат айниқса яққол кўзга ташланади. Чунки неолит, бронза ва темир даврлари аҳолиси яшаган ҳамма жойларда сопол синиқлари кўпроқ топилади.

Кулолчиликнинг дастлаб вужудга келишини баён этиш учун баъзи олимлар амалда юз бериши мумкин бўлган бир гипотезани ўртага ташлайдилар. Энг қадимги идишлар ёғочдан ясалган ва новдадан тўқилган. Саватлар баъзан лой билан сувалган. Ана шундай сават тасодифан гулханга тушиб қолган бўлиши мумкин. Ўтда саватнинг новдалари куйиб кетган, сувалган лой эса шу даражада қотиб қоланки, одамлар ўтда куйган лойнинг пишиқлигини, демак лойдан ясаиб ўтда куйдирилган идишнинг афзаллигини пайқаганлар.

Аммо сопол идишлар фақат шу йўл билангина эмас, бошқа йўллар билан ҳам кашф этилган бўлиши мумкин.

Аммо ҳар ҳолда лойни куйдиришнинг кашф этилиши овқат тайёрлаш ва сақлашда одамларга янги имкон яратган. Бу кашфиёт чорвачилик ва деҳқончиликнинг кейинги тараққиёти учун зарурий шарт эди дейиш мумкин. Аммо археология маълумотларига қараганда овчи, балиқчи ва ўсимлик терувчи хўжаликлар ҳам сопол идишлардан кенг фойдаланганлар. Хронология жиҳатдан илк неолит атлантика даврига тўғри келади. Ҳозирча бу давр жуда ҳам кам текширилган, унда ҳали кўп нарса ноаниқлигича турибди. Лекин ҳар ҳолда бу давр ҳамма мамлакатларда кулолчиликнинг, гарчи у даврда дағал ва чала куйдирилган бўлса ҳам, кенг ёйилганлиги билан боғлиқдир. Неолит идишларининг таги думалоқ бўлиб, бу идишлар махсус чуқурчаларга ўрнатилган.

Тахминан шу вақтларда (эҳтимол сал олдинроқ) бошқа бир муҳим ихтиро — болта ҳам кенг тарқалган. Илк неолит учун макролитлар (грекча «макрос» — узун демак) расм бўлган. Одамлар чақмоқтошдан катта ва оғир қуроллар ясай бошлаганлар. Макролитлардан баъзи бирлари болта ўрнида ишлатилган. Бундан олдин ўтган ҳамма даврларнинг қуроллари орасида

дарахт кесиш ва ғўлаларни ишлаш учун (гарчи мавжуд қуролларнинг кўпини шу мақсадда ишлатиш мумкин бўлган бўлса ҳам) биронта махсус қурол бўлган эмас. Илк неолитда пайдо бўлган болта чайла ва кулбалар қуришда бирданига бебаҳо қурол бўлиб қолган. Бу вақтда балиқчилик учун зарур бўлган ибтидоий қайиқ ва ғўладан ўйиладиган қайиқлар ясашда ҳам болта балки ҳаммадан ҳам муҳимроқ ўрин тутган бўлса керак.

Илк неолит даврида чорвачилик ва деҳқончилик бўлганлиги ҳақида тортишувлар бор. Бу давр қатламларидан топилган от ва ҳўкиз суяклари ҳар хил талқин қилинади. Умуман уй ҳайвонлари дастлаб тараққий қила бошлаган пайтларда уларни ёввойи от ва ёввойи ҳўкизлардан ажратиш қийин, улар қадим даврларда, жумладан палеолит даври маконларида ҳам кўп учрайди. Уй ҳайвонларини ёввойи ҳайвонлардан фарқ қилиш учун қуйидаги белгилар назарга олинishi керак: 1) ёввойи ҳайвонлар орасида жуда қарилари бор, уй ҳайвонлари ичида қарилари бўлмайди, 2) ёввойи ҳайвонларнинг эркаги билан урғочиси баравар бўлади, уй ҳайвонлари орасида эса урғочиси кўпроқ бўлади, 3) қадимги ёввойи ҳайвонлар ҳозирги замон ёввойи ҳайвонларига, уй ҳайвонлари ҳозирги замон уй ҳайвонларига бутунлай ўхшамаса-да, ҳар ҳолда яқинроқ бўлади. Бу белгиларга қараб иш тутиш суякларни синчиклаб ўрганишни талаб қилади, бу эса асосан келгусида қилиниши лозим бўлган ишлардандир.

Илк неолит даврида баъзи жойларда ёрғучоқлар учрайди. Донни ёрмалаш учун ишлатиладиган тош асбоб шу ном билан аталади. Каттароқ тош устига сепилган донни кичикроқ тош билан ишқалаб янчганлар. Бу содда асбоблардан деҳқонлар бир неча минг йиллар давомида фойдаланиб келган (фақат Римда бу асбоб ўрнига қўл тегирмон ишлатилган). Бироқ дон янчадиган бу асбобни деҳқонлар топганлиги шубҳали. Этнографик маълумотларга қараганда ёввойи ўсимлиқларнинг донларини янчиш учун ҳам ана шу асбоблардан фойдаланилган. Илк неолитда ҳам уларни шу мақсадда ишлатган бўлишлари мумкин. Бу давр маконларининг кўпида деҳқончилик ва чорвачилик аломатлари кўринмайди.

Кейинчалик ғоят кенг тарқалган бу икки хўжалик тури энг қадимги иккита хўжалик тури билан чамбарчас боғланган. Деҳқончилик бевосита теримчиликдан, чорвачилик эса бевосита овчиликдан ривожланган. Киши териладиган ейишли донларнинг кўкаришини кузата бориб, ниҳоят уларнинг униб етилишига ёрдам бера бошлаган. Чорвачиликнинг қандай пайдо бўлганлиги ҳақида юқорида гапирилган эди.

СССРда санаси атлантика даврининг охирларига тўғри келадиган баъзи маконларни (улардан Льялово ва Стрелкадагилари қуйида тилга олинади) илк неолитга мансуб дейиш мумкин. Улар маданий ҳолатларига кўра сўнгги неолит маконлари билан маҳкам боғланган ва шунинг учун ҳам улар бирга кўри-

лиши лозим. Макролитлар бизнинг кўп вилоятларимизда кўп учрайди. Улар ўрмон минтақалари ва даштларда ҳам баф-баравар тарқалган.


Бизда сўнгги неолит ёки ривожланган неолит бирмунча яхши ўрганилган. У ўзининг хўжалик тараққиети жиҳатидан илк неолитдан кам фарқ қилади. Археология жиҳатидан сўнгги неолитнинг энг муҳим тафовути ундаги қуроолларнинг силлиқланганлигидир. Хўжаликнинг негизини, аввалгидек, тараққий қилган овчилик ҳамда у билан муваффақиятли равишда рақобат қиладиган ва ривожланган балиқчилик ташкил этади. Овчиликда ўқ ва ёйлардан кўплаб фойдаланилган. Деҳқончилик билан чорвачилик, аввалгидек ибтидоий ҳолатда бўлган. Бу вақтда уруғчилик тузуми равнақ топган. Бу эса ҳозирги вақтда тараққиети жиҳатидан ўша замон даражасида яшаб турган қабила-ларнинг этнографиясини ўрганиш билан исбот этилган.

Силлиқланган қурооллар хўжаликка унча катта янгилик кiritмаган бўлса-да силлиқлаш қўлланилган меҳнат соҳасида унумдорлик бирмунча ошган. Бирок силлиқлаш ҳамма соҳада ҳам қўлланила бермаган, кўпроқ ёғоч буюмлар ишлайдиган қурооллар пардозланган, аммо шунда ҳам ҳамма қурооллар силлиқланган эмас. Силлиқлаш жуда кўп вақт талаб қиладиган иш бўлиши билан бирга кўпинча кутилган натижани бермаган.

Қурооллар махсус тош устида сдатда қумтош тахтасида силлиқланган. Аввало азалдан расм бўлган уриб учирish техникаси воситаси билан қуроолнинг бошлиғи ясалган. Зарур шаклдаги қуроол бошлиғи кейин силлиқланган. Тош тахта фақат таянч хизматини утаган, холос, тош тахта устига сепиладиган хўл қум эса силлиқловчи модда бўлган. Оддий кварц қуми майдаланган қаттиқ тош, кварц бўлиб, бошқа тошларни унга узоқроқ давом этдириб ишқалай берса яхши силлиқлайди. Силлиқланган қурооллар неолит охирларида баъзан тешилган. Илк суяк парма вазифасини бажарган. Суяк пармани камон ичига ўраб айлантирганлар. Суяк парманинг тош тешадиган учига нам қум сепиб турилган. Пармаланган қуроолга ёғоч даста ўрнатиш мумкин бўлган, дастали қуроол билан иш қилиш анча қулай эди, албатта (бу тош қуроол дастага вақтинча боғлаб ишлатилган). Маконларни қазिश вақтида цилиндр шаклидаги тош бўлақчалар, яъни пармалагандан кейин тешиқ ўрнидан олинган ўзақлар учрайди. Энг муҳим қуроол ҳисобланган болта кўпинча пармаланган ва силлиқланган.

Силлиқлаш натижасида қурооллар аниқроқ шакл олган, бу эса уларнинг турларга ажратилишига ёрдам берган. Масалан, пона болтадан тамомила фарқ қилган. Қуроолнинг янги хили, тўқмоқлаб урадиган оғир чўқмор пайдо бўлган. Неолит даврида тўқмоқлар тошдан ясашиб, силлиқланган пармаланган ва думалоқ шар шаклида бўлган.

Бошқа тошларга ўхшаш чақмоқ тош ҳам силлиқланган. Янги техника шаронтида чақмоқ тош алоҳида устунликка эга эмас эди. Болталар, поналар ва бу техниканинг бошқа буюмлари хилма-хил тошлардан ясалган. Аммо чақмоқ тош ҳар ҳолда, илгаригидек, қурол ясашда кўпроқ ишлатилган. Ахир тош қуролларнинг жуда кўпчилиги неолит даврининг охирида ҳам сира силлиқланмаган. Улар аввалгидек уриб учирилган, эски ёрма техника ҳукм сурган. Ретушлашда эзиб учуриш техникаси кенг қўлланилган.



10- расм. Болта ва пона. Муром яқинидаги
Волосовдан топилган

Ёрма техникада ясалган қуроллардан сўнгги неолит даври учун энг характерлиси чақмоқтош ўқ учларидир. Уларнинг шакли баргга ўхшайди, кейинроқ эса учбурчак шаклига ўхшатилган. Улар жуда яхши ретушланган.


XIX аср археологлари палеолит даврини кертилган тош даври, неолит эса силлиқланган дош даври деб атаганлар. Бундай қарама-қарши фикр жуда кўп кашфиётлар билан аллақачонлар рад қилинди. Илк неолитда силлиқлаш деярли бўлмаган, қуролларнинг тигларигина баъзида камдан-кам силлиқланган. Силлиқланган тош буюмлар фақат сўнгги неолитдагина расм бўлган, бунинг ҳам кўп қисми бронза даврига хос бўлиб, улар ҳеч қачон моддий маданиятда ҳукмронлик қилмаган.

Сўнгги неолит мамлакатимизнинг ҳамма ерда ҳам бир текисда ўрганилмаган; бу давр жанубдан кўра шимолда яхшироқ ўрганилган; жанубда Жданов шаҳридаги неолит қабристонигина мукамал ўрганилган. Бу қабристон Азов денгизи соҳилидадир. Уликлар чўзилтириб кўмилган ва уларга қизил бўёқ сепилган. Қабрлардан силлиқ тош болталар ва тўқмоқлар, чақмоқтошдан ясалган пичоқлар, қирғичлар, ўқ учлари ва микролитлар топил-

ган. Топилган буюмлар орасида силлиқлаш учун ишлатиладиган тош тахта ҳам бор. Ёввойи ҳайвонларнинг суякдан ясалган ҳайкаллари бир неча марта топилган. Ёввойи чўққа тишидан ишланган чўлпилар жуда кўп учрайди. Бу чўлпилар кийимларни баъзан бошдан оёқ безаш учун ишлатилган бўлиши эҳтимол. Деҳқончилик ёки чорвачиликдан ҳеч қандай аломати йўқ. Ов хўжалиги аломатлари эса жуда кўп. Бу ерда кишилар ўртасида мулкый тафовут бўлмаганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Қабрларда буюмлар гарчи кўп бўлса-да, гўрлардан бой билан камбағални ажратиб бўлмайди (ҳолбуки бундай тафовут кейинги даврларга хос хусусиятдир). Демак ҳали уруғ ичида ҳамма тенг ҳуқуқли бўлган.

Шимолий Кавказда, Нальчик яқинидаги Агубекда неолит макони топилади, бунда чақмоқ тошдан ясалган жуда кўп пичоқ, қирғич ва ўқ учлари орасида баъзан силлиқланган тош болта ва поналар ҳам бор. Сопол идишларда нақш бўлмаган. Турар жойлари аниқланмаган.

Бу маконда яшаган кишиларнинг хўжалиги овчиликдан иборат бўлган. Нальчик яқинида неолит даври қабристонни ҳам текширилган.



11- расм. Калтаминор идиши.
Хоразмдаги Жонбос қалъадан
топилган

Ўрта Осиёда сўнгги неолитга оид маконлар Хоразмда, Амударё этакларида, Калтаминор деган жой яқинида бўлган. Бу маконларнинг хўжалиги балиқчиликдан иборат бўлган, жуда кўп балиқ суяклари топилган. Сопол идишларнинг таги думалоқ бўлиб, нақшлар ўйиб солинган. Чақмоқтошдан ясалган пичоқ, қирғич, ўроқранда ва ўқ учлари кўплаб топилган. Онда-сонда силлиқланган тош болталар ҳам учрайди. Суякдан ясалган ўқ учлари жуда кўп. Ҳинд океани чиғаноқлари топилган, бу ҳол узоқ жойлар билан алоқа бўлганлигини кўрсатади. Майдони 300 м² ча келадиган қатор катта турар жой очилган, томни кўтариб турадиган қатор устунлар бор. Бу ерда 100 дан ортиқ киши яшаши мумкин бўлган. У бутун бир уруғ учун солинган умумий уйдир. Ҳар ер-ҳар ерда овқат тайёрлаш учун ёқилган кўпгина гўлханларнинг излари бўлиб, ҳар бир ўчоқ алоҳида-алоҳида оила хўжалигига қарашли бўлган. Учоқлар атрофида жуда кўп рўзгор буюмлари топилган. Уйнинг ўртасида ибодат қиладиган катта ўчоқ бўлиб, унинг атрофида ҳеч қандай рўзгор буюмлари йўқ. Учоқ остидаги тупроқнинг қаттиқ куйганлиги эса сўнмас оловни узоқ вақт давомида ёндириб турилган деган хулоса чиқаришга имкон беради. Бу уруғнинг диний маркази бўлган. Бу — ўтга топинишнинг энг қадимги далилидир. Ўтга топиниш кейинчалик (антик даврда) умуман Ўрта Осиёга хос

хусусиятдир. Қалтаминор маконлари асосан эрамиздан аввалги IV минг йилликка оиддир.

Шарқий Европанинг шимолий, ўрмон полосасида ҳам топиб қазилган неолит маконлари оз эмас. Аммо бу ерда ҳам Ғарбий Европадаги сингари, сўнгги неолитни бронза давридан ажратиш қийин. Шу икки давр давомида ўрмонзорларимизда ягона устига чуқурча ва уйлар кунгура нақш солинган сопол идишлар расм бўлган. Ғарбий Европада бундай идишлар бўлмаган, бизда эса жуда узоқ вақтлар давомида деярли ҳамма идишларнинг усти чуқурча ва ўйма нақш билан қоплаган.

Мана шундай нақшли сопол идиш парчалари сочилиб ётган маконлар кўп учрайди. У ерда чақмоқ тошдан ясалган қуроллар ҳам кўп. Силлиқланган қуроллар ҳам учрайди. Бу маконларнинг кўпи бронза даврига оид. Гап шундаки, бронза ҳеч бир мамлакатда чақмоқ тошдек кўп ишлатилмаган. Кейинроқ темир пайдо бўлгандан кейингина ишлатилмай қўйилган. Бронза давридаги турар жойларнинг ҳаммасида ҳам ишлатилган қуролларнинг кўпчилиги, аввалгидек, чақмоқ тошдан ясалган қуроллар бўлган. Бизда эрамиздан аввалги II минг йилликка оид сўнгги маконларда чуқурча ва ўйма кунгура нақшли сопол идишлар билан бирга баъзан бронзадан ясалган қуроллар ва ҳатто уларни ишлаган устахона излари ҳам учрайди. Шундай бўлса-да, шу типдаги кўпгина ва энг машҳур маконларни неолит даврига оид дейиш мумкин, чунки бу маконларда металл ишлатилмаган, ишлатилган бўлса ҳам металлургия бўлмаган.


Маконлар жойланиш шароитига қараб торфзорли, аллювиал ва дюнали маконларга бўлинади. Бу маконларнинг энг қадимийси Льялов макони (Москвадан 40 км шимолда) торфзорда жойлашгандир. У ерда гарчи силлиқланган тоштахталар бўлса-да, макролитлар ҳам учрайди. Бу ердаги кишилар кўл бўйида ёғоч тўшамаларда яшаганлар. Уша замон кўлларининг кўпи умуман торфзорларга айланган. Чанг анализига кўра (торфда чанг кўп бўлади), Льялов макони атрофидаги дарахтларнинг кўпи кенг баргли (дуб ва бошқалар) дарахтлар, иқлими илиқ ва сернам бўлган. Бу ҳали атлантика даври бўлиб, макон эрамиздан аввалги IV минг йилликка тўғри келади.

Аллювияда, яъни дарё ва кўл ётқиқиқларида кўп маконлар топилди. Улардан энг қадимийлиги ва топилмаларининг кўплиги билан машҳурлари Ладога ва Коломци маконларидир. Ладога кўли маконидан силлиқланган жуда кўп қуроллар топилди. Оқиб келиб чўккан бу торф қатламида дубдан ўйиб ясалган қайиқ ҳам топилди (торф ичида ёғоч кўпинча яхши сақланади). Коломци маконида (Новгород ёнида, Ильмень кўли бўйида) ўйма кунгуралар билан сопол идишга солинган одам ва ҳайвон суратлари чизилганлиги неолит даври суратининг ажойиб мисолидир. Неолит даври санъати ҳамма жойда бўлгани сингари, бизда ҳам схематик ва геометриклиги билан ажралиб туради.

Дюна (қум уюм) лардаги маконлар бошқа хил маконлардан кўра кўпроқдир. Улар дарё бўйларида (шунингдек, кўллар, Оқ денгиз ва Балтика денгизи бўйида) чўзилиб кетган қумтепаларда, шу билан бирга уларнинг сувга қия томонида жойлашган бўлади. Бундай маконлардан энг машҳури Муром яқинида Окадаги Волосово маконидир. Ундан босма ретуш билан ғоят-ғўзал қилиб ишланган чақмоқ тош қурооллар, жумладан ханжарлар, пичоқлар ва ўқ учлари топилди ва бу Волосово хазинаси деб ном олди.

Шундай қилиб, мамлакатимиздаги ҳамма маконлар сувга яқин бўлган. Уларнинг торфзорлардаги, аллювиядаги ва дюналардаги маконларга бўлинишининг ўзи ҳам сувга яқин ерларда жойлашганликларини аниқ кўрсатиб туради. Текширишлар натижасида кўпгина шундай ҳоллар маълум бўлдики, сув сатҳи пасайиши билан (асрлар давомида сув гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб турган) маконлар ҳам пастроққа кўчирилган. Бу қонуний ҳолдир. Маконлар картаси билан сув системалари картасининг бир-бирига мос қелиши табиийдир, чунки ўша даврларда одамлар ўрмонларга фақат дарё бўйлаб кириб борганлар ва дарёлардан узоқ кетмаганлар. Утиб бўлмайдиган ўрмонзорлар билан қопланган сув айирғичларга одамлар етиб бормаган. Маконларнинг сувга яқинлиги шу қадар аниқ ва равшанки, буни одамларнинг фақат балиқчилик ва сув ови билан машғул бўлганликлари билангина тушунтирилиши мумкин. Буни маконлардан топилган суяк турларининг миқдори ҳам тасдиқлайди: масалан, Ладога маконидан топилган суякларнинг 80 проценти сув фаунасига (балиқ ва сув паррандалари) ва атиги 20 проценти қуруқликдаги ҳайвонларига тегишлидир. Ов ҳайвонларидан булан (лось) катта аҳамият касб этган.

Мамлакатимиздаги неолит маконларининг жойланишидаги яна бир қонуниятни кўрсатиш мумкин. Бу маконлар кичик-кичик дарёлар бўйида ва кўпинча уларнинг этакларида жойлашган. Кичик дарё этакларида жойлашган маконлар айни вақтда катта дареларга, катта кўлларга ва денгиз (Оқ денгиз ва Балтика денгизи)га ҳам яқин бўлган, аммо уларнинг биттаси ҳам ёнида кичик дарё бўлмаган катта сув ҳавзаси ёнида жойлашмаган. Демак, балиқ тутиш учун катта сувлардан фойдалана олмаганлар деб хулоса чиқариш мумкин. Одамлар катта сувлардан бир оз фой-



12- расм. Неолит қирғичлари

Мамлакатимиздаги неолит маконларининг жойланишидаги яна бир қонуниятни кўрсатиш мумкин. Бу маконлар кичик-кичик дарёлар бўйида ва кўпинча уларнинг этакларида жойлашган. Кичик дарё этакларида жойлашган маконлар айни вақтда катта дареларга, катта кўлларга ва денгиз (Оқ денгиз ва Балтика денгизи)га ҳам яқин бўлган, аммо уларнинг биттаси ҳам ёнида кичик дарё бўлмаган катта сув ҳавзаси ёнида жойлашмаган. Демак, балиқ тутиш учун катта сувлардан фойдалана олмаганлар деб хулоса чиқариш мумкин. Одамлар катта сувлардан бир оз фой-

даланган бўлсалар-да аммо улардан доимо керакли ўлжани ололмаганлар. Кичик дарёнинг икки томонига қозиқ қоқиб уларга тўр бойлаб кўп балиқ тутиш мумкин бўлган. Ишни бу тартибда ташкил этиш ва маҳсулотни тақсимлаш фақат коллектив бўлгандагина мумкин бўлган.


Макон майдони одатда унча кенг бўлмаган, у 3000 м² дан ошмаган. Турар жойлар асосан Совет ҳокимияти дарвида ўрғанилди. Маконлар турли шакллардаги ертўлалардан иборат бўлиб, тепаларига чайлалар ўрнатилган бўлса керак. Ертўлаларнинг қоқ ўртасида одатда тошлардан ишланган ўчоқлар бўлган. Маконларда бундай турар жойларнинг сони одатда 10—12 тадан ошмаган. Бундай посёлкаларда кексалар ўрта ҳисобда элликтача бўлган.

Базан биздаги неолит сополларида балиқ тутиш учун ишлатилган тўрларнинг излари учрайди. Ладога кўлининг ғарбий соҳилида неолит чақмоқтош қуроллари билан бирга тўр қолдиқлари ҳам топилди. Тўр пўсглоқ ва қичитқи ўтдан эшилган иплардан тўқилган. Маконларда тўрни сувга чўктириш учун ишлатилган тошлар учрайди. Ов қуролларида чақмоқтош ўқ учлари ва найза пайконлари сақланиб қолган. Дастлаб ўқ учлари баргсимон, сўнгра учбурчак шаклда бўлди. Чақмоқтошдан ясалган меҳнат қуролларида қирғичлар, ўроқрандалар ва пичоқлар кўпроқ учрайди. Силлиқланган болта ва поналар унча кўп учрамаса-да, улар шу даврга хос қурооллардир. Уларнинг кам учрашига сабаб шуки, кишилар бу қуроолларни эҳтиётлаб сақлаганлар, камдан-кам йўқотганлар. Деҳқончилик билан чорвачилик ҳақида ҳозирча ҳеч қандай аломат топилгани йўқ.

Бу маконларнинг ҳаммасига хос ўйма кунгура нақшли сопол идишлар Шарқий Европанинг бутун ўрмон полосасида расм бўлган. Ўйма нақшлар (думалоқ ўйиқлар) идишларга белемнитлар билан ўйиб солинган. Учи цилиндрсимон қаттиқ ўзакдан иборат қадимги қазилма моллюска қолдиғи белемнит деб аталади. Белемнитлар маконларда кўп учрайди. Сополга кунгурадор нақш соладиган босмалар ҳам учрайди. Улар кунгурадор тишли бўлиб ясси тош парчалар ёки суякдан ясалган. Турли комбинациялардаги нақшлар албатта белемнит ва тишли тош нарчалари воситаси билан идиш пиширилмасдан олдин босилган. Бу биздаги неолит сопол идишларига ҳусн берган. Идиш тағи юмалоқ бўлган. Демак бу идишлар чуқурга ёки ўчоқ тошлари орасига қўйилган (бу вақтда стол ҳам, печь ҳам бўлмаган).

Сопол идишлар катта-кичиклиги ва хизматига кўра уч хилга бўлади: 1) озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган, қурумсиз катта идишлар; 2) овқат пишириш учун ишлатиладиган, қурум қопланган ўртача идишлар ва 3) овқат сузиб ейиш учун ишлатиладиган, бу ҳам қурумсиз кичик идишлар. Лойга кўпинча дресва, яъни гранит қуми аралаштирилган бўлади. Идишлар жуذا содда усулда пиширилганда гранит қуми идишларни ёрилиб ке-

тишдан сақлаган. Идишлар лой тасмаси билан ясалган, яъни тасма қилиб тайёрланган лой спираль шаклда устма-уст қўйиб ўралган. Кулолчиликда бу усул узок вақтларгача, то ўрта асрларгача қўлланиб келинган (синфий жамиятларда у кулолчилик чархига мосланган, ибтидоий жамиятда эса кулолчилик чархи бўлмаган). Сопол идишлар бу даврда гулханда пиширилган. Идишларни аёллар ясаган бу эса этнографик таққослаш ва неолит идишлардаги бармоқ изларини дактилоскопия усули билан ўрганиб исбот қилинган.




13- расм. Неолит давридаги ўқ учлари. Муром яқинида, Волосоводан топилган

Онега кўли ўртасидаги Буғу оролида неолит даврига оид қадимги қабристон бор. Одамлар кўл бўйида яшаганлар ва ўликларни оролга олиб бориб кўмганлар. Уликлар чўзилтириб кўмилган ва устларига қизил бўёқ сепганлар. Эркакларнинг қабрларидан тош ўқ ҳамда найза суяк санчқилар, ўқ учлари, тош пичоқ булан ва айиқ тишларидан ясалган маржонлар топилди. Аёллар кўмилган қабрларда ҳам эркаклар қабридан чиққан маржонлар, худди ўшандай пичоқлар ва суяк ниналар топилди. Бир неча қабрдан суяқдан ясалган одам ва ёввойи ҳайвон ҳайкалчалари чиқди. Булан ва айиқ тишларидан ясалган жевак-чўлпилар муттасил учраб турди. Бу жевак-чўлпилар билан кийимларни, баъзан ҳатто бошдан-оёқ беазаган бўлсалар керак. Азов денгизи билан Онега кўли ўртасида ғоят катта масофа бўлишига қарамай, Ждановдаги қабристон билан Буғу оролидаги қабристон маросими ва буюмлари бир-бирига ўхшайди.

Онега кўлининг шарқий соҳили ва Оқ денгизнинг ғарбий соҳи-
лидаги қоя тошларда неолит овчилари ўйиб чизган минглаб
суратлар сақланб қолган. Кўпроқ булан, буғу, оққуш, ғоз, ўрдак
суратлари солинган. Баъзи суратлар сирли маъно бериб чизил-
ган. Масалан, буғуларни ҳайдаб қамаш манзараси бу ишнинг
ҳақиқатда муваффақиятли бўлишини таъминлаш мақсади билан
чизилган бўлса керак. Одамлар сурати анча кўп учрайди, уларда
асосан овчилар тасвирланган. Қайиқ суратлари ҳам бор. Оқ ден-
гиздаги ов манзарасида чанғичиларнинг жаҳонда энг қадимги

тасвири берилган.



14- расм. Чуқурча ва тароқ-
симон ўйма нақшли сопол
идиш

Археологлар сўнги вақтларгача
чуқурча ва ўйма кунгурадор нақш-
ли сополи бўлган маконлар ҳақида
умумий тарздагина гапириб келди-
лар, бу кифоя қилмайди, албатта.
Бу маконлар бир хил бўлса-да, улар
жуда кенг территорияга тарқалган.
Шу кенг территориядаги турли
қисмларининг тарихий тақдирлари
неча минг йиллар давом этган неолит
даврида бир хил бўлган эмас.
Бу соҳада баъзи тайёргарлик иш-
лари қилинган бўлса-да биз ҳали
уларнинг ҳар қайсисининг тарихий
тақдири нима кечганлигини кузата

олмаймиз. Археологлар кейинги вақтларда неолит даврининг бир
қанча ўлка вариантларини белгиладилар, бу вариантларнинг
ҳар қайсиси чақмоқтош қуроолларнинг алоҳида тури ёки сопол
идишлардаги безакларнинг алоҳида комбинациялари билан
бир-биридан фарқ қилади. Масалан, шимолда бундай ўлка-
лардан тўртта: Карелия, Оқ денгиз, Печора ва Каргополь ўлкала-
ри белгиланган. Ока дарёси бўйидан неолитнинг бешта маҳаллий
варианти: Льялов, Белёв, Рязань, Қолосово ва Балахна бўлган.
Мазкур ҳамма вариантларнинг хўжаликларидagi тафовут санаси
маданий алоқалари ва ҳоказоларини ҳали аниқлаш вазифаси
турибди. Урмонзор минтақадаги неолитнинг конкрет тарихи ана
шу тариқа яратилиши мумкин.

Урал неолитининг бир қадар ўзига хос хусусиятлари бор. Бу
ерда сопол идишлар ўйма кунгура ва жимжима нақшлидир. Кун-
гурадор қолиплар шунчаки безак босиш учунгина эмас, балки
жимжималаш, яъни қолипни сиджитганда тўлқинсимон из ҳосил
килиш учун ҳам ишлатилган. Безакнинг ана шу икки хили ҳам
ҳар бир идишда баб-баравар ишлатилган. Урал идишларида чу-
қурчали нақшлар камдан-кам учрайди. Урал маконлари хўжалик
тараққиёти даражаси жиҳатидан ўрта рус маконларидан бир
қадар фарқ қилади. Бу ерда суяк турларининг миқдорига қара-
ганда балиқчиликдан кўра ов муҳимроқ ўрин тутган. Сўнгра бун-

да гарчи чорвачилик бўлмаса ҳам деҳқончилик пайдо бўлган. Уралдаги кўпгина маконлар торфзорларда жойлашган, шу сабабдан бу ерда ёғочлар яхши сақланган.

СССРда энг қадимги неолит маконларидан бири Нижний Тагиль яқинида Стрелкадаги Урал маконидир. Бу макон атлантика даврига оид бўлиб, эрамиздан аввалги IV минг йиллик билан саналади. Урал торфзорларидаги бошқа жуда кўп топилмалар ҳам худди шундай қадимийдир. Стрелкадаги сопол идишларга ўйма кунгура ва жимжимадор нақшлар берилган. Стрелкада шох ва суякдан ясалган мотиға (кетмонча)ларнинг кўплаб топилганлиги Уралда деҳқончилик жуда эрта бошланганлигини кўрсатади. Бу ерга донни, унинг узоқ ватани Ўрта Осиёдан олиб келинган бўлса керак. Кейинчалик, темир даврида Урал Ўрта-Осиё билан айниқса яқиндан алоқада бўлган. Аммо ҳар қалай неолит давридаёқ шимолда деҳқончиликнинг шунчалик эрта тараққий топиши таажжуб бир ҳолдир: ҳали у пайтларда деҳқончилик Ўрта Осиёнинг Қалтаминор маконларида ҳам бўлмаган. Стрелкада топилган ёғоч буюмлардан чанани ва катталиги аслидек ўрдак ҳайкалини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу ҳайкалдан овчилар жонли ўрдакларни алдаб сувға қўйиб қўйиш учун фойдаланганлар. Буни яшаш учун қатламлари қуш патига ўхшайдиган ёғоч парчаси танлаб олинган. Уралда сўнгги неолитга ва асосан бронза даврига оид маконлар борлиги ҳам маълум; бу маконлар ҳақида кейинроқ гапирилади.

Сибирь неолити, мунозарага доир материалларни ҳисобга олмаганда, фақат Ангарарада ўрганилган, холос. Бу ерда қазилган қадимий қабристонлар асосида бир неча даврлар аниқланди (уларнинг номи машҳур қадимий қабристонлар номи билан аталади).

Биринчи — исаково даври асосан эрамиздан аввалги IV минг йилликка оиддир. Хўжалиги овчиликдан иборат бўлган. Қадама микролит техникаси кенг қўлланилган. Қабрларда катта суяк найзалар, чақмоқтош қадамали пичоқлар учрайди. Чақмоқтош, ўқ учлари, қирғичлар кўп. Силлиқланган қуроллар ҳам пайдо бўлган. Сопол идишларнинг таги думалоқ.

Иккинчи, серов даври асосан эрамиздан аввалги III минг йилликка оид. Қабрлардан топилган қурол ва буюмлар ўша даврда уруғ аъзоларининг мулкый тенглиги тўла-сақланганлигидан далолат беради. Хўжалиги аввалгидек овчиликдан иборат бўлган, аммо қурол ва буюмлар хийла мураккаблашган. Тошни силлиқлашдан кейин пармалаш тарқалган. Аммо сопол идишларнинг таги думалоқлигича қолаверган. Қабрларда ўқларгина эмас, камонлар ҳам учрайди. Камонлар ёғочдан ясалган, суяк қопламалари бўлган, улар одам бўйидек келади. Археологларга Англиядан тортиб Япониягача бўлган жуда кўп мамлакатлардаги ибтидоий камонлар маълум, аммо Серово камонлари улар ичида энг мукаммалидир. Балиқ тасвиридаги тош ҳайкалчалар бу даврга

хос бўлиб, одамлар бу ҳайкалчаларни балиқ ови муваффақиятли бўлсин учун улар сеҳрлаш мақсадида сувга ташлаган бўлсалар керак. Бу ҳайкалчалар жуда схематик бўлишига қарамай, балиқларнинг умумий суратлари аниқ ва тўғри берилган: бу ҳайкалчалардан елим балиқ, бичок, омуль, ола балиқ, осётр, стерлядларни аниқ ажратиш мумкин. Балиқни тўр ва санчиқлар билан ҳам ушлаган бўлсалар керак. Серово даврининг охирларида қармоқ ҳам пайдо бўлган. Ўқ ёй эркаклар қабрларидагина эмас, аёллар қабрларида ҳам учрайди. Аёлларнинг қурол осиб юришини матриархатликнинг шубҳасиз аломати деб қараб бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда бу нарса кўп ўлкаларда ва ҳамма ерда матриархат билан боғлиқ бўлганлиги маълум.

Учинчи, кито даври ҳам эрамыздан аввал III минг йилликка мансуб бўлиб, бу давр II минг йиллик бошларини ҳам ўз ичига олади. Хронологик жиҳатидан - бу бронза даври бўлса-да, узоқ Шарқий Сибирь ўрмонларида бу вақтда неолит давом этган. Мулкый тенгсизлик аломатлари куртак берган. Жуда кўп қурол ва буюмлар билан кўмилган баъзи қабрлар уруғ бошлиқлариники деб тахмин қилинади. Энди гўрларда ов буюмлари (гарчи чақмоқтош ўқ учлари кўп учраса ҳам) кўпчиликни ташкил этмайди, аммо унда қармоқлар жуда кўп. Балиқчилик техникаси мураккаблашган ва аҳамияти анча ошган. Бу даврда балиқчилик овчилик ўрнини босиб, у хўжаликнинг етакчи тармоғи бўлиб қолган. Сопол идишларнинг таги думалоқлигича қолаверган. Қимматли маҳаллий кўк нефрит минералининг топилиши катта аҳамиятга эга бўлган. Бу чиройли тош силлиқланган болта учун жуда боп материал бўлган. Баъзан бу тошдан исаково ва серово даврларида ҳам шу мақсадда фойдаланганлар, аммо кито давридаги болталарнинг ҳаммаси нефритдан ясалган-деса бўлади. Нефрит тоши ишлаш учун қийин бўлса-да, бу чиройли нефрит қуролнинг истеъмолда катта қўлайлик берадиган ажойиб, мислсиз хусусиятлари бор. Бу даврнинг ғоят бой Кито қабристони кўк нефрит конларидан бири ёнида жойлашган. Ундаги қабрларда нефрит буюмларигина эмас, балки сира ишланмаган нефрит парчалари ҳам учрайди. Ишланмаган нефрит тошлар маҳаллий аҳолининг бойлигини ташкил қилган ва бу тошлар у ердан айирбошлаш йўли билан кўп жойларга тарқалган. Ангаранинг кўк нефритидан ясалган буюмлар Сибирнинг ҳамма ерида, ҳатто Уралда ҳам учрайди. Уруғларнинг коллектив мулкни тўпланиши ана шу билан боғлиқ бўлиб, у Ангарадаги қабрларнинг бойлигига таъсир этган. Аёллар қабрларида аввалгидек қуроллар учрайди, демак ижтимоий тузум бу ерда матриархатга асосланган бўлган.





ТўРТИНЧИ БОБ

ЭНЕОЛИТ

Энеолит кўп мамлакатларда, шу жумладан, бизда ҳам неолитдан фарқ қилади. Бу ғалати энеолит ибораси латин ва грекча сўзлардан ясалган (латинча *aeneus* — мис, грекча «литос» — тош демак). Бу ибора ана шундай ғалати бўлгани учун ҳам баъзилар халколит (грекча «халкос» — мис) термини ишлатишни маъқул кўрадилар. Ҳар икки термин ҳам ўша даврда мис пайдо бўлганидан далолат беради, аммо индустрияда ҳали тош тамомила устунлик қилган. Бу давр яна бошқа таъбир билан «мис асри» деб ҳам аталади.

Аввал бошдан оқ айтиш керакки, неолит (илк неолит мустасно) билан энеолит асосан бир вақтда бўлган. Бу икки давр эра миздан аввалги IV ва III миң йилликларга баб-баравар мансуб бўлиб, хронологик жиҳатидан эмас, балки маданий даражалари жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Эра миздан аввалги IV ва III миң йилликларда Европа ва Осиёдаги кўп ўлкаларда неолит қабилалари яшаган, улар бу вақтда металлдан беҳабар бўлиб, овчилик ва балиқчилик билан шугулланганлар. Европа ва Осиёнинг бошқа ўлкаларида металлдан бир оз хабардор энеолит қабилалари яшаган ва уларнинг хўжаликлари одатда деҳқончилик билан чорвачиликка асосланган бўлган.

Тош ва бронза даврлари ўртасида мис даври бўлганлиги металлдан ясалган энг қадимги меҳнат қуроллари ва яроғларни хитизвий анализ қилиш йўли билан исбот этилган. У қуролларнинг ҳаммаси барча мамлакатларда бронзадан қилинмай, соф мисдан ясалганлиги маълум бўлди. Ҳеч нарса аралашмаган мисни соф мис деб ҳисоблаш керак; бироқ унда табиий аралашмалар бўлиши турган гап.

Бронзанинг кейинроқ пайдо бўлганлиги маълум: бронза мис билан қалай қотишмасидир. Бундай қотишмани кашф этиш ва унинг устунлигига тўғри баҳо бера билиш осон бўлмаган. Айниқса қалай табиатда кўп учрайдиган металл эмас. Мис бўлса, биричидан, жуда юмшоқ металл, иккинчидан уни эритиш учун лозим бўлган иссиқликни ҳосил қилиш қадимги одамлар учун қийин бўлган. Шунинг учун мис қуроллар чақмоқтош қуролларни

сиқиб чиқаролмаган, ҳатто бутун мис даврида мис қурооллардан деярли кам фойдаланилган.

Мис қурооллар, шу тариқа, кам бўлса-да, улар келгусида буюк янгиликлар юз беришининг даракчиси бўлган. Тош ва ёғоч оламига янги жисм — металл кириб келган.

Мис қурооллар дастлаб ердан соф ҳолда топилган мисдан ясалган. Бу қуроолларнинг энг қадимгилари металл қизитилмасдан совуқ ҳолда уриб ясалган. Уша даврларда одамлар мисни тошнинг бир хили деб билганлар. Ниҳоят, (эрамиздан аввалги IV минг йилликда) металлнинг ғоят қимматли хусусиятини: кучли оловда суюқликка айланиши ва ҳар хил шаклга киритилиб, совигандан кейин шу шаклни сақлаб қолишини (бошқа эҳтимол тасодифан гулхан ёқиш вақтида) билиб олганлар. Шундай қилиб металлургия вужудга келган.

Бу давр маконларидан рангдор сопол маконлари деб ном олганлари энеолит учун жуда характерлидир. Улар Хитойдан Дунайгача тарқалган бўлиб, ҳамма жойда ижтимоий тараққиётнинг бир хил bosқичи кузатилади. Бейта умумий аломат уларни бир-бирига бирлаштиради: 1) хўжаликнинг бошқа ҳамма турларидан кўра мотиға билан қилинадиган деҳқончилик устунлик қилиши; 2) чақмоқтош қурооллари жуда кўп бўлгани ҳолда мис қуроолларнинг пайдо бўлиши; 3) катта-катта ибтидоий жамоа бирлашмаларининг катта-катта паҳса уйлари; 4) уруғга асос солган ҳайвонларнинг лойдан ясалган ва оналик уруғига хос бўлган ҳайкалчалари; 5) рангдор сопол буюмлари, яъни чўткача билан гул солинган сопол буюмлар бўлишидир. Бир-бирига камдан-кам ўхшайдиган ижтимоий-иқтисодий шароит ҳамма ерда амалий санъатнинг бир-бирига ўхшаш формаларини тақозо қилган. Зотан, турли жойлардаги сопол буюмлар бир-бирларига ўхшаса ҳам, айнан бир хил эмас. Бундай энеолит маконлари бошқа ҳамма мамлакатлардан олдин икки дарё оралиғи (Месопотамия) да ва Мисрда вужудга келган. Шу икки мамлакатнинг шумер подшолигидан олдинги икки дарё оралиғи сулолалардан олдинги Мисрнинг ибтидоий давр ёдгорликлари эрамиздан олдинги IV минг йилликка тегишли деб ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган беш аломатнинг ҳаммаси ҳам бу мамлакатларда мавжуд. Икки дарё оралиғининг рангдор сопол буюмларига асосан катакли безаклар чизилган. Мисрнинг рангли сопол буюмларига сюжетли суратлар солинган.

IV—III минг йилликлардаёқ Икки дарё оралиғида ва Мисрда (Энеолит ҳали давом этаётган даврда) қулдорлик асосида юксак маданият равнақ топган. Аммо бу вақтда Осиё ва Европанинг ғоят кенг территориясида рангдор сопол маконлари тарқалади. Бу хил сопол буюмлар ҳамма ерда ҳам мотиға деҳқончилиги билан боғлиқ эди.

Рангдор сопол маконларнинг юқорида айтиб ўтилган аломатлари Хитой, Эрон, Ўрта Осиё (Туркменистонда Ановида), Украин

на (Триполье), Руминия, Болгария, Югославия, Греция ва ҳ. к. ларда борлиги маълум бўлди.


Аммо шуни ҳам айтмоқ керакки, деҳқончилик ибтидоий усулда олиб бориладиган энеолит маконларининг кўпчилигида рангдор сопол расм бўлса-да, баъзиларида мутлақо учрамайди. Чунончи, Германия, Францияда ва Европанинг яна бир қанча мамлакатларида бу даврда рангдор сопол буюмлар йўқ, ҳолбуки у мамлакатларда ҳам энеолит маконлари бўлган. Улардаги маконларда тасма сопол буюмлар, яъни нақш тасма-тасма қилиб ўйилган сопол буюмлар расм бўлган. Дунай мамлакатларида ва Украинанинг чекка ғарбида (Днестрининг юқори оқимида) сопол буюмларнинг икки хили учрайди, аммо рангдор сопол анча тараққий этган. Закавказьенинг ана шундай маконларидаги сопол буюмлар рангли ҳам эмас, тасмали ҳам эмас.

Энеолит даври ҳаммадан кўра Украинада яхшироқ ўрганилган. Бу ерда эрампдан аввалги III минг йилликка оид Триполье турар жойлари кўзда тутилади. Днепр бўйида Киевдан сал жануброқда Триполье қишлоғи яқинида рангдор сопол буюмли биринчи макон қазилган эди, ундан кейин қазилган барча маконлар шу ном билан аталган. Украинада асосан Ўнг соҳил Украинада, Днепрдан Қарпатгача бўлган ерларда бундай турар жойлар жуда кўп топилди. Сўл соҳил Украинада бундай турар жойлар кам. Сўнгги йилларда кўпгина Триполье турар жойлари Молдавияда ҳам топилди.

Заранг саҳн деб аталган триполье саҳнлари узоқ вақтларгача сирли иншоотлар деб ҳисобланар эди. Фан оламида бу тўғрида мунозаралар бўлган эди. Баъзи археологлар уларни дафн маросими ўтказиладиган ибодатхона биносининг қолдиқлари деб, баъзилари кулолчилик устахоналари қолдиқлари, учинчи бировлар эса уй-жой қолдиқлари деб келганлар. Ижтимоий тараққиётнинг бу даврдаги тараққиёт босқичида бундай ибодатхона бинолари ҳам, кулолчилик устахоналари ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ибодатхоналар, гарчи дафн маросимларига мўлжалланган бўлса-да, ҳамма ерда синфлар вужудга келаётганда ёки вужудга келишидан озроқ олдин пайдо бўлган; ҳунармандлик ишлаб чиқариши ҳам шундай. Трипольеликларнинг бу ҳолга келишига ҳали анча бор эди.

Олимлар ўртасидаги мунозаралар советлар замонида олиб борилган мунтазам қазилмалар натижасида кенг майдонлардаги бу иншоотларни ёппасига очиш йўли билан ҳал қилинди. Мунозарага сабаб бўлган саҳнлар одамлар яшаган уйларнинг қолдиқлари эканлиги ҳеч шубҳасиз аниқланди, бу уйларнинг пол ва деворлари қадин лой сувоқ қилинган. Мунозарани ҳал қилишга бу қишлоқларда дастлаб яшаган одамларнинг ўзлари ёрдам берди: улар диний маросимларни кўзда тутиб бўлса керак, бундай турар жойларнинг бир қанча моделларини лойдан ясаганлар. Сушковка қишлоғида топилган ана шундай модел ичига (бўйи

26 см) уй ичкарасида дон янчаётган аёлнинг ҳайкалчаси ҳам ясаб қўйилган. Модель ичига таглиги билан ёрғучоқ печь ва дон сақлаш учун ишлатиладиган ноқсимон бир неча идиш ясаб қўйилган. Буларнинг ҳаммаси ҳам шакли ва ўрнатилган жойлари билан айнан қазишмаларда топиладиган ёрғучоқ печь ва ноқсимон катта идишларга ўхшайди. Попудна қишлоғидан топилган яна битта худди шундай мураккаб модель бор. Бу моделда ҳам дон янчаётган аёл ҳайкалчаси бор ва атрофида худди шундай вазият, шу ашёлар. Топилган яна шу хил моделларда бунчалик муфассал деталлар бўлмаса ҳам, тўртбурчак пахса уйнинг умумий қиёфаси аниқ берилган. Бундай уй вайрон бўлганида жуда қалин тупроқ қатламлари пайдо бўлган: бу қатламлар археологияда саҳн деб аталган ва тор доирада юзаки қазишмалар ўтказган археологлар бу саҳннинг нималигини аниқлай олмаганлар.



15- расм. Триполье турар жойларидан топилган буюмлар

Деворлар синч устун ва новдалардан қилинган. Уй бино қилинганида лой пиширилган, сўнгра оқ, сариқ, қизил бўёққа бўялган. Бўяшда минерал бўёқлар, бўр ва сариқ бўёқ ишлатилган. Триполье уйларининг узунлиги 5 метрдан 30 метргача, эни 5—7 метр бўлган. Ҳар ҳолда ўртача триполье уйида битта хўжаликка бирлашган кўп одам яшаган.


Триполье қишлоғи ўртаси майдон ва майдон атрофида жойлашган бир қанча турар жойлардан иборат бўлган. Ҳар бир триполье

қишлоғида битта уруғ яшаган бўлса керак, қишлоқда ўнлаб уй, юзлаб аҳолиси бўлган. Қишлоқ ўртасидаги тўғарак майдон бутун уруғ хўжалигига хизмат қилган. Унда қўтон бўлган. Йиғинлар, байрам томошалари ва маросимларга боғлиқ ўйинлар шу майдонда ўтказилган деган тахмин ҳам бор.

Уй ичида ерда лойдан ясалган печь, скамейка, супа, қурбонгоҳ, ёрғучоқ тагликлари учрайди. Ҳар қайси турар жойдан дон: буғдой, арпа, тарих тез-тез топилиб туради.

Мис қуроллар жуда кам, асосан болта учрайди. Болталар кичкина, ясси, тиғи кенг бўлиб, силлиқланган ялпоқ, тиғи тенг (тешиксиз) тош болталарга жуда ўхшайди. Энг қадимги мис қуроллар шакл жиҳатидан баъзида умуман аввалги тош қуролларга ўхшайди. Яна мисдан ясалган тўрт қиррали бигизлар ва кичик-кичик ҳалқалар учрайди. Бронза мутлақо йўқ.

Меҳнат қуролларидан энг ажойиблари чақмоқтошдан ясалган, яхши ретушланган эгри ўроқлар, силлиқланган тош мотигалардир. Ўроқ барча мамлакатларда энг қадимги деҳқончилик билан бирга пайдо бўлади. Ўроқ



16- расм. Ёрғучоқ

тиғининг ёйсимон бўлиши лозим, бўлмаса у қилинадиган ишни бажаролмасди. Трипольеликларда яхлит чақмоқтош ўроқлар билан бирга чақмоқтош қадамали ўроқлар ҳам бўлган. Мотигалар буғу шохидан ҳам ясалган. Бу ерда ҳамма нарса хўжаликда деҳқончиликнинг устунлигини кўрсатиб туради. Ёрғучоқлар ҳамма уйда кўплаб бўлган. Чақмоқтошдан ясалган қуроллардан яна қирғич ва пичоқлар бор. Чорвачилик деҳқончилик билан маҳкам боғлиқ бўлган. Трипольеликлар сигир, чўчқа ва қўй боққанлар.

Триполье турар жойларида учрайдиган уч хил дон: буғдой, арпа ва тарих бу даврда Европа ва Осиёнинг кўп мамлакатларида маълум бўлган. Одатда шу дон экинларининг учаласи birlikда учрайди. Бу донларнинг ёввойи хиллари Европада етишмаган ва улар бу ерга Ўрта Осиё билан Ҳиндистон ўртасидаги тоғлардан ўтиб келган бўлса керак; бу тоғларда донларнинг ёввойи хиллари ҳозир ҳам етишади. Аммо уларнинг бошқа мамлакатларга қачон келиб киргани ва қандай тарқалгани ҳозиргача аниқланган эмас. Ҳар ҳолда улар деҳқончилик бошлайиши олдидан кириб келган. Дон бўлмаса чинакам деҳқончилик ҳам бўлмайди, бошқа хил дон экинлари эса анча кейин экила бошлаган.

Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши масаласи бошқача ҳал қилинади. Қўлда боқиладиган сигир, қўй, чўчқа, отларнинг ёввойи аجدодлари Европа ва Осиёнинг жуда кўп ўлкаларида мавжуд

бўлган, шунинг учун улар кўп мамлакатларда бир маҳалда қўлга ўргатилган бўлиши мумкин.

Трипольеда лойдан фақат аёлларнинг ҳайкалчалари ясалган деса бўлади, эркак ҳайкалчалари камдан-кам учрайди. Аёллар тасвир этилган неча юзлаб ҳайкалчалар топилди. Улар шартли ва схематиклиги билан палеолит даврининг реалистик аёллар ҳайкалчаларидан фарқ қилади. Услубдаги бундай тафовутнинг сабаби ҳали аниқланган эмас. Бу ҳайкалчаларда аёллик аломатлари бўрттириб берилган. Ҳайвонлар асосан, ҳўкизлар тасвир этилган ҳайкалчалар ҳам бор, аммо улар бирмунча кам учрайди.



Ҳайкалчалар триполье жамиятида матриархат ҳукм сурганлигини тасдиқлайди; ҳўжаликнинг характери ҳам шу фикрни қувватлайди. Ҳўжалиги ибтидоий деҳқончиликка асосланган қабилаларда она уруғи этнография маълумотларига қараганда, доим мустақкам бўлади. Бунга аёллар меҳнатининг алоҳида аҳамиятга эга бўлганлиги ва мустақиллиги ёрдам беради. Мотига билан қилинадиган деҳқончиликни доим аёллар қилиб келган. Шунинг учун ҳам матриархатда ишлаб чиқаришга аёллар бош бўлган. Ибтидоий деҳқончиликда аёллар асосий роль ўйнаган, ҳўжалик ва рўзгордаги энг мураккаб ва асосий вазифаларни улар бажарган, хуллас ҳўжаликни улар олиб борган, улар бошқарган, эркаклар эса ов ҳайвонларни излаб ўрмонларда санқиб юрган.

Трипольедаги кўпчилик сопол идишларнинг таги ясси, бунга сабаб текис овқат столи расм бўлганлиги ва печь таглари ясси қилинганлигидир. Турли ўлкаларда турли вақтда таги юмалоқ идишдан кечиб, таги ясси сопол идишлар пишира бошланишига фақат ана шу ҳолат сабаб бўлган. Энеолит даврининг сопол буюмлари ҳамма ерда хили кўп бўлиши билан неолит сопол буюмларидан фарқ қилади, бунга сабаб эса деҳқончилик ва чорвачиликнинг тараққий қилганлигидир. Триполье сопол буюмлари ҳар хил шаклларда ясалган. Дон сақлаш учун ноксимон катта хумлар билан бирга майда идишлар ҳам бўлган. Идишларнинг оғзини бекитиш учун пиширилган махсус сопол қопқоқлар учрайди. Сопол буюмларнинг қизил, қора ва оқ рангли нақшлари минерал бўёқлар билан ишланган. Нақшларнинг кўпи бурама шаклда бўлиб, баъзан қуёшнинг символик тасвири, ҳайвонлар сурати, катта кўзлик одам сифат нақшлар учрайди. Триполье турар жойлари тарихининг сўнгги босқичи бронза даврига киради (қуйида ёзилганларга қаранг).

Жанубий Туркманистонда Ашхобод яқинидаги Ановда энеолит даври аниқ кўринади. Бу ерда текис жойда асрлар давомида маданий қатлардан ҳосил бўлган тепаликлар бор. Улар асосан пахса уйларнинг харобаларидан иборат. Пахса уйлар қулаб, унинг харобалари устига янги уйлар қурилаверган ва аста-секин шу тариқа тепалик кўтарилиб борган. Ановда иккита — шимолий ва жанубий тепалик бўлиб, улар орасидаги масофа ярим ки-

лометр келади. Энеолит даврига оид шимолий тепалик икки қатламга бўлинади: қалинлиги 14 м келадиган қуйи қатлам (Анов I) ва қалинлиги 5 м келадиган қатлам (Анов II).


Анов I асосан эрамиздан аввалги IV минг йилликка мансуб. Маданий даражаси Трипольега яқин, хўжалик мотиға билан деҳ-



17- расм. Сопол идишлар
Анов I дан топилган

қончилик қилинган, бугдой, арпа етиштирилган хумчалар лойига кепак қўшилган. Ерғучоқлар кўп. Ҳайвонлардан сигир, чўчқа ва қўй қўлга ўргатилган. Қурулларнинг деярли ҳаммаси чақмоқ-гошдан ясалган, улар орасида пичоқсимон тош қуруллар жуда кўп.

Яроғлар орасида силлиқланган шарсимон тош чўқморлар бор, рангдор сопол буюмлар гарчи улар трипольеникидан эҳтимол анча кўхна бўлсада, триполье сополларига жуда ўхшаб кетади. Асосий бўёқлар нақш солиш усули, безак ораларидаги масофалар трипольеникига мос келади. Триполье билан Ановдаги баъзи нақшларнинг эле-




18- расм. Сопол бўлаклари. Анов I ва
Анов II дан топилган

ментлари ҳайрон қолдирадиган даражада бир хилдир. Аммо бу ўхшашликка ортиқча баҳо бериш ярамайди. Баъзи триполье сополакларини Ановникидан ажратиб бўлмаса ҳам, бутунича олганда нақшларнинг системаси тамомила бошқа ва элементлари ҳам кўпинча бир-биридан фарқ қилади. Масалан, кўпдан-кўп эгри чизиқли учбурчаклардан иборат нақшлар Ановга жуда хос безак-

лардир. Сопол идишлар шакли жиҳатидан ҳам Триполье идишларига ўхшамайди, Ановда товоқсимон ҳар хил идишлар кўпчиликни ташкил этади. Аммо бу ерда ҳам таги ясси идишлар расм бўлган.

Ановда кийимлар матолардан тикилган деб айтиш мумкин. Топилган урчуқлар бунинг далилидир. Археологларга яхши таниш сопол ёки тошдан ясалган доира шаклдаги бу асбоб урчуқ деб юритилади. Дукнинг пастки учи чайқалмаслиги ва бир текис айланиши учун урчуқ дукка ўрнатилган. Энеолит, бронза ва темир даврлари маконларини қазिश вақтида бу асбоблар кўп учрайди. Анов I да сопол урчуқларнинг кўп топилиши Урта Осиёда яшаган энеолит даври аҳолиси ип йигириш, демак энг оддий тўқимачилик билан таниш эканликларидан далолат беради. Ановнинг матолари сақланмаган, улар ҳар ҳолда жун ёки зигир толасидан тўқилган бўлса керак. Жаҳондаги энг қадимги матолар умуман эрамиздан аввалги IV минг йилликда пайдо бўла бошлаган.




19- расм.
Мис ханжар.
Анов II дан
топилган

Анов II асосан эрамиздан аввалги III минг йилликка мансубдир. Бу ерда чақмоқтошдан ясалган қуроллар кўпроқ бўлса-да, аммо мис қуроллар ҳам деярли расм бўлган; улар орасида бигиз сингари майда қуролларгина эмас, катталари (ханжарлар) ҳам учрайди. Мис тўғнагичлар ва мунчоқлар бор. Мунчоқларни сердолик ва бошқа рангдор тошлардан ясаганлар. Деҳқончилик хўжалиги сақлангани ҳолда чорвачиликнинг аҳамияти ўсиб борган. Сигир, қўй ва чўчқалардан кейин от ва туялар қўлга ўргатилган. Рангдор сопол буюм нақшлари анча мураккаблашган, ранг-барангроқ бўлиб борган. Қора, жигар ранг, бинафша, қизил ва бошқа рангдаги бўёқларни ҳар хил комбинацияларда ишлатганлар. Шимолий тепаликда ҳаёт тамом бўлгандан кейин жанубий тепалиқ пайдо бўлган. Бу ҳақда қуйироқда гапирамиз.

Туркменистонда Ановга ўхшаган энеолит даврининг бошқа қишлоқлари ҳам топилди. Бу қишлоқлардан ҳам худди ўшандай тепаликлар қолган. Улардан энг машҳури Оқтепадир. Бу тепа Ашхободга яқин жойда. Оқтепа хронологик ва хўжалигининг тараққиёти даражаси жиҳатидан Анов II билан боғлиқ. Улар бир-бирларига қўшни бўлсалар-да, сопол буюмларнинг шакли ва нақшлари жиҳатидан фарқ қилади. Бу ҳол қўшни қабилаларнинг бир-биридан жуда ажралиб яшаганликларини кўрсатади. Оқтепадаги пахса уйлар ичидagi топилмаларга қараганда (аёллар учун) ичкари ва (эркаклар учун) ташқарига бўлинган. Аёллар

бўлган ичкарида рўзгор асбобларининг қолдиқлари кўп ва сопол буюмлар нақшли, эркаклар турган жойдаги сопол буюмлар нақшсиз бўлган. Бундай нақшсиз сопол буюмлар Эронда шу даврга хос қабристонларда эркаклар кўмилган гўрларда учрайди.

Энеолитнинг нақшли сопол буюмлари ғоят кенг тарқалган бўлса-да, СССР территориясида шу даврдаги ибтидоий деҳқонларнинг ҳаммасида расм бўлган эмас. Закавказьеда эраиздан аввалги III минг йилликда деҳқонлар яшаган ана шундай қишлоқлар Арманистонда Ереванга яқин Шенгавитда қазилди. Ундаги пахса уйлар Триполье ва Ановдаги сингари тўрт бурчакли эмас, балки думалоқ шаклда эди. Томлари чўққайган бу уйларнинг думалоқ шаклдаги марказий хоналари полига шағал тўшалган, қоқ ўртада лойдан ясалган қабартма нақшли думалоқ ўчоқ бўлган. Сопол буюмлар қора рангда бўлиб, сирти сайқалланган. Аҳоли буғдой, арпа эккан, сигир ва қўй боққан. Кўплаб чақмоқтош қадамалар топилди. Бу қадамалардан ўроқ ясалгани аниқланди. Силлиқланган ноксимон тош тўқмоқлар ҳам учрайди. Бундай шаклдаги тўқмоқлар бу даврда Икки дарё оралиғидаги халқларда кенг тарқалган эди. Мис буюмлардан тўғнағич билан бигиз бор. Ясси мис болта қуйиш учун ишлатиладиган дегрезлик қолипнинг парчаси бу ерда дегрезлик (маҳаллий металлургия) бўлганлигидан дарак беради. Схематик тарзда лойдан ясалган аёл ҳайкалчаси бор. Шенгавит ҳозирча Закавказьеда яхши текширилган бирдан-бир энеолит турар жойидир. Арманистон ва Грузияда бунга ўхшаш бир қанча турар жойлар топилган. Озарбайжонда бундай турар жойлар йўқ, ammo у ерда ўзининг сопол буюмлари билан бу хил турар жойларга яқин ва энеолит даври мозор қўрғонлари қазилди. Бу мозор қўрғонлардан силлиқланган шарсимон тош тўқмоқлар, чақмоқтошдан ясалган ўқ учлари мис пичоқлар, олтин муңчоқлар топилди. Олтин ялтироқ бўлганлигидан одамлар уни жуда эрта назарга олганлар, у, гарчи қазишмаларда маълум сабабларга кўра жуда кам учраса-да, мис билан бир вақтда, энеолит давридаёқ ишлатилган. Мазкур мозор қўрғонлардаги ўликлар букчайтириб, ёнбошлатиб кўмилган. Ўликларни бу хилда букчайтириб кўмиш энеолит давридаги кўпгина мамлакатларга хос одатдир.



20- расм. Қадимий чуқур даври сопол идиши

Ер юзининг жуда кўп жойларида энеолит ибтидоий деҳқон қишлоқлар билан намоиш этилган. Табиий, бу даврда хўжаликнинг бошқа турлари ҳам бўлган албатта. Юқорида неолит давридаги маконлар ҳақида гапирган эдик. Трипольеликлар билан ҳатто бевосита қўшни бўлиб яшаган овчи қабилалар бўлган, бу қабилаларнинг мозор қўрғонлари то бизнинг давримизгача сақланиб келган.

Қуйида ўликлари букчайтириб ва суякларига бўёқ сепиб кўмилган мозор қўрғонлар ҳақида гап юритилади, бундай мозор қўрғонлар бизнинг даштларимиз (Дён, Днепр ва Волга этаклари)нинг бронза даврига хосдир. Аммо бу мозор қўрғонлардан қадимий чуқур деб аталган энг қадимгилари энеолит даврига тегишлидир. Бу Шарқий Европанинг энг қадимги гўрларидир. Ер юзида булардан кўра қадимгироқ мозор қўрғонлар йўқ. Улар эрамиздан аввалги III минг йилликка оид.

Қабр тагидаги оддий гўр чуқурлари бу давр учун ном бўлади. Зотан бу жуда ҳам тасодифий терминдир, чунки бундай чуқурлар энг кейинги даврлардаги мозор қўрғонларнинг ҳаммасида бор. Қадимий чуқур қабрларда буюмлар кам, кўпида бутунлай йўқ. Чақмоқтош учбурчак ўқ учлари, қирғичлар, пичоқсимон тош қуроллар учрайди. Мис кам: мис буюмлардан пичоқ ва бигизлар бор, холос. Сопол идишларнинг таги думалоқ ёки тухумсимон бўлиб, деҳқонларнинг яси тагли идишларидан фарқ қилади. Нақшлари кунгурадор бўлган, улар фақат идишларнинг юқори қисмигагина солинган. Баъзи қабрлардан топилган ҳайвон суяклари бу ерда чорвачиликдан кўра овчилик устун турганини кўрсатади. Топилган суякларнинг деярли ҳаммаси буғу, қуён ва шу каби ёввойи ҳайвонларнинг суякларидир. Уй ҳайвонлари бўлмаган дейиш мумкин, чунки мозор қўрғонларнинг фақат учтасидан (бири Донда, иккитаси Волгада) қўй суяклари топилган. Моллюскалар ҳам одамларга овқат бўлган; мозор қўрғонларда баъзан чиғаноқ уюмлари учрайди. Днепрдаги мозор қўрғонлардан бирида топилган чиғаноқ уюмининг диаметри 1,5 м келади. Эрамиздан аввалги III минг йилликнинг охирида қадимий чуқур мозор қўрғонлар ўрнини бронза даврининг чорвадорларига тегишли катакомба деб ном олган мозор қўрғонлар олади.



II. БРОНЗА ДАВРИ

БЕШИНЧИ БОБ

БРОНЗА ДАВРИ

Бронза даври эрамиздан аввалги II миңг йилликни ўз ичига олади. Бу давр эгей дунёси, Миср, Икки дарё оралиғи, Ҳиндистон ва Хитойда қулдорлик жамияти равнақ топган, Европа ва Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда эса ҳали ибтидий жамоа тузуми ҳукм сурган, аммо бу жамият тараққиётида чорвадор қабилалар бошқа аҳолидан ажралиб чиқаётган давр эди.

Бронза эрамиздан аввалги III миңг йилликда кашф этилган. Унинг ватани эҳтимол Икки дарё оралиғи бўлган. У мис билан қалай қотишмасидан иборат бўлиб, нисбат жиҳатидан бронзанинг таркиби ҳар хилдир. Таркибида 90% мис, 10% қалай бўлса, бу энг яхши бронза ҳисобланади. Бу хил таркибдаги металлниги икки жиҳатдан катта устунлиги бор. Биринчидан, бронза қурооллар мис қурооллардан кўра пишиқроқ ва ўткирроқ бўлади. Иккинчидан, уни эритиб қуйиш осонроқ, чунки эриш температураси пастроқ. Мис қазиб чиқариш ва уни дастлаб ишлаш техникаси ҳақида қуйида Сибирнинг археологик материаллари устида сўз борганида гапирилади.

Мис ва бронза табиатда ёмби ҳолида тарқалган. Мисни эритиш учун температура жуда юқори — 1084° га етказилиши зарур бўлганлигидан уни эритиш қийин бўлган ва қадим замонда ҳеч ким бу иш билан шуғуллана олмаган. Бронзанинг эриш температураси анча паст, руда таркибига қараб 700 дан 900° ўртасида эриган. Бронза ёмбиларининг кўп тарқалганлигининг сабаби ҳам ана шунда. Бу ёмбиларда мис билан қалай илгаридан аралаш бўлиб, у ҳар бир қишлоқда ва эҳтимол ҳатто ҳар бир турар жойда буюмлар қуйиш учун эритилган. Эритилган металлни чаноқдан олиб қолипларга қуйиш учун ишлатиладиган сопол қошиқлар охириги бронза давридаги турар жойлар қазилса жуда кўп учрайди. Металл эритиш учун ишлатиладиган қалин идиш тигель (чаноқ) бўлаклари кўплаб топилади, дегрезлик қолиплари ҳам учраб туради.

Бизгача етиб келган қолиплар тошдан, кўпинча қумтошдан ясалган жуфт тоштахталардан иборат бўлиб, қолип бўшлиғи тайёрланган буюмларга жуда мос келарди. Эритилган металлни доим бундай қолипларга бевосита қуйган эмаслар, кўпроқ бош-

қача қилганлар. Тош қолипларни иссиқда ёрилишдан ёки металл қолдиқлари тиқилиб қолишидан ниҳоятда эҳтиёт қилганлар. Шу сабабдан қолипга мум қўйиб, қўйиладиган қуролнинг мум модели ясалган. Баъзида бундай моделни мумдан қўлда ясаганлар. Ҳар икки ҳолда ҳам шу модель асосида металлни лой ёки мумдан қолип ясаб қўйганлар. Бундан бошқа яна бир усул бўлган: тайёр металл буюм лойга ботирилиб унинг қолипи ясалган. Бизнинг замонимизгача етиб келган ана шу усулларнинг ҳаммаси ҳам бронза давридаёқ ишлатилган. Қўйилган буюмларнинг кам-кўстлари тошболға билан уриб тўғриланган ва силлиқланган. Қолипларнинг тоқалари қўшилган жойда пайванд чоки пайдо бўлган.

Эрамыздан аввалги II минг йилликда бронзадан ханжар, найза, болта, пона, ўроқ, пичоқ, бигиз ва шу каби ҳар хил қурол ва асбоблар ишланган. Эрамыздан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида бир қанча мамлакатда бронза қиличлар пайдо бўлган, улар ер юзидаги энг қадимги қиличлар бўлиб, улар ханжарларни секин-аста узайтира бориш натижасида вужудга келгандир. Дастлаб бронзадан мунчоқлар узук, тўғнағич ва шу каби зийнат буюмлар ҳам ясалган.

Аммо тош бутун бронза даври давомида металл билан муваффақиятли равишда рақобат қилган. Бронза пичоқлар анча кўп тарқалган бўлишига қарамай, пичоқсимон чақмоқтош парракчалар ҳам ишлатилаверган ва бунинг сабаби равшан. Ахир, парракчалар ўткирроқ бўлган, уларни қадимги Шарқ давлатларида ҳам ишлатганлар. Ҳатто Мисрда ҳам бронза ўроқлар эмас, балки чақмоқтош қадамалари ўрнатилган ёғоч дастали ўроқлар расм бўлган. (Бироқ бизда Шарқий Европада ўроқлар бронзадан ишланган.)

Бронзадан қўйилган болталар жуда кўп тарқалган бўлишига қарамай, силлиқланган тошболталар ҳамма ерда сақланиб қолган. Поналар ҳақида ҳам-худди шуни айтиш мумкин.

Силлиқланган тошболға бронза даврига хос асбоб бўлиб, унинг кенг тарқалиши металлургиянинг ёйилиши билан боғлиқдир. Тошболға рудани майдалаш, қўйилган буюмларни тўғрилаш ва бошқалар учун ишлатилган. Бронза болғалар деярли бутунлай бўлмаган дейиш мумкин.

Бронза давридаги ўқлар ҳам асосан чақмоқтошдан ясалган. Бу даврда бронза ўқлар кам учраган (улар фақат илк темир давридагина кенг тарқалган). Бу хил яроғларни яшашда металл чақмоқтошдан устун бўлолмаган, металлни бошқа буюмлар учун эҳтиёт қилганлар. Бронза найзалар чақмоқтош найзалардан сўзсиз яхши турса-да, чақмоқтош найзалар бутунлай ташлаб юборилмаган. Бронза даврида тери ишлашда ҳамма ерда чақмоқтош қирғичлардан кенг фойдаланганлар. Чақмоқтош ўроқ рандалар аввалгидек, рандалашда ишлатилган, аммо бронза ўроқ ранда бўлмаган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ҳол нима учун бронза даврининг маданий қатламлари ҳамма ерда деярли неолит характерда бўлганлигини англашга имкон беради. Ҳатто Икки дарё оралиғи ва Миср шаҳарлари қатламларида ҳам бронза қуроолларидан кўра чақмоқтошдан ишланган қурооллар кўпроқ учрайди.

Яна шу ғарсани ҳам назарда тутмоқ керакки, бронзани эҳтиёт қилганлар ва кам йўқотганлар, шу сабабдан улар қазилган ерлардан кам топилади. Археологлар европаликларнинг бу даврга оид қишлоқларини кўп вақтларгача неолит даврининг маконлари деб келдилар. Ф. Энгельс бу давр тўғрисида бундай деди: «Мис билан қалай ва улардан эритилиб чиқариладиган бронзанинг аҳамияти жуда катта эди: бронзадан ишга яроқли қуроля ва яроғ-аслаҳалар ясаш мумкин эди, аммо у тошдан ясалган қуроолларни сиқиб чиқаролмас эди: уларни фақат темир сиқиб чиқара олар эди, аммо кишилар ҳали темир топишни билмас эдилар»¹.

Бронза даврида СССР территориясининг дашт ва ўрмон-дашт районларида, Кавказда ва Ўрта Осиёда овчилик ўзининг аввалги аҳамиятини йўқотган ва ғўшт билан таъмин бўлишнинг асосий манбаи чорвачилик бўлиб қолган. Деҳқончилик билан чорвачиликнинг ривожланиши ва уларнинг бир-бирдан ажралиши жамият тараққиётида ғоят катта натижаларга олиб келган. «Чўпонлик билан шуғулланувчи қабилалар бошқа варварлар жумласидан ажралиб чиққанлар: бу *биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти* эди. Чўпонлик билан шуғулланувчи қабиллада бошқа варварларга қараганда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарар эдилар, шу билан бирга улар ишлаб чиқарадиган тирикчилик воситаларининг хили ҳам бошқача эди. Уларда бошқа варварларга қараганда хийла кўпроқ миқдорда сут-қатиқ ва ғўшт бўлар эди: булардан ташқари, тери, жун ва эчки тивити ҳам бўлар эди, хом ашё кўпайган сари калава ва тўқималарнинг миқдори ҳам орта борарди. Бу — биринчи марта ўлароқ мунтазам суратда мол айирбошлашга имкон берди»².

Европада бронза давридаги чорвадор қабилалар тўртта катта гуруҳга бўлинади. Улар хўжалик ва ижтимоий тараққиёт даражалари билан бир-бирларига яқин бўлсалар-да, сопол буюмларининг хили, қабрларининг қурилиши ва шў сингарилар жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Археологияда сопол буюмлар маданиятидаги катта бирликни, умумийликни аниқлаш учун энг яхши омилдир. Бу оммавий тус олган материал бўлиб, унинг кўп топилиши археология нуқтан назаридан туркумларга бўлиш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий шароитлари бир-

¹ Ф. Энгельс, Олла, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Танланган асарлар, II том, Ўздавнашр, 1959 й., 338—339-бетлар.

² Уша асар, 337-бет.

бирига ўхшаганида ҳам идишларнинг шакли ва нақшлари унинг кўп вариантларини аниқлашга имкон беради.

Ибтидоий жамоа тузумида ҳам шундай бўлган эди. Энг барқарор ва нухалари кўп вариантлар ҳақиқий тарихий умумийликка мос келади.

Биринчи гуруҳ СССРнинг дашт полосасини ишғол қилади. Иккинчи гуруҳ ўрта рус ўрмонларини ишғол қилади. (бу гуруҳдагилар фатъян қабилалари деб аталади). Учинчи гуруҳ Жанубий Швеция, Дания, Германия, Польша, Чехословакия, Австрия, Венгрия, Шимолий Югославия, ғарбда Франциянинг бир қисмини, шарқ томонда эса ўнг соҳил Украинани ишғол қилади. Бу гуруҳга хос сопол буюмлар чилвир нақшли сопол буюмлар деб аталади, уларнинг сопол идишларидаги нақшлари каноп ип билан босилган бўлади. Ниҳоят, тўртинчи гуруҳ Англия, Франция, Испания ва Ғарбий Германияни ишғол қилади. Бу ерда биринчи икки гуруҳ ва қисман учинчи гуруҳ ҳақида, шунингдек ҳўжалиги бошқа хил бўлган, ўша даврнинг ўзида баъзи ўлкаларда улардан ажралиб чиққан чорвадорлар билан аралаш-қуралаш бўлиб яшаган қабилалар ҳақида гапирилади.

* * *

Маълумки, Қуйи Днепр, Қуйи Дон ва Қуйи Волга даштларида мозор қўрғонлар жуда кўп. Бу ердаги катта-кичик думалоқ тепаликлар дашт манзарасига узвий боғланиб кетади. Кўпгина ёзувчиларимиз уларни сирли тепаликлар деб атаганлар: дарҳақиқат шундай: уларнинг бундан неча аср бурун бунёд қилингани номаълум ва уларни бунёд қилган қабилалар эсдан чиқиб кетган. Эндиликда уларни бекитиб турган сирли парда олиб ташланди ва уларнинг ҳар қайсисининг пайдо бўлиш саналари аниқланганлиги археология фани эришган ғоят катта муваффақиятлардандир. Улар учта катта гуруҳга бўлинади.

Қипчоқ-татар мозор қўрғонлари нисбатан ёш. Скиф-сармат мозор қўрғонлари айниқса машҳурдир, аммо улардан ҳам қадимийроқ, ибтидоий даврга хос мозор қўрғонлар ҳам бор. Уларни скифлардан олдин даштларимизда яшаган аҳоли қурган, археология тилида бу аҳоли ғалати ном билан: «ранг олган скелетлар» ёки «букчайтирилган скелетлар» деб аталади.

Биз бу кишиларни қабрларидан биламиз; дарҳақиқат гўрларда кўмиш маросимининг тилга олинган ўша икки хусусияти кўзга яққол ташланади. Суяклар одатда қизил, баъзан оч қизил ранглидир. Суякларнинг қандай қилиб бўялганлиги тўғрисида археологлар баҳслашган эдилар. Ниҳоят, маълум бўлишича мурдага қизил бўёқ кўп сепилганидан бўёқ мурданинг суягига ча сингиб кетган. Бунинг учун табиий минерал бўёқлар ишлатилган. Олимлар бўёқ улар учун қон, жон, тирилиш рамзи бўлиб хизмат қилган, деб фараз қиладилар. Мурдага бўёқ сепиш кўпгина ўлкаларда расм бўлган.

Шарқий Европадаги ибтидоий давр мазор қўрғонларининг ҳаммасида мурдалар бўялган эмас, бироқ ҳамма ўликлар букчайтириб кўмилган. Скелет ерда ёнбошлаб оёқлари эса букилган ҳолатда ётади. Бу одат кенг ёйилган. Кўпгина ибтидоий қабила-лар, туғилгунгача одам она қорнида қандай ҳолатда ётган бўлса, ўлганидан кейин она — ер бағрида ҳам шу тахлитда ётиши лозим, деб тушунганлар.

Мурдани бўяш ва букчайтириб кўмиш уч даврдаги, яъни қадимий чуқур, катакомба ва ёғочбанд даврларидаги мазор қўрғонларнинг ҳаммасига хосдир. Мазор қўрғонлар номларидан маълум бўлишича улар остидаги қабрларнинг турларига қараб шу тариқа уч даврга бўлинган. Қадимий чуқур мазор қўрғонлар юқорида баён этилган эди; улар энеолит даврига оиддир.

Иккинчиси катакомба даври деб аталади; аммо катакомба мазор қўрғонларининг бир қисми учун, кўпинча Дон бўйидаги мазор қўрғонларга хосдир; катакомба мазор қўрғонлар тагидаги гўрларнинг ён томонга ўйиб қазилган алоҳида лаҳад шаклидаги қабрлардир. Шундай қилиб бу шартли ном бўлиб аслда мазор қўрғонлар остида оддий чуқурлар кўпроқдир. Бу даврда мис ва бронза хийла кўп бўлса-да, аммо бу металллардан фақат пичоқ, бигиз, тўғнағич сингари майда буюмлар ясалган деса бўлади. Тиф томони кенг ялпоқ болтадан бошқа йирик металл буюмлар йўқ. Бу ерда каттароқ буюмлар қуйишни бу вақтда ўзлаштирилмаган эди. Тош қуроллар аввалгидек кўп учрайди. Силиқланган ва пармаланган тош болталар ва чўқморлар, чақмоқтош, найза, ўқ ва пичоқлар қабрлар ичидаги одатий буюмлардир. Сопол идишларнинг таги текис, демак, столлар пайдо бўлган. Идишларнинг тепа қисмида босилган ўйма нақш кунгуралари пастга қараб чўзилган.

Чорвачилик бизнинг даштларимизда катакомба даври бошларидаёқ хўжаликнинг асоси бўлиб қолган. Кўпинча қабрлардан сигир ва қўй суюклари топилади. От катакомба даврининг охирларида пайдо бўлади, бироқ бу вақтда кам асралган. Ёввойи ҳайвонлар аввалги аҳамиятини йўқотади, энди улар кам учрайди.

Одатда деҳқончилик чорвачилик билан маҳкам боғланган бўлган. Днепр, Донец ва Волга бўйидаги шу даврнинг баъзи мазор қўрғонларида ўликлар ёнидан тариқ топилган. Донларнинг бошқа хили йўқ. Қабрларда ёрғучоқ учрайди. Топилган нарсаларга қараганда, деҳқончилик чорвачиликнинг ёрдамчи тармоғи бўлган.

Катакомба давридаги турар жойлар бир неча жойдан топилган бўлса-да, ҳозирча улар яхши текширилмаган. Катакомба даври эрамыздан аввалги III минг йилликнинг охирларига ва II минг йилликнинг биринчи ярмига киради.

Турли мамлакатлардаги чорвачи қабилаларда эркаклар билан аёлларни бирга кўмиш расм бўлган. Бизнинг даштларимизда қадимий чуқур даврида эркаклар билан аёлларни бирга кўмиш

қоллари сира бўлмаган, аммо катакомба даврининг бошларида-ноқ Днепрдан Волгагача ҳамма ерда бу одат расм бўлган. Эрни кўмганда хотинини ўлдирганлар. Бутунлай чорвачиликка асосланган хўжалик кенгайиб бориши билан бу шafқатсиз одат ҳам ёйилиб борган. Волга бўйида Энгельс шахри ёнидаги мозор қўрғонлардан бирида эр билан бирга кўмилган аёлнинг бош суягида ўлимига сабаб бўлган жароҳат изи бор. Баъзан битта эркак билан иккита ва ундан ҳам кўпроқ аёл кўмилган қабрлар ҳам учрайди, бу эса кўп хотинлик бўлганлигидан далолат беради.



21- расм. Катакомба сопол идиши.
Харьков областидан топилган

Эркак ва аёлларни бирга кўмишнинг аҳамияти тўғрисида археологлар орасида баҳс бормоқда. Баъзилар бу ерда эркаклар билан уларнинг хотинлари эмас, балки чўрилари кўмилган, матриархатдан патриархатга ўтиш даври ҳали кейинроқ келади, дейдилар. Тўғри ибтидоий давр қулчилиги ҳамма жойда ҳам чорвадор қабилалар бошқа аҳолидан ажрлиб чиқиши билан

бирга пайдо бўлади. Аммо этнографик маълумотларга қараганда бу ижтимоий шароитда қуллар ҳали жуда кам, ибтидоий жамоа тузумига ҳали путур етмаган эди.

Катакомба мозор қўрғонларида ва бронза даврининг ҳатто анча кейинги қабрларидан топилган буюмлар мулкий тафовут деярли бутунлай бўлмаганлигидан далолат беради. Борди-ю, овчилар тўпламаган бойликни чорвадорлар тўплаган ҳам бўлсин. Аммо ўша вақтда уруғ аъзоларидан бири тўплаган бойлик иккинчисиникидан ортиқ бўлмаган, балки тахминан барабар бўлган. Ҳолбуки, СССРдаги илк бронза даври чорвадорларида эркаклар билан аёлларни бирга кўмиш ҳоллари жуда кўп учрайди: бундай қабрлар ўрта ҳисобда 25 процентни ташкил этади, демак (кам деганда қабрларнинг тенг ярмида алоҳида эркаклар кўмилганлиги назарга олинса), аёлларнинг 40 проценти эркаклар билан бирга кўмилган бўлади, яъни кўпчилиги эрга теккан хотинлардир. Уруғчилик шароитида, унинг тушкунлигидан кўп асрлар бурун қулчиликнинг бунчалик тараққий этишини фараз қилиш маҳолдир.

Чорва хўжалиги пайдо бўлиши билан патриархат ўрнатилган бошлаши ҳақидаги фикр бирмунча кейинги даврлардаги ҳам чорвадорларда матриархатнинг белгилари борлиги тўғрисида этнографик археологик ва ёзма гувоҳликларни неш қилиб баъзан рад

этилади. Аммо бундай белгилар сарқит ёки истисно тариқасидаги ҳоллар бўлиши мумкин. Археология текширишлари натижасида маълум бўлган ҳолат — аёллар ўлдирилиши хўжалик негизлари ўзгариши билан оталик уруғи тез ёйилиб кетганлигини кўрсатади. Ахир хотинларни ўлдириб эрлари билан кўмишдек фожиали ҳодиса патриархат тузумида, айниқса бу тузумнинг бошланғич даврларида кўп рўй беради.

Энгельс матриархатдан патриархатга ўтиш йўллари ҳақида бундай деган эди: «Подалар янги касбкорлик воситалари эди; уларни аввало қўлга ўргатиш ва сўнгра боқиш эркак кишининг иши эди. Шунинг учун ҳам ҳайвонлар эркакларга қарашли эди; ҳайвонларга айирбошланган товарлар ва қуллар ҳам эркакларга қарашли эди. Касбкорлик билан шугулланиш натижасида қўлга кирадиган ортиқча маҳсулотнинг ҳаммаси эндиликда эркакнинг ҳиссасига тушадиган бўлди; хотин киши бу маҳсулотни истеъмол қилишга қатнашса ҳам ундан ўз мулкига ҳисса ололмас эди. «Еввойи» асар ва овчи уйда хотиндан кейин иккинчи ўринда туришига рози бўлар эди, ювошроқ «чўпон эса ўз бойлиги билан ғурурланиб биринчи ўринга чиқиб олди ва хотинини иккинчи ўринга сиқиб чиқарди»... «Эркак ҳақиқий ҳукмрон бўлиб олганидан кейин оилада унинг якка-ягона ҳоким бўлишига тўсқинлик қиладиган сўнги ғовлар ҳам йўқолди. Она ҳуқуқининг бекор бўлиши, ота ҳуқуқининг жорий қилиниши... натижасида бу якка ҳокимлик қарор топди ва абдийлашди»¹.


Ишлаб чиқаришда ҳукмронлик ана шу тариқа эркаклар қўлига ўтади. Бунинг сабаби чорвачилик хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш қурблларининг эркаклар қўлида бўлиб, хўжаликда улар асосий ролни ўйнаганликларидадир.

Эрампдан аввалги II минг йиллик ўрталарида катакомба даври ўрнига учинчи давр ёғочбанд даври келади, бу давр Волга бўйида бошланиб, Дон ва Днепрга ёйилади. Ёғочбанд — ёғоч қабр демакдир. Бу даврда кўп қабрлар ичи ғўлалардан чорбурчак уй шаклида қурилиб, ўликлар унинг ичига кўмилган. Шунинг учун бу давр ёғочбанд номи билан аталган. Бундай ёғочбандлар Донец ва Волга бўйларида доим учраб туради, лекин аввалгидек оддий гўрлар кўпроқ. Ёғочбанд даврида чорвачилик янада тараққий қилган. Йилкичилик кенг тарқалган. Бу вақтда бронза Дон ва Днепрдан кўра Волгада кўпроқ учрайди, чунки Волга Уралнинг мис конларига яқинроқ бўлган. Шуниси ҳам борки, бу вақтда бронзадан ясалган қуроллар, майдаларигина эмас, йириқлари ҳам ҳамма жойда кўпайган бўлади. Катта буюмларни қуйиш бу ерда ўзлаштирилган бўлади.

Бироқ Шарқий Европада соф бронза Фарбий Европа ёки Сибирдагидан кўра камроқ бўлганлигини айтиб ўтиш керак. Шар-

¹ Ф. Энгельс, Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Танланган асарлар, II том, Ўздавнашр, 1959 й., 339—340-бетлар.

қий Европада қалай жуда кам. Шунинг учун бронза ўрнида ишлатилган ва баъзан бронза деб юритилган бошқа қотишмалар кўп бўлган. Мисни қалай ёки руҳ билан аралаштириб эритганлар. Ҳатто бронза даврининг охирида ҳам нуқул мисдан ясалган қурооллар учрайди. Шундай бўлса-да, соф бронза ҳам бир неча марта учраган. Ёғочбанд даврида соф бронза ёки унинг сунъий йўлда тайёрланган суррогатларидан болта, найза ва бошқа қуроол ҳамда яроғ-аслаҳалар ясалган.



22- расм. Ўроқ ва мотиға.
Саратов областидан топилган

Ҳозирги замон болталарига ўхшаган, даста ўрнатиладиган тешикли болталар кенг тарқалганлигини алоҳида уқтириб ўтиш керак. Бронза даврида Фарбий Европада бундай болталар бутунлай бўлмаган дейиш мумкин, ammo бизда, Шарқий Европада улар оддий қуроол қаторида бўлган. Бундай болталар биздан олдин қадимги Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. Бобилда айниқса кўп бўлган. Биздаги ва Бобил болталари қайтоқи муҳрали бўлган. Бизда бундай болталарнинг қолиплари топилган. Топилган бу қолиплар Шарқий Европада хийла мураккаб буюмлар ясалганлигини қайта-қайта тасдиқлайди. Буюмларнинг ишлаб чиқарилган жойи баъзан бошқа йўл билан, топилмаларнинг маълум нусхалари расм бўлган жойларни чегаралаб берадиган карталар тузиш йўли билан исбот этилади. Масалан, дастасига ўйма нақш солинган, хвалин нусха деб аталган япроқсимон ханжар Волга бўйидаги мозор қўрғонлар ва хазиналарга хосдир.


Волга, Дон, Кубань ва бошқа жойлардан кўпгина бронза ўроқлар топилган. Уларнинг юзи кенг, учи қайрилган, дастага ўрнатиш учун бир томони илгакли қилиб ясалган. Бу ерда дехқончилик асосан мотиға билан қилинган. Бу давр ишлаб чиқарувчи кучларнинг умумий тараққиёт даражасининг ўзи ҳам буни тасдиқлай оларди, лекин мотиғалар ҳам топилган.

Бронзадан ясалган зеби-зийнат буюмлар асосан билагузуклар (зарб қилинган қавартма-букилган) ва хотинлар сочига тақадиган чўлпилар Уралдан келтирилган. Ҳар хил нарсалар яшаш учун зарур металл ҳам Уралдан олиб келинган. Чақмоқтош қурооллардан фойдаланиш давом этган, ўқ учлари чақмоқтошдан ишланган. Чақмоқ қирғичлар ҳам учрайди.

Бу даврдаги сопол идишларнинг таги ясси, улар икки хил бўлиб, баб-баравар кўп топилади: 1) ўткир қиррали идишлар: бу

хил идиш иккита кесик конусдан ёпиштирилганга ўхшайди, юқори қисми ингичка чизиқлардан учбурчак ва ромбалар ўйилган нақш билан безалган, 2) цилиндрик шаклда деса бўладиган банқасимон нақшсиз сийдам идишлар. Донлардан, аввалгидек, фақат тариқ учрайди.

Ёғочбанд даври социал томони билан кўп жиҳатдан катакомба даврига яқиндир. Катакомба давридагидек чорвачилик хўжаликнинг бошқа ҳамма турларидан кўра устун туради, тамомила ўтроқ ўша патриархат тузум ҳукм суради. Аввалгидек, эри билан бирга ўлдирилиб кўмилган хотинлар учрайди.



23- расм. Ёғочбанд давр сопол идишлари. Ульяновск областининг Кайбелидан топилган

Металлургия ва чорвачиликнинг, айниқса йилқичиликнинг тараққий қилиши бойлик тўпланишига ва ҳарбий тўқнашувларнинг кучайишига олиб келади. Бронзадан ясаладиган қурол ва яроғларнинг шакллари яхшиланади, сони кўпаяди. Шу даврдан бошлаб яроғлари (найза, ханжар) билан кўмилган жангчилар, эҳтимол қабила оқсоқолларининг қабрлари пайдо бўлади. Масалан, Энгельс шаҳрига яқин Волга бўйида шундай қабрлар топилган.

Ёғочбанд даври эрамыздан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми ва I минг йиллик бошларини ўз ичига олади. Ёғочбанд даврига доир мозор қўрғонлар скиф мозор қўрғонларидан бевосита аввалги ёдгорликлардир. Антик дунё ёзувчиларининг маълумотларига қараганда, скифларнинг бевосита ўтмишдошлари киммерийликлар бўлган. Аммо биз киммерийликлар яшаган чегараларни ҳали аниқ белгилаб беролмаймиз.

Ёғочбанд даврининг турар жойлари катакомба турар жойларидан кўра яхшироқ ўрганилган. Ёғочбанд даврнинг бир қанча турар жойлари, кўпроқ Волгабўйида қазилди. Улар ўтроқ чорвадорларнинг ертўлаларидан иборатдир. Ертўлалар одатда тўрт бурчакли бўлган. Ёғочбанд давридаги турар жойлар за мозор қўрғонлар қазилган вақтда кўпроқ қорамол суяклари чи-


қади. Қорамолнинг кўп бўлиши чорвадорларнинг ўтроқ бўлиб яшаганлигининг аломатидир.

Саратов областининг Хвалинск шаҳрига яқин Сосновая Мазада мис буюмлар хазинаси топилган. Бу СССРда қадимги дегрезлар кўмган хазиналарнинг энг яхшисидир. Бу хазина асосан ўзига хос ва ҳаммаси бир шаклдаги катта пичоқлардан иборат. Пичоқлар кенг, тиғи тўғри, орқа қирраси эса юмалоқдир. Баъзи археологлар буларни ўроқ деб атадилар, аммо улар жуда катта ва салмоқдор, хусусан шакли тўғри бўлганлиги учун сира ўроққа ўхшамайди, улар билан ўт ўриб ҳам бўлмайди. Эҳтимол улар экинзорлардаги буталарни чопиш учун ишлатиладиган чопқи бўлса керак.

Дастлаб деҳқончилик дарё қайирларида олиб борилган, ўрмон-дашда қайирлар буталар билан қопланган бўлган. Хазинада 55 чопқи, бундан ташқари юқорида тасвир этилган Хвалинск типидagi 5 та ханжар, яна алоҳида бошқа мис буюмлар бор эди. Чопқи ва ханжарларнинг кўпчилиги қуйилгандан кейин силқиланмаган, шу сабабли улардаги ғадир-бурлар сақланиб қолган, дами ўтмас, умуман хом қолиб бўлса-да, металл даврида бойлик тариқасида ерга кўмилган. Бундан бошқа кичикроқ хазиналар ҳам топилган.

Катакомба ва сурб мазор кўрғонлари Днепргача чўзилиб келади ва бу дарёнинг куйи оқимида ўнг томонига ўтади, аммо бронза давридаги ўнг соҳил Украинанинг қадимий ёдгорликлари тамомила бошқадир, улар алоҳида кўриб чиқишлиши керак. Бу ерда аввало Триполье қишлоқларининг тақдири ҳақидаги масала ўртага қуйилади.

Триполье хўжалиги бронза давридан анча олдин ўзгара бошлаган ва бу процесс бронза даврида ҳам давом этган. Чорвачилик ривожланиб борган ва бу асосий касб бўлиб қолган. Днепрда, Днестрда ва бу дарёларнинг ҳавзаларида генетик жиҳатдан Триполье қишлоқларига боғлиқ бўлса-да, янги хусусиятларга эга бўлган бир қанча турар жойлар топилди қазилган эди. Тетерев дарёси бўйида Житомирга яқин Городск қишлоғи ёнидаги қадимий турар жой ҳаммадан кўра яхшироқ текширилган. Унда Трипольедаги сингари кўп оила биргаликда турадиган катта уйлар йўқ, бундай уйлар ҳеч қаерда бронза давригача етиб келмаган. Катта уйлар ўрнига кичик-кичик уйлар пайдо бўлган, уларнинг баъзилари аввалгидек пахсадан қурилган уйлар, баъзилари ярим ертўлалардан иборат. Бу уйларда ҳали катталашиб кетмаган патриархал чорвадор оилалар яшаган. Бунда Трипольега хос турар жойлардагига қараганда ҳайвон суяклари, айниқса уй ҳай-



24- расм. Ханжар ва чопқи.

Саратов областининг Сосновая Мазадан топилган

вонларининг суяклари кўп учрайди. От қўлга ўргатилган. Холбуки Триполье қишлоқларида бу хил ҳайвон бўлмаган, бўлса ҳам жуда оз бўлган. Суяк қуроллар ҳам кўп. Деҳқончиликнинг аҳамияти камайган. Трипольега хос рангдор сопол буюмлар камданкам учраса-да, улар бир хил рангдаги буюмлардир. Трипольега хос спираль бу ерда айрим элементларга бўлинади. Аммо нақшсиз сийдам буюмлар кўпчиликни ташкил этади. Чилвир из нақшли сопол буюмлар айниқса кўп тарқалган. Аёллар ҳайкалчалари жуда кам сарқит тариқасида учрайди. Тез-тез топилиб турадиган урчуқлар ип йигириш ва тўқимачилик расм бўлганлигидан дарак беради. Баъзан жун ва зиғир толасидан тўқилган матоларнинг идишларда қолган излари ҳам буни тасдиқлайди. Бу хил турар жойлар эраимиздан аввалги II минг йилликка онд бўлса-да, бунда металл буюмлар оз.

Одесса областида Усатово типидagi бир қанча турар жойлар топиб қазилди (улардан энг яхшиси Одесса ёнидаги Усатово қишлоғидадир). Бу ҳам Трипольенинг кейинги ва шу билан бирга жанубий нусхасидир. Усатоволикларнинг ҳам асосий касби чорвачилик, айниқса қўйчилик бўлган; отлар ҳам бўлган. Турар жойлари айтарли яхши текширилмаган. Улар бу ерда кенг тарқалган оҳактошлардан қурилган бўлиши эҳтимол. Санъатнинг Триполье шакллари бу ерда ҳам йўқолиб боради. Идишларда нақшлар учрайди-ю, кам, улар ҳам содда нақшлар. Жилвир из нақшлар ҳам тарқалган. Аёлларнинг ҳайкалчалари геометрик шаклда бўлган, уларда одам аломатларидан аёлларнинг кўкраги қолган, холос. Урчуқлар бу ерда ҳам расм бўлган. Усатоволикларда мато тўқиш учун қўй жуни кўп бўлган.

Усатово турар жойлари ва қабрларида йирик мис буюмлар, чунончи болта, трипольеликлар учун тамомила янги нарса — ханжарлар учрайди. Усатовода бир қанча мозор қўрғон қазилди (соф Триполье қабилаларида ўликларни мозор қўрғонга дафн этиш расм бўлмаган), бу мозор қўрғонларда ўликлар букчайтириб кўмилган, ёнларига сопол, мис ва чақмоқтош буюмлар қўйилган. Эркаклар билан аёллар бирга кўмилган қабрлар кўп учрайди. Бунинг социал аҳамияти ҳақида юқорида гапирган эдик. Бўш мозор қўрғонлар ҳам бор, улар четда ҳалок бўлган, эҳтимол фарқ бўлган кишилар шарафига қилинган бўлса керак.

Қора денгиз соҳилида жойлашган турар жойлар ва бу ерларда топилган сополдан ясалган қадоқтошларнинг кўплиги денгиз балиқчилигининг жуда ривожланганлигини кўрсатади. Мозор қўрғонлардан бирида алоҳида қабр ичидан тошдан ясалган хўкиз боши топилди. Шу муносабат билан бурчақ-бурчақ бўлиб бўлинган квадрат шаклли безакларни ҳам айтиб ўтиш керак, улар эгей замонида Критдаги муқаддас хўкиз боши тасвирига жўр бўлган Усатово безакларига жуда ўхшайди. Бу ерда умуман эгей дунёси билан алоқа бўлганлиги шубҳасиздир, бу алоқа сопол буюмларда ҳам аксини топган. Эгейлик денгиз сайёҳлари Қора

денгизнинг шимолий қисмига етиб келганлар ва бу ерда усатоволиклар билан учрашганлар, усатоволиклар ҳам денгизда сузганлар: Усатовода топилган ёрғучоқлар ва шох мотигалар мотиға деҳқончилиги ҳақида гувоҳлик беради, аммо бу деҳқончилик хўжалиқда Трипольега хос турар жойлардаги каби муҳим ўрин тутмаган. Усатово турар жойлари ва қабрлари эрамиздан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмига оид бўлиб, бу санани эгей дунёси билан бўлган алоқалар, ханжарларнинг қадимги шарқ нусхаларидан бўлиши ва бошқалар воситаси билан аниқлаш жуда осон.

Унг соҳил Украинада бронза даврида чорвадорларнинг турар жойлари ва қабрлари кенг тарқалган, бу ерда рангдор сопол буюмлари бўлмаган жилвир из нақшли сопол идишлар жуда кўп бўлган. Бундай турар жой ва қабрлар бир неча жойда топилган бўлса-да, ҳали жиддий қазिशлар ўтказилган эмас.

Баъзи археологлар бу хил сопол буюмларнинг эгаларини энг қадимги славянлар деб ҳисоблайдилар ва бронза даврида яшган шу қабиалардан секин-аста ўрта аср славянларига ўтиш йўллариини белгиламоқчи бўладилар. Ҳозирча бу ҳал қилинган масала эмас.

Киев областида чилвир из безак сопол идишлар бор бир неча мазор қўрғонлар қазилди, уларда букчайтириб кўмилган ёки куйдирилган ўликлар топилди. Уртаси тор, юқори томони кенг сопол идишлар бу мазор қўрғонлари учун айниқса характерлидир. Волинда ва Юқори Днестрда ана шундай мазор қўрғонлар билан бир қаторда ўша даврга оид тошлардан ишланган қўрғонсиз қабрлар ҳам тарқалган. Улар ичида ҳам чилвир из нақшли сопол идишлар учрайди, аммо кўпчилигини нақшсиз сийдам идишлар ташкил этади. Баъзиларида ўликлар букчайтириб кўмилган бўлса, баъзиларида куйдирилган. Бу ерда ҳам эркаклар билан аёлларнинг бирга кўмилганлиги патриархал муносабатларнинг ривожланганлигини кўрсатади. Бронза даврида Украина қабрлари ва қишлоқларида металл буюмлар Волга ва Дондагидан кўра хийла кам учрайди. Бунинг сабаби Украинанинг Урал ва Кавказдан, шунингдек, Ғарбий Европанинг металлургия марказларидан ҳам олис бўлганлигидир. Аммо Усатовонинг ўзида металл кўп, бу ерга металлни эгейликлар олиб келган бўлса керак.

Бу ерда ўликларни куйдириш одати дунёда энг қадимийдир. Бу одат Ғарбий Европада сўнгги бронза даври учун характерлидир.

Қора денгиздан унча узоқ бўлмаган Днестр Белгороди яқинидаги Бородино қишлоғи ёнида топилган хазина ҳақида алоҳида гапириш керак. У бронза давридаги қандайдир уруғ оқсоқолига мансуб ғоят гўзал яроқдан иборат бўлиб, бу яроғ жангда ишлатишдан кўра, тантана маросимларида тақшиш учун ясалган бўлса керак. Хазинада яшил нефритдан (тош Урта Осиёдан ёки Сибир-

дан келтирилган бўлиши мумкин) ясалган ва силлиқланган болталар ҳам бор эди. Найзалардан паншахасимон кумуш найзани кўрсатиб ўтиш керак, бунинг нусхалари Волга ва Сибирдан ҳам кўп топилган эди. Ханжар шаклига қараганда эгей дунёсининг яроғларидан бўлиши керак. Олтин суви берилган ва мураккаб спираль шаклида буралган кумуш тўғнағич ҳам эгейлар буюмига ўхшайди ва албатта ўша ердан келтирилган бўлса керак. Тош чўқморлар Месопотамия ва Қавказ гурзилари нусхасидандир. Шундай қилиб, бу ҳазина узоқ жойлар билан маданий алоқа бўлганлигини билдиради. Ҳазина эрамиздан аввалги XIII асрга оиддир. Бу ҳазина баъзи патриархал уруғ оқсоқолларининг маълум даражада бойлик тўплаганликларидан далолат беради. Шу давр қабристонларига қараганда ўшанда бу хил бойлик тўплаш кам бўлган.

* * *


Археология фани олдида ғоят қийин бўлиб турган масала шундан иборатки, Волга билан Ока дарёлари орасидаги бронза даврига оид қабристонлардаги сопол буюмлар шу территорияда ва ўша даврга оид турар жойлардаги сопол буюмларга ўхшамайди.

Юқорида айтиб ўтилган чуқурча ва ўйма кунгурадор нақшлар сопол буюмлар бизнинг ўрмон полосамизда неолит давридангина эмас, балки бронза даврида ҳам ҳамма маконларда асосий ўрин тутган. Сўнгги маконларда бронза учраса ҳам, кам ва деярли ҳамма вақт синиқ парчалари учрайди: биринчидан, ишлаб чиқаришда тош кўплаб ишлатилган, иккинчидан, бронзани эҳтиёт қилганлар ва камдан-кам йўқотганлар. Бу маконларда аввалгидек, чорвачилик ёки деҳқончилик аломатлари кўринмайди. Хўжалик даставвал балиқчилик ва сўнгра овчиликдан иборат бўлиб қолаверган.


Ўрмон полосасидаги бронза даврига оид қабристонлар Ярославль яқинида биринчи қабристон топилган жой — Фатьяново қишлоғининг номи билан Фатьяново қабристонлари деб аталади. Бундай қабристонлардан ўттизтачаси маълум. Улар уч гуруҳга бўлинади. Бир гуруҳи Москва атрофида, иккинчи гуруҳи Ярославль атрофида ва учинчи гуруҳи Чувашистондадир. Қабристонларнинг ҳаммаси ҳам бир хил — қўрғонсиз. Уликлар букчайтириб кўмилган, ёнларига одатдагича тош болталар ва сопол идишлар қўйилган. Ҳайвон суяклари, кўпинча уй ҳайвонлари: сигир, чўчка, қўй, от суяклари учрайди. Еввойи ҳайвонларнинг суяклари эса камдан-кам, асосан айиқ суяклари учрайди.

Фатьяноволиклар, шубҳасиз чорвадорлар бўлган. Бу ерда ҳам баъзан эркаклар билан аёллар бирга қўшиб кўмилган қабрлар учрайди, бу эса патриархал муносабатлар бўлганлигини кўрсатади. Қабрлардан топилган баъзи болталар (силлиқланган ва

тешилган) шакллариغا қараганда жанг яроғи сифатида ишлатилган; бундай болталар кўп, улар чорвадор қабилалар ўртасида қуролли тўқнашишлар бўлиб турганлигидан дарак беради. Бу тош болталар мамлакатимиз территориясида ясалган энг яхши силлиқланган тош қуроллар ҳисобланади. Уларнинг тури ҳар хил. Шуниси муҳимки, бу болталарнинг баъзиларининг шакли бронза болталарига жуда ўхшаб кетади. Бундай тош болталарда ҳатто



25- расм. Жангда ишлатиладиган Фатьяново тош болтаси



26- расм. Фатьяново Бронза болтаси


найванд чоклари ҳам бор, хуллас улар бронза болталарининг худди ўзи қилиб ясалган. Қадимийроқ даврлар учун аксинча, металл қуроллар тош қуролларга ўхшатиб ясалганлиги ҳақида юқорида мисоллар келтириб ўтган эдик.

Бу қабристонлардан мис ва бронза буюмлар ҳам топилди. Бу буюмлар орасида салмоқли қўймаларнинг нусхалари ҳам, чунончи, Бобил болталарига ўхшаб кетадиган қайтақи муҳрали ва кўз қўйилган болталар бор. Бундай болталар бир неча қабристондан, шу жумладан, Фатьяново қабристонидан ҳам топилди. Бронзадан ишланган найзалар бор. Металл буюмлардан бигизлар, зеб-зийнатлардан бош кийимларга тақиладиган мис ва кумуш ҳалқалар ва мунчоқлар бор. Чақмоқтошдан ясалган ўқ ва найза пайконлари топилди.

Фатьяново қабристонларидан топилган сопол идишлар маконлардан топилган чуқурча ва ўйма кунгурадор нақшли сопол идишларга сира ҳам ўхшамайди. Кўпларида нақш йўқ, борида оғиз томонида кўпинча парраксимон нақшлар чизилган. Чуқурча ва ўйма кунгурадор нақшли сопол идишлар қабрларда мутлақо йўқ. Ундай сопол идишлар фатьяноволиклардан кўп вақтлар

олдин неолит давридаги маконларда тамомила ҳукмрон була бошлаб, фатьяноволиклардан кейин темир даврининг бошларида уларнинг ҳукмронлиги тугаган, энди бу даврда чуқурча ва ўйма кунгурадор нақшли сопол идишлар ўрнини мато тамғали сопол буюмлар босган эди, аммо улар ҳам Фатьяново идишларига ўхшамайди.

Фатьяново қабриетонлари тош ва бронза болталар, Ҳалқалар ва ҳоказолар типига қараб эрамиздан аввалги II минг йилликка киради. Фатьяноволикларнинг маконлари номаълум. Археологлар бир неча ўн йиллардан буён фатьяноволикларнинг маконларини



27- расм. Фатьяново идишлари

қидирмоқдалар. Улар ҳали ҳам бундай маконларни топишдан умид узмай тинмай қидирмоқдалар. Лекин ҳар йил бу маконлар ўрнига фатьяноволиклардан бурунги типдаги янги маконлар ва фатьяноволикларнинг янги қабристонларини топадилар. (Яқинда Сура дарёси ҳавзасида фатьяноволикларга яқин маконлар топилди, аммо улар фатьяноволикларга қай даража яқинлиги ҳақида ҳар хил фикрлар бор, асосан гап шундаки, бу ўлкаларда фатьяново қабристонлари йўқ.)

Буларнинг ҳаммаси фан соҳасида уларни баён этиш йўлидаги бир қанча уринишларга сабаб бўлди, албатта. Биринчи изоҳ бундай маконларда яшаган кишилар худди Фатьяново қабристонларига кўмилган. Лекин қабрларга рўзғорда ишлатилган чуқурча ва ўйма кунгурадор нақшли сопол идишлар қўйилмасдан, маросимларда ишлатиладиган алоҳида сопол идишлар қўйилган. Аммо бу изоҳга бундай эътирозлар бор: биринчидан, фатьяново сопол идишлари лойи ва пиширилиши жиҳатидан чуқурча ва ўйма кунгурадор нақшли сопол идишлардан анча устун туради; бас шундай экан, маконларда яшаган одамлар бу идишларни ясашни билар эканлар, нега уларни рўзғорда ишлатмабдилар, иккинчидан, топилган ҳайвон суяклари фатьяноволикларнинг чорвачиликни билганликларини тасдиқлайди, маконларда яшаган одамлар эса бундан беҳабар: демак, булар турли гуруҳга мансуб кишилардир.

Иккинчи изоҳга кўра, фатъяноволиклар кўчманчи чорвадорлар бўлганликларидан уларнинг муқим макони бўлмаган. Бундай дейилса, биринчидан, ўрмонзорларда кўчманчи чорвачилик билан машғул бўлиш мумкин эмас; иккинчидан, кўчманчи чорвачилик ҳатто жанубий даштларда ҳам (гарчи бунинг учун шароит қулайроқ бўлса-да) кейинроқ ривож топган; кўчмайчилар даштда илк темир даврида пайдо бўлган, ундан олдин улар ҳеч ерда бўлмаган.

Учинчи изоҳ бундай: Фатъяново қабрлари қабила бошлиқларига, умуман ҳукмрон табақага тегишли, шунинг учун улардаги буюмлар маконлардаги буюмлардан яхшироқдир. Аммо, биринчидан, маконларда мулкый табақаланишнинг ҳеч қандай аломати йўқ, ҳатто бундай табақаланишнинг бошланишидан ҳам дарак йўқ; иккинчидан, бу ерда фатъяноволиклардан кейин бой қабрлар пайдо бўлгунча икки минг йилдан ортиқроқ ижтимоий тараққиёт давом этган, аммо фатъяноволиклар давридаги маконларда қандай сопол идишлар бўлган бўлса, анча кейин пайдо бўлган бой қабрларда ҳам шундай сопол идишлар бўлган.

Тўртинчи изоҳга кўра, фатъяноволиклар деҳқон бўлган эмиш, улар негадир сув айирғичлар оралиғида яшаганлар, шунинг учун уларнинг маконларини топиш гўё жуда қийинмиш. Бироқ биринчидан фатъяноволикларнинг деҳқончилигини, айниқса деҳқончилик уларнинг асосий касби бўлганлигини кўрсатадиган далил йўқ; иккинчидан, макон топишдан кўра қабристон топиш осон эмас. Фатъяново маконларининг йўқлиги археология соҳасидаги муаммоларнинг энг қийини бўлиб қолмоқда.

Фатъяново қабристонлари билан ўймакор чуқурча ва ботирма кунгурадор нақшли сопол буюм маконларининг бир территорияга тўғри келиши бу муаммони яна ҳам чалкаштириб юборган эди. Бироқ, ҳозир уларнинг бир территорияда эмаслиги аниқ исбот этилди деса бўлади. Қабристон Юқори Волга (Калининдан деярли Қозонгача) Москва-река ва Қлязманинг сўл ирмоқларигача тарқалган. Бу жойларда маконлар кам, борлари ҳам Фатъяноводан олдинги ёки кейинги вақтларга тегишлидир. Маконлар кўп бўлган ўлкалар, биринчидан, Юқори Волгадан шимолда ва, иккинчидан, Ока бўйидадир. Бу ерларда қабристонлар йўқ. Юқори Волга ва Москва-рекада бронза давридаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси улар атрофидаги бошқа ўлкалардагидан кўра баландроқ бўлган, Фатъяново қабристонлари ана шунинг ифодасидир.

Бронза даврида балиқчиларнинг чуқурча ва ботирма кунгурадор нақшли сопол идишлар расм бўлган маконлар кенг ёйилган Эстония билан Латвияда фатъяново қабристонларига ўхшаган қабристонлар бор. Бу ўлкалардаги қабристонларда силлиқланган болталар ва бошқа тош қурооллар учрайди.

Фатъяново ва Балтика бўйидаги тошдан ясалган жанг болталари равон букилиб келган шаклига қараб қайиқсимон болталар

деб аталади. Жанубий Швециядаги чорвадор қабилаларнинг социал жиҳатдан мазкур қабристонларга мос қабристонларидан топилган болталарга нисбатан ҳам ўша термин қўлланилади, бу қабристонлардаги сопол идишлар чилвир из нақшлидир.


Бу термин билан аталадиган болталар анча хилма-хилдир, уларнинг ўрта рус хили Балтикабўйи ва шведларникидан фарқ қилади. Уларнинг ўртаси кенглиги жиҳатидан бир-бирига ўхшайди, бу эса техника талабидир. Болталарнинг кўз қўйилган ўрта қисми қалинроқ қилинмаганда мўрт бўлар ва дастлабки зарбдаёқ синиб кетарди. Шундай бўлса ҳам буржуа археологлари қайиқсимон болталарни ҳамма ерда битта-марказдан тарқалган одамлар томонидан тарқатилган деган фикрдалар. Ирқчи немис археологлари шу муносабат билан, бронза даврида Юқори Волгага кўчиб борган фантастик қадимги немисларнинг экспансияси тўғрисида гапирган эдилар. Бундай уйдирмаларнинг фанга зид эканлиги бундай болталарнинг турли ерларда технологик қонуниятлар асосида пайдо бўлиши ва хиллари бир-бирларига ўхшамаганлиги билангина тасдиқ қилинаётгани йўқ.

Фатъяновога хос маданият ёйилган асосий марказ Фарбда бўлмай, Шарқда бўлганлигини археология фани аниқлаб берди. Фатъяново қабристонларидан энг бой Баланово қабристони Чебоксардан шарқроқда. Унда ўзига хос жуда кўп ва хилма-хил бронза яроқлар, зеб-зийнат буюмлар ва тош буюмлар айниқса хилма-хил ва характерлидир. Ярославль туркумидаги қабристонлар камбағалроқ бўлса-да, улардан металл буюмлар жуда кўп чиқди. Москва туркумидаги қабристонлар яна ҳам камбағалроқ бўлиб, уларда ҳозирча металл буюмлар топилгани йўқ. Бу вақтда Урта Россиянинг Балтикабўйи билан алоқада бўлганлиги маълум эмас. Аммо Эстония ва Латвия қабристонлари Фатъяново қабристонларидан кўра камбағалроқ бўлганлигини айтиб ўтиш керак.

Баъзи олимлар фатъяноволикларни жануби-фарбдан (Украинадан Ока орқали), баъзилари эса жанубдан (Кавказдан Волга орқали) жилиб келганлар деб ҳисоблайдилар. Уларнинг қаердандир кўчиб келганликларини инкор қилиб бўлмайди. Бу ҳақда баҳслар ҳали ҳам давом этмоқда, аммо ҳар ҳолда уларнинг қаердандир кўчиб келганлиги тўғрисидаги фаразлар юқорида айтилган муаммони ечишга ёрдам бермайди. Фатъяноволиклар келгинди халқ бўлган тақдирда ҳам нима учун уларнинг маконлари бўлмаганлиги муаммо бўлиб қолаверади.

Сўнгги бронза даври ёки бошқача қилиб айтганда эрамиздан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошида ўрмон полосанинг ҳамма ерида бронза буюмлар, айниқса бронза яроғ-аслаҳалар озми-кўпми расм бўлган. Тегишли қадимий ёдгорликлар бу ерда географик тартибда, Фарбдан бошлаб Шарққа томон таъриф қилиб берилади.

Эстония ва Латвияда топилган баъзи бронза буюмлар (яроғ-аслаҳа, меҳнат қуроллари, зеб-зийнат буюмлари), шунингдек нарсалар кам топиладиган ва илк темир даврига кириб борадиган баъзи катта-катта қабристонлар сўнги бронза даврига мансубдир. Рига яқинидаги битта мазор қўрғон ичида 300 дан зиёд ўлик кўмилган бўлиб, бу эҳтимол уруғнинг хилхонаси бўлгандир. Бу ерда нарсалар кам, улар ичида бир қанча бронза буюмлар, жумладан иккита устара (у вақтда бронзадан ясалган, тиги ёйсимон устаралар Фарбий Европада кенг тарқалган), силлиқланган тошболталар бор.




28- расм. Сейм ханжари

Кострома областининг Галич кўли соҳилида ажойиб хазина топилди. Ундан эркакларнинг бронза ҳайкалчалари чиқди. Ҳайкалчалардан бирининг бошида учта ярим ой қўйилган (бу ой худоси бўлса керак), бошқасининг боши ҳар томонга нур сочиб турган шуълага ўшаш қилиб ишланган (бу қуёш худоси бўлса керак). Улар ёнидан бронзадан ясалган ҳар хил нарсалар: калтақесак, кўз қўйилган ойболта, ханжар, тўғри ва ўроқсимон пичоқлар, биллагузуклар ва бошқа буюмлар топилди. Эҳтимол бу нарсалардан диний маросимлар вақтида фойдаланилган ва улар уруғ бирлашмасининг мулки бўлган бўлиши мумкин. Хазина топилган жой қазилди, натижада чорбурчак ертўладан иборат макон очилиб, ичидан чуқурча ва ботирма кунгурадор нақшли сопол идишлар, чақмоқтош қуроллар чиқди. Бу ердан бронзадан ясалган нарсалар (пичоқ, спираль ва лавҳалар) топилди, уларнинг шакли хазинадан топилган буюмларга ўхшайди. Бу хазина ва маконнинг бир-бири билан боғлиқлигидан далolat беради. Шу нарса қизиқки, ғоят гўзал бронза буюмларга эга бўлган одамлар бу вақт ҳам бутунлай неолит ҳаётида яшаганлар, чақмоқтошдан кенг фойдаланганлар. Бу ердаги хўжалик кўлдан тутиладиган балиқчиликка асосланган, чорвачилик ва деҳқончилик аломатлари топилмади.

Сейм қабристонидан топилган буюмлар ўрмон полосада бронза саноати равнақ топганлигини кўрсатувчи намуналардир. Бу қабристон Волга билан Ока дарёлари қўшилган ерга яқин Сейм станцияси ёнидан топилди. Бу район бронза даврида алоҳида ўрин тутган бўлиши эҳтимол. Бу ердан топилган паншахасимон бронза найзаларнинг нусхалари Вятка, Кама, Иртиш, Обь ва Енисейда, жанубда эса истисно тариқасида Қора денгиз бўйидаги Бородино хазинасида бор. Сейм қабристонидан чақмоқтошдан ясалган ўқлар топилди (материалга нисбатан яроғнинг консер-

важив тури) Оқ нефритдан ясалган узук, материалга қараганда, Байкал кўли бўйларидан олиб келинган бўлса керак. Буларнинг ҳаммаси маданий ва иқтисодий алоқаларнинг кенг тараққий қилганлигини билдиради. Кўпгина бронза болталар, шу жумладан

муҳрали кўз қўйилган ой-болталар топилди. Топилган бронза ханжарларнинг дасталарига ўйиб гул солинган. Дасталардач бири булан бошига ўхшатиб ўйилган, иккинчиси иккита отга ўхшатиб ўйилган (бунинг нусхалари Сибирдан ҳам топилган). Яроғлар тотем белгилари билан безалган бўлса керак. Топилган нарсаларга кўра қабристоннинг санаси эрамиздан аввалги



29- расм. Абашев идиши

II минг йиллик охирига тўғри келади. Сейм сопол идишлари генетик жиҳатдан Фатъяново сопол идишларига алоқадор. Сеймликлар эҳтимол фатъяноволикларнинг авлодларидан бўлгандир.

Қабристонда топилган материаллар Волга бўйи ўрмонзор районлари аҳолиси маданий жиҳатдан тараққий этганлигини кўрсатади.

Абашев мазор қўрғонларидан топилган материаллар ҳам бунга тасдиқлайди (Чебоксари яқинидаги Абашевда очилган мазор қўрғонлар номи билан шундай деб аталган). Бу бизнинг ўрмонларимиздаги энг қадимги мазор қўрғонлардир. Бу мазор қўрғонлар Волга бўйида Ока этагининг жануброғида, Кама этагининг шимолроғида кўпроқ, аммо улар бунга қараганда кенгроқ территорияга ёйилган бўлса керак. Бундай мазор қўрғонлар ғарбда Протвада (Оканинг юқори оқимидаги ирмоқлардан бири) текширилган, шарқ томонда Оқ Идил бўйидан топилган қадимги турар жойлар Абашевдаги сингари нарсалари билан машҳурдир. Бу мазор қўрғонларда ўликлар букчайтириб кўмилган. Уй ҳайвонлари: сигир, қўй, чўчқа, от суякларини кўп учрайди. Баъзи кийимлар гулдор бронза тангачалар билан қопланган. Улардан ўн баргли гул нақш кўпроқ расм бўлган. Кўпчилик сопол идишларининг тағи ясси. Бу эса рўзғорда столлар пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бу қўрғонларда катта-кичик бронза



30- расм. Абашев болтаси ва Абашев гулдор нақши

буюмлар жуда кўп: болта, пона, найза, ханжарлар кўп учрайди. Буларнинг ҳаммаси бизнинг ўрмонзорларимизда маданий жиҳатдан, айниқса маконлардаги турмушга нисбатан хийла катта

силжишлар содир бўлганлигидан далолат беради. Чорвадор қабилалар ажралиб чиқиши натижасида патриархал уруғларда бойлик тўплаш ўсиб борганлигини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Фатъяноводаги қабрлар бойлик тўплаш бошланаётганлигини, яъни бунинг биринчи босқичини кўрсатган бўлса, Сейм ва Абашев мозор қўрғонлари бойлик тўплашнинг иккинчи босқичини кўрсатиб берди. Асосан чорвачилик билан машғул бўлган абашевликлар деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Уларнинг территориясидан (қазилмалар вақтида бўлмаса-да) топилган бронза ўроқлар бунинг тасдиқлайди; бу ўроқлар сўнггироқ даврга мансуб бўлиши мумкин эмас, агар шундай бўлса, у ўроқлар бронзадан бўлса, темирдан ясалган бўларди. Абашев қўрғонлари эраמידан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг бошларига тегишлидир.

Уралнинг бронза даври торфзорлардаги маконлар билан машғурдир. Торфда ёғочнинг яхши сақланиши бу ердаги моддий маданиятни жуда муфассал ўрганишга имкон беради. Иккита торфзор археологияда айниқса машғур, уларнинг иккиси ҳам Свердловск шаҳридан шимолроқда жойлашган бўлиб, бири — Шигир (Невьянск ёнида), иккинчиси — Горбуново (Нижний Тагил ёнида) торфзорларидир. Бу торфзорларнинг ҳар иккисидан неолит, шу жумладан, илк неолит ёдгорликлари бор («Неолит» бобига қаранг) одатда бошқа маконларда топилмайдиган топилмалардан ёғоч идишлар, қуролларнинг дасталари, эшкак, камонлар, ўқ соплари бу торфзорлардан кўп топилади. Шигирдан баландлиги 5½ м, эни атиги 20 см келадиган ғоят катта ёғоч бут топилди; бу бутнинг тепасида унчалик катта бўлмаган бош ўйилган, ғўланинг танаси ҳар хил ўйма безаклар (синиқ чизиклар арчабаргсимон ва бошқа ҳар хил суратлар) билан қопланган. Бу маконлардан кишилар яшаган турар жойлар ҳали топилган эмас, тўшамалар топилган, холос. Сопол идишлар, аввалгидек, кунгураддор жимжимали бўлиб, камдан-кам ўймакор, чуқурча ва ботирма кунгураддор нақшли идишлар ҳам учрайди. Бронза буюмлар бор. Масалан, Горбуновода қайтақи муҳрали кўз қўйилган бронза болта топилди. Ўқлар чақмоқтошдан, суякдан ҳатто ёғочдан ясалган. Чақмоқтош ва суяк ўқларнинг шакллари шу қадар хилма-хилки, СССР нинг бошқа жойларидан топилган археологик материаллар ичида бунақалари сира йўқ деса бўлади. Ўқларнинг ҳар қайси хили маълум бир йиртқич ҳайвонни овлашга мўлжалланган бўлса керак. Бу ерда умуман овчилик жуда тараққий қилган ва у асосий касб бўлган. Топилган нарсаларнинг сонига қараганда Шарқий Европанинг бошқа ўрмон территориясидан фарқли ўлароқ балиқчилик иккинчи ўринда турган, чорвачилик эса сира бўлмаган. Ҳаммадан кўра кўпроқ булан суяги учрайди, демак асосан шу булан ов қилинган. Бу серғушт ҳайвон ўша замонда кўп бўлган. Ундан ташқари, айиқ ва буғу суяклари ҳам кўп учрайди, умуман йирик ҳайвонларга ов қилганлар. Ёғочдан ясалган булан

(хаммадан кўпроқ), айиқ, оққуш, ғоз ва ўрдакларнинг бадий реалистик ҳайкалчалари жуда кўп топилди. Улар тотемий аҳамиятга эга бўлган бўлса керак. Деҳқончилик ривожланиб бораётган бўлган; учига суяк тепки боғланган таёқ (ер қазишга, тўғрироғи ер юмшатишга мўлжалланган), булан шохидан ясалган мотиға ва шу билан бирга ёргучоқлар топилганлиги бунга тасдиқлайди. Ибтидий деҳқончилик кўпинча чорвачиликда ёрдамчи касб бўлса, бу ерда у овчиликда ёрдамчи касб бўлган.


Уралнинг баъзи жойларида ибтидий мис конлари ҳам топилди, аммо улар Сибирь мис конларидан кўра кам ўрганилган.

* * *

Сибирь археологиясида Минусинск, яъни Енисей дарёсининг юқори оқими атрофидан топилган қадимги ёдгорликлар етакчи ўрин тутди. Бронза давридан бошлаб маданият Сибирнинг бошқа вилоятларидан кўра бунда тезроқ тараққий қилган. Юқори Енисейда бир қанча даврларга оид қадимги қабрлар бўлиб, улардан топилган аjoyиб буюмлар кўпдан бери археологларнинг диққатини жалб қилиб келади. Аммо фақат совет давридагина мунтазам равишда қазишмалар ўтказилиб, улар асосида ўлканинг қадимги тарихи вужудга келтирилди. Бу ерда бир қанча археологик давр маълум. Жумладан учтаси, яъни Афанасьев, Андронов ва Қорасуқ даврлари бронза даврига, бошқалари темир даврига киради. Бу хил даврларни совет археологлари бўлган ва бу бўлиниш Енисейгагина эмас, балки Сибирнинг анча қисмига тааллуқлидир.

Чорвадор қабилаларнинг ажралиши ва Жанубий Россияда металл ишлаш пайдо бўлган вақтда, яъни эраמידан аввалги III минг йиллик охирида, Сибирь даштларида ҳам содир бўлди.

Афанасьев даври (бу Минусинск яқинидаги Афанасьев тоғи номи билан аталган) эраמידан аввалги III минг йиллик охири ва II минг йиллик бошларини ўз ичига олади. Қабрлар тошлар билан ҳалқа қилиб ўралган ёки тош ҳалқалар тагига олинган мазор қўрғонларда жойлашган. Уликлар букчайтириб кўмилган. Маконлар яхши текшириб ўрганилмаган. Сопол буюмлардан энг кўп учрайдигани тухумсимон, таги юмалоқ ва бошоқсимон нақшли идишлардир. Чақмоқтош ўқлар, мис личоқлар ва мис рудани майдалаш учун ишлатиладиган тоштўқмоқлар учрайди (бундай тўқмоқлар қабрлардангина эмас, қадимги мис конларидан ҳам топилган). Амударьё чиганоқларидан терилган маржонлар диққатга сазовордир, чунки улар



31- расм. Афанасьев идиши

Сибирь билан Урта Осие ўртасида қадимдан алоқа бўлганлигидан далолат беради.

Еввойи ҳайвонларнинг суякларига қараганда уй ҳайвонларининг суяклари кўп. Сигир асраганлар, қўй ва от боққанлар. Шу билан бирга балиқчилик бу вақтда муҳим ўрин тутганга ўхшайди. Афанасьев қабрлари (эҳтимол маконлари ҳам) сувга яқин бўлган. Бироқ хўжаликнинг асосини энди чорвачилик ташкил этган. Эркаклар билан аёллар бирга қўшиб кўмилган қабрлар



32- расм. Андроново идиши

бу ерда ҳам учрайди. Енисей билан Олтойнинг маданий бирлиги шу замондаёқ вужудга кела бошлаган ва бу бирлик бундан кейин бир неча минг йиллар давом этган. Енисейдаги қабрлар топилганидан кейин Олтойдан Афанасьев типидagi сопол идишлар ва қуруллари билан қабрлар топилди.

Енисейдаги Афанасьев даври Ангардаги кито даври билан тахминан бир вақтга тўғри келади (юқорига қаранг). Шундай қилиб, ўша вақтдаёқ Жанубий Сибирь билан Шарқий Сибирь маданияти ўртасида фарқ пайдо бўлиб; бу фарқ тобора чуқурлашади. Буни эса Юқори Енисейда металлургия ва чорвачиликнинг ёйрилиши тақозо қилган. Сибирнинг бошқа жойларидаги қабилалар минг йиллар давомида овчилик ва балиқчилик билан машғул бўлиб келганлар. Фарбий Сибирь Шарқий Сибирга қараганда секинроқ тараққий қилган.

Енисейдаги Андроново даври (Агинск яқинидаги Андроново қишлоғи номи билан аталган) эраמידан аввалги II минг йиллик ўрталарини ўз ичига олади. У жуда кенг жойга: дастлаб топилган жой — Енисейдан тортиб Урал дарёсигача ёйилган. Ана шу доирада Андроново қабрлари Олтойда, Тоболда ва бошқа жойларда топилди. Қабрлар устидаги қурилмалар Афанасьев қабрлари қурилмаларига ўхшайди. Уликлар букчайтириб кўмилган (баъзан куйдирилганлари ҳам учрайди). Сопол идишларнинг таги энди думалоқ эмас, ясси қилиб ишланган, бу эса текис столлар пайдо бўлганлигини билдиради. Идишлар мураккаб геометрик ўйма нақшлар билан қопланган. Сигир, қўй ва от суяклари кўп, жун газламалар ҳам учрайди: Енисейда Андроново қишлоқлари топилган бўлса-да, ҳали улар текширилмаган дейиш мумкин. Қабрлар Афанасьев қабрлари сингари фақат дарё соҳиллари бўйлаб тизилиб кетган эмас, дарё ораларида тарқалиб ётган; бу эса аҳолининг тоғдан бошқа ҳамма ерда ёппасига жойлашганлигини ва чорва боқиш ҳамда унга ёрдамчи деҳқончилик қилиш мақсадида кенг территорияни ўзлаштириш лозим бўлганлигини кўрсатади.

Андроноволиклар хўжалиги ҳаммадан кўра Тоболда яхши ўрганилган. Алексеевск қишлоғи яқинида шу даврга оид макон тўла қазиб очилган. Бу макон узоқ яшаган. Узоқ ўтроқлик андроноволикларга хос хусусиятдир. Кишилар яшайдиган турар жойлар тош ўчоқ қурилган тўрт бурчакли ертўлалардан иборат бўлиб, уларнинг ёнида мол бўлган. Қўй, сигир ва от суяклари топилган, ёввойи ҳайвонларнинг суяклари йўқ деса бўлади. Тош мотиғалар ва кўпдан-кўп ёрғучоқлар аҳолининг деҳқончилик билан шуғулланганлигини тасдиқлайди. Қишлоқ ёнида қазиб текширилган катта қурбонгоҳ кўпгина чуқурлардан иборат тепалик бўлиб, ундан қурбонликнинг қолдиқлари топилган. Чуқурларнинг кўпидан андроноволикларнинг одатдаги идишлари чиққан. Бироқ еттита катта чуқур айниқса диққатга сазовордир. Бундан иккитасида уй ҳайвонларининг куйдирилган излари бор куйган суяклар топилган, бештасида куйдирилган донларнинг излари бор куйган сомон пояси ва бугдой дони топилган. Буларнинг ҳаммаси чорвачилик ва деҳқончилик анъаналарининг маҳкам ва узоқ сақланганлигини кўрсатади. Турар жойлардан кўплаб бронза буюмлар: ханжар, чопқи, болта, пичоқ, мунчоқ ва бошқалар топилган. Турар жой ёнидан Андроново замониغا хос қабристон қазилган.

Алексеевскдаги топилмалар I минг йиллик бошларига оиддир. Улар Енисей ва Олтойдаги барча Андроново қабрларидан ёш. Гап шундаки, II минг йилликнинг охирларида Енисей ва Олтойдаги Андроново даври ўрнига Қорасуқ даври келган, ғарброқдаги ўлкаларда эса Андроново даври яна бир неча аср давом этган (у ерда бу давр эрамиздан олдинги VIII аср атрофида Қорасуқ замони билан бир вақтларда тугаган).

Қорасуқ даври (бу ном Минусинск яқинидаги Қорасуқ дарёсидан олинган) эрамиздан аввалги II минг йиллик охирлари ва I минг йиллик бошларида ўтган давр. Қабрлар чор атрофидан қумтош палахсалари билан ишланган. Уликларнинг баъзилари букчайтириб, баъзилари чўзилтириб кўмилган. Бронзадан аясалган тирсаки (сал қайрилган) пичоқ қорасуқ даврига хос буюмларнинг энг муҳимидир. Ханжар ҳам шундай: Қорасуқ пичоқлари, ханжарлари ва аёлларнинг зеб-зийнат буюмларининг шакли Монголиядаги бронза даврининг буюмларига жуда ўхшайди. Буюмларнинг бундай ўхшашлиги Қорасуқ замони бошида аҳолининг Енисей бўйларига Монголиядан келган деб айтишга имкон беради. Территорияни хўжалик учун ўзлаштириш давом этган. Енисей ҳавзасида Қорасуқ қабрлари Андроново қабрларига қараганда Қорасуқ қабрлари ҳатто тоғларда ҳам учрайди, ўша даврда тоғлардаги яйловлардан ҳам фойдаланилган. Қорасуқ турар жойларининг қатламлари юпқа бўлган, чунки уларда



33- расм.
Қорасуқ
пичоғи

ҳаёт унча узоқ давом этмаган. Аҳоли асосан қўйчилик билан шуғулланган. Қорасуқ қабрларида қўй суяклари айниқса кўп учрайди. Қорасуқликлар сиғинган худолар қўй бошли бўлган. Қорасуқ даврида катта-катта тош устуларининг тепаси қўй боши тахлитида ясалган. Қабрлардан топилган буюмларга қараганда бу даврда уруғ аъзолари орасида мулкӣ тенгсизлик бўлмаган.

СССРнинг бошқа областларига қараганда Сибирнинг бронза даври металлургияси яхшироқ ўрганилган. Андронов ва Қорасуқ даврларидаги мис конлари (Минусинск ёнида) текширилган. Қия ўйилган бу конларнинг чуқурлиги 20 м келади, ичи қаттиқ қурум босган.

Уларнинг бронза даврига хос усулда қурилганлиги аниқланган. Одамларнинг бу даврда ҳеч қасрда қаттиқ тошларни майдалайдиган қуроллари бўлмаган (темир билан пўлат йўқ вақт), мис рудаси эса тошдан ҳам қаттиқ бўлади. Шунинг учун гулхан ёқиб руда қиздирилган. Натижада руда дарз кетган, ёриқларга эса тош болға билан ёғоч поналар қоқилган. Сўнгра бу поналарга сув қуйилган, понанинг намдан шишишидаги табиий куч рудани майдаланишига ёрдам берган, рудани тош тўқмоқ билан парчалаган бўлсалар керак. Олов, ёғоч ва руда ёрдамида ана шу усулни ҳа деб ишлатавериш натижасида кон вужудга келган. Парчаланган рудани тери қопларга ёғоч кураклар билан тўлдирилиб, қоплар ташқарига олиб чиқилган. Сўнгра парчаланган руда тош болғалар ёрдамида майдаланиб ёргучоққа ўхшаган тошлар устида унга айлантирилган ва, ниҳоят, эритилган.

Қадимги кон ёнидан тош болғалар, ёғоч кураклар ва руда тўлдириладиган тери қоплар топилган. Мис гулханларда эритилган руда билан ўтин устма-уст, қават-қават қилиб тахланган. Бундай гулханларнинг диаметри 4—6 м бўлган. Эриган мис гулханлар тагида қазилган чуқурчага оқиб тушган. Енгилроқ тошқол эса тепада қолган. Жуда кўп мис тошқолга аралашиб нобуд бўлиб кетган, бундай тошқоллар ҳозир ҳам қадимги конлар атрофида ғарам бўлиб уйилиб ётибди. Сўнгги вақтларда Олтойнинг жануби-ғарбида қалай эритилган бир талай жойлар текширилди. Бронзанинг икки таркибини ҳам андроновликлар билан қорасуқликлар ўзлари эритганлар. Қалай эритилган жойлардан болғалар, қирғич, ўғир, пона ва чўкичлар йиғиб олинди. Уша жойларда олтин конлари ҳам текширилди. Бундан ҳам ўғир, пона, чўкич-ва тоғоралар йиғиб олинди. Андроновликлар билан қорасуқликларда уруғчилик тузумининг бўлиши металл қазиб чиқаришга мос келади. Металл конлари атрофида яшган уруғлар металл қазиб чиқариш учун биргалашиб ишлаганлар. «Ҳар хил жамоалар,— деб ёзади К. Маркс,— ўз атрофларидаги табиатдан ҳар хил ишлаб чиқариш воситаларини ва ҳар хил тирикчилик воситаларини топадилар. Шунинг учун улар ишлаб чиқариш усуллари жиҳатидан, турмуш кечириш усуллари

ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари жиҳатидан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Бу фарқ табиий йўсинда пайдо бўлган фарқ бўлиб, у жамоалар бир-бирларига дуч келганларида ўзаро маҳсулот айирбошлашга ва, демак, бу маҳсулотларнинг селин-аста товарларга айланишига сабаб бўлади»¹.

* * *

Бронза даврида Кавказдаги патриархал чорвадор уруғлар ичида мулкий табақаланиш Шарқий Европа ёки Сибирдагига қараганда анча олдин бошланган. Биз бронза даврининг бошидаёқ мулкий табақаланиш процессини кўрамиз, шу билан бирга бу процесс Закавказьедагина эмас, балки Шимолий Кавказда ҳам бўлган.

Майкоп мазор қўрғонлари бунинг ёрқин тимсолидир. Майкопдагидек бронза даврига оид бой мазор қўрғонлар Европанинг ҳеч ерида йўқ, фақат эгей дунёси бундан мустаснодир. Кубань дарёси ирмоғи — Бела бўйида Майкоп шаҳрида қазилган мазор қўрғоннинг баландлиги 11 м келади. Унда ёғоч билан ишланган учта жанубий, шимолий, ғарбий ва шимоли-шарқий хоналарга бўлинган қабр борлиги маълум бўлди. Қабр хоналарининг ҳар қайсисига биттадан ўлик қўйилган. Оёқлари буклаб кўмилган ўликлар қизил рангга бўялган. Жанубий хона энг каттаси ва энг муҳимидир. Ўликнинг суяклари орасидан олтиндан шер ва ҳўкиз гул қилиб ишланган кўпгина қуббалар олтин, сердолик, феруза, ложувард ва денгиз кўпигидан ишланган кўпгина мунчоқлар топилди. Бош суяги устидан гул нақшли иккита тилла қош чиқди. Ўликнинг суяклари, ёнида қачонлардир тахтиравонни тутиб турган, ҳар қайсиси бир метр узунлигидаги олтита кумуш таёқ ётган эди. Буларнинг учидан оғиргина ҳўкиз ҳайкалчалари бириктириб қўйилган. Ҳайкалчалар бир хилда бўлсалар ҳам, иккитаси олтиндан, иккитаси кумушдан қўйилган. Суяклар ёнида чақмоқ ўқлар ҳам ётарди.

Қабр деворлари ёнида олтин ва кумуш идишлар қўйилган. Улардан ўйма расм зарб қилинган иккита кумуш идиш айниқса ажойибдир. Бирида тоғлар, дарахтлар, дарё ва ҳайвонларнинг суратлари, хуллас бутун бир манзара, иккинчисида фақат ҳайвонларнинг суратлари сўқилган. Унда от, ҳўкиз, қўчқор, чўчқа, арслон, айиқ, така, оху, қоплон суратлари бор. Тоғ чўққиларининг синиқ чизиқлари билан берилган тасвири Кавказ тоғларининг Майкоп томонидан кўринадиган шаклини эслатади, бу эса баъзи тадқиқотчиларнинг мазкур идишлар шу жойнинг ўзида ишланган деб хулоса чиқаришларига имкон беради. Уша қабрдан ханжар, болта, искана ва бошқа мис қуроллар топилган. Иккита кичикроқ гўрхоналаридаги суяклар ўлдириб кўмилган хо-

¹ К. Маркс, Капитал, I том, Ўздавнашр, 1955 й., 391- бет.

тинлари бўлса керак. Улар ёнидан олтин исирга ва мунчоқлар топилган. Бу мазор қўрғон уруғ оқсоқолининг жасади устига тўкилган тупроқ тепа бўлса эҳтимол ва у бундай оқсоқоллар қўлида баъзан каттагина бойлик тўпланганлигидан далолат беради.

Уша жойларда топилган нарсаларга қараганда, Майкоп мазор қўрғонига анча ўхшайдиган яна бошқа бир қанча мазор қўрғонлар бор. Бу мазор қўрғонлар мулкий табақаланиш анча ривожланганлигини кўрсатади, бойлар қабри билан бирга улар ёнида камбағаллар қабри учрайди.

Майкоп мазор қўрғонларининг санаси тўғрисида ҳар хил фикрлар бор, аммо уларнинг санасини аниқлаганда у ердаги буюмларнинг *Икки дарё оралиғида* ги шумер ёдгорликларига ўхшаганлигини назарда тутиш керак. Майкоп мазор қўрғонидан топилган болталар, ханжар, металл идишлар ва улардаги баъзи суратлар шумердаги шундай буюмларга ўхшайди. Бу эса мазор



34- расм. Кумуш идиш.
Майкопдан топилган


қўрғоннинг санасини эрамиздан аввалги III минг йилликнинг охири билан белгилашга асос бўла олади.*

Майкоп мазор қўрғони якка эмас. Майкоп мазор қўрғонидек жуда бой бўлмас ҳам Қабарда ва Осетиягача чўзилиб борган шарқроқдаги областларда қазилган мазор қўрғонлар Майкопни- кига анча ўхшайди.

Шимолий Кавказда, асосан, Кубанда бронза даврига оид, аммо кейинроқ пайдо бўлган мазор қўрғонлар бор, улар кўп жиҳатдан шу даврдаги Дон ва Манич мазор қўрғонларига ўхшайди. Кубаннинг Новосвободная станциясида эрамиздан аввалги II минг йиллик бошларига оид иккита катта мазор қўрғон қовланган, бу мазор қўрғонлардан бир қанча олтин ва кумуш буюмлар топилган. Бу ердан топилган қўш конус донали кумуш мунчоққа ўхшаган мунчоқ қадимги Ҳиндистонда бўлган, бу эса мазор қўрғоннинг санасини аниқлашга ёрдам беради. Шимолий Кавказдаги металл буюмларнинг шу жойда ишланганлигини Новосвободная-

да топилган сопол идишлар ва мис буюмлар (болта ва идиш) даги нақшларнинг жуда ўхшаганлиги билан исбот этиш мумкин.

Нальчик яқинидаги Долинск шаҳарчасида бронза даври турар жойи қазилди. Унинг қуйи қатламида топилган сопол идишларга қараганда у Майкоп мазор қўрғонига, юқори қатлами эса Новосвободная мазор қўрғонларига яқиндир.



35- расм. Майкоп идишидаги расм; ёйиб кўрсатилган

Долинскда ўша даврдаги оддий аҳолининг маиший ҳаётини аниқлашга муваффақ бўлинди. Бу ерда аҳоли ичкари ва ташқариси лой билан сувалган катта четан кулбаларда яшаган. Бундай турар жойлар ичида бир нечта чуқур ўчоқ бўлган. Лойдан ишланган қўра топилган, бу қўрада кабоб пиширганлар. Деҳқончилик хўжаликнинг асосий турини ташкил этган. Турар жойлар атрофида экин экиладиган участкалар бўлган. Тош мотиға, ўроқнинг чақмоқтош қадамалари, ёргучоқлар, шунингдек кўпдан-кўп неолит типигадаги чақмоқтош қуроллар учрайди.

Эрамиздан аввалги II минг йилликка оид Закавказье қабрлари подачилик турмуши бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бошқа жойларга қараганда бу ерда уй ҳайвонлари (айниқса қўй)нинг суяклари, ҳатто бутун-бутун скелетлар кўпроқ учрайди. Бронза буюмларнинг кўп бўлганлиги металл ишлаш нисбатан анча тараққий қилганлигини кўрсатади. Турар жойларнинг дурустроқ ўрганилмаганлиги хўжалик ва ижтимоий тузумни ўрганишни қийинлаштиради.

Энеолит давридаёқ кўп мамлакатларда кенг тарқалган рангли сопол идишлар Закавказье­нинг кўп жойида бронза даврида расм бўлган. Идишларга қорамтир ва қора бўёқ билан геометрик шаклдаги нақшлар, баъзан эса одам ва ҳайвон суратлари солинган. Бу санъат бу ерда маҳаллий асосда ривож топган бўлса керак, идишлар энеолит идишларига ўхшамайди, шакл ва ҳажмларига қараганда улар деҳқончилик маҳсулотларини солиб



36- расм. Олтин идиш.
Триалетидан топилган

қўйиш учун эмас, балки чорва маҳсулотларини солиб қўйиш учун ишлатилган бўлса керак. Озарбайжонда Қизил Ванк (эрамиздан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмига оид) қабристондан топилган рангдор сопол буюмлар жуда машҳур ва гўзал нақшлар билан қоплангандир. Нақшлар Закавказье­нинг турли районларида ҳар хил бўлган, бу ҳол уларнинг шу жойда мустақил ривожланганлигини тасдиқлайди ҳамда қабилаларнинг бир-бирлари билан алоқалари бўлмаганлигини кўрсатади, бу нарса тоғлик мам-

лакатларга хос хусусиятдир.

Бу ерда ҳам патриархал муносабатлар тараққий қилганлиги кўринади. Эркаклар билан аёлларнинг бирга кўмилганлиги буни тасдиқлайди. Бу ерда аёлларнинг лойдан ясалган ҳайкалчалари ўрнига эркакларнинг ҳайкалчалари чиқди.

Закавказье уруғ бошлиқлари бронза даврида баъзи жойларда катта кучга эга бўлганлар ва қадимги Шарқ мамлакатлари билан алоқа боғлаганлар. Буни Грузиянинг Триалетидаги мазор қўрғонлар тасдиқлайди. Бу мазор қўрғонлар тошдан терилган тепаликлардан иборат. Қабрлар жуда бой, унда олтин ва кумуш кўп. Қабрлардан бирида металл идишлар топилганлиги ажойиб сердолик билан қадама нақш солинган олтин қадаҳ эритиб ёпиштирилган олтин зарра ва сим безаклар билан қопланган. Қадаҳдаги безакларнинг чизиқлари ўша замоннинг грузин сопол идишларидаги маҳаллий нақшнинг кўчирмасидир. Бу заргарлик буюмларнинг шу жойда мустақил ишланганлиги шу тариқа исбот этилган. Бу ердан топилган кумуш қадаҳ ўрмон худоси шарафига бағишланган маросим тасвирланган қабартма суратлар билан қопланган; йиртқич ҳайвонларнинг бошлари тас-

вирланган ниқоб кийган 23 киши (кийимларига майин дум ҳам тикилган) қўлларида идиш кўтариб бирин-кетин қадаҳ ушлаб тахтда ўтирган худога томон бормоқда: тахт орқасида дарахт ва чашма кўриниб турибди.

Бу мозор қўрғонлар эрамиздан аввалги XVII асрга тўғри келади. Улар бронза даврида Закавказьенинг маданияти юксак даражада тараққий қилганлигини билдиради.

Триолетида дафн маросими ўликни куйдиришдан иборат бўлган. Бунак рангли сопол буюмлар ҳам. Яроғлар асосан бронзадан ясалган. Кумуш ханжарлар ҳам бор. Уқлар аввалгидек тошдан ясалган. Қабрларга катта ва майда молларнинг нимталари қўйилган. Триолетининг хўжалиги чорвачиликка асосланган. Яна Хетт подшолиги (Кичик Осиё ва Сурия) билан бўлган алоқани ҳам айтиб ўтиш керак; ўша вақтда Хетт подшолиги энг катта давлатлардан бири ва йирик маданий марказ бўлган. Металл идишларга солинган суратларда одамлар Хетт жамоаларида ва хеттларга хос тумшуги баланд кўтарилган пойабзалларда тасвирланган. Тасвир услубининг ўзи ҳам Хетт подшолиги санъатини эслатади. Дафн маросимларида ҳам ўхшашлик бор.

Триолети мозор қўрғонларига ўхшаш қўрғонлар бошқа ерларда ҳам бор. Арманистоннинг Кировакан шаҳрида ана шундай қабрлар қазилди, ундан тамомила триолети сопол идишларга ўхшаш рангдор сопол идишлар, уч жуфт арслон тасвирланган олтин қадаҳ ва кумуш идишлар топилди. Бронзадан ясалган яроғлар: болта, ханжар ва найза чиқди. Найза эса Триолетидан топилган найзалардан бирига ўхшайди.

Закавказьедаги сўнги бронза даврида (эрамиздан аввалги II минг йилликнинг охири ва I минг йилликнинг боши) бронзадан ясалган жуда кўп буюмлар бизнинг замонимизгача етиб келган. Мис Закавказьенинг ўзида топилган, бу металл бу ерда кўп бўлган. Бронза қуйиш учун зарур бўлган қалай қўшни мамлакатлардан, Қора деңизнинг жанубий соҳили (Трапезунд райони)дан ва Эрондан келтирилган. Зотан, кўпинча қалай ўрнида шу жойнинг ўзида топиладиган сурьма ишлатилган.

Бронза давридан темир даврига ўтиш даврига хос кўпдан-кўп мозор қўрғонлар ва бошқа хил қабрлар орқали тасвирланади. Бу қабрларда ўликлар куйдириб кўмилган, бироқ куйдирилмай ётқизиб кўмилганлари кўпроқ учрайди. Умуман дафн маросимлари хилма-хил бўлиб, бу ҳолат айрим қабилаларнинг бир-бирлари билан алоқа қилмай яшаганликларидан далолат беради. Ўликлар ёнига кўпинча мол, кўпроқ қўй тўшлари қўйилган. Закавказьеда қўйчилик хўжаликнинг ҳамма турларида устун бўлганлиги Урарту подшоларининг ёзувлари (ҳарбий ўлжаларнинг рўйхатлари) билан тасдиқланган. Яроғлар: болталар, найзалар ва қиличлар бронзадан қуйилган. Бу ердан топилган қиличлар умуман СССРда топилган қиличларнинг энг қадимгисидир. Қилич дастасининг боши ярим доира шаклида

ишланган. Бронзадан ясалган ўқлар учраса ҳам кўпчилиги, илгаригидек тош ўқлар, ора-чора чақмоқтош ўқлар учрайди, бироқ кўпроқ обсидиандан ясалган. Обсидиан Закавказьеда кўп топиладиган қора ёки сурма ранг тиниқ тош бўлиб, вулкан шишаси деб аталади.

Илкроқ замонга хос сопол идишларга куйдирилган суяк аралашмасидан тайёрланган оқ паста билан қадама нақш солинган. Қадама нақшларда жуда схематик тарзда ҳайвонлар ва кишилар тасвирланган. Дафн буюмларидаги кескин тафовутлар мулкий тенгеизликнинг ҳамма ерда тез ўсиб борганлигини кўрсатади.



37- расм. Бронзадан қуйилган Закавказье қиличи

Уруғчилик тузуми сақланган ҳолда қулдорлик тартибларининг аҳамияти ошиб боради. Бой қабрларда ўлдириб кўмилган қуллар кўп учрайди. Масалан, Арманистоннинг Севан кўли бўйида Адиаман ёнидаги мозор қўрғонда аравага ётқизилган хўжайин скелети атрофида 13 та қулнинг скелети ҳам ётибди. Арава олдида унга қўшилган тўртта хўкиз ва хўкизларни ҳайдовчи қулнинг скелети бор. Уша замонда қулларни хўжайинлари билан бирга кўмиш одати Шарқий Закавказьеда кўпроқ тарқалган (хонлар қишлоғи ёнидаги мозор қўрғони).

Закавказьенинг баъзи районларида сўнги бронза ва илк темир даврларида тошдан циклопик, иншоотлар яъни азим қалъалар қуриш расм бўлган. Бу қалъалар ганч ишлатмасдан циклопик усулда, яъни катта-катта харсанглардан бино қилинганлиги учун шундай аталган. Циклопик деган термин Грециядан чиққан, қадимги греклар бронза даврининг ана шундай қалъаларини афсонавий, якка кўз, баҳайбат — циклоплари номи билан боғлайдилар.

Даставвал фақат кичикроқ истеҳком қурилиб, унинг атрофида мустаҳкамланмаган қишлоқ жойлашган. Уша вақтда қалъа уруш хавфи туғилганида аҳоли ва моллар яширинадиган бошпана хизматини ўтаган. Эрамиздан аввалги I минг йиллик бошларида янги типдаги қўшдевор қалъа қуриш расм бўлган. Ички девори йўлбошчи яшайдиган, орқаси ташқи девор аҳоли яшайдиган жойни мудофаа этган. Бу ҳол синфий жамият таркиб топишини билдиради.

Асосий марказлари Ван кўли соҳилида бўлган Урарту давлати IX аср охиридан бошлаб Закавказьени ҳам ўз ичига олган. Бу нарса урарту ёзувларидан маълум. Урарту давлати вужудга келиши билан ўша вақтда Закавказье учун янгилик бўлган синфий қулдорлик муносабатлари ҳамма ерга ёйила

бошлаган; ҳунармандчилик шаҳарлари пайдо бўлган, суғориш каналлари қазилган, омов билан деҳқончилик қилина бошлаган, ёзув — урарту тилида миҳхат пайдо бўлган. Аҳолининг анча қисми қулларга айлантирилган, бу ҳам ўша урарту ёзувларидан маълум.

Истилоҷи подшо Арғишти эрамиздан аввалги VIII асрнинг биринчи ярмидаёқ Араксининг сўл соҳилида каттагина Арғишти-хинчи қалъасини қурдирган, бу қалъада шимолий областларнинг урарту волийси яшаган. Бу жойда урарту қалъаси биноларининг қолдиқлари текширилиб, ундан қалъалар ва ибодатхоналар бино қилинганлиги, каналлар қазилганлиги, боғ ва тоқзорлар, экинзорлар қилинганлиги ва ҳоказолар ёзилган подшо ҳужжатлари топилган; эрамиздан аввалги VII аср ўрталарида бошқа истилоҷи подшо, Руса II, маъмурий марказни шимолроққа кўчириб, бунинг учун янги Тейшебаини қалъасини (ҳозирги Ереван яқинида) қурдирган; бу қалъа бизнинг замонимизда қазилиб, Урарту подшолигига доир асосий археологик маълумотлар ана шундан олинган (қуйига қаранг). Бу қалъа темир даврига мансубдир.

Кавказ тоғларида бронза даврининг охири ва темир даврининг бошларига (эрамиздан аввалги XI—VII асрларга) оид қадимий ёдгорликлар Кобандан топилгандир. Бу ном Шимолий Осетиянинг Кобан қишлоғидаги қабристондан олинган. Бу қабристондан жуда кўп бронза буюмлар топилди. Энциз, узун ва эгри бронза болталар айниқса характерлидир. Кобаннинг ўзига хос бу болталари яроғ хизматини ўтаган. Шунга ўхшаш салмоқлироқ болталар меҳнат қуроли бўлган, бронза ханжарлар, парчинланиб уланган бронза идишлар расм бўлган. Бронзадан ясалган спираль шаклидаги билагузук, тирсакдан юқори тақилладиган тирсагузук, кенг металл тизма камар, йиртқич ҳайвонлар ва қушлар шаклидаги жеваклар ва шу кабилар зийнат буюмлари ҳисобланган. Болталарга ва тўқаларга темирдан қадама нақш солинган: ўша вақтда эндигина кашф этилган бу металл жуда қимматбаҳо бўлиб, заргарликда ишлатилган. Сопол идишлар геометрик ўйма нақшлар билан қопланган. Уликлар тош тобутга солинган. Кобаннинг қадимий ёдгорликлари кўпроқ Осетияда, Грозний области ва Қабардада ёйилган. Кобанликларнинг турар жойлари ҳозирча ўрганилмаган деса бўлади. Хўжалиги чорвачилик (кўпроқ қўйчилик) ва унча ривожланмаган деҳқончиликдан иборат бўлган бўлса керак, ижтимоий тузуми эса патриархал-уруғчилик бўлган. Топилаётган бой хазиналар мулкӣ табақаланиш бўлганлигини кўрсатади.

Кобаннинг қадимий ёдгорликларига ўхшаш ёдгорликлар Ғарбий Грузиянинг афеонавий Колхида территориясида бўлганлиги маълум; улар Колхида ёдгорликлари деб аталади. Колхида яроғлари ва зеб-зийнат буюмлари Кобанникига ўхшайди. Бироқ Колхиданинг сопол идишлари шакли ва нақшлари Кобанники-

дан анча фарқ қилади: бу ерда кенг тўқалар ҳам, спираль шаклидаги биллагузуклар ҳам йўқ. Карам тўғрайдиган ошпичоққа ўхшаган бронза болталар кўп. Кобан қабрларида учрамаган бронза мотигаларнинг бу ерда топилганлиги Қолхидада деҳқончиликнинг кенг тараққий қилганлигини кўрсатади. Кўпинча хумларга солиб кўмилган Қолхида қабрларида мулкий тенгсизлик аниқ сезилиб туради, бу даврда уруғчилик муносабатлари анча заифлашган.

* * *

Урта Осиёда бронза даври ҳали яхши ўрганилган эмас, бу эса СССР археологиясининг асосий камчилигидир. Гап шундаки, бу ерда бронза даврида муҳим марказлар бўлган деб фараз қилиш мумкин. Илк темир даврида Урта Осиёнинг юксак маданияти узоқ вақтлар давом этган тараққиёт самараси бўлса керак, албатта.



38- расм.
Ханжар.
Анов III
дан то-
пилган

Ановдан топилган материаллар ҳам муҳимдир. Юқорида айтилганидек, шимолий тепаликда ҳаёт тугагандан кейин, жанубий тепаликда пайдо бўлган. Бу эса энеолитдан бронза даврига ўтиш билан боғлиқ бўлган. Жанубий тепалик икки қатламга, яъни қалинлиги 19 м қуйи қатлам (Анов III) ва 6 м келадиган юқори қатлам (Анов IV) га бўлинади. Анов III бронза даврига мансуб бўлиб, санаси эрамыздан аввалги II минг йилликка тўғри келади. Бу ерда бронза ўроқлар, ханжарлар, найзалар ва санасини аниқлашга имкон берадиган бошқа буюмлар топилган. Уқларнинг бронзадан ясалгани ҳам, чақмоқ тошдан ясалгани ҳам бор. Айниқса муҳими шуки, бу ерда энди сопол идишлар қўлда эмас, балки кулолчилик чархида ясалган.

Бу асбоб қаерда бўлмасин мутахассис кулолчилар пайдо бўлганлигини кўрсатувчи аниқ аломатдир. Ибтидоий жамоа тузумида сопол идишлар зарур бўлганида уларни ҳар бир уйда аёллар ясаган. Ҳунармандчилик ажралиб чиқиши билан кулолчилик рўзгорни бошқарувчи аёллардан ҳунарманд эркаклар қўлига ўтган.

Кулолларга ишни тезлаштирадиган ва маҳсулот сифатини яхшилайдиган асбоб — чарх зарур бўлиб қолган. Кулолчилик чархи тик қўйилган калта ўққа ўрнатилган ёғоч доирадан иборат. Доира шу ўқда айланади; қадим замонда (ҳатто ўрта асрларда ҳам) уни чап қўл билан айлантирганлар. Кулол ўнг қўли билан лойга зарур шакл бериб турган. Уқ айланиб турганлиги туфайли кулол лойни бармоқлари билан гир айлантириб текислаб борган. Шу тариқа, кулол бармоқларини жилдирмасдан олинган парча лойдан думалоқ валик пайдо бўлган. Шу валик


чўзилиб, узайиб, ундан идишнинг девори ҳосил бўлган. Идиш чархда ишланганида, у қандай шаклда бўлмасин албатта концентрик қатламлардан иборат бўлади.

Кулолчилик чархида ясалган идишларни умумий симметриясига шаклнинг тўғри бўлишига, бармоқларнинг идиш атрофидаги ҳаракатидан пайдо бўладиган ва кўзга салгина кўриниб турадиган чизиқларга қараб қўлда ясалган идишлардан фарқ қилиш қийин эмас. Археология кузатишларидан аниқки, кулолчилик чархдан синфий жамоа тузуми ҳукм сурган даврларининг ҳаммасида ҳам қўлланилган бўлса-да, аммо ибтидоий жамоа тузумида мутлақо қўлланилмаган (мисоллар қуйида келтирилади). Қулдорлик давлатлари билан ёки кейинроқ феодал давлатлар билан ёнма-ён ибтидоий қабилалар яшаган жойларда уларни бир-биридан сопол буюмлар ясалган усулларига (кулолчилик чархида ясалгани ёки қўл билан ясалганига) қараб ажратиш мумкин.

Кулолчилик чархи маҳаллий шароит тақозо қилмаган тақдирда ҳеч бир ерда бошқалардан олиб ўзлаштирилмаган. Чарх фақат маҳаллий ижтимоий тараққиёт асосида ҳунармандчилик пайдо бўлган мамлакатлардагина тарқалган; маълумки, ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши синфлар пайдо бўлиши билан маҳкам боғланган ва

унинг зарурий шarti бўлган. Ҳунар-касбларнинг ҳаммасидан олдин металл ишлаш вужудга келган. Бу ҳаммадан ҳам кўра муҳим бўлиб, одатда, уруғчилик тузумидаёқ, унинг тугашидан олдинроқ вужудга келган. Бошқа ҳунар-касблар, жумладан кулолчилик ҳам кейинроқ, синфий жамият вужудга келаётганида ажралиб чиққан, буни археология топилмалари тасдиқлайди. Кулолчилик ихтисоси ҳамма вақт кўзга ташланади, чунки қизиш вақтида сопол буюмлар ҳаммадан кўра кўпроқ учрайди.


Ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг энг муҳим босқичларидан бири буюмлар ясайдиган металл асбоб-ускуналарнинг яхшиланиб бориши, темирчилик босқонининг ва кулолчилик чархининг ихтиро қилиниши ва шунга мувофиқ ҳунармандчиликнинг ривожланиши, ҳунар-касбнинг деҳқончиликдан ажралиши ҳунармандчилик кейинчалик эса мануфактура ишлаб чиқаришининг тараққий қилишидир. Темирчилик босқони ҳақида кейинроқ яна гапирамиз, бу ерда фақат шуни айтиш керакки, кейинчалик темир металлургиясида гоёр катта аҳамиятга эга



39- расм. Идиш. Анов III дан топилган

булган бу асбоб, Мисрда ва Ғарбий Европада ўтказилган археологик қазилмаларнинг материалларига кўра, Бронза давридаёқ мис металлургиясида бирмунча кенг қўлланилган.

Анов III дан топилган кўпдан-кўп буюмлар Урта Осиёда кулчилик чархининг СССРнинг ҳамма еридагидан кўра олдин, ҳатто Закавказьедан ҳам аввал пайдо бўлган деб айтишга имкон беради. Сопол идишлар жуда кўп топилганлигидан ижтимоий тараққиёт даражасини белгилаш учун муҳим далил бўла олади. Топилган ҳамма буюмларга кўра Анов III нинг тараққиёт даражаси Қадимги Шарқ шаҳарларини эслатади. Аммо ўша замонда Урта Осиёда шаҳарлар бўлган-бўлмаганлигини ҳали биз билмаймиз (бўлса унинг жанубий қисмида бўлгандир): Ановда фақат кичкина бир қишлоқ қазилди, холос, аммо бу ерда синфий жамиятнинг аниқ белгилари бор. Бу даврда Урта Осиёда ёзувнинг бўлган-бўлмаганлигини ҳам ҳозирча билмаймиз, аммо бу қатламда киши, арслон ва грифон (қуш бошли ва қанотли йиртқич) тасвир этилган муҳр топилган.



40- расм. Тозабөгёб идиши.
Хоразмдаги Ангқа-қалъадан топилган.

Анов IV темир даврига мансубдир. Урта Осиёдаги асосий ўлкаларнинг ҳаммасида ҳам тасодифий равишда топилган археологик буюмлар орасида бронзадан ясалган яроғлар ва меҳнат қуролларининг салмоқли нусхалари борлиги маълум. Аммо ҳали кўп областларда бронза даврининг турар жойлари ва қабрлари топиб очилган эмас.

Бронза даврига оид янги ижтимоий ҳодисалар. Урта Осиёнинг жанубий чеккаларидагина ривож топган. Унинг кўпчилиги вилоятларида уруғчилик тузуми ҳали барқарор турган бўлса керак. Амударё этагида, Хоразмда бронза даврига оид — Тозабөгёб типигаги турар жойлар топилди. Бу турар жойлардаги сопол идишлар қўлда ясалган ва улар Андроново сопол идишларини эслатади. Бронза буюмлар ҳам учрайди. Бу ердаги хўжалик чорвачиликка асосланган, мотиға деҳқончилиги унга қўшимча бўлган холос.



III. ТЕМИР ДАВРИ

ОЛТИНЧИ БОБ

ТЕМИР ДАВРИНИНГ БОШЛАНИШИ

Атрофимиздаги ҳамма нарсалар темирдан ёки темир аралаштириб ясалган. Бу металлнинг кашф этилиши ўз замонасининг бутун моддий маданиятини ўзгартирибгина қолмай, у, техника учун янги имкониятлар туғдирди, ундаи кейин ўтган бутун уч минг йил мобайнида юз берган барча социал-иқтисодий ўзгаришлар учун замин яратди.

Янги металл ўз тантанасидан озгина олдин кашф этилди, унинг тантанаси учун эса атиги бир неча аср кифоя қилади. Эраמידан аввалги II минг йиллик охирида темир ҳамма ерда ҳам ноёб зеб-зийнат нарсаси эди. I минг йилликнинг бошида эса у моддий маданият дунёсида ҳукмрон ўрин олди ва ҳозир ҳам шу ўрнини сақлаб келмоқда:

XIX асрда кўпгина археологлар темир бронза билан гўё бир вақтда ёки кетма-кет пайдо бўлган деб даъво қилган эдилар. Улар, темир ер-ёстиди бронзадан кўра ёмонроқ сақланиши тўғрисидаги шубҳасиз фактни дастак қилмоқчи бўлган эдилар. Бинобарин, темир энг қадим замонлардан бизнинг давримизга етиб келган эмас, деб мулоҳаза қилган эдилар. Бу тахмин аллақачонлар рад қилинган. Шу нарсани аниқки, қадимий ёдгорликларнинг сақланган-сақланмаслиги ер тагида ётган муддатидан кўра тупроқ шароитига боғлиқдир.

Европа ва Осиёдаги темир бўлмаган ҳамма мамлакатларда бронза давридаги кўпдан-кўп турар жойлар ва қабрлар текширилган. Бронза ва темир давридаги қурооллар ҳамда яроғ-асбобларнинг шаклларидаги туб тафовутлар аниқланган. Қадимги Шарқда темир қачон пайдо бўлганлиги тўғрисидаги баҳс айниқса узоқ давом этган эди. Аммо ҳозир у ерда бронза давридаги моддий маданиятнинг хусусиятлари айниқса муфассал ўрганилди. Энди темирнинг кейин пайдо бўлганлигига ҳеч бир ҳақиқий олим шубҳа қилмайди: далиллар жуда кўп.

Зотан, одамлар соф темир билан энеолит давридаёқ танишганлар, аммо у вақтда темирнинг амалий аҳамияти бўлмаган. Гап шундаки, табиатда соф темир метеоритларда учрайди. Осмондан тушадиган бу парча металллар диний буюмга айланти-

рилган. Улар қадимги Шарқда энеолит замонидаги қабрларда учрайди. У ерда метеорит темирдан ишланган мунчоқлар бор. Аммо буларнинг ҳеч қайсиси металлургия ишлаб чиқаришини ҳаётга келтиролмаган.

Темир руда дастлаб қачон ишлатилганлиги ҳали аниқланган эмас. Баъзи олимлар эрамиздан аввалги II минг. йилликнинг бошларидаёқ қадимги Шарқда бундай темирдан ясалган майда буюмлар пайдо бўлган, бироқ улар ўнлаб аср давомида ноёб нарсалар бўлиб қолаверган дейдилар. Эрамиздан аввалги XIV аср бу жиҳатдан ишончлироқ санадир: шу асрда Миср, Икки дарё оралиғи ва эгей дунёсида темирдан ясалган буюмлар шу кунгача сақланиб келади. Темир ҳақидаги ёзма маълумот ўша вақтга тўғри келади, бу маълумот Миср фиръавини билан Хетт подшошининг ёзишмаларида берилган, бу ҳужжатлар Миср билан Амарнада сақланган.

Эрамиздан аввалги XIV асрда ишланган ва шу кунгача етиб келган темир буюмларнинг ҳаммаси гоят қимматли бадий заргарлик буюмлардир. Темир ҳамма жойда аввал зеб-зийнат буюмлари сифатида пайдо бўлган. Италияда улар эрамиздан аввалги XII асрда, Шимолий Европада эса — Германия, Скандинавия ва СССРнинг ўрмон полосасида тахминан эрамиздан аввалги X асрда пайдо бўлган. Аммо темирни оммавий кўламда қўлланишнинг дастлабки тажрибалари эрамиздан аввалги IX асрда қилинган. Эрамиздан аввалги VIII асрда қулдорлик давлатларида темир бронза ўрнини олган. Эрамиздан аввалги VII асрда бутун Европада темир яроғлар расм бўлган ва унинг бронзадан кўра яхши, қаттиқ ҳамда ўткирроқ эканини бутун Европа билган. Янги зангори қиличлар пайдо бўлган, эски сариқ қиличлар зангори қиличларга уриштирилганда синиб кетган.

Темир табиатда мисдан кўра кўпроқ, қалайга нисбатан эса жуда кўп учрайди. Аммо темирнинг кеч кашф этилганлиги тасодифий ҳол эмас. Қадимги замонда темирни эрита олмаганлар. Мис 1084° да эриydi, қадимги кўраларда уни эритиш мумкин бўлган; темирни эритиш учун 1530° бўлиши керак, бироқ қадимги кўраларда температурани бу даражага етказиб бўлмаган, айниқса кўранинг иссиқлиги эритиш учун зарур температурага қараганда доим анча баланд бўлиши лозим. Бироқ кишилар эритмасдан иложини топган. Лекин бу иложини топгунча ва умуман бу кўримсиз, сарғиш ва бўш минералга аҳамият берилгунча кўп вақт ўтган.

Рудадан бевосита темир ажратиб олиш процесси инсоният тарихидаги энг буюк кашфиётлардан биридир. Бу процессда дам бериш воситаси билан атиги 900° температурада (бунда ўчоқнинг температураси тахминан 1200° бўлиб, қотишмани эритиш учун кифоядир) углерод оксиди темир оксидини тиклайди ва темир суюқ ҳолида эмас, балки қуюқ ҳолида тўпланади. Демак эритилмайди. Табиатда темир асосан темир оксиди сифатида

бўлади. Химияда, маълумки, кислороднинг ажратиб олиниши, яъни оксидланишнинг акс ҳолати тикланиш деб аталади.

Қадим замонда ишлатилган ҳамма металллар — мис, қалай, қўрғошин, кумуш, олтин, рух, сурьма — темирдан кўра хийла паст температурада эрийди. Рангдор металлургия (металлнинг суяқ ҳолатда олиниши) билан қадимги қора металлургия (металлнинг қуюқ ҳолатда олиниши) ўртасидаги туб тафовут ана шунга боғлиқдир.

Рудадан бевосита темир ажратиладиган босқонли кўра тошдан ясалган ва лой билан сувалган қозонсимон ўчоқдир. Бундай ўчоқ баъзан фақат гувала ва лойдан ясалган. Дам бериш учун унинг икки ёнидан дам берадиган кичикроқ иккита тешик очилган. Бу тешикларга гилватадан ясалган найча ўрнатилган, найчаларга эса тери дамлар биркитилган (дамларнинг қопқоқлари ёғоч, тахта ёки сополдан ясалган) дастани босиб дам берилган. Кўрага кўмир ва руда тахланган. Унга фақат писта кўмир ёқилган, кўпинча ботқоқ рудаси ишлатилган. Тикланган темир зарралари (диаметри бир неча мм зарралар) пишиб озми-кўпми соф темир бўлаклари ҳосил бўлган. Рудاداги бошқа аралашмалар тошқолга чиққан. Темир бўлақларини болта билан уриб жиплаштирилган ва тегишли шакл берилган. Шу тариқа темирчилар учун хом ашё ҳосил қилинган. Бундай хом ашё намуналари турли мамлакатлардаги археология тўпламларида кўп топилади.

Рудадан бевосита темир олиш усулида соф темирнинг ярмидан кўпроғи тошқолга чиқиб кетган. Бу процесс кам маҳсул бўлганлиги сабабли одамлар ўрта аср охирларида рудадан бевосита темир олиш усулидан чўян эритиб темир олиш усулига ўтишга мажбур бўлганлар. Шундай бўлса ҳам, ҳозирги замон металлургияси бошқа бир йўл билан рудадан бевосита темир олиш усулига қайтиш ҳаракатида-ю, бироқ ҳали дуруст натижа чиқмаяпти.

Кўрага ҳаво бериш учун ишлатиладиган тери дам бронза давридаёқ кашф этилиб, мис эритишни тезлатиш мақсадида қўлланилган (ҳамма жойда эмас, албатта). Рудадан бевосита темир ажратиб олиш усулида бу асбоб албатта зарур бўлган. Дам бўлмаса одамлар темирни кўрмаган ҳам бўлардилар.

Ҳозирги замон темирчилари темирни қандай усулда ишлатсалар қадимги темирчилар ҳам босқонли кўрада ҳосил қилинган темирни шу усулда темирчилик кўрасида қиздириб, кейин болга билан тоблаб ҳар хил буюмлар ясаганлар. Темирчиликда ҳам дам бериш зарур процессдир, бу ерда худди босқонли кўрада ишлатиладиган дам сингари дам ишлатилган, бу «темирчилик босқони» деб аталади.

Бронза даврида ишлатилган тош болғалар ўрнида темир даврида темир болғалар ишлатиладиган бўлган. Темир ҳамма вақт сандонда тобланган. Сандон дастлаб тошдан қилинган, аммо антик даврда эса уни темирдан ясайдиган бўлганлар. Қадимги те-

мирчилик дўконларида темирчи билан босқончи ўртасида меҳнат тақсимоти бўлган. Темирчи чап қўли билан қизиган темир қистирилган омбурни ва ўнг қўли билан кичик болгани ушлаб, у билан темирнинг қай ерига уришни кўрсатиб турган. Босқончи икки қўллаб зўр куч билан темирни босқонлаган. Қадим замонда темир буюмларнинг ҳаммаси тобланган, бронза буюмлар эса, одатда, қуйилган. Буюмлар шаклидаги археологик тафовутларнинг сабаби асосан ана шундадир. Дастлабки босқончи ва темирчилар ҳамма қабилаларда бир хил туйғу — хурофий даҳшат туғдирган ва мифологияга кирган. Бошқача бўлиши мумкин эмас эди, албатта. Негаки, бу одамлар атрофдаги аҳоли учун сирли усулда янги ва хавфли яроғ-аслаҳалар, янги ва анча қулай меҳнат қуроллари ясаганлар. Улар темир тоблаб, бу ишни мўъжиза қилиб кўрсатиш учун ўз касбларини атайин сир тутганлар, ўзларининг темирчилик устахоналарига ҳеч кимни киритмаганлар.

Металлургия вужудга келгандан кейин грекларда дактиллар, кабирлар, куретлар ва тельхинларга сиғиниш пайдо бўлган, уларда темирчи Гест, римликларда эса Вулкан ҳатто ўн икки бош худо жумласига киритилган. Бу меҳнатдан ҳазар қиладиган қулдорлар вужудга келтирган Олимпийда бирдан-бир жисмоний меҳнат вакилидир. Европадаги бошқа халқлар ҳам темирчи худоларни эҳтиром қилганлар; чунончи Ильмаринен финларнинг темирчи худоси бўлган, Суцелл — кельтларнинг, Сефлай — этрускларнинг, Виланд—немисларнинг, Сварог эса русларнинг темирчи худолари бўлган.

Темирчилардан қўрқиб тилларнинг луғат саставида ҳам акс этган. Масалан, рус тилидаги «коварний» (маккор) ва «ков» (ёмон ният) сўзлари этимология жиҳатидан «ковать» (тоблаш) феъли ва «коваль» (темирчининг синоними) сўзи билан «козни» (фитна-фасод) эса «кузнец» (темирчи) сўзи билан боғлиқдир.

Темирнинг ёйилиши иқтисодий географияни жиддий равишда ўзгартирган. Бронза даврида мис ва қалайни ташиб келтириш қийинчиликлари кўпгина қабилаларнинг жанговор қудратига зарба беради, ахир бу яроғ-аслаҳани тўлдириб туриш билан боғлиқ бўлган қийинчиликлар эди. Кўп мамлакатларда мис, кўпчилик мамлакатларда қалай йўқ эди. Темир эса Европанинг ҳамма жойида бор (гарчи ботқоқ рудаси бўлса ҳам: руданинг бу хили босқонли кўралар учун хом ашё бўлган). Шунинг учун ҳамма қабилалар яроғ-аслаҳа ишлаб чиқаришда қўшниларига қарам бўлмаган деса бўлади. Мис қуроллари ҳам, бронза қурооллар ҳам тош қуроолларнинг ўрнини ололмаган ҳолда темир қурооллар уларни тез сиқиб чиқарган.

Темир қурооллар асосий кўпчилик мамлакатларнинг узил-кесил деҳқончиликка ўтиши учун зарур шароит яратиб берган.

Янги металлнинг аҳамияти ҳақида Ф. Энгельс бундай дейди: «Темир катта-катта майдонларда экин экишга, кенг ўрмонзорларни тозалаб экин майдонига айлантиришга имкон берди; у косиб-

ларга шундай пухта ва ўткир қуроолар бердики, тошлардан ҳеч биттаси, ўша вақтда маълум бўлган металллардан ҳеч биттаси уларга баравар кела олмас эди»¹.

• Темирнинг деҳқончиликда алоҳида муҳим ўрин тутганлиги даставвал шундан маълумки, тош болталар ҳам, бронза болталар ҳам ўрмонларда дарахтларни кесиб кенг майдонларни очишга ярамас эди. Ҳолбуки кўпчилик мамлакатларда деҳқончилик хўжалиги учун зарур майдонларни ўрмонзорлардангина очиб олиш мумкин эди. Бунинг устига кесилган дарахтларнинг жойида куйдирилиши ерга зарур ўғит бўларди; ўрмонзорлардан очилган ва занг ерлардаги илк деҳқончилик усулининг моҳияти ҳам ана шундадир. Темир болта бундай деҳқончилик усулини ёйишда ҳамма ерда етарли имконият тўғдириб берди.

Ер ҳайдаш қуроолари хилининг ўзгариши, айниқса уларга темир тишлар ўрнатилиши жиддий аҳамиятга эга бўлди. Ер ҳайдаш қурооларининг тури кўп бўлса ҳам, улар асосан сўқа ва омовдан иборат бўлиб, бронза давридаёқ вужудга келган эди.

Улар бир неча минг йиллардан буён бир-бири билан рақобат қилмоқда. Сўқанинг ҳар қанақаси ҳам тупроқ қатламини ағдаринишга хизмат қилади, шунинг учун унинг тиши ерга деярли тикка ботиб юради. Омочнинг ҳар қанақаси эгат тортишга хизмат қилади, шу сабабдан унинг тиши ерга қия ботиб юради. Омоч тупроқни остин-устун ағдариб беролмайди. Бироқ ҳосил учун тупроқ тамомила ана шу тариқа остин-устин ағдарилиши керак. Сўқанинг энг муҳим устунлиги ана шунда. Аммо дастлабки, оддий сўқалар тошлоқ, қаттиқ ёки тўнка ва дарахт томирлари босиб кетган ерларда мутлақо иш бермаган. Омочнинг ҳатто энг оддийси ҳам бундай ерларда иш берган, тўсиқлардан сакраб ўтган, қаттиқ ерларда эгат солган. Шу сабабли деҳқончиликнинг бу иккита қуроли бир-бири билан мусобақа қилган ва улар ҳатто қадимги Шарқ мамлакатларида ҳам мотигага қарши муваффақиятли кураш олиб боролмаган, мотига то темир кашф этилгунча ҳамма ерда кенг қўлланилаверган.

Осур подшоларидан бирининг саройидан топилган жуда кўп темир сўқа тишлари эрамиздан аввалги VIII асрга оиддир. Бошқа топилмалар ҳам темир даври бошида қадимги Шарқда илгари нуқул ёғочдан ясалган сўқа ва омочларга темир тиш кийдирилганлигини тасдиқлайди. Темир тишлар сўқанинг тупроқни ағдариш имкониятини жуда кучайтирган ва омоч билан эгатлар анча чуқур олинадиган бўлган. Кўпчилик мамлакатларнинг зироатчилик хўжалиги учун зарур бўлган ҳайдалма деҳқончилик қилиш ана шу тариқа ёйилган.

Илк темир даврида кўпгина янги меҳнат қуроолари пайдо бўлганлиги археологик жиҳатдан аниқланган; янги металл эса бу

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, „Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши“, 341—342- бетлар.

қуролларни ясаш учун техника имкониятларини яратиб берган. Шунинг учун бир қанча муҳим меҳнат қуролларининг тарихи эрамиздан аввалги I минг йилликдан бошланиши тасодифий ҳол эмас.

Бу даврда эговнинг пайдо бўлиши темирни қизитилган ҳолда ишлаш билан бирга дастлаб у совуқ ҳолда ишланган дейишга имкон беради. Энг қадимги греклар, римликлар, галлияликларнинг эговлари ҳам худди ҳозиргидек мақсадларга ишлатилган ва ҳозирги эговларнинг кесикларидай кесиклари бўлган (фарқи шундаки, кесиклар бир қатор бўлган, кўндаланг кесиклар солинмаган).

Бу қуролни ишлатиш учун ҳозиргидек ўша вақтда ҳам ишланадиган нарсани қистириш учун сканжа талаб қилинган. Ҳар хил нозик темир буюмлар, биринчи навбатда қулф ва калитлар эговлаб ясалган. Қулф ва калитларнинг ҳамма мамлакатларда тарқалганлиги шахсий мулк ҳукмронлигини ва у билан боғлиқ бўлган ўғирлик мавжудлигини кўрсатади. Темир давридан олдин калит ва қулфлар фақат қадимги Шарқда бўлган, у ерда бундай буюмлар ёғочдан ясалган.

Рўзгорда ва ишлаб чиқаришда кўп ишлатиладиган қайчи эрамиздан аввалги IV асрда Италия ёки Галлияда ихтиро қилинган. Унгача ҳеч қаерда қайчи бўлмаган. Қадимги қайчилар ҳозирги қайчиларга ўхшамайди. Қадимги қайчиларнинг икки бўлаги ҳозиргидек миҳ билан биркитилмаган, балки устидан эгилувчан планка билан ўраб қўйилган, бундай қайчилар ишлатиш учун хийла ноқулай бўлган, албатта. Бу асбоб доим ва фақат темирдан ясалган. Қайчи қўйчилар орасида дарҳол кенг тарқалган. Бунгача қўйнинг жуни қирқилмаган, устидан юлиб олинган. Қайчи дастлабоқ тикувчиликда, пардоз-андозга ва ҳоказоларга ишлатилган.

Илк темир даврида темир ўроқ рандалар чақмоқтош ўроқ рандаларни сиқиб чиқарган. Темир ўроқ ранда ёйсимон ўткир юпқа темирдан иборат бўлиб, икки учига даста ўрнатилган; у ёўла пўстини шилиш ва ёғоч рандалаш учун ишлатилган. Ўроқ ранда узоқ вақтларгача дурадгорликда асосий иш қуроли бўлиб қолган. Бу даврда пайдо бўлган бошқа кўпгина меҳнат қуролларини санаб ўтиш мумкин.

Темир яроғ-аслаҳага меҳнат қуролларидан кўра тез ва кўп ишлатилган. Ҳарбий ишда ҳар бир қабила қўшниларидан орқада қолмаслик учун ҳамма чораларни кўрган. Аммо яроғ-аслаҳанинг асосий турлари: қилич, ханжар, найза, чўқмор, жанг болталар бронза давридаёқ ишлатилган. Илк темир даврида яроғларнинг ҳатто шакллари ҳам ўзгармай сақланиб қолган, металл ўзгарган, холос. Бу даврда ёй ўқларини ясашда темир камдан-кам ишлатилган. Бронза даврида ўқлар кўпинча тошдан ясалган бўлса, илк темир даврида бронзадан ясалган: бу ерда бу материалларнинг ҳеч қайсиси бир-биридан устун турган эмас.

Оддий темир, маълумки, яроғ-аслаҳа, чопиш ва кесиш учун ишлатиладиган меҳнат қуроллари ясашга юмшоқлик қилади. Бироқ шундай бўлса-да, ҳатто энг қимматли яроғ бўлган қилич ҳам баъзан оддий темирдан ясалган. Грек тарихшуноси Полибий эрамиздан аввалги III асрда галлияликларнинг (германлардан кўра галлияликларда металлургия яхшироқ тараққий қилган) қиличлари юмшоқ темирдан ясаиб, жангчи қиличи билан ургандан кейин уни оёғи билан тўғрилаб олишга мажбур бўлганлигини уқтиради. Бироқ қулдорлик мамлакатларда илк темир давридаёқ пўлат расм бўлган.

Биз пўлатнинг тарқалиш тарихини ҳозирча аниқ била олмаймиз. Археологик топилмалар ҳозирча металлография жиҳатидан жуда оз ўрганилган. Ҳар ҳолда озгина ўрганиш натижалари ҳам пўлатнинг антик дунёда эрамиздан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмидаёқ яроғ-аслаҳа ва меҳнат қуроллари ясашда ишлатила бошлаб, кейинчалик кенг ёйилиб кетганлигини кўрсатади.

Грек авторлари темир («сидерос») билан пўлат («халипс») ни фарқ қиладилар. Пўлатнинг бу номи Қора денгизнинг жануби шарқий соҳилида яшаган кичик бир халип халқи номи билан аталган. Темирнинг бу янги нави ҳали ўша босқонли кўрада тайёрланади. Орасту, темирни ўчоқда бир неча марта қизитиб яхши пўлат ҳосил қилинади, дейди. Шу йўл билан пўлат зарур даражада қаттиқ қилинган бўлса керак. Антик дунё ёзувчилари қизитилган металлни совуқ сувга тиқиб пўлат тобланганлигини билганлар ва буни кўп марта асарларида тилга оладилар.

Пўлат ҳаммадан кўра кўпроқ яроғ-аслаҳа ясаш учун ишлатилган, аммо меҳнат қуроллари учун, чунончи: болта, ўроқ, эгов, қайчи, ўроқ рандалар ва кўпгина бошқа қурооллар учун ҳам унинг бебаҳо металл эканлиги аввал бошданоқ маълум бўлган (қуроол аслда темирдан, тиғи пўлатдан ишланган). Дами фақат пўлатдан қилиниши мумкин бўлган нарсаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Антик дунёда илк темир давридаёқ одамлар сув олиб келиш, суғориш ёки қуритиш учун тошларни тешиб тунеллар ўтказганлар. Бронза даврида ҳунармандлар фақат қадимий Шарқ мамлакатларида эҳтимол, яна уларга ёндош мамлакатлардагина бўлган. Темир даврининг бошиданоқ ҳунармандчиликнинг ихтисослаштирилиши учун янги техника имкониятлари яратилган, бу аҳволга кўпгина мамлакатларда уруғчилик тузуми қулаши билан социал жиҳатдан имконият туғилган.

«Иккинчи йирик меҳнат тақсимоти рўй берди: ҳунармандчилик деҳқончиликдан ажралиб чиқди. Ишлаб чиқаришнинг ва у билан меҳнат унумдорлигининг ҳам бетўхтов ўсиши кишининг иш кучи қимматини ошириб юборди; тараққиётнинг бундан аввалги босқичида фақат пайдо бўла бошлаган ва тасодифий бир ҳодиса бўлган қуллик эндиликда ижтимоий тартибнинг муҳим таркибий қисмига айлана бошлади; қуллар оддий ёрдамчи бўлмайд қолдилар; эндиликда уларни ўнлаб далада ва ишхоналарда ишлашга

ҳайдаб олиб борадиган бўлдилар. Ишлаб чиқаришнинг иккита катта асосий тармоққа — деҳқончилик ва ҳунармандчиликка — бўлиниши натижасида бевосита айирбошлаш учун ишлаб чиқариш, — товар ишлаб чиқариш ва у билан бирга савдо қабиланинг ўз ичида ва чегараларидагина эмас, балки денгиз орқали қилинадиган савдо ҳам вужудга келади»¹.

Барча мамлакатларда ҳамма ҳунармандчиликдан олдин энг муҳим темирчилик касби пайдо бўлди; бу касб айирбошлаш ва жамғаришни тезлаштирди шу билан бирга синфлар вужудга келишига ёрдам берди. Синфий жамият пайдо бўлиш арафасида темирчи ва мисгарлар энди одатда уруғ бирлашмалари учун эмас, балки шахсан ўз фойдалари учун ишлардилар. Буни даставвал жиддий ихтисослаштиришни талаб қилган хилма-хил буюмлар ишлаб чиқарилганлиги тасдиқлайди. Археология турар жойлардан четроқда қурилган темирчилик устахоналари, темирчиларнинг алоҳида посёлкалари ва бошқаларни қазиб чиқармоқда. Кейинроқ ҳамма мамлакатларда (кулолчилик чархида ясалган сопол буюмларга қараганда) кулолчилик касби ва бошқа касблар пайдо бўлган. Кўпгина археология текширишлари бу касблар синфий жамиятлар ва давлатлар билан тахминан бир вақтда пайдо бўлган деб айтишга имкон беради.

Темир даври бошларида Европа ва Осиёнинг ҳамма ерида истеҳкомлар қурилган. Истеҳкомлар ёғоч кам, тош кўп жойлардагина тошдан қурилган. Кўп ўлкаларда истеҳкомлар тупроқ ва ёғочдан қурилган, ҳозир у истеҳкомлардан тупроқ кўтармалар қолган, холос. Кўп мамлакатларда, айниқса Шарқий Европада тупроқ кўтармалар билан ўраб олинган қадимий шаҳар харобалари кўп учрайди.

Биздаги қадимий ш а ҳ а р л а р н и н г кўпи илк темир даврида қурилган. Таққослаш учун шуни айтиб ўтиш керакки, бизнинг мамлакатимизда бронза давридаги турар жойлар мустаҳкамланган. Темир даврида урушлар доимий ҳодиса бўлиб қолган эди.

Илк темир даври хронологик жиҳатидан эрамыздан аввалги I минг йилликни ва эрамыз I минг йиллиги бошини ўз ичига олади. Илк темир даврида кўп мамлакатларда синфий қулдорлик жамиятлари вужудга келган. Бу ҳақда қуйида Шимолий Қора денгиз бўйидаги антик давлатлар ва Закавказье билан Урта Осиёдаги қадимги давлатлар ҳақида сўз борганда гапирилади. СССР нинг бошқа ўлкаларида Европа ва Осиёдаги бошқа кўпгина мамлакатлардаги сингари ибтидоий жамоа тузуми сақланиб қолган. Аммо меҳнат тақсимооти, хусусий мулк, мулкий тенгсизлик, қабилалар орасидаги урушлар ва патриархал қулчилик ибтидоий жамоа муносабатларининг қулашига олиб келган.

¹ *К. Маркс ва Ф. Энгельс*, Танланган асарлар, II том. „Ола, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши“, Ўздавнашр, 341-бет.



ШАРҚИЙ ЕВРОПА ВА СИБИРДА ИЛК ТЕМИР ДАВРИ

Грек классик авторлари скифлар тўғрисида зўр иштиёқ билан жуда кўп асар ёзганлар, улар Европадаги бошқа бирон халқ тўғрисида бунчалик иш қилмаганлар. Греклар скифлар билан жуда маҳкам алоқада бўлганлар. Скифлар эрамиздан аввалги VIII асрда эҳтимол Урта Осиёдан кўчиб келиб, Қора денгиз бўйи даштларидаги киммерийларни сиқиб чиқарганлар.

Бу вақтда киммерийлар гоҳо Олд Осиёда пайдо бўлиб, қадимги Шарқ давлатларини вайрон қилишда каттагина роль ўйнаган.

Темир даври бошларида Қора денгиз бўйи даштларида скифлар пайдо бўлгандан кейин бу ернинг турмуш шароити тамомила ўзгарган. Бронза ва тошдан ясалган қуроллар ўрнида темир қуроллар ишлатиладиган бўлган, ўтроқ чорвачилик ўрнида кўчманчи чорвачилик жорий бўлган, мотиға билан ер ковлаб деҳқончилик қилиш ўрнига ер ҳайдаб деҳқончилик қилиш усули ўрнатилган.

Эрамиздан аввалги V асрда скифларнинг ҳаётини муфассал ва мазмундор қилиб баён этган Геродот Дунайни скифларнинг ғарбий чегараси, Донни шарқий чегараси деб ҳисоблайди. У Доннинг шарқида савроматлар яшаган дейди. Одатда савроматлар билан сарматларнинг иккиси ҳам бир халқ дейдилар: сарматлар эрамиздан аввалги II асрда скифларни сиқиб чиқарганлар. У вақтда скифлар Қримга (шунингдек Қора денгизнинг Днепр билан Днестр ўртасидаги соҳилларига) чекинганлар. Грек авторлари катта территорияда яшаган ва этнография жиҳатидан бошқа-бошқа бўлса ҳам, урф-одатлари ва турмушлари жиҳатидан бир-бирига ўхшаган турли қабилаларни скифлар деб атаганлар. Демак, скифлар деганда бир неча қабилаларни бирлаштирган терма тушунчадаги ном деб тушунмоқ керак. Зотан, скифлар қардош қабилалар, асосан шимолӣ эрон тиллари гуруҳига кирадиган тилда гапирган кўчманчи қабилалар иттифоқидир.

Скифларнинг мазор қўрғонларидан доим от суяклари ва отанжомлари топилмоқда. Геродот ва бошқа антик дунё авторлари таъбирича скифлар асосан йилқичилик билан шуғулланган-

лар, археология эса буни тасдиқлайди. Скиф мазор қўрғонларидан от суяклари бошқа хил ҳайвон суякларига қараганда жуда кўп чиқади. Бу янги ҳодисадир: скифлардан олдин яшаган ва скелетлари бўялган халқ мазор қўрғонларида сигир скелетлари кўпроқдир.

Бу ерда йилқичиликка ўтиш билан ўтроқ чорвачиликдан кўчманчи чорвачиликка ўтиш бир вақтга тўғри келади. (Кўчманчи чорвадорлик янги ем-хашак майдони топиш имкониятини туғдирган.) Кўчиб юрганда оила ва анжомлар араваларга ортилган, бу аравалар бизга антик дунё авторларининг ҳикояларидан ва мазор қўрғонлардан топиладиган сопол моделлардан маълум. Бу аравалар икки-уч хонали, намаг ёпилган ва баланд гилдирақларга ўрнатилган чинакам кўчма чўл уйлари бўлган. Бу уйлар (кейинроқ пайдо бўлган кўчманчиларнинг ўтовидан фарқ қилиб) скифлар оз вақт қўниб муттасил кўчиб юрганлигини ва бу шароитда кўчманчилар учун у доимо тайёр кулба бўлиб хизмат қилганини кўрсатади. Геродот скифларнинг чорвадорлик ҳаётидан жуда кўп тафсилотларни баён қилади. Масалан, скифлар ўтин ўрнида ҳайвонларнинг суякларини ёққанлар, буни археология топилмалари, суяклар ёқилган гулхан қолдиқлари тасдиқлайди.

Кўчманчи скифлардан бошқа деҳқончилик билан шуғулланган скифлар ҳам бўлган, аммо улар археологик жиҳатидан яхши текширилмаган. Уларнинг турар жойларидан дон сақлайдиган кўпгина ўралар топилган. Грек авторларининг ахборотига қараганда энди бу жойларда ер ҳайдаб экилган. Аммо скифларнинг плуглари ҳам, плуг тишлари ҳам ҳозирча топилгани йўқ. Грек авторлари жанубдаги қўшчи скифлар билан шимолда ўрмондашт поясасидаги деҳқон скифларни фарқ қиладилар. Кўп жойдан скифларнинг темир ўроқлари топилган. Скиф турар жойларида ёргучоқлар кўп учрайди. Грек авторлари скифлар қаторига қўшган деҳқон қабилаларнинг кўпчилиги эҳтимол келиб чиқиши жиҳатидан аслда скиф бўлмаган.

Скифлар бугдой, арпа ва тарих етиштириш билан бирга жавдар ҳам етиштирганлар, жавдар эса бронза даврида ҳеч ерда экилмаган.

Геродот берган маълумотга қараганда, қўшчи скифлар бугдойни «ўзлари овқат қилиб ейиш учун эмас, балки сотиш учун» эканлар. Скифиядаги деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларнинг ҳаммаси ҳам бу ишни қилмаган бўлсалар керак; аммо ҳар нечук бўлганда ҳам фақат қулдорлик хўжалигида ёки жуда бўлмаганда уруғчилик тузуми ичида қулдорлик хийла тараққий қилган вақтдагина доннинг четга чиқариб сотилиши мумкин эди. Донни четга чиқариш мақсади билан етиштириш учун қўшимча меҳнат анча тараққий қилган бўлиши керак. Скифлардаги қулдорлик Антиқ дунё авторларнинг ҳикоялари ва қулларнинг кўмилиш тартибидан жуда яхши маълум.

Скифларда синфий жамиятнинг қачон пайдо бўлганлиги илмий жиҳатдан аниқланган эмас. Бир хил тадқиқотчиларнинг фикрича скифларнинг қулдорлик давлати эрамиздан аввалги IV асрда, бошқаларнинг фикрича эрамиздан аввалги II асрда пайдо бўлган. Грек ёзувчилари ўз асарларида кўп тилга оладиган ва археологларга подшоларнинг мазор қўрғонларидан маълум бўлган скиф подшолари уруғ бошлиқларидан секин-аста, гарчи содда бўлса-да, қулдорлик давлатларининг чинакам подшоларига айланганлар. Энгельс таъбири билан айтганда: «Талончилик урушлари олий лашкар бошининг ҳокимиятини, шунингдек қўйи бошлиқларнинг ҳокимиятини ҳам кучайтиради, одатга биноан уларнинг ворисларини айни бир оилалардан сайлаб қўйиш, бора-бора, айниқса, ота ҳуқуқи кучга кирган пайтдан бошлаб ирсий ҳокимият шаклини олади, ирсий ҳокимиятга аввало бардош бериб турадилар, кейин уни талаб этадилар ва, ниҳоят, узурпация қиладилар, ирсий короллик ҳокимияти ва ирсий содагонлик замини туғилади»¹.

Қулдорлик давлати скифларнинг ҳаммасида эмас, балки бир қисмидагина мавжуд бўлган. Скиф подшоларининг ҳокимияти Геродотдан олдин ҳам ирсий ҳокимият бўлган, кўп қабилалар унга бўйсунган, аммо уруғ ташкилоти ҳукмрон қабилада ҳам, тобе қабилаларда ҳам ҳали мавжуд бўлган. Қулдорлик хўжалигининг дастлабки босқичларида уруғ ташкилотлари ҳамма ерда ҳам маҳкам сақланган, лекин улар қулдорлар манфаатига мослаштирилган. Скифларнинг мазор қўрғонларини археологлар яхши текширган бўлсалар-да, турар жойлари унча яхши текширилган эмас. Уларнинг турар жойлари одатда тупроқ кўгармалар билан ўралган шаҳар харобаларидан иборат бўлиб, уларни қабилалар ўртасида доим урушлар бўлиб турганлиги сабабли қурганлар. Бу истеҳкомлар ичида деҳқонлар яшаган бўлса керак, аммо кўчманчиларнинг ҳам худди шундай истеҳкомлар ҳимоясида бошпаналари бўлган бўлиши керак.

Днепр бўйидаги Каменск шаҳар харобасини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу ерда скиф темирчилари яшаган. Унда ҳамма ерда темир ва мис тошқоллари, темир парчалари, боқонли кўра ва темирчи ўчоқларининг қолдиқлари, мис эритиладиган асбоблар (чаноқ, қолип)нинг синиқ парчалари учрайди. Шаҳар харобаси майдони қарийб 600 гектар келади, у бутунлай ана шундай топилмалар билан қопланган. Бу ерда дегрезлар, темирчилар, мисгарлар яшаган. Улар металлни ўз жойларидан 60 километрча наридаги Кривой Рог конларидан олиб келганлар.

Бу шаҳар харобасига қараганда скифларда металлургия касби бошқа касблардан тамомила ажралиб чиққан. Бу ерда ўтроқ ҳунармандлар махсус ўзлари қурган ёки улар учун мах-

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс, Танланган асарлар, II том, „Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши“, „Ўздавнашр“, 342-бет.

сус қурилган истехқомларда, Скифия марказида, кўчманчи қабилалар билан ёнма-ён яшаганлар.

Скиф мазор қўрғонлари тагида чуқурлар ёки катакомбалар бор. Худди шу территориянинг ўзида ибтидоий қабрлардагидек ўликлар букчайтириб эмас, чўзилтириб кўмилган. Бронза даврида даштда мулкый табақаланиш деярли бўлмаган бўлса, скифларда мулкый табақаланиш бўлганлиги аниқ билиниб туради.

Кичик-кичик мазор қўрғонларда ёки бировларнинг мазор қўрғони кўтармасида кўмилган камбағаллар қабрида деярли ҳеч нарса йўқ. Кичикроқ мазор қўрғонлардаги оддий қабрларда ўқлар ва зеб-зийнат буюмлари бор. Катта мазор қўрғонлардаги бойларнинг қабрларида яроғ-аслаҳа ва қимматбаҳо буюмлар жуда кўп. Энг катта қўрғонлардаги подшолар қабрларида эса қурол-яроғлардан ташқари юзлаб олтин буюмлар бор.

Скиф қиличи темирдан ясалган бўлиб, дастасининг боши ёйсимон қайириб қўйилган дастанинг тагида қўлни қесилишдан сақлаш учун капалак қанотларига ўхшаган гулбанд қўйилган. Қиличнинг ўзи санчиш учун ясалган. Геродотнинг айтишича, скифлар темир қиличга сингилган ва унга қурбонлар келтирган.

Ўқ-ёй скифларнинг энг яхши қўрган қуроли бўлган. Грек авторлари тенги йўқ ўқчи скифларнинг санъатларини завқ билан ҳикоя қиладилар. Мазор қўрғонларда ўқ жуда кўп ва ҳар қадамда топилади дейиш мумкин. Топилган ўқдонларнинг бирида 377 та ўқ бўлган.

Эрамиздан аввалги II асргача, яъни скифлар замонининг охиригача бронзадан қўйилган ўқлар кўпчилики ташкил этади, лекин VII асрдаёқ бронза ўқлар билан бир қаторда онда-сонда темир ўқлар ҳам учрайди, бошқа яроғларнинг ҳаммаси ҳам темирдан ясалган; булар тўғрисида юқорида айтиб ўтилган эди.

Скифларнинг ўқлари аввал бошда ясси, япроқсимон ва асимметрик бўлган, ammo эрамиздан аввалги VI—V асрдан бошлаб скифларнинг классик ўқлари тарқала бошлаган, IV—III асрлардан то II асргача бир хил ўқлар қатъий расм бўлган. Бу ўқлар уч қиррали; пирамидасимон ёки ундан ҳам кўра кўпроқ уч парракли бўлган. Кейинги хилида пирамида қирралари ўрнида парраклар бўртиб туради. СССРда қадимги металл буюмлардан энг кўп учрайдиган ўқлардир. Бундай ўқлар археология мажмуаларида неча ўн миңглаб ҳисобланади. Улар илк темир даврида Шарқий Европада, Сибирь ва Урта Осиёда жуда кўп тарқалгандир.

Скифлар ўқ қуйиш учун ишлатган бешта қолип топилди: улардан биттаси Қора денгиз бўйидаги қадимги грек шаҳри



41- расм.
Скиф қиличи

Ольвиядан, учтаси Уралда Челябинск ёнидан ва биттаси Иртиш бўйида Семипалатинск ёнидан топилди.

Скифларнинг сопол идишлари қўлда ишланган, демак ҳали уларда кулолчилик касби бўлмаган. Сопол идишларнинг кўпидан нақш йўқ. Идишларнинг таги ясси, хили кўп. Кувача, товоқ, ко-



силдир. Скифларга хос бронза қозонлар бўлган, уни Геродот ҳам тасвирлайди. Бундай қозонлар мазор қўрғонлардан доим топилиб туради. Уларнинг баландлиги бир метр келади. Шакли ҳам келишган: таг қисми юнқа ва баланд, думалоқроқ, тепасида кичикроқ бандлари бор, хуллас биздаги мис қозонга жуда ўхшайди.



42- расм. Скифлар ўқи ва сарматлар ўқи


Улдириб кўмилган қулларнинг скелетлари скиф мазор қўрғонларида, подшоларнинг қабрларидагина эмас, балки бошқа, каттами-кичикми ҳар қолда бой кишиларнинг қабрларида ҳам куйгучрайди. Скифларда қулчиликнинг анча тараққий қилганлигини антик дунё авторлари ва археология маълумотлари бирдай тасдиқлайдилар. Хўжайинларини кўмганда қулларини ҳам ўлдириб кўмиш ҳамма мамлакатларда қулдорлик хўжалари вужудга келган даврлардагина расм бўлган.

Скиф подшоларининг мазор қўрғонларида шу билан машҳурки, уларда жаҳондаги энг гўзал заргарлик санъати асарлари ва грек дегрээларининг ноёб буюмлари шу дамгача сақланиб қолган. Бироқ бу мазор қўрғонларни кўпинча скифларнинг ўзлари



43- расм. Скиф идишлари. Чигириндан топилган

талаган. Мозор қўрғонларга кўмилган жуда кўп олтин буюмлар уларнинг эътиборини ўзига тортмай қўймаган, албатта. Мозор қўрғонларининг таланганлиги археологларни қаттиқ ранжитмоқда. Мозор қўрғонлар ниҳоятда катта бўлганлигидан уларни қазиб учун кўп вақт ва маблағ талаб қилинади, аммо натижада озгина нарса топилади. Таланмай тўла сақланиб қолган мозор қўрғонлар жуда кам. Улар ҳақида қуйида гапирилади.



44- расм. Олтин буғу.
Кубандаги Костромская станциясидан топилган

Геродот скиф подшоларини кўмиш маросимини муфассал ҳикоя қилган, ўтказилган қазилшлар унинг гапларини тасдиқлайди. Скиф подшоси қаерда ўлса ҳам унинг жасадини Днепр остоналаридан пастроқдаги Герри деган жойга олиб келиб кўмганлар. Худди Днепр остоналарининг пастроғида ғоят бой скиф қабрлари, Чертомлик, Солоха мозор қўрғонлари ва бошқалар топилди, бу мозор қўрғонлар ёнидаги бошқа жуда катта мозор қўрғонлар таланган.

Геродотнинг ҳикоя қилишича, одатда қабрга подшонинг хотинлари, қуллари, жумладан отбоқарлари ўлдирилиб кўмилган, бордон, отлар, кўпгина олтин идишлар ҳам қўйилган бўлиб, қабр устида ғоят катта тепа қад кўтарган. Геродотнинг айтишича, скифлар дафидан кейин «кўпчилик бўлиб шу жойга тупроқ уйиб тепа кўтарганлар ва бу тепани жуда баланд қилишга ҳаракат қилганлар».

Подшоларнинг мозор қўрғонларидан топилган бадий олтин буюмларнинг кўп қисми маҳаллий скиф санъатига оид асарлардир. Скифлар ёввойи ҳайвонларни ҳаракатда тасвирлашни айнқиса яхши кўрганлар.

Чўкиб ётган ҳолатда тасвирланган буғу кўпроқ учрайди. Учиб-елиб бораётган буғу шу тахлитда тасвир этилганлиги исбот

этилган. Скиф рассомлари шундай елиб бораётганда буғунинг оёқлари қандай ҳолатда туришини кўз билан пайқай олганлар, буни фақат моментал фотография исбот этди. Скиф буғуси учун чўкиб ётган ҳолдан ташқари, узун ва сербутоқ шоҳлари ҳам характерлидир. Бу хил буғу жуда кўп топилади. Подшо қўрғонларида унинг олтиндан, оддий қўрғонларда эса бронза, суюк ва ёғочдан ясалганлари чиқади. Кубанда Костромская станциясидан топилган олтин буғу айниқса яхши ва катта. Бу даврдаги Кубань мазор қўрғонлари скифларники бўлмай, балки маданиятда уларга яқин турган меотларникидир. Шарқдан то Сибиргача ва, ҳатто, Сибирнинг ўзида ҳам тез-тез худди шундай буғу ҳайкалчалари учрайди.

Скиф рассомлари буғудан бошқа эчки, қўй, булан, от, қоплон, арслон, айиқ, бургутларнинг ҳайкалчаларини ҳам ишлаган. Эҳтимол бу ҳайкалчаларнинг ҳаммаси тотем ҳайвонларга сиғиниш эътиқоди билан боғлангандир. Бу ҳайкалларда мускул, кўз, қулоқ ва оғиз ҳамisha жуда бўрттириб кўрсатилган.



45- расм. Кулоба мазор қўрғонидаги скифлар сурати

Подшоларнинг қўрғонларида скиф рассомлари ишлаган бундай заргарлик буюмлар билан бирга грек рассомлари ёки уларнинг скифлардан бўлган шогирдлари ишлаган буюмлар ҳам учрайди. VII—VI асрларга оид қадимий мазор қўрғонлардан топилган заргарлик буюмлар греклар санъатига эмас, осур-бобил санъатига оиддир.

Масалан, Кировоград ёнида қазилган Мельгуново мазор қўрғони шу жумладандир. Ундан олтин қинга солинган темир қилич топилди. Қинга камондан ўқ отаётган қанотли арслонлар, одам бошли хўкизлар (херублар) ва дарахт ёнида турган қанотли руҳларнинг суратлари солинган. Бу суратларнинг ҳаммаси бутунлай осур-бобил санъати асарларига ўхшайди.

VI—V асрлардан бошлаб скиф подшоларининг олтин буюмлари осур-бобил таъсирини ифода қилмай, балки бу буюмлардан греклар таъсири аниқ билиниб туради, ҳатто уларнинг кўпини грек усталари ясаган. Энг бой мазор қўрғонлар эраמידан ав-

валги IV асрга мансуб. Улар учта: Кулоба, Чертомлик ва Солоха мозор қўрғонларидир.

Керчдаги Кулоба мозор қўрғонидан скиф подшосининг қабри топилди. Бу бадарға қилиниб, грек шаҳри (Пантикапей, ҳозирги Керчь) га келиб жойлашган подшо бўлса керак, лекин скифлар одатига мувофиқ кўмилган. Унинг ёнига хотини ва қули ўлдирилиб кўмилган. Олтин билан кумуш қотишмасидан ясалган Кулоба идиши тарихий-маиший ва бадий жиҳатдан айниқса машҳурдир. Унда грек санъатининг нафис реализми услубида скифлар ҳаётидан баъзи манзаралар тасвир этилган. Чакмон ва шим кийган (антик дунёда шим варварлар аломати деб ҳисобланган) еттита жангчи лагерда ўтиришибди, белларида ўқдонлар. Уларнинг бири шеригининг яраланган оёғини боғлаётгани тасвирланган. Бошқа яна бири иккинчисининг оғриқ тишини кўряпти. Жангчилардан иккитаси найзаларга суяниб гаплашиб ўтирибди. Еттинчиси камонини тузатяпти. Идишларни скифларнинг буюртмаси билан грек устаси ёки грек рассомларининг скиф шоғирдлари ясаган бўлса керак.

Кулобадан топилган олтин лавҳа ҳам скифларнинг маиший ҳаётини ўрганиш жиҳатидан муҳимдир. Бунда иккита скифнинг битта идишдан ниманидир ичаётгани тасвирланган; бу Геродот таърифлаган қасам маросимидир, унинг бу таърифини ҳам археология тасдиқлайди. Кулобада кўмилган подшонинг бўйнида олтин гривня, яъни бўйин ҳалқа бор экан, ҳалқанинг бир-бирига туташтирилган икки учида скиф сувориларининг кичкина сурати ясалган, бу ҳам грек устасининг ишидир.

Никополь ёнида Қуйи Днепр бўйида Чертомлик мозор қўрғони қазилган. Қўрғоннинг баландлиги 20 метр, айланаси 350 метрдир. Бу энг катта мозор қўрғонларнинг биридир. Уша вақтларда скифларнинг темир кураги бўлмаган, улар фақат ёғоч курак ишлатганлар; шу шароитда бунчалик баланд ва катта тепаликларни кўтариш учун нақадар кўп куч сарф этиш зарурлигини тасаввур қилиш ҳам қийин. Битта қўрғонни ковлаш учун неча ўн минглаб иш-қуни талаб этилади, ҳолбуки бизнинг темир кураklarимизнинг унумдорлиги анча баланд ва ковлаш тепа кўтаришдан кўра бирмунча осондир.

Подшоларнинг бошқа жойлардаги қабрлари сингари Чертомлик қабрларни ҳам ўғрилар босган. Уша қадим замондаёқ талончилар қабри тешиб киришган-у, лекин ўлжаларини олиб чиқиб кетишга улгуролмаганлар, қўрғон қулаб, босиб қолган. Улар қочган, лекин қочиб қутулолмагани ҳам бор. Қазииш натижасида ўша қочиб улгуролмаган талончи скифнинг скелети топилган, унинг ёнида олтин буюмлар ҳам турипти. Шуниси ҳам борки, Чертомликда иккита подшо қабри бўлган, унинг бири қисман таланган; иккинчиси тўла сақланган.

Подшоҳи у дунёга малика, 6 та қул ва 11 та от кузатиб кетган, булар алоҳида қабрларга кўмилган. Чертомликда олтин кўп бўл-

ган, бироқ кумушдан ишланган ва қабартма расмлар билан қонланган катта идиш айниқса машҳурдир. Идишда грек ва скифлар услуби аралаш гул ва қушлар юқорироқ, чизиқдан тепада отларни ўргатаётган скифлар тасвир этилган. Маҳаллий зот отлар жуда моҳирона чизилган. Чертомликдан топилган иккита олтин буюм ишланиши жиҳатидангина эмас, балки қабартма расмларнинг сюжети жиҳатидан ҳам соф греклар идишидир. Бу буюмларнинг бири Ахилланинг ёшлик давридаги манзаралари тасвир этилган камон филофи ва иккинчиси грекларнинг амазонкаларга қарши жанглари тасвир этилган қилич қинидир.

Қуйи Днепр бўйидан топилган бошқа бир қўрғон ҳам худди шундай бой.

Бу Солоха-қўрғони деб аталади; унинг баландлиги 18 метр келади. Бу ердан иккита подшо қабри топилган: биринчиси (ўртадагиси) таланган, иккинчиси (ёнбошдагиси) бутун сақланган ва жуда бой. Қабр ичида подшо билан икки қули ётибди. Қабр ёнида алоҳида чуқурга бешта от билан отбоқар қўмилган. Кўпгина бадий буюмлар топилди, улардан подшонинг бош томонидаги каттагина олтин тароқни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бу тароқ нафислиги ва бадийлиги жиҳатидан антик дунёдаги умуман заргарлик санъатининг энг гўзал асари деса ҳам бўлади. Буни ҳам скифлар буюртмаси билан эллинликлар ишлаган. Тароқ дастасида учта скиф аскар: битта сувори ва иккита пиёданнинг жанг қилаётгани тасвирланган. Динамиклик ва мувозанат композицияси жиҳатидан мукамал ва ишланиши шу қадар нафиски, ҳозирги замон Европасидаги энг яхши заргарлар ҳам шу тароқнинг айни нусхасини ясай олмадилар. Бу тароқда тасвир этилган скиф қалқони археология нуктаи назаридан муҳимдир. Қалқон бутунлай новддан тўқилган (бу ерда олтиндан ясалган), бу эса археология материаллари орасида скифлар қалқони топилмаслигининг сабабини очиб беради.


Скифлар замонида, яъни эрамиздан аввалги VIII—II асрларда сарматлар ёки у вақтда аталган номи билан айтганда сарматлар Дон билан Урал дарёлари ўртасида яшаган. Бу ерда уларнинг кўпгина мазор қўрғонлари қазилган. Сарматлар эрамиздан аввалги II асрда Дунайгача жойлашиб бориб, мазор қўр-



46- расм. Чертомлик вазаси

фонларга қараб ҳукм қилинганида, аввалги жойларида ҳам яшашни давом эттирганлар.

Геродот ва бошқа авторларнинг айтишича, савроматларнинг қизлари урушларда эркаклар билан ёнма-ён туриб жанг қилганлар ва аёллари эркаклар устидан ҳукмрон бўлганлар. Тарихий ва этнография мисолларига кўра бундай матриархал муносабатлар ҳатто синфий жамият арафасида ҳам баъзи чорвадор қабилаларда истисно тариқасида сақланиб қолган. Заволжьеда қазил-



47- расм. Олтин тароқ. Солохадан топилган

ган мазор қўрғонлардан ўша машҳур антик дунё авторларининг айтганларини исбот қилувчи бир қанча далиллар топилди. Кўп мазор қўрғонлари орасидаги марказий мазор қўрғонлар аёлларники эканлиги маълум бўлди. Аёлларнинг қабрларида яроғлар, одатда ўқлар ва йиртқич ҳайвонлар бошига ўхшаган, почали тош қурбонгоҳлар учрайди. Бунда аёл уруғ бошлиқлари, жангчилар ва кайвонлар кўмилган. Эрамиздан аввалги III асргача бўлган Заволжье мазор қўрғонларидаги аёлларда эркаклардан кўра камроқ бўлса-да, ҳар ҳолда яроғлар кўп учрайди (аммо қиличлар фақат эркакларда учрайди, матриархат учун бу табиий ҳол албатта; умуман бунда қиличлар кўп). Матриархат замонида ҳам асосан эркаклар жанг қилган, аммо бу тузумнинг хусусияти шундаки, аёллар ҳам қурол таққан. Мазор қўрғонлардан топилган буюмларга қараганда, бу ерда матриархатда мулкий табақаланиш хийла тараққий этган. Уруғчилик муносабатлари қулаб бо-

раётгани аниқ бўлиб турипти. Эрамиздан аввалги II асрга келганда, яъни сарматлар скифларни сиқиб чиқарган вақтларда сарматларда матриархат тугаган. Археология материалларида матриархат излари кўринмайди, антик дунё авторлари ҳам уларни тилга олмай қўйдилар.

Сарматлар замони эрамиздан аввалги II асрдан эрамизнинг II асригача давом этган. Эрамизнинг II асрига келиб сармат қабилаларидан бири аланлар номи сармат номини секин-аста сиқиб чиқаради. Аланлар замони бошланади, бу ҳақда кейинроқ алоҳида гапирилади.

Сарматлар замони скифлар замонига қараганда ёмонроқ ўрганилган. Сарматлар хўжалиги аввалгидек кўчма чорвачилик билан ҳайдаб экиладиган деҳқончиликдан иборат бўлган. Яроғларнинг шакли ўзгарганлигини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Скифлар ишлатган калта қиличлар ўрнига сарматларнинг узун қиличлари дастлаб Волга бўйида пайдо бўлиб, кейинчалик тезда бутун даштга тарқалади. Сарматларнинг қиличлари жангда суворилар учун қулай бўлган. Скифлар уста сувори бўлсаларда, қиличбозлик қилиш учун отдан тушганлар. Сарматлар эса отда қиличбозлик қила олганлар. Бир метр ва ундан узунроқ сармат қиличлари отда чопишга қулай қилиб ясалган. Бу қиличларнинг дастаси ёғочдан ишланган, дастада темир тутқи бўлмаган.

Бу вақтда скифларнинг ўқи ўрнига ҳам сарматлар ўқи расм бўлган. Энди ўқлар бронзадан эмас, темирдан ясаладиган бўлган. Улар бутунлай темирдан ясалса ҳам уч парракли бўлиб қолаверган.

Сармат подшоларининг қабрларидаги зеб-зийнатлар жиҳозидан баъзи бир скиф подшоларининг мазор қўрғонларидан қолишмас эди. Энг машҳур ва муҳим археологик топилма Новочеркасск хазинаси деб нотўғри ном олган. Аслда бу буюмлар хазинадан эмас, балки эрамизнинг II асрида кўмилган сармат маликасининг қабридан топилган; бу қабр Новочеркасск шаҳрининг энг катта кўчаларидан бирида қад кўтариб турган мазор қўрғондан қазилган.


Бу ердаги энг муҳим археологик топилма олтин тиллақошдир. Тиллақош тепасида думалоқ ва схематик равишда ёввойи ҳайвон ва қушлар ҳамда дарахтлар ишланган, уларда антик дунё санъатининг таъсири сезилмайди. Бироқ тиллақош ўртасида антик дунё буюми ўрнатилган. Бу нарса халцедондан ишланган сочи римча таралган аёл бошидир. Тиллақошга бир



48- расм
Волга-
бўйи сар-
матлар
қиличи

нечта катта ёқут ва ҳар хил қимматбаҳо тошлар териб қўйилган. Сарматлар замонида умуман заргарлик буюмларга қимматбаҳо тошлар териб қўйиш расм бўлган.

Эрамиздан аввалги II асрда сарматлар сиқиб чиқарган скифлар Қримга кўчиб келиб, ўз давлатларини қурганлар; Қрим даштларида ташкил топган бу давлат эрамизнинг III асригача яшаган. Неаполь шаҳри (ҳозир уни скифлар Неаполи деб атайдилар) унинг пойтахти бўлган. Бу шаҳарнинг территорияси шарқ томондан ҳозирги Симферополь шаҳрига туташади. Қазиниш вақтида бу ердан тош уйлардан ва улар-ичида дон сақлайдиган кўп-



49- расм. Олтин тиллақош. Новочеркасскдан топилган

гина ўралар топилди. Сопол идишларнинг бир қисми кулолчилик чархида ишланган, демак маҳаллий кулолчилик касби тараққий этган. Ҳайвон суякларининг аввалгидек кўпроғи от суякларидан иборат. Скифлар ҳатто кейинги замонларда ҳам йилқиччилик билан машғул бўлганлар ва кўпроқ от гўшти еганлар.

Шаҳар тош девор билан ўралган. Скиф зодагонининг тошдан бино қилинган мақбараси қазилди. Ундан 72 та гўр чиқди, кўпчилигига эркаклар кўмилган. Гўрлар ўртасига 4 та от ҳам кўмилган. Уликлар ёнида уч парракли темир ўқлар ётибди. Бойлар қабрларидан қиличлар, юлдуз, асалари, арслон, қалқон гул барги, томчи барг сингари гул нақш шаклидаги кўпгина олтин қуббалар ва ҳоказолар топилди.

Шунингдек қоя ичида ўйиб ясалган дахмалар ҳам топилди, уларнинг ҳаммаси таланган, бироқ деворларида ажойиб ёзувлар-

бор. Асосий дахмада атрофи ўқ безаклар билан ҳошияланган кўпгина суратлар бор. Қизил, сариқ ва қора квадратлардан шахмат шаклида солинган гилам суратини, қўлига лира ушлаган скиф кийимидаги киши суратини, икки нишабли ва том чўққиси гўё ёғочдан ясалган от боши сурати қўйилган скиф уйини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Ўйма от боши суратли бу уй рус уйларини эслатади.

* * *

Ўрта рус ўрмонларига грек ёки римликлардан айримларининг қадами етган-етмагани маълум эмас. Савдо-сотиқ ниятида улардан баъзиларининг келган бўлиши ажаб эмас. Акс ҳолда эрамизнинг II асрида, масалан, Птолемей Волга билан Кама дарёларининг қўшилишини ёки унинг таъбири билан айтсак, Ра дарёсини ҳосил этувчи икки дарёни қаердан биларди, у ҳатто қўшилиш координатларини (айниқса у даврда) аниқ билган. Птолемей унинг кенглиги Пантекапея (Керчь) кенглигидан $10^{\circ}35'$ кўпроқ, аслда эса $9^{\circ}51'$ бўлиб, Птолемейнинг айтгани билан ҳақиқий кенглик ўртасида атиги $44'$ тафовут бор, холос. Аммо антик дунё кишиларининг бизнинг дарёларимизда саёҳат қилганликларини аниқ исбот қилувчи далил ҳали йўқ.


Бундай сайёҳлар Юқори Волга, Ока, Кама дарёлари ва уларнинг ирмоқларини ўрмонзорлар билан қопланган қирғоқларида бир-бирига яқин жойлашган, кўтармалар билан ўраб олинган кичик-кичик қалъаларни доим учратиб борган бўлсалар керак. Бу қалъалардан бизга жуда кўп ўрта рус шаҳар харобалари қолган. Уларнинг кўпи айнан ўша даврда барпо қилинган.

Мамлакатимизнинг ўрмон полосасидаги истеҳкомлар эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталарида, яъни дашт полосасида пайдо бўлаётган даврларда қурила бошлаган. Юқори Волга ва Ока ҳавзасидаги баъзи турар жойлар I минг йиллик бошларига оид мустаҳкамланмаган маконлар бўлиб, улардан кўпдан-кўп чақмоқ тошдан ясалган қурооллар, аммо онда-сонда темир ва бронза маконлари сопол буюмларидан фарқ қиладиган сопол идишлар топилади. Чуқурча ва ботирма кунгурадор нақшли идишлар ўрнини мато изли идишлар эгаллаган, бундай сопол идишлар кейинчалик илк шаҳар харобаларида ҳам сақланган.

Сопол идишлар пиширилмасдан олдин улар қандайдир бирмунча дағал мато изи билан қопланганлиги сабабли улар мато изли керамика деб аталган. Бу идишлар чуқурча ва ботирма кунгурадор нақшли идишлардан кўра соддароқ кўринса-да, маданий муваффақиятлардан, матонинг кенг ёйилишидан ва қай тарздадир сопол буюмлар ясашда ҳам қўлланилганлигидан далолат бе-

ради. Идишлар дастлаб махсус халталар ичида ясалиб, таги нотўғри шакл олган, кейин текис жойга қўйилиб текисланган бўлиши мумкин. Мато изли сопол идишларнинг таги текис бўлиб, таги думалоқ, чуқурча ва ботирма кунгурадор нақшли идишлардан фарқ қилади. Бу ерда ҳам текис столлар пайдо бўлган бўлса керак.

Волга-Оқа дарёлари бўйидаги қадимий шаҳар харобалари Дьяково шаҳар харобалари деб аталади. Биринчи шаҳар харобаси катта Москва доирасида, Москва-река бўйида, шаҳардан жануброқдаги Дьяково қишлоғи ёнидан топилгани учун шундай ном билан ишлатилган. Мато изли сопол идишлар илк шаҳар харобаларига хосдир, бундай идишлар эраиздан аввалги (анча аввалги) замонга хосдир, кейинчалик мато изли идишлар ўрнига сидирға сопол идишлар ишланади. Сидирға идишларнинг фақат оғзи ёнигина нақшланган. Бу — шаҳар харобалари ёшини осонгина аниқлашга имкон беради.



50- расм. Дьяково идиши.
Каширадан топилган

Мустаҳкамланган бу турар жойларда яшовчи аҳоли чорвачилик билан шуғулланган. Топилган суякларнинг 80 проценти уй ҳайвонлари суягидир. Масалан Бородино шаҳри харобасидан топилган суякларнинг 47 проценти от суяги, 25 проценти сигир, 15 проценти чўчқа, 7 проценти қундуз, 3 проценти бўлан, 2 проценти айиқ ва 1 проценти қуён суяклари дидир. Илк ва сўнгги Дьяково шаҳар харобаларининг ҳаммасида от суяги кўп. Сигир суяклари доим иккинчи, чўчқа суяклари учинчи ўринни олади. Дьяково шаҳар харобасидан суякдан ясалган от ҳайкалчаси топилган. Отларни асосан сўйиш учун боққанлар.

Илкқичилик бу вақтда жанубда скифлар ва сарматларда асосий ўрин тутгани сингари, бу ерда ҳам асосий ўрин тутган. Шимолда ҳам, жанубда ҳам бунинг сабаби бир хил бўлган бўлса керак. От бошқа ҳайвонлардан фарқ қилиб, қишда қор тагидан овқат топиб ёйди. Уша замон шароитида чорва моллари учун қишлик ем-хашак ғамлаб қўйиш жуда қийин иш бўлганлигидан (бунинг учун фақат кичкинагина ўроқларидан фойдаланиш мумкин бўлган) сигирлар сонини маълум даражага чагирган орттириш мумкин бўлган темир даври бошларида фақат йилқиларни кўпайтирган ҳолдагина уруғларнинг тез бойлик тўплашига имкон туғилган.


Аммо шимолда йилқичиликни ривожлантиришнинг табиий ва хўжалик шароити скифларникидан фарқ қилган. Бу ўрмонзорлар ўлкаси бўлиб, чорва ўрмонда ва, ҳатто, сув бўйидаги ўтлоқларда ўтлатилган. Шаҳар харобалари ҳамisha сув бўйларига жойлашган, эҳтимол улар маълум ўтлоққа яқингина жойда Дьяково истеҳкомлари қад кўтарган, душманининг ҳужум хавфи юз берганида истеҳкомлар орқасида ўтлаб юрган ҳайвонлар дарҳол истеҳкомларга ҳайдаб келинган. Ҳар ҳолда ўрмон шароитида фақат ўтроқ чорвачилик билангина шугулланиш мумкин бўлган.

Дьяково шаҳар харобаларидаги турар жойлар ва асбоб-жиҳозлардан мулкий табақаланиш сезилмайди. Бу ерда ҳали патриархал уруғчилик тузуми маҳкам сақланган. Сони доимо ўсиб борган пода уруғ мулки бўлган бўлса керак. Чамаси подаларнинг тез ўсиб бориши қабилалар ўртасидаги тўқнашишларга ва истеҳкомлар қурилишига сабаб бўлган. Истеҳкомлар қўшни қабилаларнинг ҳужумларидан сақланиш учун қурилган, акс ҳолда улар подани ҳайдаб кетишлари ва уруғнинг бошқа мулкларини тортиб олишлари мумкин бўлган.

Уша давр ва ундан кейинги даврга оид шаҳар харобалари одатда, бир томони дарёга туташган ва икки томони пастлик ёки жарлик, ё эса сойлар билан ажралган бурун устида жойлашган. Бурушнинг тўртинчи томони эса кўтарма ва хандақ билан, кўпинча икки қатор кўтарма ва хандақ билан, баъзида ҳатто уч қатор кўтарма ва хандақ билан ажратилган.

Бурунларда шаҳарлар харобалари кўп бўлган, уларни картага қараб бехато тонса бўлади. Шу тариқа тониш тажриба қилиб кўрилди: икки чақирим-

лик картада топографик жиҳатдан қулай пункт белгиланди, сўнг-ра у ерга археолог бориб, дарҳақиқат бунгача маълум бўлмаган Дьяковога хос шаҳар харобасини очди. Дьяковоликлар қалъа учун қулай жойнинг ҳаммасидан фойдаланганлар. Яна бир шароитни айтса бўлади. Бу шаҳар харобалари кичик дарёлар бўйидагидан кўра кўпроқ катта дарёлар бўйида жойлашган. Аммо



51- расм. Сўяк, темир ўқлар ва сепол қадок. Дьяково шаҳари харобасидан топилган

маконларнинг, аксинча айтиб ўтганидек, кўпроқ кичик дарёлар бўйида жойлашиши қонунийдир.

Шаҳар харобаларининг ҳаммаси деярли ертўлалардан иборат. Ертўлаларнинг баъзилари тўрт бурчакли бўлса, баъзилари думалоқ ва баъзилари эгри-бугри шаклда қазилган; ҳамма ертўлалар устига ёғоч ва тупроқдан чайла қурилган бўлса керак. Ертўлаларнинг ўртача диаметри 6 метр, ўртасида тош ўчоқ бўлган. Мол қўралари ҳам шу ерда, шаҳар ичида жойлашган, улар умумий бўлган: чорвачилик коллектив усулда олиб борилган.

Чорвачилик асосий машғулот бўлгани ҳолда деҳқончилик ҳам маълум даражада аҳамият касб этган. Баъзи шаҳар харобаларидан кичкина ва ясси, бир оз букилган темир ўроқлар топилди. Ергучоқлар ҳамма ерда учрайди. Мотига билан деҳқончилик қилинган. Суяклар тўғрисида юқорида келтирилган рақамларга қараганда, овчилик ҳам ёрдамчи касб бўлган. Суякдан ясалган уч қиррали ўқлар кўп топилади. Олмаҳон овлаш учун махсус ясалган суяк ўқлар мўйна овчилигига эътибор берилганлигини кўрсатади. Бундай ўқнинг учи ўткирланмай, аксинча тўмтоқ қилинган; тўмтоқ учи билан олмаҳон ўлдирилган, мўйнасига шикаст етказилмаган. Темир ўқлар жуда оз, улар ов учун эмас, уруш учун ясалган бўлса керак. Улар одатда икки тишли ва ясси бўлган. Уқ баданга бориб киргандан кейин ярани кенгайтирмасдан суғуриб олиш мумкин бўлмасин деб шундай икки тишли қилинган. Йиртқич ҳайвон ўқни суғуриб ололмайди, албатта. Бундай ўқлар ҳайвонга эмас, одамга отиш учун ясалганлиги ана шунинг ўзидан ҳам маълум.

Дьяково шаҳар харобаларида темир буюмлар бронза даври турар жойларида топиладиган бронза буюмлар кўпроқ топилса-да, аммо улар унча кўп эмас. Топилган меҳнат қуроллари асосан суякдан ясалган. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, синган темир буюмлар кўрага солиниб қайта ишланган, бироқ суяк буюмлар ташлаб юборилган. Темир пичоқлар кенг тарқалган. Бу кичкина қурол хўжаликда катта ўрин тутган: бу билан суяк буюмлар ясаганлар. Суякни ишлашдан олдин сувда қайнатиб юмшатганлар. Ишлаб тамоланмаган суякларнинг топилиб туришига қараганда Дьяково ертўлаларининг ҳаммасида ҳам пичоқ билан суяк буюмлар ясаганлар.

Дьяково шаҳар харобаларида жуда кўп топиладиган нарса сопол қадоқ Дьяковонинг ўзига хос бу буюмнинг нимага ишлатилганлиги, афсуски жумбоқ бўлиб турибди. Олдиан қараганда сербарг гулға, ёнидан қараганда қўзиқоринга ўхшайди. Дастлаб уни тешиқларига қараб урчуқтош деб ўйлаган эдилар, лекин йиг учун бу тешиқлар кичиклик қилади. Бироқ ҳақиқий сопол урчуқтошлар ҳамма ердаги каби Дья-

ково шаҳар харобаларида ҳам кўп учрайди. Бу ердан чиққан урчуқтошлар турли вақтлардаги бошқа мамлакатларда топилган урчуқтошлар сингари йўғон чамбаракчалардан иборат.

Дьяково қабрлари топилмади. Березняки шаҳар харобасидан чиққан топилмалар бунинг сабабини очиб беришга ёрдам берди, бу ерда ўликларни куйдириб, кулини кўммаганлар, балки ер устида махсус жойда сақлаганлар. Бундай топилмалар ва умуман сўнги Дьяково шаҳар харобалари ҳақида қуйроқда сўз юритилади.

Дьяково шаҳар харобаларидан ғарброқда ҳам буларга ўхшаган шаҳар харобалари учрайди, бироқ улар камроқ текширилган. Улар Юқори Двинада шимоли-ғарбий кўлларнинг дарёлари системасида, Белоруссия, Литва, Латвия ва Эстонияда машҳурдир. Социал-иқтисодий жиҳатдан улар эҳтимол Дьяково шаҳар харобаларига ўхшашдир. Бу ерда қадимийроқ шаҳар харобалари унча кўп эмас, аммо ботқоқликлардаги шаҳар харобалари, яъни ботқоқликлар ўртасида мустаҳкамланган ороллар доим учраб туради: бундай шаҳар харобалари Дьяковода ҳам маълум, бироқ улар жуда кам бўлган. Бу даврда СССР ғарбидаги сопол идишлар ўрта Россия сопол идишларидан фарқ қилади. Масалан, усти жимжимали нақш сопол идишлар Балтика бўйи шаҳар харобаларига хос, бироқ Дьяково шаҳар харобаларида бундай идишлар камдан-кам учрайди. Бу ерда ҳам чорвачилик хўжалигининг асосий тури бўлган.

Энди Камага келайлик. Қадимий Анањино ёдгорликлари эрамиздан аввалги VII—II асрларга оиддир. Бу ёдгорликлар шаҳар харобаларидан ҳамда қабристонлардан иборат. Кама бўйида Ёлабуга шаҳрига яқин Анањино қишлоғи ёнидаги қабристон сал кам 100 йилдан бўйи текшириляпти. У ердан куйдирилган ўликларнинг қолдиқлари чиқмоқда, бироқ узун ётқизиб кўмилган ўликлар кўпроқ. Анањино қабристони сингари қабристонлар бошқа ерлардан ҳам топилмоқда, улардан энг муҳими Зуево — Каманинг Оқ идилга қуйиладиган жойи яқинидадир.

Анањино шаҳар харобалари ташқи кўриниши ва жойланиш тартиби жиҳатидан Дьяково шаҳар харобаларига ўхшайди. Бундай шаҳар харобалари Кама, Вятка, Оқ идил ва уларнинг ирмоқлари бўйида ҳам кўп. Уларни баъзан суякли шаҳарлар деб ҳам атайдилар. Дьяковода суякдан ясалган буюмларнинг кўп бўлишига нима сабаб бўлса, бу ерда ҳам суяк буюмлар кўп бўлишига ўша сабабдир. Бироқ Анањинодаги сопол идишлар Дьяководаги сопол идишларга ўхшамайди; бу ерда мато изли сопол идишлар йўқ, идишларнинг таги ҳали думалоқ, нақшлари асосан чилвир излидир. Шаҳар харобаларида топилмалар оз, қабристонларда яроғлар ва зеб-зийнат буюмлар кўп. Одамлар яшаган турар жойлар билан қабрлар ўртасида бунчалик фарқ бў-

лиши қонунийдир. Ҳар қалай қабрларга хос бўлган буюмлар шаҳар харобаларида гарчи кам бўлса-да, учрайди. Топилган ҳайвон суякларининг нисбати хўжаликда овчилик эмас, балки чорвачилик асосий ўрин тутганлигидан дарак беради. Баъзан тулки, сувсар, қундуз суякларининг тўпланиб қолганлиги мўйна учун ов қилиш дьяковоликлардан кўра бу ерда кўпроқ тараққий қилганини тасдиқлайди. Ерғучоқларнинг тез-тез топилиб туриши бу ерда деҳқончилик пайдо бўлганлигини кўрсатади; суяк моти-галар учрайди.

Чусовая Камага қуйилган жойда Конецгор қишлоғи ёнида Ананьино қишлоқ харобаларидан узунасига солинган уйлар то-пилган. Уларда умумий хўжаликка бирлашган кишиларнинг катта-катта тўдалари яшаган. Бу қишлоқ харобаси яна шу жиҳат-дан ажойибки, ундан мисрликлар худоси Амоннинг ҳайкалчаси топилган; бу ҳайкалчани бир вақтлар Нил дарёси соҳилларидан Кама дарёси соҳилига олиб келинган.

Ананьино қабрларидаги дафн буюмлар мулқий тенгсизлик-нинг тараққий қилганлигини кўрсатади, бироқ бу тенгсизлик уруғчилик тузумининг сўнгги босқичига хос доирадан нари ўт-ган эмас. Масалан, Зуево қабристонидagi кўп қабрларда буюм-лар ҳеч йўқ. Оддий эркаклар қабрларда болта, пичоқ, ўқ ва шунга ўхшаш нарсалар учрайди. Эркакларнинг бой қабрларида ҳар хил яроғ, майда олтин зеб-зийнат буюмлар, бўйинга тақа-диган жевак, мис лавҳачалардан ясалган камар ва бошқалар бор. Аёллар қабрлари билан эркаклар қабрлари ўртасидаги фарқ ҳам катта.

Ананьино қабристонидa қабр тоши топилган. Унда белига ханжар ва жанг болға қистирган, бўйнига ҳалқа осган жангчи сурати солинган. Бу тош тагидаги қабр кейинчалик қазиб очил-ган. У энг бой Ананьино қабрларидан бири бўлиб чиқди. Ундан топилган буюмлар орасида темир ханжар, темир жанг болға ва кумуш жевак бор, уларнинг ҳаммаси қабр тошидаги сурат-ларга мос келади. Қабр тошида Ананьинодаги уруғ оқсоқоли тасвирланган.

Камбағал қабрларнинг бир қисми қулларники бўлса керак. Масалан, Ананьино қабристонидaги битта гўрда уч киши: 1) ёнига темир ханжар, темир найза ва бронза ўқлар қўйилган эркак, 2) маржонли аёл ва 3) ҳеч нарсаси йўқ эркакнинг скелет суяклари очилди. Булардан биринчи скелет суяклари хўжайин-ники, иккинчиси унинг хотининики ёки, эҳтимол, чўрисиники (хотинларини ўлдириб кўмиш одати бу вақтда бўлмаган), учинчиси эса қулиники бўлса керак. Умумий тараққиёт дара-жасига қараганда бу ерда ибтидоий патриархал қулчилик ҳукм сурган бўлиши керак эди; бундай қулчилик эса этногра-фик далилларига кўра, уруғчилик тузумида вужудга ке-лади.

Ананьино қабристонларида яроғлар кўп. Найзалар баъзан


бронзадан ясалса-да, кўпроқ темирдан бўлган. Ханжарларнинг ҳаммаси ҳам темир. Қабристонда қиличлар умуман йўқ. Кама Оқ идишга қўшиладиган жойда ўша замоннинг скиф қиличига ўхшаш қилич топилди. Жанг болға ёки чекан бу ердаги қабристонларга хос қуроллардир. Чеканнинг бир томони тўмтоқ болга ва иккинчи томони найзасимон чўкич бўлиб, бу қурол душмanning бош суягини уриб синдириш учун ишлатилган. Сибирда бунга ўхшаш қурол жуда кўп учрайди. Баъзи скелетларнинг бош суяклари ўша чекан билан уриб тешилган. Ананьиоликларнинг бронзадан ҳам, темирдан ҳам ишланган чеканлари баббаравар кўп учрайди. Шуниси ҳам борки, бу яроғ ҳатто икки минг йилдан кейин ҳам бронзадан ишланган, чунки бронза темирдан оғирроқ бўлади.

Ўқлар тўрт хил материалдан ясалган: Ананьино ва Зуево қабристонларидан 363 та бронза ўқ, 71 та темир ўқ, 45 та чақмоқтош ўқ ва 27 та суяк ўқ топилган. Бироқ уларнинг шаҳар харобаларида Дьяководаги ўқларига ўхшаш суякдан ясалган ўқлар топилди. Ананьиоликларнинг ўқлари ҳам скифларники сингари уч парраклидир. Шуниси ажойибки, ананьиоликларда чақмоқтош ўқлар тамомила йўқолмасдан туриб темир ўқлар пайдо бўлган.

Ананьиоликларнинг этник номлари бизга маълум. Геродот таъминан шу ерларда тиссагитлар яшаган дейди. Улар фин тилида сўзлашган қабилалардан бўлса эҳтимол.

Камада Ананьино даври ўрнинга эрампиздан аввалги II асрдан эрампизнинг V асригача давом этган Пьяний Бор даври келади. Социал-иқтисодий тузум ўзгармаган бўлса керак. Бу давр Камадаги Пьяний Бор пристани ёнида топилган қабристон шу ном билан аталган.

Бу замоннинг шаҳар харобалари ҳамма жиҳатдан, хусусан сопол буюмлари билан Ананьино шаҳар харобаларига ўхшайди. Шунини айтиш керакки, энди сопол идишлар камайиб боради. Бунинг сабаби бу вақтда Камада темир асбоблардан кенг фойдаланиб ёғочдан хилма-хил идиш-



52- расм. Пьяний Борликларнинг қийим илгаги

лар ясалган ёғоч идишлар сопол идишлар ўрнини олган. Кама бўйидаги аҳолининг то ҳозиргача ёғоч идишларга алоҳида ишқибозлиги уларга хос хусусиятдир. Темир болталарнинг кенг тарқалиши натижасида ананьиоликларнинг ертўла — чайлалари ўрнига ер устида ғўлалардан қурилган уйлар пайдо бўлган. Пьяний Бор даври билан Рим даври замондошдир. Урта денгиздан олиб келтирилган тамомила Римга хос бронза идишлар Камадан бир неча марта топилган эди. Пьяний Бор қабрлари машҳурдир. Уликлар чўзилтириб кўмилган. Эркаларнинг қабрларида темир болта, найза ва ўқлар учрайди. Аёлларнинг зеб-зийнат буюмларидан мунчоқ ва бронза буюмлар кўпроқдир, буларнинг кўпи диний урф-одатларга боғлиқ буюмлардир. Бу буюмларда қуёш ҳамда унга сифниш билан боғлиқ бўлган қушлар тасвирланган. Етти бошли буланлар, етти бошли калтакесаклар, етти бошли кишилар, еттита концентрик зонали гардиш, қорнида еттита балиқ жойлашган ёввойи ҳайвонлар ва ҳоказолар учрайди. Етти муқаддас сон бўлган.

Чусовая дарёсининг баланд жар тепасидаги камень Дироватий ғоридан чиққан топилмалар Пьяний Бор даврига оиддир. Бу ердан бир хилдаги топилмалар, бир неча минг дона ўқ топилган. Ўқларнинг кўпи суякдан ясалган, темир ўқлар ҳам оз эмас. Бронза ўқлар энди кам учрайди. Бу ерда ўқларнинг шунча кўп тўпланиб қолганлигига сабаб шуки, Пьяний Бор овчилари атайин ғорга ўқ отганлар. Ов муваффақиятли ўтиши учун овчилар ов қилиш олдидан машқ қилган бўлишлари эҳтимол. Бу ерда камончиларнинг мусобақалари ҳам ўтказилган бўлса керак.

Суяк қолдиқлари топилган Гляденово ўзига хос ажойиб жой бўлиб, Пьяний Бор даврига мансубдир. Кама бўйидаги 2500 м² келадиган бу жой Пермдан 25 километр қуйидароқ бўлиб, қалинлиги 1,5 м келадиган уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвон суяклари билан қопланган. Бу қурбонликнинг қолдиқларидир. Қачонлардир бир вақтда бу жойда худонинг сурати ёки муқаддас дарахт бўлган бўлса керак. Фақат ҳайвонларгина қурбон қилинган эмас. Суякзорда назр-ниёз буюмлари ҳам жуда кўп. Бу ерда мингдан кўпроқ уч парракли сармат ўқлари, мингдан ошиқ шаҳар харобаларидан топилган суяк ўқлар туридаги ўқлар ва ниҳоят мингдан ошиқроқ бронзадан ишланган ялпоқ суратлар топилди. Уларнинг кўпи одам суратлари: якка-якка эркак ва аёл; жуфт-жуфт эркак ва аёл суратларидир, улар орасида суворилар ва камончиларнинг суратлари ҳам бор. Ҳайвон суратлари ундан ҳам кўп: от, сигир, қўй, чўчқаларнинг суратлари чорвадорликдан, айиқ, тулки, олмахон суратлари овчиликдан, асалари суратлари эса ўрмон асаларичилигидан дарак беради. Қурбон келтирилган кишилар бу суратлар воситаси билан худога ўз истакларини билдирганлар.

Сибирнинг бронза даври сингари, Сибирнинг темир даври ҳам кўпроқ Саян (ёки Минусинск, Юқори Енисей) сўнгра Олтой қадимий ёдгорликлари билан машҳурдир. Сибирнинг бошқа ўлкалари археологияси ҳали кам ўрганилган. Бунинг бонси шуки, унумдор ва металлларга бой Саян ва Олтой ўлкалари қадим замонларданоқ Сибирнинг илғор ўлкалари бўлган. Шу муносабат билан энг муҳим қабрлар ўша районларга жойлашган. Сибирнинг қадимги тарихи фақат совет ҳокимияти йилларида археологик текширишлар натижасида мунтазам ўрганилди.


Эрамиздан аввалги VIII асрда Қорасуқ даври ўрнига Тагар даври келган (Минусинскка яқин, Енисейдаги Тагар ороли номи билан аталган). Сибирнинг темир даврини фақат шартли суратдагина эрамиздан аввалги VIII асрдан бошлаш мумкин. Чунки темир Сибирда мамлакатимизнинг бошқа областларидагига қараганда кейинроқ тарқала бошлаган. Темир бу ерда Тагар даврининг ўрталарида (эрамиздан аввалги V асрга яқин) пайдо бўлиб шу давр охирларида (эрамиздан аввалги II асрга яқин) кенг ёйилган. Бунга сабаб, биринчидан, Сибирнинг мис ва қалайга бой бўлганлиги, иккинчидан, унинг темир аввалроқ пайдо бўлган районлардан олисда бўлганлигидир: одатда қуроллаштиришда қўшнилардан кейинда қолиб кетмаслик зарурати туфайли жорий қилинган, Сибирда бу зарурият анча кейин пайдо бўлган. Эрамиздан аввалги V асрга яқин Сибирда ғалати ўтиш шакли юз берган: масалан ҳанжар тигини темирдан ясаб, дастасини бронзадан қуйганлар ёки тигини бронзадан қуйиб, дастасини темирдан ишлаганлар.

Тагар даври бошида хўжаликда ўзгариш юз берган. Ер суғорилиб экиладиган бўлган ва шу муносабат билан деҳқончилик хўжаликнинг асосий тури бўлиб қолган. Енисей дарёси ва ирмоқлари бўйида кўпдан-кўп ариқлар қазилган. Бу ерда тупроқ унумдор бўлса-да, иқлим қуруқ. Асосий анҳорнинг нишаби бошиданоқ маром билан олинган. Бу ўлкадаги водийнинг ўзи хийла қия бўлгани учун анҳор бошидан бир неча километр ўтгандан кейин ердан анча баланд бўлиб қолган ва анҳор кўтармаларидан қулоқ очилиб, далаларга қулоқлардан сув чиқарилган. Анҳор ва ариқлар унча катта бўлмаган, шунинг учун уларни уруғлар ёки айрим қабила қазиган; бу ерда обикор деҳқончилик ибтидоий жамоа тузуми сақланган тақдирдагина вужудга келиши мумкин бўлган.

Ёрни мотига билан чопиб тор эгатлар тортилган. Сув ана шу эгатлар орасидан оқизилган. Тагар замонида ҳайдалиб, эгатлар тортилган бир пайкал ер яхши сақланган. Бундан икки минг йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса-да, бу жой қуруқ бўлганлигидан пайкал жуда яхши сақланиб қолган. Тагар даврида қоя-

ларга чизилган жуда кўп суратлар орасида қўлига мотиға ушлаб турган деҳқон сурати ҳам бор. Бронзадан қуйилган калта ўроқ кўп топилди. Ҳозирги вақтда ўроқ деҳқончилик қилиш қулай бўлган районлардагина учрайди. Бошқа районларда хўжаликнинг асосий тури чорвачилик бўлган. Қояларда (чорвачилик районларида ҳам, деҳқончилик районларида ҳам) сигир, қўй ва йилқиларнинг катта-катта подалари тасвирланган. Қабрларда ўликлар ёнида от-анжомларини қўйиш расм бўлганлигига қараганда, йилқичиликнинг аҳамияти ошиб борган.

Ўтроқлилик ва деҳқончилик ривожланиб бориши билан ёғочдан бинолар қуриш ҳам ривожланган. Қоялардаги суратлар (Сибирда уларни писаница деб атаганлар) буни тасдиқлайди. Унда ёғоч уйлар тасвирланган. Бу суратларда баъзи бир уйлар деворларининг текислиги билан ёғоч уйлардан ажралиб туради, булар паҳса ёки лой сувоқ уйлар бўлса керак, бироқ кўринишда ёғоч уйлардан фарқ қилмайди. Бояри расмлари (Минусинск яқинидаги Бояри тоғидаги расмлар) энг муҳим қоятош расмларидан биридир. Унда учта ёғоч ва битта паҳса уй расми ёнида ўтов расми солинган. Ўтовнинг шакли кўнғироққа ўхшайди, ўзи кигиздан тикилган бўлса керак. Ўтроқ деҳқончилик хўжалиги аҳтимол, маълум даражада кўчманчи чорвачилик билан тўлдирилган. Чап томонда катта эчки ва буғу подаси ўтлаб юргани, чўпоннинг подани қишлоққа ҳайдаб келаётгани тасвирланган.



53- расм. Тагар идиши

Тагар қабрлари одатда мозор қўрғонлар билан қопланган ва атрофи тўртбурчак шаклда тош териб ўралган. Скелетлар чўзиқ ҳолатда сўнгги Тагар даврига оид мозор қўрғонларда ҳақиқий қуроллар ва ўроқлар ўрнида уларнинг темир ва бронзадан ясалган кичик моделлари учрайди, бу моделлар ўликлар учун махсус ясалган. Сопол идишларнинг таги ясси қилиб қўлда ишланган ва деярли нақшсиздир.


Тагар даври Шарқий Европанинг скиф даври билан, замондошдир.

Қадимий Тагар ва скиф ёдгорликлари бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Енисей бўйида скифларникига ўхшаш катта бронза қозонлар кўп жойдан топилган. Бу ердан топилган қозонлар катталиги ва шакли билангина эмас, балки нақшлари билан ҳам скиф қозонларига ўхшайди. Тагар ўқлари орасида скиф ўқларининг ҳамма асосий хили бор, уч қиррали ва уч парракли ўқлар айниқса кўп. Ханжарларнинг хиллари ҳам ўхшайди. Йиртқич ҳайвонларнинг скиф-сибирь тасвири деб аталадиган ҳайкал-

чалари тамомила бир хилдир. Бундай ҳайкалчалар орасида ўша чоғиб келаётган бурама нақшли буғу ҳайкалчалари айниқса кўп учрайди. Бундай тасвирлар Қора денгиз бўйларида ҳам, Енисей бўйлаб ҳам баб-баравар кўп топилади: улар ҳар хил нарсдан: олтиндан, кумушдан, бронзадан, суюқдан ва ёғочдан ишланган. Енисей бўйидан топилган бошқа ҳайвон ҳайкалчалари Амударё хазинасидан топилган нарсаларга қараганда (қўйга қаралсин), Ўрта Осиёдаги массагетларнинг ҳайкалчаларига ўхшайди, уларда ҳам скиф ҳайкалчаларининг хислатлари бор. Қадимий Тагар ёдгорликлари билан Кама бўйидаги тиссагетларнинг қадимий Ананьино ёдгорликлари ўртасида ҳам ўхшашлик катта, Ананьино ёдгорликлари скифларникига яқин келади. Масалан, бу вақтда Кама бўйи билан Енисей бўйидаги зарб қилинган буюмлар бир хилдир.

Скиф ўқларига ўхшаган Тагар ўқлари ҳам тагарликларни фақат скифлар билан эмас, балки Ўрта Осиё, Волга бўйи, Кама бўйи қабилалари ва мамлакатимизнинг бошқа ўлкаларидаги қабилалар билан ҳам боғлайди. От-анжомларида ҳам шунга ўхшаш катта ўхшашлик бор. Илк темир даврида Шарқий Европа, Ўрта Осиё ва Сибирни мустаҳкам маданий алоқалар бир-бирига боғлаб турган.

Тагар мазор қўрғонларида мулкӣ тенгсизлик кўзга ташланади. Металл ишлаб чиқариш маълум даражада ихтисосланади. Буюмларда, масалан, ўроқларда усталарнинг тамгалари бор. Уруғлар ўртасида бир неча бор ҳарбий тўқнашувлар бўлган. Илк тагар қабрларида ҳамма эркаклар қуролланган. Шу билан бирга ҳатто кўпгина аёлларда ханжар ва чеканлар бор.



54- расм. Тагар бронза ҳайкалчаси

Тагар шаҳар харобаларида топилмалар жуда кам. Бунинг сабаби шуки, шаҳар харобалари уруғларнинг пана жойлари бўлиб, уруш хавфи туғилгандагина бу ерга келиб тўпланганлар.

Олтойда тагарликларникига ўхшаш мазор қўрғонлар қазилган бўлса-да, етарли эмас. Лекин Олтойда бундан кейинги давр яхши текширилган. У жуда шартли равишда хунсармат даври деб аталади ва эрализ арафаси билан саналади.

Бу даврдаги оддий қабрлар устига бир оз тош ўйиб қўйилган ва ичидаги буюмлар билан олдинги давр қабрларидан кам фарқ қилади. Бироқ князь қабрлари археологияда анча машҳурдир. Бу қабрлар уруғ оқсоқоллариники бўлса керак ва улар хун-сарматлар даврида оқсоқоллар катта бойлик тўплаганликларини кўрсатади. Князларнинг қабрлари устига диаметри бир неча ўн метр келадиган ва тош терилган катта мазор қўрғонлар қад кўтарган. Бундай катта тош кўтармалар совуқ конденсатор хизматини ўтаган, шунинг учун унинг таги абадий музлаб ётган ва органик қолдиқлар музда яхши сақланган.

Қабрлардаги буюмларни қадимий кишилар ўша вақтлардаёқ ўғирлаб кетганлар, улар бу қабрларда олтин борлигини билган ва ўликлар кўмилгандан кейинноқ олтинлар ўғирланган. Шундай бўлса ҳам археологлар бу қабрлардан мураккаб каштали ажойиб газламалар, ўймакор ёғочлар, тери, мўйна ва кигиз қийқимларидан кашта солиб ишланган буюмлар топмоқдалар. Бу хилдаги энг яхши мазор қўрғонлар тоғли Олтой областада Пазирикда қазилган. Ҳалати қилиб букилган ҳайвон суратлари, бир-бирини ғажиб турган очофат йиртқич ҳайвонлар тасвири ваҳший ҳайвонларнинг ўтхўр ҳайвонларга ҳужум манзараси ва бошқалар скиф-сибирь стили деб аталадиган буюмлар орасида илгаридан маълум эди, бироқ Пазирикда бундай тасвирларнинг энг яхши нусхалари ва кўп хили бор.

Енисейда Тагар даври ўрнига тоштиқ даври келган (Минусинск яқинидаги Тоштиқ дарёси номи билан шундай деб аталган). Бу давр эрамиздан аввалги I асрдан эрамизнинг V асригача давом этган. Бу даврда Енисейда мазор қўрғонлар мутлақо қурилмайди. Тоштиқ даври хўжалигида мотиға билан ер чопиб дёҳқончилик қилиш асосий ўрин тутган. Қабрларда тарих жуда кўп учрайди. Яроғларнинг ҳамма хили ва барча меҳнат қуроллари темирдан ясалган. Мулкий табақаланиш анча тараққий қилган. Мурдани куйдириш кўпроқ расм бўлган. Баъзан бой қабрларда хўжайиннинг куйдирилган суякларидан чеккароқда куйдирилган бегона суяклар ётади, бу суяклар ёнида ҳеч қандай буюм йўқ, булар қул суяклари бўлса керак.

Тагар даври охирлари ва тоштиқ даври қабрларида дафн маскалари кўп учрайди. Улар оқ гилватадан ишланган. Бундай маскалар одатда бевосита мурданинг юзидан олинган ва уларнинг афтини айнан акс эттиради. Баъзан бу маскалар уста ҳайкалтарошлар томонидан пардозланган ва доимо улар реалистикдир. Маскалар қолиғга қўйилгандан кейин пиширилиб, кўпинча уни бадан тусига ўхшатиб пуштирангга бўяганлар. Баъзан қора ва қизил рангда татуировка солганлар.

Сибирнинг тайга ва тундра ўлкаларида темир жуда кеч пайдо бўлган. Бу ерда узоқ вақтларгача тош қуроллардан фойдаланиб келганлар, ҳолбуки Сибирнинг жанубида ижтимоий тараққиёт баланд даражага етган.



IV. СССР ТЕРРИТОРИЯСИДАГИ ҚУЛДОРЛИК ВА ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАР

САККИЗИНЧИ БОБ

ҚОРА ДЕНГИЗНИНГ ШИМОЛИЙ СОҲИЛИДАГИ АНТИК ДАВЛАТЛАР

Антик жамият қулдорлик асосида ўсган. «Деҳқончилик билан саноат ўртасида каттароқ қўламдаги меҳнат тақсимотининг содир бўлиши учун фақат қулчилик имкон туғдирди ва шу тариқа қадимги дунё маданиятининг равнақ топишига — грек маданиятига шароит яратиб берди. Қулчилик бўлмаганида грек давлати, грек санъати ва фани бўлмас эди; қулчилик бўлмаганида Рим давлати ҳам бўлмас эди. Греция ва Рим қурган ана шу негиз бўлмаганида ҳозирги Европа ҳам бўлмаган бўлур эди»¹.

Ишлаб чиқаришнинг қулдорлик усули Греция билан Римдагина эмас, балки бошқа мамлакатларда, шу жумладан Закавказье билан Урта Осиёда ҳам анча тараққий қилди; асаримизда ҳали бу ҳақда алоҳида гапирамиз. Греция ва Рим билан бевосита боғлиқ бўлган антик цивилизация (албатта тор маънодаги цивилизация) бизнинг мамлакатимизда Қора денгиз соҳилида, айниқса Қрим соҳилларида ёйилган эди.

Бизнинг жанубимиз греклар учун узоқ шимол эди. Уларнинг шимолда дастлаб пайдо бўлишига асосий сабаб қул савдоси эди, дейиш мумкин. Қулдорлик хўжалиги шароитида иш кучини такрор ишлаб чиқариш зарурияти янгидан-янги кишиларни қул қилишни талаб этар эди. Ахир, қулларнинг турмуш шароити оғир бўлганлиги туфайли улар етарли даражада кўпаймас эдилар. Грек денгизчилари, савдогарлари ва қароқчилари ўсиб бораётган Урта денгиз шаҳарлари учун эрамиздан аввалги VII асрдан бошлаб одам овлаш мақсадида бутун Урта Денгиз соҳилларини ва бунга ёндош Қора денгиз соҳилларини ахтариб чиқадилар.

Қримда ва катта скиф дарёлари этакларида скифларнинг ва бошқа маҳаллий қабилаларнинг бошлиқлари жонли мол етказиб берувчи ишончли манба бўлиб чиқади. Уша вақтда улар қўшни қабидаларга ҳужум қилиб, шу йўл билан қўлга тушир-

¹ Ф. Энгельс, Анти-Дюринг, Госполитиздат, 1953, стр. 169.

ган асирларини грекларга сота бошладилар ва минг йил давомида асир сотишни давом эттирадилар; антик дунё авторлари берган маълумотларга қараганда, Скифиядан келтирилган қуллар (гарчи Фракия, Кичик Осиё ва бошқа ерлардан келтирилдиган қуллардан кам бўлса ҳам) минг йил давомида Урта денгиз бозорларида сотилган.

Қул савдосидан ташқари, шимолдаги балиқ савдоси ҳам грек денгизчиларини қизиқтирган. Грекларда осётр хилидаги балиқларнинг қадр-қиммати баланд бўлган, аммо бу хил балиқларни бошқа хил балиқларга ҳам бой бўлган бизнинг мамлакатимиздангина ололганлар. Кечи билан эрамиздан аввалги VII асрда Қора денгизнинг шимолий соҳилида савдо факториялари пайдо бўла бошлаган; ҳар ҳолда бундай факториялардан бири денгиздан Днепр — Буг лиманига кираверишдаги Березан оролидан топиб қазилган. Уша вақтда греклар қитъага келиб жойлашишга журъат этмаган бўлсалар керак. Березанда грекларнинг VII асрга оид Иония услубида ишланган кўпгина архаик бадий сопол буюмлари топилган, бу услуб уларнинг қачон ишланганлигини аниқлашга имкон берган. Бу вазалар ўзининг нафислиги, кулолчилик чархида берилган шаклининг мураккаблиги, пиширилишининг мукамаллиги, нақшнинг бадийлиги (сюжети грек мифологиясидан олинган) билан бошқалардан фарқ қилади, бироқ улар ҳали грекларнинг кейин ишланган вазаларидан суратларининг (гарчи ҳаракатдаги ҳолатлари яхши берилган бўлса-да) реалистик эмаслиги, лаклари тим қора эмаслиги билан фарқ қилади. Иония вазаларидаги нақшлар бевосита гилнинг ўзига солинмай, аввал гилга сарғиш бўёқ берилиб, сўнгра унинг устига нақш солинган. Безакларида қадимги Шарқнинг таъсири сезилиб туради. Березан турар жойи аҳолиси балиқчилик билан кун кўрган, унда балиқ суяклари ошиб-тошиб ётипти.

Греклар эрамиздан аввалги VI асрда Қора денгизнинг шимолий соҳилида қул ва балиқ савдосидан кейин дон савдоси ҳам ривож топгач шаҳарлар бино қила бошлаганлар. Олис шимол дон етиштиришда қутилмаганда жуда унумдор бўлиб чиққан ва бундан экинзорлари кам Грецияга бугдой ортилган кемалар жўнай бошлаган.

Денгиз бўйлаб бир қанча жойларда грек мустамлакачиларининг қулдорлик плантациялари пайдо бўлган. Антик дунёнинг ишлаб чиқарувчи кучлари шароитда қуллар меҳнатини шафқатсиз эксплуатация қилиш натижасидагина донни четга чиқарадиган даражада етиштириш мумкин бўлган.

Ишлаб чиқаришнинг янги усули бу ерда четдан, Грециядан олиб келинган. Бу усул Грецияда эрамиздан аввалги VI асрдаёқ тамомила тараққий топган эди. Грек мустамлакачиларининг ҳўжаликларидаги ишлаб чиқаришда умумий ва эркин меҳнат бўлмаган, бу ерда меҳнат қилмайдиган қулдорлар эксплуатация қилинадиган қулларнинг мажбурий меҳнати ҳукм сурган. Де-

мак, ишлаб чиқариш воситаларига ва ишлаб чиқарилган маҳсулотга умумий мулкчилик ҳам бўлмаган, балки хусусий мулк ҳукм сурган. Барча ишлаб чиқариш қуруллари ва ишлаб чиқарилган бутун маҳсулот қўлдорлар мулки бўлган.

Кўчиб кетувчилар билан тўлган кўпдан-кўп кемалар Грециядан дунёнинг ҳамма томонига жўнатилган. Улар VI—V асрларда шимолга — бизнинг томонимизга сузиб келганлар. Кўчиб келиш муносабати билан шаҳарлар пайдо бўлган, савдо эса бунга шароит яратиб берган, холос.

Греklarнинг қайси қабилаларга мансуб бўлишига қараб мустамлакалар ионийлар, дорийлар ва ҳоказоларга бўлинган. Греklarнинг кўпчилиги ионийлар мустамлакасини барпо қилган. Эрамиздан аввалги VII—VI асрларда Кичик Осиёдаги ионийларнинг Милет шаҳридан греklar Урта денгиз ва Қора денгиз соҳилларига оммавий равишда кўчиб келганлар. Милет шаҳридан келганлар бу жойларда кўп шаҳарлар барпо қилган. Бошқа мамлакатларда кўчиб кетишни хоҳлаган греklar ҳамма жойдан шу Милетга келиб тўпланган. Милет шаҳри бино қилган шаҳарларнинг баъзилари СССР тупроғидадир, чунончи: Днепр лиманидаги Тира, Буг лиманидаги Ольвия, Қримдаги Феодосия (ҳозир ҳам бу шаҳар шу ном билан аталади) ва Пантикапей (ҳозирги Керчь) шаҳари, Абхазиядаги Диоскурия ва Рионнинг қуйилиш жойидаги Фасис шаҳарлари ана шулар жумласидандир (Кавказ соҳилларидаги грек шаҳарлари ҳали текширилмаган).

Пантикапейнинг ўзи бир қанча мустамлакалар барпо қилган, улардан энг муҳими Дон этакларидаги Танаисдир. Ионийлар қабиласига мансуб бўлган мустамлакаларнинг ҳаммасини Милет барпо қилган эмас. Масалан, Керчь бўғозининг Кубань соҳилидаги Фанагория мустамлакасини VI асрда Кичик Осиёдаги бошқа шаҳар — Теос шаҳри барпо қилган. V асрда дорийлар ҳам бизнинг тупроғимизга кўплаб келиб мустамлакалар барпо қила бошлаганлар. Севастополь ёнидаги Херсонес шаҳри шулар жумласидандир. Қора денгизнинг шимолий соҳилида бир неча ўнлаб антик шаҳарлар бор.

Ҳозирги Керчь бўғози қадим Боспор Киммерийский деб аталган. Бу ном, биринчидан, Қора денгизни жанубдан ўраб турган Боспор Фракийский (ҳозирги Босфор) номига ўхшашлигини эслатади (грекча Боспор сўзи «хўкиз кечуви» демакдир), иккинчидан, Қора денгизнинг шимолий соҳилини скифлардан аввал банд қилган киммерийларни эслатади. Қора денгиз бўйида бино бўлган қадимий шаҳарларнинг энг каттаси Пантикапей шаҳридир (бу грекча ном эмас, скифлардан олдинги маҳаллий тиллардан бирига мансуб бўлса керак).

Бўғознинг ҳар икки томонидаги кўпгина шаҳарлар сиёсий жиҳатдан Пантикапей билан боғлиқ бўлган, Фанагория улардан энг муҳимидир. Дастлаб улар мустақил шаҳар-давлатлар

бўлган, бироқ улар тез орада маҳаллий қабилаларга қарши босқинчилик қилиш мақсадида бирлашиб шаҳарлар иттифоқини тузганлар, бу иттифоқ секин-аста Боспор подшолигига айланган, Пантикапей унинг пойтахти бўлган.

V—II асрларда Спартокидлар сулоласи бу подшоликнинг бошида турган. Езувлар ва танга пулларга қараганда Спартокидлар Пантикапей архонти (архонт — қадимги грек шаҳарларидан сайланадиган олий мансаб) ва улар бўйсундирган маҳаллий қабилаларнинг подшоси деб аталган, кейинчалик бу унвонлар қўшилиб битта бўлган.

Боспор подшолигидаги аҳоли турлари халқлардан иборат бўлган. Бу ерда греклар билан бирга скифлар, сарматлар, синдлар, меотлар ва шу каби халқлар ҳам яшаган. Оқ суяк қўлдорлар тоифаси фақат греклардан иборат бўлмай, балки грек маданиятини қабул қилган маҳаллий қабилалар ичидаги зодагонлардан ҳам ташкил топган.

Пантикапей ҳозирги Керчь территориясида бўлган. Керчда Митридат тоғи қад кўтариб туради (Пушкиннинг: «Санчиб ўлдирилгандир бунда Митридат» деган сўзини эсга олинг; Римнинг толмас душмани, дарҳақиқат, шу шаҳарда санчиб ўлдирилган). Тоғда шаҳар маҳаллалари қазиб топилди. Пантикапей шаҳри зинапоёга ўхшаб тоғ бағирларига жойлашган, биноларни тўғри жойлаштириш учун устма-уст террасалар қилинган. Террасаларга тиргак деворлар қурилиб, тоғнинг атрофи қатор кетган ана шундай деворлар билан ўраб олинган, тоғнинг тепасини эса акропол банд қилган, акропол грекча «юқори шаҳар» демакдир, яъни шаҳарнинг ички қалъасидир; қадимги Грецияда бундай қалъалар одатда баланд жойларга қурилган. Пантикапейдаги қазिशмаларда иккита тош девор қолдиқлари топилган; ташқари девор билан шаҳар, ички девор билан акропол ўралган.

Боспор подшолиги ғаллакор Кубань ерларининг анча қисмини ўз ичига олган. Дон экиш подшолигининг Қрим қисмида ҳам ривож топган. Демосфен ўзининг Липтинга қарши сўзлаган нутқида Пантикапейдан келадиган ғалла Афинага келтириладиган ғалланинг ярмини ташкил этганлигини айтади. Бу жуда кўп; ахир, эраמידан аввалги IV асрда Афина жаҳондаги катта шаҳарлардан бири бўлган ва уни Ўрта денгиз бўйидаги ҳар хил ғалла бозорлари ғалла билан таъмин этиб турган. Боспор подшолигидаги ғалла етиштирадиган қўлдорлик хўжаликлари бу вақтга келиб ғоят кучайиб кетган бўлсалар керак. Қўлдорлик хўжаликлари тўғрисида Маркс: У «кўпроқ ўз истеъмоли учун ишлайдиган патриархал системасидан тортиб, дунё бозори учун ишлайдиган хусусий плантаторлар системасигача бўлган бир неча босқични босиб ўтади»¹, дейди.

¹ К. Маркс, Капитал, т. III, Госполитиздат, 1954, 816- бет.

Пантикапейдаги дон сақлайдиган ўралар шаҳарнинг бутун-бутун участкаларини ташкил этган ва умуман қазишмалар вақтида бу ўралар ҳамма вақт чиқиб туради. Дон тўппа-тўғри ўраларга тўкилган ёки хумларга солиб қўйилган. Боспор подшолигида энг катта иззат ва ҳурматга сазовор худо деҳқончилик маъбудаси Деметра бўлганлиги бу ернинг ғалла савдоси ва деҳқончилиги билан боғлиқ бўлса керак.

Бадий жиҳатдан ажойиб қилиб ишланган эрамиздан аввалги IV асрга оид Пантикапей тангаларида грифон, яъни ярим қуш, ярим шер (Пантикапейнинг ўзига хос герби) оёғида гоҳ буғдой бошоғи, гоҳ осётр балиқни кўрамиз. Пантикапейда балиқ савдоси ғалла савдоси билан барабар катта аҳамият касб этган. Фанагория танга пулларида ҳам ўша вақтда буғдой дони тасвир этилган.

Қадимги дунёда танга пул греклардан тарқалган. Шуниси ҳам борки, жаҳонда энг қадимги танга пуллар грекларда эмас, эрамиздан аввалги VII аср бошида Кичик Осиёда яшаган лидий халқида пайдо бўлган. Ўша вақтдаёқ, VII асрда танга зарб қилиш Грецияга ҳам кириб келади, бу ерда танга пул мустақил равишда вужудга келган бўлиши ҳам мумкин. Қадим замонлардан буён қиймат ўлчови бўлиб келган нодир металл ёмблари думалоқ ва тухумсимон шакл олиб, уларга давлат тамғаси босилган, шу тариқа танга пул ихтиро қилинган. VI асрда Грециянинг ҳамма ерида танга пул зарб қилинган. Пантикапей тангаси ҳам VI асрда пайдо бўлган.



Қадим замонда танга пул зарб қилиш учун уч хил металл — ситни, кумуш ва мис ишлатилган, улардан кумуш энг муҳим ўрин олган. Қадимий тангалардаги тасвирлар ҳозирги танга пуллардагидан кўра бўрттириброқ ишланган, бадий жиҳатдан ҳам мукамалроқ бўлиб, греклар уларнинг сюжетларини кўпинча мифологиядан олганлар. Пантикапейда ва Қора денгиз бўйидаги бошқа грек шаҳарларида қазишмалар ўтказилганда ҳамма вақт танга пуллар учрайди.

Эрамиздан аввалги III асрдан бошлаб Боспор ғалла савдоси Ўрта денгизда Птолемей Мисрнинг жиддий рақобатига дуч келса-да, кенг қўламдаги савдо бўлиб қолаверади. Аммо бу рақобат қул меҳнати эксплуатациясини янада кучайтирган. II ва I аср ўрталарида бутун Ўрта денгиз бўйлаб қулларнинг қўзғолонлари бўлган. Энг катта қўзғолонлардан бири Боспорда рўй берган. Бу эса қулдорлик ва синфий курашнинг анча ривожланганлигини кўрсатади. Херсонесдаги қазишмаларда топилган мрамм лавҳадаги ёзувда ўша қўзғолон ҳақида айтилади, бу ёзув машҳур Понтий подшоси Митридатнинг лашкарбошиси Диофант шарафига чиқарилган Херсонес шаҳрининг қароридир. Қўзғолоннинг тарихи ўша ёзув асосида тикланган.

Спартокидлар сулоласидан бўлган сўнгги подшони қуллар ўлдирган, Пантикапейда ҳокимиятни қулларнинг йўлбошчиси

подшонинг қули бўлган ва ўзи скифлардан чиққан Савмак қўлга олган. Шаҳар бир йилга яқин қўзғолончилар қўлида бўлган, сўнгра Савмакни асир қилиб олган Диофант қўзғолонни бостириб, шаҳарни ўзига бўйсундирган. Шундан кейин Боспор Митридат подшолиги қўл остига кирган.

Савмак номи билан зарб қилинган танга пул бизнинг замони-мизгача сақланиб келган. Бу тангаларда бошидан нур сочилиб турган қуёш худоси Гелиос тасвирланган. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, бундан сал олдинроқ Пергам (Кичик Осиё)да қуллар ҳокимиятни бир қанча вақт давомида қўлга олиб турганлар ва у ерда Қуёш давлати тузилган эди. Қулларнинг қўзғолонлари антик дунёни бир неча марта ларзага солади. Ленин «Дав-



55- расм. Қўл тегирмони

лат тўғрисида»ги лекциясида шу муносабат билан бундай дейди: «Биз биланмизки, қуллар қўзғолонлар қилдилар, тўполонлар кўтардилар, гражданлар урушлари очдилар, лекин улар ҳеч қачон онгли кўпчиликни, курашга раҳбарлик қилувчи партияларни тузолмадилар, улар қандай мақсадни кузатиб бораётганликларини аниқ тушунолмадилар, ҳатто тарихнинг энг революцион пайтларида ҳам ҳамма вақт ҳукмрон синфлар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолавердилар»¹.

Боспор деҳқончилигининг техникаси антик дунё деҳқончилиги техникаси даражасида бўлган, грек-рим дунёсида эса ер плуги билан ҳайдалиб деҳқончилик қилинган. Пантикапей танга пуллари-нинг бирида сўқа расми солинган. Сўқанинг тиши ётиқ, шотиси эгри ва қўл ушлайдиган дастаси тикка қўйилган. Кубандаги Боспор шаҳридан жуда оғир темир сўқа тишлари топилган. Боспорда темир ўроқлар кўп учрайди.

Дон дастлаб ёргучоқларда янчилган, антик авторларнинг маълумотларига қараганда, ёргучоқларда чўрилар ишлаган. Неолит давридан то антик давргача минг йиллар давомида ёргучоқлар деярли ўзгармаган. Аммо эллинизм даври бошларида ун тортиш техникаси тамомла такомиллаштирилган. Эрамиздан аввалги IV—III асрларда қўл тегирмони тарқалади. Қўл тегирмон устма-уст қўйилган иккита думалоқ ясси тошдан иб-

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 29- т., Ўздавиашр, 506- бет.

рат бўлиб, бу тошларни айлантириб ун тортганлар. Қўл тегирмон дастлаб Италияда ихтиро қилинган бўлса керак.

Кичикроқ тегирмонлар қўл билан айлантирилган, катталарига қуллар ёки ҳайвонлар қўшилиб айлантирилган. Тегирмоннинг пастки тоши қавариқ, устидагиси ботиқ бўлиб, икки тош ўртасига дон тўкилган. Бу ихтиро тез орада Боспорга ҳам ёйилди ва эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб қўл тегирмонлар кўп учрайди. Қулдорликка асосланган хўжалик системаси қўл тегирмонларнинг ҳамма ерда кенг тарқалишига ёрдам беради, чунки қулни тегирмонга қўшиб ҳолдан тойиб йиқилгунча ишлашга мажбур этиш мумкин бўлган. Антик дунё авторлари бу меҳнатни энг оғир меҳнат деб ҳисоблайдилар.

Аммо бундан кейинги тараққиётга қулдорлик системасининг ўзи ғов бўлган. Эрамиздан аввалги I асрда Рим давлатида сув тегирмони ихтиро қилиниб, қул меҳнатини сув бажарса-да у унча кенг тарқалмайди. Бундай тегирмонлар қазиишмаларда ҳеч ерда топилган эмас, улар фақат антик дунё авторларининг ҳикояларидангина маълум.

Гап шундаки, қул меҳнати сув меҳнатидан кўра арзон бўлган.

Антик дунё моддий маданиятининг бир тармоғи — заргарлик санъати қабристонлардан топилган буюмлар туфайли бошқа ерлардан кўра СССРда яхшироқ текширилган. Антик дунёга оид ғоят гўзал олтин бадий буюмлар бизда жуда кўп, бунақаси на Грецияда ва на Италияда бор. Бу буюмлар Қора денгиз бўйидаги грек қабристонларидан ва, шунингдек, скиф подшоларининг қабрларидан топилган. Скиф подшоларининг қабрларидан топилган нарсалар ҳақида юқорида гапирган эдик. Бу ерда қулдорлик тузумининг Маркс айтиб ўтган хусусуяти чўққисига етгандир. Маркс бундай деган эди: «Қадимги кишилар қўшимча маҳсулотни капиталга айлантиришни сира ўйлаган эмаслар. Бу нарса уларда бўлган тақдирда ҳам озгина бўлган, холос. Гапнинг ўз маъносидаги қимматбаҳо буюмларни йиғиш одатининг кенг кўлам олганлиги уларда нақадар кўп устама маҳсулот мутлақо ишлатилмасдан ётганлигини кўрсатади. Улар устама маҳсулотнинг анчагина қисмини унумсиз нарсаларга, бадий асарларга, диний эътиқод буюмларига, жамоат ишларига сарф қилганлар»¹.

Боспор подшолигидан топилаётган заргарлик буюмлари шакл жиҳатидан нафислиги ва соддалиги билан эллин заргарлик буюмларидан фарқ қилади. Қазиишмаларда олтин исирғалар кўпроқ учрайди, баъзан уларга кичик-кичик олтин ҳайкалчалар тақилганлари учрайди. Гоҳ дафна, гоҳ зайтун, гоҳ эман баргларининг айнан аслига ўхшатиб ишланган олтин гултож ҳам кўп

¹ К. Маркс, Теория прибавочной стоимости, т. II, ч. 2, Партиздат ЦК ВКП(б), 1936, 204- бет.

топилади. Олтиндан ишланган эман ёнгоғи шаклидаги мунчоқлар ҳам учрайди.


Барча грек шаҳарларида сопол идишларнинг бўлаклари ҳаддан ташқари кўп топилади. Қадим бундай идишлардан кенг фойдаланганлар. Амфора (кўза) энг кўп ишлатиладиган идишдир. Унинг ичига ҳар хил нарсалар солиб ташиганлар. Амфорага кўпроқ дон, вино, ёғ, сув; балиқ ва шу каби нарсалар солганлар. Қемаларнинг катта-кичиклиги уларга сиғган амфоралар сони билан белгиланган. Амфора — оғзи тор, тагидан юқорига томон кенгайтириб ишланган, икки дастали кўркам идиш.

Дон, вино ёки сув сақлаш учун амфорадан бошқа яна пифос деган идишдан ҳам фойдаланганлар. Бу — катта сопол хум. Унинг ичига ҳар қанақа катта одам ҳам сиғаверади. Бизда, одатда, Диоген бочка ичида яшаган дейдилар, бу нотўғри гап. Грекларда бочка бўлмаган. Мавжуд ҳамма маълумотларга кўра Диоген худди пифос ичида яшаган. Рўзгорда пифос бочка ўрнида ишлатилган, каттароқ пифос ерга кўмилганида омбулга ҳам эҳтиёж бўлмаган.

Грекларнинг ҳамма идишлари кулолчилик чархида ишланган, рўзгорда ишлатиладиган идишлар яхши пиширилганлиги ва лойининг сифати яхши бўлганлигидан сариқ ва пушти ранг бўлган. Бундай идишлар билан бир қаторда бадий нақшдор сопол буюмлар ҳам кенг ишлатилган.

Бадий сопол буюмлар нақш солишдан олдин ва нақш солингандан кейин ҳам икки марта пиширилган. Греклар сопол буюмларга нақш солиш ёки кўпинча бутунлай қоплаш учун VI—III асрларда ишлатган қора лак нозик йилтироқлик берган. VI аср қора суратли вазалар асридир. Шу даврдан бошлаб нақшлар реалистик мазмун олган, идишларда мифологияга доир ёки ҳаётдан олинган ҳар хил манзаралар пайдо бўлган. Бу нақшларнинг ҳаммаси ҳам ўша вақтда қора силуетлардан иборат бўлган. Бу силуетлар қора лак билан идишларнинг табиий қизғиш фониغا солинган.

V—IV асрларда қизил суратли вазалар ишланган. Бу ерда, аксинча, буюмларни бутунлай қора лакка бўяб, суратлар ва атрофидаги нақшлар сополнинг табиий рангида қолдирилган, баъзи жойлари қора лак билан устидан қўшимча чизиқлар берилган, шу тариқа чизма рассомликнинг нодир асарлари юзага келган. Бу даврда ваза наққошлиги ғоят равнақ топган, ундаги нақшларда ҳаракат ва кайфият ажойиб тарзда жуда нафис чи-



56- расм. Амфора

зиқлар билан берилган. Мифологиядан олинб чизилган манзаралар Гомер ва трагиклар яратган асарлардаги асосий эпизодларни тўла кўрсатиб беради. Маиший ҳаётдан олинган манзараларда ҳаммадан кўп базм, сайр, ҳаммомда чўмилиш ва ҳоказолар тасвирланган. Кишиларнинг якка тарзда, рўзғор буюмлари эса айнан тасвир этилган.



57- расм. Қора суратли идиш.
Керчдаги Митридат тоғидан топилган

IV асрда сопол буюмларни безашда баъзан оқ, қизил, олтин ранг, сариқ, яшил ва кўк бўёқлар ишлатила бошлаган. Бу хил бўёқлар эрамиздан аввалги III асрда эллин идишларида ишлатилганлиги маълум. Бутунлай қизил бўёқ ишлатилганда ҳам (бу ранг кўп ишлатилган) бундай вазани қизил суратли ваза деб атаб бўлмайди. Чунки қизил суратли термини қизил бўёқ

ишлатилмаган, табиий ранги сақланган идишларгагина ишлатилади.

Боспорга шишадан ишланган идишларни унинг ватани — Мисрдан келтирилган. Шиша Мисрда бронза давридаёқ ихтиро қилинган. Мисрда идишдан ташқари, шишадан ҳамма вақт жуда кўп мунчоқлар ишлаб келинган. Мисрнинг шиша мунчоқлари Пантикапей орқали Шарқий Европага келтирилган. Бу мунчоқлар Юқори Волга, Юқори Кама бўйларигача келтирилган, Пантикапейда улар жуда кўп бўлиб, энг арзон зеб-зийнат буюмлари ҳисобланган.

Грецияда бўлгани каби Боспорда ҳам кичкина сопол ҳайкалчалар кенг тарқалган. Бу ҳайкалчаларнинг ўртача катталиги 15 см бўлган. Улар кўпинча причёскаси ҳурпайтирилган ёки соябонли кенг шляпа кийган, юзида табассум ва равон ҳаракатли шаҳарлик ёш жувонлар қиёфасида тасвирланган. Эркак ва болалар ҳайкалчалари ҳам шу тариқа қувноқ тасвирда ишланган. Худолар ва қаҳрамонларни тасвирлаган ҳайкалчалар ҳам бўлган. Театр маскаларининг нусхалари ҳам учрайди.

Боспор шаҳарларида майда молларнинг суяклари кўпроқ учрайди, қора молларнинг суяклари кам, чўчқаларнинг суяклари ундан ҳам кам учрайди. От суяклари унча кўп эмас, негаки греклар гўштини емаганлар.

Археология қадимги грекларда, шу жумладан, Боспор грекларидан ҳам бадан тарбия тараққий қилганлигини тасдиқлайди. Қадимги спортсменларнинг зарур асбобларидан стригил деган нарса қазиммалар вақтида тез-тез топилиб туради. Стригил темир ёки бронзадан эгиб ясалган куракча бўлиб, машқ ва мусобақадан кейин баданни қоплаб олган ёғ ва қумни шу асбоб билан қириб олганлар, шу билан бирга бадан уқаланган ҳам, Стригил савол аломатига ўхшайди. Сўнгра арибалл деган идиш ҳам кўп учрайди. Арибалл атлетикнинг баданига суркаладиган ёғ идишидир. Арибалл шарсимон идиш, ўрта белида қулоғи бўлиб, ундан тасма ўтказилган.



58- расм. Қизил суратли идиш

скифлардан фарқ қилиб от

Пантикапейда кичкина бир сағана очилган. Ундаги қабр тошида фақат стригил, арибалл, пахмоқ сочиқлар ва дафна барглари сурати солинган; сағана ичига ўлик кўмгандан кейин қабр ичига стригил ва арибаллар қўйилган. Антик дунё спортчилари юксак рекордларга эришганлар. Бунинг сабаби маълум, антик дунёда спорт минг йилдан ортиқроқ вақт тараққий қилиб келган (унда спорт эрамиздан аввалги VIII асра бошланиб, равақи эрамиздан аввалги IV асрдан эрамизнинг II асригача давом этган ва эрамизнинг IV асрида йўқ бўлиб кетган).



59- расм. Мармардан ишланган карбартма сурат. Унда худо Вакхнинг йўлдоши Силен тасвирланган. Кердан топилган

Боспор гимнастлари умумгрек мусобақаларида қатнашганлар ва унда катта мукофотлар олганлар. Буни Боспор подшолигидан топилган панафинеий амфоралари тасдиқлайди, бу амфоралар Афинадаги спорт мусобақаларида ютиб чиққан ғолибларга мукофот тариқасида берилган. Уларнинг шакли оддий амфораларга ўхшайди, усти бадний нақшлар билан безатилганлиги жиҳатидан фарқ қилади. Муштлишиш ўйинида ғолиб чиққанга берилган амфорада муштлишиш ўйини, чопқирга берилган амфорада югуриш ўйини тасвирланган ва ҳоказо. Бундан ташқари, бу идишларнинг ҳар қайсисида маъбуда Афина сурати солинган; чунки панафинеий ўйинлари ўша Афинага бағишлаб ташкил этилган.

Боспор шаҳарларидаги уйлар яхшилаб тарашланган оҳактош палхасаларидан солинган. Уйларнинг томлари қазишмаларда кўп топиладиган жуда оғир (ҳар бири 29 килограммгача келадиган) сопол черепицалар билан ёпилган. Пантикапейда спартокидлар ҳукмронлиги даврида подшога қарашли черепица заводи бўлиб, унинг маҳсулотига подшо тамғаси босилган. Уйлар ташқарига яланг деворлар билан ўраб олинган, одамлар турадиган хоналар ва хўжалик бинолари ҳовли саҳни атрофида жойлашган. Одам турадиган хоналарнинг сувоғи рангдор панеллар билан безалган.

Боспор греклари ўликни кўпинча чўзилтириб кўмганлар, бироқ ўликни куйдириш одати ҳам кенг тарқалган. Ўлик ёнига кўпинча танга пуллар қўйилган, негаки, кемачи Хорун ўликни нариги дунё дарёларидан олиб ўтгани учун ўлик унга кечув пули тўлаши лозим экан. Кўпчилик қабрларнинг усти текис

бўлган, бироқ мазор қўрғонлар ҳам учрайди. Қабрлардан кўп вақт олтин буюмлар топилганлиги сабабли революциядан аввал Керчда махсус омадлилар касби, яъни хазина қидирувчилар пайдо бўлган.

Баъзан бу ердаги мазор қўрғонлар катта тош дахма устини қоплаб турган юпқа тупроқдан иборат бўлади. Бу дахмалардан энг яхшиларининг тепаси чор қирра ёки доира шаклидаги харсанглар бир-бирига мингаштириб қўйилган чиройли тош гүмбазлар билан ёпилган. Қўрғонли ва қўрғонсиз кўпгина дахмалар нақшинкорликлари билан машҳур. Энг ажойиб қабрлар эрамиздан аввалги IV асрга мансубдир.

Энг машҳури Керчдаги (эрамиздан аввалги IV асрга оид) подшо қўрғонидир, бу мазор қўрғон Боспор подшоларидан бирининг гўри бўлса керак. Қабр талланган, бироқ мазор қўрғон ичидаги муҳташам бино жуда яхши сақланган. Тош териб ишланган, тепаси поғонали узун коридор тўғри тўрт бурчакли дахмага олиб келади. Дахманинг тепаси бир-бирига мингаштирилган доиралардан териб ясалган гүмбаздан иборат, оқ тошлардан усталик билан терилган бу доиралар бежирим, чиройли ва нафисдир.

Керчь бўғозининг Кубань соҳилидан топилган ажойиб мазор қўрғон ҳам IV асрга оиддир.

Большая Близница қўрғонида поғона-поғона равоқли дахмада жиҳозлари ва коҳина Деметра шарафига қилинадиган байрам тасвир этилган олтин буюмларга қараганда, шу коҳинанинг қабри очилган. Олтиндан ясалган раққосалар ҳайкалчалари айниқса гўзалдир. Буюмлари ўғирланган қўшни дахманинг поғонали равоқ тошида катта қилиб Деметранинг бош сурати ясалган.

Фанагориядаги аёл қабридан ҳайкалчалар шаклида ясалиб турли рангларга бўялган учта сопол идиш топилди; буларнинг бири сфинкс сурати, иккинчиси Афродит ва учинчиси булбулгўё бўлиб, антик дунёга хос турли рангга бўялган ҳайкалчаларнинг мукамал намунасидир. Сфинкс кўк кўзли, малла соч гўзал аёл суратида тасвирланган, қизил ранг бош кийимидаги гуллар сариқ тусга бўялган.

Ундан кейинги эллин замонидан бир қанча деворий нақшлар, масалан, эрамиздан аввалги II асрга оид, Керчда топилган Пигмейлар дахмасидаги нақшлар ҳозирги кунгача сақланиб қолган.



60- расм. Сфинкс суратли идиш. Кубандаги фанагориядан топилган

Бу дахма деворларида турналар билан олишаётган пигмейлар тасвир этилган.

Керчь ёнида антик дунёнинг иккита шаҳарчаси — Тиритака билан Мирмекий шаҳарчаси муттасил текширилмоқда. Балиқ тузлаш учун қурилган бинолар (булар айниқса Тиритакада кўп) ва вино пишириш учун қурилган бинолар (бунақалари айниқса Мирмекийда сероб) жуда кўп топилганлиги кенг бозор учун тайёрланганлигини кўрсатади. Балиқчилик билан виночилик хўжаликлари Пантикапей шаҳри бўсағасидаги бу икки шаҳар иқтисодининг асосини ташкил қилган.

Балиқ (Дон, Кубань дарёларида, Азов ва Қора денгизда ушланган балиқлар) Боспордан Ўрта денгиз бўйидаги шаҳарларга жўнатилган. Винони маҳаллий грекларгина эмас, улар билан бирга скифлар ва сарматлар ҳам истеъмол қилган. Узумчилик Боспор подшолигида кенг ёйилган. Грекча «Мирмекий» сўзи чумоли демакдир, шунинг учун Мирмекийда зарб қилинган танга пулларга чумоли сўрати солинган. Пантикапейдан сал жануброқда эрамиздан аввалги V асрда Афина билан яқиндан боғланган Нимфей шаҳри бўлган. Бу шаҳар Афина давлати гуллаган даврда унинг шимолдаги таянч пункти бўлиб хизмат қилган. Перикл бу шаҳарга бир неча марта келган. Нимфейда Таранни ўлдирган Афина қаҳрамони Гармодий шарафига битилган ёзув топилган. Нимфей танга пулларида нимфа боши тасвир этилган.

Танаис грекларнинг энг шимолий ва энг олис мустамлакаси бўлган. Пантикапейдаги грек ёзувларида эллин ва рим номлари 75%, маҳаллий номлар 25% ташкил этган бўлса, Танаисдаги грек ёзувларида эллин ва рим номлари 60%, маҳаллий номлар эса қарийб 40% ни ташкил этган. (Маҳаллий қабилаларга мансуб бўлган кўпгина кишиларнинг эллин ва рим номларини олганликларини ҳам назарда тутиш керак, албатта).

Шаҳар дарё номи билан аталган. Дон дарёси қадим Танаис деб аталган. Шаҳар Доннинг қуйилиш жойида, бизнинг Ростовдан қуйироқда Недвиговка хутори яқинида жойлашган. Шаҳар ўртасида тош деворлар билан ўраб олинган акропол, унинг ёнида пристань бўлган, акропол атрофида аҳоли яшайдиган районлар жойлашган, бу районлар кўтармалар билан ўраб олинган. Грекларнинг бадий идишлари ва бошқа эллин буюмларининг кўп топилиши грекларнинг шу энг шимолий шаҳри ўрта денгиз ва Қора денгиз бўйидаги грек шаҳарларига жуда яқин бўлганлигини кўрсатади.

Кримнинг ғарбий соҳили Боспор подшолигига кирмаган. Ҳозирги Севастополь яқинидаги, денгиз бўйлаб борганда ундан 3 км ғарб томонда жойлашган Херсонес бу ерда асосий шаҳар бўлган. Уни Қора денгизнинг жанубий соҳилидаги Понт Гераклеясидан келган мусофирлар қурган, Гераклеяни эса, ўз навбатида, Кориниф бўйинидаги Дорийга қарашли Мегара шаҳридан келган мусофирлар қурган.

Грекча «херсонес» ярим орол демақдир. Шаҳар дарҳақиқат кичикроқ ярим оролда жойлашган, у ярим орол Гераклея деб аталган ва у қадим Херсонес шаҳрига қарашли ер бўлган. Шаҳарнинг анча қисми қазилган. Ҳозир ундаги баъзи қадимги кўчалардан юриш мумкин. Аммо қазилган уйларнинг баъзиларигина антик дунёга хос бўлиб, кўпчилиги Византия замониغا оиддир. Херсонес ўрта асрларда ҳам катта шаҳар бўлган. Шаҳарнинг атрофи тош деворлар билан ўраб олинган; деворлар уч қават бўлиб, бири грекларники, бири римликларники ва бири византияликларникидир.

В. И. Ленин «Давлат ҳақида» деган асарида бундай дейди: «Қулдорлик давлатида монархия, аристократик республика ёки ҳатто демократик республика бўлганини кўрамиз. Ҳақиқатда идора қилиш формалари жуда ҳам турли-туман бўлса-да, лекин ишнинг асли бир хил бўлиб қолаверган: қуллар ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаганлар ва эзилган синф бўлиб қолаверган, улар одам қаторида саналмаганлар»¹. Бу ерда айтиб ўтилган давлат формаларининг ҳаммаси ҳам Қора денгиз мустамлакаларида мавжуд бўлган. Масалан, Пантикапей дастлаб аристократлар республикаси, кейин монархия бўлган.

Антик Херсонес демократик қулдорлик республикаси бўлган. Унинг сиёсий тузумини тавсифлаш учун херсонликлар қасами деб аталган, эрамиздан аввалги IV—III асрларга оид, мрамар тошга эзилган ҳужжат муҳимдир; бу СССРдаги антик дунё ёзувлари орасида энг ажойибидир. Бу ёзув қазилмалар вақтида икки бўлиниб: аввал хатнинг охириги қисми, бир йилдан кейин бош қисми топилган, аммо бу икки бўлак синган жойидан бир-бирига жуда тўғри келади.

Ҳар бир граждани «на эллин фойдасига ва на варвар фойдасига Херсонесга ҳам, Керкинитидага ҳам, Гўзал Гаванага ҳам хиёнат қилмасликка, аммо херсонликларни халқ учун қўриқлашга, демократияни бузмасликка ва хиёнат қилмоқчи ва бузмोқчи бўлган кимсга йўл қўймасликка, балки шаҳар демиурғларига хабар қилишга» Зевс, Ер, Қуёш, Дева номи билан қасамёд қилиши лозим бўлган. Бу ерда «демократия» сўзи шундай ишлатилган. Кейин яна бир қанча шу каби қасамлар давом эттирилган, жумладан, «демиург вазифасида ва кенгаш аъзоси вазифасида мумкин қадар яхшироқ хизмат қилиш», «ҳеч бир сирни эллинга ҳам, варварга ҳам айтмаслик», «судда қонунга мувофиқ овоз бериш» (граждандар навбат билан судда иштирок этган бўлсалар керак), «четдан олиб келинадиган ғаллани Херсонесдан бошқа ерда сотмаслик» ҳақидаги қасамлардир (қасамда хўжаликка доир бирдан-бир мана шу кейинги модда Боспордаги

¹ В. И. Ленин, «Асарлар, 29- т. Ўздавнашр, 499 — 500- бетлар.

сингари, Херсонесда ҳам, ғалла савдоси ғоят муҳим ўрин тутганлигини эслатади). Буларнинг ҳаммаси қасамни бузган тақдирда: «менга ер ҳам, денгиз ҳам унум бермасин, хотинлар ажойиб болалар туғиб бермасин» деган афсун билан тамом бўлади.

Херсонес мармар ёзувларидан яна икки мисол келтирса бўлади, уларнинг иккиси ҳам эрамиздан аввалги III асрга оиддир. Биринчи ёзувда бундай дейилган: «Халқ Ктесий ўғли Агасиклга — гарнизон ҳақида декрет таклиф этган ва уни ташкил қилган, текисликдаги токзорларни чегаралаган, собиқ девор қурувчига, бозор жой қилган, собиқ стратегга (яъни лашкар бошига), собиқ қоҳинга, собиқ гимнасиархга (яъни гимнастика ўйинларининг назоратчисига), собиқ агрономга (яъни бозор назоратчисига) ҳайкал қўйди. Катта қулдорлардан бўлган Агасикл навбат билан бир қанча давлат лавозимларини эгаллаб келган бўлса керак; биз учун бу ёзувдан Херсонесда қандай лавозимлар муҳим бўлганлиги маълум.

Иккинчи ёзув маҳаллий тарихшуносга бағишланган: «Халқ Гераклид ўғли Сирискни азбаройи Деванинг (яъни маҳаллий худонинг) пайдо бўлишини тасвир этгани ва ўтмишда шаҳарлар ва подшолар билан бўлган дўстона муносабатларни ҳақиқий тарзда ва давлатга муносиб равишда тадқиқ қилгани учун ҳурматлайди». Бу ёзув маҳаллий маданиятнинг тараққий қилганлигини кўрсатади.

Геракл ярим оролида Херсонес деворларидан ташқаридаги ер юзасида бир неча ўнлаб қадимги грек қишлоқ хўжалик қўрғонларининг харобалари сақланган. Бу қўрғонлардаги участкаларни бир-биридан ажратиб турган уватлар ҳозиргача сақланиб қолган. Узун-узун тўғри кўтармалар ва тош деворлар бутун ярим оролни тўғри бурчакли участкаларга бўлиб ташлаган. Агасиклга бағишланган ёзувда ана шу чегаралардан бири ҳақида гапирилган бўлса эҳтимол. Ёзувда фақат токзорлар ҳақида айтилган, дарҳақиқат, ярим орол токзорлар билан банд бўлган бўлса керак. Кичик-кичик участкалар бошқа экинзорлар учун торлик қиларди, албатта. Қўрғон харобалари қазилганида узум сиқадиған ва унинг суви оқиб тушадиган тарновчали тахтачалар кўп топилди. Токчиларнинг темирдан ғалати қилиб эгиб ясалган вазмин пичоқлари ҳам учрайди.

Археологлар ҳисобига қараганда бу токзорларда 4000 га яқин қул ишлаган, шаҳарда эса эҳтимол уларнинг сони кўпроқ бўлган. Мазкур қасамда айтилганига қараганда муҳим ғаллакорлик ҳам қулдорларнинг плантацияларида ривожлантирилган бўлса керак, аммо бу плантациялар олисроқда бўлган. Қрим даштининг бир қисми шаҳарга қарашли бўлган. Херсонесдан плугларнинг темир тишлари ва темир ўроқлар топилди.

Херсонесда қазиб чиқарилган кулолчилик устахонасида бир неча хумдон бўлган. Бунда амфоралар, қора лак бериладиган

идишлар ва ҳайкалчалар ясалган. Устахонада 15 тача қул ишлаган.

Херсонес дастлаб тўғри планлаштирилган: тўппа-тўғри кўчалар бир-бирини кесиб ўтган. Грецияда бундай геометрик шаклида планлаштириш иши эрамиздан аввалги V асрда, Херсонес бино бўлаётган вақтларда пайдо бўлган. IV асрда планлаштириш усули кенг қўлланила бошлаган, унгача грек шаҳарлари бетартиб, кўчалари қинғир-қийшиқ бўлган. Херсонесда сопол сув қувурлари бўлган.

Греklarнинг бошқа шаҳарларидаги каби Херсонесда ҳам спорт тараққий қилган. Стригиллар кўп учрайди. Шу нарса муҳимки, Агасиклга бағишланган ёзувда гимнасиарх лавозими стратег ва қоҳин лавозими билан бир қаторга қўйилган.

Херсонесда эрамиздан аввалги II асрга доир кичикроқ хонаки ҳаммомнинг парчинли поли қазиб чиқарилган. Полга рангли чиганоқчалар билан ҳаммомга кирган иккита яланғоч ёш жувон сурати солинган. Бири сочини тўғриламоқда, иккинчиси кўйлагини ечмоқда. Туришлари эркин ва табиий; бу нақшнинг бутун композицияси бизда антик дунё парчинларининг энг яхши намуналари мавжудлигини кўрсатади.

Херсонеснинг бой қабрларидаги заргарлик буюмларининг юксак сифати кишини ҳайратда қолдиради. Шаҳар девори тагидаги IV аср сағанасидан топилган олтин исирға жуда ҳам ажойибдир. Бу сағанадан умуман жуда кўп олтин буюмлар топилди. Исирғанинг юқори қисмида гул сурати ишланган, қуйи қисмида иккита гулдор дарахт, улар тагида кифар чалиб ўлтирган аёл, икки дарахт ўртасида эса қанотли ғалаба маъбудаси тўртта отни ҳайдаб тургани тасвирланган. Исирға бениҳоя нафис ишланган: одам ва отлар тирноқнинг ярмича келмаса ҳам ажойиб тарзда гўзал қилиб моҳирона ишланган. Бундай исирғалар Феодосиядан ҳам топилган. Херсонес танга пулларида кўпроқ Артемида тасвирланган, у маҳаллий маъбуда Дева билан тенг ҳисобланган.

Олвия Буг лиманида, ҳозирги Николаевдан 35 км пастроқда жойлашган. Грекча «олвия» бахтли демакдир. Олвия топилмалари Пантикапей ва Херсонесдан топилган нарсаларга ўхшайди. Олвияда ҳаммадан кўра турар жойлар яхши текширилган. Қамбағал ва бойларнинг бир қанча уйлари очилган. Катта қулдорларнинг уйлари кўп хонали, қатор-қатор устунли ва ичкари, ташқари ҳовлиси бўлган. Кўчалар тўппа-тўғри. Шаҳар эрамиздан аввалги VI асрда — Греция шаҳарларидан олдин планлаштирилган бўлган. Энг катта кўчасининг кенглиги 10 метр, бошқа кўчаларининг кенглиги 3 метр бўлган. Қалъанинг тош деворлари ковлар очилди.

Археология Олвиянинг чегаралари шаҳар гуллаган пайда кенгайиб, тушкунлик вақтида торайиб борганлигини аниқлади. Олвиянинг сиёсий тузуми (қулдорлик демократик респуб-

лика) Херсонес тузумига яқин бўлиб, у ҳам ёзувлар асосида яхши ўрганилган. Олвия тангаларида кўпроқ дельфинга ҳужум қилаётган бургут тасвирланган.

Грек шаҳарлари денгизга бевосита туташган территорияларнигина банд қилган. Шу чегарадан наридаги Қора денгиз бўйининг шимолида маҳаллий аҳоли, ҳар хил қабилалар яшаган; греклар бу қабилаларни ўзларига бўйсундиришга ва эксплуатация қилишга уринган. Қора денгиз бўйи шимолининг тарихи антик дунё маданияти билан маҳаллий маданиятнинг ўзаро мураккаб таъсирида тараққий қилиб борган. Антик давлатларнинг юксак маданий муваффақиятлари кўп жиҳатдан маҳаллий аҳолини шафқатсиз эксплуатация қилиш, қуллар меҳнатини эксплуатация қилишга асосланган.

* * *

Рим истилочилари Қора денгиз соҳилларига нисбатан кечроқ, эрамиздан аввалги I асрда кириб келади. Бу вақтда улар Урта денгиз бўйларидаги мамлакатларни ўзларига асосан бўйсундириб бўлган эдилар. Римнинг сўнгги хавфли рақиби Митридат ўзининг сўнгги бошпанаси Пантикапейда ҳалок бўлгандан кейин, Боспор тахтига кўз олайтирган ҳар хил даввогарларнинг курашлари кўпинча Римдаги граждан урушлари билан боғлиқ эди. (Бу тахт даввогарлари ҳокимият учун кураш олиб бораётган турли Рим партиялари билан иттифоқ тузардилар.) Римликларнинг ўзлари денгизнинг жанубий соҳилларини эгаллаб олганларидан кейин ўша аср ичида шимолӣ соҳилни босиб олишга интилган эмаслар, бироқ шимолӣ соҳилдаги давлатларнинг ўзлари дастлаб иқтисодий жиҳатдан Римга бўйсунушга мажбур бўлганлар. Шимолӣ соҳил подшолари ва шаҳарлари Цезарь вақтидан бошлаб Римнинг талабига мувофиқ қадим замоннинг асосий валютаси бўлган кумуш тангалар зарб қилишдан воз кечишга мажбур бўлганлар. Уша вақтдан бошлаб бутун Қора денгиз бўйида Рим кумуш тангаси муомалага кирган. Олтин ва мис пулларни эса шаҳарлар ўзлари зарб қилаверганлар.

Бизнинг эрамизга яқин Боспор тахтига янги сулола келади. Бу сулолага асос солган Аспург римликлардан мустақил ҳокимиятга эга бўлган-у, бироқ Тиберия вақтида Тиберий ва Юлий деган латин исмларини қабул қилган. Шу вақтдан бошлаб унинг бутун авлоди Тиберий Юлий номи билан аталган (бу номлардан кейин шахсий номлари айтилган). Эрамизнинг IV асригача ва шу асрда ҳам (Боспор подшолиги қулагунча) шундай бўлган. Бундан ташқари, ёзувларда Рим билан бўлган алоқа «Цезарь дўсти, римликлар дўсти» деган унвон билан уқтирилган. Эрамиздан аввалги I асрдаёқ пайдо бўлган ва албатта номига қўшилиб айтиладиган бу подшо унвонлари

ҳам эрамизнинг IV асригача давом этган. Аспург подшолик қила бошлаган замондан буён Боспор тангаларининг бир томонига подшо расми, иккинчи томонига Рим императорининг расми зарб қилинган.

Эрамизнинг I асри ўрталарида Клавдий замонида Рим қўшинлари Қора денгизнинг шимолий соҳилларида пайдо бўлади. Улар ҳатто Азов денгизи орқасида ҳам жанг қиладилар. Шу вақтдан бошлаб Рим гарнизонлари доим Херсонесда, вақт-вақти билан Пантикапейда ҳам турган. Шундай бўлсада, Боспор подшолари ҳукмронликларини сақлаган. Херсонес эса римликлардан қайта-қайта номига эркинлик олган ва шу муносабат билан ўз тангаларида «эркинлик» сўзи зарб қилинган.

Четга чиқариладиган ғалла етиштириш Қора денгиз шимолий соҳили экономикасининг негизи бўлиб қолган. Бу ҳақда аввалгидек ёзувлар ва кўпдан-кўп ғаллахонолар буни тасдиқлайди. Балиқчилик ва виночилик ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Бошқалардан кўра яхши ўрганилган Тиритакадаги тузлаш корхонаси (кўп корхоналардан бири) Рим замонида оиддир. Бу корхона бир йил ичида 13 минг центнер маҳсулот тузлаб беришга мўлжалланган ва унда ками 15 та қул ишлаган. Боспор подшолигида бундай корхоналар эҳтимол кўп бўлгандир. Тиритака ва Мирмекийдан топилган нарсаларга қараганда римликлар вақтида виночиликда пресслар ишлатилган.

Рим авторларидан Витрувий бурама ва ричагли прессларни тилга олади; Боспордан ричагли пресслар топилган. Римнинг бошқа ихтиролари, чунончи: такомиллаштирилган (ғилдираклар, тупроқ қатламини кесадиган кесгич ва тупроқни ағдарадиган ағдарма тиш ва ҳоказо ўрнатилган) плуглар, ўроқ машина, сув тегирмон ва бошқалар Қора денгизнинг шимолий соҳилларида тарқалганини ҳали билмаймиз. Ҳар ҳолда қулдорлик тузуми бундай ихтироларнинг Римда кенг қўлланилишига йўл қўймаган, буни биз юқорида тегирмон мисолида кўрган эдик.

Рим замони киритган ва ҳозиргача аҳамиятини сақлаб келаётган янгилик дераза ойнаси. Дераза ойнаси эрамизнинг I асрида Италияда ихтиро қилиниб, тез вақт ичида мамлакатнинг шимолий областларида жуда кенг тарқалиб кетади ва унга шу областларнинг об-ҳавоси ҳам ёрдам берган. Бундай ойналарнинг қолдиқлари Херсонес ва Пантикапейда Рим замонидаги бинолардан топилган. Антик дунё ойналари бизнинг ҳозирги замон ойналаримиздан қалинроқ бўлган.

Греklarнинг антиқа сопол идишлари қора лок билан қоплангани сингари, Рим замонининг сопол идишлари қизил лок билан қопланган. Уларнинг фарқи локнинг рангидагина эмас. Қора лок билан қопланган идишларга нақш ва суратлар

чизилган бўлса, қизил лок билан қопланган идишларнинг нақш ва суратлари қавартма бўлган.

Қизил лок сурғуч тусида бўлиб жуда пишиқдир. Қавартмаларда кўпинча барглар, мева ёки гуллар тасвирланган, улар бо-



61- расм. Қизил локли идиш. *Олвиядан топилган*

таника жиҳатидан жуда аниқ чизилган. Қизил лок қопланган идишлар ҳамма ерда, шу жумладан Қора денгизнинг шимолий соҳилларида ҳам кейинги эллин даврида пайдо бўлган, рим даврида эса кенг ёйилган. Бундай идишларнинг кўп бўлганлиги туфайли хронологияси ҳам аниқдир.

Спорт рим даврида ҳам антик шаҳарлар ҳаётига хос хусусият бўлиб қолаверган.

Стригиллар Пантикапейдан Херсонес ва бошқа жойлардан ҳам кўп топилади. Херсонесдан эрамизнинг II асрига оид яқин ва узоқ масофага чопишда, кураш, муштлашиш, найза отишда, шунингдек жарчилар, созандалар мусобақаси ва мушоираларда ёлиб чиққанларнинг рўйхати топилган.

Фан ва адабиётнинг тараққий қилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Масалан, Пантикапейдан топилган Зенон ўғли Стратоник қабри устидаги мрамор шундай маълумотлардандир. Олти туроқли шеър билан ёзилган хатда (Пантикапей, Херсонес ва бошқа шаҳарларда олти туроқли шеърлар кўп учрайди) Стратоник ҳақида: «Азиз дўстимиз, келгуси асрлар сенинг мисли йўқ ажойиб донолигингни сен ёзган китоблардан биладилар» дейилган. Унинг китоблари бизнинг давримизгача сақланмаган, шунинг учун Стратоникнинг донолигини билолмадик. Езув билан гул нақшлар тизмаси ўртасидаги иккита қавартма расмда унинг ҳаётидан лавҳалар берилган. Юқорида у қўлига китоб ўрамини ушлаб стол ёнида турибди, стол устида яна тўртта қоғоз ўрамини — китоб ётибди. Стратоник жангчи ҳам бўлган, пастда иккинчи бўртма суратда ханжар ва камон тақиб от устида тургани тасвирланган.

Греklar ва римликларнинг китоблари кўпинча ўрам шаклида бўлган. Улар икки хил материалга: папирус ва пергаментга ёзганлар. Папирус Мисрдан келтирилган, бу материал папирус деган нил ўсимлигидан ишланган. Ўсимлик поясининг ўзи қат-қат бўлиб, қатларга ажралган ва қатламлари думала-



62- расм. Стригил

тиб силлиқланган. Натижада қоғозга ўхшаган сарғишроқ пишиқ нарса ҳосил бўлган. Ёзиш учун ишлатилган материалларнинг иккинчи хили уй ҳайвонлари терисидан ишланган. Бу материал теридан Кичик Осиёдаги Пергам шаҳрида кашф этилмаганда ҳам такомиллаштирилган усулда тайёрланган ва шу сабабдан материал ана шу шаҳар исми билан аталган. Римда ўрам шаклидаги китоблар билан бирга ҳозирги замонкига ўхшаш китоблар пайдо бўлган.

Пантикапейдаги баъзи қабрларнинг мураккаб ва геометрик тўғри безаклари циркуль ишлатилганлигидан дарак беради. Икки дарё оралиғида кашф этилган бу асбоб Греция ва Римда кенг ишлатилиб такомиллаштирилган. Италияда оддий циркулларгина эмас, балки ичи ковак ва учлари қайрилган, ёйсимон букилган яхлит ва ҳатто масштабларни кўпайтириш ва камайтириш учун ишлатиладиган пропорционал циркуллар ҳам топилган. Бу циркулнинг ҳаммаси ҳам ҳозирги замон циркулига жуда ўхшашдир.

Қора денгизнинг шимолий соҳилларидаги бой грек мақбараларида римликлар вақтида ҳам олтин буюмлар кўп бўлган. Эрамизнинг III асрида ўтган подшо Рескупорид III нинг мақбарасини алоҳида айтиб ўтиш керак. Бундаги каттагина олтин маска подшонинг юзини айнан тасвир этган. Улик бошида олтиндан дуб барглари шаклида ишланган чамбарак бўлган.

Қора денгизнинг шимолий соҳилларидаги шаҳарларда эрамизнинг I асрида грекча ёзувлар билан бирга латинча ёзувлар ҳам пайдо бўлган. Латинча ёзувларда кўпроқ жангчилар ҳақида гапирилади ва улар грек шаҳарларида рим гарнизонлари пайдо бўлганлигини кўрсатади. Энг катта гарнизон Херсонесда бўлган. Херсонесдаги латинча ёзувлардан намуналар келтирамиз: «Худоларга ва манларга (манлар — арвоқлар). I Италия легионининг жангчиси Аврелий Виктор 36 йил яшади, 18 йил ҳарбий хизматда бўлди, Валерий Марция — унинг хотини, Валерия Бесса қизи бўлади, яхши хизмат қилгани учун қўйилди». «Энг яхши, энг улуғ Юпитерга, худолар ва маъбудаларга Аврелий Прим, XI Клавдий легионининг арматура талабаси (арматура — ҳарбий мактаб) ўзининг хайри саҳовати учун қўйилди». «Худоларга ва манларга Таврлар (таврлар — ўша замонларда Қрим тоғларида яшаган кичик халқ) ўлдирган врач (бу киши ҳарбий врач бўлган) Публий Ведий Трептга» «Рим сувариси (номи битилган ёзув синиб тушган), XI Клавдий легионининг муваққат бошлиғи, азиз ўғлимга».

Рим легионерлари ўзлари билан рим яроғ-аслаҳаларини ҳам олиб келганлар. Римнинг ўзига хос қиличлари эрамиздан аввалги III асрдан то эрамизнинг III асригача легионларнинг асосий яроғи бўлган. Бу қиличлар рим пиёда сафлари учун жуда қулай келган. Легионлар зич саф тортиб ҳаракат қилганлар ва яқин

туриб бевосита тўқнашилганда душманга зарба берган. Шунинг учун ҳам қисқа ва учли қулай қилич зарур бўлган. Бироқ у чо-пишда ҳам яроқли бўлиши керак эди. Рим қиличи асосан сан-чишга мўлжалланиб ишланган, узунлиги тахминан ярим метр, учи ўткир бўлган. Аммо у чопишга ҳам қулай, кенг ва салмоқ-дор қилиб ишланган. Дастаси суякдан ишланган, дастасининг бо-ши думалоқ; дастаси тўрт бармоқ учун тўрт бўғинли қилиб иш-ланган. Легионерлар қилични ўнг томонга таққан, ҳозир эса қи-личи сўл томонга тақадилар, бу албатта қулайроқдир. Бироқ легионерлар қиличини чап томонга тақа олмаганлар, чап қўлдаги қалқон бунга халақит берган. Қалқон ушламаган рим офицерлар қилични чап томонига таққан.



63- расм.
Рим қи-
личи

Қилич билан бирга ўзига хос улоқтириладиган най-за ҳам легионларнинг асосий қуроллари дан бўлган. Бу найзанинг темир қисми бошқа найзалардан кўра узун — бир метр ҳатто ундан ҳам узунроқ бўлган. Одатдаги найза душманнинг қалқонига қадалиб кир-ганида унинг ёғоч дастасини қилич билан чопиб таш-лаш мумкин бўлса, бу найзанинг ёғоч дастасига қўл етмаган, шунинг учун бундай найза қадалиб кирган қалқонни ташлашдан бошқа илож бўлмаган. Бундай найзалар воситаси билан фалангалар ана шу тариқа парчалаб ташланган (фаланга — қадим кенг қўлла-нилган саф тортиш шакли; жангчилар олдига қалқон тўсиб бамисоли кўчма девор ҳосил қилганлар).

Бургут сурати легионларнинг нишони бўлган. Зо-тан, Римнинг герби ҳам ўша бўлган.

Римликлар уч хил совут, пластинкали совут, танга-ли совут, симтўр совут ишлатганлар.

Рим суворилари узун қилич ва темир қисми қисқа оддий найзалар билан қуроолланганлар. Римликларда оёққа шпор (тепки) ўрнатиш расм бўлган, шпорни эрамиздан аввалги I асрда галлияликлар ихтиро қил-ган. Бизнинг дашларимизда шпорни сарматлар иш-латган. От тақлашни рим суворилари эрамизнинг III асрида кашф этган. Ундан олдин от туёғини ейи-лишдан сақлаш учун унга махсус жилд боғлаб қўй-ганлар, бундай жилдларни аввало мисрликлар ишлатган, улар бу жилдларни пўстлоқдан ясаган. Эрамизга яқин римликлар уларни темирдан, зийнат тариқасида эса кумушдан ҳам ясаган. Бундай жилдлар маҳкам ёдишиб турмаган, албатта, шунинг учун, ниҳоят тақадан кейин жилд ишлатилмай қўйилган, от туёғига тақа михлаб қўйилган. Қора денгизнинг шимолий соҳилларидаги шаҳарларда римликлар яроғи билан бирга кўпроқ сарматлар яроғи ишлатилган.

Римликларнинг Қора денгизнинг шимолий соҳилларидаги ҳарбий лагерлари уларнинг асл турар жойлари, таянч пунктлари

бўлган. Бу лагерлардан ҳозирча фақат биттаси — Ялта ёнида Ай-Тодор бурнидаги лагер қазилган. У Харакс деб аталган. Қримнинг бу қисмида греклар мутлақо бўлмаган, римликлар бу ўлкани босиб олиб, маҳаллий аҳоли — таврларни асоратга солган, қириб ташлаган ёки денгиз соҳилидан четга суриб чиқарган. Лагерда бир неча тош ва гиштдан солинган кичикроқ уйлар, сопол сув қувурлари ва узунлиги 9 м, кенглиги 7,5 м, чуқурлиги 3 м келадиган ҳовуз топилган. Ундаги ёзув бу ҳовузнинг нимфаларга аталиб қазилганлигидан далолат беради. Ҳовуз тагидаги парчиндан полип (денгиз ҳайвони) расми солинган. Қалъа атрофи икки қават тош девор билан ўралган.

Ҳаммом барча рим шаҳарларида бўлгани каби, Харакснинг ҳам асосий иншоотиدير. Ҳар кун ҳаммомда чўмилиш римликларда расм бўлган. Худди ўша вақтда совун кашф этилган, совун бунгача ҳеч ерда истеъмол қилинмаган. Совун ҳайвонлар ёғи билан ўтин кулидан пиширилган. Харакс кичик бир қишлоқ бўлиб, бундаги ҳаммом ҳам катта бўлмаган, бироқ ҳар ҳолда унда махсус ваннахона (бу ерда ванналар топилмаган, лекин бошқа жойлардан топилган ванналардан маълумки, улар шакли билан ҳам, ҳажми билан ҳам ҳозирги замон ванналаридан фарқ қилмайди) иссиқ даҳлизи — иссиқхонаси билан буғхона ва ҳожатхоналари бўлган; ечинадиган хонаси ҳам ковлаб очилган, бу ерда тошдан ясалган скамейкалари бўлган. Хараксдаги ҳаммом рим ҳаммомлари сингари пол тагидаги сопол қувурлардан иссиқ ҳаво юргизиб иситилган. Иссиқ ҳаво ертўладаги ўтхонадан берилган. Ҳаммомнинг деворлари ораларига гишт терилиб, майдаланган черепица қистирилиб оҳак қоришмаси билан тошдан ясалган. Римликлар бинокорликда бу усулдан кенг фойдаланганлар.

Хараксда аёлларнинг кўпгина зеб-зийнат буюмлари топилган. Қалъада фақат жангчиларгина эмас, аёллар ҳам доим яшаган. Зеб-зийнат буюмларининг кўпи бронзадан ясалган, олтин буюмлар ҳам бор. Бронзадан ишланган медицина асбоблари: зонд, пичоқча, нафис қилиб ишланган махсус қошиқлар бор. Медицина асбоблари умуман римликлар яшаган жойлардан доим топилиб туради. Қўл тегирмонининг думалоқ тошлари учрайди. Манжанақлардан отиш учун ишлатилган муштдай палақмон тошлар кўплаб топилди.

Греклар билан римликлар ҳар хил хатлар битиш учун мум билан қопланган тахталар ишлатганлар. Мумни махсус асбоб — суяк ёки металлдан ясалган учи ўткир стил билан тирнаб ёзганлар. «Стиль» (услуг) деган абстракт тушунча ана шундан ҳосил бўлган; бу ибора қадим замондаёқ адабий услубни (масалан, ҳозирги «ўткир перо», «бўш перо», «яхши перо» дегандай) билдирган, аммо бизнинг замонимизда унга янада кенгроқ маъно берилган. Стилнинг тўмтоқ боши куракчасимон, шарсимон ёки қарағай ёнғоғисимон қилиб ишланган. Унинг ана

шу тўмтоқ боши билан ёзувни ўчирганлар. Хараксдан бир қанча стиль топилган.

Танга пуллар Хараксга қачон асос солинганлиги ва уни қачон йўқ қилинганлигини аниқлашга ёрдам беради. Энг қадимги тангалар Веспасианга тегишлидир. Бу императорнинг тангалари жуда кўп, сўнгра беистисно, бошқа ҳамма императорларнинг тангалари бор. Шу тариқа Харакс (таврларнинг кичикроқ турар жойлари ўрнашган жойда бўлса керак) эрамизнинг I асрида Веспасиан томонидан барпо этилган. Харакс тангаларида тасвирланган бир қанча императорлар III асрнинг ўрталарида бирданига Гордиан билан тамом бўлади. Шу вақтда қалъа тугатилган бўлса керак. Унинг ёнидаги қабрда IV асрга оид Рим тангалари билан антик дунё охирларига оид буюмлар топилган. Бироқ буюмлар римликларга эмас, балки маълум даражада римликлар таъсирига тушган таврларга мансубдир.

Харакс гишталари ва черепицаларидаги тамгалар алоҳида аҳамиятга эга. Бу тамгалар уч хил бўлиб, ҳарбий оккупациянинг уч даврини акс эттиради. Биринчи хил тамгаларда: «Жамоат ҳисобига яшовчи равенн флотининг муваққат отряди» деб ёзилган. Бу отряддаги матрослар I асрда Флавиялар вақтидаги Харакс гарнизонини ташкил этган. Иккинчи хил тамгаларда: «I Италия легиони» дейилган. Бу легион қисмлари II асрда шу ерда бўлган. Учинчи хил тамгаларда эса «XI Клавдий легиони» дейилган. Унинг қисмлари II аср охирлари ва III аср бошларида бу ерда турган.

Рим тангалари Европа, Осиё ва Африкада, жумладан, бизнинг мамлакатимиз территориясида ҳам жуда кўп учрайди. Бу тангалар эрамизнинг I—III асрларида ғоят кўп тарқалган. Хоҳ олтин, хоҳ кумуш ёки мис бўлсин, бари бир, ҳамма тангаларнинг бир томонида император расми, иккинчи томонида эса гоҳ ғалабани, гоҳ сулҳ, гоҳ мўл-кўллик, гоҳ истило, гоҳ раҳм-шафқат шу кабиларни ифодаловчи мажозий расмлар зарб қилинган. Баъзи тангаларда ҳар хил ҳайкаллар, бинолар, яроғ-аслаҳа ҳайвонлар ва шу кабиларнинг расмлари учрайди. Тангаларнинг олд томонидаги суратлар жуда зўр маҳорат билан ишланган. Эрамизнинг I ва II асридаги тангаларда зарб қилинган бу расмларни ўша замоннинг ва бизгача сақланиб қолган мрамор ҳайкаллари билан солиштириш мумкин. III асрдаги кўпчилик императорларнинг расми фақат тангаларда сақланган. Бунда императорнинг фахрий титули тўла ёзилган ва императорнинг подшолик сурган йил ҳисобига қараб танганинг қайси йили зарб қилинганлигини ҳисоблаб чиқариш мумкин. Кумуш тангалар асосий пул ҳисобланиб, уларни зарб қилиш ҳуқуқи, юқорида айтилганидек, империя монополиясида бўлган. Римнинг тангалари — динорлар жуда кўп миқдорда зарб қилинган. Рим пуллари СССР территориясида Қора денгиз соҳилларидагина эмас, балки Ўрта Днепр ва Қуйи Волга соҳилларида ҳам топилади.

КАВКАЗДАГИ ҚУЛДОРЛИК ВА ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАР

Темир даври бошларида Кавказ Урарту қулдорлик подшолигининг сиёсий ва маданий гегемонлиги остида яшаган. Бу подшоликнинг дастлабки марказлари СССР доирасидан ташқарида Ван кўли бўйида бўлган. Бироқ ҳозирги Арманистон ва Жанубий Грузиянинг каттагина қисми Урартунинг асосий территориясига кирган. Урарту подшолари шимолга томон силжиб бориб Севан кўлигача етган ва ҳозирги Арманистон территориясида ўз қалъаларини қурган. Бу қалъалар маҳаллий аҳолини ҳайдаб кетиб қулга айлантирган қулдорларнинг таянч пунктлари бўлган. Бу ҳақда Урарту подшолари миҳсимон хатларида ёзиб қолдирган; масалан, «Худо Халдининг қудрати билан Аргишти ўғли Сардур айтаманким, мен Тулиху шаҳрини, Луех ўғли Циналибининг подшолик шаҳрини олдим, подшони, эркак ва аёлларни ҳайдаб кетдим». Бу сўзлар эрамиздан аввалги VIII асрда Севан кўли бўйидаги қояга ўйилган. Давлатнинг марказида, яъни Ван кўли бўйида, қояга ўйилган бошқа бир ёзувда ўша подшонинг ўзи Кавказда қилинган ҳарбий юришларидан бирини яқунлаб: «унда мен 6436 эркак олдим, 15553 аёлни ҳайдаб кетдим, жами 21989 киши» дейилган.

Урартунинг жанубий қисмида чегарамиздан ташқаридаги қадимги ёдгорликлар археология жиҳатдан кам ўрганилган. СССР да археологлар бу давлат тарихига доир жуда қимматли материалларни топди.

Урарту маданияти ҳаммадан кўра Ереван шаҳрига яқин Кармирблур тепалигида ўтказилган қазилмалар натижасида ўрганилган. Бу қадимий шаҳар Урарту давлатига қарашли Тейшебаини шаҳри ва қалъасининг харобаларидан иборат; шаҳар номи бронза эшик қулфидаги миҳсимон хатдан аниқланди. Қулфга «Аргишти ўғли Русанин Тейшебаини шаҳар қалъаси (аслаҳахонаси)» деб ёзилган.

Бу қалъани эрамиздан аввалги VII асрда подшо Руса қурдирган. Шаҳар ўртасида жойлашган бу қалъа ичида подшо ноинининг саройи бўлган, атрофида бир хил тош уйлардан иборат шаҳар маҳаллалари жойлашган. Шуниси диққатга сазоворки,

уйларда моляхоналар ҳам, ғалла омборлари ҳам ва бошқа хўжалик бинолари ҳам йўқ (барча мамлакатлардаги кўпчилик шаҳарлардан ва Закавказьедаги энг кейин барпо бўлган шаҳарлардан шуниси билан фарқ қилади). Тейшебаинида озиқ-овқат ва уй-жойини ҳукуматдан олиб турган ҳарбийлар, амалдорлар ва ҳунармандлар яшаган бўлса керак.

Қазишмалар асосан ноибнинг саройида ўтказилди. Бу бино бошқа хусусий бинолардан фарқ қилиб, хом ғиштдан ишланган ва унинг юздан ортиқ хонаси бўлган. Деворларининг қалинлиги 3,5 м келади. Бундай катта бинолар одатда қадимги Шарқда қурилган. Сарой тепалик устига зинапоёга ўхшатиб солинган; бу хилда солинган кўп қаватли бинолар Осур-Бобил ва Урарту архитектурасига хосдир.

Асосан саройнинг омборхоналари қазилди. Ундан жуда кўп бўғдой, арпа, тарик ва кунжут донлари, узум ва анор уруғлари топилди. Урарту хўжалигида деҳқончилик асосий ўрин тутган. Бир қанча темир ўроқ топилди. Ичига похол сузгичлар солинган ва пиво пишириш учун ишлатиладиган махсус идишлар қазиб олинди. Махсус омборхонада вино сақланган. У ерда 1500 литрли катта вино идишлари бўлган. Идишларнинг ҳаммасига Урарту ўлчовларида қанча вино сиғиши ёзиб қўйилган.

Саройдан топилган буюмларга қараганда Урарту подшолигида шаҳар ҳунармандлиги юксак даражада ривожланган. Металлдан хилма-хил буюмлар ясалган. Сопол буюмлар кулолчилик чархида ишланган. Яроғлардан темир қиличлар кўп учрайди, улар кўринишда Кавказнинг бронза қиличларига жуда ўхшайди.

Бронзадан ишланган бир неча дубулға бўлиб, улардан иккитаси Урарту санъатининг ажойиб асаридир. Дубулғалардан бирининг пастида «Аргишти ўғли Сардур эгам, худо Халдига ҳаёт учун туҳфа қилдим» деб ёзилган. Бу подшо эрамиздан аввалги VIII асрда, Тейшебаини барпо қилингунча яшаган, дубулға эса бу ерга бирмунча қадимий шаҳардан келтирилган бўлса керак. Дубулғага жуда кўп сурат солинган. Олдинда бир қатор муқаддас дарахтлар турибди, ҳар бир дарахтни шохли дубулға кийган худолар ўраб олган, Урарту аскарлари: суворилар ва жанг аравалар минганларнинг суратлари бор. Бу жанг аравалар умуман қадимги Шарқ давлатлари қўшинларининг асосий ядроси ва зарбдор кучини ташкил этган. Дубулғаниннг иккинчиси подшо Аргиштиники бўлган.

Подшо Сардур ёзувлари бронза ўқдонларда ҳам бор. Бу ўқдонлар суворилар ва жанг араваларнинг расмлари билан безатилган. Бундаги цилиндрик муҳр Икки дарё оралиғи билан алоқа бўлганлигидан далолат беради. Бобилликлар, осурийлар ва Олд Осиёда яшаган бошқа халқлар бундай муҳрлардан кенг фойдаланган. Унинг цилиндр шаклидаги сиртига ҳар хил расмлар ўйган, маълум комбинациядаги бу расмлар муҳр этгасининг шахсий белгиси бўлган. Цилиндрни гил устидан юмалатиб расм-

ларнинг изи туширилган, муҳрнинг ҳужжат ёки ёзувдаги ана шу изи имзо ўрнида юрган.

Тейшебаинида Осур муҳрларидагига ўхшаш мифология манзаралари тасвирланган бир қанча тош ва сопол муҳрлар топилди. Тейшебаинида ҳўжалик ҳисоботи ҳужжатлари топилди. Устига ёзилган сопол лавҳалар эрамиздан олдинги III—I минг йилликларда Икки дарё оралиги ва унинг атрофидаги мамлакатларга хосдир. Юмшоқ лойга чўп билан ёзиб, сўнгра уни пиширганлар ва у хат билан бирга қотиб қолган. Ёзувларнинг ҳаммаси миҳхат усулида ёзилган. Икки дарё оралигидан келган ёзувни урартуликлар ўз тилларига мослаб олган.

Қавказда темир эрамиздан аввалги I минг йилликда кенг кўламда ишлатила бошлаган ва буни урартуликлар ёйган. Кавказ қабрларидан топилаётган ўша даврдаги темир буюмларнинг ҳаммаси урартуликларда расм бўлган темир буюмларга ўхшайди. Дастлаб бу янги материалдан яроғлар ва ҳаммадан олдин найза ҳамда ханжарлар, сўнгра меҳнат қуроллари ясай бошлаганлар. Бой маҳаллий хом ашёси

асосида ишлаб чиқариладиган бронза буюмлар бир неча аср давомида темир буюмлар билан рақобат қилиб келган.

Урартуликларнинг маданий меросларини кейинчалик қадимги арманлар, шунингдек грузинларнинг авлод-аждодлари бўлган иберлар ва колхлар эгаллаб олган.

Эрамиздан аввалги VII асрда скифларнинг Осур давлатига етказган ҳалокатли зарбаси Осур билан рақобатда бўлиб келган Урартуни мидияликлар томонидан вайрон қилинишига ёрдам берган. VI аср бошларида мидияликлар ва шимолдаги душманларнинг зарбаси остида Урарту тамомила қулаган. Урартуликлар асоратидаги Закавказье қабилалари Урартуни қулатишда скифларга иттифоқдош бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Бизга ёзма манбалардан маълум бўлган ҳолат, яъни бу воқеаларда скифларнинг роли археология томонидан ҳам тасдиқланиши мумкин. Тейшебаинини қазिश вақтида қалъа деворларига ташқари томондан қадалиб кирган скиф бронза найзалари топилди. Уларнинг баъзилари гўшгга урилиб букилган, баъзилари синиб қолган, битта найза деворнинг лой шuvoқ қатламига кириб қолган.

Топилган ҳамма буюмларга қараб ҳукм қилганда, Тейшебаини эрамиздан аввалги VI аср бошларида тамомила қулаган.



64- расм. Сардур дубулгасидаги расмлар. Тейшебаинидан топилган

Шимолий Кавказда олиб борилган археологик қазилмалардан скифларнинг (ёки маданий жиҳатдан скифларга яқин халқларнинг) даштдаги қабрлари билан тоғлардаги кобан типидagi қабрлар ўртасида ўзаро маҳкам алоқа борлиги маълум бўлди (кобан типидagi қабрлар эса бронза даврининг охиригагина эмас, балки илк темир даврига ҳам хосдир). Бир томондан, кобанликлардаги дафн маросимлари, сопол идишлардаги нақшлар ва аёлларнинг зеб-зийнат буюмлари Кавказ олди даштларида яшаган қабилалар орасида тарқалган. Иккинчи томондан, кобанликларда скифларнинг ўқлари расм бўлган ва уларда скифларнинг ҳайвон расмлари солиш услуби учрайди. Даштликлар билан тоғликлар ўртасида бу вақтда мустаҳкам маданий алоқа бўлган.

Даштликларнинг ҳам, тоғликларнинг ҳам ҳўжалигида чорвачилик асосий ўрин тутган, аммо қадимги Шимолий Кавказдаги аҳоли яшаган жойларнинг яхши ўрганилмаганлиги, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тузумини аниқлашга имкон бермаяпти. Ҳар ҳолда бу ерларнинг турар жойлардаги қалин маданий қатламлар аҳолининг муҳим ўтроқ бўлиб яшаганлигини кўрсатади. Чорвачилик бу ерда кўчманчилик йўли билан олиб борилмаган, деҳқончилик ҳам ривожланган. Шу билан бирга баланд тоғ яйловлари ўзлаштирилган. Тоғликлар ёзда қўйларини ўша яйловларга ҳайдаганлар. Бу узоқ давринг (қўлда ясаб пиширилган) сопол идишлари одамлар доимо яшати мумкин бўлмаган тоғ ўтлоқларида учрайди.

Шимолий Кавказ қабрларидан топилган илк темир даврининг буюмлари мулкый тенгсизлик бўлганлигини кўрсатади. Кейингироқ вақтларга доир қабрларда бу тенгсизлик яққолроқ кўрина боради, бироқ у уруғчилик тузуми доирасидан четга чиқмаган.

Ҳарбий-Грузия йўлидан топилган ва эраמידан аввалги VI—V асрларга мансуб бўлган Қазбек хазинаси деб аталадиган хазина уруғ зодагонлари тўплаган бойликнинг яққол гувоҳидир. Бу хазинадан буюларнинг каттагина ҳайкаллари, от ва қўй боши расмлари, катта-катта кийим илгалар, ҳасса бошлари, қилич соплари ва бошқалар чиққан. Булар ичида энг машҳури кумуш қадаҳ бўлиб, унинг сиртига оққуш бошига ўхшатиб нақш солинган ва орамей тилида «Қабир» деб ёзиб қўйилган (қадаҳ эгасининг номи бўлса эҳтимол). Бу буюмларнинг ҳаммаси шу ердаги зиёратгоҳга олиб келинган назрлардир. Бу буюмлар бронза занжир билан боғланиб ерга кўмилган, уларни шу нарсаларнинг эгаси коҳин кўмган бўлса керак.

Эраמידан аввалги I минг йиллик ўрталарида кобан қабилалари Шимолий Кавказ текисликларини ишга сола бошлаганлар. Тоғ чорвачилигини ривожлантириш имконияти тугаб қолган бўлса керак. Бироқ бундан кейин бу текисликнинг кўп қисмига скиф ва сарматларга қардош қабилалар кўчиб келган.

Ҳарбий Грузияда, Колхидада эраמידан аввалги VI асрда танга пуллар зарб қилина бошлаганига қараганда, эҳтимол син-

фий жамият мавжуд бўлган. Бу мамлакатда колхидка деб ата-
ладиган тангалар хазиналар тарзида кўп учрайди. Тангаларда
ҳеч қандай ёзувлар бўлмаганлигидан уларни аниқлаб бўлмайди.
Баъзи тангаларда грек ҳарфлари учрайди. Колхидкаларда ода-
да аёл боши ёки арслон боши, ё бўлмаса ҳўкиз боши зарб қилин-
ган. Эрамизнинг бошига келиб колхидкалар муомаладан чиқиб
кетган. Бу колхидкалар илк темир даврида Кавказнинг Қора
денгиз соҳилларида, яъни антик дунё билан азалдан алоқада
бўлган Колхидада қулдорлик жамияти ва давлат тараққий қил-
ганлигини тахмин қилишга имкон беради. (Колхиданинг олтин
юнгли кўчқори ва аргонавтлар тўғрисида бундан ҳам қадимги-
роқ замонларга хос грек ҳикояларини эсга олинг.) Ахалгори
(Шарқий Грузия) да ер ишлари вақтида эрамиздан аввалги I
минг йиллик ўрталаридаги ғоят бой қабр топилди. Бу аёл қаб-
ридан чиққан буюмлар нотўғри аталган Ахалгори хазинаси номи
билан машҳурдир.

У ерда топилган олтин жевакка уланган иккита олтин от ҳай-
калчаси ахмонийлар Эроннинг архитектурасидаги қавартма ҳай-
вонларнинг расмларини эслатади. Уша вақтда Эрон жаҳоннинг
ғоят катта давлати ҳисобланган ва Кавказ Эрон билан яқиндан
алоқада бўлган. От эгар-жабдуғининг олтиндан ясалган детал-
лари ўша қабрдан топилган темир эгар-жабдуғини худди нус-
хасидир. Кумуш идишлар грек классик шаклларига хос қаварт-
ма расмлар, учи бўртиб чиққан доира ва уч баргли нилуфарлар
билан қопланган. Бу вақтда бундай безаклар грек шаҳарларида
шу жумладан Кавказ билан яқин алоқада бўлган Боспор подшо-
лиги шаҳарларида ҳам кенг тарқалган. Олтин маржонлар шода-
сига тақилган олтин қурбақа ҳайкалчалари кишиларнинг қур-
бақага сиғинганликларини кўрсатади; бунинг қолдиқлари
Кавказнинг баъзи жойларида сўнгги вақтларгача сақланиб кел-
ган. Ахалгоридан олтиннинг жуда кўп бўлиши скифлар қабрини
эслатади ва ҳукмдор зодагонларнинг катта бойлик — хазина тўп-
лаганлигидан далолат беради. Бу вақтда Шарқий Грузияда қул-
дорлик жамияти мавжуд бўлган деб фараз қилиш эҳтимолдан
узоқ эмас. Ҳар ҳолда рим даврига келганда бу ерда қулдорлик
жамияти пайдо бўлганлиги шубҳасиздир.

Шарқий Грузия — Ибер подшолигининг бу вақтдаги пойтах-
ти Армази шаҳри Кура билан Арагви дарёлари қўшилган жойда,
Тбилисидан 20 км юқорироқ жойлашган. Тепасидан бутун водий
кўриниб турган қалъа деворлари ва бурчлари қазилди. Қалъа
этагида шаҳар маҳаллалари ва саккиз устунли зали бўлган ғоят
кенг қаср харобалари топилди.

Қазишмалар шаҳарни эрамиздан аввалги IV асрда пайдо бў-
либ, ўрта асрлар бошида тугаганлигини аниқлади. Бу дарёлар
қўшилган жойда одамлар қадимдан яшаган ва у катта аҳамиятга
эга бўлган. Бу ерга яқин жойда Кавказдаги энг катта Самтавро
қабристони жойлашган, бу қабристонга эрамиздан аввалги II

миңг йилликдан бошлаб эрамизнинг VIII асригача ўликлар дафн этилган. Бу ердаги энг илк қабрлардан бронза яроғлар топилмоқда, қабрларнинг асосий кўпчилиги Армази равнақ топган даврга оид бўлиб, улар кундан-кун рим тангалари билан саналади. Бу ерда олтин зеб-зийнат буюмлар, шунингдек темир яроғлар тез-тез учраб туради. Бу ердаги қабрларга қулдорлар синфининг оддий намояндалари кўмилган бўлса керак.

Ибер подшолари римликлар билан иттифоқ бўлганлар. Армазида эрамиздан аввалги I асрда Рим императорлари Веспасиан билан Тит томонидан тузилган грекча ёзув топилган. Бу ёзувда улар «Цезарнинг дўсти ва римликлар дўсти» ибер подшосига ҳамда ибер халқига деворларини мустақамлашни буюрганликлари баён қилинган. Армази ёнида ўтказилган қазималарда рим типигаги, пол тагидан ёқиладиган ва иссиқ сув юрадиган қувурлар ўтказилган ҳаммом харобалари топилган. Бу подшо ва ҳокимларнинг шаҳар ташқарисидagi саройлари олдидаги ҳаммом бўлган.

Ҳаммом ёнида эрамизнинг I—IV асрларига оид ғоят бой қабристон топилган. Бу ерда Ибер подшолигининг олий мансабдорлари — питиахшлар кўмилган. Улар тош сарқафолар ичига солинган, почалари кумуш сартахталарда ётибди. Уликларнинг номлари ва суратлари грек ҳарфлари билан ўйма тошларга ҳамда кумуш идишларга ўйилган.

Икки тилда, яъни грекча ва маҳаллий тилда ёзилган тобут тоши топилган, бироқ бу ёзувнинг характери унча аниқ эмас: «Мен — Серафита, подшо Фарсман қўлидаги кичик питиахш Зевахнинг қизиман, кўп галабалар қозонган Агриппа ўғли сарой ҳукмдори подшо Хсефарнуг, сарой ҳукмдори подшо Фарсман ихтиёридаги ғолиб Иодмангнинг хотиниман. Алам, фарёд сенга, ёш эдинг-а. Шу қадар яхши ва гўзал эдингки, гўзалликда танҳо эдинг. Эссиз, йигирма бирга кирганингда вафот эттинг». Бу ердаги икки тилда ёзилган ёзув (билингва) илгари топилган, бироқ бу ёзув топилгунча ўқиш мумкин бўлмаган ёзувларни ҳам ўқишга имкон берди.

Питиахшларнинг қабрларидан топилган буюмлардан муқаддас от суратлари чизилган иккита кумуш идиш машҳур. Бундай идишнинг учинчиси Грузиянинг бошқа бир жойидан топилган эди. Бу идишда питиахшлардан бирининг ёзуви бор. Бу суратларда устига иккита олма ва битта қарағай ёнғоғи қўйилган алтар (меҳроб) олдида от турибди. Питиахшлар қабристонидagi кумуш идиш Римдаги тантана идишларидаги сингари эркак кишининг сурати билан безатилган.

Питиахшларнинг мақбараларидан қимматбаҳо тошлар қадаб безатилган кўпгина олтин зеб-зийнат буюмлар (исирга, гажак, жевак, чўлпи, камарлар) топилди. Бу вақтда бундай қадама нақшлар Шарқий Европада сарматларда кенг тарқалган. Питиахшлар қабристонининг Армази шаҳрига алоқадор эканлиги

шаҳарнинг ўзида ана шу хил жуда бой қабр топилганлиги билан исбот этилди. Бу қабрда ўлик ётган сартахта кумушдан ясалган фил суратлари билан безатилган.

Армазида олиб борилган қазишмалар эрамизнинг биринчи асрларида Грузиянинг маданий равақидан далолат беради. Қадимий Грузия ҳақида, афсуски, мунтазам археологик маълумотларга ҳали эга эмасмиз.

Римликлар Қора денгизнинг шарқий соҳилларини ўзларига бўйсундиргандан кейин истилоларини шарқ томон кенгайтириб бормаган, улар маҳаллий қабилаларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келиб, арман ва ибер подшоларини номигагина бўйсундириш билан чегараланганлар. Бироқ римликлар олисроқ жойларга ҳам юриш қилганлар. Энг олисга қилинган бир юриш яқиндагина бизга маълум бўлди.

Озарбайжонда, Бокудан 70 км жанубда ва Каспий денгизидан 4 км келадиган жойда латинча бир ёзув топилди. Унда бундай дейилган: «Император Домициан Цезарь Август Германик замонида, Люций Юлий Максим, XII Яшиндан тез легион центуриони». Шу тариқа римликлар эрамизнинг I асри охирида Каспий денгизигача етиб борган.

Озарбайжонда асосий қазишмалар Кура дарёси бўйида Мингечаурда ўтказилди. Бу ерда эрамиздан аввалги II минг йиллик охиридан тортиб эрамизнинг I минг йиллиги ўрталаригача ўтган турли даврларга оид қабристонлар топилди. Қазишмалар натижасида бирининг ўрнини иккинчиси олган дафн маросимлари, аёлларнинг зеб-зийнат буюмлари, сопол буюмлар ва бошқаларнинг хронологияси батафсил аниқланди. Бу Озарбайжон археологиясини янада ўрганиб бориш учун зарур хронология шкаласини тузишга имкон беради, бироқ бу ердан топилган материаллар тарихий хулосалар чиқариш учун кифоя қилмайди.

Биз Озарбайжоннинг аввалда қулдор Мидия подшолиги қўл остида бу подшоликнинг шимолий қисмини ташкил қилганлигини ва кейинчалик бутун Мидия билан бирликда Эрон ҳукмронлигига бўйсунганини ёзма манбалардангина биламиз. Бироқ мамлакатнинг шимолий вилоятларига бу гапларнинг алоқаси йўқ, у вилоятлар узоқ вақтларгача мустақил бўлиб қолаверганлар. Қулаб кетган Мидия маданияти эрамиздан аввалги IV асрдан эрамиз IV асригача Озарбайжонда яшаб келган Албания давлатининг аҳолиси эгаллаган. Асосий Мингечаур қабрларидан топилган буюмлар Албанияда темирчилик, кулоллик ва заргарлик касбларининг ривож топганлигидан ҳамда социал табақаланиш бирмунча



65- расм. Кумуш идиш.
Армазидан топилган

сезиларлик бўлганлигидан далолат беради. Кумуш қадамалар билан нақшланган тош идишлар эътиборга лойиқ ва ўзига хос бир ҳолдир. Антик дунё Арменистони ҳам текширилган. Эллил ва рим даврида Арменистонда гуллаб-яшнаган катта-катта шаҳарлар бўлган, бироқ бу шаҳарлар кейинги йиллардагина текширила бошлади. Масалан, Гарни қалъасини текшириш муваффақиятли давом этмоқда.

Эрамиздан аввалги II ва I асрларда сиёсий мустақилликни қўлга киритган арман подшолари зарб қилган танга пуллардан озгинаси бизнинг замонимизгача етиб келган. Тангаларда бу подшоларнинг сурати зарб қилинган, исмлари грекча ёзилган. Кейин Арменистон Рим ҳукмдорлигини тан олишга мажбур бўлган ва эрамизнинг I асрида арман тангалари ўрнини рим тангалари олган. Эрамизнинг III асрида Эрон танга пуллари ҳам Арменистонда муомалага кирган. Бу вақтда Арменистоннинг ўз пули бўлмаган. Арменистоннинг баъзи жойларидаги тош терилган йўллар ҳозиргача сақланган.

Кавказнинг ўрта аср ёдгорликлари мунтазам текширилмаган, шунинг учун бу даврни мунтазам баён қилиб ҳам бўлмайди. Бу территориянинг ўрта асрлардаги тарихи ҳозиргача асосан ёзма манбалар асосида ёзиб келинмоқда. Бу даврда Закавказье хўжалиги чинакам феодал хўжалик бўлган, афсуски, бу хўжалик археологик жиҳатидан жуда кам текширилган. Ўрта асрлардаги Закавказье шаҳарлари юксак маданий марказлардан иборат бўлган. Бироқ бу шаҳарлар кам қазилган, қазилмаларнинг натижаси таҳлил ва нашр қилинмаган. Закавказьеда христиан ва ислом дини тарқалганлиги сабабли ўрта аср қабрларида ҳеч қандай буюмлар қўйилмаган.

Грузия подшоларининг энг қадимги танга пуллари эрамизнинг VI—VII асрларига оиддир. Бу тангалардаги ёзувлар грузинчадир. VII аср охирида бу мамлакатни араблар босиб олган ва шу вақтдан бошлаб то X асргача бу ерда фақат араб пуллари муомалада бўлган. X ва XI асрларда Грузия подшолари араблар ва салжук туркларига қарши курашда бир қанча муваффақиятларни қўлга киритган. Улар ўз танга пулларини зарб қилганлар, даставвал бу тангалардаги ёзувлар ҳам грузинча, ҳам арабча ёзилган. XI аср бошларида мамлакат мустақилликка эришгандан кейин фақат грузинча ёзувли пуллар пайдо бўлган. XII—XIII асрларда баъзан яна икки хил (грузин ва арабча ёзувли) пуллар зарб қилинган бўлса-да, текстлар христианча бўлган. Шарқ билан савдо алоқаларни осонлаштириш мақсадида танга пуллар икки тилда зарб қилинган.

XIII асрда Грузияни мўғуллар истило қилган. Шу вақтдан бошлаб XV аср охиригача бу ерда кўпинча мамлакат қайси хонга тобе бўлса, ўша хоннинг пуллари зарб қилинган. Баъзан грузин тангалари зарб қилинса-да, улар узоқ вақт муомалада бўлмаган ва уларда ҳам хонларнинг номлари ёзилган.

Адирларда ва тоғ тепаларида ўрта асрларда тошдан бино қилинган қасрларнинг харобалари ҳозир ҳам Грузиянинг ўтмишдаги феодал тарқоқлигини эслатиб туради. Ўрта аср грузин шаҳарларидан бири, Тбилисининг жануби-ғарбида жойлашган Дманиси шаҳри қазилди. У ерда танга пуллар билан саналанган икки қатлам текширилди. Қуйи қатлам XI—XII асрларга, грузин маданияти гуллаб-яшнаган замонга, юқори қатлам эса XIII—XIV асрларга, мўғуллар ҳукмронлиги замониغا оиддир.

Грузинларнинг бошқа шаҳарлари сингари, Дманисини ҳам, XIV аср охирида Темур вайрон қилган. Шаҳар деворлари ва шаҳарлардаги уйларнинг деярли ҳаммаси шу ердаги базальт тошдан бино қилинган. Пол тагидан ёқиладиган ва иссиқ сув бериш учун қувурлар ўрнатилган ҳаммом ковлаб очилди. Шаҳар ёнидаги мусулмон ва христианларнинг қабристонлари текширилди. Ҳар икки дин аҳли шаҳарда бир даврда яшаган. Шаҳар қатламларида турли бўёқда ишланган ҳайвон суратлари ва нақшдор кўпгина сирли сопол идишлар топилган. XI—XIII асрлардаги Грузияга, шунингдек Русьга ҳам хос бўлган турли рангдаги шиша билагузуклар кўп учрайди. Виночилик хўжаликнинг асосий тури бўлган бўлса керак. Вино сақлайдиган жуда кўп ер тўлалар топилди.

Кутаиси атрофидаги қадимги Гелати монастирида XII аср бошидаги академия харобалари жойлашган; бу академияни Грузияни бирлаштирган Давид Бинокор таъсис қилган. Гелатида фалсафа, математика ва бошқа фанлар ўқитилган. Қазилган жойдан ўқувчилар ўтирадиган тош курсилар ва мударрис ўтирадиган тош минбар ўрнатилган асосий хона очилди.

Грузиядаги кўпгина ўрта аср черковлари ўйиб гул солинган тошлар билан безатилган. Бу ердаги қавартма расмларнинг марказий қисмларида ҳар хил черков сюжетлари берилган. Улар турли рангдаги тасмалар билан ўраб олинган, бу тасмалар ичида баъзан турли ҳайвонларнинг хаёлий суратлари солинган, бироқ геометрик ва, айниқса, ўрилган ўсимлик нақшлар кўпроқ. Мўғуллар вайрон қилгандан кейин бундай қавартма расмлар солиш барҳам топган. Бўртма нақшлар арман черковларида ҳам бор, улар кўпроқ Совет Арманистонидан ташқаридаги черковлардадир.

Грузинларнинг ўрта асрлардаги бадий касб-корлик асарларидан энг машҳури сир (эмаль) Византия билан Русьда ҳам бўлган (сирлар тўғрисидаги тафсилотни «XI—XIII асрлардаги Русь» деган бобдан қаранг). Грузин сирлари ранглирининг ёрқинлиги билан бошқалардан фарқ қилади, одамларнинг юзлари қизғиш вино рангда берилган. Бу ҳунар X—XV асрларда ғоят тараққий топган, бироқ мамлакатни Темур вайрон қилганидан кейин тушкунликка юз тутган.

Умуман Темур Грузияга мўғуллардан кўра қаттиқроқ зиён келтирган. Грузиянинг XIII асрдаги иморатларига қараб ҳукм қи-

линганди мўғулларнинг бу асрда Русь ва Ўрта Осиёдаги вайроналикларга нисбатан Грузиядаги вайроналиклар унча ҳалокатли бўлмаган. Аммо XIV аср охирида фалокат юз берган ва маданий тараққиёт узоқ вақтларгача таққа тўхтаб қолган.

Араблар Озарбайжонни VII аср охирида Грузия ва Арманистон билан бир вақтда истило қилган. Грузия билан Арманистонда христианлик сақланиб қолган бўлса, Озарбайжоннинг ҳамма ерида ислом дини христиан динини сиқиб чиқарган. Араблар озарбайжонда ҳукмронлик қилганларида катта-катта шаҳарлар қад кўтарганлиги асосан ёзма манбалардан маълум. Бу шаҳарларнинг энг каттаси Бердахдир. Бу шаҳарларда VIII ва IX асрларда халифалар номидан зарб қилинган, X асрда ва ундан кейин эса маҳаллий ҳукмдорлар зарб қилган кўпгина танга пуллар бизгача етиб келган.

X асрда Озарбайжон бир қанча кичик-кичик амирликларга бўлиниб кетган. Бу амирликларнинг тангалари Ўрта Осиё тангалари билан бирликда (гарчи булардан камроқ бўлса ҳам) шарқий Европа хазиналарида учрайди. Шу хазиналарга қараб ҳукм қилинганда, Руснинг Ўрта Осиё билан бўлган савдоси Кавказдан кўра доим қизгин бўлган.

XIII—XIV асрларда Озарбайжонда танга пулларни кўпроқ мўғул истилочилари асос солган сулолаларнинг хонлари зарб қилган. Ўрта асрлардаги Озарбайжон тангаларидаги ёзувлар тамомила арабча бўлиб, улар умуман Закаспийда зарб қилинган танга пулларга ўхшайди. Бу ўхшашлик VIII—XV асрларга ҳам мансублар.

XII аср Озарбайжонда архитектуранинг равнақ топган даври. Бинолар асосан ғишдан ишланиб, баъзан (бу вақтларда Бухорода ҳам пайдо бўлган) зангори кошин билан безатилган. Бироқ бундан кейин Ўрта Осиёда жуда тараққий топган архитектура қадама парчин нақшкорлиги Озарбайжонда аксини топмаган.

Ўрта асрлардаги муҳим шаҳарлардан Эски Ганжада (Кирободга яқин жойда) қазишмалар олиб борилди. Бу ерда ғишдан ишланган бир неча уй, сопол қувурлардан тармоқ ёйган водопровод системаси қовлаб очилди. Ганжадан ва умуман Озарбайжондаги бошқа ўрта аср шаҳарларидан кўпгина бадий сирли сопол идишлар топилди. Бу идишлар ишланиш техникаси ва бўёқлари жиҳатидан Ўрта Осиё идишларига ўхшаса-да, безаклари бутунлай фарқ қилади. Бу идишларда геометрик шакллар ва ўсимликлар тасвирдан бошқа от, туя, жайран, қуён, қирғовул ва бошқа ҳайвонларнинг расмлари учрайди.

Кулолчилик маҳсулотидидаги бундай тафовут дин билан боғлиқдир. Ўрта Осиёда яшовчи суннийлар тирик маҳлуқ суратини солишни ман қилган ислом қонидасига қаттиқ риоя қилганлар, бироқ Озарбайжондаги шайитлар бу қонидани кўпинча бузганлар. XIII асрда Озарбайжонда сирли сопол идишларнинг сифа-

ти жуда пасайган. Бу мўғуллар келтирган харобалик натижасидир.

Арманистон бутун ўрта асрлар давомида рақсбатдош давлатлар сиқиғида қолган, чунки унга доим босқинчилик қилиб турилган. Ғарбда авваллар унинг босқинчи қўшниси Византия, сўнгра турк давлатлари бўлса, жануб ва шарқда аввало Эрон, кейин араб халифалиги ва унинг амирликлари, сўнгра мўғуллар барпо этган давлатлар ва ниҳоят яна Эрон бўлган.

Шунга қарамасдан, Арманистон баъзан иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалган. У бундай юксалишга қўшниларида биронтасининг протектуратлиги остида эришган, албатта. Шунинг учун ҳам ўрта асрларда агар кичик Арманистонда, яъни Ўрта денгиз бўйида, Кичик Осиё билан Сурия ўртасида зарб қилинган пулларни ҳисобга олмаганда арман танга пуллари бўлмаганлиги характерлидир; Кичик Арманистондаги қадимий ёдгорликлар тасвири бу курсга кирмайди. Катта Арманистонда танга пуллар истисно тариқасида ва оз вақт зарб қилинган. Бу тангаларда черков тасвирлари ва арман ёзувлари битилган. Арман ҳукмдорларининг арабча ёзувлар билан зарб қилинган пуллари ҳам бор.

Арманистоннинг илк феодал шаҳри ҳақидаги маълумотларни VII—XIII асрлардаги Двин шаҳридаги қазинмалар беради. Двин муҳим маъмурий ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Қазинмалар вақтида жуда кўп темир буюмлар: плуг тишлари, бел, болта, пойтеша, калит ва бошқа шу каби буюмлар топилди. Антик даврга хос сопол черепицалар кўп учрайди. Ҳайвон суратлари ва нақшлар чизилган, сирли сопол идишлар кўп. Шиша بلاгузуклар бу ерда кўп топиладиган буюмлардандир. Бу ерда ибодатхона, қаср, ҳунармандчилик устахоналари ва бошқалар қазиб очилди.

X—XIII асрларда Арманистоннинг пойтахти ва асосий маданий маркази бўлган Ани шаҳрида катта қазинмалар олиб борилди. Подшо саройи, черков ва масжидлар, меҳмонхоналар, дўконлар, карвонсаройлар, бойлар ва камбағаллар яшаган уйлар текширилди. Афсуски, қазини вақтида қадимги моддий ёдгорликларга зарур эътибор берилмапти.

Подшо саройининг катта зали гулзор боғлар, суворилар тўдаларининг суратлари, шунингдек ўймакор нақш ёғочлар билан безатилган. Шаҳарда сопол қувурли сув йўллари бўлган. Саройда сопол қувурларгина эмас, ҳатто темир қувурлар ҳам ётқизилган. Меҳмонхоналардан бири қавартма одам бошли шер суратлари, бошқаси арслон суратлари билан безатилган. Ҳар бир меҳмонхонанинг ўртасида ҳовуз бўлган. Кичик-кичик хоналарнинг эшиклари ҳовуздан икки томонга айрилиб кетган коридорга қараган. XIII асрда Аини мўғуллар вайрон қилган. Шаҳар XV асргача яшаган бўлса-да, на аввалги ҳашаматлиги ва на аввалги аҳамияти қолган.

Шимолий Кавказ тоғларидаги Олон қабристонлари тўғрисида қуйида, Шарқий Европадаги дашт олонлари ҳақида сўз борганда гапирилади. Олон қабристонлари Кавказда ҳозир ҳам олон авлодларидан осетинлар яшаб турган Осетиядагина эмас, балки Ставрополь ўлкасида, ғарбда Кабардада, шарқда Грозний области ва бошқа жойларда ҳам топилди. Бу қабристонлар қабрларнинг тузилиши, дафн маросимлари жиҳатидан хилма-хил бўлса-да, жиҳозлари жиҳатидан бир хилдир; бу қабристонлар олонларда мўлкий табақаланиш кучли бўлганлигини, X асрга келиб, эҳтимол синфий табақаланиш ҳам мавжудлигини, шунингдек, ҳунар-касб, темирчилик, заргарлик ва кулолчилик тараққий қилганлигини кўрсатади. Сопол идишларнинг кўпгина қисми кулолчилик чархида ясалган.



ЎРТА ОСИЁ ВА СИБИРДАГИ ҚУЛДОРЛИК
ВА ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАР

Ўрта Осие жаҳон тарихида катта аҳамият касб этган, шунинг учун бу ўлкани ўрганувчи тарихшуносларнинг вазифалари буюқдир. Бу ерда қадим замонлардаёқ биз учун жумбоқ бўлган, аммо юксак даражада ривожланган давлатлар ва шаҳарлар бўлган. Македониялик Искандар учун барча истилоларидан Ўрта Осие-ни бўйсундириш энг оғир бўлган. Македониялик Искандар давлати қулагандан кейин бу ерда Эллин давлатлари барпо бўлган ва тараққий топган, сўнгра грек-македон зулми қулатилгандан кейин қудратли давлатлар вужудга келган.

X—XII асрларда Ўрта Осие жаҳоннинг энг маданиятли ўлкаси бўлган. Жаҳоннинг машҳур математиклари, астрономлари, врачлари, тарихшунослари, файласуфлари Ўрта Осиедан чиққан. XIV асрда Самарқанд ғоят катта Темур давлатининг пойтахти бўлган.

Ўрта Осиедаги археологик ишларнинг аҳамияти бениҳоя катта, бироқ бу ердаги археологик ишлар узоқ вақт давомида изланишлар билан чегараланиб қолган эди. Фақат Советлар давридагина бу ерда мунтазам қазил ишлари бошланди.

Бу соҳада кўпроқ Хоразмда, Амударё этакларида катта муваффақиятларга эришилди. Археология ва ёзма манбаларни солиштириб қилинган хулосалар асосида бу территорияда яшган қадимий жамиятларнинг сиёсий ва социал-иқтисодий тарихининг яхлит очерки яратилди; Ўрта Осиедаги бошқа областларнинг ҳам ана шундай очеркини вужудга келтириш вазифаси турибди. Зотан, Хоразм доимо муҳим ўрин тутиб келган, шунинг учун Хоразм тарихининг даврларга бўлиниши бутун Ўрта Осиенинг даврларга бўлиниши учун асос бўла олади. Бироқ Зарафшон водийсидан қадим Суғд мамлакатини ташкил этган. Бухоро ва Самарқанд воҳалари ҳам катта роль ўйнаган, аммо бу ерларнинг археологияси, гарчи баъзи муваффақиятларга эришилган бўлса-да, ҳозирча мунтазам ўрганилган эмас.

Хоразмдаги «деворлари орасида одамлар яшаган шаҳар харобаси» эрамиздан аввалги VI—V асрларга оиддир. У ерда одамлар шаҳарни ўраб олган қалъанинг гишт деворлари орасида равоқли тор йўлаксимон биноларда яшаганлар.

Қалъа деворлари хом гишдан урилган, бундай гишлар

Ўрта Осиёда то илж ўрта асрларгача асосий қурилиш материали бўлиб келган. Бу ерда девор орасидаги йўлакдан ташқари одамлар яшайдиган ҳеч қандай бошқа бино бўлмаган. Шаҳар харобаси ўртасида маданий қатлам бутунлай йўқ. Шаҳар ўртасидаги майдон мол қўраси хизматини ўтаган, шу тариқа қалъа асосий мақсадни, яъни молларни сақлашни назарда тутиб планлаштирилган.

Одамлар яшайдиган деворнинг узунлиги 3,5 км келади. Бу ердан буюмлар оз топилган. Бутун мол ўртада бўлган, бу эса уруғчилик ташкилотининг яшовчанлигини кўрсатади. Одамлар яшайдиган деворлардан иборат шаҳар харобаси бир уруғнинг, ёки бир неча уруғ гуруҳининг туар жойи бўлган.

Бироқ ҳунармандчилик ўсган, сопол буюмлар кулолчилик чархида ишланган, эрамиздан аввалги VI асрда, балки ундан ҳам олдин боши Амударёдан олинган катта суғориш каналлари қазилганлиги синфий тузум ва қулдорлик давлати пайдо бўлганлигидан аниқ далолат беради. Одамлар яшайдиган деворлардан иборат шаҳар харобалари тарқалганлиги шу каналларга боғлиқдир. Чорвачилик билан бирга деҳқончилик хўжаликнинг негизини ташкил этган, каналлар шунчалик кўп қазилганки, бу ишни ибтидоий жамоа тузуми даврида амалга ошириш мумкин эмас эди.

Ўрта Осиёдаги гуллаб-яшнаган боғлар ва экинзорлар сувчиларнинг чўллардан ажратиб олган ерларида барпо қилинган. Суғориш учун сув одатда катта дарёлардан олинган. Водий унча нишаб эмас, шунинг учун каналлар ёки, Ўрта Осиёдаги ибора билан айтганда, ариқлар жуда узун.

Маълум ер участкасини суғориш учун бу участкага келадиган ариқнинг боши хийла юқорида бўлиши ва сув ариқдан ўзи оқиб келиши лозим. Сувнинг нишаби ҳисобга олиниб яхшилаб нивелировка қилинган магистрал ариқдан юқоридан пастга қараб оқиб келиши керак. Бундай ариқлар бошидан то тақсимлаш тармоғигача бир неча ўнлаб километрга чўзилади (Ўрта Осиёда шундай машҳур анҳорлар борки, улар ҳатто бир неча юз километрга чўзилиб боради).

Давлат ташкилоти бўлмаса, бундай узундан-узун анҳорларни қазиш, уларни сақлаш мумкин бўлмасди. Ўша тарихий шароитда бундай анҳорларни фақат қуллар қазиши мумкин бўлган. Уруғчилик ташкилоти нақадар яшовчан, уруғларнинг истеҳкомлари нақадар мустаҳкам бўлмасин, ҳеч қанақа давлат эркин жамоатчиларни бундай ғоят катта ер ишларини бажаришга мажбур этолмас эди.

Хоразмда жуда кеч деганда эрамиздан аввалги VI асрда гарчи уруғчилик ташкилотлари ҳали яшаб турган бўлса-да, қулдорлик давлати вужудга келган; қулдорлик тузуми арафасида бундай уруғчилик ташкилотларининг яшаб туриш фактлари ўтмишда озмунча бўлмаган.

Суғднинг илк темир даври археологик жиҳатдан текширилмаган деса бўлади. Бироқ антик дунё авторларининг маълумотларига қараганда, македониялик Искандар қишлаган Мароканда (Самарқанд) нинг узунлиги 10 километр келадиган ташқи девори ва арки бўлган. Киропол (ҳозирги Уратепа) нинг ҳам ташқи деворлари, арки ва бозори ҳам бўлган. Булар одамлар яшайдиган деворлардан иборат варлар бўлмаган бўлса керак, албатта. Бундай варлар учун бу қадар катта истеҳкомга ва уруғларнинг қўрғонларида аркака зарурат йўқ эди. Қалъа ва истеҳкомларни ҳамма жойда ҳам ташқи душманлардан қўриқлаш учунгина эмас, балки ўз ҳамшаҳарларидан сақланиш учун ҳам ҳукмрон синф вакиллари томонидан қурилган. Суғдда македониялик Искандаргача ҳам чинакам шаҳарлар бўлган, аҳтимол, бу вақтда Хоразмда ҳам бундай шаҳарлар бўлмаган.

Энг қадимги суғдларнинг турмуш ва маишати ҳақида ҳозирча биз ҳеч нарса билмаймиз. Бироқ Урта Осиёга хос бош кийими, чунончи дўппининг кам деганда бундан икки ярим минг йил бурун ҳам бўлганлигини аниқлаш мумкин. Эронда машҳур подшо Доро I нинг мақбараси устида Дорога тобе бўлган барча халқларнинг вакиллари тасвирланган қаваргма суратлар бор. Бу суратлар орасида бошига каштали дўппи кийган суғд ҳам тасвирланган.

Урта Осиёдаги дашт кўчманчилари ҳақида Геродот «кийимлари ва маиший ҳаётлари жиҳатидан массагетлар скифларга ўхшайди» деб ёзади. Тасодифан топилган бир нарса Геродотнинг бу фикрини тасдиқлайди. Тожикистонда Қофрнигоннинг Амударёга қуядиган жойига яқин ерда (Амударё хазинаси деб ном олган) хазина топилди.

Ундан даставвал кийими ва бутун туриши билан Кулоб скифларига ўхшаган киши тасвирланган олтин лавҳани кўрсатиш керак. Унинг белбоғига скиф қиличи тақилган. Шу хазинадан чиққан олтин қилич қинида ов манзараси тасвирланади: скифларга ўхшаган суворилар йўлбарс ови қилмоқдалар. Шу хазинадан топилган олтиндан қуйилган от, оҳу ва бошқа ҳайвонларнинг суратлари услуби жиҳатидан Сибирдаги Тагар мозор қўрғонларидан топилган ҳайкалчаларга ўхшайди, бу қўрғонлар эса ўз навбатида буюмлари жиҳатидан скифларнинг мозор қўрғонларига яқиндир.



66- расм. Олтин лавҳа. Амударё хазинасидан

Скифларнинг айниқса классик уч қиррали ва уч парракли ўқлари ёйилган кенг ўлкалар қаторига Урта Осиёни ҳам қўшиш керак. Чунки бундай ўқлар Урта Осиёнинг ҳамма ерида учрайди.

Искандар истилосидан кейин пайдо бўлган Бактрия подшолиги археологик жиҳатдан ўрганилмаган дейиш мумкин. Бу подшолик маҳаллий асосда пайдо бўлиб, эллин таъсири кучли бўлган, натижада у тамомила ўзига хос эллинизм нусхасидан бири бўлган. Эллинлар даврасининг бу бўлагини греклар яхши билмаган, чунки тез вақт ичида Урта денгиз билан Бактрия ўртасида парфянлар давлати барпо бўлган. Шундай бўлса ҳам Бактрия кўп вақтларгача эллинлик қиёфасини сақлаб келган. Бироқ бизда ҳам, Афғонистонда ҳам грек-бактриянинг қадимги ёдгорликлари етарли даражада аниқланган эмас.

Грек-бактрия подшоларининг танга пуллари диққатга сазовордир. Пуллар эллинларнинг пулларига ўхшайди. Бироқ Грециянинг ўзида ҳам бундай бадий пуллар кам учрайди. Рассомлар подшоларнинг суратларини чизганларида уларнинг ғайрат ва кучини тасвир этишга алоҳида эътибор берганлар, бу эса Искандар саркардалари авлодидан бўлган эллин подшолари суратларига хос хусусиятлардир. Пуллардаги ёзувлар—подшоларнинг номлари ва унвонлари грекча ёзилган. Танга пулларнинг иккинчи томонида грек худоларининг биронтаси тасвир этилган, уларнинг гоҳ бири ва гоҳ бошқасининг сурати чизилганлигининг сабаби аниқдир.

Бактрия даставвал Искандарнинг саркардаларидан бири Селевкид асос солган Селевкидларнинг катта шарқий подшолигига кирган бўлса, кейин эрамиздан аввалги 245 йилда бу подшоликдан ажралиб чиққан. Селевкидларнинг Бактриядаги сўнгги ҳокими Диодот Бактриянинг биринчи подшоси бўлган. Диодот ва унинг тахти мероси ўғли Диодот II танга пулларига Зевс суратини зарб қилганлар, чунки грекча «диодот» сўзи «Зевс ато қилган» демакдир.

Эрамиздан аввал 225 йилда Кичик Осиёдаги Магнесия шаҳридан чиққан Евтидем деган бир қаллоб Диодот II ни тахтдан йиқитган. Евтидем ўз танга пулларида Магнесия ҳомийси Геракл суратини зарб қилдирган. Ундан кейин тахтга ўтирган ўғли Деметрий ҳам Геракл суратини зарб қилдирган. Селевкид маликаларидан бирининг ўғли Евкратид 167 йилда Деметрийни тахтдан йиқитган. Евкратид танга пулларида Селевкидлар сулоласининг ҳомийси Диоскурлар (эллинларнинг илоҳи эгизак Кастор билан Полидевк) нинг суратлари зарб қилинган.

Ҳозирги Самарқандга шимолдан жуда катта қадимги Самарқанд шаҳрининг харобалари туташади. Бу шаҳар харобаси Эрон дostonидаги қахрамонлардан бирининг номини олган Урта Осиё подшоларидан Афросиёб деб аталади. Антик дунё замо-


нидан тортиб эрамизнинг XIII асригача Самарқанд ана шу жойда бўлган.

Археологик текширишлари натижасида Афросиёбнинг барча қисмларида эрамиздан аввалги даврга, яъни бу жой грек—бақтрия давлати марказларидан бири бўлган вақтга доир қатламлар мавжудлиги аниқланди. Бу ердаги сопол идишлар бу жойнинг ўзига хос (айниқса қадаҳ нусха оқ идишлар) бўлиб, ҳаммаси кулолчилик чархиди ишланган. Греklarнинг идишларига ўхшаган идишлар ҳам бор, бироқ улар оз, демак бу ернинг маданияти маҳаллий асосда — четнинг таъсири бўлмай ривожланган.

Афросиёбда кўп учрайдиган сопол ҳайкалчалар ва қавартма суратларда кўпроқ учта соҳибжамол, қўлига лира тутган Аполлон, Мелуза ҳамда Лерней аждарини ўлдираётган Геракл ва шу кабилар тасвирланган. Бироқ Афросиёбдаги ҳайкалча ва бўртма суратларнинг энг кўп қисми маҳаллий характерда бўлиб, маҳаллий диний эътиқодлар билан боғлиқдир. Одатда қўлига анор ушлаган маъбуда Нохит тасвирланган. Кўпгина ҳайкалчаларда бошига қалпоқ кийган, сочи тўзғиб елкасига тушиб турган эркак киши тасвирланган. Бу — худо Митра бўлса керак. Афросиёбда эллиндан олдинги қатламларни ҳам ўрганиш мўлжалланади. Афросиёбнинг антик қатламлари ҳали қазилган эмас, бу қатламлар фақат сопол идишлардангина маълум.

Хоразмдаги энг қадимий шаҳарлар эрамиздан аввалги I—IV асрларга мансубдир. Бу шаҳарлар яхлит иморатлари билан одамлар яшайдиган деворларидан иборат шаҳар харобаларидан фарқ қилади. Бу вақтдаги қишлоқлар мустаҳкамланган айрим қўрғонлардан иборат бўлган. Деҳқонларнинг турар жойларининг қўрғон шаклида бўлиши деҳқонларнинг асоратга солинмай озод қолганини, синфий жамият эса қулдорлик жамияти бўлганини кўрсатади. Ирригация ишларининг бениҳоя тараққий қилиб, бу тараққиёт эрамизгача юксак даражага кўтарилганлиги ҳам қулдорлик жамияти мавжуд бўлганидан далолат беради.

Шаҳарларда ҳамма жойда ҳунармандчилик мавжуд бўлган бир қанча кулолчилик ўчоқлари топилди. Шаҳарлар кенг кўча билан икки қисмга ажратилган. Шаҳарлардан бирининг ҳар икки ярмида гиштларга ўз тамгаларини босганликлари аниқланди. Шаҳарнинг бу тариқа икки қисмга бўлиниши қабиланинги икки



67- расм. Сугдининг эллини идиши. Самарқанд. Афросиёбдан топилган

уруққа бўлинганини кўрсатади; бундай бўлинишлар ҳамма қитъаларда мавжуд эканлиги этнографик жиҳатдан аниқланган. Бу ерда уруғчилик тузумининг қолдиғи бўлган, холос. Шаҳарда катта-катта уйлар қурилган, уларнинг ҳар қайсисида 150 тадан 200 гача хона бўлган.

Оташпарастлик ибодатхоналари шаҳарларнинг энг катта иморатлари бўлиб, уларда ўт ўчирилмасдан сақланган ва шаҳарликларнинг йиғинлари шу ибодатхоналарда ўтказилган. Қалъа деворларида жуда кўп нишон туйнуклари бўлган. Ҳар бир нишон туйнугидан торгина жойга ўқ отиш мумкин бўлган. Бинобарин шаҳарни мудофаа қилиш учун жуда кўп ўқчилар талаб қилинган.



68- расм. Идиш. Хоразм.
Тупроққалъадан топилган

Шаҳарнинг бутун аҳолиси шаҳар мудофаасида иштирок қилиши лозим бўлган.

Шаҳарлар, ёзма манбалардан маълум бўлган ягона Хоразм подшолиги ҳукмронлигига кирган. Ягона Хоразм подшолигининг қачон пайдо бўлганлиги ҳозирча аниқланган эмас. Энг қадимги Хоразм тангалари эрамиздан аввалги I асрга оид. Бу тангалардаги ёзувлар бузилган грек ҳарфлари билан ёзилган; бу ёзувлар юқорида айтилган Евкратид тангаларида

даги ёзувларга тақлид қилинган.

Эрамиз бошларида Урта Осиёнинг каттагина қисми Ҳинд-Парфян подшолиги деб аталадиган давлатга ёки, бошқача айтганда, Кушан подшолигига кирган; бу подшоликнинг марказлари Шимолий Ҳиндистонда бўлган. Кушан подшолигининг қадимги ёдгорликларидан эрамиздан аввалги I асрга оид тош қавартма суратлар муҳим ўрин тутди. Бу суратларни Термизга яқин Айиртом ёнида Амударё сувидан совет чегарачилари топган. Унда боғ фонида созандалар, эркак ва аёлларнинг суратлари ишланган. Суратлардаги нисбат ва ҳаракат грек ҳайкаллари эслатса-да, ишланишида ҳинд элементлари жуда кўп. Уд, арфа, най, кимвала, ноғора, шунингдек мунчоқ, исирға ва билагузуклар жуда аниқ тасвирланган.

Эрамизнинг I—II асрларида Хоразм ҳам Кушан подшолиги таркибида бўлган. Бу вақтда Хоразмда қурилган қалъалар топилди, бу қалъалар мустаҳкамланган шаҳарлар ҳам, мустаҳкамланган қўрғонлар ҳам эмас. Бу қалъада подшоликнинг шимолий чегараларини қўриқлаб турган Кушан гарнизонлари жойлашган. III аср бошларида Хоразм Кушан зулмидан қутулиб, маҳаллий подшолар ўз пулларини зарб қила бошлаганлар. Бу пулларда биринчи марта Хоразм ёзувлари пайдо бўлади.

Урта Осиёда сирли танга пуллар кўп учраганлиги фанда қадимдан маълум. Бу пулларда ҳозиргача жумбоқ бўлиб келаётган ғалати ҳарфли ёзувлар ва подшо суратлари зарб қилинган, танганинг иккинчи томонида суворий сурати чизилган. Бундай сирли пуллар кўпроқ Хоразмда топилгани ва у ерда бошқа пуллардан кўра бундай пулларнинг кўпроқ бўлганлиги аниқланди. Бу пуллардаги ёзувлар шу вақтгача номаълум бўлган қадимги Хоразм алифбесини ўқишга имкон берди. Хоразмдаги Тупроққалъа саройини қазिश вақтида ундан эрамизнинг III асрига оид юздан ортиқроқ хўжалик ҳисоботи ҳужжати топилди, бу ҳужжатлар ўша Хоразм пулларидаги ҳарфлар алифбесида ёзилган. Бу кабинетда чиқарилган хулосаларнинг қазिशмалар билан тасдиқ бўлинишини кўрсатувчи ёрқин мисолдир.

Тупроққалъа умуман Хоразмнинг энг ажойиб шаҳарларидандир. Унда эрамизнинг III—IV асридаги подшо саройи қазилди. Сарой атрофида шаҳар аҳолисининг яшайдиган уйлари жойлашган. Шаҳар қалин девор билан ўралиб, деворнинг жуда кўп тўрт бурчакли буржлари бўлган. Сарой ҳам мустаҳкамланган ва у шаҳарнинг энг ҳашаматли биноси бўлган: ҳозирги вақтда баландлиги 25 метр келадиган учта буржи бўлиб, қадим бу буржларнинг баландлиги 30 метрдан кам бўлмаган бўлса керак. Саройнинг катта залидан бошига тож кийган подшоларнинг парчаланиб кетган сопол ҳайкаллари топилди. Подшолардан бирининг тожи бургут нухадир. Топилган пулларга қараганда бундай тожни Хоразмнинг III асрдаги подшоши Вазамар кийган, холос. Вазамар ва унинг бевосита меросхўрлари замонда подшо қароргоҳи ва Хоразмнинг пойтахти ўша Тупроққалъада бўлган.

Ҳозирги вақтда сарой қум тагида қолиб кетган, чунки ирригация иншоотларининг бузиб юборилиши натижасида обод ерлар қуриб чўлга айланган. Қазिशмалар қумни тозалашдан иборат. Жуда кўп бугдой, арпа, тарик, ўрик, шафтоли, узум уруғ-данаклари топилди. Бу ердан топилган яроғлар темир найзалар ва ўқлардан иборат (ўқлар уч парракли, сарматларнинг ўқларига ўхшайди). Камон ясаладиган ишхона топилди, унда тайёр, чала тайёр камонлар чиқди. Хоразмда ёғоч умуман яхши сақланади. Ўқларнинг ёғоч дасталари ҳам бор, улар бўялган.

Сарой деворига расмлар солинган, деворга солинган расмларнинг кўпгина бўлаклари топилди. Баъзан катта бўлаклари ҳам сақланган. Утириб арфа чалаётган аёл сурати ўзининг сюжети билангина эмас, балки гавдасининг кўриниши, нисбати ва бошқа томонлари жиҳатидан ҳам Айиртомдаги ҳайкалларни эслатади; бошқа суратлар Рим замонидаги Сурия ва Миср рассомчилигини эслатади. Этагига узум ва шафтоли солиб, мева тераётган аёл сурати бўёғининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Бухоро яқинида Варахша деган жойда эрамизнинг VII асрига оид Бухор-худотлар (исломдан олдинги Бухоро ҳукмдорлари

шундай деб аталган) саройи топилди. Сарой деворида фил минган овчиларнинг найза ва ўқлар билан баҳайбат махлуққа ҳужум қилиб тургани тасвирланган, бўёқли расмлар ҳамда сув тўлқинланиб, балиқ ва қурбақалар сузиб турган ўсимликли ҳовуз тасвир этилган қавартма суратлар билан қопланган. Антик замон Урта Осиёсининг ўзига хос ва юксак санъати бўлганлиги фақат яқинда Тупроққалъа, Варахша ва бошқа жойларда ўтказилган қазिशмалар натижасидагина маълум бўлди. Варахшадан чиққан буюмлар орасида сарматларнинг ўқларига ўхшаган уч парракли темир ўқлар кўп учрайди. Хитой манбаларидан олинган маълумотларга қараганда Бухор-худотнинг туяга ўхшатиб олтиндан ясалган тахта бўлган.

Зарафшонда Самарқанддан юқорида қадимги Панжакент шаҳри жойлашган. Бу ерда олиб борилган қазिशмалар натижасида ибодатхоналар, зодагонлар уйлари топилди. Бу биноларнинг деворларига ранг-баранг расмлар чизилган. Улар асосан VII асрга оид. Ундаги асосий тасвирлар қадим Урта Осиёда кўпроқ машҳур бўлган қаҳрамон Сиёвуш тўғрисидаги афсонага оиддир. Манзаралардан бирида Сиёвушнинг ўзига жалб қилмоқчи бўлган ўғай онасидан қочиб кетаётгани тасвирланган. Бошқа бир манзарада унинг тобутда ётгани, унинг олдида эса ўзларининг қайғуларини турлича изҳор қилиб турган эркаклар ва аёллар тасвирланган.

Биз бошқа нақшларда Суғд ҳукмдорларини кўраимиз. Бир қанча манзараларда уларнинг гулдор гилам устида ўтиргани тасвирланган. Қўлларига коса, кийимлари гулдор, ингичка белларига олтин камар боғлаган, камарларига узун ва ингичка қилчлар тақилган. Панжакентнинг истеҳкомларидан ташқарида шиша идишлар ясаладиган, мусаллас тайёрланадиган ишхоналар топилди.

IV асрдан эътиборан Хоразмда мустақкамланган уйлар (қўргонлар) қура бошлайдилар. Узлуксиз урушлар давом этган бўлса керак. Марказий ҳокимият заифлашган, шу муносабат билан ирригация тармоқлари жуда қисқариб кетган. Шаҳарлар ва ҳунармандчилик тушкунликка юз тутган, жумладан, сопол буюмлар ҳам кўполлашган. Бундан олдин Хоразмда сопол идишларни минг йиллар давомида кулолчилик чархида ясашиб келинган бўлса, энди қўлда ясаладиган бўлади. Шундай бўлса ҳам, ҳунармандчилик бутунлай йўқолиб кетмайди, кулолчилик чархи ҳам ишлатилади.

Эрамининг IV—VI асрларида Хоразмда ва умуман Урта Осиёда ҳўжалик тушкунликка учрайди. Бу ҳол, Европадаги сингари, бу вақтда қулдорлик муносабатларининг тушкунлиги билан боғли бўлса керак. Феодализмга ўтиш процесси бошланган, бу эса бундан кейин яна тараққий қилиб боришнинг зарур шarti бўлган. Қулларнинг қўзғолонлари ҳам бўлган, Суғдда бундай қўзғолонлар бўлганлиги ёзма манбалардан маълум. Бу ерда

истилолар билан бирга феодаллашиш процесси давом этган; ёзма манбалардаги маълумотларга кўра, бу ерга шимолдан кўчманчилар бостириб кирган. VI асрға келиб Урта Осиёда янги ишлаб чиқариш муносабатлари таркиб топган.

* * *

Урта асрлардаги Урта Осиё тарихи жуда кўп ёзма манбалардан маълум. Археологик манбалар уларга қўшимча маълумот беради, холос.

VIII асрда бутун Урта Осиё араблар зулми остида қолиб, бу ерда ислом дини тарқала бошлаган. VIII асрда зарб қилинган танга пулларда Хоразм ёзувлари билан бир қаторда араб ёзувлари ҳам учрайди. Бу асрдан кейин эса Хоразм ёзувлари сира учрамайди, ҳамма танга пуллар фақат араб ёзувлари билан зарб қилинадиган бўлган.


Урта асрларнинг бошларида Урта Осиёда ўсиб борган феодал шаҳарлар бу ердаги антик дунё шаҳарларидан тамомила фарқ қилади. Мунтазам планлаштириш йўқотилади. Маҳаллалар марказ атрофида бетартиб ўсиб боради. Бу давр бошида ҳунармандлар феодал зодагонларининг хизматчилари ёки қуллари бўлган. Бироқ тезда бирон бир ихтисосдаги мустақил ҳунармандларнинг маҳаллалари пайдо бўла бошлаган.

Урта аср шаҳрининг марказида одатда арк, яъни кремль, қурилади, ҳукмдорнинг саройи ва ҳукумат муассасалари ўша арк ичига жойлашади. Зодагонларнинг уйлари, бозор ва ҳоказолардан иборат шаҳристон, яъни шаҳарнинг ўзи аркка туташиб, шаҳар мустақкам девор билан ўраб олинади. Бироқ шаҳар ҳаёти ривожланиб, бориши билан шаҳристон, кўпинча торлик қилиб қолади, уни ҳунар-савдо жойларидан иборат рабод ҳар томондан қисиб қўяди. Ниҳоят, кейинчалик рабод атрофига ҳам қалъа девор қурилади. Улар ҳамма жойда ҳам қалин пахсадан урилади,



69- расм. Сомонийлар идишининг ички кўриниши. Самарқанд, Афросиёбдан топилган

Кўпгина шаҳарлар, айниқса Суғд шаҳарлари ана шундай уч қисмга бўлинган бўлади. Араблар истилосидан аввал ҳам, кейин ҳам бир жойда муқим жойлашган Бухоро шаҳрида ўрта аср шаҳарларининг планлаштирилишига хос бўлган бундай бўлиниш жуда яққол кўзга ташланади. Хоразмда фақат арк билан рабоддан ёки фақат шаҳристондан иборат бўлган шаҳарлар ҳам бўлган. IX асрга келиб, нуқул кулолчилик чархида ва юқори сифатли қилиб ишланган сопол идишларга қараб ҳукм қилганда бу



70- расм. Юқоридаги идишнинг ташқи кўриниши

шаҳарларнинг ҳаммасида ҳунармандчилик яна равнақ топган.

Юқорида айтилганидек Афросиёб, яъни мўғуллар истилосидан аввалги Самарқанд ички истеҳкомлари арк ва секин-аста кенгайиб уч қисмга бўлинган шаҳристон ва рабоддан иборат эди.

Бу ердан жуда кўп ҳар хил сопол буюмлар топилди. Шаҳарнинг икки ерида иккита кулолчилик маҳалласи қазиб очилди. Сопол идишларнинг ҳаммаси кулолчилик чархида ишланган. Хум, хурмача ва сайёҳлар олиб юрадиган сувдонлар жуда кўп. Бундай сувдонларнинг бўртма нақш солинган бир томони қавариқ бўлиб, иккинчи томони ясси, ичи эса текисдир. Топилган буюмлар орасида кўпгина сирли идишлар бор. Сирнинг сифати ва нақшларига қараб идишларнинг қайси замонга мансуб эканлиги аниқланади. Шунини кўрсатиб ўтиш керакки, X асрда, сомонийлар замонида (яъни маданият равнақ топган замонда) Афросиёбда, умуман Ўрта Осиёда идишлар сидирғасига оқ сир билан қопланиб, жигар ранг нақшлар солинган.

Афросиёбда водопровод учун ишланган жуда кўп сопол қувурлар топилди. Темир парчалари кўп учрайди, бу эса темирчилик устахоналари кўп бўлганлигини кўрсатади. Бир қанча темир болталар ҳам топилди, болталар энсиз ва узундир. Шишасозлик ҳам бўлган, шишадан мунчоқлар ясайдиган устахона қазиб очилди.

Ўрта асрларда Самарқанд дунёнинг қоғоз ишлаб чиқарадиган муҳим маркази бўлган. Қоғоз эрамизнинг II асрида Хитойда ихтиро қилинган, бироқ унинг нималардан тайёрланишини хитойлар сир тутган. VIII аср ўрталарида араблар Ўрта Осиёда хитойларни тор-мор қилиб, асир тушган қоғоз усталарини Самарқандга олиб келганлар, улар бу ерда қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар.

Барча ислом мамлакатларида пергамент ўрнига қоғоз ишлатиладиган бўлган, Европага эса қоғоз хийла кеч кириб келган. Қоғоз кўпгина шаҳарларда ишлаб чиқарилган бўлса-да, Самарқанд қоғози энг яхшиси бўлган. X асрда бутун мусулмон оламини

таъсир қилиб ёзган араб Мақдисий: «Самарқанд қоғозидай қоғозни ҳеч қаерда кўрмайсиз» деб ёзади. XVI асрда Ҳиндистонни истило қилган Бобир ҳам: «Жаҳонда энг яхши қоғоз Самарқандда чиқади» деб ёзган. Қоғоз одатда зигиртола ёки ип газламадан ишланган. Ўрта Осиёдаги буюк олимларнинг асарлари қоғозга ёзилган. X асрда сомонийларнинг ўрта асрда тенги йўқ Бухоро кутубхонасидаги китоблар қоғозга ёзилган.

Ислол мамлакатларидаги танга пулларда, шу жумладан Ўрта Осиёдаги ўрта аср пулларида ҳам, ҳеч қандай сурат бўлмаган. Уларнинг икки томонига аниқ ва чиройлик қилиб ёзилган араб ёзувлари зарб қилинган. X асрдаги Сомонийлар сулоласининг пуллари жуда муҳим ўрин тутади; Самарқанд ва Бухорода зарб қилинган пуллар X асрда Шарқий Европада, айниқса Русда кенг муомалада бўлган.


Олтин ва мис пуллардан кўра кумуш пуллар кўп бўлган. Дерҳам (кумуш пул шундай деб аталган) жуда кўп миқдорда зарб қилинган. Сомонийларнинг дерҳамлари ўша замондаги Бағдод халифалари Аббосийларнинг дерҳамларига жуда ўхшайди. Дерҳамнинг бир томонида ўртада «Лоилоҳа иллоллоҳу ва ло шарика», яъни «бир худодан бошқа худо йўқ ва унинг шериги ҳам йўқ» деб, атрофига эса пуlining зарб қилинган шаҳар номи ва ҳижрий санаси ёзилган. Иккинчи томонида қуръондан олинган сўзлар ва Аббосийлар халифаси билан сомонийлар амирининг номлари ёзилган. Аббосийлар халифаси у вақтда мусулмонларнинг бошлиғи ҳисоблангани учун унинг номи ёзилган. Сомонийлар араб ҳукмронлигининг энг охири қолдиқларини ҳам тугатганлар.

Афросиёбда X асрдаги сомонийлар танга пуlining қолипи топилди. Бирданига еттита танга зарб қилинадиган қолипнинг икки бўлаги ҳам сақланган. Қолип ганчдан ясалган, унга қуръонда нолинган сўзлар, сана, Самарқанд номи, халифа ва амирнинг номлари ёзилган думалоқ муҳр босилган. Бу ёзувларнинг ҳаммаси қолипдан қавартма бўлиб равшан чиққан. Қолипдаги еттита чуқурнинг ҳар бирига эритилган кумуш оқиб кириши учун ариқчалар ўйилган.

Мусулмонларнинг қадимги маиший ёдгорликлари ва иморат деворларининг бадийи безаклари бу халқлар санъатининг шўрлик тақдирини доим эслатиб туради. Ислол дини одам ва ҳайвон суратини солишни тақиқ қилган. Қуръонда бундай тақиқ бўлмаса ҳам ҳадисларда тақиқ қилинади. Масалан, ҳадислардан биринда Мухаммаднинг саҳобаларидан бири рассомга: «сурат солган одам солган суратига жон кирита олмаса, худо ундай одамни жазолайди. У бугун умр жон кирита олмайди албатта. Эй! шўрлик агар санъатдан кеча олмас экансан, дарахт ва шу каби ҳар қандай жонсиз нарсаларнинг суратини чизавер» деб айтганмиш.

Тақиқ кўп вақт бузилса ҳам, ҳар ҳолда санъатга жуда катта таъсир етказган. Ижоди чегаралаб қўйилган рассомлар орна-

мент безакчилик билан шуғулланишга мажбур бўлганлар ва бу соҳада жиддий камолотга эришганлар. Бутун ислом мамлакатлари ичида энг гўзал орнаментлар Урта Осиёда яратилган; айниқса Самарқанд ва Бухоро деворларидаги ўйма нақшлардан ўтадигани ҳеч қаерда йўқ. Узининг архитектура санъатини сақлаб қолган бинолар ҳам кўп, бундан ташқари, қазишмалар вақтида ҳамма вақт бундай санъат асарларининг парчалари топиллиб туради.




71- расм. Меъморий ўймакор нақшлар. Самарқанд, Афросиёбдан топилган

Урта Осиёда антик замонда бинолар хом ғиштдан ишланган бўлса, ўрта асрлардаги муҳташам бинолар антик замондан фарқ қилиб, пишган ғиштлардан ишланган. Шундай бўлса ҳам хом ғишт оммавий бинокорликда асосий қурилиш материали бўлиб қолаверган.

IX аср охирларида Бухорода сомониёларнинг мақбараси қурилган, у шу қудратли сулола авлодининг мақбараси бўлиб қолган. Бу бино ҳозиргача жуда яхши сақланган. Мақбара деворлари майда тўрт бурчакли пишиқ ғишт (мусулмон ғишт) дан ишланган, ғиштлар жой-жойи билан маълум миқдорда гоҳ тикка, гоҳ ётқизиб терилган. Ғиштларнинг шу тарзда терилиши натижасида бино худди ғиштдан ўрилганга ўхшаб туради. Девор ва пештоқлари ўймакор гул нақшли ғиштлар билан безатилган.

XII аср биноларидаги Ўрта Осиёга хос ўйма геометрик нақш—терих ўз тараққиётининг чуққисига чиқади. Бу хил ўйма нақшлар кўн асрлар давомида тараққий қилиб боради. Бу нақшлар жуда хилма-хил шаклдаги бир-бирига чирмаштирилган чизиқлар комбинациясидан ҳосил қилинадиган юлдуз нусха чиройлик безаклардан иборат. У нақшлар турли ҳажмда ва шаклдаги юлдуз нусха безакларни ичига олади, бу юлдузлар маълум тартиб ва ритмда жойлаштирилган. Бошқа геометрик шакллар ҳам худди шундай мунтазам жойлаштирилган. Бундай нақшлар барча ислом мамлакатларига хос бўлса ҳам, Ўрта Осиёда бундай



72- расм. Меъморий ўймакор нақшлар. Самарқанд, Афросиёбдан топилган

ўйма нақшкорлик ғоят юксак даражада камол топади. Бухорода меъморий ўйма нақшлар мўғуллар истилосигача турли шаклдаги жимжимадор гиштлардан ишланган (ўша замондан сақланиб қолган бинолар буни тасдиқлайди), Самарқандда эса (Афросиёбдан топилган нақшларга қараб ҳукм қилганда) лойдан ясаб пиширганлар.

Геометрик ўйма нақшлар билан бир қаторда ислими, ўсимлик ўйма нақшлари ҳам тараққий қилган. Ислими нақшлари Ўрта Осиё флорасидаги гул ва новдаларнинг мураккаб услубга солинганлигидир. Ўсимлик ўйма нақшлари ислом мамлакатларининг ҳаммасида ишлатилган.

Юқоридаги нақшлардан ташқари, ислом мамлакатларида, шу жумладан Ўрта Осиёда ҳам, эпиграфик нақшлар ишлатилган; ёзувлардан иборат бу хил нақшкорлик бошқа ҳеч қаерда ишлатилмаган. Бу хил нақшкорликнинг тараққий қилишига араб ҳарфларининг раволиги ва ихчамлиги ёрдам берган.

XII асрда Ўрта Осиёда меъморчиликда сарғиш рангли оддий ғиштлардан ташқари, сир берилган ғиштлар, яъни кошинлар ишлатила бошлаган. Ҳали бу вақтда кошин кам ва фақат кўк рангли берилган бўлиб, улар меъморий нақшларга қўшимча тариқасида ишлатилган.



73- расм. Уймакор ҳарфлардан иборат меъморий нақш. Самарқанд, Афросиёбдан топилган

XII асрда Хоразм Ўрта Осиёда ғоят қудратли давлатга айланади. Бу даврда Хоразмдаги феодал қасрларнинг деворлари юпқа ва нақшли бўлиб, мудофаа нуқтаи назаридан унчалик аҳамияти бўлмаган. Сиёсий ҳокимиятнинг марказлаштирилганлиги сабабли истеҳкомларга эҳтиёж қолмаган. Қасрлар деҳқонларнинг кўпдан-кўп кулбалари ўртасида қад кўтариб турган. Хоразмнинг ўша вақтдаги пойтахти Урганчда катта бинолар қурилган. Бу биноларни қуришда оддий ғиштлар билан бирликда безак учун кўк сир берилган ғиштлар ҳам ишлатилган.

XIII аср бошларида Ўрта Осиёни мўғуллар босиб олади. Мўғуллар Русни қандай хароб қилган бўлсалар Ўрта Осиёни ҳам шундай вайрон қилганлар. Ҳамма шаҳарлар харобазорга айлантирилган. Халқнинг кўп қисми қириб ташланган. Самарқандликлар кейинчалик ўзларининг бир ярим минг йилдан ор-

тиқроқ яшаган шаҳарларини тиклашга ҳам журъат этмаганлар. Самарқанд аввалги шаҳар ёнида, ҳозирги жойида янгидан бино бўлган, аввалги шаҳар вайрон бўлиб қолган Афросиёб деб аталган. Мўғуллар Ўрта Осиёдаги суғориш тармоқларининг кўп қисмини вайрон қилган. Одамзод бунёд қилган воҳаларининг кўп қисмини қум босиб кетган.

Совет археологияси Ўрта Осиёдаги ҳамма даврларда қурилган каналларни ўрганиб, суғориш тармоқларининг камайиб кетишига асрлар бўйи душманларнинг босқинчилиги сабаб бўлганлигини исбот қилди. Бундай вайронгарчиликдан кейин суғориш

шоҳобчалари янги фожиа содир бўлгунча озми-кўпми тикланган албатта. Мўғуллар истилоси Урта Осиёга мисли кўрилмаган гоят мудҳиш фожиа келтирган яғона ва охириги босқинчилик эмас эди. Урта Осиёда суғориш тармоқлари табиий ҳодисалар; «Урта Осиёнинг қуриб қолиши» туфайли камайган деб буржуа олимлари кўрсатган сабабларни совет фани рад қилди. Бу ўлканинг кўп қисми ҳамма даврда ҳам кишиларнинг фаолияти натижасида унумдор ерларга ёки чўлга айланиши мумкин бўлган ва айланган. Совет даврида дашт-чўлларга қарши ҳужум мисли кўрилмаган муваффақият билан олиб борилмоқда; қадимги суғориш тармоқларини ўрганувчи археологлар ҳам ирригаторларга ёрдам бермоқда.

Мўғуллар келтирган вайронлик натижасида Русдаги сингари Урта Осиёда ҳам ҳар қандай қурилиш ишлари таққа тўхтаб қолган. Шу сабабдан XIII асрдаги бинолар бизнинг давримизгача сақланмаган деса бўлади. Русдаги каби, Урта Осиёда ҳам, XIV асрда санъат тиклана бошлаган, лекин бошқа шакл олган (бирок мўғуллар таъсири тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас). Кошин, яъни сир берилган гулдор гиштлардан яхлит нақшлар расм бўлган. Бу кошинкорлик ва яхлит нақшлар маҳаллий асосда, XII асрдаги безакларга қўшимча тариқасида ишлатилган кошин асосида ривожланган.

Хоразм хўжалиги Урта Осиёдаги бошқа ўлкалардан олдинроқ тикланган ва Урганч вайронликдан тез қутулган. У XIV асрда Олтин Урданинг жануби-шарқий маркази бўлган (Олтин Урда ҳукмронлиги Хоразмдан нари ўтмаган). Урганчдаги бинолар рангдор кошин ва парчинлар билан безатилган.


XIV аср охирларида Темур Хоразмни вайрон қилиб, харобазорга айлантирилган Урганч ўрнига арпа экишни буюрган. Хоразмдаги суғориш каналлари вайрон қилинган ва бу ўлка кўп вақтларгача чўл-даштга айланиб қолган.

Аммо Суғднинг хўжалиги Темур ва унинг ворислари даврида яна юксалган. Темурнинг талончилик юришларидан кейин бу ерга таланган ҳамма мамлакатлардан беҳисоб ўлжалар келтирилган. Самарқанд бениҳоя катта империянинг пойтахти бўлиб қолган. Темур бу шаҳарга шуъладек марказдан таралган кўчалар қилдирган, бундай тўппа-тўғри ва кенг кўчалар бунгача Урта Осиёда ҳеч бўлмаган. Кўп боғлар барпо қилинган, кошинкор ва парчинкор нақшли муҳташам бинолар солинган, 1405 йили Самарқандда Темур мақбараси — гўриамир қурилган. Темурнинг қабри устидаги тош қора нефритдан ишланган, унга узундан-узоқ қилиб Темурнинг сохта шажараси ёзилган. Мақбаранинг ичи ҳақиқ ва оқ мрамор билан безатилган.

Темурийлар биноларининг нақшларида тўқ кўк ранг билан оч кўк ранг кўпроқ учрайди, яъни бир хил рангнинг икки хил оч ва тўқ туси қўшиб ишлатилган. XV аср (темурийлар даври) нинг сопол идишларига ҳам оч ва тўқ кўк сир берилган. Биноларда

кошинкор нақшлар воситаси билан ҳар хил герихлар солинган ва безакли ёзувлар ёзилган. Кўпинча «худо ҳоқимдир», «подшо худонинг ердаги соясидир» ва шу каби дин билан боғлиқ ёзувлар ёзилган.

Меъморий санъат соҳасида Темурнинг невараси буюк мунажжим Улуғбек подшолиги замонида ғоят катта муваффақиятларга эришилган. 1420 йили Самарқандда бино қилинган Улуғбек мадрасаси жуда ҳам ажойиб бинодир. Унда: «Бу бино меъморий жиҳатидан биноларнинг энг мукаммалидир. Бу ерда олимлар яшайди» деб ёзилган. Дарҳақиқат бу бино ҳам архитектура, ҳам гўзал нақшлари жиҳатидан ғоят мукамалдир; унда кўпдан-кўп шуъладор юлдузларнинг ғоят мураккаб комбинациясида



74- расм. Темурийлар илмиши Самарқанд

сербарг гуллар солинган. Парчинлар бериб ишланган гул нақшлар мармар лавҳалар билан алмашиниб туради. Ранглар аралашмаси ниҳоят гўзал ва майиндир.

Бу ерда ҳам аввалгидек оч ва тўқ кўк кошинлар кўпроқ бўлиб, улар сариқ, тўқ сариқ, яшил ва бошқа рангдаги кошинлар билан тўлдирилган.

Қадама парчинлар XIV асрдан бошлаб махсус устахоналарда ишланган. Юлқа сопол гиштчалар тайёрланиб, устига рангли сир берилган ва улар махсус хумдонда шиширилган. Уста ихтиёрида бир қанча шундай ҳар хил рангдаги гиштчалар бўлиб, улардан зарур рангдаги зарур шакллари қирқиб аралаб олган. Геометрик шакл, юлдуз, гул нақш, гулгунча, новда ҳарф ва бошқа нарсалар шу тариқа терилган.

Мусулмонлар одатига кўра ўликни кафанга ўраб, чўзилтириб ва юзини қиблага қаратиб кўмадилар.

Амир Темур даврида унинг уч доирадан иборат шахсий тамғаси машҳур бўлган. Темур ворисларининг танга пуллариди, байроқларида, ёзувларида ва бошқаларда шу тамға солинган. Шу уч доира XX асргача Самарқанднинг герби бўлиб келган.

Маълумки Темурнинг невараси, XV асрнинг қудратли хони Улуғбек машҳур мунажжим бўлиб, унинг асарлари Европа астрономиясига катта таъсир кўрсатган. Катта бойлик эгаси бўлган Улуғбек Самарқанд яқинида расадхона қурдиради, унинг расадхонаси катталиги ва техникавий такомиллиги жиҳатидан қадимги ва ўрта асрлардаги барча расадхоналардан устун турган. Бу иншоот топилиб қазилган. Бунда юлдузларни назорат қилиб туриш учун ишланган ғоят катта секстант топилган. Бу доиранинг олтинчи тикка турган қисмидир. Секстант ер тагида махсус шахтада ўрнатилган бўлиб, то ҳозиргача яхши сақланган.

Секстантнинг ёйи икки тўсиқ билан йўлаксимон қилиб ишланган, уларнинг усти мрамар билан қопланган. Мрамар тахта-лардаги қийшиқлар шу қадар роса ўлчанганки, бунга ҳайрон бўлмай мумкин эмас. Секстант меридианга қараб аниқ йўналтирилган. Доиранинг мрамар устидаги ҳар бир градусига бўлинмалар ва рақамлар қўйилган. Градуслар ўртасидаги масофа 70 см дир. Тўсиқлар бўйлаб ғиштдан терилган зинадан ер тагига тушилади. Расадхона Ўрта Осиёда фаннинг ўрта асрда сўнги равнақи даврида эришилган муваффақиятлардан далолат беради. Жаҳоннинг ҳеч бир ерида археологлар ҳали бундай мукамал илмий иншоотни топиб қазиган эмаслар.

* * *

Эрамининг I миңг йиллигида Енисей бўйида қирғизлар давлати таркиб топади. Бу давлат VI асрда узил-кесил барпо бўлади. Бу давлатнинг сиёсий тарихига доир баъзи маълумотлар хитой тарихчиларининг асарларида учрайди, бундан ташқари, урхун ёзуви билан (Мўғулистондаги Урхун дарёси номи билан шундай деб аталган, Мўғулистонда бундай ёзувлар яна ҳам кўпдир) маҳаллий турк тилида ёзилган ёзма манбалар қирғиз зодагонларининг ёзувлари бизнинг давримизгача етиб келган.

Мисол тариқасида Минусинск яқинидаги Иудино қишлоғидан топилган ва урушда ўлдирилган бошлиққа бағишланган ёзувни келтириш мумкин. Бунда гоҳ биринчи шахс, гоҳ иккинчи шахс номидан гапирилади; «Менинг ерда яшовчи йўлбарс уругимда, менинг устунликка муяссар уругимда, мен эмасман. Сиз қудратли эдингиз, отларни егандингиз, сиз қудратли эдингиз, ҳўкизлар ва қўйларни егандингиз. Гарчи укангиздан бўри қочиб кетса ҳам, йўлбарс ўз яқинларидан ундан ажралмайди. Бизнинг номимиз Умайбек, бу бизмиз» ва ҳоказо. Бундай дабдабали ёзувлар кўп учрайди. Уларнинг баъзилари бутун бир тарихий ҳикоядан иборат.

Бу ерда плуг билан ер ҳайдаб деҳқончилик қилинган, плуг тишлари бизгача етиб келган. Уларнинг баъзилари хитойдан келтирилган, унда Хитой усталарининг тамгалари бор. Бу тишлардан бирига хитойча «киши ясаган» деб ёзилган. Иероглиф ёзувигача қараганда унинг санаси эрамининг V асрига тўғри келади. Маҳаллий темирчилар ясаган плуг тишлари ҳам бор, улар хитойларникидан фарқ қилади. Кўпгина темир ўроқлар топилган. Ёрғучоқлар ўрнида қўлда айлантирадиган думалоқ қўл тегирмонлар бўлган. Суғориш хўжалиқининг асосини ташкил этган, суғориш тармоқлари тагар давридагидан кўра яна кўпроқ кенгайган.

Бу давр тузар жойларида ўтов излари топилган. Кўчманчи чорвачилик деҳқончиликдан кўра кам ўрин тутмаган бўлса керак. Зодагонларнинг қабрларидаги ёзувлар ана шундан дало-

лат беради, чорва-зодагонларнинг катта бойлиги бўлган. Ёзувлардан бирида мурда номидан «менга қарашли олти минг йилқи» ичида «қололмадим» деб ёзилган. Бошқа бир ёзувда ўлган кишига қарашли «тамга босилган (яъни хусусий мулки бўлган) ерда ўтлаб юрган йилқиларнинг ҳисоби йўқ халтасидаги мулк худди қора сочдек беҳисобдир» деб ёзилган.

Темирчилар махсус посёлкада яшаганлар, ундаги аҳоли фақат темирчилик билан машғул бўлган. Енисей ва унинг ирмоқлари бўйлаб бундай бир қатор посёлкалар жойлашганлиги маълум. Бу посёлкаларда дошқал, кўмир, темир бўлаклари жуда кўп учрайди. Босқонли кўраларда темир эритган ҳунармандлар кўпинча темирчилик ҳам қилган бўлсалар керак. Устахоналардаги топилмаларга қараганда бир ҳунарманд ҳам темирчилик, ҳам мисгарлик қилиб икки касб эгаси бўлган.


Ҳунармандчиликнинг ихтисосланиши фақат металлургия билан чегараланмаган. Кулоллар ҳам пайдо бўлган VI асрдан эътиборан қирғизларнинг сопол идишларидан кўп қисми кулолчилик чарҳида ясалган. Қирғиз кўзалари деб аталган узунчоқ, келишган вазалар шулар жумласидандир. Аммо шу билан бирга қирғизларда қўлда қилинган сопол идишлар ҳам доим ишлатиб келинган.

Қирғизлар эрамининг I минг йиллигида ва II минг йиллик бошларида ўликларни тошдан қурилган мазор қўрғонларга кўмган. Ўликларни кўпроқ ёндирганлар. Мазор қўрғонларнинг ҳажми ва ичидаги буюмларида тафовут катта бўлиб, бу тафовут синфий тенгсизликни акс эттиради. Кичик мазор қўрғонларда фақат майда зеб-зийнат буюмлар ва сопол идишлар учрайди, холос. Йирик мазор қўрғонлар чаатос, яъни «уруш тоши» деб аталган. Ўша замонларда катта мазор қўрғонларда жуда кўп олтин бўлганлигидан уларнинг ҳаммаси таланган. Куйдирилган ўликларнинг куллари ёнида доим ёндиришга лойиқ бўлмаган ўликларнинг скелетлари ётади. Улар қуллари бўлса керак, чунки скелетлар ёнида ҳеч қандай буюм йўқ, асосий ўлик ёнида ҳар хил буюмлар жуда кўп бўлади.


Енисей бўйида жойлашган Копёни қишлоғи ёнидаги чаатос қазилгин; бу Минусинск ҳавзасидаги тош қўрғонларнинг энг каттасидир. Ундаги қабрларнинг ҳаммаси таланган. Бироқ қабр ёнида яширин қазилган ва талончилар кўрмаган махсус чуқурлардан топилган буюмлар ўликларнинг бойликлари ҳақида тўла тасаввур беради. Бу чуқурлардан кумуш лаганда тўртта олтин кўза, олтин лаган, олтин, кумуш ва бронзадан ишланган ҳар хил зеб-зийнат буюмлари топилди. Олтин кўзалардан иккитасига бўртма нақшлар солинган бўлиб, уларда новда ва гуллар ичида қандайдир хаёлий йиртқич қушларнинг балиқларни ёриб тургани тасвирланган. Қолган иккита кўзада ҳеч қандай нақш йўқ, бироқ бирининг тагида урхун ҳарфлари билан: «олтин... Ач туҳфаси» деб (Ачқирғиз қабилаларидан бирининг

номи), иккинчисининг тагида «биз бек кумушини бердик» деб ёзилган. (Олтин идишга бундай ёзишнинг боиси шу бўлса керакки, бир қанча тилларда «кумуш» сўзи умуман қимматбаҳо нарса маъносида ишлатилганидек, бу ерда ҳам шу маънода ишлатилган бўлиши мумкин. Унда бекка берилган ўлпон ҳақида гап борапти. Бекунвон.) Кумуш товоққа қушлар ва гуллар сурати чизилган.

Ов манзарасини тасвир этувчи бронза ҳайкалчалар алоҳида диққатга сазовордир. Онда елиб бораётган овчилар орқасига қайрилиб уларга ҳужум қилиб келаётган йўлбарсларга ўқ отмоқдалар. Қонлонлар, қўсиллар, оҳулар, тўнғизлар суворинлардан қўрқиб қочиб кетмоқдалар. Бу нарсалар топилгунча Сибирда фақат зеб-зийнат санъатигина бўлган деган фикр юрар эди. Аммо Копёнида ўтказилган қазишмалари натижасида бу санъатнинг бошқа томонлари ҳам аён бўлди. Суворининг бор кучи билан орқасига қайрилганлиги, ғаззаога келган йўлбарснинг сакраши, қочиб бораётган тўнғизнинг чўчиши — буларнинг ҳаммаси жуда ҳаётий ва жўшқин кўрсатилган. Копёни мазор қўрғонлари қирғиз зода-



75- расм. Олтин товоқ. Копёнидан топилган



76- расм. Суворининг бронза ҳайкалчаси. Копёнидан топилган

гонларнинг юқори табақаларига тегишлидир. Улар эрамизнинг VII асрига оид қирғизлар даври Олтойда ҳам ўрганилган. У ердаги мазор қўрғонлар ҳам тошдан қурилган. Бироқ Олтой мазор-қўрғонлари ўликлар куйдирилмай кўмилганлиги билан Енисей қўрғонларидан фарқ қилади.

Олтойнинг Қурай даштида бир қанча қўрғон қазилди. Уларнинг кўпчилигида оддий чорвадорлар ва деҳқонлар кўмилган. Аёл қабрида қўл тегирмонлари топилди. Бошқа бир катта мазор қўрғонга бой киши кўмилган. Ундан ҳам урхуон ёзувлари топилди. Кумуш кўзанинг тагига: «мард шод йўлдоши» (шод — унвон) деб, камар тўқасига: «Оқ кун афандининг камари» деб ёзилган.


Жангчининг боши ёнида олтин исирга ётибди. Белида қайин пўстлоғидан ясалган ўқдон ичида қуштакли ўқлари билан осиглиқ турибди.

Хуштак чиқиши учун тешиқлар ўйилган кенг уч парракли темир ўқлар (сарматларнинг уч парракли ўқларидан анча катта бўлиб, кўриниши ҳам тамомила бошқача) бутун Сибирда ўрта ва сўнги темир даврида, шу жумладан Енисей чаатосларида ҳам кенг тарқалган.

Олтой хўжалиги Енисей хўжалигидан орқада қолиб борган. Масалан, шу нарса характерлики, Олтойдаги қирғиз сопол идишларининг ҳаммаси қўлда ясалган. Шундай қилиб Олтой қирғизларида кулолчилик дастгоҳи бўлмаган, бу ерда ҳунармандчиликдан фақат металлургия бўлган.

XIII асрда Сибирдаги қирғиз давлати, унинг ёзуви ва ҳунар касби йўқ қилинган. Уни мўғуллар йўқ қилган. Чингизхон қирғиз давлатини босиб олиб унинг ерларини яксон қилган.

Мўғуллар истилоси ҳамма мамлакатларга офат келтирган. Бироқ маҳкамроқ ва мўғуллардан узоқроқ давлатлар ҳар ҳолда кейинчалик тикланган. Шу жумладан, Хитой, Эрон, Ўрта Осиё ва Русь қайтадан қад кўтарган. Аммо қирғиз давлати бунга эриша олмаган. Енисей бўйидаги суғориш тармоқлари тамомила ташланган, ҳунармандчилик йўқолиб кетган, янги ёзувлар пайдо бўлмаган. XVII аср рус сайёҳлари Енисей бўйида аҳолиси чорвачилик билан машғул бўлган бир неча майда қирғиз князликларига дуч келган. Бу ерда ҳатто деҳқончилик ҳам бўлмаган дейиш мумкин.



77- расм.
Қирғиз ўқи





ЎН БИРИНЧИ БОБ

ҚАДИМГИ СЛАВЯНЛАР. ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ШАРҚИЙ ЕВРОПА

Археологик маълумотлар славянларнинг келиб чиқиши масаласини ҳал этишда муҳим роль ўйнаши мумкин. Ўрта аср славянлари археологияга яқиндагина маълум бўлган. Эндиликда уларнинг тарихий тараққиётининг қадимийроқ даврларини ўрганиш мумкин бўлди. Аммо археология славянларнинг келиб чиқишини ҳали аниқлаб олган эмас. Дастлабки аниқ маълумотлар эраміз бошларига мансуб. Славянлар ҳақида ундан олдинги даврларга оид археологик маълумотлар старли ўрганилмаган. Зотан, Геродот даврида Буг, Днестр дарёларининг юқори оқимида ва Днестрнинг ўрта оқимида скифлардан шимолроқда яшаган ва деҳқончилик билан машғул бўлган гайри скиф қабилалар — неврлар, меланхленлар ва бошқаларни илк славянларга мансуб қабилалар деса бўлади.


Эраміздан салгина олдин Ғарбий Чехиядан тортиб Днепрнинг чап томонидаги ирмоқларигача бўлган каттагина территорияда «Қабристон даҳаси» деб аталган ғалати мозорлар пайдо бўлган. Эраміз шундай деб шартли аталган бу қабристонлар кўндан-кўн сопол идишлар ва шунча катта территориядаги мутлақо бир хил қабрлар йиғиндисидан иборат. Баъзан улар дафн кўралари (куйдирилган мурдаларнинг кули солинган кўралар) майдони деб ҳам аталади, аммо бундай дейиш ҳам унча тўғри эмас, чунки қабрларда куйдирилган мурдалар билан бирга куйдирилмай кўмилган ўликлар ҳам бор.

Қабрларда Рим буюмлари, жумладан танга пуллар ва зебзийнат буюмлар, хусусан плаш илгаклари кўп учрайди. Бу хил илгаклар ва бошқа зебзийнат буюмлар археологияда Рим вилоят буюмлари деб аталади. Чунки Рим вилоятларидаги буюмлар бир-бирига жуда ўхшайди. Қабрларда жуда кўп учрайдиган шиша идишлар Римдан келтирилган. Днепр бўйларидаги қабристонда топилган кўза, хурмача ва шу каби бошқа сопол идишлар скифлар замонидagi маҳаллий сопол идишларга жуда яқин бўлиб, бу ўхшашлик тараққиётда скифлар намуна бўлганлигидан далолат беради.

Бу мозорларга кўмилган кишилар скифлар замонида Днепр бўйларида яшаган қабилаларнинг бевосита вориslари, зироатчи

скифлар деб аталувчи қабилаларнинг авлодлари бўлиб, бизнинг эрамизга яқин вақтларда ўликларни мозор қўрғонга кўмиш одатидан қайтган ёки Геродот невр ва меланхлен деб атаган қабилаларнинг авлодларидир.

Бу ворислик чуқурроқ бўлган дейиш ҳам мумкин. Қабристон даҳаси бронза даврида чилвир из вақшли сопол идишлари бўлган жанубий қабилалар яшаган жойларга ёйилган, баъзи дафи маросимлари ва, шунингдек, идишларнинг шакллари ҳам уларни анча қадимги қабилаларнинг авлодлари дейишга имкон беради (мазкур хусусиятларга кўра уларнинг аجدодларидан энг яқини зироатчи скифлар бўлган). Қабристон даҳаси эрамиздан аввалги II асрда ёки ундан ҳам олдинроқ пайдо бўлиб, бутун территорияда V асргача, баъзи жойларда, жумладан Ўрта Днепрда эса VIII асргача давом этиб келган.



78- расм. Қабристон даҳаси идишлари. Киев областидан топилган

Уларнинг этник хусусиятлари ҳозир ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Византиянинг VI аср тарихчилари склавинлар билан антлар ишғол қилган территорияни белгилаб берган эди. Уларнинг фикрича бу икки қabila бир тилда гаплашган. Тарихчилар белгиллаган бу территория мазкур қабристон даҳаси ишғол қилган территориянинг худди ўзига тўғри келади

Илк византияликлар ғарбий славянларни склавинлар деб, шарқий славянларни эса антлар деб атаган; кўп маълумотлар уларнинг иккаласини ҳам тасдиқлайди. Венедлар, қадимги славянлар тўғрисида Рим тарихчиларининг дастлабки маълумотлари эрамизнинг I асрига оиддир. Венедларнинг склавинлар ва антларга ўхшаганлигини VI аср авторлари аниқлаган. Илк қабристон даҳаси венедларга ва сўнггиси эса антларга қарашлидир.

Ундан олдинги даврнинг славянлари, афтидан, қабристон даҳасида яшаган қабилалар бўлган, яъни Ўрта Днепр бўйларидаги зироатчи скифлар, неврлар, меланхленлар бўлган бўлиши мумкин, бироқ мутлақо кўчманчи скифлар эмас, албатта. Скифларнинг славянлар билан генетик алоқалари ҳақида гапириб бўлмайди: ахир, сўзнинг чин маъносидаги скифлар форс группа-

си тилида гаплашган кўчманчилар бўлган, бироқ зироатчиларга бундай этник номни грек ёзувчилари шартли равишда берган.

Археологик жиҳатдан венедлар билан антлар ўртасига ҳозир чегара қўйиб бўлмапти. Қабристон даҳаси Киев вилоятидаги Зарубинци ва Черняхово қишлоқлари ёнидаги қабристонлар номи билан зарубинци ва черняхово деган икки хронологик гуруҳга бўлинади. Улар асосан сопол идишлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Зарубинци замони эрамиздан аввалги II аср билан эрамизнинг II асри ўртасидаги даврни ўз ичига олади. Бу замонда славянлар сопол идишларни қўлда ясаган ва қора ёки жигар ранг бўёқ билан сайқал берган. Черняхово замони эрамизнинг II—V асрларини ўз ичига олади. Бу замонда сопол идишларнинг бир қисми кулолчилик чархида ясалган ва демак кулоллар пайдо бўлган, кул ранг бўёқ билан сайқал берилган.

Украинада қабристон даҳаси билан боғлиқ турар жойлар текширилди. Булар аслда қадимий қишлоқлар харобасидир. Одатда улар истеҳкомсиз. Уйлари пахсадан, печлари эса лойдан ишланган. Эрамиз бўсағасида Украинада славян хўжалигининг асоси ерни плуг билан ҳайдаб деҳқончилик қилиш бўлган. Шу даврга оид плуг тишлари кўп топилди. Турар жойларда жуда кўп галладонлар ҳам бўлган.

Мазкур қабристон даҳасини қолдириб кетган қабилаларнинг ижтимоий-иқтисодий тузуми ҳақида ҳозирча қатъий фикр айтиб бўлмайди, бунинг учун мавжуд материаллар кифоя қилмайди. Аммо мулкий тенгсизлик хийла тараққий қилганлигини қайд қилиб ўтиш мумкин: қабрлардаги буюмларда тафовут катта.

Славянлар қадим замонлардаёқ Шарқий Европанинг ўрмон полосасида яшаган бўлсалар керак. Чунки қабристон даҳаси шу жойгача кириб боради. Бу хил қабристонлар, гарчи улардан топилган буюмлар оз бўлса-да, Смоленск областида, Юқори Днепрда, шунингдек Десна ва Сейм дарёларнинг юқори оқимларида, Припять соҳилларида ҳам бўлганлиги аниқланди. Березняки шаҳар харобасига қараб ҳукм қилганда қадимда Юқори Волга соҳилларида яшаган қабилалар ҳам генетик жиҳатдан славянлар билан боғлиқдир.

Бу шаҳар харобаси Волга бўйида. Шчербаководан сал қуйида жойлашган бўлиб, эрамизнинг III—V асрларига оиддир. Қазилмалар натижасида бу ерда хўжалик ва ҳаётнинг қандай бўлганлиги жуда муфассал аниқлаб олинди, бундай равшанликка бошқа жойларда биронта қадимий турар жой эришилган эмас. Бу қадимий шаҳар харобаси тамом қазиб очилди.

Қадимий Березняки шаҳар харобаси одатдагича дарёнинг баланд бурнида жойлашган бўлиб, унинг атрофи жарлик ва марза билан ўралган, бундан ташқари, яна бутун атрофи ёғочлардан қурилган девор билан мустаҳкамланган. Ундаги уйлارнинг деярли ҳаммаси қазиб очилди. Бу уйлар ер устида ёғоч-

лардан қурилган. Шаҳар марказидаги энг катта уй жамоат биноси бўлган бўлса керак. Чунки бошқа бинолардан топилган буюмларга ўхшаш нарсалар бу бинодан топилмади. Ёғоч-банд уйлар олтита бўлиб, ҳар қайсисининг сатҳи 15 м² дан 20 м² гача келади. Уйларнинг чап томони эркаклар, ўнг томони аёллар хонаси бўлган. Чап томонда темир болталар, ўқлар ва шу каби нарсалар бор, ўнг томонда эса сопол идишлар бўлган, бу ерда овқат тайёрланган.

Идишлар силлиқ бўлиб, сўнгги дьяков замониغا хос хилидандир. Березнякидаги ускуна-асбоблар умуман дьяков замониغا хосдир, дьяков хилидаги қадоқлар ва шу хилдаги бошқа буюмлар ҳам учрайди. Учоқлар тошдан териб ясалган.

Ҳайвон суяклари кўпроқ от ва чўчқаларникидир. Бутун посёлканинг биттагина умумий молхонаси дарвоза олдида бўлган. Жамоат биноси ёнида дон сақланадиган умумий омбор бўлиб, ундан ёрғучоқ топилган. Ундан нарида катта темирчилик омбори бўлган. Бу ердан 50 та эритилган темир бўлаклари топилган. Аёллар иш қиладиган махсус уй бўлиб, бу ерда сополдан урчуқ, темир бигиз ва тош дазмоллар учрайди. Ниҳоят, бу ердан марҳумлар хонаси (даҳма) топилди, бу уйда ўликларнинг куйдирилган суяклари ва улар ёнида ҳар хил буюмлар: болта, пичоқ, ўқ ва зеб-зийнат буюмлари бор.

Посёлканинг аҳолиси кўпи билан 40—50 кишидан иборат бўлган. Олтита оила битта жамоани, умумий хўжалиги бўлган битта катта патриархал ойлани ташкил этган. Дафн маросими ва топилган буюмларнинг характериға қараганда бу шаҳар харобаси славянлар шаҳри бўлган. Славянларда куйдирилган суякларнинг махсус жойда сақланиши йилномаларда баён қилинади. Куйдирилган суякларга тўлиб кетган ёғоч уйлар (тасвир этилган марҳумлар хонасига жуда ҳам ўхшайди) бир қанча вилоятларда VI—IX асрлардаги славян мозор қўрғонларида бир неча бор топилган эди. Ғайри славян қабилаларда бундай маросимлар бўлганлиги маълум эмас. Березнякидаги сопол идишлар эрамиз биринчи минг йиллигининг иккинчи ярмида яшаган славянлар қўрғонларидаги сопол идишларнинг худди ўзгина-сидир.

Березнякидаги мукамал тарихий манзара ўша даврдаги бошқа шаҳар харобаларидан олинган камёб маълумотларни қисман тўлдиради.

Волганин юқорисидаги соҳилларда яшаган дьяков қабила-ларини славянларга мансуб деб айтиш мумкин. Аммо дьяковликларнинг ҳаммасини славянлар деб ҳам бўлмайди. Эҳтимол уларнинг бир қисми (Березнякидан куйроқда Волга бўйида яшаган) мерлар ва бошқа ғайри славян қабилаларнинг аждодлари бўлгандир. Дьяковликлар этник жиҳатдан бир хил бўлган деб фараз қилишга ҳеч қандай асос йўқ: ҳали археологлар хўжалик характерлари умумий бўлган айрим дьяков турар жойла-

ри қандай этник гуруҳга мансуб бўлганликларици аниқлай олмайдилар.

Славянлар IV—VI асрларда юз берган ғоят катта оламшумул-тарихий ўзгаришда актив қатнашганлар. Халқларнинг ялли кўчиши деб аталган ҳодиса ана шу ўзгаришнинг бир кўринишидир. Рим империясининг Шимол денгизидан тортиб Қора денгизгача чўзилган узундан-узоқ чегараси бўйлаб яшаган Европа қабилалари бир неча асрлар давомида Рим агрессиясига ем бўлиб, римликлар миллион-миллион кишиларни ўзларининг қулларига айлантирган. То III асргача Римга қарши кураш олиб бориш йўлидаги уришишлар барбод бўлиб келган. Чунки империя ҳали ниҳоятда кучли эди. III асрдан бошлаб қуллар қўзғолонлари ва мустамлакалардаги ғалаёнлар оқибатида империя кучсизлана бошлаган, ўша асрдаёқ қўзғолончиларнинг объектив иттифоқчилари (кўпинча эса қабиладошлари) бўлган шимолӣ қабилалар Урта денгиз соҳилларига бостириб кира бошлаган эдилар.

Археологик маълумотларга қараганда, худди ўша III асрда Қора денгизнинг шимолӣ соҳилларида римликларнинг ҳарбий босқинчилиги тугайди (бу ҳақда юқорида гапирилган эди). III асрда Рим пулларининг Шарқӣ Европага оқиб келиши камаяди. Худди шу даврга оид қабристон даҳалари анжомлари ичида ҳам Рим буюмлари кам учрайди.

IV асрда Рим империяси Диоклетиан даврида сўнгги марта кучайиб, ўз душманларини ҳамма ердан суриб чиқаради: бироқ қулдорлик даври энди ёшини яшаб бўлган эди. IV асрда империянинг қулаш процесси тезлашади ва V аср бошларида у тамомла емирилиб кетади. Готлар, аланлар ва бошқа қабилалар империянинг гўркови эди. Византия давлати уларнинг бостириб киришларига қаттиқ қаршилик кўрсатган бўлса-да, VI асрда



79- расм. Сужа дарёси бўйидан топилган музалар сурати ишланган кўза

унинг кўп ерлари славянлар қўлига ўтган эди: Болқон ярим оро-
лининг деярли ҳаммасини склавинлар билан антлар босиб олган
эди.

Кўпгина Шарқий славянлар ўзларининг бу юришларидан
ўлжа олиб қайтганлар: баъзи топилмалар бундан далолат бера-
ди. Курск областида Сужа дарёси бўйида деҳқонлар V асрга
мансуб бой бир қабрни топган эдилар, бу қабрда олтин ва ку-
муш буюмлар бўлган. Топилган буюмлар ичида энг муҳими сўнг-
ги антик даврда тўққизта муза сурати ўйиб ишланган кумуш
кўзадир. Кўзада китоб ушлаб турган Клио, икки най ушлаган
Евтерпа, масхарабоз ниқоби кийган Талия, трагедия ниқоби
кийган Мельпомена, кифора ушлаган Терпсихора, аниқлаб бўл-
маган яна бир нимадир ушлаб турган Эрато, лира чалиб тур-
ган Полигимния, глобус ушлаб турган Урания, ўралган қоғоз
ушлаган Қаллиопагининг суратлари бор. Бу буюмлар Рим импе-
риясига қилинган юришларнинг аниқ далилидир.

Полтавшчинадаги перешчепинада подачи болалар топган ва
VII асрга мансуб хазина ҳам мамлакатимизнинг яна шу терри-
ториясида топилган ғоят бой хазиналардандир. Бу хазина асо-
сан 25 кг келадиган олтин ва 50 кг келадиган кумуш Византия
идишларидан иборат. Бу хазина славян йўлбошчиларидан бири-
ники бўлган. Ёзма манбаларга қараганда бу жойда шу даврлар-
да ғайри славян қабилалар сира бўлмаган.

Украинада эрамиз I минг йиллиги ўрталарига оид славянлар-
нинг қадимий шаҳар ва қишлоқларининг харобалари топилди.
Днестр бўйи ва Днепрнинг ўнг соҳилида топилган қадимий ша-
ҳар ва қишлоқларнинг харобалари шубҳасиз ант қабилалари
яшаган шаҳар ва қишлоқлардир, бу ерлар шу қабилаларнинг
асосий территорияси бўлган.

Чап соҳил Украинадаги қадимий шаҳар ва қишлоқларнинг
харобалари византияликларга кейинроқ маълум бўлган бошқа
славян қабилаларига мансуб бўлган бўлиши мумкин. Чап қир-
гоқ қадимий шаҳар харобаларидан топилган сопол буюмлар ан-
ча дағал, асбоб ва анжомлар ҳам камбағал. Бошдан-оёқ бу
территориянинг хўжалиги деҳқончиликдан иборат бўлган. Бу-
нинг аломатлари ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди.

Византия ёзувчиси Маврикий: славянлар «ўз турар жойлари-
га бир қанча йўлаклар бино қилган» деб ёзган. Археологлар ички
йўлаклар воситаси билан бир-бирига боғланган чуқур ертўлалар
системасини топиб олгунча Маврикийнинг ўша айтганлари ту-
шунилмас эди. Дарҳақиқат, бир неча йўлаги бўлган ана шун-
дай турар жойлар ўрта Днепрнинг сўл соҳил ирмоқларидаги ва
Дон дарёси бўйларидаги қадимги славян шаҳар харобаларида
ҳам қазиб очилган эди. Бундай уйлар жамоа хўжалиги бўлганли-
гидан дарак беради. Шарқий Европада бундай иншоотлар кўп
замонлар давом этган. Бундай иншоотлар эрамиздан олдиноқ
зиرواتчи скифларда бўлган. Славянларнинг ўша деҳқонлар би-

лан (аниқроқ қилиб айтганда скифлар давридаги славян қаби- лалари билан) бўлган алоқаларни (бу ҳақда юқорида гапириб ўтилган эди), лойдан ишланган думалоқ печлар, қўнғироқсимон шаклда ишланган ғалладонлар ва бошқалардан ҳам кўриш мумкин.

Шарқий Европанинг бир қанча областларидаги IV—IX аср мозор қўрғонлари кейинчалик рус йилномаларида баён қилинган славянларга мансубдир. Бу мозор қўрғонларининг ҳаммаси ҳам катта оила (патриархал жамоа) нинг қабрлари бўлиб, улардан топилган сопол буюмлар қўлда ясалган.

Шарқий славян қабилаларининг энг шимолийси Ильмень славянаридир. Бу территориянинг энг қадимий мозор қўрғонла- ри тахминан IV асрда қўп тарқалган чўққи тепалардир. Шарси- мон бу чўққи тепаларнинг баландлиги кўпинча 10 метр, баъзан 15 метргача боради. Бундай катта кўтармаларни бошқа област- ларда фақат қабила князлари бино қилганлар, бу ерда эса кат- та оилалар уларни секин-аста уйиб борганлар.

Мазкур чўққи тепаларда куйдирилган мурдалар кўп учрайди, бироқ улар ёнида жуда озгина буюм қўйилган. Чўққи тепалар кесма қилиб кўрилганида тўпроқ қатма-қат уйиб борилганлиги ҳар бир қатлам устидаги кул ва кўмир қатламларидан маълум бўлиб туради. Ҳар бир кул ва кўмир қатлами тепалик устига ўтказилган маърака (худойи) изидир. Баъзи куйдирилган мур- далар ёнидан куйган мунчоқ, тапга пул, металл зеб-зийнат бу- юмлар чиқиб қолади, уларга қараб мурданинг куйдирилган вақтини аниқлаш мумкин бўлади.

Бундай чўққи тепалар расм бўлган жойлар: Ильмень соҳил- лари, бу кўлдан чиқадиган Волхов дарёси ҳамда ўша кўлга қуя- диган Шелонь, Ловать ва Мета дарёларининг ва бу дарё ирмоқ- ларининг соҳилларидир. Шарқроқда Молога дарёси соҳилларида ҳам мазкур чўққи тепалар учрайди. Кейинчалик бу территория- ларнинг ҳаммаси Новгород феодал республикасини ташкил эт- ган, ўша даврда эса йилномада ёзилганидек, Ильмень кўли бўйига жойлашган ва «ўз» номи билан: словене деб аталган славян қабиласининг вилояти бўлган.

Кривичлар энг катта шарқий славян қабиласи бўлган. Йил- номада улар ҳақида: «Улар Волга бошида, Двина бошида ва Днепр бошида жойлашганлар» деб ёзилган (бунда Днепр боши дейилганида Ғарбий Двина дарёси назарда тутилади). Кечи би- лан IV асрда, балки асримиз бошларидаёқ расм бўлган ва чў- зинчоқ қўрғонлар деб аталган ўзига хос мозор қўрғонлар худди ана шу учта дарёнинг юқори оқими соҳилларида кўп учрайди. Булар бўйи 50 метр, баландлиги 1 метр келадиган узунчоқ кў- тармалардан иборат.

Узунчоқ мозор қўрғонларининг юқорида баён этилган чўққи тепалардан фарқи шуки, чўққи тепаларда қабрлар устма-уст уйиб борилган бўлса, бу ерда қабрлар ёнма-ён тизиб борилган.

Чўққи тепалардаги каби бу ерда ҳам мурдалар куйдирилган, улар ёнига озгина буюмлар қўйилган. Ҳар бир янги қабр билан кўтарма чўзилиб борган. Днепр бўйида бундай мазор қўрғонлар кўпроқ ҳозирги Смоленск областида тўпланган, Ғарбий Двина бўйида бундай қўрғонларни Латвия чегарасигача, Волга бўйлаб Ярославлгача учратиш мумкин.

Иилномада ёзилшича, вятичлар Ока дарёси соҳилларида яшаган, бу ерда IV асрда ўзига хос мазор қўрғонлар расм бўлган. Археологик қазиларда бу мазор қўрғонлар ичидан чуқурчалар ҳалқаси топилиб туради. Бу ҳалқалар доира шаклида ўрнатилган тахта иҳоталарнинг чуқурчаларидир. Мурдалар ўша иҳоталар ичида куйдирилган. Уларнинг сони ҳам баъзан жуда кўп бўлади.

Бундай мазор қўрғонлардан бир қанчаси Угра ҳавзасида (Ока дарёсининг чап irmoқларидан бири) ва юқори Окада ҳамда бир қанча мазор қўрғон Дон дарёсининг Воронежга яқин соҳилида қазиб очилди. Юқори Дондаги славян турар жойлари ҳам вятичларга мансуб бўлган бўлса керак. Ниҳоят шундай мазор қўрғонлардан бири Москва ёнидаги Беседада топилди.

Бошқа славян қабилаларнинг илк мазор қўрғонлари ҳозирча топилган эмас. Ҳар ҳолда йилномаларда баён этилган қабилалар аслида қабилалар иттифоқидан иборат бўлган (сўзнинг илмий маъносидagi қабилa анча кичик территорияни ишғол қилади), славянларда бундай иттифоқлар кечи билан IV асрда таркиб топган.

* * *

Шарқий Европанинг жанубий даштларида, юқорида айтилганидек, II асрда сармат даври ўрнига олон даври келган эди. Скиф ва сарматлар сингари олонларнинг кўпчилиги кўчманчи чорвадор бўлиб, озроқ қисми деҳқончилик билан машғул бўлган. Скифлар, сарматлар ва олонлар бир-бирларига жуда яқин бўлиб, ҳаммаси форс тилларида гаплашган.

Олонларнинг мазор қўрғонлари дафн жиҳозлари жиҳатидан скиф ва сарматларники сингари бой эмас. Баъзи мазорлар мутлақо буюмсиз бўлади, шунинг учун уларни аниқлаш ҳам жуда қийин. Олонларнинг олтин буюм газвалари амалий санъатнинг анча тушкунликка учраганлигини кўрсатади. Грек ва скифларнинг бадий традициялари барҳам топган. Нақш ва дагал ишланган қимматбаҳо тошлар кўп ишлатилса ҳам бироқ улар дид билан ишлатилмаган.

Олонларнинг қуроллари эрамизнинг VIII асригача сармат қуроллари тусини сақлайди. Уқлари аввалгидек уч парракли қилиб темирдан ишланган. V асрдан бошлаб тўғри шамширнинг янги, бир тигли хили ишлатилса-да, у билан бирга сарматлар шамшири ҳам ишлатилади. Шу тариқа кейинчалик эгри қилич

пайдо бўлишига олиб келган эволюция бошланади (илк ўрта асрлардаги бир тўғли шамширни қилич деб бўлмайти, улар ҳали тўғри шаклда эди).

Олонларнинг ижтимоий-сиёсий тузумини аниқлаш мумкин бўлмапти, чунки бу ҳақда маълумотлар жуда кам. Даштларнинг асосий аҳолисини олонлар ташкил этган, уларнинг жуда кўп қисми халқларнинг оммавий кўчишида иштирок қилади. Натижада Галлия, Испания ва Африкада олонларнинг ер мулклари пайдо бўлади. Аммо шундан кейин ҳам бизнинг даштларимизда жуда кўп олонлар яшайди. Дунай дарёсидан тортиб Уралгача уларнинг мозор қўрғонлари кўп учрайди.

Олон давридаги жуда бой қабрлар даштлардаги мозор қўрғонларда эмас, балки қадимги Патикапейнинг Керчь шаҳридаги дахмаларида учрайди. IV асрда бу шаҳар аҳолисининг кўпчилигини греклар эмас, балки олонлар ташкил қилган. Унда маданият пастлашиб кетса ҳам, бу шаҳар йирик марказ бўлиб қолаверган. IV—V асрлардаги Керчь дахмаларидан жуда кўп идишлар, айниқса шиша идишлар, сармат қуруллари типидagi кўпгина қуруллар ва жуда кўп зеб-зийнат буюмлари топилди, шуниси ҳам борки олтин буюмларга жуда кўп қимматли тошлар билан, жез буюмларига эса ҳар хил рангдор шиша парчалари билан қадама нақш берилган.

Немис буржуа ирқчи археологлари — гўё бутун Шарқий Европани деярли ўз ичига олган VI асрдаги гот империяси ҳақида VI асрдаги гот епископи Иорданнинг хаёлий ҳикояларини археология материаллари билан тасвирлаб беришга уринган эдилар. Иордан уқувсизлик билан бебақо Италия остгот қироллигининг улуг аждодларини ўйлаб чиқарган эди. Готлар, албатта, III—IV асрларда Қора денгиз соҳилларидаги даштларда бўлган эдилар. Аммо шу асрларга оид уларнинг археологик излари топилган эмас, бу ажабланарли эмас. Негаки, бу қабилалар сон жиҳатидан оз бўлиб, улар бу ерларда узоқ яшамаган, ажралиб қолганлари эса тез вақт ичида маҳаллий аҳоли билан қоришиб кетган.

Баъзи археологлар турли тошлар билан нақшланган олтин буюмлар ва шиша парчалари билан нақшланган бронза буюмларни готларники деб кўрсатишга уринган эдилар, аммо бу хил қадама нақшлар даштларда эрамиздан олдин сарматларда пайдо бўлган, бу нақшларнинг сарматлар ва олонларда бир неча асрлар давомида секин-аста ўзгариб тараққий қилиб борганлиги кузатилган. Бу буюмлар ичида бошқа бирон келгиндиларники деб айтиш мумкин бўлган ўзига хос ҳеч қандай буюм йўқ.

Ўйма сир берилиб геометрик нақшлар билан безатилган бронза буюмларни ҳам готларники деб исботлашга уринувчилар бўлган эди. Бироқ бундай буюмлар готлар яшаган марказдан шимол томонда учрайди, холос. Шу билан бирга бу буюмлар IV—V асрларда илк ўрта аср славянларида заргарлик санъати тараққий қилганлигидан дарак беради.

Шу нараса диққатга сазоворки, амалий санъатдан бошқа ҳеч бир нарсани бирон киши готларга боғлашга уринган эмас, шунинг ўзи ҳам бу кучанишларнинг пучлигини кўрсатиб туради. Фараз қилинган буюк гот давлатининг на турар жойлари ва на қабристонларидан дарак бор. Аммо минг йиллар давомида тоғли Қримнинг бир оз қисмини эгаллаб турган энг сўнгги Қрим готларининг турар жойлари ва қабристонлари топилди. Бу кичик қабиланинг, шунингдек бошқа майда қабилаларнинг ҳам қадимги ёдгорликлари ҳақидаги маълумотлар мазкур қисқа курсга киритилмайди.

IV—V асрларда хунлар бизнинг даштларимиз орқали тез ўтиб кетган ва улар босиб ўтган жойларда уларнинг вайрончилик роли тарихдан маълум бўлса-да, археологлар хунлар ҳаракатининг изларини даштларимиздан тополмаган. Кўпгина археологлар металл узангилар хунлардан тарқалган дейдилар. Қаердадир ихтирс қилиниб тез тарқалган бундай узангилар IV—VI асрларда Тинч океандан Атлантика океанигача Осиё ва Европанинг барча мамлакатларида пайдо бўлган.

Туркий қабилалар, уларнинг энг дастлабкиси бўлган хунлар ўша вақтлардан бошлаб бизнинг даштларимизда олонлар билан алмашилиб кўчманчилик қилиб юрганлар. Оворлар, Қора денгиз булғорлари ва бошқа шу каби қабилаларнинг археологик излари топилгани йўқ, топилганлари эса жанжаллидир. Уларнинг турар жойлари текширилмаган, қабристонлари йўқ ёки олонларникидан кўра камбағалдир.

I минг йилликнинг иккинчи ярмида олонлар туркий қабилалардан бири хазарлар ҳукмронлиги остига тушиб қолган. Олонларнинг бу даврдаги мазор қўрғонлари йўқ. Уларнинг фақат Волга бўйида Саратов ёнида VIII асргача бўлган мазор қўрғонлари бор. Бироқ олон қабристонларидан Донец дарёси бўйида, Харьковга яқин Салтов қишлоғи ёнидаги VI—IX асрларга оид жуда машҳур улкан Салтов қабристони хазарлар даврига мансубдир. Қабрлар сунъий ғорлар ичида жойлашган. Мурдалар ётқизиб кўмилган. Қуроллардан узун дастали тўмтоқ томони болғасимон ва энсиз жанг болта характерлидир. Бу ерда якка тигли шамширлар бор, улар учидан сал қайрилган, бу эса эгри қиличлар пайдо бўлишидан дарак беради. Аёлларнинг зеб-зийнат буюмлари кўп. Мулкий табақаланиш анча кучли бўлган. Идишларнинг кўпчилиги кулолчилик чархида ясалган кўзалардан иборат.

Салтов қабристони даставвал хазарларники деб фараз қилинган эди. Салтовчилар, шубҳасиз, Хазар ҳоқонлигига қарам бўлган. Бу ҳоқонлик ўша замоннинг даштларда кўчманчилик қилиб юрган ва чекка ғарбдаги туркий тўдалардан ташкил топган жуда ибтидоий давлатдир. Бу кўчманчи чорвадор тўдалар даштлардаги бўйсундирилган деҳқон аҳолининг кучидан фойдаланиб яшаган. Салтов қадимий ёдгорликлари Сибирь даштларидаги туркий қабилаларнинг ёдгорликларига жуда ўхшайди. Бу ўхшашлик май-

да-чуйда нарсаларда, масалан камар тўқасининг шакл ва нақшлариди кўринади. Аммо асосий археологик ўхшашлик шарққа эмас, балки жануб томонга олиб келади. Салтов қабрларидаги буюмлар ўша замоннинг Шимолий Осетия қабрларидаги буюмларга жуда ўхшайди, бу қабрлар, шубҳасиз, осетинларнинг аجدодлари бўлган олонларнинг қабрларидир. Ҳар икки хил қабрдан ўликлар ёнидан бир хил болта, ўқ, исирга, билагузук, узук, идиш, эгар-жабдуқ ва бошқа буюмлар топилди. Осетинларнинг баъзи қабрларида, масалан Чмида салтовларникига ўхшаган катакомбалар бор. Донец дарёсидан осетиягача бўлган масофа 1000 км дан кўпроқ бўлиб, уларнинг географик шароити ҳам тамомлабошқачадир, шунинг учун мазкур ўхшашликларнинг аҳамияти жуда катта. VI—IX асрларда Донецдан ва Осетияда хазарларга тобе олонлар яшаган.

Археологик жиҳатдан хазарларнинг ўзлари фақат сўнгги йилларда Донда, Цимлянск қишлоғи яқинида, Саркелдаги қазйшлар натижасида аниқлана бошлади. Саркел шаҳрини хазарлар IX асрда бино қилган. Қалъа девори ва катта бинолар пишиқ гишдан қурилган. Гишларнинг кўпида усталарнинг тамгалари бор. Кўп уйлар ёғочдан қурилиб, сирти лой билан сувалган. Саркелнинг хазарлар қатлами IX—X асрларга оиддир. Саркелни Святослав истило қилгандан кейин бу ерда славянларнинг Белага Вежа шаҳри бино қилинди. Хазар ҳоқонлигида плуг деҳқончилиги ҳукм сурган: хийла вазмин плуг тиши ва дон сақлайдиган кўпгина ўралар топилди. Бу ерда ҳунармандчилик шаҳарлари ҳам бўлган: Саркелда темирчилик ва кулолчилик устахоналари қазиб очилди. Сопол идишлар кулолчилик чархида ясалган.

X асрда Святослав хазарларни енггандан кейин даштдаги олонлар ва хазарлар қарийб йўқ бўлиб кетган, улардан кичик-кичик гуруҳларгина қолган. Бироқ X асрда даштни печенеглар банд қилган. XI асрда печенеглар ўрнига торклар, торклар ўрнига эса қипчоқлар кетган. Бу кўчманчи қабилаларнинг ижтимоий тузуми тўғрисида, хусусан улардаги феодал муносабатлар қай даражада ривожланганлиги тўғрисида фанда аниқ фикр йўқ, бу ҳақда ҳозир ҳар хил мунозаралар бормоқда. Бу мунозараларни вақти келиб археология ҳал қилса керак. Аммо мазор қўрғонларда ўтказилган қазйшлар бу мунозарани ҳал қилиш учун етарли материал беролмаяпти. Печенеглар, торклар ва қипчоқлар археологларга қуролли жангчилар кўмилган мазор қўрғонлардан маълум, холос. Бу қўрғонлардан топилган қиличлар бошқа буюмлардан кўра муҳимроқ.

Қилич — қайилган ва якка тигли қуролдир. Узоқ ўтмишдаёқ турли халқларда якка тигли қайилган қиличнинг ҳар хили учрайди, аммо ҳеч ерда улардан яхши фойдаланилмаган ва қўш тигли шамширларга бас келолмаган, узун, ингичка ва қайилган чинакам қиличлар пайдо бўлгандан кейин булар кенг ўрин олган. Қиличларнинг тиги ташқарига, орқа томони ичкарига букилган. Як-



80- расм. Якка тигли эгри қилич

ка тигли қилич сидириб урганда қўш тигли қиличга қараганда баданга чуқур кириб каттароқ жароҳат еткизган. Қайилган қилич аслда СССРнинг Европа ёки Осиё қисмидаги даштларда ишланган. Даштларда бу қилич дастлаб якка тигли, сал қайилган қиличлар асосида такомиллашиб, тахминан IX асрда кўчманчиларда пайдо бўлган. Унинг жанубда (ислом мамлакатларида), ғарбда (Ғарбий Европада) ва шимолда (Русда) тарқалишига оғир аслаҳа тўсқинлик қилган. Аммо у енгил қурулланган чаққон суворилар билан бирликда секин-аста жорий бўлган, ниҳоят, бу қилич ҳамма жойда ишлатиладиган бўлган (Яқин ва Урта Шарқда ҳамда Русда у XIV асрда, Ғарбий Европада XVI асрда тарқалган).

Эрамизнинг биринчи минг йиллигидаги Волгабўйи тарихий ёдгорликлари тўғрисида кейинроқ, Волга Булғорияси вужудга келиши муносабати билан гапираимиз.

Қуйи Ока ва Сура дарёлари ҳамда уларнинг ирмоқлари бўйидан топилган ва эрамизнинг биринчи асридан бу ёғидан кейинги асрларга мансуб қабрлар жуда ҳам бир хилдир. Сура ва Мокша дарёлари бўйидаги қабрлар мордва халқининг аجدодларига, Ока дарёси бўйидаги қабрлар эса (кейин руслашиб кетган) мишар ва мурон қабила-ларига мансубдир. Бу қабрлардан бронза, темир ва кумуш буюмлар жуда кўп топилди. Қабрлардаги буюмларга қараганда мулкий тенгсизлик кўзга ташланиб турсада, уруғчилик тузуми доирасидан нари кетилмаган. Бу тенгсизлик эрамизнинг бутун I минг йили давомида ошиб борган эмас; демак, бу ерда уруғчилик муносабатлари кучли даражада сақланган. Эркакларнинг қабрларида меҳнат қуруллари, кўпинча болта ва қурул-яроғдан кўпроқ найза учрайди. Қўш тигли энли қиличлар камдан-кам учрайди. Аёллар қабрларида (айниқса Ока бўйида) металлдан ишланган зеб-зийнат

буюмлар жуда кўп учрайди. VIII асрдан бошлаб металл шокилалар ана шундай зеб-зийнат буюмлари бўлган, бу шокилалар жездан ясалган ва сим ҳалқаларга тақилган жуда кўп пиликчалар ва найчалардан иборатдир. Бу пиликча ва найчалар билан бош

кийимлари ва маржонлар безатилган, улар кўйлақларнинг этакларига ва ҳатто юрганда қаттиқ шалдироқ овоз чиқариши учун оёқ кийимларига ҳам тutilган.

Қабрлардан топилган жуда кўп темир буюмларга қараганда темирчилик хунари ўша қабрлар пайдо бўлган чоғдаёқ тараққий қилган. Муром ёнида омбур ва болгалари билан кўмилган икки-та темирчи қабри эрамизнинг биринчи минг йиллик охирига мансуб. Мурманск ёнида худди шундай учинчи қабр топилди. Аммо ҳунармандчилик юқоридаги даражадан ортиқ тараққий қилмаган. Сопол идишларнинг ҳаммаси қўлда ишланган. Шуниси ҳам борки мордва қишлоқларида ҳали XIX асрда ҳам сопол идишлар қўлда ишланар эди. Бу ерларда кулолчилик бўлмаган.

Волга билан Вятка дарёлари ўртасида ҳам Вятка дарёси ҳавзасида мари ва удмурт халқининг аждоқларига мансуб қабрлар текширилди. Мари ва удмуртларнинг қадимги чегаралари тахминан Вятка дарёси бўйлаб ўтган. Эркақлар қабрларидан албатта тақиш учун сопига ҳалқа ўрнатилган темир болта чиқади. Найзалар ҳам кўп учрайди. Кўш тигли тўғри шамширдан фақат битта (удмуртлардан) топилди. Аёллар қабрларидан жуда кўп шокилалар ва турли рангдаги хира шиша мунчоқлар топилди. Шиша мунчоқлардан кўкрак-печ ясаганлар, бош кийимларини ва кўйлақ этакларини безаганлар. VI асрдан XV асргача бўлган қабрлар бир-бирига жуда ўхшайди. Сопол буюмларнинг ҳаммаси қўлда ишланган. Мулкий тенгсизлик жуда сезилиб туради, XII асрга келиб айниқса кучаяди.

Мари ва удмуртларнинг бу даврлардаги шаҳар харобаларида темирчилик ва дегрезлик устахоналари кўп учрайди. Аммо ҳунарнинг бошқа соҳалари ҳали бўлмаган. X асргача кетмонча билан деҳқончилик қилинган, X асрдан эътиборан плуг ишлатила бошлаган. Плуг билан деҳқончилик қилиш хўжаликнинг негизини ташкил этган. Жавлар ва бугдой етиштирилган. Мўйна овчилиги жуда ривожланган, мўйна четга чиқарилган. Мўйна овчилиги Европада ҳам, Осиёда ҳам ҳеч ердан Кама ҳавзасидегидек муҳим аҳамиятга эга бўлмаган. X асрдан эътиборан янги хил қадимий шаҳарлар, мустаҳкам қўрғонлар пайдо бўла бошлайди, бу эса феодал муносабатлар куртаклари вужудга келганлигидан дарак беради, аммо ҳали бу вақтда феодал муносабатлар тўла равишда таркиб топмайди.

Балтикабўйидаги илк ўрта аср қандай бўлганлиги ҳам турар жойлардан эмас, балки қабрлардан маълум. Эрамизнинг II—V асрларида Латвияда латишларнинг узоқ ота-боболарига мансуб мозор қўрғонларга кўплаб одам кўмиш одат бўлган. Шимолий Латвия ва Эстонияда эса тош териб иҳота қилинган қабрлар расм бўлган, бу қабрлар лив ва эстларнинг узоқ ота-боболарига мансуб бўлган. Қабрларнинг қайси қабилага мансуб бўлганлигини дафн маросими ва буюмларнинг, айниқса аёллар зебзийнат буюмларининг турларидан осонгина билиш мумкин.

VI—IX асрларда бутун шу территорияда юзаки қараганда қабр эканлиги билинмайдиган; ташқи аломатлари бўлмаган қабрлар расм бўлган, жуда озгина қабрлар бундан мустаснодир. Мулкий табақаланиш ва ижтимоий тараққиёт даражаси ҳамда металл буюмларнинг кўплиги ва ҳоказолар жиҳатидан бу ердаги қабрлар юқорида тасвирланган Волга ва Кама ирмоқлари бўйидаги қабрларга ўхшайди. Балтикабўйининг этник чегараси археологик жиҳатдан аввалгидек жуда аниқ ажралиб туради, бу ердаги этник чегара асрлар оша секин-аста шимолга силжиган. IX—XII асрларда бу процесс давом этиб, латишлар эстларга қардош бўлган ливларни секин-аста латишлаштириб, ўзларига сингдириб борганлар (ҳозирги вақтда ливлар жуда оз қолган). Бу даврдаги қабрлар мулкий табақаланиш ўсиб борганлигидан, бу ўсиш латишларда кучлироқ, эстларда кучсизроқ бўлганлигидан далолат беради. Қабила бошлиқлари кўп бойлик орттирган, синфий муносабатлар таркиб топа бошлаган. Аммо XIII асрда латиш ва эстонлар немислар томонидан асоратга солиниб бу ерларда фожиа содир бўлган вақтда ҳали синфий жамият таркиб топмаган эди.



IX—XIII АСРЛАРДА РУСЬ

Шарқий славянларнинг катта феодал давлати вужудга келган IX аср — Русь тарихи бошланган ва узоқ вақтгача тарихий чегара бўлиб келган аср эди. Совет тарихчилари ва археологлари Шарқий славян жамияти тараққийси бошланишидан олдинги даврни, айниқса ибтидоний жамоа тузуми барбод бўлиб феодализм вужудга кела бошлаган даврни ўрганиб жуда яхши иш қилдилар, бу уларнинг катта хизматидир.

Катта ижтимоий силжишлар юз берган VII—IX асрлар ижтимоий ҳаётнинг янги формаларини вужудга келтиришни тайёрлади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражаси славянлар яшаб турган ерларнинг ҳамма қисмида бир хил эмас эди. Антлар авлоди бўлган жануби-ғарбий славян қабилалари ўрта Днепр ва Днестр бўйидаги қадимги деҳқончилик маданиятнинг бевосита ворислари эдилар; улар ерларни ҳайдаб экар ва экиб етиштириладиган асосий экишларнинг ҳаммасини билар эдилар. Урмонзорларда яшаган бошқа шарқий славян қабилалари VII асргача асосан қирқма деҳқончилик билан шуғулланарди. Бунда деҳқонлар экин экиш учун дарахтларни қирқиб, йиқитилган жойида қуритар ва кейин бу дарахтларни куйдириб шу тариқа экин майдони тайёрлардилар. Деярли махсус ишлов бериш учун эҳтиёж қолмаган ернинг куйдирилган юза қисмига дон экинлар. Қирқма (ёки «куйдирма») деҳқончиликнинг қуроллари темир болта, катта аспичоқ ва кетмонча (мотига)дан иборат эди. Аммо эрамиз биринчи минг йиллигининг иккинчи ярмида шарқий славянларнинг шимолий қабилалари қирқма деҳқончиликдан ерни ҳайдаб деҳқончилик қилиш усулига кўчадилар, шимолий районларда бундай деҳқончиликнинг асосий қуроли оמוч, жанубий вилоятларда эса плуг бўлган. Бирлашиб ишлашни талаб қилган қирқма деҳқончилик ибтидоний жамоа хўжалигига хос соҳа бўлган бўлса, ерни ҳайдаб экиш усулидаги деҳқончилик хўжаликни якка-якка олиб боришнинг ривожланишига олиб келган. Бу вақтда, VII—IX асрларда кўпгина қадимги рус шаҳарлари ҳам вужудга келган. Шаҳарнинг вужудга келиши аввало ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ва у билан бирга айирбошлашнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Эрамиз биринчи минг йиллигининг иккинчи ярмида кўп славян қишлоқларида дегрезлик

ва темирчилик касби кенг тус олганлигини кўрсатадиган далиллар топилди. Масалан, Псковда ўтказилган қазиларда VII—VIII асрлар қатламидан боқонли кўраларнинг жуда кўп қолдиқлари топилди (қуйида ҳали бу ҳақда гапирилади). Бу даврда қадимги рус шаҳарларида ишлаб чиқаришнинг бошқа кўпгина соҳалари — заргарлик, тўқимачилик, суякдан буюмлар ясаш ва бошқалар бўлганлигини археология аниқлаб берди. Ҳуруғчилик тузумининг сўнгги тараққиёт боқкичидан синфий феодал жамиятга ўтиш даврини ичига олган VII—VIII асрларда турар жой ва мавзеларнинг шаклларида янги ижтимоий шароитга мос кўринишлар билан бирга эски турмуш элементлари ҳам сақланган. Масалан, кўҳна Ладога шаҳар харобаси қазилганида унинг VII—VIII аср қатламида патриархал жамоага хос жуда катта уй топилди. Ладогаликларнинг кейинги, IX—X асрлардаги уйлари анча кичикдир. Бу вақтдаги Ладога шаҳарчаси кишилар яшайдиган уй, омборча, донхона, молхона ва бошқаларни ичига олган айрим-айрим ҳовлилардан иборат бўлган. Бу энди хонаки саноати бор якка хўжалик ва албатта ҳунармандчилик тараққий қила бошлаган хўжалик бўлган. Шимолий славянларнинг бошқа шаҳарлари ҳам кўҳна Ладога шаҳрига ўхшаб ривожланиб борган бўлса керак, албатта Жанубий шаҳарлар тезроқ ривожланган. Аммо уларда ҳам баъзи турар жойларда патриархал жамоанинг қолдиқлари узоқ вақтгача сақланган. Сула ҳавзасида, Ромна шаҳри яқинида VIII—X асрга хос мавзелар топилган эди. Бу мавзелар лойдевор ертўлалардан иборат бўлиб, ундан сопол, суяк ва металлдан ясалган хилма-хил буюмлар топилди. Қуббали печкалари лойдан равоқсимон ишланган. Кейинроқ «Ромна хилидаги» шаҳар харобалари бутун Десна бўйидан, Ворскла, Сула, Сейм дарёлари ҳамда бу дарёларнинг ирмоқлари бўйларидан топилган эди. Бу шаҳар харобалари жойлашган территория катта славян қабилалари — северянлар яшаган территорияга тўғри келади. «Ромна хили»га ўхшаган ўша даврнинг шаҳар харобалари Дон дарёсининг юқори оқими бўйларида ҳам борлиги маълум бўлди. Боршев қишлоғи ёнида ҳар бирининг ҳажми 4×4 м келадиган ва 0,5—1 м чуқурликда ерга қазиб ишланган 200—250 тача уйдан иборат мавзе топилди. Уйларнинг деворлари узунасига икки бўлиб ёрилган ёғлалардан қурилган. Учоқ — печкалари уйларнинг бурчагича қилинган. Уйлар тўда-тўда қилиб, бир-бирига ёпиштириб солинган ва биридан иккинчисига ўтадиган бостирмалар қилинган. Уйлар ёнига хўжалик қурилишлари — дон ўралари, сизқ-овқат сақлайдиган ертўлалар ва бошқалар қилинган.

IX—X асрларда, феодал жамияти узил-кесил таркиб топиши билан катта-катта шаҳарлар вужудга келади. Бу шаҳарлар археологик жиҳатдан кўпдан буён текширилмоқда. Чунончи, Смоленск, Чернигов, Киев ва Новгород шаҳарлари рус маданияти, касб-ҳунари ва маиший ҳаёти тўғрисида жуда кўп материал

берди. Бироқ шундай бўлса ҳам X асрдан бошлаб қадимги русни ўрганишдан ҳозирча археологик материаллардан кўра ёзма манбалар муҳимроқ роль ўйнайди. Археологиянинг аҳамияти бу соҳада тез ўсиб бораётган бўлса-да, мазмуни ажойиб даражада бой, баёни гоят раvon йилномаларимиз сиёсий тарих учунгина эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий тарих учун ҳам битмас-туганмас манба бўлиб қолмоқда. Лекин ҳар ҳолда рус тарихининг айрим масалалари археологик маълумотлар асосида ҳад этилиши мумкин. Масалан, IX—X асрлар тарихи учун рус феодал синфининг келиб чиқиши ҳақида археологик хулосалар муҳимдир, улар, хусусан, илм билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган норман назариясини рад қилиш учун бебаҳо хулосалардир.

X асрдан Шарқий Европанинг турли вилоятлари мурдалар куйдирилган мазор қўрғонлар бизнинг давримизгача сақланган. Бу мазор қўрғонларда юқори ижтимоий табақа вакиллари — ўзларининг бойлиги ва зодагонлиги жиҳатидан аҳолининг бошқа табақаларидан ажралиб турадиган чокарлар (дружинниклар) мажусилар одатига мувофиқ кўмилган. Асл касби жангчилик бўлган рус чокарлари IX—X асрларда Болтиқ денгизидан Қора денгизга ва Волгагача қудратли давлат таркиб топаётган вақтларда қўшиннинг асосий ядросини ташкил этган. Чокарлар жамоа ва қабилалар зодагонларидан келиб чиққан. Уларнинг кўпи феодал уруғларнинг оқсоқоллари бўлиб олган. Улар ўз меҳнатлари билан феодалларнинг иқтисодий қудратини барпо қилган деҳқон смердларни асоратга солган.

Чокарларнинг мазор қўрғонлари IX—X асрларга мансуб бўлиши қонуний ҳолдир. VIII асрда юқори ижтимоий табақа бошқа табақалардан етарли даражада ажралиб олмаган бўлса керак, албатта. XI аср бошларида ҳукмрон синфнинг христианлашиши тугайди. Черков мурдаларни куйдириб, мазор қўрғонлари тепа қилиб ўйиб қўйишдек мажусийлар одатини ман қилган. Шунинг учун археологларга XI—XII аср феодалларидан кўра IX—X аср феодаллари кўпроқ маълум.

Қадимги Руснинг кўп вилоятларида чокарларнинг мазор қўрғонлари бор. Хусусан бундай мазор қўрғонлардан бир қанчаси Руснинг асосий маркази Киев шаҳри территориясидан қазиб очилди. Бироқ бу хил мазор қўрғонлар Киевдан кўра Смоленск билан Черниговда кўп ва яхши текширилган.


Юқори Днепр бўйида, Смоленскка яқин Гнездово қишлоғидаги мазор қўрғонлар ҳаммадан ажойиб ва намуналидир. Бу ерда бундай мазор қўрғонларнинг сони 3 мингга боради. Бу қадимий Смоленскнинг мажусийлар қабристонидир. X асрда Константин Багрянородний тилга олган бу шаҳар ўша вақтдаёқ Руснинг муҳим марказларидан бири бўлган. Гнездоводаги марказий мазор қўрғоннинг (князники бўлса керак) баландлиги 10 метр, айланаси 100 метр келади. Мазор қўрғоннинг тагида бир қанча мурдалар куйдирилган гулханларнинг қолдиқлари очилди. Гулханда

хўжайиннинг мурдаси (унинг ажойиб қуроллари топилди), чўрилар (уларнинг зеб-зийнат буюмлари топилди), эҳтимол қуларнинг ҳам мурдалари куйдирилган. Мозор қўрғон Ўрта Осиё танга пули X аср бошида зарб қилинган дирҳам билан саналади (Гнѐздовога бундай танга пуллар жуда кўп топилди). Дафн гулханида озми-кўпми сақланган темир қурол-аслаҳалар; дубулга, иккита қалқон қуббаси, найза ва қўш тигли шамшир топилди. Дубулга қадимги рус ўйма нақшини эслатадиган нақшли темир пластинкалар билан безатилган, бошқа буюмларнинг ҳаммаси куйиб кетган деса бўлади. Шу мозор қўрғон ёнида яна битта кичикроқ мозор қўрғон бўлиб, унда фақат от кўмилган экан, у князнинг жанг оти бўлса керак, албатта.

Гнѐздовога ўша катта мозор қўрғондан ташқари, яна 700 дан ортиқ мозор қўрғон қазилди. Бу мозор қўрғонлардаги мурдалар ҳам куйдирилган. Мурдаларнинг баъзилари шу жойнинг ўзида, баъзилари бошқа жойда куйдирилган: мурданинг мозор қўрғонда куйдирилганлиги ундаги куйиб кетган ердан маълум бўлиб туради, четда, куйдирилган мурдаларнинг хоки узоқ жойдан олиб келтирилган бўлиши ҳам мумкин. СССР нинг бошқа ҳамма территорияларидагидан кўра бу ердаги мозор қўрғонларда қуроллар кўпроқ учрайди. Мозор қўрғонларнинг тўртдан бири бўш бўлиб, улар четда ҳалок бўлган жангчилар шарафига қилинган мозор қўрғонлар деб ҳисобланади. Бу кишиларнинг ҳаёти гоёт жўшқин бўлган ва ҳалок бўлганларнинг хокини ҳамма вақт ҳам Гнѐздовога олиб келиш мумкин бўлмаган, уларнинг жасади душман томонида қолиб кетган бўлиши ҳам, олинсадаги денгиз ёки дарё тўлқинлари ичида йўқ бўлиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Хўжайинлар жасади кўмилган жойларнинг ҳаммасида қулар жасади куйдириб кўмилган. Бунинг далили учун яна бир мисол келтириш мумкин. Мозор қўрғонлардан бирида куйдирилган суяклар солинган учта хумча чиқди. Унинг биттаси ёнига қўш тигли шамшир билан найза санчиб қўйилган, бошқа иккита хумча ичидан эса хотин-қизларнинг зеб-зийнат буюмлари чиқди. Демак жангчи иккита чўриси билан кўмилган экан. Бу ерда канизақлар эмас, хотинлари кўмилган деб айтиб бўлмайди. Чунки бу ерда озод хотин-қизлар кўмилган алоҳида мозор қўрғонлар бор. Аёллар кўмилган мозор қўрғонлар орасида бойлар мозор қўрғонлари ҳам бор. Фақат бой эркаклар кўмилган мозор қўрғонлардагина куйдириб кўмилган хотин-қизларнинг хоклари учрайди.

Ибн-Фадлан худди ана шу вақтларда Днепр бўйида Гнѐздово мозор қўрғонлари қурилган вақтларда Булғорда ва Волгада қулфуруш руснинг дафн қилинишини томоша қилган. Ибн-Фадланнинг ҳикояси Гнѐздовога қазилган мозор қўрғонлардаги ҳолатга тамомила тўғри келади. Унинг айтишича мурда билан бирга унинг чўриси ҳам ўлдириб куйдирилган. Мурда қайиқда куйди-




81- расм. Қўш тигли тўғри рус шамшири. Ярославль яқинида Михайловское қишлоғидан топилган

рилган, Гнёздовода бунинг излари бор. Бунда жасад ёнига унинг қуролли ҳам қўйилган. У дафн қилинганда унинг ҳайвонлари: отлари, ҳўкизлари, итлари ва хўрозлари ҳам бирга дафн қилинган; уларнинг ҳаммаси Гнёздово қўрғонларида учрайди. Гўр усти «юмалоқ тепага ўхшатиб» қўйилган, яъни Гнёздоводаги сингари шарсимон қўрғон уйилган.

Қадимги руснинг бу сингари, мазор қўрғонларида бўлгани каби, Гнёздово мазор қўрғонларида ҳам, чокарлардан ташқари оддий шаҳарликлар, яъни ҳунармандлар ва савдогарлар ҳам кўмилган бўлса керак. Аммо уларнинг гўрларини ҳали бошқалардан ажрата олганимизча йўқ. Бу мазор қўрғонларда деярли меҳнат қуроллари учрамайди. Мазор қўрғонларнинг кўпида буюмлар жуда оз, қуроллар эса мутлақо йўқ.



82- расм. Пайкон. Ўқ учи. Смоленск яқинида Гнёздоводан топилган



83- расм. Дубулгалар. Смоленск яқинида Гнёздоводан топилган

Гнёздовода бир неча мазор қўрғондан топилган бронза тарозилар савдогарларга мансуб бўлса керак, бу тарозилар йиғма шайин ва иккита думалоқ палладан иборат (бундай тарозилар қазиларда мазор қўрғонлардан, шаҳар қатламларидан ва газилардан топилди, шунга қараганда Шарқий Европада булар кенг тарқалган дейиш мумкин. Бундай тарозилар ниҳоятда тўғри бўлган). Баъзи бойлар мазор қўрғонларида қуроллар билан бирга тарозилар ҳам учрайди, Х асрда кўп жангчилар савдо-сотик билан шуғулланган.

Гнёздово мозор қўрғонларидаги шамширлар, шунингдек рус чоқларининг IX—X асрлардаги бошқа мозор қўрғонларидаги барча шамширлар ҳам бутун Европада IX—X асрларда тарқалган шамширларга ўхшайди. Шамширнинг боши одатда думалок, гулбанди тўғри, бошига ҳам, гулбандига ҳам кўпинча кумушдан нақш ишланган. Шамшир салмоқли бўлиб, узунлиги бир метрча келади. Унинг юзи энли бўлиб, енгиллик бериш учун бошидан охиригача ўртасидан сой ўйилган бўлади. Франция, Англия, Германия, Италия, Скандинавия, Фарбий ва Жанубий Славяндар, Русда, Волга Булғорияси ва бошқа жойлардаги шу даврнинг барча шамширлари шу хилдандир. Бу шамширлар шу мамлакатларнинг ҳаммасида ҳам ясалган бўлса керак.

Ўқлар кўпроқ Гнёздово мозор қўрғонларида учрайди, ўқларнинг кўпчилиги ромб шаклида бўлиб, бундай ўқлар қадимги Русга хосдир.

Дубулғалар кулохсимон бўлган; бу хил дубулғалар ўрта асрда мусулмон Шарқида ва Русда расм бўлган, бироқ Фарбий Европада улар мутлақо маълум бўлмаган. Руслар бундай дубулғаларни шишак деб атаган.

Қалқон қадимги ва ўрта асрлардаги кўпчилик қалқон сингари ёғочдан ясалиб, ўртасига темир қопланган Гнёздоводан топилган қалқонлардан биттаси қизил рангга бўялганлиги маълум бўлди. Бу эса энг сўнги «Игорь жангномаси»даги қизил қалқонларни эслатади.

Гнёздовода бир неча жойдан совут парчалари топилди. Бу эса совутнинг (темир ҳалқалардан қилинган жанг кийимининг) Фарбий Европага қараганда икки асрча олдин расм бўлганлигидан далolat беради. Фарбий Европада бундай совутлар антик давр охирларида йўқ бўлиб кетиб, фақат XII аср бошларида салб юришлари бошлангандан кейин яна пайдо бўлган (мусулмонлар Шарқида совут доим бўлган). Жанг кийимларининг тараққий қилиши жиҳатидан Русь Фарбий Европадаги бошқа мамлакатлардан олдинда борган. XII асрдаёқ французларнинг «Рено де Монтобан» деган достонида «Россияда ишланган совут» ҳақида гапирилганлиги бежиз эмас.

Археологияда норманчиларнинг илм ва фанга зид уйдирмалари фош қилиниши аввало Гнёздово мозор қўрғонлари билан боғлиқ эканлиги аниқ ва равшан бир ҳолдир. Олег ва Игорь давридаги рус қўшинларининг мағзини ташкил этган ҳарбий кадрларни ўрганиш учун асосий материални ўша Гнёздово беради. Норманчилар икки асрдан кўпроқ вақт худди ўша жангчиларнинг келиб чиқиши ҳақида ўзларининг муҳолифлари билан мунозара олиб бордилар.

Норманчилар Гнёздово мозор қўрғонларини зўр бериб скандинавларники деб исбот этишга уриндилар. Шу мақсадни кўзда тутиб улар, Умумевропада расм бўлган қўш тигли тўғри шамширлар Скандинавиядан кўра Русга кўпроқ хос бўлишига қа-


рамасдан, бу шамширларни норман ёки варяг шамширлари деб атадилар. Бундай шамширлар Европада варяглар қадам босмаган мамлакатлар (Чехословакия, Югославия ва ҳоказолар) да ҳам учрайди. Скандинавия археологлари Скандинавия шамширларининг нусхаси французлардан олинган деб ҳисоблайдилар, демак бу шамширлар норманларга мутлақо хос эмас.

Норманчилар рус ўқларининг ўзига хос шакли, дубулғаларнинг шарқ дубулғаларига ўхшашлиги (норманларнинг дубулғалари бошқача), совутларнинг бирмунча олдин расм бўлганлиги (норманларнинг яроғ-аслаҳалари хийла содда), Русда Скандинавияга хос жанг болталари йўқлиги ва бошқалар ҳақида оғиз очмайдилар. Улар ўша вақтларда Скандинавияда ҳам ҳарбийларни мозор қўрғонларда куйдириш маълум бўлганини далил қилиб келтирадилар. Аммо IX—X асрларда скандинавлар ҳам, славянлар ҳам ва, шу жумладан, норманлар билан ҳеч қандай алоқада бўлмаган чехлар ҳам мозор қўрғонларга мурдаларни куйдириб кўмганлар, имтиёзли дафнларнинг бир хил ҳарбий характерда бўлиши эса славянларда ҳам, скандинавларда ҳам ижтимоий тараққиётнинг бир изда борганлигидан далолат беради, холос. Дафн маросимида, зеб-зийнат буюмлари ва бошқаларда тафовутлар кўп.

X—XI асрларда скандинавларнинг Русга гўё катта маданий таъсир кўрсатганлиги ҳақидаги уйдирмалар икки мамлакатдаги маданий тараққиёт даражасини солиштириб кўриш билан рад қилинади. Бу нарса жуда кўп сопол идишлар мисолида айниқса яққол кўринади. Киевда, Смоленск ва Новгородда сопол идишлар IX—X асрлардаёқ кулолчилик чархиде ишланган, бу эса ҳунармандчиликнинг тараққий қилганлигидан далолат беради ва маданий тараққиёт даражасини кўрсатувчи яққол мисолдир, бу вақтда Скандинавияда сопол идишлар қўлда қилинган, унда кулолчилик чархини фақат XI—XII асрлардагина қўллана бошлаганлар, ҳатто швед археологлари ҳам Швецияга славянларнинг баъзи сопол буюмларини топганликларини ва славянлар таъсири мавжудлигини гапирдилар.

Тўғри, Гнёздовога ўша IX—X асрларнинг Швеция мозор қўрғонларидагига ўхшаш асл Скандинав буюмлари кўмилган битта-иккита мозор қўрғон ҳам бор. Фақат иккита бундай мозор қўрғон тўғрисида ишонч билан айтиш мумкин. Бу ерда, дарҳақиқат, норман чокарлари кўмилган, лекин шуни ҳам айтиш керакки, бу мозор қўрғонлар катта ҳам эмас, бой ҳам эмас. Гнёздоводаги мозор қўрғонларнинг кўпчилиги, шу жумладан энг муҳимлари ҳам (шунингдек бошқа ерлардаги рус чокарларининг мозор қўрғонлари каби) туб маҳаллий характерда бўлиб, славянларга мансубдир. У вақтларда айрим скандинав жангчилари ҳам Русга келишган. Улар славян чокарлари составига кирган, аммо улар оз бўлган ва имтиёзли ҳолат касб эта олмаганлар.

Гнёздово топилмалари орасида славянча «горухшча» деб ёзилган сопол идиш жуда муҳимдир. Бу қадимги русча сўзни ҳозирги тилга таржима қилганда «горчица» сўзини англатади. Идиш ўша вақтда ғоят қиммат ҳисобланган горчица билан тўлдирилган. Бу идиш топилган мазор қўрғон танга пуллар ва шамширга қараганда X аср бошларига оиддир. Бундан олдин X асрга оид славян ёзувлари Болгариядан топилган эди, ammo улар Гнёздоводан топилган славян ёзувидан кейинги ёзувлардир. Русда XI асрдан илгариги ёзувлар топилган эмас эди. Гнёздоводан топилган, ёзув мажусийлар Русидаёқ славян хат-саводи бўлганлигидан далолат беради, буни филологлар ҳам



84- расм. Икки хил қайчи. Смоленск яқинида Гнёздоводан топилган

Олег ва Игорнинг Византия билан тузган шартномасини таҳлил қилиш натижалари билан исбот этди. Шуни айтиш керакки, Гнёздоводан топилган бирдан-бир ёзув славян ёзуви бўлиб чиқди. Норманчилар Гнёздовода ва умуман Русда скандинав руна ёзувлари бўлмаганлигини изоҳлашга доим қийналардилар.

Гнёздоводан топилган зеб-зийнат буюмлар орасида олтиндан ишланган бадий буюмлар бор, булар орасида аждар сурати ўйиб ишланган тўқа айниқса ажойибдир. Бошқа буюмлардан ҳозирги замон қайчиларига ўхшаш икки қисми мих билан биркирилган ва бармоқларни киритиш учун иккита ҳалқа қилинган қайчи эътиборга сазовордир. Бундай қайчилар ўша вақтдан сал олдин араб халифалигида пайдо бўлган.

Қайчининг қадимги (планкали) хили Русда, жумладан Гнёздовода ҳам кўп учрайди. Смоленскдаги чокарлар мазор қўрғонлари билан бирга Чернигов мазор қўрғонлари ҳам, айниқса улардан энг улкани Чернигов шаҳрининг ўзидаги Қора Мозор катта аҳамиятга эга. Бу мазорнинг баландлиги 11 метр, айланаси 125 метрдир. Маҳаллий ривоятларга кўра у шаҳарни бино қилган князь Черний мозори эмиш.

Мозордан топилган бойликка қараганда дарҳақиқат буни князь мозори деб фараз қилиш мумкин. Тепалик остида, 4 метр чуқурликда бир уюм — яроғ-аслаҳа топилди, бу яроғ-аслаҳалар қўрғон 7 метр баландликка кўтарилгандан кейин ўтказилган тризна вақтида ўйиб қўйилган бўлса керак. Қадимги Русда марҳумнинг хотираси учун жорий этилган ҳарбий мусобақани тризна деб атаганлар. У вақтда мазордаги яроғ-аслаҳалар қўрғон устида ёдгорлик бўлиб ётган. Аслаҳалар орасида иккита дубулға-шишак ва иккита совут бор.

Шу уюм ичида ғоят катта ёввойи хўкизнинг кумуш гардиш ўрнатилган иккита шохи бор (ўрта аср охирларида қириб бити-

рилган бундай ҳўкизнинг куч ва ҳайбати қадимги ва ўрта аср ёзувчиларини ҳайратда қолдирган. Бир шохнинг гардишида ўсимлик сурати, иккинчи шохнинг гардишида ўқ-ёй билан қуролланган эркак билан аёл сурати ўйилган. Эркак ёйини бургутга ўқталган, учта ўқ орқага қараб учмоқда. Бу манзара Черниговда тўқилган қиссада ҳам баён этилади. Эркак ва аёл суратларининг атрофига бир-бирига уланиб ҳайвонлар (бўрилар, хўрозлар ва бошқалар) нинг суратлари ўйилган.

Мозор қўрғонлар тамомила, ёки археологлар таъбири билан айтганда, уфққача қазиб бўлингандан кейин диаметри 10 метр келадиган катта гулхан қолдиғи очилди. Бу гулханда бир неча мурда куйдирилган бўлса керак, аммо куйдирилган мурдаларнинг сонини аниқлаш мумкин бўлмади. Аёллар зеб-зийнат буюмларининг қолдиқларига қараганда бу ерда аёллар ҳам куйдирилган бўлиши мумкин, лекин битта аёлми ёки бир нечтами — маълум эмас (чўрилар бўлса керак). Буюмлар кўн бўлган. Аммо уларнинг кўп қисми ўтда куйиб, эриб шиша, мис, кумуш ва олтин ёмбиларига айланган. Темир, албатта, иссиққа бардошлироқ (уни эритиш учун жуда юқори температура керак), шундай бўлса ҳам анча қаттиқ куйган. Бу ердан совут, иккита кўш тигли тўғри шамшир қилич ва битта якка тиг қайилган қилич, бир қанча найза, ўқ ва қалқон парчалари топилди.

Якка тиг қайилган қилич Черниговга яқин қўшнилари, даштдаги кўчманчилардан олинган бўлса керак, дашт кўчманчилари қиличнинг бу хилини худди ўша вақтда ихтиро қилган, бироқ бу вақтда якка тиг қайилган қилич ғарбда ҳам, шарқда ҳам маълум бўлмаган. Бу мозор қўрғондан топилган ўроқ ва болталар, искана ва ўроқ рандалар князь билан бирга унинг қули ёки қуллари ҳам куйдирилган деб фараз қилишга имкон беради, улар фикрича қуллар нариги дунёда ҳам хўжайинларига хизмат қилиши лозим бўлган. Дафн вақти қабрдан топилган Византия олтин пулларидан аниқланади, бу пулларнинг энг кейин зарб қилинганлари X аср ўргаларига мансубдир. Князь норман эмас, Қора мозорда Скандинавия буюмлари мутлақо йўқ.

Чернигов атрофида чокарларнинг яна бир неча мозор қўрғонлари қазилди, уларда ҳам жангчилар қуроллари билан кўмилган. Бу ерда бадавлатроқ жангчилар аёллар билан бирга кўмилган, улар жангчиларнинг чўрилари бўлса керак. Оқсуякларнинг кўп буюмлар кўйилган катта-катта мозор қўрғонлари шаҳар атрофида бир-биридан олисроқда сочилиб турибди. Уларнинг ҳар қайсиси кичикроқ тепачалар билан ўралган. Улар ўз мулклари территориясида кўмилган феодалларининг мозорлари бўлса керак.

Шарқий Европада бошқа ҳамма даврлардан кўра X асрдан бизга кўпроқ хазиналар қолган. Чокарларнинг мозор қўрғонла-

ридаги каби хазиналарда Византия пулларида кўра ислом мамлакатларининг пуллари кўп. Халифаликка борадиган Волга йўли империяга борадиган Днепр йўлидан кўра муҳимроқ бўлган. Урта Осиёдаги сомонийлар амирларининг, кўпинча Бухоро ва Самарқандда зарб қилинган дирҳамлари ҳаммадан ҳам кўп учрайди. Бу шаҳарлар X асрдаёқ Русь билан муҳим иқтисодий ва маданий алоқада бўлган. Бағдоддаги Аббосийлар халифаларининг дирҳамлари ундан кейинги ўринни эгаллайди. Бошқа сулолалар зарб қилган пуллар кам учрайди.

Бу танга пуллар Россия тупроғининг ҳамма ерида топилади, аммо бу пуллар фақат учта шаҳарда — Киев, Смоленск ва Новгород шаҳарларида энг кўп тўпланган. Бу шаҳарлар X асрдаёқ иқтисодий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этган бўлсалар керак. Аммо биздаги шаҳарлар дастлаб савдо марказлари бўлишдан кўра кўпроқ ҳунармандчилик марказлари эдилар.



85- расм. Чўяндан ҳосил қилинган юмшоқ темир (крица)


Русь ҳунармандчилиги ва унинг аҳамияти ҳақидаги масаланинг ҳал қилинганлиги археологларнинг қадимги Русни ўрганиш ишига қўшган ғоят муҳим ҳиссаларидир. Буржуа олимлари қадимги рус шаҳарлари ўзига хос савдо ва ўзига хос маъмурий характердаги шаҳарлар деб айтар ва русларнинг ўзига хос та-

рихий процессини шу билан боғлардилар. Ўзига хосликни ҳар қанақасига кўпиртириш умуман буржуа олимларининг хусусиятидир.

Советлар даврида қадимги Русь шаҳарларида ўтказилган қазилар бу тасавурларни рад қилди: қазиларда ҳунармандчилик устахоналари ҳар бир қадамда учрайди. Археологларнинг бу устахоналардан топиб олинган буюмлари (мисоллар қуйида желтирилган) ўрганишлари натижасида қадимги Русда ҳунармандчиликнинг юксак даражада тараққий қилганлиги маълум бўлди. Бу жиҳатдан Русь ўрта асрдаги Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳеч қайсисидан қолишган эмас.

Синфлар вужудга келиши ва феодал муносабатларининг ўсиши билан бизда X асрда шаҳар ҳунармандчилиги равноқ топади.

Қазилган ҳамма шаҳарларда ва ҳамма жойда темир крица топилиши қора металлургиянинг қандай кўлам олганлигини кўрсатиб туради. Металлография тадқиқотлари эса бизни металлсозликдаги муваффақиятлар билан таништиради. Қадимги Русда пўлат жуда кўплаб ишлатилган, ундан фақат шамшир, найза ва эгов каби нарсалар ясаш учунгина эмас, балки каттароқ буюмлар ясашда ҳам фойдаланилган. Ҳатто пичоқларни ҳам пўлатдан ясаганлар ёки ҳеч бўлмаганда тиғини пўлатдан




86- расм. Темирчилик буюмлари, 1, 2 — сандон, 3 — катта болга, 4 — кичик болга, 5 — кичик омбур, 6 — катта омбур, 7 — буюмга ҳар хил шакл бериб тоблаш учун ишлатиладиган сандон, 8 — темирчилик зубилоси, 9 — чилачгарлик зубилоси, 10 — мих ясайдиган асбоб, 11 — эгов.

қуйиб ёпиштирганлар, маълумки, пичоқ жуда кўп ишлатиладиган буюмдир.

Пўлатни термик усулда ишлашнинг хилма-хил режими ҳамма жойда кенг қўлланилган, бу нарса темирчига тигларнинг ҳар хилини ишлашга имкон берган, қурол-яроғ ёки меҳнат қуролларининг ҳар қайсиси металлнинг ёпишқоқлик ва қаттиқлигининг ўзига хос бирикмасини талаб қилади. Шу нарса исбот қилинганки, пўлат ҳар қайси жойда кенг қўлланилганлиги билан бирга тигларни ишлаш технологияси қадимги рус ерининг турли жойларида турлича бўлган.

Темир таркибидаги тафовутлар фан учун жуда муҳим бўлиб чиқди. Масалан, спектрал анализ натижасида Гнёздоводаги барча темир ва пўлат буюмларнинг таркибида никель борлиги маълум бўлди, михдан тортиб михпарчин, ўқ, пичоқ ва шамширларгача ҳаммасида никель бўлган. Техника жиҳатидан аҳамияти бўлмаган ва бошқа вилоятларда кўрил-




87- расм. Болта, сошник ва плуг тиши

маган бу қоришма Смоленск рудаларининг ўзига хослигидан дарак беради. Михдан тортиб шамширгача ҳамма буюмларни бу ерда шу рудадан ишлаганлар. Шундай қилиб маҳаллий рус ва ҳатто маҳаллий Смоленск шамширини ишлаб чиқарилганлиги ҳаммадан ёлдин исбот этилди.

Ўрта асрларда ҳукмдорлар заргарликка алоҳида эътибор берганлар. Заргарликда техника ихтирочилиқ авж олган. Русда X асрдаёқ ихтирочилиқ амалга ошган эди, XI асрга келиб заргарликнинг барча мурраккаб усуллари (зарҳошия, қубба, қуйма нақш, қора кумуш нақшлари) такомиллаштирилди. Ўрта асрларда яшаган па-дерборнлик немис автори Теофил, руслар сир ва ҳал бериш санъати-га кўп янгилликлар киритдилар, деб ёзган эди.

Буюмлардаги сир ўша вақтда Византиядаги каби бўртма



88- расм. Ўроқ ранда

қошияли бўлган. Бу демак, олтин юзасига сир бериладиган шаклнинг атрофига нозик олтин тасмачалардан қошия тортилган. Бу олтин тасмачалар кўндалангига қирра-қирра ўрнатилиб, ёпиштирилган. Қошиялар жуда юпқа (0,1 мм, балки ундан ҳам юпқа) бўлганлигидан албатта олтин ишлатилган. Чунки у вақтларда шундай юпқа қошияларни ишлаш учун қулай бўлган бошқа материал бўлмаган.

Тасмачалар кўп бўлиб, улар майда кўзлардан иборат бўлган. Сўнгра бу кўзларга бирон рангдаги шиша бутқаси, сир тўлдирилган, натижада ҳар хил рангларнинг гўзал бирикмасидан иборат ранг-баранг безак ҳосил қилинган. Масалан, уста киши бошини тасвир этадиган бўлса, чорак кв. см га одамнинг сочи, қоши, кўзи, кўз қорачиғи, бурни, оғзи, ҳатто бош кийими ва ҳоказоларни жойлаштирган, буларнинг ҳаммасини кўзларга қўйилган рангларнинг алмашиниши билан тасвирлаган.

Баъзан рус ёзувларига сир берилганлиги билан маҳаллий ишлаб чиқариш исбот этилган. Аммо сир берилган грек ёзувлари ҳам баъзан буни янада яхшироқ исботлайди (масалан, грекча сўзларига рус ҳарфлари аралашиб қолган бўлади, бу устанинг рус эканини кўрсатади). Сирлаш устахоналари Киевда очилган: биттаси князь қасрига яқин жойда,




89- расм. Сирланган чўлли

иккинчиси шаҳар марказидан узоқроқда бўлган. Устахонанинг иккаласидан ҳам сир эритадиган тигллар (гилвата, декчалар), ҳар хил кўралар, эритилган ва турли рангдаги сир массалари топилди. Қошияли сир ўрта асрлардаги Ғарбий Европада ишлатилган қуйма сирга (сирлаш учун металлнинг устига ботирма чуқурчалар берилган) қараганда мураккаб ва мукамалроқдир.

Русда сирни финифть ёки химипет деб атаганлар. Бизда олтинга сир бериб гулжиғар, барма, яъни бўйинга тақадиган медальонларнинг занжирлари ва кўпинча колтлар ясаганлар. Чўлли — ичи бўш, қалин шилдироқ бўлиб, зодагон аёллар уларга атир тўлдириб сочларига тақинган.

Сқан филигрань деб ҳам аталади. Олтин ёки кумуш буюм ёки зеб-зийнатлар устига олтин ёки кумуш симлардан қаварта нақш ишланган. Ҳаммадан ҳам кўпроқ қубба ишлаш расм бўлган. Олтин ёки кумуш устига майда думалоқ қуббачалар (зерн) ўрнатилган. Шу тариқа қуббачалар билан безатилган чўллилардаги қуббачалар сони 5 минг донагача борар эди. Чўлпининг бир см² да 300 тадан ортиқроқ қуббачалар бўлиб,

ҳар қайсиси алоҳида кавшарланган. Олтинга сир берилгани сингари кумушга қора кумушдан қуйма нақш берилган. Қора кумуш — қалай, мис, кумуш ва жилосиз қорамтир олтингугурт қоришмасидан иборат. Кумуш буюмга дастлаб нақш ўйилган (ёки буюмнинг ўзи билан қолипда қуйилган) кейин кўзчаларга ўша қоришма қуйилган. Қора кумуш билан сирланган билагузук ва чўлпилар кўп учрайди.



90- расм. Шиша билагузук

Киевда топилган ҳунармандчилик устахоналаридан шиша билагузуклар ясайдиган устахона гоят муҳимдир. Бунинг муҳимлиги шундаки, ҳар хил рангдаги шишадан ясалган (парчаланиб кетган) билагузуклар XI—XIII асрлардаги қадимги рус шаҳарлари қатламларида, Тмутаракандан тортиб Новгород ерларигача ҳамма жойда энг кўп учрайдиган буюмдир. Бу билагузуклар шаҳарлик аёлларнинг энг яхши кўрган зеб-зийнат буюмлари бўлганлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Қишлоқлардаги мазор кўрғонларга қараб ҳукм қилганда, деҳқон аёллар уларни

тақмаганлар, бу ҳақда кейинроқ гапираимиз. Шаҳар билан қишлоқ ҳаётидаги тафовут аломатларидан бири ана шудир.

Даставвал археологлар шиша билагузукларни Византиядан келтирилган буюмлар деб ҳисоблаган эдилар. Дарҳақиқат, Византияда бундай билагузуклар сероб, аммо улар асосан Сурияда ишланган. Мана энди рус шаҳарларида ҳам ишланганлиги маълум бўлди, ҳар ҳолда улар Киевда албатта ишланган. Киевдаги мазкур устахонада кўралар, шиша эритадиган гилвата тигллар ишлаётганда бузилган билагузук парчалари ва бу ерда билагузуклар ишланганидан далолат берувчи бошқа нарсалар топилди. Ишлаш пайтида бузилиб қолган асбобларнинг мавжудлиги бундай масалаларни қатъий аниқлашда жуда муҳим ўрин тутаети. Қадимги уста ишланадиган асбобнинг бузилгани учун ачинса қайғу-алам чекади, археолог учун бахтдир.



91- расм. Славянлар идиши

Русда кулолчилик чархи, ҳамма жойда бўлгани сингари, кулолчилик касби билан бирга тарқалган, кулолчилик касби эса синфий муносабатлар ривожлана бориши билан тараққий қилади. Рус шаҳарларида IX асрдаёқ кулолчилик чархида ясалган сопол буюмлар кўп тарқалган. Шуниси диққатга сазоворки, X—XIV асрларда ясалган бу буюмлар славянлар яшаган ҳамма ерларда бир хилдир.

Кулолчилик буюмларининг кўплиги ўша вақтларда славян-қабилалари ўртасидаги маҳкам алоқани аниқлаш учун кучли далил бўлиб хизмат қилади. Ўрта асрлар Европасида славян ерларидек маданий бирлик мавжуд бўлган бошқа бир кенг территория сира бўлмаган.

Эльба, Дунай дарёлари ва Адриатика денгизидан тортиб, Волхов, Волга, Ока ва Кубангача ҳамма ерда бир хил славян хурмачалари мавжуд. Бу хурмачаларнинг шакли ғалати: таг қисми кесик конус шаклида (чўққиси албатта пастга қараган бўлади), белидан юқори қисми — елкаси бўртиб чиққан, оғзи томони бирдан торайиб боради, лаби эса ташқарига қайриб қўйилган. Нақшлари тўғри ва эгри чизиқлардан иборат. Идишларнинг бундай безаклари бошқа халқларда ҳам учрайди. Бундай кулолчилик буюмларни қуйида славян идишлари деб атаймиз. Славян хурмачаларининг тагида одатда кулолларнинг тамгалари: калит, юлдуз, хоч, ғилдирак, гулнақш, айланма чизиқлар, ҳалқа, ромб, қулф ва бошқа нарсаларнинг суратлари солинган бўлади.

Киевда мўғуллардан олдинги даврга оид бир неча турар жой қазиб олинди. Улар кўпинча тўғри бурчакли, ҳажми 16 м² ва чуқурлиги 1,5 метр келадиган ертўлалардан иборат. Ертўлалар устига ёғоч деворлар қилинган, улар лой билан сувалган. Уй ичида лойдан қилинган гумбазли печка бор. Шимолий рус вилоятларида ёғоч уйлар расм бўлган, жанубда бундай уйлар бўлмаган дейиш мумкин.

Киевдаги ертўлалар чуқурлиги, деворларнинг тикланиши, печкаларнинг ишланиши ва бошқа жиҳатлардан илк славянларнинг шаҳар харобаларидаги анча қадимги ертўлаларига жуда ўхшайди. Бирок муҳим тафовут ҳам бор. У вақтларда уйлар ибтидоний жамоа тузумида қурилган бўлиб, бир тўда уй бир-бирлари билан йўлақлар орқали боғланган ва аслида битта катта ҳовлини ташкил этган, хўжалик бинолари эса бутун группа учун умумий бўлган. Киев уйлари феодал шаҳарда бино бўлган ва улар бир-бирлари билан боғланмаган, ҳар қайсиси мустақилдир. Хўжаликлари якка хўжалик бўлиб, хўжалик бинолари ҳам ҳар қайси оила учун алоҳида бўлган.

Киевнинг марказида, шаҳарнинг ички қалъаси ичида X асрга оид князь қасри бўлган, бу ерда қасрнинг тошдан ишланган пойдеворлари, деворга ишлатилган юпқа ғиштлар, мрамар ва пушти ранг шифердан ясалган часпак парчалари топилди. Шарқдаги сингари тўртбурчак юпқа ғиштлар (плинфлар) Киев Русида умуман кўп ишлатилган. XI асрдаги Киев черковлари кўпинча тош билан ғиштни устма-уст териб ишланган. XII асрдаги черковлар эса бутунлай юпқа ғиштлардан ишланган, Чернигов, Смоленск, Рязань ва бошқа шаҳарлардаги черковлар ҳам худди шундай ғиштлардан ишланган.

XI асрдан Киевнинг қалъа бурчлари ва шаҳар дарвозасининг қолдиқлари ҳам сақланган. Уларнинг ҳам тошлари черковларникига ўхшатиб терилган. Киевнинг қалъа деворлари ёғочдан ишланиб лой билан сувалган. Ғишт деворлар бўлганлиги тўғрисида ҳали ҳеч қандай маълумот йўқ. Бироқ бурчлари тошдан терилган. Қадимги рус қалъаларининг кўпчилиги умуман ичига тупроқ тўлдирилиб, бир-бирига уланган ёғоч-бандлардан қурилган истеҳкомлардан иборат. Бу системада ҳар хил мукамалликлар ҳам бўлган.

XI асрда рус князлар танга пулларни уч шаҳарда: Киев, Новгород ва Тмутараканда зарб қилганлар, танга пулларнинг кўпчилигини Владимир зарб қилган. Пулларда кўпинча: «Владимир курси устида, бу эса унинг нуқраси» деб, сўнгра «Ярославль нуқраси» деб ёзилган ва ҳоказо.

Танга пулнинг ўнг томонида тахтга ўтирган князь ёки авлиё сурати солинган. Чап томонида Рюриклар хонадонининг тамғаси: икки тишлими ёки уч тишлими айрига ўхшаш бир нарсанинг сурати зарб қилинган. Бунга ҳар хил олимлар турли изоҳлар беришди, баъзан уни қўшнинг схематик сурати деб, баъзан салтанат тўғрсининг боши, баъзан монограмма, баъзан ўқ-ёй, баъзан шамдон деб, уни қўшин байроғи, дубулға, болта, лангар, байроқ учи деб ҳисоблашди. Бу уч тишли айри-намо аломат, ниманинг тасвири бўлишидан қатъи назар, археология учун муҳимдир.

Ҳар бир князнинг ўз уруғ тамғаси бўлган. Тамғаларнинг турлари бирон детални қўшиш ёки қирқиш йўли билан ўзгартириб турилган. Владимир I дап бошлаб Всеволод III гача ана шундай аломатлардан шажара жадвали тузилган. Жадвални тузиш учун танга пуллардангина эмас, балки танга пуллар зарб қилган князларнинг муҳрларидан ҳам фойдаланилган.

Муайян князнинг тамғаси пул ва муҳрларгагина эмас, балки қуруллар, узуклар, зеб-зийнат буюмлари, байроқлар, савдо пломбалари, биноларга терилган ғиштлар, сопол идишлар ва ҳоказоларга солинган. Хусусан князга қарашли ва унга қарам бўлган ҳунармандлар ўзлари ишлаган буюмларга ва қурул-асбобларига князь тамғасини босганлар.

Заргарлик қолиплари тўплами диққатга сазовордир, бу қолиплардан бирининг орқасида бир тамға ўйилган, бу белги Ярослав ўғли Всеволоднинг муҳридаги тамғанинг худди ўзидир. Демак, бу қолиплар шу князга қарашли заргар-темирчиники бўлган. Бу устанинг буюмлари бир қанча вақт давомида ўша князь ҳукмронлик қилган Чернигов ёнидан топилди. Қолнидаги суратнинг деталлари буюмларнинг худди ўзидир. Буюмлардаги тамғаларга қараганда князь усталари ичида кулоллар, ғишт пиширувчилар, ғишт терувчилар бўлган. Феодализм даврида вотчина ҳунармандчилиги умуман кенг тарқалган.

Шу нарса муҳимки, Скандинавияда русларнинг XI асрдаги танга пулларига ўхшатиб пул зарб қилинган: бундай пуллар Швецияда икки жойда ва Норвегияда икки жойда топилди. Бу пуллардаги ёзувлар рус пулларидаги ёзувларга ўхшаса ҳам нотўғри, хато ёзилган.

XII—XIII асрларда ва, ҳатто, XIV аср бошларида ҳам бизда танга пуллар муомалада бўлмаган, улар ўрнида ёмбилар, кумуш гривналар ишлатилган. XII асргача ёмбилар мутлақо бўлмаган, чунки у вақтларда Шарқий Европада жуда кўп ҳар хил танга пуллар муомалада бўлган: IX—X асрларда (аниқ қилиб айтганда 1012 йилгача) Урта Осиё танга пуллари, XI асрда герман ва англиз танга пуллари ҳамда бу асрда улар билан бирга рус танга пуллари муомалада бўлган.

Шарқ танга пуллари ўрнига ғарб танга пулларининг жорий бўлиши, ғарб танга пуллари ўрнини ёмбилар олиб кетиши қонуний бир ҳол эканлиги қатъий бўлса-да, сабабини ҳали тушуниб бўлмаяпти. Икки хил ёмби муомалада бўлган: олти қиррали ёмбилар — Киев гривналари ва узунчоқ чўпга ўхшаган Новгород гривналари. Гривналардан иборат хазиналар кўпроқ Киевдан топилди. Бу хазиналарда олтин ёмбилар камдан-кам учрайди.

«Гривна» деган терминнинг археологиямизда икки маъноси бор: бўйинга тақадиган ҳалқага ҳам, пул ёмбига ҳам гривна дейилади. Йилномада гривна сўзи ана шу ҳар икки маънода ишлатилади. Дастлаб гривна сўзи бўйин ҳалқасига нисбатан ишлатилган бўлса керак. Ҳалқалар ёмбилардан кўра қадимий-роқидр ва гривна сўзининг ўзи ҳам русча «грива» — ёл, «заг-ривок» — гардан сўзларига яқиндир.

Бўйин ҳалқалари зеб-зийнат буюмларидан бўлган, бироқ IX—X асрлардан бизгача кўпроқ Кама бўйидан етиб келган кўпгина кумуш бўйин ҳалқаларнинг оғирлиги муайян ўлчов бирлигида бўлган. Бу эса алмашув қимматларидир. Демак, бу ҳалқалар пул ўрнида ишлатилган. Кейинчалик пул муомаласини осонлаштириш учун яхлит ёмбилар қуйишган, бироқ гривна термини сақланиб қолган. Бўйин гривналари зеб-зийнат буюм сифатида сақланиб қолганлигидан (улар Русда XVI асргача давом этган) гривна сўзи икки маънода ишлатилаверилган.

* * *

Киев Русининг қишлоқлари бизга мазор қўрғонлардан маълум, холос; мазор қўрғонлар эса кўпроқ деҳқонларнинг қайси уруғдан келиб чиққанликларини аниқлаш учун муҳимдир. Турар жойлар қазилмаган дейиш мумкин. XI—XII асрларда ва баъзи жойларда ундан кейинги асрларда бизгача смардлар ва қадимий рус деҳқонларининг жуда кўп мазор

қўрғонлари сақланган. Шаҳар аҳолиси христианлаштирилиши муносабати билан X аср билан XI аср арафасида мазор қўрғон урф-одатларидан қайтади, бироқ қишлоқда бу урф-одатлар, черковнинг қатъий ман қилишига қарамай, узоқ вақт сақланиб келади.

Улар юмалоқ, аммо одатдагидан пастроқ, баландлиги ўрта ҳисобда 2 метрча келадиган мазор қўрғонлардир. Мурдалар учун чуқур қазилмаган, шундоқ ер устига кўмилган, лекин баъзи мазор қўрғонлар тагида чуқурлар ҳам учрайди. Мурданинг боши ғарбга қаратиб ётқизиб қўйилган. Одатда эркакларнинг гўрларида пичоқлар, камар тўқалари, (куллочилик чарҳида ишланган) идишлар бор, холос. Жанг ва меҳнат қуроллари камдан-кам учрайди.

Аёлларнинг гўрларида пичоқ ва идишлардан ташқари, мис ва кумушдан ишланган жуда кўп майда зеб-зийнат буюмлар бор, аммо улар юқорида айtilган бой аёлларнинг сир бериб олтидан ясалган буюмларига ва қора кумушдан ишланган оғир зеб-зийнат буюмларига сира ўхшамайди. Аёлларнинг гўрларида меҳнат қуролларида фақат темир ўроқлар учрайди. Уроқ қадимги Русда XX асргача аёллар қуроли бўлиб келган.

Мана шу санаб ўтилган белгилар барча рус қабилаларига мансуб деҳқонларнинг мазор қўрғонларига хос белгилардир. Бироқ шу билан бирга бу мазор қўрғонларда анча қадимги, VI—X асрлардаги мазор қўрғонларда бўлгани каби қабилалар тафовутини кўрсатадиган белгиларни учратиш мумкин.

Феодал муносабатларнинг ривожланиши билан қабилалар ташкилотлари ҳамма ерда қулаб кетишига қарамай (вяттичларда эса бу ташкилотлар XII асргача яшаб келган), қабилалар тафовутлари XI—XIII асрларгача сақланиб келган. Бироқ қабилалар биқиқлиги қолдиқлари узоқ яшаган, аёлларнинг ўз қабилаларига хос кийимлари ҳам шу тариқа узоқ вақт сақланган.

Ҳар қайси қадимги рус қабиласида аёлларнинг ўзига хос зеб-зийнат буюмлар дастаси бўлган. Агар XI—XIII асрлардаги ўша дасталар тарқалган районларнинг картаси тузилса, қадимги рус қабилаларининг худди йилномада кўрсатилганича яшаган жойларнинг картаси вужудга келади. Ўша икки картанинг бир хил бўлиши ҳар икки картанинг тўғри эканлигини кўрсатади. Бироқ археологик маълумотлар асосида аниқланган чегаралар йилномадагидан кўра муфассалроқ бўлади, албатта.

Қабилаларнинг чегараларини аниқлашда чакка ҳалқалари айниқса муҳим ўрин тутади, бу ҳалқаларни аёллар сочларига таққанлар. Қабилалардан фақат биттасидан, полянлардан мазор қўрғонлар қолмаган, Киев ўша полянлар ерида бўлган. Бошқа қабилаларни археологлар яхши билишади. Тетереводаги древлянларнинг чакка ҳалқалари узукка ўхшайди. Бундай майда ҳалқаларни аёллар сочларига кўплаб таққанлар. Сейм-

даги северянларнинг чакка ҳалқалари спиралсимон. Улар симдан бураб қўйилган. Припятдаги дреговичларнинг чакка ҳалқаларида мис маржонлар бўлган.


Сож дарёси бўйидаги радимичларнинг чакка ҳалқалари етти нурли шуъласимон, Ока бўйидаги вяттичларнинг чакка ҳалқалари эса етти парракли бўлган. Ҳалқаларнинг ҳар икки хилида ҳам сочга илиб қўйиш учун илмоқлари ва осилиб турган еттита баргсимон майда парраклари бўлган. Ҳалқаларнинг бири-бирига жуда ўхшашлиги тасодифий ҳол эмас: йилномадаги эртақда ҳам ака-ука Радим билан Вятканинг бири ўз уруғи ила Сож дарёси бўйига, иккинчиси эса ўз уруғи билан Ока дарёси бўйига жойлашганлиги айтилади. Балки улар бизнинг замонамизгача келиб етмаган бирон дoston қаҳрамонларидир, ёки XI аср ёзувчилари ўйлаб чиқарган қаҳрамонлар бўлиши мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам қадимий далил ўша икки уруғнинг бири-бирига яқин бўлганлигини кўрсатади ва чакка ҳалқаларнинг хиллари бу нарсани тасдиқлайди. Бу ҳалқаларнинг фарқи радимичлар ҳалқаларининг нурлари пастга томон торайиб, вяттичлар ҳалқаларининг парраклари аксинча пастга томон кенгайиб боришидадир.

Днепр, Волга ва Ғарбий Двинанинг юқори оқимидаги жойларда яшаган кривичлар энг катта қабила бўлган. Уларнинг чакка ҳалқалари симдан букиб ишланган бўлиб, билагузукка ўхшайди. Новгород словенларининг чакка ҳалқалари ромб шаклидадир.

Деҳқонларнинг тўда-тўда мозор қўрғонлари, қадимги қишлоқ қабристонлари кўпроқ кичик дарё бўйларида учрайди. Қазилган мозор қўрғонларга қараб ҳукм қилганда Волховка, Днепр, Волга, Ока ва бошқа катта дарё соҳилларида гарчи шаҳарлар тез-тез пайдо бўлаётган бўлса-да, аҳоли кам яшаган. Бу ҳол ғалати бўлиб туюлса-да табиийдир. У вақтда савдо йўллари қароқчиларнинг ҳам йўллари бўлган. Кўп кишилар ҳам савдо, ҳам уруш, ҳам қароқчилик билан шуғулланган, шу сабабли деҳқонлар учун бундай жойларда яшаш хавфли бўлган.

Афсуски, археологлар ҳозирча деҳқонлар яшаган қадимги қишлоқ харобаларини ҳам, феодал боярларнинг истеҳком-қўрғонларидан қолган қадимги шаҳар харобаларни ҳам дурустроқ текширмаганлар. Шунга кўра феодаллар эксплуатациясини археология жиҳатдан ўрганиш соҳасида ҳозирча ҳеч нарса қилинган эмас деса бўлади.

Қадимги рус шаҳар харобаларидан катта-катта темир плуг тишлари топилиб туради. Бундай плуг тишлари кўпроқ Киев



92- расм. Северянларнинг чакка ҳалқаси

еридан топилган. Уларнинг бошқа ерларда борлиги ҳам маълум. Топилган бу плуг тишлари ва бир қанча йилномаларда ёзилишига қараганда рус деҳқонлари ҳамма ерда ерни ҳайдаб экин экканлар. Буғдой, жавдар, тариқ ва арпа донлари қадимги шаҳар харобаларида кўп учрайди. Уч далали деҳқончилик ҳам пайдо бўлган бўлса керак. Қўл билан айлантириладиган думалоқ тегирмон тоши — қўл тегирмони тез-тез учраб туради.

Баъзан мозор қўрғонларда асал қирқадиган ва махсус темир пичоқлар учрайди. Бу пичоқлар тирсакли дастаси билан бошқалардан ажралиб туради. Ҳозир ҳам асал қирқадиган пичоқларнинг дастаси тирсакли ёзма манбаларга қараганда, ўрмон асаларичилиги бутун рус ерида хўжаликнинг муҳим тури бўлган. Бунинг сабаби шуки, ўша вақтда ўрта аср Европасидаги сингари Русда ҳам на қанд ва на ароқ бўлган. Барча хил ширин овқатлар асал билан тайёрланган, энг муҳим ичимлик ҳам асалга сув қўшиб қайнатилиб ва ачитиб тайёрланган.

Русда шаҳар ҳунармандчилиги билан бирга қишлоқ ҳунармандчилиги ривожланган. Топилмаларга қараганда рудадан бевосита темир эритиб олинадиган кўралардан маҳсулотлар радиуси ўрта ҳисобда 15 километр келадиган жойга тарқалган. Темирчилик маҳсулотлари ҳам тахминан шундай доирага тарқалган. Бироқ пўлат буюмларни қишлоқлар шаҳар темирчиларидан олганлар, юқорида айтиб ўтилганидек бундай буюмлар жуда кўп бўлган. Ҳар бир қишлоқда кулоллар сопол идишларни қишда ясаганлар ва бу касбни деҳқончилик билан бирга қўшиб олиб борганлар. Бироқ ҳар ҳолда улар ҳунармандлар бўлиб, буюртмалар қабул қилганлар ва ҳамма жойда кулолчилик чархини ишлатганлар. Улар ясаган идишлар шаҳар кулоллари ясаган идишларга ўхшайди, фақат улар қалинроқ, гил сифати баъзан пастроқ бўлган.

Қишлоқ заргарлик маҳсулотлари соҳасида шу нарса маълум бўлдики, бир хил қўйма қолиндаги буюмлар тарқалган. Уларнинг тарқалиш доираси ўрта ҳисобда 15 километрдан ошмаган. Бу доира қисман юқорида зикр қилинган уруғларнинг чакка ҳалқаларига ҳам доир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг жуда тор доирада тарқалиши табиий ҳол эканлиги Лениннинг қуйидаги сўзларидан равшан: «...Капитализмдан бурунги қишлоқ (иқтисодий жиҳатдан) ҳар бири ўз бошига хўжалик юргизиш орқасида ҳам, кўндан-кўп ўрта асрчилик ғовлари воситаси билан бир-бирдан ажратилганлиги сабабидан ҳам, ўрта аср тутқунлигининг қолдиқлари мавжуд бўлганлиги туфайли ҳам пароканда бўлиб кетган майда ишлаб чиқарувчилар гуруҳларини бир-бири билан боғлаб турадиган маҳаллий майда бозорлар тармоғидан иборатдир¹...».

¹ В. И. Ленин, Асарлар, 3 т.; Ўздавнашр, 400-бет.

Денгиз бўйида бино қилинган катта Тмутаракан шаҳри Киев Руси таркибида бўлган. XI аср йилномаларида кўп тилга олинадиган бу шаҳарни X асрда рус князлари бино қилган.

Бу шаҳарнинг ўрни тўғрисида XVIII асрда жуда қизғин илмий мунозара бўлган эди. Бу мунозара ажойиб бир нарсанинг топилиши билан ҳал бўлди. Керчь бўғозининг Кубань қирғоғидаги Таманда солдатлар русча: «6576 йили (яъни 1068 йилда, чунки қадимги рус йил ҳисоби ҳозирги йил ҳисобидан 5508 йил фарқ қилади) 6 индиктда (Византияда йиллар индикт ҳисобида олиб борилган ва бу ерда шу тариқа йил ҳисоби тўғри ишлатилган) Глеб князь денгизни Тмутаракандан Керчев (яъни Керчь) гача муз устидан ўлчаб бориб масофа 14000 сажин келди» деган ёзув топилди.

Топилган бу ёзув ҳаммани ҳайратда қолдирди. Шу қадар узоқ жанубда рус шаҳри бўлганлигини ҳеч ким фикрига келтирмаган эди. XIX асрда кўп скептиклар бу тош қалбаки деб ҳукм чиқардилар. Тмутараканнинг жойи тўғрисидаги мунозара давом этаверди: баъзилар у Дон этагида бўлган, баъзилар Днепр этагида, баъзилар ҳатто Чернигов ёнида бўлган дедилар.

XX аср бошларига келиб бу ёзувга ишонсизлик билан қараш йўқолди. Зотан бу ёзувдаги ҳарфлар шаклини китоб ва бошқа ёзувларга таққослаганда мўғуллардан олдинги Рус ҳарфларига хос эканлиги маълум бўлди. Филологик жиҳатдан қараганда уларнинг хусусиятлари тамомила бир хилдир. XVIII асрда маълум илмий билим бўлмаганда бундай ҳарфларни ҳеч ким ясай олмас эди. Князь Глеб Святославич (кейинчалик Новгородский номини олган ва Шимолий Двинада ҳалок бўлган) 1068 йилда дарҳақиқат Тмутараканда ҳокимлик қилган. Керчь бўғози гоҳ музлаб қолади. Тамань билан Керчь ўртасидаги масофа 23 км келади, буни сажин билан ҳисоблаганда 14 минг сажин чиқади.

Энди Тмутаракан тоши Тмутараканнинг Таманда бўлганлигини, умуман бу жойда, узоқ, жануби-шарқда рус мавзелари бўлганлигини исбот қилувчи яккаю ягона далил бўлмай қолди. Худди Тамань ёнида, мазкур тош топилган жойда қадимий қалин бир қатлам бор. Бу қатламнинг устки қатлами Тмутараканга, қуйи қатлами Боспор подшолигининг қадимги грек шаҳарларидан бирига оиддир. Боспор подшолигида Корокондама деган шаҳар бўлган. Тмутаракан сўзи ҳам ўша Корокондама сўзидан келиб чиққан деб фараз қилинади.

Тамань қатламининг юқори қаватидан топилган сопол буюмлар биз юқорида тасвирлаган славян буюмларига хосдир. Таманда ёйнинг суяк қопламаси бўлаги топилди, унга Рюричларнинг тамғаси босилган. Глебнинг укаси князь Олег Святославич (у ҳам Тмутараканда князлик қилган) бу ерда у танга пуллар

зарб қилдирган. Бу пуллар Таманда топилиб туради. Шу сингари «Ратибордан» деб ёзилган қўрғошин муҳр ҳам-муҳимдир. Бундай муҳрлардан иккитаси Тамандан, учинчиси эса бўғознинг бошқа соҳили — Керчдан топилган. Йилномаларда ёзилишича Ратибор IX аср охирида Рмутаракада ноиблик қилган. Буларга ўхшаш далил бўладиган бошқа нарсалар топилган.

Қадимий рус мавзелари Донда ҳам бўлган. Саркелда ўтказилган қазиларда хазар қатлами устида рус қатлами топилди. X асрдаги Святослав юришлари натижасида хазарлар ўрнига руслар келган. Ҳар икки қатламдан топилган сопол идишлар кулолчилик чархида ясалган, бироқ қуйи қатламда славянларга хос сопол буюмлар йўқ, юқори қатламда эса улар тўлиб-тошиб ётибди. Рус қатламида кўп топилган шиша билангузуклар ҳам хазарлар қатламида кўринмайди. Саркел бизнинг йилномаларимизда Белая Вежа деб аталади.

* * *

Кейинчалик Рус давлатининг асосий марказини ташкил этган Волга билан Ока дарёлари ўртасидаги ерларнинг бир қисмини, юқорида айтилганидек, азалданоқ славянлар ишғол қилган. IX ва X асрларда Днепр билан бир қаторда Волга ҳам муҳим ҳарбий ва савдо йўлига айланади. Юқори Волгада Ярославль шаҳри ёнидаги Михайловск қишлоғи чокарларининг мозор қўрғонлари Юқори Днепрдаги Гнёздово чокарларининг мозор қўрғонларига жуда ўхшайди. Бу мозор қўрғонлардан Гнёздоводаги каби шамширлар топилди, мозор қўрғонларнинг саналари ҳам Ўрта Осиё танга пулларига қараб белгиланади. Норманчилар Гнёздово мозор қўрғонларини қандай усул билан варягларники бўлган деб даъво қилган бўлсалар, Михайловск қабрларини ҳам шу хилда варягларники бўлган деб даъво қилган ва топилган нарсаларнинг кўпи славянларга хос буюмлар эканлигини эътиборга олмаганлар. Хуллас юқори Волга чокарларининг буюмлари Юқори Днепр чокарларининг буюмларига жуда ўхшайди. Ҳар икки вилоятда ҳам ижтимоий тараққиёт йўли бир хил бўлган. Ғоят улкан қадимий рус давлатининг барпо бўлиш даврига оид ҳам юқори Волга, ҳам Юқори Днепрдан топилган археологик материаллар бир хил.

XII асрда Владимир-Суздаль ерининг сиёсий жиҳатдан тез юксалиб боришини маҳаллий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тайёрлаб берган. Бу ерда археология хўжалик ва маданий тараққиётнинг, хусусан шаҳар ҳунармандчилигининг ривожланишини кузатиб боришига имкон туғдириб тарихга катта ёрдам беради.

Волга билан Ока дарёлари ўртасида IX—XIV асрлардан кўпгина қадимий рус шаҳар харобалари қолган. Улар Дьяков-

нинг ибтидой шаҳар харобаларига мутлақо ўхшамайди, Дьяков шаҳар харобалари бу икки дарё оралиғида яна ҳам кўпроқ учрайди. Уларнинг фарқи аввало кўтармаларнинг баландлигидадир. Дьяков кўтармалари ўрта ҳисобда 1 метрдан 1,5 метргача бўлса, қадимий рус шаҳар харобаларининг кўтармалари 10 метрдан 15 метргача боради.

Биз юқорида баён қилганларимиз славян сопол буюмлари даврининг энг ишончли белгисидир. Бу буюмлар ҳамма жойда кулолчилик касбининг пайдо бўлганлигидан ва славянларнинг маданий бирлигидан далолат беради. Бу қалъаларнинг кўпи мўғуллар замонидан олдиноқ феодал шаҳарларнинг арклари бўлган умуман ҳунар-савдо шаҳарлари бутун рус тупроғида бир вақтда ўсиб борган. (Ҳунар-савдо шаҳарлари билан боғланмаган X—XIV аср шаҳар харобалари феодалларнинг мустақкамланган қўрғонларидир, улар тўғрисида кейинроқ қуйида гапирилади.)

Хусусий мулкнинг ривожланиш темаси каби темаларни археологик жиҳатдан кузатиб бориш қийин бўлса-да, бироқ бажариб бўлмайдиган иш эмас. Бутун рус ерларидаги шаҳар харобаларида X асрдан бошлаб жуда кўп калит ва қулфлар учрайди, илгари улар мутлақо кўринмас эди. Ҳунармандчилик ишхоналар бу ерда ҳам доим учраб туради. Бу кашфиётнинг аҳамияти ҳақида юқорида гапирилган эди.

XI—XIII асрларда одамлар яшаган қатламлардан энг кўп топиладиган буюм — шиша билагузуклардир. Камон ўқлари кўпроқ ромбсимон. Топилган ҳайвон суяклари шаҳарларнинг ҳаммасида бир хилдир. Қорамол биринчи, чўчқалар иккинчи, қўй-эчкилар учинчи ўринда туради. От суяклари камдан-кам учрайди, чунки бу вақтда от гўштини емайдиган бўлганлар. Ибтидой шаҳар харобаларида молхоналар умумий бўлган бўлса, феодал даврдаги қадимги рус шаҳар харобаларида ҳар бир якка хўжаликнинг алоҳида ўз молхонаси бўлган.

Рус шаҳар харобаларининг энг каттаси кўҳна Рязандир. Бу шаҳар харобаси Ока бўйида, ҳозирги Рязандан 50 км пастроқда жойлашган. XI—XIII асрларда бу ерда феодал тарқоқликнинг ривожланиши муносабати билан кучайиб кетган Рязань князлигининг пойтахти бўлган. 1237 йилда Рязанни мўғуллар вайрон қилган. Ўз жойида тикланган Киев, Владимир ва бошқа шаҳарлардан фарқ қилиб, Рязань ўз жойида қайта тиклана олмаган. Пойтахтни Ока дарёсининг юқорисига ўша вақтда Рязань Переяславлли деб аталган ҳозирги Рязань шаҳрига кўчирганлар.

Қатламда шиша билагузуклар жуда кўп бўлиб, улар IX—XIII асрларга оиддир. Қазиб очилган турар жойлар икки хил: Киев ертўлаларига ўхшаш ертўлалар (булар оз) ва ер устига қурилган ёғочбанд ўйлар (булар кўп). Турар жойлардан ҳунармандчилик устахоналарининг қолдиқлари топилди. Ишлаб

чиқариш хийла ихтисослашган. Топилган қурол-асбобларга қараб ҳукм қилинганда шу нарса аниқландики, бир уйда эгар ишланган бўлса, иккинчисида ўқдонлар ишланган ва ҳоказо.

Эски Рязандаги ҳунармандчилик иншоотларидан икки босқонли кўра (улар ёнидан кўпгина темир-терсак, тошқол, сопол ва бошқа нарсалар топилди) ва кулолчилик хумдонининг бўлганлигини айтиб ўтиш мумкин. Ҳар хил рўзғор буюмлардаги ёзувлар хат-савод ёйилганлигидан далолат беради. Масалан, идишлардан бирида: «Добрила князь Богункага янги вино юборди» деб ёзилган (қадимги Русда «вино» ибораси четдан келтириладиган узумдан қилинган виногагина ишлатилган. Добрило винофуруш бўлган бўлса керак, Богунка ҳаттотнинг имзоси).

Рязань черковларининг пойдеворлари ковлаб очилди. Бу ерда ҳам Киевдаги сингари қурилишда плинфа — юпқа гишталар ишлатилган. Шаҳар тупроқ кўтарма билан ўраб олинган. Бу кўтармаларда ёғоч истеҳкомлар бўлган, қазиш вақтида бу истеҳкомларнинг қолдиқлари топилди.

Ока — Волга дарёлари оралигининг қадимги маркази Суздалда ўтказилган қазишларда XI—XIII асрлар қатламида Киевдагига ўхшаш ертўлалар топилди, ундан жуда кўп шиша билагузуклар чиқди. Бунда ер устига қурилган ёғочбанд уйлар ҳам бўлган. Темирчилик дўкони топилди. Владимир Мономах Киев типига, яъни юпқа гишталардан қурдирган ибодатхона қолдиқлари кузатилди. Унинг ўғли Юрий Долгорукий эса Суздалда ва бошқа шаҳарларда бошқа типдаги, бутунлай оқ харсангдан ибодатхоналар қура бошлаган. Шу вақтдан бошлаб бу типдаги қурилиш Владимир Суздали меъморлигининг муҳим хусусияти бўлиб қолади.

Владимирда ўтказилган қазишларда мудофаа иншоотлари тарихи кузатилди. Бу шаҳарни Руснинг пойтахти қилган Андрей Боголюбский узун истеҳкомлар билан ўраб олган. Қалъанинг дарвозалари ўша замоннинг Владимир черковларига ишлатилган оқ харсангдан қилинган, дарвозаларнинг ораларига ёғоч қурилмалари кўтармалар ўрнатилган. Всеволод III XII аср охирида шаҳарнинг ички қалъасини (дегинец) бошдан оёқ харсангдан ишлатган. Бу арк тош девор билан князь ва епископнинг ҳовлиларини ҳам ўз ичига ўраб олган. Арк девори тагидаги шиша билагузукларга жуда бой қатламдан XII асрга оид турар жой, ёғочбанд уй очилди.

Владимир шаҳри ёнида XII асрда улуғ князь Андрей Юрьевич қурдирган қадимги Боголюбов шаҳри бор (князнинг Боголюбовский деб аталиши ҳам шундан). У ерда қасрнинг минори сақланган, Андрей ўша минорда ўлдирилган (бу минор хотира учун сақланган). Қазишлар натижасида шу нарса исбот қилиндики, фақат минор эмас, балки қасрнинг ўзи ҳам

бошдан-оёқ оқ харсангдан ишланган бўлган. Шаҳарнинг кўчаларига ҳам оқ харсанг тахталар ётқизилган ва бу кўчалар жуда озода сақланган.

Улуғ князь ишлатган буюмлардан бири ажойиб ва қайтарилмайдиган тасодиф туфайли бизга етиб келган. 1216 йилда машҳур Липицк жанги бўлган. Юрий ва Ярослав Всеволодовичларни новгородликлар тор-мор қилган. XIX аср бошларида битта деҳқон аёл жанг бўлиб ўтган жойда, ўша давр ҳужжатида айтилганидек, «бутазорда ўрмон ёнғоқ тераётган экан, у ёнғоқ ёнидаги дўнгликда нимадир ялтиллаб ётганини кўрибди». Бу эса олтин суви берилган дубулға ва унинг тагида совут ётган эди.

Дубулғадаги: «Великий архистратиге господень Михайле, помози рабу своему Феодору» («Улуғ архистрат Михаил ҳазратлари, ўз қулинг Феодорга мададкор бўл») деб ёзилган русча ёзувга қараб аслаҳалар Ярославники дейилади. Ярослав Всеволодовичнинг иккинчи номи Феодордир. (Маълумки, ўша вақтда рус князларининг иккита номи: бири русча дунёвий ном, иккинчиси грекча ухравий ном бўлган.) Дубулға одатдаги, X аср мазор қўрғонларидан топиладиган дубулғалар хилидан бўлиб, ўшаларга ўхшайди. Дубулғанинг асли пишиқ бўлсан учун темирдан ясашиб, устига олтин суви берилиб кумуш лавҳалар ёпиштирилган. Лавҳаларга ҳар хил ўтлар, қушлар ва авлиёларнинг суратлари сўқилган.

Князларга ва боярларга мансуб заргарлик буюмлар Киев ерларидагина эмас, балки Владимир-Суздаль ерида ҳам учрайди. Владимир шаҳрининг ўзида учта хазина топилди. Ундан сир берилган бир нечта олтин исирга чўлписи, бир нечта энли кумуш билагузук ва бошқа зеб-зийнат буюмлар чиқди. Билагузукларга қора кумуш билан афсонавий йиртқич ҳайвонларнинг суратлари солинган. Бундай йиртқич ҳайвонларнинг суратлари Владимир меъморлигидаги бўртма суратларда ҳам учрайди, бу эса маҳаллий заргарликнинг ривожланганлигидан далолат беради. Буюмларга берилган сирли нақшларнинг ҳам ўзига хослиги шундай хулосага олиб келади.

Эски Рязандан сир берилган олтин буюмлардан иборат ғоят бой хазина топилди. Ундаги жуда катта иккита чўлпида ёш рус князларининг (Борис билан Глеб бўлса керак) суратлари солинган. Четига мўйна тутилган ўзига хос думалоқ телпақларига қараганда уларни рус князлари деб ҳисоблаш керак. Қадимги рус суратларида XI асрдан XVI асргача рус князлари (фақат улар) шундай телпақларда тасвирланади.

Владимир-Суздаль еридаги шаҳарлар санъат тарихида ва археологияда Владимир услубида ўйиб ишланган тошлар, яъни XII—XIII асрларда черков деворларига одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг суратларини тошга ўйиб, бўртма қилиб ишлаш ном чиқарган. Бу бўртма расмлар Владимир-Суздаль

маданий жиҳатдан ўзига хос йўл билан тараққий қилган деб билишга имкон берди.

Ибодатхоналардан иккитаси бутунлай афсонавий расмлар билан тўлган, бироқ уларнинг ҳеч қайсиси черковга хос расм эмас. Уларнинг бири Владимирдаги Дмитрий ибодатхонаси бўлса, иккинчиси Юрьев Польшкадаги Георгий ибодатхонасидир (тошга ўйиб солинган бундай расмлар озроқ бўлса-да, Владимир-Суздаль еридаги бошқа черковларда ҳам бор).

Тош ўймакорлигига маҳаллий ёғоч ўймакорлигидан ўтилган бўлса керак. Бу ўйма суратларнинг символик ва геральдика¹ жиҳатдан аҳамияти бўлган. Бу суратлар бутун-бутун ҳикоялар бўлиб, биз ҳали уларнинг маъносини очиб бера олганимизча йўқ.

1197 йилда Всеволод бино қилдирган сарой черкови — Дмитрий ибодатхонасининг деворларида мушукка ўхшаш, бироқ ғалати йиртқишларнинг тизилишиб кетаётгани тасвир этилган. Бу суратлар баъзан Кавказ ва Эрон образларини эслатса ҳам улар ўзига хос бўлиб, Владимир-Суздаль санъатидан бошқа ҳеч ерда учрамайди. Ҳар бир йиртқиш суратининг қандай бўлса ҳам ўзига хос хусусияти бор. Йиртқишлар сурати грифонлар, яъни қуш бошли йиртқиш ҳайвон сурати билан навбатлаштириб солинган. Улар қандайдир ингичка ва узун ўтлар ҳамда гуллар ўсиб ётган боғда сайр қилиб юришибди.

Одамларнинг сурати ҳам бор. Жануб томондаги деворнинг юқори қисмида макидониялик Искандарнинг иккита грифонга миниб осмонга парвоз қилаётгани тасвирланган. Бу воқеа Искандар тўғрисида ўрта асрларда севиб ўқиладиган афсонавий ҳикоялардан олиб тасвирланган, албатта. Бу қиссаларнинг франсуз, немис, инглиз, араб, форс, турк ва рус тилларидаги лари бизнинг давримизгача етиб келган. Рус тилидаги «Александрия» («Искандарнома») қадимги Русда энг кўп тарқалган таржима китоблардан эди. Искандар ўзининг ҳаёти билан муаллифларни шу қадар жазб қилганки, у икки минг йил давомида афсонавий романларнинг бош қаҳрамони бўлиб келган. Ибодатхона ёнидан ўтиб кетаётган владимирликлар девордаги суратни кўриб, бунинг Искандар эканлигини албатта осонгина билиб олганлар.

Ибодатхонада яна бир-бирлари билан олишаётган курашчилар, қиличларини яланғочлаб от устида елиб жангга бораётган сувори аскарлар бор ва, шу билан бирга, овчилар ҳам тасвирланган. Черковга доир суратлар (566 суратдан атиги 46 таси, яъни 8% и черков суратидир).

Юрий-Польский ибодатхонаси яна ҳам мураккаброқ безатилган. Бу ибодатхонани 1234 йилда Всеволод III нинг ўғли Святослав қурдирган. Бу ердаги ёввойи ҳайвонлар — одам

¹ Геральдика — Гербларни ўрганадиган фан.

бошли кентаврлар ва булбулигўёлар, сўнгра, арслон, йўлбарс, грифон ва аждарлардан иборатдир. Битта фил сурати ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси черков суратлари (авлиёлар сурати) билан олдинма-кейин қўйилган. Баъзи жойлардаги тасвир услуби этнографиядан маълум бўлган рус деҳқонларининг ёғоч уймакорлигини эслатади. Усимликлар жуда зич ва чалкаштириб тасвирланган. Одам ва арслон маскалари кўп. Найза ва қалқонлар билан қуролланган жангчиларнинг қатор тизилишиб тургани тасвирланган. Қалқонлари бодомсимон шаклдадир. Бундай қалқонлар XIV асргача бутун Европада расм бўлган. Аскарлардан бирининг қалқонига арслон сурати солинган. Владимир князлари худди шу тариқа арслонни ўзларининг герби қилиб олганлар. Уша вақтдаёқ Русда герб расм бўла бошлаган. Бу шаклдаги арслон то XX асргача Владимир герби бўлиб қолган.

Лаврентьев йилномасида XII асрда владимирликлар билан ростовликлар ўртасидаги ҳарбий тўқнашувлар вақтида Ростов аҳолиси Владимир шаҳри тўғрисида: «пожжем и пакыли посадника в нем посадим; то суть наши холопи каменници» дер эканлар. Владимирликларнинг иморатлари, айниқса уларнинг тошга ўйилган бўртма суратлари уларнинг дарҳақиқат ажойиб тош усталари бўлганликларидан гувоҳлик беради.

Археологлар учун қишлоқ ҳаёти Владимир-Суздаль Русида ҳам ҳозирча фақат мазор қўрғонлардан маълум. Феодал хўжалик ва эксплуатацияни ўрганиш учун қадимги қишлоқ харобалари ва феодалларнинг мустаҳкамланган қўрғонларини қазиб кўриш жуда муҳимдир. Бундай қўрғонлар бўлган албатта. Тверь йилномасида, масалан, ростовлик паҳлавон Александр Попович (афсонада ҳам ростовлик деб аталадиган Алёша Попович паҳлавоннинг тимсоли) бошқа паҳлавонларни «Гда дарёси бўйида Гремячий қудуғи ёнидаги ўз қалъасига маслаҳатга чақирган қалъа атрофидаги кўтарма ҳали ҳам шундай турипти» дейилади. Археология ана шундай қалъаларни ўрганиши керак.

Мустаҳкамланган феодал қўрғонини бошқа қадимий шаҳар харобаларидан истеҳкомларнинг мустаҳкамлиги ва турар жойлари майдонининг катта-кичиклигига қараб ажратса бўлади. Битта бояр ҳовлиси банд қилган территория кичик бўлади албатта. Шунинг учун кўтармалари эса баланд ва кенг бўлиб, турар жойлар банд қилган майдонга қараганда ҳам кенгроқ жойни эгаллаган бўлади. Урта Россияда бундай қалъалар харобаси кўп. Бу қалъаларда яшаган оз сондаги одамларнинг фақат ўзлари бунчалик катта қалъаларни қура олмас эдилар. Демак улар бундай қурилишларда ўзларига қарам деҳқонларнинг текин меҳнатларидан фойдаланган бўлсалар керак. Бундай қадимий шаҳарларнинг бўлиши хийла кейин ёзилган ҳужжатларда айтилган «шаҳар қурилиши», «қўрғон ихотаси»

феодал мажбуриятлар бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бу Ғарб феодаллари қасрларининг рус нусхасидир. Буларнинг фарқи шундаки, Русда истеҳкомлар камдан-кам тошдан ишланган (чунки тош кам бўлган), кўпинча ёғоч билан тупроқдан ишланган.



93- расм. Бўртма сурат. Аскар. Юрий-Польский ибодатхонасидан

Владимир-Суздаль Русидан бизнинг давримизгача сақланиб келган темир омок тишлари узунчоқ бўлиб, пропорцияси жиҳатидан русларнинг этнографикда машҳур икки тишли омок тишига ўхшайди, ана шу нарсаларга қараганда икки тишли рус омокчи бундан тахминан минг йил илгари пайдо бўлган. Бу қурол қадимги омоклардан кўра анча мукамалдир. Бу омокнинг иккита темир тиши бўлганлиги ва қайтарма тишнинг ҳам

темирдан бўлиши сабабли у маълум даражада плуг билан мусобақа қилиб келган.

Владимир-Суздаль Русда плуглар ҳам ишлатилган. Суздалда плугнинг ерни қирқадиган каттакон кесгич тиши топилди, кесгич тиккасига плуг тишлари олдига биркитилган ва тишларнинг тупроқни осонроқ ағдариши учун у ерни қирқиб ўтган. Плуг кесгичлари ўрта асрлардаги энг мукамал плугларга биркитиладиган бўлган.

Ўрта Русдаги қишлоқ мозор қўрғонлари икки қабиллага мансуб бўлган. Волга бўйидаги кривичларнинг жуда кўп мозор қўрғонлари Юқори Волга ва унинг ирмоқлари ҳамда Қлязьма бўйларида қазилган; вятчларнинг мозор қўрғонлари Ока ва унинг Қлязьмадан бошқа ирмоқлари соҳилларида қазилган. Зотан, бу чегарани фақат тахминан белгилайди, қозишларда чегара жуда синчиклаб кузатилган.

Аёлларнинг зеб-зийнат буюмлари қабилаларни бир-биридан фарқ қилишига имкон беради, бу буюмлар ишлатилган жойнинг ўзида ясалган. Чакка ҳалқаларнинг тор доирада тарқалганлиги тўғрисида юқорида айтиб ўтилган эди. Чакка ҳалқалари қишлоқ ҳунармандчилиги маҳсулоти эди. Бундай ҳунармандчиликнинг мавжуд бўлганлигини Москва областининг Митяево қишлоғидаги вятчларнинг мозор қўрғонларидан топилган исирға, бўйиинга тақадиган ҳач ва занжирлар ясаш учун ишлатиладиган қолиплар ҳам гувоҳлик беради. Бироқ бу мозор қўрғонларда рус шаҳар ҳунармандчилиги ишлаб чиқарган буюмлар, жумладан тошдан ишланган нарсалар ҳам бўлган.

Авваллари археологлар мозор қўрғонлардан топилган зеб-зийнат буюмларнинг кўпи, жумладан сердолик мунчоқлар четдан келтириладиган товарлар деб хато ўйлаган эдилар. Баъзи археологлар бу моллар Ғарбдан келтирилган, баъзилар Шарқдан келтирилган дердилар. Қизил ҳақиқ деб аталадиган сердоликдан ҳамма жойда мунчоқлар ясаганлар. Аммо Ғарбда ва Шарқда бу мунчоқларга ҳар хил шакл берсалар-да, Русда расм бўлган пирамида шаклини ишлатмаганлар.


Ўрта асрлардаги бипирамидал мунчоқлар қадимги Русдаги тош мунчоқларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этади. Бипирамидал мунчоқлар ўрта Русда неча минглаб топилган бўлса, Ғарбий Европада, Кавказда, Қуйи Волга ва Ўрта Осиёда битта-яримтагина топилди. Бу мунчоқларнинг рус ерида ишланганлигига ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, мунчоқлар шаклининг ўзи ҳам шу ерда кашф этилган. Ўрта Россияда сердолик конлари бор.

Волга кривичларининг мозор қўрғонлари Днепр ва Ғарбий Европа кривичларининг қўрғонларига ўхшайди. Бу қабиллага



94- расм.
Плуг кесгичи.
Сузда л-дан то-
пилган

хос ва билагузуксимон, учлари бир-бирига ўраб қўйилган чакка ҳалқаларини аёллар сочларига олтитадан таққан. Эркакларнинг қабрларида камдан-кам болта ва найзалар учрайди.




95- расм. Кривичлар чакка ҳалқаси

Вяттичлар (уларнинг Вятка дарёси номи билан аталишлари бу дарёга мутлақо боғлиқ эмас, бу тасодифий ҳолдир) ўликларни куйдириш одатини бошқа ҳамма қабилалардан кўра узоқроқ сақлаган ва фақат XII асрдагина ўликларни гўрга ётқизиб кўмишдек умумрус одатини расм қилганлар. Вяттичлар ҳали XII асрда, йилномада ёзилишига кўра, мустақил қabila бўлиб яшаган. Руснинг бошқа қисмида ўзаро уруш қилувчи князлар ва шаҳарлар бўлган. Йилномада доим вяттичлар Окадаги алоҳида сиёсий куч деб кўрсатилади, князлар улар билан (қабил

ла оқсоқоллари билан бўлса керак) музокаралар олиб борганлар.

Вяттичлар йилномада бошқа ҳамма қабилалар йўқ бўлиб кетгандан кейин ҳам XII аср охиригача тилга олинади. Ундан кейин XIV асргача улар ўзларининг ўтмишдаги қабилавий хусусиятларининг рамзи тариқасида аёлларнинг ўзига хос кийим-кечакларини сақлаб қолганлар, улардан бизгача етиб келгани мазор қўрғонлардан топилган зеб-зийнат буюмларидир. Бу қабиллага хос буюмлардан етти-парракли (кумушдан ёки мисдан ишланган) чакка ҳалқалардир, бу ҳалқалар қадимги рус деҳқонлари санъатининг ғоят нафис ижодидир. Аёллар сочларига ҳар бири етти парракли бадий ҳалқаларни олтитадан таққанлар.



96- расм. Вяттичлар чакка ҳалқаси

Ўликларни мазор қўрғонга кўмиш одати XIV асрда ҳам кенг тарқалган бўлган. Қадимги рус деҳқонлари мазор қўрғонларининг юқорида айтиб ўтилган ҳамма белгиларнинг биз вяттичларда ҳам кўрамиз. Ока ҳавзасининг баъзи дарё соҳилларидаги ҳар бир қишлоқда мазор қўрғон тўдаси бор.



ВОЛГА БУЛҒОРИЯСИ

Волга Булғорияси маданияти ривожланган катта давлат бўлган, ammo унинг тарихини шарқ географлари ва рус йилномачиларининг айрим-айрим маълумотларидангина бир оз биламиз, холос. Булғорларнинг ўз тарихий асарлари бўлса-да, улар бизгача келиб етмаган, улар фақат Қозон татарларининг анча кейинги қолдирган хатларидангина маълум. Шунинг учун археология маълумотлари бунда жуда катта аҳамият касб этади.

Булғорлардан аввалги Ўрта Волга даври чипта изли сопол идишлар шаҳар харобалари деб аталадиган даврдан иборат. Улар санаси ва мавзеларининг хили жиҳатидан Юқори Волга ва Ока бўйидаги Дьяково ҳамда Кама бўйидаги Ананьино-Пьяноборск шаҳар харобаларига ўхшайди. Волга булғорлари Қозон билан Саратов ўртасида тарқалган ва чипта изли сопол идишлари билан характерлидир. Саратов даштларида, ўтроқ бўлиб ўрмонларда яшаган чорвадорларнинг қўшинлари дастлаб даштдаги кўчманчи чорвадор сарматлар, сўнгра олонлар бўлган. Волгадаги сармат-олонларнинг мозор қўрғонларида ҳам уч парракли темир ўқлар, узун шамширлар, умуман бошқа жойларда учрайдиган нарсалар бўлган. Бу кўчманчиларда ҳам, қадимий шаҳарлар аҳолисида ҳам мулкий тенгсизлик бир хилда ўсиб борганлиги кўринади.

VIII аср атрофида бу кўчманчи ва ўтроқ қабилалардан бир неча князлик ташкил топиб, X аср бошларида у князликлар булғор давлатига бирлашади. Олонлар ҳам, қадимий шаҳарларда яшовчи аҳоли ҳам булғорлар эмас. Бу ерга жанубдан келган туркий булғор қабилалари Ўрта Волгадаги олон қабилаларини ва чипта изли сопол идиш қабилаларини бўйсундириб, уларни ўзларига сингдириб юрган. Маҳаллий тиллар орасида туркий тиллар ғолиб чиққан. Бу ердаги бу процесс синфий феодал жамияти ва давлатининг вужудга келиш процесси билан боғлиқдир. Волга булғорлари кейинчалик йўқ бўлиб кетган Қора денгиз булғорлари ва кейинчалик славянлашган Дунай булғорлари билан қардош бўлган.

Князларнинг ибтидоий жамоа қалъасини босиб олиб, у ерда қаср қурганлиги археологияга маълум бўлди. Кама бўйидаги

Елабуға ёнида булғор мавзеларидан энг шимолийси қадимий Чортово шаҳар харобаси жойлашган. Булғорлардан олдин бу ерда асосан ҳали қадимий пянбор типигади қадимий уруғ шаҳар харобаси бўлган. Бироқ булғор князларидан бири бу истеҳкомни ишғол қилиб, унинг ўртасига тошдан ғоят ҳашаматли арк қурган; чор бурчак бу аркнинг деворлари қалин, ҳар бир бурчагида думалоқ буржлари бўлган. Бу мўғуллардан олдинги бизга маълум бўлган булғор иншоотларидан энг яхшисидир.

XI—XII асрлардаги баъзи булғор қадимий шаҳарларини феодаллар қасри деб атаса ҳам бўлади. Уларнинг майдони тор, ammo жуда қалин кўтармалар билан ўраб олинган. Уларни шу мавзеда яшаган оз сонли аҳоли кучи билангина қуриб бўлмас эди, албатта. Ўзига қарам барча аҳолини ҳайдаб келиб ишга солган тақдирдагина бундай истеҳкомни қуриш мумкин бўлади. Бундай қадимий шаҳар харобаларидан бири (Қашнинск)нинг кўтармаси, масалан, 10 метр баландликда (кўтарманинг баландлиги қадим бундан ҳам баланд бўлган). Айланаси фақат 600 метр бўлган. Ўзи кичиккина майдон-у, шунча ҳам ҳашаматли истеҳком.

Булғор давлатининг Булғор, Билар ва Сувар деган учта асосий маркази бўлган. Булғор истеҳкомининг айланаси 7 километр, Биларники 10 километр, Суварники 5 километр бўлган. Бундан ташқари, ҳар қайсисининг атрофида ҳунармандлар яшайдиган рабодлар бўлган.

Булғор шаҳри Волганинг чап томонида, Кама этагидан 30 километр қуйроқда, Волганинг ўзидан 6 километр нарида жойлашган. 922 йилда идрокли Бағдод дипломати Ибн-Фадлан бу шаҳар аҳолисининг урф-одатларини ўрганиб, ғоят мароқли нарсалар ёзиб қолдирган. Унинг бу ерга қилган саёҳати булғорларнинг ислом динини қабул қилишлари билан боғлиқдир. Булғор шаҳри X—XI асрларда мамлакат пойтахти бўлиб, XIII асрда уни мўғуллар вайрон қилган. XIV асрда бу шаҳар қисқа даврда яна юксалган. Гиштдан солинган мачит, минора ва ҳаммом каби муҳташам бинолар юксалиш хотираларидир. XV асрда Қозон шаҳри равнақ топиб, Булғор ҳувиллаб қолган.

Бу шаҳарда олиб борилган қазिशлар натижасида бири мўғуллар истилосидан олдинги даврга ва иккинчиси Олтин Ўрда даврига оид икки қатлам борлиги маълум бўлди. Ҳар икки қатламдан бир қанча ҳунармандчилик устахоналари топилди.

Булғор шаҳри катта ҳунармандчилик маркази бўлган. Бу ердан жуда кўп босқонли куралар, кулолчилик хумдонлари ва бошқалар топилди. Бу ерда темирчилик устахоналари, мисгарлик, кулолчилик, суюксозлик, этикдўзлик ва бошқа ҳунармандчилик устахоналари бўлган. Турар жойлар ёғочбанд уйлардан иборат бўлган, Олтин Ўрда қатламида бино бўлган бундай уйлар яхши сақланган. Ҳовлилар иккига бўлинган. Аёллар учун алоҳида ичкари ҳовли ва эркаклар учун алоҳида ташқари ҳовли

бўлган, бу эса умуман ислом мамлакатларига хос бир ҳолдир. Уйлардаги печлар гумбазли қилиб лойдан ишланган. Уйнинг бир бурчагига отнинг бош суягини кўмиш одат бўлган. Этнографик маълумотларга қараганда бу одат Қозон татарларида ҳам бўлган. Уйларда дон сақлайдиган ўралар кўп учрайди.

Шаҳар истеҳкомлари текширилди. Бу истеҳкомлар тупроқ кўтармалардан иборат бўлиб, уларнинг устига ходалардан ёғоч-банд деворлар қурилган ва бу ёғоч деворлар ораси тупроқ билан тўлдирилган. Кошин парчалари учрайди, ғиштдан қурилган ҳашаматли бинолар шундай кошинлар билан безатилган бўлган. Бу кошинлар ҳаво ранг ва яшил тусда бўлган. Мазкур кошинларда Ўрта Осиё таъсири бўлса керак, аммо парчалар жуда майда бўлганлигидан бу ернинг кошинлари Ўрта Осиё кошинларига қанчалик ўхшашини аниқлаб бўлмайди. Сақланган биноларда кошинлар йўқ.

XIV асрга мансуб ҳаммом тамомила қазиб очилди. Деворларига совуқ ва иссиқ сув учун жуфт-жуфт қилиб жуда кўп мис жўмрақлар ўрнатилган. Жўмрақларнинг ҳар қайсисига алоҳида сопол қувурлар олиб борилган. Булғордан бундай сопол қувурлар кўп топилди. Шаҳар водопроводи жуда ҳам сертармоқ бўлган. Ҳаммомда иссиқ ва совуқ сувни аралаштириш учун тошдан йигирма иккита кичик ҳовузча ишланган. Ҳаммомнинг ўртасида баргли гулга ўхшатиб тошдан ўн иккита фонтан ишланган. Ҳаммомнинг деворлари қизил рангга бўялган. Ҳаммомга кираверишда, даҳлизда дам олиб ётиш учун ҳарсанг тошлардан бир кишилик супачалар ясалган. Бу ҳаммом қурилиши жиҳатидан ўрта асрларда ислом мамлакатларида қурилган ҳаммомларнинг бир нусхасидир.

Бияр шаҳри мамлакатнинг анча ичкарисиди Черемшан дарёси бўйидадир. Бу шаҳар XII асрда Волга Булғорининг пойтахти бўлган. Шаҳарнинг қалин бир қатлами мўғуллар истилосидан олдинги даврга оиддир. XIII асрда мўғуллар Биярни вайрон қилганлар, шундан кейин бу шаҳар тиклана олмаган. Биярда ҳали ҳозир жиддий қазилар ўтказилган эмас.

Сувар шаҳри Булғордан сал жануброқда, Волга дарёсидан 40 километр бери, Утка дарёси бўйидадир. X асрда сувар хонлари булғор хонлари билан рақобат қилган. Аммо шу асрнинг охирларида бу икки давлат бирлашган, шундай бўлса ҳам Сувар то XIV асргача катта марказ бўлиб қолган, XIV асрда вайрон қилинган. Бу шаҳарнинг қасрда бўлганлиги кўп вақтларгача фан учун номаълум бўлиб келди. Ниҳоят бир муаллим татарларда ҳали ҳам Сувар деб юритиладиган бир катта қадимий шаҳар харобаларини кўрсатиб берди. Бу ерда ўтказилган қазилар бу шаҳар харобасининг Суварга жуда ўхшаганлигини тасдиқлади ва ундан икки қатлам чиқди: бири мўғуллар келгунча бўлган қалин қатлам ва иккинчиси мўғуллар истилосидан кейинги юпқа, Олтин Ўрда қатламидир. Бу ерда ҳам Булғорда-

ги сингари уйлар, донхоналар, истехкомлар ва бошқалар қазиб очилди. Шаҳар ўртасидан ғишдан солинган қаср чиқди, сақла-ниб қолган кошин қолдиқларига қараганда қаср ҳаво ранг ва яшил кошинлар билан безатилган бўлган.

X асрнинг биринчи ярмида Волга булғорларининг танга пул-лари бўлган. Бу вақтда танга пулларни Булғор билан Сувар шаҳарларининг хонлари зарб қилган. Уларнинг танга пуллари Бағдоддаги аббосийлар ва Ўрта Осиёдаги сомонийларнинг тан-га пулларига ўхшатиб зарб қилинган: бу пулларда ҳам ўша пуллардаги сингари диний ёзувлар, шаҳарнинг номи ва мусул-монлар ҳисобидаги сана зарб қилинган. Пуллардаги ёзувларнинг ҳаммаси арабча, ҳатто хонларнинг номлари ҳам арабчадир.

XI асрда булғорлар танга пул зарб қилмай қўйганлар, чунки Ғарбий Европада танга пул муомаласи умуман жуда қисқариб кетган, бунинг сабаби ҳозирча маълум эмас. XIV асрда яна Бул-ғор номи билан зарб қилинган танга пуллар пайдо бўлган. Бу пулларни энди шу шаҳарнинг Олтин Ўрда хонлари зарб қилган.

Волга-Кама ўлкасининг турли жойларидан топилган булғор плугларининг тишлари ўлкада деҳқончилик ғоят тараққий қил-ганлигидан дарак беради. Улар ўша замондаги Шарқий Европа зироатчилигининг энг мукаммал қуроли бўлган плуг тишидир. Тиш анча оғир ва кенг бўлиб, икки бўлак темирдан уланган. Ер юзасини қирқиш учун плугнинг шотисига бириктириб қўйила-диган темир кескич кўп топилади; кескичлар ҳам оғир бўлиб, бўйи 50 см келади. Уроқлар шакли жиҳатидан анча мукаммал-дир.

Булғорда ўтказилган қазिशлар натижасида металлургия тарихига оид муҳим материаллар топилди. Булғордаги ҳамма қатламларда босқонли кўралар кўп топилди, уларнинг ҳаммаси яхши сақланган. Ундан кўра XIV аср қатлаמידан топилган чўян қуйиш ён дўконлари муҳимдир, улар Европадаги энг қадимги ён дўконлардир.

Чўян қуйиш ва чўяндан темир ҳосил қилиш инсоният тари-ҳидаги энг муҳим ихтиролардан биридир. Иборанинг техника маъносида айтганда темир металлургиясининг иккинчи даври чўян қуйиб, ундан темир ҳосил қила билишдан бошланади. Ев-ропадаги энг қадимги чўян XIV асрга оид. Ундан олдин икки ярим минг йил давомида темир қуйиш йўли билан эмас, балки босқонли кўраларда бевосита рудадан ҳосил қилиб келинган.

Темир ҳосил қилишнинг XIV асрда кенг тус олган янги усули ғоят катта аҳамият касб этган эди. Бу усулнинг камчилиги шун-даки, битта ишлаб чиқариш процесси ўрнига икки процесс қўл-ланилган ва ҳозир ҳам шундай икки процесс қўлланилмоқда. Бироқ бу усулнинг устунлиги — ишлаб чиқариш унумининг ғоят ўсганлигидан ва босқонли кўрада жуда кўп нобуд бўлган темирнинг бу усулда ғоят кўп тежалганлигидан иборат.

Чўяндан темир ва пўлат суюқ ҳолатда эмас, балки қаттиқ ҳолатда, фақат чўянинг ўзи суюқ ҳолатда ҳосил қилинган. Гарчи антик даврда пўлатни тигелларда суюқ ҳолатда ҳам ҳосил қила олган бўлсалар-да, бу иш унумли бўлмаган, жуда оз миқдорда ҳосил қилинган. XIX асрдагина саноат ишлаб чиқаришида пўлат қуйиш ихтиро қилинган. Ана шу вақтдан эътиборан темир металлургиясининг учинчи даври бошланади, дейиш мумкин.

Биз сўнги сатрларда археология доирасидан четга чиқиб кетдик, аммо техниканинг ўша уч даврини, яъни икки ярим минг йил давом этган биринчи давр, сал кам беш юз йил давом этган иккинчи давр ва ҳозирча юз йилдан камроқ вақт давом этаётган, учинчи даврни кўрсатиш учун археология доирасидан чиқиб баён қилиш лозим эди.

Иккинчи давр Европанинг бошқа мамлакатларидан кўра олдинроқ Волга Булғориясида бошланган бўлса керак. Ҳар


ҳолда Европанинг бошқа ҳеч бир жойида XIV асрда чўян эритиш иши Булғордаги сингари кенг тараққий қилганлиги ҳали аниқланган эмас. Чўян эритиш учун гиштан



98- расм. Волга-Булғор болтаси

темир эритилмай, балки қиздирилган холос.

Ён дўконлар ёнида эритилган чўян қолдиқлари жуда кўп топилди. Шаҳарни қазिश вақтида чўян буюмлар ҳам топилиб турди. Бу ердан топилган чўян идишларнинг шакли маҳаллий со-



97- расм. Йўнғич. Плуг тиши. Болға

ясалган бир қанча ён дўконлар топилди. Бу ён дўконлар кенглиги ва баландлиги жиҳатидан босқонли кўралардан анча катта, уларнинг дам бериш қувурчалари учун ўйилган кўпгина тешиклари бор, демак бу ён дўконларда температура баланд бўлган. Бу ён дўконларда темир эритилган, босқонли кўраларда эса

пол идишларга ўхшайди, бу эса чўян идишларнинг ҳам шу ерда ишланганлигини билдиради. Ен дўкончага катта чўян дошқозонлар ўрнатилган.

Булғор, Биляр ва Суварнинг темирчилик райони катта жойда бўлган. Булғорда призма шаклидаги катта болғалар топилди. Темирчиликда зарур бўлган бундай қурол қазишларда бошқа ҳеч қаерда топилмаган дейиш мумкин: бунчалик катта темир буюмларнинг йўқолиши, ерда кўмилиб кетиши мумкин эмас, албатта. Оддий болғалар, омбурлар, металл тарашлайдиган исканалар ва ҳар хил сандонлар топилди.



99- расм. От шаклли қулф. Волга бўйи Булғоридан топилган

Бу ерда оддий темирчилар билан бирликда қуролсоз темирчилар ҳам бўлган. Ана шундай усталар булғорларнинг ўзларига хос узун ва энсиз ҳамда ўсимлик безаклари солинган жанг болталар ва бошқа хил қуроллар ишлаганлар. Қазишмаларда совут парчалари ҳам топилди. Совут кийиш бу ерда ҳам Русдаги сингари Фарбий Европада олдин расм бўлган. Умум Европада ишлатилган IX—XI асрлардаги энли шамширлар (улар тўғрисида юқорида, ўн иккинчи бобда гапирилган эди) бу ерда ҳам ишлатилган. Бундай шамширларнинг бир қапчаси Булғор

шаҳри атрофида топилди, улардан бири Кама бўйида, Сарапул яқинида топилди. Бу хил шамширлар ишлатилган жойларнинг энг сўнгги чегараси ана шу жойдир. Кечи билан XIV асрда (балки ундан ҳам олдин) Волга Булғорида энли шамширларни ишлатмай қўйганлар, улар ўрнига қайрилган қиличлар ишлатилган бўлган.

Мисгарлар ишлаган хилма-хил буюмлар ичида жездан ясалган Булғорга хос қулфлар муҳимдир. Бу қулфлар одатда от сурат бўлиб, механизм қулф ичига ўрнатилган. Волга бўйида тез-тез топилиб турадиган бундай буюмларнинг бир хил, стандарт бўлиши кишини ҳайратда қолдиради ва ишлаб чиқаришнинг юксак даражада уюштирилганлигидан дарак беради. Ит сурат бир қулфга булғор устаси ўйиб 1147-йил санасини (милод хисобига айлантрилган) ва қуйидаги сўзлар ёзилган: «Абубакир Аҳмат ўғли ишлаган. Ушбунинг эгасига доим шон-шарафлар бўлсин, осойишталикда муваффақият топсин, ҳар жиҳатдан бахтли, мартабали ва бадавлат бўлсин».

Булғор заргарлик буюмлари ҳам ўзига хос бўлиб, шу ернинг ўзида ишланган. Бу ерда исирға, билагузук ва бошқа буюмларнинг булғорга хос хиллари бор. Булғор ва Билярдан бир неча

марта олтин буюмлар хазинаси топилди. Булғордаги қабр тошларидан бирида: «Олимларнинг ҳомийси, бева ва етимларнинг отахони заргар Шаҳидулло Мусо ўғли» деб ёзилган. Булғорда умуман кўпгина ёзувли қабр тошлари бўлган. Мазкур қабр тошида номи ёзилган Шаҳидулло катта бир устахона эгаси ва бойлик орттирган киши бўлган бўлса керак.

Булғорда қазилар ўтказилганда кўн пойабзал парчалари кўп чиқиб турди. Бу рус йилномасида Владимирнинг 985 йилги ҳарбий юриши ҳақида ёзилган ҳикояни эсга келтиради: Добриня (Владимирнинг амакиси) Владимирга бундай дебди: кишанбанд (асир)ларга боқсам кўрдимки, ҳаммаси этик кийган...».

Булғорда қазилган қабрлардан кўп нарса чиққан эмас. Аҳён-аҳёнда олтин, қумуш ва мис зеб-зийнат буюмлар учрайди. Қабрлардан, ҳатто мўғуллардан олдинги қабрлардан ҳам шойи парчалари кўп топилди. Газмол Арабистон ва Эрон мамлакатларидан келтирилган, бундан Ибн-Фадланнинг ўз юртидан олисда, Булғорда ҳамшаҳарини кўрганлиги ҳақидаги ҳикояси эсга келади. У: «Мен хоннинг бағдодлик тикувчиси билан суҳбатлашиш учун биргаликда менинг чодиримга кирдик» деди. Шундай қилиб, 922 йилдаёқ Булғор зодагонлари Бағдод зодагонларича кийинишга ҳаракат қилганлар.

Волга булғорлари сопол идишларининг кўпи кулолчилик чархида ишланган. Бу эса кулолчилик ҳунарининг кенг тарқалганлигини кўрсатади. Идишлардаги безаклар қадимги рус сопол идишларидаги сингари эгри чизиқлидир. Қадимги Русдан фарқли ўлароқ Булғорнинг шаҳар харобаларида қўлда ясалган сопол буюмлар учрайди. Кулолчилик чархида сайқал бериб ишланган қизил рангли сопол идишлар Волга булғорлари учун хийла характерлидир.

Волга Булғорининг мўғуллардан аввалги ва Олтин Ўрда давридаги қатламларини таққослаб ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, бу қатламлардаги сопол идишлар, металл буюмлар ва бошқалар бир-бирларидан бир оз фарқ қилади. Лекин жиддий тафовут йўқ, фақат шу жойнинг ўзида содир бўлган шакллар эволюциясининг натижасидир, холос. Мўғуллар истилоси бу ернинг моддий маданиятига ҳеч қандай янги нарса олиб келмаган. XIII асрда бу ерда ҳам мўғуллар истилоси туфайли вайронлик ҳукм сурган. XIV асрда эса Булғория ажнабийлар зулми остида, аммо маҳаллий негизда тараққий қилиб борган. Ҳозирги Волгабўйи татарлари ўша Булғорининг ворислари, Волга булғорларининг авлодларидир, улар ўз аجدодларининг хотирасини асрлар бўйи сақлаб келганлар. Улар кейинроқ, XV—XVI асрлардагина татар деб атала бошлаган. Мўғул қабилаларидан бири татар деб аталган ва ўша вақтда бу ном эсдан чиқиб кетган; Олтин Ўрда даврида эса турк қабилалари татар номини олган. Бу янги ном Волга-Кама ўлкасида жуда секин тарқалган.

Булғорларнинг археологик материаллари билан татарларнинг этнографик материаллари ўртасидаги алоқани заргарлик буюмларининг шакллари, ҳаётда ишлатиладиган безаклар, уйларнинг тузилиши ва шу кабилар аниқ белгилаб беради. Волгабўйи татарларининг минг йилдан ортиқроқ яшаб келаётган этник бирлиги эрамиз 1 минг йиллиги охирида таркиб топган Волга булғорларининг этник бирлигидан чиқиб келади.





ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

НОВГОРОД

Новгород — феодал республика, у моҳир ҳунармандлар шаҳри, буюк рассомлар шаҳри, немис рицарларининг ҳужумини қайтарган жангчилар шаҳридир; бу шаҳар археологик жиҳатдан махсус ўрганилишига жуда арзийди. Совет ҳокимияти йилларида бу ерда катта қазилар ўтказилди.

Шаҳарнинг ҳозирча қовланган энг қадимги қатлами X асрга оиддир. Баъзи кичик иншоотларгина ундан қадимийроқ даврга мансуб. IX асрда шаҳар қурилмаган бўлса керак. Унинг ғалати номини археология мана бундай таърифлайди. Рус давлатининг энг қадимги маркази бўлмиш бу шаҳарнинг «Янги шаҳар»¹ деб аталиши қонунийдир. Шаҳар X асрда (ёки IX аср охирида) қандайдир бошқа бир эски шаҳарга (Ладогога бўлса керак) нисбат қилиниб, «Янги шаҳар» (Новгород) деб аталган.

Қазилар натижасида маълум бўлишича, Новгород ҳар ҳолда X асрда бирмунча кенг майдонни эгаллаган ва тараққий қилган савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Шаҳардаги сопол идишлар (X асрдаги бошқа кўпгина рус мавзеларидан фарқ қилиб) кулолчилик чархида ишланган, масалан, шаҳар марказида қазилган ўша давр қабридан топилган сопол идишларнинг ҳаммаси кулолчилик чархида ишланган. Бу қабрда мурдалар куйдириб кўмилган ва унда сопол идишлардан бошқа нарса йўқ (одатда ўликларни мажусийлар куйдириб кўмганлар, демак, бу қабр 988 йилдан аввалги қабридир). X асрнинг Шарқ танга пуллари Новгородда кўп учрайди. X аср ўрталарида Константин Багрянородний Новгородни русларнинг бош шаҳарларидан бири деб атаган эди.

Новгород яқинида, Волхов дарёси Ильмень кўлидан оқиб чиқадиغان жойда Перинь тепалиги бор, йилномада айтилишича, бу тепаликда Перун ибодатхонаси бўлган. Қазилда бу ибодатхона IX—X асрлар қатламидан топилди. Бу ҳар хил шаклдаги хандақ билан ўраб олинган доирадир. Доиранинг диаметри 25 м, бутун иншоотнинг диаметри эса 35 м.

Хандақнинг саккизта думалоқ дўнги бор, ибодатхона саккиз

¹ Новгород — янги шаҳар демакдир. Ред.

баргли гул шаклидадир. Бу дўнглarning ҳар бирида қурбонгоҳ бўлиб, унда бир вақтлар олов ёниб турган. Доира ўртасида катта бир хода ўрни, чуқурлик бор. Бу ёғочдан ясалган Перун ҳайкалининг тагкурсиси ўрнатилган жой бўлган, йилномада ёзилишича, ҳайкал 988 йилдан кесиб ташланган.

X—XV асрлардаги Новгород маданиятини ўрганиш учун археологиянинг алоҳида имкониятлари бор. Новгород тупроғининг ўзига хос шароити шундаки, бошқа жойларда одатда чириб кетадиган ёғоч бу ерда сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам веча шаҳрининг маиший ҳаётидаги қадимги ёдгорликларни ўрганиш имконияти жуда катта.

Қазиш натижаларига қараганда, Новгород савдогарлар шаҳригина эмас, балки эски илмий традицияларга қарама-қарши ўлароқ кўпроқ ҳунармандлар шаҳри бўлган. Мисол тариқасида, шаҳарнинг Славенск томонидаги Славно деб аталадиган жойда қазиб очилган бир бурчагини кўрсатиш мумкин. Кейинги ва асосий қатламлар ўртасидаги чегара шу қадар аниқки, чуқурлар бўлмаган жойда бу чегара ҳамма фотосуратларда аниқ билиниб туради. Бу чегара нақ 1335 йилда пайдо бўлган.

Бу сананинг белгиланиши қуйидагичадир. Қазишлар натижасида бу ерда қалинлиги 3 м келадиган тош девор очилиб, у 200 метр масофагача кузатилди. Бу — қалъа девори бўлиб, Новгороднинг биринчи йилномасида тилга олинган. Йилномада бу ҳақда ёзилган гаплар қазишлар ўтказилгунгача тушунилмаган эди. Бу деворни 1335 йилда шаҳар бошлиғи Фёдор Данилович қурдирган. Девор қурилаётганида қолган шағал ва лой юқорида айтиб ўтилган қатламлар ўртасидаги чегарани ҳосил қилади ва улар 1335 йил қатлами устида туради. Ундан қуйида топилган нарсаларнинг ҳаммаси XIV асргача бўлган нарсалардир (топилган асосий нарсалар ҳам ва ёғочбандлар ҳам шундай).

Қазиб очилган Славно майдонида XII—XIII асрларда учта ҳунармандлик устахонаси бўлган. Бу устахоналардан бири этикдўзники бўлиб, унинг атрофидан жуда кўп — бир неча минг кўн ва пойабзал парчалари, шу жумладан қирқмалар, бошлиқлар, камарлар, тагчармлар топилди. Уй ёнига яшик қўйилган: яшик ичида қалин жун ва оҳақ қатлами бор. Бу чан бўлиб, унда оҳақ билан тери ишқорланиб, ошланган.

Иккинчи ишхонадан бешта оғир мойжувоз топилди. Бу жувозхонада ўнтача, балки ундан ҳам кўпроқ одам ишлаган бўлса керак (мойжувоз эгаси ва жувозкашлар бўлса керак).

Учинчи устахона ўйинчоқсозники бўлган. У — тор касб эгасидир. Ўйинчоқсоз лойдан бир хил қушлар ясаб, уларни оч сариқ рангга бўяган. Касбнинг бундай торлиги ҳунар дифференциациясининг анча тараққий қилганлигидан далолат беради. Новгороднинг бошқа жойларида ўтказилган қазишларда ҳам ҳунармандчилик устахоналари топилди.

Новгороднинг XI—XIII асрлар қатлами, бошқа рус шаҳарларидаги сингари, шиша билагузукларга қараб осонгина аниқланади. Славнодаги учта уйдан мингдан ошиқ: кўк, яшил, сариқ ва бинафша ранг билагузук топилди. Улар 1335 йил қатламидан пастда бўлиб, шунинг ўзи уларнинг санасини аниқлаб беради. Билагузуклар ҳамма ерда вақтни, санани аниқлашга яхши ёрдам беради. Славнода темирчилик устахонаси топилди. Бу устахона тош девор қурилган вақтда пайдо бўлган ва девор қурилишига хизмат қилган. Темирчилик устахоналари умуман шаҳарда кўп бўлган. Қадимги рус темирчилик болғалари ва омбурлари кўпинча Новгородда топилган нухсалар билан машҳурдир, улар ҳозирги замон болғалари ва омбурларга жуда ўхшайди.

Жуда муҳим тарихий хотиранлар Новгороднинг Савдо томон марказидаги Ярослав Саройи билан боғлиқдир. Бу жой Ярослав Мудрий номи билан аталган. XII асргача бу ерда князлар яшаган, XII асрда князларга шаҳар ичида туриш ман қилингандан кейин князь саройида веча мажлиси тўпланадиган бўлган. Князь суверенлигидан веча суверенлигига ўтиш ана шу тариқа намойишкорона такид этилган. Веча майдони то XV асргача Владимир Саройида бўлган. Бу ер ўтказилган қазиларда майдонга ётқизилган ёғоч тўшамалар қолдиқлари топилди. Бир-бирига зич қилиб уч қават ётқизилган ёғоч тўшамалар ўрталарида бошқа ҳеч қандай қатлам бўлмади, бири устига иккинчиси тўшалган. Ёғоч қатламлар ўртасида маданий қатлам бўлмаганлиги тўшамалар доим супуриб турилган ва озода сақланган, деган хулосага келтиради.




100- расм. Ёғоч идиш

Майдонга ётқизилган ёғочлар чирий бошлагандан кейин устига янги қатлам ётқизилган, эскиси унга тўшамалар бўлган. Зотан, баъзан аввал ётқизилган ёғочларни олиб ташлаган бўлишлари ҳам эҳтимол, негаки, майдонга ёғоч уч мартагина эмас, кўпроқ ётқизилган бўлса керак, ахир, бу ер бир вақтлар кўп минглаб вечачилар тўпланадиган майдон бўлган. Ёғоч тўшалган қадимги кўчалар Новгороднинг ҳамма жойида учрайди. Нерев томонида ўтказилган қазиларда кўчанинг ёғоч тўшамаси 28 қаватдан иборат эканлиги аниқланди. Демак бу ерда 28 марта ёғоч ётқизилган; улар шаҳарнинг ҳамма бурчакларида ер ишлари ўтказилганида очилиб туради. Кўчаларга кечи билан X асрда ёғоч ётқиза бошлаганлар, XI—XV асрларда эса шаҳар кўчаларига бутунлай ёғоч ётқизилган.

Саройдан, айниқса Нерев томонидан қадимги ёғоч буюмлар жуда кўп топилди. Кеманинг улаш системаси билан бирликда

бутун бир бурни, эшкаклар, қайиқнинг кўндаланг ёғочи, эшкак тиргаги, қўшқорак чанги, курак, эшик, арғимчоқ, бочкалар, токарлик станогиди йўниб, ясалган қошиқлар, чўмичлар, косалар, томга қўйиладиган хўроз ҳайкали, чий парда, часпаклар, ҳаммомда ювинадиган идиш, курси бўлаклари, ўқ дастаклари, одам ва ҳайвон ҳайкаллари, болалар ўйинчоқлари, ҳисоб учун ишла-тиладиган лавҳалар ва бошқалар топилди.



101- расм. Кресло суянчиги. *Новгород*


Кўпгина топилмалар механизмларнинг қисмлари эди. Улар орасида босма (блок)лар, ғалтак (ролик)лар; подпятниклар, тўқимачилиқ мокилари ва бошқалар бор. Аммо бу тема археология учун янги ва қийиндир. Янгилigi шуки, одатда ёғоч ер тагида узоқ сақланмайди, аммо қадим замонда ва ўрта асрларда механизмлар ёғочдан ясалган. Ёғоч буюмларнинг кўпи (идиш, товоқ ва мебель) га бадий нақш берилган, бу нақшлар Новгород китобларидаги безакларни эслатади.

Текст: «Борисдан Настасияга. Ушбу ёрлиқ борган замон от мингизиб менга одам юборгин, чунки бу ерда мен иш билан жуда бандман. Яна кўйлак юборгин, кўйлакни унутиб қолдирибман».

Рўзгор буюмларидаги ёзувлар кўпгина кишиларнинг хаг саводли бўлганлигидан гувоҳлик беради. Ҳарфларнинг шаклларига қараганда бу ёзувлар XII—XIV асрга оид. Ёзувлар кўпинча буюм эгаларининг номларидан иборат. Ана шу ёзувларга

қараганда ўрта аср Европасидаги кўпчилик шаҳарлардан кўра Новгородда хат-савод кўпроқ тарқалган.

Қайин пўстлогига ёзилган ёрлиқлар ҳам бунинг гувоҳидир. Новгороднинг Нерев томонида, Великая ва Холоплар кўчаларида ўтказилган қазиларда ана шундай ёрлиқлардан 106 таси топилди. Улар XI—XV асрларга оид бўлиб, кўпчилиги XIV асрда ёзилган. Бу ёзувларни қадимги новгородликлар ҳозирги вақтда кишилар қоғозларни йўқотишлари ёки ташлаб юборишлари каби йўқотганлар ё ташлаб юборганлар. Бу ерда ўтказилган қазилардан аввал шунча кўп ёзувлар бўлгани фанга маълум эмас эди. Ҳарфларни қайин пўстлогига учи ўткир суяк билан туширганлар. Бу ёрлиқлар бизга қадимги русларнинг



102- расм. Қайин пўстлогига ёзилган ёрлиқ. Новгороддан топилган

оғзаки нутқи қанақа бўлганини кўрсатиб беради. Бу ёрлиқларнинг кўпчилиги ҳар хил рўзгор ва хўжалик масалаларига доир шахсий хатлардан иборат. Бу ёрлиқлар қадимги рус ҳаётини ўрганишга бутунлай янги имкониятлар очиб беради.

Қазиларда топилган қурол-яроғ орасида найза ва ўқлардан ташқари, ханжарлар ҳам бор. Ханжар тўрт қиррали бўлиб, санчганда хоч шакли из қолади. Оддий ханжар, найза ва шамширлар кеса олмайдиган совутлар пайдо бўлганлиги туфайлигина бу хил тўрт қиррали ханжарлар ихтиро қилинган бўлиши мумкин. Тўғри энли шамширлар Новгородда камдан-кам учрайди.

Нерев томонида ўтказилган қазиларда XIII асрга оид, жуда кўп темир тангачалардан ясалган ҳарбий совут топилди. Бу совут фанга маълум бўлган рус яроғ-аслаҳаларидан энг яхшисидир. Қадимги саройда ўтказилган қазиларда совут парчаси топилди. Қазиларда меҳнат қуролларидан бир қанча болта, ўроқ, ранда, қайчи, исканалар билан бирга чилангар ишлатадиган эговлар ҳам топилганлигини айтиб ўтиш керак. Демак, бу ерда ҳам чилангарлик касби мавжуд бўлган.

Эркаклар, аёллар ва болалар киядиган кўн пойабзал Новгороднинг қазилар ўтказилган ҳамма районларида учрайди. Новгород тупроғида чипта яхши сақланса ҳам чипта кавуш

сира топилмади. Шундай қилиб, новгородликларнинг ҳаммаси ҳам кўн пойабзал кийган, чипта кавушни эса ҳаттоки камбағаллар ҳам киймаган. Ёзма манбаларга қараганда қадимги Русда чипта кавуш фақат камбағаллар киядиган пойабзал ҳисобланган.

Чет мамлакатлардан келтирилган буюмлар ҳам баъзан учрайди, масалан, ҳаммомда ювиниш учун ишлатиладиган юнон губкаси топилди, бунинг макони Урта денгиздир. Ёнғоқ кўп топилди. Бу ҳам Грециядан келтирилган.

Новгородда ўтказилган қазишларда ҳамда ер ишлари олиб борилганида қўрғошиндан қўйилган суратли ва ёзувли муҳрлар кўп учрайди. Бундай муҳрлар қадимги Русда ҳар хил ҳужжатларга тақиб қўйиладиган бўлган. Новгородда ҳужжатлар айниқса кўп бўлган, демак муҳрлар ҳам бошқа ҳамма рус шаҳарларидан кўра бу ерда кўп бўлган. Бу муҳрларнинг кўпи хусусий шахсларга мансабдорларга мансуб бўлиб, бу муҳрларда шаҳар ҳокимлари, мингбоци, князь архиепископ, волийлар ва бошқа ҳар хил мансабдорларнинг номлари ва мансаблари ёзилган. Нерев томондаги қазишларда худди шундай олтин муҳр топилган.

Новгороднинг энг қадимги истеҳкомни ҳали очилган эмас. Кейинроқ ёзилган йилномада айтилишича, Новгороднинг XI асрдаги Детинец (Кремль) деворлари тошдан урилган, бироқ олимлар бунга ишонмайди. Ҳар ҳолда Детинецдаги қалъанинг тош деворлари XIV асрда қайтадан қурилган, шаҳарнинг ташқи қалъа деворларининг баъзи қисми шу асрда қайтадан тикланган: бу — қурилишлар жуда авж олдирилган давр эди. Славнода шундай деворлар қурилганлиги юқорида айтиб ўтилган эди. Новгородни ўраб олган кўтармада бундай иншоотлар қазишларда очилган эди, бу деворлар яна ҳам қалинроқ — 4,5 метр бўлган. Кузатилган XIV аср истеҳкомларининг ҳаммаси ҳам тарашланган Ильменнинг пушти ранг оҳақтош тахталаридан ишланган.

Қазишлардан маълум бўлишича, Новгороддаги оддий хонадонларнинг уйлари ёғочдан солинган. Улар ер устидан тикланган ёғочбанд уйлардан иборат (бу ерда



103-расм.
Ханжар.
Новгороддан
топилган



104-расм.
Суяк тирноқ
тозалагич.
Новгороддан
топилган

ертўлалар бўлмаган ва Новгород шу билан бошқа рус шаҳарларидан фарқ қилади). Ёғочбанд уйлар тўртбурчак шаклида қурилган. Уйларнинг йўниб текисланган қалин тахта поллари сақланган. Камдан-кам учрайдиган печкалар ғишдан қурилган. Гап шундаки, қазилардан фақат пастки қаватларгина очилган, улар одатда иситилмаган.

Юқори қаватларни ушлаб туриш учун ўрнатилган ёғоч устунлар ҳам топилди. Рус халқининг ҳозирги замон бадий ўйма нақшларини эслатадиган гўзал ўйма нақшлар билан қопланган дераза часпаги ва ромлар бир неча жойдан топилди. Ойналар ўрнига (шаффоф слюда) ўрнатилган. Қазилар вақтида слюда парчалари учраб туради.

XI—XII асрлардаги Новгород черковлари қатқат терилган тош ва тахта ғишлардан қурилган. XIII асрда бу ерда янги черковлар бино қилинмаган деса бўлади. Шаҳар бутун шу аср давомида немисларга қарши қаҳрамонона кураш билан банд бўлган, у Русни немислар тажовузидан сақлаб қолган ва бу кураш иқтисодий имкониятларнинг барини сарф қилишни талаб этганлигидан қурилишларга қўл тегмаган. Новгород санъати равнақ топган XIV асрда Новгород черковларининг баъзилари бутунлай тошдан, баъзилари эса тош аралаш ғишдан ишланган, аммо ғиш энди қалинроқ қилиб қўйиладиган бўлган. XV асрда Новгород боярларининг баъзи қасрлари тамомила ғишдан қурилгани каби баъзи черковлар ҳам фақат ғишдан ишланган.

Новгороднинг архитектура нақшлари ўзига хосдир. Бу нақшларнинг асоси учбурчак чуқурчалардан иборат. Гумбазлар ва пештоқларни ўраб турган бу нақшлар XIV—XV асрлардаги Новгород черковларининг конструкция кўркамлигини моҳирона кўрсатиб туради. Нақшлар кам бўлсада, бироқ улар оппоқ деворларга нақшинқор соя бериб туради. Баъзан бу учбурчак чуқурчалардан гулнақшлар қилинган. Бу нақшларнинг энг яхши намуналари 1374 йилда қад кўтаран Ильиндаги Спас черковида ва 1406 йилда бино қилинган Кожевникидаги Пётр ва Павел черковида сақланган.

Кўпгина Новгород черковларининг деворларига тошдан ясалган хочлар суваб қўйилган. Улар аҳолининг назрлари бўлса керак. Улар ҳам баъзан бинога ҳусн бериб туради.

Новгородда танга пуллар 1420 йилдагина зарб қилина бошлаган, унгача фақат кумуш ёмбилар муомалада бўлган. Танга



105- расм. Новгородлик уста Аврамнинг бронзадан ясаган ўз сурати. Бу сурат Новгороддаги Софья ибодатхонасининг эшигига ўрнатилган. Бир кўлига болға ва иккинчисига омбур ушлаган

пулларга Новгороднинг сиймоси бўлган Софиянинг сурати зарб қилинган. София (грекча донишмандлик демак) сўнгги антик дунё ва неоплатон фалсафасидан олинган образли тушунча бўлиб, кейинчалик буни христиан черкови олиб ўзлаштирган.

Новгородда София ўзига хос тарзда тасвирланган: у иконаларда қип-қизил юзли, қип-қизил қанотли ва бошига гултож кийган фаришта сифатида тасвирланган. Новгороднинг давлат хазинаси София хазинаси деб аталган. Танга пулларда бошига гултож кийган София ўтирган ҳолда ва унинг олдида пул ушлаб турган зарб қилувчи уста тасвирланган. Танга пулларнинг орқа томонида ўлкан «Новгород» деган ёзув зарб қилинган.

Новгороднинг муҳташам ёзувларидан иккитасини айтиб ўтиш мумкин. Улардан бири, айтгандай Новгороддан эмас, балки Волганинг юқори оқимида, дарё Стерж кўлига қуйиладиган жойдан топилди. Хочга ўйилган бу ёзувда: «6641 (яъни 1133) йилнинг 14 июль кунда бу дарёни Иванко Павлович қазишга киришди ва хоч қўйди» дейилган. Йилномада ёзилишича: Иванко Павлович «жуда мард одам» бўлган ва шундан бир йил кейин Новгород князининг ноиби вазифасига қўйилган. У, сув йўлини яхшилаш мақсадида бўлиши керак, 1133 йилда ўша замон учун ғоят катта ер қазиш ишларини бошлаб юборган ва мазкур ёзув билан бу ишни абадийлаштирган. Бошқа бир машҳур ёзув Новгороднинг ўзида, шаҳарнинг Людогошчая кўчасида яшовчи аҳоли томонидан 1359 йилда қўйилган хочга битилган, бу эса Новгород кўчаларининг ўз бошқармалари бўлганлигини эслатади, жумладан ёзувда «паноҳим, шу хочни тиклаб қўйган людгошчиликларга ва шу сатрларни ёзган менга мададкор бўл» дейилган, кейин қандайдир шартли белгилар қўйилган.

Новгород ноибларининг ҳужжатларида қайта-қайта тилга олинадиган ҳашаматли ва номи ёзилган идишлар сақланиб бизгача етиб келмаган. Бизгача етиб келган ва XV асрга оид биргина чўмичга: «Ушбу чўмич Новгород ноиби Григорий Кюриловичникидир» деб ёзилган. У ўзининг қайиқсимон равои шакли билан Новгород қазишларида кўп учрайдиган ёғоч чўмичларга ўхшайди.

Веча даврининг охирларида Новгороднинг республика тузумини ифода қилувчи белгиси ва герби бундай бўлган: веча минбари бўлган поғонали бино сурати устига кўндаланг қилиб ноиб ҳассаси сурати солинган. XV асрда ҳам Новгороднинг герби ўша бўлган. Кейинчалик айна сиёсий мақсадни кўзда тутиб бу герб ўзгартирилган. Бино ўрнига тахт сурати, ҳасса ўрнига скипетр (Салтанат туғроси) сурати қўйилган. Шу тариқа гербга тамомила қарама-қарши маъно берилган ва бу янги герб XX асргача сақланган.

Новгород еридаги қишлоқлар фақат мазор қўрғонлардан маълум. Деҳқон мазор қўрғонларининг юқорида айтиб ўтилган барча аломатлари бу ерда ҳам мавжуд. Аёллар қабрларида

одатда шу қабилага хос ромбсимон чакка ҳалқалар топилди. Бундай ҳалқалар ҳақида юқорида айтиб ўтилган эди. Эркаклар қабрларида болта ва найзалар учрайди. Мозор қўрғонларнинг атрофига тагидан харсанг тош териш Новгородга хос одатдир.

Езма манбалардаги маълумотларга қараганда Новгород қишлоғининг асосий хўжалиги уч далали деҳқончилик бўлган. Новгородда топилган темир плуг тишлари икки тишли рус омонига тегишлидир. Новгород мозор қўрғонларидаги аёллар қабрларида (ҳамма жойда ҳам) учрайдиган темир ўроқларнинг қайрилган шакли фақат Новгород ерига хосдир.

Феодалларнинг мустаҳкамланган қўрғонларидан қолган харобалар барча бешта Новгород пятинлари территориясида сочилиб ётади. Қазиб текширилган харобаларни ҳаммаси кейинги давр қабристонлари билан бузиб юборилган, лекин ҳар ҳолда бундай харобалар асосида феодал хўжаликни ўрғаниш мумкин.


Бу қўрғонлар Новгород боярларига қарашли бўлган. Оқ суяклар республикасини бояр қабиларининг иттифоқи идора қилган ва вечанинг таркиби демократик бўлса ҳам, ноибларни ўша қабилаларнинг вакилларидан сайлаб қўйганлар.

Аввалги олимларнинг новгородлик боярларни савдогарлар деб ҳисоблаганликлари нотўғри. Улар ўзларига қарашли беҳисоб ерларни эксплуатация қилиш билан яшаб келган феодаллар Новгород аскарларига қўмондонлик қилган профессионал саркардалардир.


XV асрнинг рўйхат дафтарлари маълум шаҳар харобаларини маълум боярлар билан боғлашга имкон беради. Бу шаҳар харобалари бир замонлар Селезнёвлар, Овиновлар, Борецкийлар ва бошқа ноиблар хонадонларнинг қасрлари бўлган.

* * *

Псков археологиясига қисқача тўхтаб ўтиш лозим. Псков йилномаларда Новгороднинг «укаси» дейилади. Археология бу Новгород «укасининг» ёши ўз «акаси»дан анча катта эканлигини аниқлади. Великая билан



106- расм. Ромбсимон чакка ҳалқа



107- расм. Новгород мозор қўрғонларидан топилган ўроқ

Псков дарёлари қўшилган жойдаги баланд қоя Псков кремли бўлиб, у ерда, қазишлардан аниқланган маълумотларга қараганда икки минг йил давомида муттасил одамлар яшаган.

Бу ерда бизнинг эрамиз атрофида Дьяково хилидаги мавзе пайдо бўлган. Кечи билан VIII асрда бу турар жойлар чинакам ҳунармандлар мавзеига айланган ва кўпроқ босқонли кўралар ҳамда темирчилик кўралари билан банд бўлган. Кўралар жуда сероб бўлишига қараганда, псковликлар бу вақтда анча кенг соҳани темир буюмлар билан таъмин қилиб турган. Псков ўша вақтдаёқ ҳунармандчилик — савдо шаҳри бўлган. Бу вақтда унинг истеҳкоми ёғочдан бўлган.

Шаҳардан кўпгина мажусий славянларнинг қабрлари топилди, бу қабрлар бутун бир хиёбонни ташкил этади. Қурбонгоҳлари тухумсимон бўлиб, тоза дарё қумидан қурилган ва тошлар билан ўраб олинган. Қурбонгоҳлар ёнида қурбон қилинган отларнинг бутун-бутун скелетлари ётибди. Қурбонгоҳлар шаҳарнинг анчагина ерини ишғол қилган, афтидан шаҳар катта диний марказ бўлган бўлса керак. Псков VIII асрда Кремль истеҳкоми чегарасидан ташқари ўсиб чиққан. Бу вақтда сопол буюмлар қўлда ишланган. Кечи билан X асрдан бошлаб бу идишларни кулолчилик чархида ясай бошлаганлар. Темирчилардан кейин кулоллар пайдо бўлган. Кўчалардаги ёғоч йўллар Новгороддаги каби X асрда пайдо бўла бошлаган.

Кечи билан XIII асрда Кремлнинг (қадимги маҳаллий номи — Кром) ёғочдан тикланган истеҳкоми ўрнига тошдан истеҳком қурилган. Псковда қалъа ва черковлар қурилишига доим маҳаллий кул ранг оҳақтош ишлатганлар. Шаҳарнинг ўзи ҳам оҳақтош қоясига жойлашган. XIII асргача Псков черковлари (Киев билан Новгородда қурилган илк черковлар каби) қат-қат гишт ва тошлардан бино бўлган, фақат кейинроқ нуқул тошдан ишланадиган бўлган. XIV асрда Псковда Кремлдан ташқарида тошдан қалъа девори қура бошлаганлар. Псков вечаси ўз мажлисларини Кремлда, унинг жанубий қисмида ўтказган, у ерда веча майдонининг шакли ҳозир ҳам яхши сақланган. XIV аср ўрталарида Псков мустақил бўлиб олган. XV аср Псков феодал республикасининг гуллаб яшнаган давридир. Псковнинг ўша асрдаги энг яхши черковлари шу давргача сақланиб қолган. Меъморий нақш Новгороддаги каби учбурчак чуқурчалардан иборат бўлган, бу ерда ундан яна ҳам кўпроқ фойдаланганлар. Псковда ўша замоннинг тўқ яшил сир берилган бадний кошнлари тез топилиб туради. Русда бу даврда кошнкорлик фақат Псковда бўлган, холос.

Псков танга пуллари 1424 йилдан эътиборан зарб қилина бошлаган. Одатда танга пулларга силовсин сурати зарб қилинган, Псковнинг республика давлат муҳрларида ҳам силовсин сурати солинадиган бўлган. Силовсин кейинчалик ҳам Псковнинг герби бўлиб қолган.

МОСКВАНИНГ КЎТАРИЛИБ ЧИҚИШИ

Марказлашган Рус давлатининг негизи бўлган Москва улуг князлиги тарихининг тузилишида археология манбалари муҳим ўрин тутди. XIII—XV асрларга оид тўпланган археологик материаллар ҳозирча етарли эмас, аммо шундай бўлса-да, баъзи илмий масалаларни ҳал этишга ҳозироқ ёрдам бериб турибди. Келажакда шу асрлардаги шаҳар қатламлари текширилгандан кейин Москванинг кўтарилиб чиқишини очиб берадиган кўпгина ҳолатларни аниқлашга имкон тугилади. XIII—XV асрлар устма-уст турли воқеалар бўлиб турган оғир бир давр эди. XIII асрда рус маданияти гоят катта фожияни бошидан кечирган, XIV ва XV асрларда эса бу маданият гоят қийин шароитда тикланиб ва мустаҳкамланиб борди.

Шу билан бирга Москва ҳам ўсиб — юксалиб борди. Ёзма тарихий манбалар унинг ўша даврдаги ҳолати ва тараққиёт босқичлари тўғрисида кўп маълумот бермайди, шунинг учун археология олдида турган вазифа янада масъулиятлироқ тус олади.

Москва археологияси — жозибали, аммо қийин темадир. Бизнинг улкан шаҳримиз ўтмишда жаҳоннинг энг ажойиб шаҳарларидан бири, ҳозир эса энг кўркам шаҳар бўлиб, унинг тарихини ҳар қанча текширса арзийди. Бу шаҳар тарихининг биринчи боблари учун археологик текширишлар зарур, аммо гоят катта шаҳар шароитида бундай текширишлар ўтказиш хийла қийин иш.

Китобимизнинг ушбу боби XIII—XV асрлардаги рус князликларига бағишланган. Бироқ даставвал XIII асрдан аввалги Москванинг шаҳар территорияси тарихи учун археология нима бериши тўғрисида бир-икки оғиз сўз айтиш керак.

Бу территориядаги тош даврига хос неолитнинг билинар-билинемас изларигина бор, бронза даврига хос иккита фатъяново қабростони очилган.

Илк темир даврида бу ерда бир қанча дяков қадимий шаҳарлари бўлган. Археологлар ҳозирги шаҳарнинг чекка районларида Москва дарёси бўйидан бундай қадимий шаҳар харобаларидан олтитасини топишди: тўрттаси марказдан юқори-

роқда, иккитаси ундан пастроқдадир. Бундай шаҳарлар харобалари шубҳасиз, марказда ҳам бўлган, албатта. Юқорида айтилганидек, дьяковликлар ўз истеҳкомларини қуриш учун топографик жиҳатдан қулай жойни сира қўлдан бой бермаганликларини назарга олганда, бундай шаҳарлар занжирида узлиш бўлишини тасаввур этиш қийин; топографик жиҳатдан Москванинг энг қулай жойи эса Неглиная дарёси этагидаги бурун, яъни ҳозирги Кремль турган жойдир. Сўнгра, шаҳар марказида шундай жойлар борки, улар энг кейинги давр Москва ҳужжатларида шаҳар харобалари (городишча) деб аталади, рус тилида бу ибора доим қадимги ташландиқ қўрғонларга ишлатиб келинган. Бу ерда қадимги дьяков шаҳарларининг бутун бир дастаси анча кичик жойда пайдо бўлган. Шу тариқа эрамиздан олдинги узоқ ўтмишдаёқ Москва территорияси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. У вақтда бу ерда ҳеч қандай шаҳар бўлиши мумкин эмас эди. Бироқ кичикроқ бир доирада кўпгина мустаҳкамланган мавзелар бўлган, бу ерда балки алоҳида диний ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қабилалар тўнланган бўлса эҳтимол.

Юқорида айтилганидек, Волганинг юқори оқимидаги дьяков қадимий шаҳар харобалари қадимги славянларга мансуб бўлган. Балки Москва дарёси бўйидаги дьяков қадимий шаҳар харобаларини ҳам уларга мансуб эканини исбот қилиш мумкин бўлар. Бироқ ҳар ҳолда эрамизнинг 1 минг йиллиги ўрталарида Москва территориясида славянлар, чунончи вяттичлар яшаган. Юқорида бу даврнинг ва бу қабиланинг (чуқурчалар ҳалқаси билан ўраб олинган) мазор қўрғонлари тасвир этилган эди, бундай мазор. қўрғонлардан бири Москва ёнидаги Беседада очилди.

1 минг йиллик охирларида бутун Русь Шарқ билан савдо-соғат қила бошлаган эди. Москвада Черторий дарёси этагидан (ҳозирги метронинг «Советлар Саройи» станцияси яқинида) топилган IX аср дирҳамлари хазинаси Шарқ билан савдо муомалалари бўлганлигидан далолат беради.

Вяттичларнинг мазор қўрғонларидан топилган ёдгорликлар асосан XII аср ва ундан кейинги даврларга мансубдир. Бундай ёдгорликлар Москвада кўп топилди. Ҳатто Кремлдан ҳам вяттичлар қабиласига мансуб етти парракли чакка ҳалқа билан чўлпи топилди. Москва бир замонлар вяттичлар шаҳри бўлган, у ҳозир ҳам вяттичларнинг мазор қўрғонлари билан ўраб олинган. Бундай мазор қўрғонлар шаҳар ичида ҳам қазилди. Улар шаҳар атрофида пойтахтнинг шимолида, ғарбида, жануби ва шарқида яна ҳам кўпроқдир. Етти парракли чакка ҳалқалар бу ерлардан юзлаб топилди.

Барча топилмаларга қараганда Москвада бир хил қабиллага мансуб аҳоли яшаган. Аммо мазор қўрғонларга қараб ҳукм қилганда, вяттичлар билан кривичлар ўртасидаги қабила чегараси

Москванинг шимолидан ўрта ҳисобда 40 километр наридан ўтади.

Маълумки, йилномада Москва дастлаб 1147 йилда тилга олинади. Шундан тўққиз йилдан кейин, яъни 1156 йилда Юрий Долгорукий йилномалардан маълум бўлишича Москва Кремлини бино қилдирган. У вақтда ёғочдан қурилган Кремль ҳали кичкина бўлган. У ҳам ҳозирги Кремль ўрнида, Неглинная дарёси этагида жойлашган. Долгорукий қурдирган Кремль ўрнида ундан ҳам қадимгироқ қалъа турган бўлиши керак. Аммо энг қадимги иншоотларнинг изларини кейинги даврларда қурилган тош бинолар босиб кетган.

Юрий қалъасининг излари ҳам бизгача сақланмаган, у қалъа ҳозирги Кремлнинг жануби-ғарбий қисмида, Боровицк тепалигида жойлашган бўлса эҳтимол. Юрий умумаъ XII асрнинг 50-йилларида Суздаль князлигининг ғарбий чеккаларида бир қанча қалъа: Москва, Дмитров, Переяславль Залесский, Юрьев Польский қалъаларини қурдирган.

Москва XII асрда ҳали кичиккина шаҳарча бўлган, аммо XIII аср бошига келиб, князь ёзишмаларига қараганда, Владимир еридаги Владимир, Суздаль, Ростов, Переяславль шаҳарларидан кейин бешинчи ўринда, бироқ бир қанча муҳим марказлардан олдинда турган, бу марказлардан баъзиларида ҳозир қазишлар ўтказилган. Натижада бу марказларнинг мўғуллар давридан олдиноқ ривож топган савдо ва ҳунармандчилик шаҳарлари бўлганлиги аниқланди. Москва яқинидаги Коломна ва Дмитров ана шундай шаҳарлардан бўлган дейиш мумкин.

Мўғуллардан олдинги Москванинг археологик изларини узоқ вақтгача топиш мумкин бўлмади. Москва қатламларида юқоридан тасвирланган умумславянларга мансуб сопол буюмлар камдан-кам топилиб турса-да, улар XIII асрдан нари ўтмас эди. Аммо Москва дарёси соҳилларида, Кремлдан сал шарқроқда ўтказилган археологик қазишларда, ниҳоят, ҳар хил рангдаги шиша мунчоқ синиқлари топилди. Юқоридан айтилганидек, улар ҳамма қадимги рус шаҳарларидаги XI—XIII асрлар қатламининг ишончли аломатидир, бу сана кўп марта текширилиб тасдиқланган. Москвада шиша мунчоқлар энг остки қатламдан топилди. Улар шаҳарнинг кечи билан XIII асрдаёқ ўша даврдан кичик Кремль доирасидан, ҳатто ҳозирги Кремль доирасидан ҳам ташқари чиққанлигидан далолат беради.

Рус халқи ғоят оғир аҳволни бошдан кечираётган бир вақтда Москва қудратига асос солинган эдики, кейинчалик бу шаҳар Олтин Урда истилочиларига халқ зарбасини уюштирувчи марказга айланади. XIII асрда Шарқдан ёпирилиб келаётган душман тазйиқи остида рус ерининг маркази шарқ томондан ғарб томонга, вайрон қилинган Владимирдан Волга-Ока дарёлари ўрталигининг ғарбий томонига кўчиши табиий эди. XIV аср бошларида бу марказ Москвада маҳкам ўрнашиб қолди.

Археология тарих фанига мўғуллар истилоси натижасида юз берган маданий тушкунликнинг бутун сабабларини аниқлаш учун ишончли дастак беради. Шаҳар ҳунармандлиги тамомила вайрон қилинганлиги туфайли экономика ва техника тараққиёти таққа тўхтаб қолган эди. Мўғуллар шаҳар аҳолисини қириб ташлар, истило қилган барча мамлакатлардан ҳунармандларни ўз чўлларига олиб кетардилар. Шу нарса аниқки, бу вайронгарчиликдан кейин Урта Осиёда бўлгани каби Русда ҳам тахминан юз йил давомида на гиштдан ва на тошдан биронта бино қурилмади. Бундай биноларни қуриш учун моддий бойлик ҳам, усталар ҳам йўқ эди.

Ҳунармандчилик буюмларини ўрганиш XIII асрда Русдаги кўпгина техника усуллари, айниқса ўша замон Европасидаги илғор усуллар йўқолиб кетган деган ҳулосага олиб келади. Уша замонда алоҳида эътибор бериб келинган заргарлик ҳунармандчилиги эришган асосий ютуқларнинг ҳаммасидан ҳам маҳрум бўлган. Заргарликда сир, ҳошияли нақш қуббага, нақш қора кумуш ишлатмай қўйилган, ҳолбуки уларни Киев заргарлари сингари Владимир заргарлари ҳам жуда зўр маҳорат билан бажарар эди. Мўғуллардан аввалги шаҳар қатламларида жуда кўп топиладиган шиша мунчоқларнинг тамом йўқ бўлиб кетганлиги аниқ ҳолдир: бундай мунчоқларни ишламай қўйганлар. Қора металлургия қандай аҳволга тушганлигини пўлат ва чилангарлик буюмларини ишлаш бирданига камайиб кетганлигидан кўриш мумкин, тушкунликни кўрсатадиган яна бир қанча мисол келтириш мумкин.

Мана бу археологик далиллар мўғуллар рус маданиятини бир неча аср орқага суриб ташлаганидан гувоҳлик беради. Русь XIII асргача Европанинг илғор мамлакатларидан бири бўлгани ҳолда, XIII асрда унинг янада ривожланиб боришига деярли енгиб бўлмайдиган тўсқин пайдо бўлган. Русь бошига тушганидек, зарбани бошидан кечирган ислом мамлакатларининг тақдири бу зарбанинг нақадар кучли бўлганлигини кўрсатади. Мўғуллар истилосидан олдин Эрон ва Урта Осиё, маълумки, маданий жиҳатдан Европага қараганда хийла юқори босқичда турар эди. Ушанда вайрон бўлган шарқ билан омон қолган ғарб ўртасидаги нисбат мўғуллар келтирган вайроналикнинг нақадар ҳалокатли бўлганлигини аниқ кўришга тўла имкон беради. Мўғуллар истилоси Русь учун ҳам худди шундай ҳалокатли бўлди, фақат шунинг учун кейинчалик ишлаб чиқарувчи кучлар Ғарбий Европада бизнинг мамлакатимиздагидан кўра тезроқ тараққий қилиб борди. Лекин шундай бўлса ҳам, рус халқи ниҳоят даражада ноқулай шароитда ўз маданиятини эҳтиёт қилди ва уни янада тараққий қилдириш учун куч сақлаб қолди. Шундан буён бу тараққиёт Москва ҳомийлигида давом этди.

XIV аср бошларида Москва олиб борган сиёсат прогрессив тенденциялар билан суғорилган эди. Русни тўплаш бошланди.

Ҳар ҳолда Москва XIV асрда Новгороддан кейин энг йирик рус шаҳри бўлиб қолди. Мўғуллар вақтида рус князликларида тўхтаб қолган тош бинокорлиги Иван Калита вақтида яна бошлаб юборилди. Даставвал фақат черковларгина тошдан бино қилинарди, Кремлни эса Калита 1339 йилда дубдан бино қилдирган эди. Майдони хийла кенгайтирилган Кремль ҳозирги майдонидан фақат икки баробар кичик эди, холос. Уша вақтдаги Кремль майдонининг чегаралари археологик текширишлар натижасида аниқланди. Қазилар натижасида қалъа атрофидаги чуқур ҳақда ва ходдалардан қилинган қалъа девори аниқланди.

Бироқ 1367 йилда Дмитрий Донской татарларга қарши қатъий курашга тайёргарлик кўраётиб, Москва Кремлини биринчи марта ўлароқ тошдан қурдирди. Унинг майдони ҳозирги Кремль майдониға деярли баравар келарди. Шимол томондаги чегарасигина бир оз берироқ бўлган. Умуман олганда бу ўша даврнинг нодир иншооти бўлиб, Калита бино қилдирганидан кейин ўтган 28 йил ичида шаҳар ва князлик жуда тез кучайиб борган.

Бу бир вақтлар мўғуллар хонавайрон қилган рус вилоятларидаги биринчи тош қалъа эди. Мўғуллар истилосидан олдин бизда бундай қалъалар вайрон бўлмай сақланиб қолган Новгород ва Псков ерларидагина бино бўлган эди. Шуниси қизиқки, Москвадагидан кўра ҳашаматлироқ черковлар қуриб Москва князлари билан рақобатда бўлган Тверь князларининг истеҳкомлари XIV асрдагина эмас, XV асрда ҳам ёғочдан бўлган. Москва Кремли XIV асрда жуда тез ўсиб борса-да, Москванинг ўзи ундан ҳам тезроқ ўсиб борган, шаҳар дастлаб асосан шарқ томонга, сўнгра ғарб томонга, кейинроқ шимол томонга ўсиб борган, аммо жанубга томон кенгаймаган деса бўлади. Татарлар ҳужуми кўпроқ хавф солиб турган Замоскворечьеда одамлар бутунлай яшамаган деса бўлади.

Дмитрий Донскойнинг Кремли XIV асрда ва XV асрнинг биринчи ярмида Москва черковлари сингари оқ тошдан ишланган. Ёшт сира ишлатилмаган. Йилномада Кремль қурилишига тайёргарлик ҳақида: «бу қишда шаҳарга тош ташилди» дейилган. Тошлар чанада ташилган, албатта; негаки қишда чанада ташиш ёзда аравада ташишдан кўра осонроқ.

XIV асрга келиб, Москва «Белокаменная, яъни Оқтош шаҳар» деб юритила бошлаган. Бу вақтда ёғочдан қурилган рус шаҳарлари ичида Москва ярақлаб турадиган ва чиройли оқтошдан қурилган Кремли ҳамда черковлари билан тамонила ажралиб турган. Дмитрий Донской ва Куликово жанги замондошлари ўз пойтахтларини ажойиб бир меҳр билан ана шундай деб атаганлар, шаҳарнинг бу номи жуда узоқ вақтгача сақланиб қолган. XV аср охирларида Москванинг Кремль ва черковлари ёштдан бино қилинишига, ўша қаҳрамонона туғилган бу номнинг қаердан келиб чиққанлиги бундан беш аср буруноқ унутилиб кетган.

лигига қарамай, «Оқтош шаҳар» деган ном бизнинг замонимизгача сақланиб келган.

Москвада XIV асрда ва XV аср бошларида солинган иморатлар бизнинг замонамизгача келиб етмаган. Аммо Москва черковларининг ўша даврдаги қиёфаси Москва ёнидаги учта черковда сақланиб қолган. У черковларнинг иккитаси Звенигородда ва биттаси Троица-Сергиево монастиридадир. Бу черковларнинг учаласи ҳам XIV аср билан XV аср чегараларида оқ тошдан бино қилинган бўлиб, бир-бирларига жуда ўхшайди. Москва территория жиҳатидан Владимир-Суздалга яқин бўлса-да Москва черковларининг меъморий нақшлари Владимир-Суздаль черковларидан нусха олиб ишланган эмас. Владимирдаги ғалати бўртма суратлар санъати ҳеч қандай традиция қолдирмасдан йўқ бўлиб кетган. Бу аниқ ҳолдир: мўғуллар традицияга барҳам берган.

Анча узоқ вақтга чўзилган узилишдан кейин Русда XV асрда яна черковлар солина бошлагач, уларнинг қиёфаси ўзгарган, бу нарса янги бадий изланишларни тўла-тўқис ифода қилувчи нақшларда айниқса яққол кўринади. Юқорида айтилган учта черковнинг плани Владимир черковларининг планларидан нусха бўлса ҳам декорациялари бошқадир: черков биносининг қоқ белдан барглар, гул ва ҳар хил ўтларнинг суратлари солинган оқ тошдан ишланган кенг камар ўраб олган.

Москвада XIV—XV асрга оид археологик қатламлар бир неча жойда қазилди. Улар сопол буюмларнинг характери билан яхшироқ белгиланади. Сопол идишлар яхши пиширилганлигидан қизил рангда, аммо шакли ва нақшлари жиҳатидан олдинги давр сопол идишларига ўхшайди.

Умуман олганда бу даврнинг археологик материаллари ҳозирча кам тўпланган. Сарой ва черков хазиналаридан бизгача озгина зеб-зийнат буюмлари етиб келган. Улардан тилга олиш зарур бўлгани Мономах телпаги бўлиб, бу телпак улуғ князликнинг энг муҳим салтанат белгисидир. Аммо бу телпакнинг Мономахга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу князнинг тож кийиши тўғрисидаги афсона XVI аср бошларида тўқилган ва бу салтанат белгиси «Тилла телпак» ана шунда Москва князларининг ворислик хазинасига киритилган; у телпак Москва князларининг XIV аср бошларида тузила бошлаган васиятларида тилга олинади. Телпак саккиз қиррали. Телпакни ҳосил қиладиган саккизта олтин пластинка гул, юлдуз ва новдалар тасвир этилган жуда нозик олтин филигрань билан қопланган. Телпак четига қундуз тutilган.

Филигрань нақшларининг характериға, айниқса ҳар бир пластинканинги ўртасидаги ва фақат ислом мамлакатлари санъатидагина учрайдиган араб гули деб аталадиган нақшнинг шаклиға қараганда телпак шарқда ишланган бўлса керак. Бу телпакнинг яна бир нусхаси Ўрта Осиёдан топилди. Бу телпакни ҳам азал-

дан Русь билан маҳкам алоқада бўлган ўша мамлакат заргарлари ишлаган деб билмоқ керак.

XIV аср рус куч-қувватининг, рус санъатининг тикланиш даври бўлиши билан бирга рус техникасининг янгидан ривожланиш, ҳунармандчилик шаҳарларининг янгидан ўсиш даври ҳам бўлди. Татарлар тор-мор келтирган ҳунар-касб қад кўтарди ва бир қанча техника янгилıkları пайдо бўлди. Ёзма манбалардан маълум бўлишича, мисдан катта ва оғир буюмлар қўйиладиган бўлган, шўр сув конлари чуқур пармалана ва сув двигателларидан фойдаланила бошлаган ва ҳоказо. Замбараклар қўйиш иши ҳам муваффақиятли равишда ўзлаштирилган.

Европанинг кўпчиликлари халқида бўлгани каби Русда ҳам ўт очар қурооллар XIV асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Милтиқ XIII асрда ислом мамлакатларидан бирида ихтиро қилиниб, Европада узоқ вақтгача Испаниядан бери ўтиб келмаган. Артиллерия ҳамма ерда ҳам милтиқдан олдин қўлланилган. Москваликлар 1382 йилдаёқ замбарак ишлатганлар. Бу замбараклар қандай бўлганлиги бизга номаълум, аммо улар ўша вақтда Ғарбий Европада бўлгани каби тобланган темир халқалардан пайванд қилиб ясалган бўлса керак.

XV асрда ҳамма жойда мисдан қўйилган замбараклар кўпроқ расм бўлган. Бутун замбарак бирданига қўйилмаган, балки айрим мис халқалар қўйилиб кейин пайванд қилинган. Бизнинг ўз замбараксозлигимиз тез ривож топган. Тверь улуг князи Борис Александровичга мадҳия бағишланган муаллиф монах Фома XV аср ўрталарида Твердаги замбараксоз уста Микула Кречетниковни тилга олади. Ёзувга қараганда, у замбараксозларнинг якка-ягона вакили бўлмаган. Фома унинг ҳақида: «бундай моҳир устани немислар ўртасидан ҳам топиб бўлмайди» дейди. Тверь князлиги умуман бундан аввал ҳам Русда энг яхши артиллерияси билан донг чиқарган Борис Александрович замонида эса у ўзининг сўнгги қучайиш даврини ўтказаётган эди.

Рус удел князларининг сарой буюмлардан ҳозиргина зикр этилган қудратли князь номи билан боғлиқ бўлган буюм бизгача етиб келган. У ҳам бўлса рогатина (узун дастали найза) бўлиб унга: «улуг князь Борис Александрович рогатинаси» деб ёзилган. Найзанинг дастаси кумуш билан қопланиб, устига турли суратлар ўйилган, улар бизгача етиб келмаган бирон қиссага хос суратлар бўлса керак. Унда кураш, ов, еуҳбат, ҳаммомда ювиниш, базм ва бошқалар тасвирланган.

Русда X асрда пайдо бўлган қайрилган қилич кўп вақтгача шамширнинг ўрнини эгаллай олмай келган, фақат XIV асрдагина шамшир ўрнида қайрилган қилич ишлатилади. Бу даврдаги йилнома ва ёрлиқларда шамширдан кўра кўпроқ қайрилган қилич тилга олинади. XVI асрга келиб шамшир жанг қуроли бўлмай қолган.

Куликово майдонидаги жанг иштирокчиларидан бирининг со-
вуги топилди. Бу совут майда сим ҳалқалардан тўқилган бўлиб,
бирмунча қадимги ва хийла кейинги кўпчилик рус совутларига
ўхшайди. Русдан бундай аслаҳанинг кенг тарқалганлигини юқо-
рида айтиб ўтилган эди.



108- расм.
Тверь улуғ
князи Борис
Александров-
вичнинг ро-
гатинаси

Рус ҳарбийлари XV асрга келиб катта кашфиёт
қилади. Улар тез юришга ёрдам берадиган чанғи
ясайдилар, у ҳозирги замон чанғисига ўхшайди. Кўп-
лар чанғининг ватани Скандинавия деб ҳисоблайди-
лар, чунки бу чанғилар Фарбий Европанинг бошқа
мамлакатларига яқиндагина, XIX асрда Скандина-
вия орқали келган. Бироқ XVII аср бошларида
Москвага келиб кетган швед дипломати ва ҳарбий
агенти Пальм бу чанғиларни муфассал тасвир этади
ва уларнинг тез юрарлигига таажжуб билдириб,
уларни руслар ихтироси деб атайди. Гап шундаки,
чанғи Скандинавияда гарчи неолит давридаёқ маъ-
лум бўлган бўлса-да у чанғилар тез юришга яра-
маган: чап томонидаги узун чанғигина сирғаниб, ўнг
томондаги қисқаси фақат итаришга хизмат қилган.
Шимоли-шарқий ўлкалардаги қисқа ва энли, та-
гига тери қоқилган ва неолит даврида (жумладан
бизда ҳам шу даврда) пайдо бўлган чанғилар тез
юришга унча имкон бермаган. Овчилар бир неча
минг йиллар давомида ана ўша икки хил чанғидан
(яна ҳам секинроқ юрадиган бошқа бир хилидан)
фойдаланиб келганлар.

Жангда чанғидан дастлаб руслар фойдалана
бошлаган. Бизнинг йилномаларимиз XV ва XVI аср-
ларда рус қўшинларининг чанғида бир неча бор
юриш қилганликларини баён этадилар. Афтидан, шу
муносабат билан XV асрдаёқ ҳозирги замон типида-
ги чанғилар пайдо бўлган.

XI асрда зарб қилинган рус танга пуллари мў-
ғуллар истилоси даврида зарб қилинмай қўйилиб,
кейин фақат XIV асрда Дмитрий Иванович Донской
замонида Москвада ва Дмитрий Константинович
замонида Нижний-Новгородда деярли бир вақтда
(Нижний-Новгородда сал олдинроқ бўлса керак)
яна зарб қилина бошлаган. Тверда фақат XV аср
бошларида Иван Михайлович вақтида, Новгородда ундан ҳам ке-
йин (юқорига қаранг) зарб қилина бошлаган.

Асосий танга пул ҳамма ерда ҳам кумуш деньга бўлган. Бу
ҳам татарлар орқали Ўрта Осиёдан келган. Маълумки, бу ерда
танга дейилади, «танга» сўзи «деньга» бўлиб кетган. XV асрда
ҳали феодал тарқоқлик тугамаганлиги туфайли пул кўпгина рус
шаҳарларида: Москва, Галич, Серпухов, Боровск, Можайск, Ве-

рея, Дмитров, Ростов, Ярославль, Углич, Суздаль, Нижний-Новгород, Тверь, Городна, Кашино, Микулино, Рязань, Пронск, Смоленск, Торжокда зарб қилинган; Новгород билан Псковнинг ўз танга пуллари бўлган.

XIV—XV асрларда зарб қилинган танга пуллардаги суратлар жуда хилма-хилдир. Танга пулнинг қатъий тури Новгороддан бошқа бир ерда ҳам бўлмаган (юқорига қаранг). Ҳар бир князь бир неча хил танга пул зарб қилган. Бу ерда фақат Москвадаги пул зарби тарихининг тасвири билан кифояланса бўлади.

Дмитрий Донскойнинг танга пуллари кам; бу пулларда унинг номи, қайрилган қиличли жангчи ёки хўроз сурати, чап томонида татарча Олтин Ўрда хонининг номи зарб қилинган. Василий I номи билан зарб қилинган танга пулларда одатда бу князнинг муҳрлардаги каби сувори сурати тасвир этилган. Баъзан йўлборс сурати ҳам учрайди, чап томонида аввалгидек хоннинг номи зарб қилинган. Василий II номи билан зарб қилинган танга пуллардаги суратлар жуда хилма-хилдир; уларда сувори, қайрилган қиличли жангчи, ёйдан ўқ отаётган ўқчи, хўроз, йўлборс, аждаҳо, булбулигўё, сфинкс, олмахон ва ҳоказоларнинг суратлари зарб қилинган. Танга пулнинг чап томонида баъзан хоннинг номи бўлса-да, кўпинча бу ном зарб қилинмай қўйган. Татарлар зулми энди тугала бошлаган.

Мазкур мустақил ярим давлатларнинг танга пуллари феодал сиёсий тарқоқликни ифодаловчи асосий археологик маълумотлардир. Феодал ер эгаллигини археологик жиҳатдан ўрганиш учун юқоридаги бобларда баён қилганимиз сингари қадимий шаҳар харобаларини қазिश зарур эди. Феодалларнинг мўғуллар истилосидан олдинги даврдан қолган мустаҳкамланган қўрғонларига эмас, балки XIV—XV асрлардаги шундай қўрғонлар ҳам бизгача етиб келган. Афсуски улар қадимий қишлоқ харобаларидек ҳали қазилмаган. Москва улур князлигидаги деҳқончилик техникаси мутлақо ўрганилмаган.

Русни бир марказга тўплаш юзасидан икки аср давомида олиб борилган иш Иван III замонида тугаллана бошлайди. Москва катта давлатнинг пойтахтига айланади. Шу муносабат билан Руснинг ташқи қиёфаси ҳам ўзгаради. Москвада замонига кўра ғоят катта қурилиш ишлари бошлаб юборилади. Бунчалик қурилишларни таъмин қила оладиган миқдорда табиий оқ тош запаслари йўқ эди, бўлганида ҳам бунча ҳажмдаги қурилишларга фақат оқ тош ишлатиш жуда қимматга тушарди. Шунинг учун ҳамма янги бинолар ғиштдан қурилади, бунгача ғишт Москвада ҳеч қачон ишлатилмаган. Афтидан кўпгина ғишт заводлари қуришга тўғри келган. Москвада пиширилган ғиштлар мўғуллардан илгариги Новгород ғиштларидан кўра қалинроқ бўлган. Оқ тошдан ишланган черковлар ўрнига катта-катта ғиштин черковлар, оқ тошдан ишланган Кремль ўрнига яна ҳам бақувватроқ янги ғиштдан Кремль қурилади, ёғочдан со-

лингн князь қасри ўрнига ҳашаматли ғиштин янги қаср қурилади. Шахсий кишилар ҳам ўзларига ғиштдан бинолар қура бошладилар: савдогар Таракан Кремль ичиде ўзига ғиштдан палата қурдиради, ҳолбуки бу вақтда ҳали Иван III нинг ўзи ҳам ёғоч палатада яшаган. Сўнгра баъзи боярлар ҳам савдогардан кўриб ўзларига ғиштдан бинолар қура бошлаганлар. Улуғ князь дастлаб хазина учун ғиштдан палата қурдирган. Ундан кейин сарой қурдира бошлаган. Уша замонда қурилган черковларнинг баъзи бирлари бизнинг давримизгача сақланиб келган, Кремлдаги Успенский ва Благовещчинский ибодатхоналари шулар жумласидандир. Кремлнинг ҳозирги девори 1485—1499 йилларда қурилган. Спасск дарвозасининг ички ва ташқи томониға ўйилган мағрурона ёзув бугун ҳам бу қурилишни ва Руснинг бир марказға тўпланганлигини баён қилади. Ички томонидаги русча ёзувда бундай дейилган: «ушбу отишхона худонинг раҳмати, бутун Россия подшоси ва мутлақ ҳокими, Владимир ва Москванинг ҳам Новгород, ҳам Псков, ҳам Тверь, ҳам Югор, ҳам Вятка, ҳам Пермь, ҳам Булғор ва бошқаларнинг улуғ князи Иван Васильевичнинг амри билан, унинг подшолик қилишининг 30-йилида, 6999 (1491) йилнинг ёзида қурилди». Дарвозанинг ташқари томонида худди шу мазмунда латинча ёзилган.


Кремль ғиштдан қурилган. Унинг кўпдан-кўп минорлари тўрт бурчакли қилиб ишланган. Бурчаклардаги учта минор думалоқ қилиб ишланган. Бу минорларнинг ҳаммаси уша замоннинг энг кейинги ҳарбий истеҳком техникасига мувофиқ бино қилинган. Нишон туйнуклари қалдирғоч думига ўхшатиб ишланган, бу эса ўқчиларнинг бекиниб туриши учун жуда яхши ўйланган шаклдр. Иван III нинг Кремли ҳозирги Кремлдан шу билан фарқ қиладики, у вақтда минорларнинг мезоналари бўлмаган, Москваға ҳусн бериб турган бу мезоналар XVII асрда қилинган. Иван III замонида Кремль ҳозиргидан кўра хийла баланд бўлган. Ҳозир эса унинг атрофида маданий қатлам пайдо бўлган.

Уша даврда Москва анча кенг майдонни эгаллаган. Шаҳар Кремлидан ғарб ва шимол томонда ҳозирги бульвар ҳалқасигача, шарқ томонда бу ҳалқадан ўтиб, Таган майдониға бориб етган, жануб томонда эса Замоскворечьенин анчагина қисмини шаҳар эгаллаган. Иван III 1495 йилда Замоскворечьенин дарё лабидаги черковлар ва ҳовлиларни бузиб ташлашни буюрган ва у ерни катта боққа айлантирган. Бу боғ фониде эндигина қурилган Кремль жуда чиройли бўлиб кўриниб туриши лозим бўлган. Уша вақтда на Европа ва на Осиёнинг бирон мамлакатиде шаҳар марказиде бундай катта боғ бўлмаган.

Русда қудратли артиллерия вужудға келтирилган. Москвада кўпдан-кўп замбараклар мисдан қуйилган. Бизгача етиб келган энг қадимги рус замбаракларидан бириде русча «6993 (1485) йил ёзида ясалган, ясовчиси эса Яковдир» деб ёзилган. Унинг

ажойиб томони шундаки, бу замбарак ўша вақтда Ғарбий Европада энг сунгги янгилик бўлган, яъни унинг тенги бўлмаган.

Юқорида айтилганидек, XV аср охирларигача замбараклар айрим қисмлардан қўйилиб, кейин уланган. XV аср охирларигача оғзи тўғри замбараклар ясалган. XV аср охирларида Европада яхлит қолипга солиб қўйилган, пайванд чоксиз замбараклар қўйилган. Москвадаги 1485 йилги замбарак худди ана шундай. Замбарак усталари ўз маҳоратларига Москвада ўрганганлар. 1491 йилда ўша хил замбарак қўйилиб, ундаги ёзув «Ушбун



109- расм. 1485- йилда Яков ясаган Москва замбараги

эса Яковлевнинг шогирдлари Ваня билан Васюк ясаган» деб тамом бўлади. Москва ҳукумати артиллериянинг аҳамиятини ўзининг ҳамма қўшнилardan олдин ва яхшироқ билиб, бу ишни барча чоралар билан ривожлантирган. Василий I замонидан XIV аср охирларидан бошлаб Москванинг герби сувори бўлган. У «кездец — чавандоз —» деб аталган (XVIII асрдагина у расмий суратда Георгий номи билан алмаштирилган).

Русни бир марказга тўплаш натижасида танга пул зарб қилиш иши тубдан ўзгарган. Йигирмата феодал ярим давлатларнинг хилма-хил танга пуллари йўқолиб кетиши муқаррар бўлган. Иван III вақтида Москва пуллари умумдавлат пулига айланиб кетган. Ундаги тасвирлар изчил тус олган. Одатда танга пулларга Москва суворисининг сурати зарб қилинган. Аммо шу пайтда гуллар зарб қилинган: бир томонига бойчечак, иккинчи томонига атиргул сурати зарб қилинган танга пуллар хийла кўп учрайди. Бундай пулларда бошқа ҳеч қандай тасвир йўқ. Энди хоннинг номи мутлақо зарб қилинмайдиган бўлган: Москва зулмнинг узил-кесил битишини кутмасданок татар ҳукмронлигининг ўша юзаки белгисига барҳам берган; ахир Иван III зулмнинг тамомила йўқ қилинишидан 18 йил аввал тахтга ўтиради ва пул зарб қила бошлайди; ҳатто унинг отаси ҳам пулларни, одатда, хоннинг номини қўймасдан зарб қилдирган.

Бироқ янги танга пулларда баъзан татарча ёзувлар бўлсада, улар бутунлай бошқа маънони беради. Энди татарча қилиб Иваннинг номи ёки Москва номи ёзиладиган бўлади. Бу танга пуллар вассалликдаги татарлар учун чиқарилган. Ўша вақтдан бошлаб Москва пулларининг вазни ҳам, ташқи қиёфаси ҳам бир хил бўлади. Бу пуллар топилган хазиналарда кўп учрайди ва улар XV асрда Шарқий Европада энг кўп тарқалади.

XV аср охирига келиб Москва буюк давлатнинг пойтахти бўлиб қолади. Бу давлат олдида буюк истиқбол йўли очилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ АРХЕОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ

Қадимги маданият ўчоқларидан бири бўлган Ўзбекистон моддий маданият ёдгорликларига ниҳоятда бойдир. Ўзбек халқининг узоқ ўтмишдан қолган тарихий обидаларини ўрганиш, гарчи ўтган асрнинг иккинчи ярмида, Урта Осиё чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг бошланган бўлса-да, республикамиз территориясида археологик тадқиқотлар ва моддий маданият ёдгорликларини илмий асосда ҳар томонлама чуқур текшириш ишлари фақат совет даврида кенг кўламда амалга оширилди.

20—30- йилларда Ўзбекистоннинг турли районларида қатор муҳим археологик текширишлар ўтказилди. Масалан, 1925—1930 йилларда Самарқандда В. Л. Вяткин, 1926—1928 йилларда Термизда Б. П. Денике, 1925—1928 йилларда Оҳангарон водийсида М. Е. Массон, 1929—1930 йилларда эса А. А. Потапов ҳамда 1930—1933 йилларда Фарғона водийсида Б. А. Латининлар қазиш ва қидирув ишлари олиб борадилар.

30- йилларнинг иккинчи ярмида Москва, Ленинград ва Ўзбекистон олимларининг ҳамкорлигида бир неча археологик экспедиция ташкил этилади. А. Ю. Якубовский бошлиқ Зарафшон (1934 й.); М. Е. Массон раҳбарлигидаги Термиз (1936 й.) ва С. П. Толстов бошлиқ Хоразм (1937 й.) археологик экспедициялари шулар жумласидандир.

Улуғ Ватан уруши йилларида гарчи йирик археологик экспедицияларнинг фаолияти деярли тўхтаб қолган бўлса ҳам, урушдан сўнг археологик тадқиқотлар яна кенг кўламда қизитиб юборилди. Улуғ Ватан урушидан кейинги даврда ўз дала тадқиқотлари билан Ўзбекистоннинг барча территориясини қамраб олган бир неча йирик археологик экспедиция ташкил этилди. 1945 йилдан бошлаб СССР Фанлар академиясининг Хоразм археологик-этнографик экспедицияси ишга тушди. 1946—1948 ва 1950—1952 йилларда А. Н. Бернштам бошлиқ Помир-Олой ва Помир-Фарғона экспедицияси Фарғона археологиясини ўрганди. Я. Ф. Фуломов ва В. А. Шишкинлар раҳбарлигида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбекистон археология экспедицияси

иш бошлади. Бу экспедициянинг кўпгина отрядлари Самарқанд, Бухоро ва Тошкент воҳаларида ҳамда Фарғона ва Сурхондарё водийларида археологик қазишлар ўтказди.

Ўзбекистондаги энг қадимги шаҳарлардан бири — Самарқандни тарихий ва археологик жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ўрганиш мақсадида 1966 йилда В. А. Шишкин бошлиқ Афросиёб археологик экспедицияси¹ ташкил этилди. Булардан ташқари, кейинги йилларда янги ерларни ўзлаштириш ва улкан қурилишларни амалга оширилиши муносабати билан жуда кўп махсус археологик отрядлар ташкил этилиб, улар Чимкўрғон, Жанубий Сурхон, Туябўғоз сув омборлари ва Чорвоқ ГЭСи зонасида ҳамда Аму-Бухоро, Аму-Қарши ва Марказий Фарғона каналлари трассасида археологик текширишлар олиб бордилар. Тошкент шаҳрининг қайта қурилиши муносабати билан махсус отряд шаҳар территориясида кенг кўламда кузатиш ва қазишлар ўтказди.

Ўзбекистондаги барча археологик тадқиқотлар асосан Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология институти бошчилигида олиб борилиб, унда республикамиздаги жуда кўп илмий ташкилотлар: жумладан Самарқанд, Термиз, Фарғона, Бухоро, Ангрен тарих ва ўлкани ўрганиш музейлари, В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг археология кафедраси, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг тарих факультети, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги қошидаги Санъатшунослик институти ва бошқалар қатнашди ва қатнашмоқда.

Ўзбекистонда кенг кўламда олиб борилган археологик текширишлар туфайли Ўрта Осиёнинг қадимий маданият марказларидан ҳисобланган Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент воҳаларида, Фарғона ҳамда Сурхондарё водийларида Ўрта Осиё халқлари тарихининг турли босқичларига оид жуда кўп нодир моддий маданият ёдгорликлари топиб текширилди. Археологик ёдгорликларни кенг кўламда ва мунтазам равишда ўрганиш уларнинг даврини аниқлаб олиш имконини берибгина қолмай, балки Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихи билан боғлиқ бўлган жуда кўп масалаларни ечиб берди.

Айниқса А. П. Окладников, С. П. Толстов, Я. Ф. Фуломов ва бошқаларнинг кўп йиллар давомида олиб борган археологик тадқиқотлари туфайли Ўзбекистон археологиясининг палеолит, неолит, бронза даврлари хийла пухта ўрганилди.

Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва бошқа жойларда ўтказилган археологик қазишмалар Ўзбекистонда қулдорлик ва феодализм давр археоло-

¹ 1967 йилдан бошлаб Афросиёб археологик экспедициясига Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Я. Ф. Фуломов раҳбарлик қилмоқда.

гиясини ўрганишда жуда бой ва қимматли материаллар берди. Ўзбекистонда совет археологлари топган ғоят муҳим ёдгорликлар, айниқса моддий маданият ёдгорликлари Ўрта Осиё халқлари қадим замонлардаёқ юксак ва ўзига хос маданиятга эга эканини ва жаҳон халқлари маданиятига маълум ҳисса қўшганини шубҳасиз факт деб тасдиқлашга имкон беради.

Маълумки, 30-йилларга қадар Ўзбекистон археологиясида палеолит, неолит ва бронза даврларини ўз ичига олган ибтидоий жамият тарихи мутлақо ёритилмаган эди. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва унга чегарадош Жанубий Қозоғистонда топиб текширилган тош даврига оид қатор ёдгорликлар Ўрта Осиёнинг ибтидоий жамият тарихини ёритиши билан бирга, Ўрта Осиё палеолити ўзига хос хусусиятларга эга эканини аниқлашга имкон берди. Гарчи бевосита Ўзбекистон территориясидан палеолитнинг илк босқичи — Шелль ва Ашель даврига оид ёдгорликлар ҳозирча топилиб текширилмаган бўлса-да, Жанубий Қозоғистоннинг Қоратов районида Бўриқозғон ва Танир Қозғон деган жойларда Шелль ва Ашель даври маконлари топиб текширилди. Бу маконлардан илк тўртламчи даврга мансуб ҳайвонларнинг суяклари билан бирга, кўпгина йирик кескир қуроллар — қўл чўқморлари топилди. Ашель даври тош қуроллари республикамизнинг бир неча еридан: жумладан, Бухоро области, Навоий районидаги Учтут қишлоғи яқинида Воуш тоғининг Жанубий ён бағрида, Фарғона водийсида Қайрағоч қишлоғи яқинида Боқирғон дарасида, Исфайрам сойда, Палмон қишлоғи яқинида ҳамда Хўжахайрсойнинг ўнг соҳилида, шу номдаги қишлоқ яқинида, шунингдек Шўркўл ва Қайроққум мавзеларида топилади. Бу топилмалар, шубҳасиз, қадимда Ўрта Осиё, шу жумладан ҳозирги Ўзбекистоннинг географик шароити ибтидоий одамларнинг яшаши учун жуда қулай бўлганини ва илк палеолит даврида унинг кенг территориясида одамлар яшаганини кўрсатади.

Кейинги йилларда бир қанча янги-янги ёдгорликлар топилиб текширилиши туфайли Ўзбекистон палеолитида мустье даври жуда яхши ўрганилди. Мустье маконлари Сурхондарё области, Бойсун районида Тешиктош, Самарқанд областида Омонқўтон, Тошкент областининг Чирчиқ водийсида Хўжакент ва Обираҳмат ғорларида, Оҳангарон воҳасида Қўлбулоқ, Бухоро областида Учтут, Фарғона водийсида Қалача ва Сух атрофларида топиб текширилди.

Ўзбекистонда дастлаб топиб текширилган мустье даври ёдгорликларидан бири Тешиктош ғор маконидир. Денгиз юзидан 1500 м баландликда жойлашган бу ёдгорликларни 1938—1939 йилларда А. П. Окладников текширган эди. Ғорда 1,5 м қалинликда 5 та маданий қатлам бўлиб, улар қазиб кўрилганида, ҳар бир қатламдан диаметри 40 см, сатҳи 2 метргача келадиган гулхан қолдиқлари, 3 минггача тош қурол ва тош синиқлари, ҳамда

ҳайвон ва қушлар: тоғ эчкиси, кийик, қулон, қоплон, айиқ, сиртлон, қуён, суғур, каклик, каптар, ўрдак суяклари топилди. Энг муҳими Тешиктош маконидан майда бўлақларга бўлиниб кетган 8—9 яшар боланинг бош ва скелет суяклари топилди. Бу Ўрта Осиёда топилган мустъе одамнинг қолдиқлари бўлиб, унинг илмий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Бу ноёб топилма мустъе одамнинг физик типини белгилашда жуда қимматли материал бўлибгина қолмай, шу билан бирга инсоннинг ягона илдизда келиб чиққанини ва Ўрта Осиёда ҳам одамзод неандертал босқичини босиб ўтганини исботлаб берди.

Топилган тош қуролларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги ҳамда маданий қатламнинг қалинлиги жиҳатидан Обираҳмат ғормакони алоҳида диққатга сазовордир. 1962 йилда очилган Обираҳмат ёдгорлиги Тошкентдан 100 км шимоли-шарқда Обираҳмат дам олиш уйи яқинида Палтов сойининг ўнг соҳилидадир. Ғор оғзи 21 м, эни 8 м ва баландлиги 16 м келади. Ғорда 21 маданий қатлам бўлиб, уларнинг қалинлиги 10 м га боради. Демак, Обираҳмат ғорида ибтидой одамлар узоқ вақт мобайнида истиқомат қилганлар. Бу ёдгорликдан 3 мингдан ортиқроқ тош қурол ва 17 мингтача тош синиқлари топилди. Қуроллар орасида найзасимон тош қуроллар, турли хил нуклеуслар, кескичлар, қирғичлар, понасимон тош қуроллар, тош пластинкалар ва бошқа хил тош қуроллар бор. Обираҳмат ғоридан топилган тош қуролларнинг метрика-статистик анализи Ўрта Осиёда мустъе даври маконлари шу ердаги табиий шароитнинг кучли таъсири асосида яратилган ўзига хос ибтидой маданият ёдгорликлари эканини кўрсатди.

Ўзбекистонда топиб текширилган юқори палеолит даврига мансуб ёдгорликлар ҳозирча унчалик кўп эмас. Улар орасида яхшироқ ўрганилгани Самарқанд шаҳридаги Комсомол кўли территориясида жойлашган «Самарқанд макони»дир. 1939 йилда топилган бу ёдгорликда Ўзбекистон Фанлар академияси ва Самарқанд Давлат университетининг Д. Н. Лев бошлиқ археологик экспедицияси 1958 йилдан бери қазилмалар олиб бормоқда. Самарқанд макони учта маданий қатламдан иборат бўлиб, ундан бир неча ўчоқ қолдиқлари ва ўчоқлар атрофидан тош қуроллар: пичоқсимон пластиналар, кескичлар, ёй тиғли қирғичлар, йўнғичлар, ботиқ тиғли тош қуроллар ҳамда ҳайвонлардан: ёввойи от, кийик, туя, қўй ва қорамол суяклари топилди. Булардан ташқари Самарқанд маконида юқори палеолит одамнинг иккита пастки жағи топилди. Бу Тешиктошдан топилган неандертал бола қолдиғидан кейинги иккинчи нодир топилма бўлиб, гарчи у сўнгги палеолитга мансуб бўлса-да, генетик жиҳатдан Тешиктош одами билан боғлиқдир. Юқори палеолит даврига оид тош қуроллар Бухоро областида, Учтут қишлоғи атрофида, Тошкент яқинида Бўзсув I, Бўзсув II маконларида, Оҳангарон водийсида Кўлбулоқ маконида ва бошқа жойлардан топилди.

Республикамизда мезолит даври ёдгорликлари Сурхондарё областининг Бойсун районидаги Мачой ғорида, Фарғона водийсида Сўхсойининг юқори оқимида, Тошкент яқинида Қўшилиш деган жойда топиб текширилди. Мезолит даврида Мачой ғорида ҳосил бўлган маданий қатламнинг қалинлиги 40 см га келади. Маданий қатламдан тоғ эчкиси, айиқ, кийик ва тошбақа суяклари ҳамда чақмоқтош, оҳактош, қумтош, яшма ва кварцитда ишланган турли хил қуроллар билан бир қаторда жуда кўп суякдан ясалган қуроллар топилди. Бу топилмалар комплекси, мезолит даврида жанубий Ўзбекистон территориясида яшган қадимги аҳолининг ҳаёти, машғулотли, ишлатган турли хилдаги қуроллари, шунингдек ўша районнинг қадимги ҳайвонот дунёсини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг палеолит даври тарихини ўрганишда Фарғона водийсидаги Қапчиғайда, Оҳангарон водийсидаги Қизил олмасойда ва Бухоро воҳасидаги Каротоғнинг жанубий ён бағрида топиб текширилган тош даври устахоналари жуда бой ва қимматли материаллар берди. Биргина Бухоронинг Учтут қишлоғи яқинидан тош даврига мансуб бир неча устахона ва шахта қолдиқлари топиб текширилди. Бу нодир ёдгорликлардан сўнги Ашель давридан то неолитгача бўлган даврларга бад кўндан-кўн турли хилдаги тош, суяк ва шохлардан ясалган қуроллар топилди. Бу бой моддий манба тош даврида асосий хом ашё ҳисобланган чақмоқтошларнинг қадимги кончилар томонидан қовланиб олиниш усуллари, ҳамда тош қуроллар ясаш техникасини ўрганиш имконини берди.


Ибтидоий тасвирий санъат ёдгорликлари ҳам Ўзбекистоннинг бир неча районларидан топиб текширилди. Улар асосан ғорларга ва қоя тошларга қизил бўёқ билан ёки тошларга ўйиб солинган ов манзараларини тасвирловчи расмлар бўлиб, энг қадимгилари мезолит, неолит ва бронза даврларига мансубдир. Бундай қадимги тасвирий санъат обидалари Сурхондарё область, Шеробод районидаги Заравутсой дарасида, Сирдарё область, Жиззах районидаги Такатош мавзеда, Бухоро область, Навоий районидаги Сармиш ва Қора унғурсой ҳамда Оҳангарон водийсидаги Қаразов дарасида, Тошкент область, Хўжакент қишлоғи яқинида ва бошқа кўпгина жойларда топиб текширилди. Бу ёдгорликлар орасида Заравут камар ва Такатош суратлари айниқса диққатга сазовордир. Заравут камар суратлари қизил бўёқ билан ишланган. Унда асосан ёввойи буқаларга ов қилиш манзараси тасвирланган. Манзарадан бирида овчилар гуруҳи ёввойи буқаларни ўраб олаётгани, ёки ёпинчи ёпиниб ўқ-ёй ҳамда сойқонлар отаётгани тасвирланган. Такатошдаги суратлар қояга ўйилган. Манзаралардан бирида ўндан ортиқ овчи ёввойи буқа ва тоғ эчкилари подасини ўраб олиб, камалакдан ўқ узаётгани тасвирланган. Уртада каттароқ қилиб бир аёлнинг расми солинган. Суратда итлар ҳам бор.

Бу шубҳасиз одам ўргатган дастлабки ҳайвоннинг ибтидоий тасвиридир. Қадимий тасвирий санъатнинг бу ёдгорликлари Ўзбекистоннинг ибтидоий жамият тарихини ўрганишда гоյат қимматли тарихий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон неолити Марказий Фарғона, Хоразм, Бухоро ва Жанубий Қизилқумда топиб текширилган қатор ёдгорликлар орқали бирмунча тўлиқроқ ёритилди. Масалан, Марказий Фарғонада Янгиқўрғон қишлоғидан 12 км шимоли-шарқда қадимги Узунқўл ва Тайлоққўл атрофидан илк неолит даврига мансуб 24 макон топиб текширилди. Бу маконларда чақмоқтошдан ясалган жуда кўп микролит қуроллар: қадама пичоқ тиглари, қирғичлар, пармачалар, найза пайконлари, тешкичлар, нуклеуслар ва геометрик шаклдаги турли майда тош қуроллар топилди. Бу тош қуролларни текшириш натижасида Марказий Фарғонада қадимги кўллар соҳилларида яшаган илк неолит даври қабилаларининг овчилик, шу жумладан балиқ ови билан шуғулланганлиги аниқланди. Неолит даврида яшаган қадимги овчи қабилаларнинг хўжалик ва ижтимоий ҳаёти ҳамда маданиятини ўрганишда Амударё, Зарафшон ва Қашқадарё этакларида топиб текширилган кўпдан-кўп ёдгорликлар жуда бой ва қимматли материаллар берди. Даставвал Қорақалпоғистондаги Жонбосқалъа яқинида С. П. Толстов томонидан топиб текширилган неолит даври ёдгорлиги фанда «калта минор маданияти» деб ном олди. Бу маданиятга мансуб бўлган ёдгорликлардан 60 дан ортиқроғи 1950—1953 ва 1960—1966 йилларда Зарафшон ва Қашқадарё этакларидан топиб ўрганилди. Бухоро областининг Қорақўл райони марказидан 40 км шимоли-шарқда Катта тузкон ва Кичик тузкон мавзеларида топилган 45 та макондан фақат иккитасида — Дарвозақир I ва Дарвозақир II деб аталган ёдгорликларда маданий қатламлар яхши сақланган. Дарвозақир I маконида археологик қазिशлар ўтказилганда, ундан жуда кўп тош қуроллар, ҳайвон суяклари ва сопол идиш бўлақларидан ташқари, бир нечта ўчоқ ва чайла қолдиқлари топилди. Ўз даврида устунлар ўрнатилган чуқурчаларнинг жойлашишига қараганда чайла тўғри бурчак шаклда бўлиб, унинг узунлиги 11,6 м, эни 7 м ва майдони 81 кв. м га тенг бўлган. Чайлада тахминан 30—35-киши истиқомат қилган.

Зарафшон этакларида топиб текширилган неолит даври ёдгорликларидан ҳаммаси бўлиб 17 мингдан ортиқроқ тош қуроллар топилиб, улар асосан оқ чақмоқтошдан ясалган микролит қуроллардан: ўқ учлари, найза пайконлари, қадама пичоқ тиглари, қирғичлар, тешгичлар, йўнғичлар, парма тиглари, силлиқланган болта ва поналар, ҳовонча дасталари, пичоқлар, ўроқ қадамалари, нуклеуслар ва бошқа ашёлардан иборат.

Маълумки, неолит даврининг кашфиётларидан бири кулолчиликнинг пайдо бўлишидир. Зарафшон этакларидаги неолит даври ёдгорликларидан бир қанча сопол идиш ва 4 мингга



110- расм. Дарвозақир маконидан топилган Неолит даври тош қуроллари (Бухоро область, Қорақўл райони).

яқин сопол идиш бўлаклари топилиб, улардан 3 мингдан ортиқроғи тўлқинсимон чизиқли ёки ботирма нақшлар билан безалган. Қўлда ясалган бу идишларнинг таги думалоқ ёки дўнгдир.

Археологик қазишлардан чиққан турли хилдаги моддий қолдиқлар, шу жумладан ҳайвон суяклари, тўнғиз, ёввойи от, жайрон; тулки, балиқлардан: чўртон балиқ, зогора балиқ, лаққа балиқ ва бошқалар неолит даврида Зарафшон этакларида яшаган аҳолининг овчилик ва балиқчилик билан шуғулланганлигини кўрсатиб берди. Бир қатор моддий топилмалар қўйи Зарафшоннинг неолит давридаги овчи ва балиқчилари Хоразм, Туркменистон, Қозоғистон ва Жанубий Урал, Шарқий Қозоғистон ва Ғарбий Сибирь аҳолиси билан яқиндан маданий алоқада бўлганини аниқлаб берди.

Маълумки, тошдан металл ишлатишга ўтиш энеолит мис тош давридан бошланади. Бу даврда хўжалик соҳасида қўлга киритилган катта муваффақиятлардан бири ибтидий деҳқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлишидир. Ўзбекистон территориясида ибтидий деҳқонларнинг энеолит даврига оид ёдгорликлари ҳозирча топилмаган бўлса-да, ибтидий чорвадор аҳолига мансуб бўлган моддий қолдиқлар бир неча ердан топиб текширилди. Амударёнинг қадимги Оқчадарё ўзани дельтасида, Қамишли, Қавунди, Тожиқазган, Жонбосқалъа атрофида, Орол денгизининг шарқий соҳилида, Зарафшон дарёсининг қўйи оқимида, ҳамда Бухоро областининг шимолида Ловлакон ва Бешбулоқ мавзеларида топиб текширилган энеолит даври маконлари шулар жумласидандир. Бу ёдгорликлардан сопол идиш бўлаклари, майда тош қуроллар билан биргаликда мисдан ясалган буюмлар, игналар, мунчоқлар ва бошқалар топилди. Мис буюмлар бу даврда яшаган қабилалар мисни пачоқлаб ёки қиздириб ишлатишни билганликларидан дарак беради. Орол денгизининг шарқий соҳилидаги Саксовул маконларидан топилган уй ҳайвонлари: қорамол, қўй ва отларнинг суяклари бу районда чорвачилик хўжалиги пайдо бўлганини кўрсатди. Кишилик жамиятининг ижтимоий, хўжалик ва маданий тараққиётида катта ўзгариш содир бўлган жуда муҳим босқич бронза даври ҳисобланади. Бу даврда ота уруғи ҳукмронлиги ўрнатилиб деҳқончилик ва чорвачилик кенг ёйилади ва ривожланади. Ўзбекистон территориясидан кейинги йилларда бронза даврига доир уч хил ёдгорликлар топиб текширилди. Бу ёдгорликлар бронза даврида деҳқончилик — чорвачилик билан баб-баравар, сўнгра асосан чорвачилик ҳамда қисман деҳқончилик билан шуғулланган қабилаларга мансубдир. Ҳариккала хўжалик билан баравар шуғулланган аҳолининг ёдгорликлари Бухоронинг Қорақўл райони марказидан 15 км шимоли-ғарбда қадимги Замонбобо кўли яқинида топиб текширилди. Бу ерда 44 та гўрдан иборат қабристон ва ярим ер

тўладан иборат турар жой қазиб очилди. Қабрлардаги скелетларга қараганда ўликлар, якка, жуфт, баъзан учта қилиб букчайтирилган ҳолда бир томонга ёнбошлатиб, қурол-яроғлари, идиш-товоқлари ва зеб-зийнатлари билан бирга кўмилган. Эркакларнинг қабрларидан чақмоқтош қуроллар, айниқса камон ўқларининг пайконлари, пичоқсимон пластиналар ва бошқалар, аёлларнинг қабрларидан эса қизил ва сариқ оҳра, сурма хоклари, мис куракчалар, лазурит, ақиқ, феруза, сердолик ва жилвир тошдан ишланган мунчоқ ва маржонлар топилди. Қабристондан асосан қўлда ва қисман кулолчилик чархида ясалган жуда кўп сопол буюмлар, тухумсимон, хумчасимон шаклдаги идишлар, тўғри бурчак сувдонлар ва товоқлар чиқди. Замонбобо кўлидан 500 м шарқда қовлаб очилган ярим ертўла чайла қолдиқлари айниқса диққатга сазовордир. Бронза давридаги шу турар жойнинг узунлиги 23,5 м, эни 9 м, чуқурлиги 1 м, майдони 170 кв. м га яқин бўлиб, у тухум шаклидадир. Ярим ертўла чайла ичидан ўчоқ ва устун ўринлари, сопол бўлаклари, мис ва тош қуроллар чиқди. Ярим ертўла яқинида сопол идишлар пиширилган хумдонча қолдиқлари топилди. Замонбобо топилмаларининг асосий қисми: чақмоқтошдан ясалган қадама ўроқлар, ёрғучоқ синиқлари, ҳовонча дасталари, кўмирга айланиб кетган маданий бошоқли ўсимликлар: арпа ва буғдой донлари бу ерда деҳқончилик мавжудлигидан гувоҳлик берса, уй ҳайвонлари: асосан қорамол, эчки ва қўйларнинг 80 дан ортиқ топилган суяклари Замонбобонинг бронза даври аҳолиси хўжалигида чорвачилик ҳам муҳим ўринни тутганлигини кўрсатади. Шубҳасиз, қадимги замонбоболиклар Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида тошқин сувларидан ҳосил бўлган кўл ва кўлмаклар атрофида захоб ерларда деҳқончилик қилган бўлса, атрофдаги кенг яйловларда ўз чорваларини боққанлар.

Хўжалиги жиҳатидан Замонбобога ўхшаш моддий маданият ёдгорликлари Амударёнинг қадимги этагидаги шохобчаси Сузёрган ўзани бўйида топиб текширилди. Бу ёдгорликлар ибтидоий деҳқончилик ва подачилик билан шуғулланган қабилаларга мансуб бўлиб археология фанида «Сузёрган маданияти» деб ном олди. Бу маданият ёдгорликлари Амударёнинг қадимги тошқинлар зонасида текис тақирлар устида жойлашган бўлиб, улар тўғри бурчакли чайла қолдиқларидан иборат. Чайлалар атрофида сиртига қизил бўёқ билан сайқал берилган сопол идиш бўлаклари, тош қуроллар, жумладан тош ёрғучоқлар топилди. Қадимги сувёрганликлар ҳам замонбоболиклар каби тошқин сувларини атрофдаги текис ерларга тараб деҳқончилик қилганлар. Шунинг учун ҳам булар муҳим ўтроқ ҳаёт кечирмай, балки тошқинларнинг ўзгаришига қараб кўчиб юрган.

Ўзбекистон территориясида бронза даврида асосан чорвачилик билан шуғулланган қабилаларнинг моддий маданият ёдгорликлари Хоразм, Тошкент ва Самарқанд воҳаларида ҳам

да Фарғона водийсида топиб ўрганилди. Бу маданият ёдгорликлари даставвал қадимги Хоразм территориясида Тозабогёб канали атрофида топилгани учун Ўзбекистон археологиясида «Тозабогёб маданияти» деб аталди. Бу маданиятга мансуб ёдгорликлардан 30 дан ортиқ макон Зарафшон ва Қашқадарё этакларида ҳамда 30 тача макон Фарғона водийсида Қайроққумдан топиб текширилди. Бу ёдгорликлар орасида Хоразмда Онгқа — V, Қават — III, Зарафшоннинг қўйи оқимида Гужайли — IX ҳамда Қайроққумда — XVI сони турар жой қолдиқлари диққатга сазовордир. Масалан, Онгқа — V да эни 8 м, бўйи 12 м тўртбурчак шаклида турар жой қолдиқлари қазиб очилди, бу турар жойнинг томи қамиш билан ёпилган, уйнинг ўртасида кул билан тўла каттагина ўчоқ жойлашганлиги маълум бўлди.

Хоразмда Кўкча тоғдан 5 км жануброқда «Тозабогёб маданиятига» мансуб юздан ортиқ қабр топиб текширилди. Қабрлардаги ўликлар букчайтириб, аёллар чап ёнбошлари, эркаклар эса ўнг ёнбошлари билан, бошлари ғарбга қаратиб кўмилган. Қабрларда баъзан жуфт-жуфт кўмилганлари ҳам учрайди. Худди шу маданиятга мансуб айрим қабрлар Зарафшоннинг қўйи оқимида Замонбобо кўли яқинида, Тошкент областининг Янгийўл районида, Фарғона водийсида, Водилда ва Самарқанд яқинида Мўминобод қишлоғида топиб текширилди. Булар орасида, айниқса Мўминободдан топилган 5 қабр диққатга сазовордир. Мўминобод қабрларидан мис билагузук, мис ва олтин зирак, мингдан ортиқ қўрғошин мунчоқ, жез ойна, суякдан ясалган найча ва сопол идишлар топилди. Идишларнинг туби ясси бўлиб, уларнинг елка қисмига илон изи ёки бошоқсимон нақшлар солинган. Шундай қилиб, Тозабогёб қабилаарига мансуб бўлган бу моддий маданият ўз қиёфаси ва кўмиш тартиблари жиҳатидан Андроново маданиятига жуда ўхшайди. Тозабогёбликлар шубҳасиз, асосан, чорвачилик билан шуғулланган бўлсалар-да, ибтидоий деҳқончиликни ҳам билганлар.

Хоразмда топиб текширилган сўнгги бронза даври ёдгорликлари «Амиробод» номи билан аталган. Бу давр ёдгорликлари, жумладан, турар жой қолдиқлари, қадим ирригация излари билан бирга Яккапорсон қалъаси атрофида топиб текширилди. Бу турар жойлар эни 10—12 м, бўйи 12—15 м бўлган ярим ертўлалардан иборат бўлиб, уларнинг атрофидан жуда кўп миқдорда қизил бўёқ берилган сопол идиш парчалари, бронза ўроқлар, камон ўқларининг зуғатали, втулкали ва япроқсимон шаклдаги пайконлари, ўқ учлари қўйилган тош қолиплар ва уларнинг синиқлари топилди.

Ўзбекистон территориясида бронза даврида суғорма деҳқончилик билан шуғулланган аҳолининг моддий маданият ёдгорликлари жуда кўп жойда топиб текширилди. Даставвал у Наманган областида Чуст шаҳридан 2,5 км шимолда Буванамозор (Биби она мазор) мавзеда топиб текширилиб, фанда у

«Чуст маданияти» номини олди. Чуст маданияти ёдгорликлари биргина Фарғона водийсида 20 дан ортиқ ерда топилиб, Чуст, Далварзин, Ашқолтепа, Чимбой, Терговчи ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари Чуст маданиятига мансуб ёдгорликлар Ўзбекистоннинг жанубида Сурхондарё областида Термиздан 70 км шимоли-ғарбда Кучуктепа ва Сополтепаларда¹ ҳам топиб ўрганилди.

Чуст, Далварзин ва Кучуктепада олиб борилган археологик қазишлардан шу нарса маълум бўлдики, Чуст маданиятини яратган қадимги деҳқонлар атрофи деворлар билан ўралган мустақкам қишлоқларда пахса ёки хом ғиштлардан қурилган уйларда яшаганлар. Масалан қадимги Чуст қишлоғи харобасида узунлиги 286 м, эни 2—3 м ва баландлиги 1,5 м ча келади-ган ташқи девор қолдиқлари ковлаб очилди. Шундай девор қолдиқлари Далварзинда ҳам 200 м масофада топилиб, унинг эни 4,6 м, баландлиги 2,5 м келади. Далварзин теласининг ғарбий қисмида атрофи девор билан ўралган арк харобаси бўлиб, арк деворининг узунлиги 130 м ва баландлиги 2,5 м га тенгдир. Далварзин тепанинг шарқий қисмида ҳатто 80 м масофада эни 4 м лик тош йўл ковлаб очилди. Булардан ташқари бу ерда бир неча тўрт бурчакли пахса деворли уйлар очилди. Далварзинда топилган 900 га яқин тош ўроқ, Чустдан топилган 62 тош ва жез ўроқ, 415 тош ёрғучоқ, дон учун ковланган 17 та ўра ҳамда куйиб кўмирга айланган арпа, буғдой, тарих, сули донлари ва бошқа ашёлар қадимги далварзинликлар ва чустликлар асосан деҳқончилик билан шуғулланганлигини кўрсатади. Уларда чорвачилик ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган, улар кўпроқ майда чорва — қўй ва эчки боққанлар, қорамол ва отлар эса иккинчи ўринда турган. Археологик топилмалар: суякдан ясалган моки, қадоқ тошлар, урчуқлар, жезигна ва бигизларга қараб ҳукм қилганда, аҳолининг турмушида тўқувчилик ва тикувчилик муҳим роль ўйнаган. Чустликларда ҳам, далварзинликларда ҳам маҳаллий дегрезлик ва мисгарлик анча тараққий қилган. Чунки бу ёдгорликлардан жуда кўп металл буюмлар: жез ўроқ, пона, пичоқ, камон ўқларининг пайконлари, найза учлари, зеб-зийнатлар: жез ойналар, билагузуклар, исирғалар, чўлпиллар ва мунчоқлар ҳамда турли хил жез буюмлар қуйиладиган тош қолиплар, шунингдек дегрезлик кўрасининг қолдиқлари топилганлиги бунинг яққол далилидир. Чуст маданиятига мансуб ёдгорликлардан топилган гулдор сопол буюмлар кулолчиликнинг ҳам анча ривож топганлигидан гувоҳлик беради. Сопол идишлар шакли хилма-хил, улар асосан товоқ, кўза, хумча, тувак, қозон ва кўпгина бошқа хил идишлардан иборат. Сопол идишларнинг сиртига қизил бўёқ берилиб сайқаланган. Уларнинг

¹ Сополтепа ёдгорлиги бронза даврига мансуб, у эрдан аввалги иккинчи минг йилликни биринчи ярми билан саналади.

бир қисми қора бўёқда турли хилдаги геометрик чизиқлар билан нақшланган. Агарда Чуст маданиятига мансуб ёдгорликлардан чиққан топилмаларга, юқорида қайд этилган чорвадор қабилаларга мансуб моддий маданият қолдиқлари билан солиштирилса, бронза даврида ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланган аҳоли маданий жиҳатдан чорвадор қабилаларга нисбатан анча устунлиги аён бўлади. Хуллас, Фарғона ва Сурхондарё водийларида сўнгги бронза даврига мансуб атрофи мудофаа деворлари билан ўралиб, мустақамланган қишлоқлар харобаларини топиб текширилгани бронза даврида ўтроқ деҳқонлар яратган маданиятни ўрганишда жуда бой ва қимматли материаллар берди. Кейинги йилларда Хоразм, Фарғона, Сурхондарё, Самарқанд ва бошқа ерларда ўтказилган археологик текширишлар туфайли илк темир даврига мансуб бир қанча ажойиб маданият ёдгорликлари топиб текширилди. Қадимги Хоразм территориясидаги Қалъалиқир, Кўзалиқир, Бозорқалъа, Дингилже; Фарғона водийсидаги Элатонтепа, Сурхондарёдаги Кучуктепа ва Самарқанддаги қадимги Афросиёб харобалари шу даврга мансуб ёдгорликлардандир. Йирик хом ғишт ва пахсадан бино қилинган бу қадимги истеҳкомлар, улар атрофида то ҳозирги кунгача сақланиб қолган суғориш каналларининг қуруқ ўзанлари ҳамда археологик қазишларда топилган турли хилдаги кўпдан-кўп топилмалар: сопол ва металл буюмлар, қурул-яроғлар, зёб-зийнат буюмлари ва бошқа хил ашёлар илк темир даври тарихини, айниқса унинг хўжалиги ва маданиятини ҳамда архитектурасини ўрганиш имконини берди.

Ўзбекистоннинг қулдорлик, айниқса феодализм даври археологияси жуда яхши ўрганилди. Қулдорлик ва илк феодализм даврларига жуда кўп қалъалар, истеҳкомлар, мудофаа деворлари, шаҳар харобалари, мозор қўрғонлар, сув иншоотларининг қолдиқлари ва кўпгина бошқа хил ёдгорликлар топиб текширилди. Қадимги Хоразмда Жонбосқалъа, Қўрғошинқалъа, Қирққиз, Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Гулдурсун, Каватқалъа; Самарқандда Афросиёб, Талибарзу; Бухорода Қизилқир, Варахша; Сурхондарёда Халчиён, Далварзинтепа, Болалиқтепа; Тошкентда Мингўриктела, Оқтепа; Фарғона водийсида Қува ва Ахсикат ва бошқа кўпгина ёдгорликларда ўтказилган археологик қазишлар айниқса диққатга сазовордир. Кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар Ўзбекистоннинг қадимги замон тарихини даврлаш масаласини илмий асосда қайта ҳал қилиш имконини берибгина қолмай, балки қулдорлик ва ўрта аср шаҳарлари, қалъалари, қаср ва феодал қўрғонларининг тузилиши ҳамда қулдорлик ва ўрта асрларда савдо ва ҳунармандчиликнинг маркази бўлган шаҳарлар маданиятини ўрганишда жуда бой материаллар берди. Археологик тадқиқотлар туфайли республикамиз территориясида қулдорлик ва илк ўрта асрларга мансуб ажойиб тасвирий санъат обидалари очилди.



111- расм. Халчиён ёдгорлигидан топилган жангчи ҳайкалининг боши (Сурхондарё области)




112- расм. Халчиён ёдгорлигидан топилган жангчи ҳайкалининг боши (Сурхондарё области)

Термиз яқинида Айиртомда топилган тошга ўйилган бўртма суратлар, Хоразмнинг қадимги пойтахти Тупроққалъада чиққан ҳайкаллар ва деворий расмлар ҳамда Сурхондарёда Халчиён ва Далварзин тепадан топилган лой ва ганчдан ясалган кўпдан-кўп турли хил ҳайкаллар Ўзбекистон халқлари қадимда ўзига хос юксак тасвирий санъат маданиятини яратганлигини кўрсатди. Ўзбекистонда топилган қадимги санъат обидалари Урта Осиё халқлари маданияти билан Эрон, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Кавказ халқлари маданиятининг бир-бирига таъсир кўрсатганидан ҳамда дунё халқлари маданиятининг яратилишида Урта Осиё халқлари ҳам актив қатнашганлигидан дарак беради. Илк ўрта асрга мансуб тасвирий санъат обидалари ичида, қадимги Бухоро шоҳлари, бухор худотларининг Саройи Варахшада топилган деворий расмлар ва ўймакор бўртма суратлар, Болаликтепа қасридаги (Сурхондарё) деворий расмлар ҳамда Қоратепа (Термиз яқинида) ва Қувада (Фарғона) будда ибодатхоналаридан чиққан нодир ҳайкаллар ва бошқа

хил тасвирий санъат обидалари айниқса нодир ва ноёб асарлардир. Бу тасвирий санъат ёдгорликлари ўз даврининг мафкураси, диний эътиқодлари, маданий ва маиший ҳаётни ўрганишда қимматбаҳо манба ҳисобланади. Масалан, Афросиёбда ковлаб очилган қадимги Самарқанд ҳокимининг саройи деворларига турли бўёқлар билан солинган расмларда — маъно жиҳатидан жуда бой манзаралар тасвирланган. Мовий осмон рангида бўялган деворга бахмал ва кимхоблар билан тўқимланган оқ филнинг расми солинган. Филнинг бўйига қўнғироқ, тўқимларига попук осилган. Фил устига ўрнатилган тахтиравонда бир малика, фил сағрисида соябон тутиб турган чўри расми солинган. Маликани олтин эгар-жабдуқли қорабайир, тўриқ ва саман отларга минган уч отлиқ канизак кузатиб бормоқда. Сочини тўртта қилиб ўриб, иккитасини кўкрагидан олдига ташлаган, заррин либослар кийган ва қимматбаҳо безаклар таққан бу аёллар оёқларини отнинг бир ёнбошига тушириб чалиштириб кетмоқда. Аёллар орқасидан туя минган бири кекса ва бири ёш икки эркак расми чизилган. Қуюқ қошли, серсоқол ва сочлари ўсиқ бу эркаклар бошларини пешанабоғ билан танғиб олганлар. Қулоқларида олтин ҳалқа зирак, бўйинларида олтин жевак, қўлларида қимматбаҳо билагузук. Белларидаги олтин камарга зарқинли қилич тақилган. Ёнма-ён туяда кетаётган бу ёшу қари қўлларида мўътабарлик ва ваколатликнинг рамзи — гурзи тутиб бормоқдалар. Уларнинг орқасида қилич таққан, от етаклаган пиёда киши ва тўртта оққуш кузатиб бораётган отлиқ ўспириннинг расмлари чизилган. Буларнинг оғиз ва бурунлари рўмолча билан боғланган. Деворнинг марказий қисмида суворининг расми бўлиб, бу расм бошқаларига қараганда икки барабар катта қилиб чизилган. Уни отлиқлар қуршови кузатиб бормоқда. Хонанинг ғарбий деворида шохона либослар кийган ва қимматбаҳо тухфалар кўтарган кишиларнинг расмлари тасвирланган. Бошига тож кийган кишининг қўлида бир шода марварид, унинг орқасидаги бошини танғиган эркак қўлида эса қути, учинчисида — олтин занжирли жевак. Уларнинг устки кийимлари ниҳоятда чиройли. Парча гулли ипак матодан тикилган заррин кийимларида тумшуғида гулчамбар тишлаб кетаётган қирғовулларнинг, қанотли ит, арслон ва архарларнинг расмлари бор. Хонанинг бошқа бир деворида сув тўлқинлари ичида сузиб юрган балиқлар, тошбақалар ва яланғоч болаларнинг расмлари тасвирланган... Девордаги расмлардан бирида 16 қатор сўғдча ёзувлар бўлиб, унда Чағониён (Сурхондарё) подшоси Хун Самарқанд подшосига ўзининг садоқат ва хайрихоҳлигини изҳор этади, шу билан бирга у ўз дабири (вазир) ни унинг ҳузурига юбораётгани баён этилади. Бундан маълумки, девордаги расмларда Чағониёндан Самарқандга қимматбаҳо тухфалар билан Чағониён маликасини кузатиб кетаётган элчилар дабдабаси тасвирланган.



113- расм. Афросиёбдан топилган қадимги сўғд подшолари саройининг деворига солинган
суратлардан (VII аср)
www.ziyouz.com kutubxonasi



114- расм. Муғ тоғидан топилган Сўғд тилида ёзилган
хужжат (VIII аср)

Республикаимиз территориясида қадимги ва ўрта аср ша-
ҳарлари: Бухоро, Термиз, Кат, Самарқанд, Насаф, Шош ва
бошқа жойларда зарб қилинган жуда бой нумизматика матери-
аллари: олтин, кумуш ва мис танга пуллар топиб ўрганилди.
Қадимги танга пуллар Ўзбекистон тупроғида ташкил топган
қадимги Хоразм, Қанғ, Грек-Бақтр, Кўшан, Сўғд ва Бухоро,
Сомонийлар, Қорахонийлар, Темурийлар ва кўлгина бошқа ҳо-
кимиятларнинг иқтисодий ва сиёсий тарихини, айниқса бу дав-

латлардаги пул ҳамда ташқи ва ички савдо муносабатларни ўрганишда жуда қимматли фактик маълумотлар берди.

Кейинги йилларда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Жиззах, Китоб, Шаҳрисабз ва Нурота атрофларидан қадимги мудофаа иншоотларининг қолдиқлари топиб текширилди. Бу ёдгорликлар меҳнаткашларнинг билак кучи билан обод этилган воҳалар, шаҳар ва қишлоқларнинг ташқи душман ҳужумларидан сақлаш мақсадида, қулдорлик ва феодализм даврларида бинчо қилинган Буюк Хитой девори сингари мудофаа деворларининг қолдиқлари бўлиб, улар қатор шаҳар ва қишлоқларни ўз ичига олган катта-кичик воҳа ва водийларнинг атрофини ўраган. Бундай деворлар баланд ва қалин бўлиб, бир неча юз километрга чўзилган. Масалан Бухоро воҳаси атрофидаги «Қанпирак» номли деворнинг узунлиги салкам 400 км бўлиб, ҳозирги вақтда унинг 25—40 м кенгликда ва 1—2 м баландликдаги қолдиқлари узун марза шаклида сақланган. Маълумки, Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон қадимги обикор деҳқончилик мамлакати ҳисобланади. Мамлакатнинг гуллаб-яшнаши бу ерда ҳамма вақт ирригация ва обикор деҳқончиликнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Шунинг учун Ўзбекистон археологиясида мамлакатнинг суғориш, айниқса ирригация техникасининг тараққиёт тарихини ўрганиш асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё этаклари, Фарғона ва Сурхондарё сойларининг қуйи оқимидаги қадимги суғорилган ерларда ўтказилган археологик тадқиқотлар Ўзбекистоннинг дарё ва сойларнинг дельталаридаги майда шохобларда пайдо бўлган оддий сув иншоотларидан тортиб ўрта асрларда инженерлик усулида қурилган йирик гидротехника иншоотларини ҳам ўз ичига олган суғорилиш тарихини ёритиб берди. Сирдарё области Фориш районида топиб текширилган X аср сув омборининг тўғони Хонбанди, Самарқанд области, Каттақўрғон районида Жом қишлоғи яқинидаги XII аср сув омбори, Фишбанд ва Нурота районининг Жуш қишлоғи яқинидаги XVI аср сув омбори, Абдуллахон банди каби ёдгорликлар ўрта асрларда йирик суғориш иншоотларини қуришда қадимги ўзбек мироблари техника билими жиҳатдан ўз даври учун юқори малага эга бўлганлигидан гувоҳлик беради. Масалан XVI аср ирригация иншооти Абдуллахон банди сув омборининг тўғони Бекларсой номли дарани тўсиб, сунъий сув омбори ҳосил қилиш мақсадида тош ва сувга чидамли оҳакли қоришмадан қурилган, бу улкан иншоотнинг узунлиги 85 м, қалинлиги остида 19,3 м, юқориси 4,5 м ва баландлиги 15,3 м келади. Бу сув омбори инженерлик иншоотлари комплексининг қурилиш принципи жиҳатидан ҳозирги замон гидротехника иншоотларидан фарқ қилмайди дейиш мумкин. Шуниси диққатга сазоворки, илк ўрта асрларда меъморлар сув иншоотларини қуриш учун сув ва намга чидамли махсус гидравлик қоришмаларни

ижод этганлар. Шубҳасиз, халқимизнинг ирригация соҳасида асрлар давомида орттирган тажрибаси кенг кўламда янги ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги интенсив равишда ривожлантирилаётган ҳозирги вақтда муҳим аҳамият касб этади. Хоразм, Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида ўтказилган археологик текширишлар натижасида Амударё билан Сирдарё этакларида 4,5 миллион, Зарафшон ва Қашқадарё этакларида 800 минг гектар қадимги суғорилган ерлар мавжудлиги аниқланди. Бу ерлар биринчи навбатда ўзлаштирилиши мумкин бўлган улкан ер массивлари бўлиб, улар ҳозирги кунда лойиҳалаш ташкилотлари томонидан ҳисобга олинмоқда.

Шундай қилиб, республикамызда кенг кўламда олиб борилган археологик тадқиқотлар туфайли Ўзбекистон археологиясининг деярли ҳамма даврларига: палеолит, мезолит, неолит, энеолит, бронза ва темир асрлари ҳамда антик дунё ва ўрта асрларга оид жуда кўп хилма-хил ажойиб моддий маданият ёдгорликлари топиб текширилди. Археологик текширишлар натижасида тўпланган жуда бой ва қимматли моддий манба Ўзбекистон халқларининг қадимги тарихини ёритиш имконици берибгина қолмай, балки ўрта асрлар тарихи саҳифаларини кўпгина қимматли фактик маълумотлар билан бойитди.

Ўзбекистонда археология фанининг ривожланишида йирик совет олимлари: А. Ю. Якубовский, С. П. Толстов, Я. Ф. Фуломов, М. Е. Массон, А. П. Окладников, В. А. Шишкин ва бошқаларнинг хизмати каттадир. Уларнинг қунт ва матонат билан олиб борган археологик тадқиқотлари туфайли дунё аҳамиятига эга бўлган қатор моддий маданият ёдгорликлари кашф этилди. Улар археологик қазишлардаги ҳозирги замон усул ва методларнинг кўпини яратиш билан бирга, жуда кўп юқори малакали шоғирдларни тарбиялаб етказдилар. Шу билан бирга бу олимлар жуда бой ва турли-туман археологик материалларни умумлаштириб, йирик илмий хулосалар чиқариб, археология, нумизматика, санъат, архитектура ва ирригация тарихига оид кўпдан-кўп фундаментал асарлар яратдилар. Масалан, С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм» (Москва 1948), «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» (Тошкент 1964); Я. Ф. Фуломовнинг «Хоразмнинг суғорилиш тарихи» (Тошкент 1959); В. А. Шишкиннинг «Варахша» (Москва 1963); Г. А. Пугаченкованинг «Халчаян» (Тошкент 1966); Я. Ф. Фуломов, У. Исломов, А. Асқаровларнинг «Ибтидоий маданият ва Зарафшон этакларида суғориладиган деҳқончиликнинг вужудга келиши» ва кўпгина бошқа асарлар шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, совет даврида етишиб чиққан илмий кадрлар археологик қазиш метод ва усулларины такомиллаштириш ҳамда археологик материалларни умумлаштириб, улардан илмий хулосалар чиқариш асосида Ўзбекистонда археология фанининг ривожланишини таъмин этдилар.

А

- Абашевское погребение** — Абашев қабри
- Австралопитек** — австралопитек; жануб маймуни (учламчи давр охирларида яшаган қадимий маймун тури)
- Азиль** — Азиль; азиль даври, азиль замони, азиль босқичи
- Азлыцы** — азилликлар, азиль даври одамлари
- Азильская стоянка** — Азиль макони, азил даври макони
- Азильский слой** — Азиль қатлами, азиль даврининг маданий қатлами
- Акрополь** — арк, ўрда, куҳандиз, ички қалъа
- Аланы** — Олонлар (қадимий қабила номи)
- Алтарь** — алтарь; меҳроб
- Амфора** — кўза
- Анахита** — Нохид (зардуштларнинг ҳосилдорлик худоси)
- Ангоб** — ангоб; қизил кесак, қизил кесакдан тайёрланган буюқ
- Ангобированный сосуд** — ангоб берилган идиш
- Андроновская эпоха** — Андроново даври; андроново замони (эраמידан аввалги II минг йиллик ўрталари)
- Андроновский могильник** — Андроново қабри; андроново даври, қабри
- Андроновское поселение** — андроново макони, андроново даври, турар жойи
- Анты** — антлар (қадимий қабила номи)
- Античная керамика** — антик дунё сополи; антик давр сопол идишлари
- Античный город** — қадимий шаҳар; антик даври шаҳари
- Античный памятник** — антик давр ёдгорлиги
- Античный период** — антик давр
- Античный слой** — антик давр қатлами
- Античность** — антик дунё
- Антропология** — антропология; одамнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиётини ўрганадиган фан (одамнинг биологик хусусиятлари ҳақидаги фан)
- Арктический период** — Арктик даври
- Архаичный** — Архаик
- Архейская эра** — Архей эраси, археозой эраси (геологик давр)
- Археолог** — археолог
- Археологическая культура** — археологик маданият
- Археологическая разведка** — археологик қидирув, археологик қидириш
- Археологическая экспедиция** — археологик экспедиция
- Археологические данные** — археологик маълумотлар
- Археологические источники** — археологик манбалар
- Археологические раскопки** — археология қазिशмалари, археология қазиншлари
- Археологический отряд** — археологлар отряди
- Археологическое исследование** — археология тадқиқоти; археологик текшириш
- Археологический памятник** — археологик ёдгорлик
- Археологическое наблюдение** — археологик кузатиш
- Архитектура** — архитектура меъморчилик
- Архитектурная решетка** — архитектура панжараси
- Архитектурный орнамент** — меъморий нақш; кашта
- Ассимиляция** — ассимиляция; қоришиш, аралашиб (бир халқнинг иккинчи халқ урф-одатларини, тилини ўзлаштириб у билан аралашиб кетиши)
- Атлантический период** — атлантика даври
- Афанасьевская эпоха** — Афанасьев даври, Афанасьев замони (эраמידан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг боши)
- Ашель** — ашель
- Ашельская эпоха** — Ашель даври, ашель замони
- Ашельская стоянка** — Ашель макони
- Ашельский памятник** — Ашель ёдгорлиги
- Ашельский слой** — Ашель қатлами
- Ашельский человек** — Ашель одами
- Ашельское рубило** — Ашель чўқмори

Б

- База** — Тагкурси
База колонны — Устун тагкурсиси
Баллист — палокмон тош
Бармы — жевак занжири
Башня — мўла; бурж, минор; минора
Башня мечети — масжид минораси
Башня стены — девор буржи, девор мўласи
Белемнит — Белемнит (ер остидан казиб топиладиган қадимий моллюска, у тошга айланган учи цилиндрсимон қаттиқ ўзакдан иборат бўлади)
Бляха — кубба; оҳангжома
Боевая колесница — жанг арава
Боевой молот — гурзи
Боевой топор — ойболта
Бойница — шинак; нишон туйнуги; тиркаш
Болас — палокмон, соқон
Бореальный период — Бореал даври
Борничество — ўрмон асаларичилиги
Бронзовый век — Бронза даври; жез даври (эрамиздан аввалги II минг йиллик)
Бронзовая индустрия — бронзадан қуроллар ясаш, бронза қуроллар
Бронзовое зеркало — жез ойна
Бытовая находка — рўзғор топилмаси
Бытовой инвентарь — рўзғор буюмлари

В

- Ваза** — ваза; гулдон
Вал — кўтарма
Валун — валун; харсанг тош, ғўла тош
Венеды — Венедлар (қадимий қабилла)
Веревочный орнамент — чилвир из нақш
Верхнепалеолитическая стоянка — юқори палеолит макони
Верхнепалеолитический памятник — юқори палеолит ёдгорлиги
Верхнепалеолитический слой — юқори палеолит қатлами
Верхнепалеолитический человек — юқори палеолит одами
Вещественная древность — қадимий буюм
Вещественный источник — моддий манба
Вислобушный топор — Қайтақи муҳралаи болта; ойболта

- Вкладыш** — қадама
Вкладышевая техника — қадама техникаси
Вкладышевая микролитическая техника — қадама микролит техникаси
Вкладыши ножа — пичоқ қадамалари
Вкладыши серпа — ўроқ қадамалари
Впадина в формах — қолип қуймаси, қуйма қолип
Выемчатая эмаль — қуйма сир; хошияли сир
Выемчатое орудие — ботиқ тигли қурол; ботиқ тигли тош қурол
Высверлина — ўзак
Вюрм — Вюрм, музлик даври
Вюремское оледенение — Вюрм музлиги

Г

- Гарпун** — гарпун, санҷи (балиқ ови қуроли)
Гвоздильня — миҳ ясағи
Гейдельбергский человек — гейдельберг одами
Генеология человека — одам генеологияси; одам шажараси; одам насаби
Геометрический орнамент — геометрик орнамент
Геральдика — геральдика (қадимий гербларни ўрганадиган фан)
Гинц — гинц; музлик даври
Гинецкое оледенение — гинц музлиги
Глазурь — сир
Глазуванная керамика — сирли сопол
Глиняная площадка — Заранг саҳн
Глиняная пряслица — сопол урчуқ
Глиняная таблетка — сопол лавҳа
Глиняный грузик — сопол қадоқча
Глиняный сосуд — сопол идиш
Гончар — кулол
Гончарная печь — хумдон
Гончарное ремесло — кулолчилик
Гончарный круг — кулолчилик чархи, кулол чархи
Горн — кўра
Городище — қадимий шаҳар харобаси, қадимий шаҳар
Горшок — тувак
Горшковидный сосуд — туваксимон идиш
Горячая обработка — тоблаш
Гребенчато-струйчатая керамика — ботирма кунгура ва жимжима нақшли сопол
Гребенчатый штамп — кунгурадор штамп; кунгурадор босма; кунгура босма

Гривна — жевак
 Гривна — гривна (10 тийинлик кумуш танга)
 Грифон — грифон (куш бошли ҳайвон)
 Гробница — мақбара
 Грузило — қадоқ
 Грушевидный сосуд — хум, хумча, хурмача
 Гуны — хунилар (қадимий қабила номи)

Д

Дворец — қаср
 Деревянное замощение — ёғоч тўшама
 Диадема — тиллақош
 Динар — динор (олтин ёки кумуш пул)
 Дирхем — дирҳам (кумуш танга)
 Длинные курганы — узун мазор қўрғонлар
 Добывание огня — ўт чиқариш; сунъий ўт ҳосил қилиш
 Дол — сой
 Дол мечи — Шамшир сойи
 Долого — пона
 Дольмен — Дольмен (тош қабр)
 Домашний дух — арвоҳ
 Доспехи — яроғ-аслаҳа
 Древнеямная эпоха — қадимий чуқур даври
 Древнеямный курган — қадимий чуқур даври мазор қўрғони
 Древность — қадимий ёдгорлик, қадимги ёдгорлик
 Дресва — дресва, майдаланган гранит, гранит куми, дресва сонал идиш гилига қўшилган
 Дриопитек — дриопитек, учламчи давр охирида яшаган қадимий маймун тури
 Дружинник — чокар
 Дружинные курганы — чокарлар мазор қўрғони
 Дутье — дам бериш

Ж

Железный век — темир даври
 Жезл — туғро; ҳукмронлик туғроси
 Жернова — қўл тегирымон
 Жертвенник — қурбонгоҳ
 Жертвоприношение — қурбонлик, қурбонлик қилиш
 Жилище — турар жой

З

Загон — қамаш (ов усуди), ҳайвонларни қамаб олиб овлаш
 Защита — чимдима
 Звериний стиль — ҳайвон суратларини ишлаш усуди
 Земледельческие племена — зироаткор қабилалар, зироатчи қабилалар
 Зернотерка — ёргучоқ, ёрматош
 Зерны — куббача: куббачалар ишлаш услуби
 Зольник — чан; тери ишқорланадиган катга ёғоч идиш, ҳовузча

И

Иволистные микролиты — тол баргисимон микролитлар, тол баргисимон майда тош қуроллар
 Известняк — оҳактош
 Изразец — кошин
 Изразцовый — кошинкор, кошинли
 Имущественная дифференциация — мулкый табақаланиш
 Имущественное неравенство — мулкый теңгисизлик
 Индустриальное происхождение — санон қуроллар
 Инкрустация — инкрустация, қадама нақш
 Исаковская эпоха — исаков даври; исаков замони
 Ископаемая фауна — қазилма ҳайвон; ер остидан қазиб топиладиган қадимий ҳайвон қолдиқлари
 Ископаемое оружие — қазилма қуроллар, ер остидан топиладиган қадимги қурол
 Ископаемый разумный человек — қазилма ақлли одам; ер остидан топиладиган юқори палеолит одами қолдиқлари
 Ископаемый человек — қазилма одам; ер остидан қазиб топиладиган ибтидоий одам қолдиқлари

К

Кайназойская эра — Қайназой эраси (геологик давр)
 Каменная баба — тош ҳайкал
 Каменная колотушка — тош тўқмоқ
 Каменная ограда — тош гов
 Каменный век — тош даври
 Каменное орудие — тош қурол
 Карасукская эпоха — қарасуқ даври, қарасуқ замони (эраמידан аввалги)

II миңг йиллик охири ва I миңг йиллик боши)

Катакомба — катакомба, катакомбалик қабр

Катакомбная керамика — катакомба сополи, катакомба сопол идиши

Катакомбная эпоха — катакомба даври; катакомба замони

Кварцит — кварцит; оқтош; кварцли кумтош

Кенатаф — кенатаф (бўш гўр: ўликсиз қабр; ўлик кўмилмаган мазор)

Керамика — керамика; сопол; сопол буюм, сопол идиш

Керамическая печь — хумдон

Керамический брак — сополак

Керамический круг — кулолчилик чархи; кулол чархи

Кинжал — ханжар

Кистень — шашпар; чўқмор

Китайская эпоха — Хитой даври; хитой замони

Клад — хазина; газна

Классообразование — синфларнинг таркиб топиши

Клеймо — тамга

Клинопись — миҳхат; миҳ ёзув

Княжеское погребение — князь қабри

Ковка — тоблаш

Ковка булата — пўлат тоблаш; пўлат сугориш

Колонки — гулдаста

Колоннада — колоннада (устунлар қатори)

Колт — жевак

Колчан — ўқдон

Кольцо — ҳалқа

Кольчуга — совут

Копье — найза

Копьевидный — найзасимон

Косарь — чопқи

Кострище — гулхан қолдиги, гулхан ўрни

Кочевое скотоводство — кўчманчи чорвачилик

Кочевое хозяйство — кўчманчи хўжалик

Краснолаковый сосуд — қизил лакли идиш

Краснофигурный сосуд — қизил суратли идиш

Кремень — чақмоқтош

Кремневая индустрия — чақмоқтош қурооллар

Кремневая стрела — чақмоқтош ўқ

Кремневая техника — чақмоқтош техникаси; чақмоқтошдан қурол ясаш техникаси

Кремневое копье — чақмоқтош найза

Кремневое орудие — чақмоқтош қурол

Кремневые вкладыши — чақмоқтош қадамалари

Кремневый нож — чақмоқтош пичоқ

Кремнедобывающая шахта — чақмоқтош қазиб олинадиган кон

Кремнеобрабатывающие мастерские — чақмоқтош устахоналари; тош қурооллар ясаш устахоналари

Кремни-пигмеи — майда чақмоқтош қурооллар

Крепостная стена — қалъа девор; қалъа девори

Крепостной вал — қалъа кўтармаси

Крепостной ров — хандақ, қалъа атрофидаги хандақ

Крепость — қалъа

Крестовина — гулбанд

Криволинейный серп — эгри ўроқ

Крица — крица; юмшоқ темир

Кричник — темирчи металлург; дегрез

Круглодонная керамика — думалоқ тагли сопол идиш

Кувалда — боққон

Кувшин — кўза

Кузнечный горн — темирчилик кўраси

Кузнечный молот — болга

Куль — эътиқод, сиғиниш; топиниш

Культовое сооружение — ибодатхона

Культовый очаг — муқаддас ўчоқ; ибодат ўчоги

Культовый предмет — диний маросим буюмлари; ибодат анжомлари

Куль огня — ўтга топиниш

Куль родоначальниц — уруғ-аждодаларига топиниш, аждодларга топиниш

Культурная гегемония — маданий устушлик

Культурный слой — маданий қатлам

Купол — гумбаз

Куполообразный — гумбазсимон

Куполообразное сооружение — гумбазсимон иншоот

Курган — мазор қўрғон

Курганное погребение — мазор қўрғонлик қабр

Кухонный сосуд — ошхона идиши, сопол қозон

Л

Ладьевидный топор — қайиқсимон болта

Ледник — музлик

Ледниковая эпоха — музлик даври

ледниковое отложение — музлик дав-
ри ётқизиги
Ледниковый период — музлик даври
Ледниковый покров — муз қоплами
Ледниковый щит — муз қалқони
Лежанка — супача
Ленточная глина — гил тасмаси
Ленточная керамика — тасмасимон
нақшли сопол идиш
Лепная керамика — қўлда ясалган
сопол
Лиман — лиман
Литейная форма — қолип
Лось — булан
Лощение — сайқал бериш
Лощенная керамика — сайқалланган
сопол, сайқал берилган сопол идиш
Лук — ёй; камон; камалак
Лунное божество — ой худоси, ой
маъбудаси
Лучник — ёйотар, мерган

М

Мавзолей — мақбара
Магия — сеҳр, сеҳрлаш, сеҳргарлик
Мадлен — мадлен; мадлен даври
Мадленская стоянка — мадлен ма-
кони
Мадленский слой — мадлен қатлами;
мадлен даврининг маданий қат-
лами
Мадленцы — мадленликлар: мадлен
одамлари
Майолика — парчин
Майоликовая плитка — парчин
Макролит — макролит, йирик тош
қурол
Мамонт — мамонт; филсимон қади-
мий ҳайвон тури
Massaget — массагет (Ўрта Осиёда
яшаган қадимий қабилалардан бири)
Материальная культура — моддий
маданият
Матриархат — матриархат; она уруғи
даври
Медресе — мадраса
Мезозойская эра — мезозой эраси
(геологик давр)
Мезолит — мезолит; ўрта тош даври
Мезолитическая стоянка — мезолит
макони; ўрта тош даври макони
Мезолитические наконечники — мезо-
лит пайконлари
Мезолитический слой — мезолит қат-
лами, ўрта тош даври қатлами
Метательная машина — манжаниқ,
палақмон
Мех — дам

мечеть — масжид
Меч — шамшир, дудама қилич, қўш
тигли тўғри қилич
Миграция — миграция; кўчиш
Миграция народов — халқларнинг
миграцияси, халқларнинг кўчиши
Микролит — микролит; майда тош
қурооллар
Миндель — миндель (музлик даври)
Могильник — қабр, гўр, мозор
Мозаика — кошин
Мозаичный — кошинкор
Молот — ручник — болға, бозғон
Молотобоец — босқончи, дамғар
Морена — морена, музлик даври ёт-
қизиги
Мотыга — мотиға; қадимий кетмонча
Мотыжное земледелие — кетмон ёки
мотиға билан деҳқончилик қилиш
Мужское погребение — эркак қабри
Мустье — мустье
Мустьерская техника — мустье техни-
каси
Мустьерская эпоха — мустье даври
(эраиздан аввал 100—40 минг йил-
лик)
Мустьец — мустьелик одам; мустье
даври одами
Мустьерский облик — мустьесимон
Мустьерский остроконечник — Мустье
сихчаси, мустье найзасимон тош
қуроли
Мустьерский памятник — мустье ёд-
горлиги, мустье даври ёдгорлиги
Мустьерский слой — мустье қатлами;
мустье даври маданий қатлами
Мустьерский человек — мустье одами

Н

Навес — бостирма, айвон
Навес скалы — қоя ости, қоя бағри
Навершия — соп боши
Навершия жезла — асо боши, туғро
боши
Надпись — китоба; ёзув, лавҳа
Намогильная надпись — қабр тоши
Наковальня — сандон
Наконечник — пайкон
Наконечник копьа — найза пайкони;
найза учи
Наконечник стрел — ўқ учи, пайкон
Налокотник — тирсакузук
Намогильная плита — қабр тош, мар-
мар тош
Надгробие — қабр тош
Намогильное сооружение — соғона
Нарезной узор — ўйма нақш; ботир-
ма нақш

Наскальное изображение — қоя тош-
 га солинган сурат
Настил — тўшама
Находка — топилма: топилдиқ
Наус — новус (оташпарастлар хил-
 хонаси)
Неандерталец — неандертал
Неандертальский человек — неандер-
 тал одами
Некрополь — Некрополь (қадимги
 шаҳар қабристон)
Неолит — неолит; янги тош даври
 (эрамыздан аввал IV—III минг йил-
 ликлар)
Неолитическая керамика — неолит
 сополи
Неолитическая стоянка — неолит ма-
 кони
Неолитические племена — неолит қа-
 билалари, неолит даврида яшаган
 қабилалар
Неолитический памятник — неолит
 ёдгөрлиги
Неолитический слой — неолит қатла-
 ми
Неолитическое кремневое орудие —
 неолит чақмоқтош қурбли
Неолитическое орудие — неолит қу-
 роли
Неугасимый огонь — Азархурро (му-
 қаддас олов, сўнмас олов)
Неукрепленное поселение — мустақ-
 камланмаган мавзе, истехкомсиз
 мавзе
Нефрит — нефрит (тош жинси)
Нефритовый полированный топор —
 силлиқланган нефрит болта
Нефритовый топор — нефрит болта,
 нефритдан ясалган болта
Нижний палеолит — қуйи палеолит
Нуклеус — нуклеус; ўзак; тош ўзак
 (призматический нуклеус — призм-
 матик нуклеус, дисковидный нукле-
 ус — гардишсимон нуклеус)
Нумизмат — нумизмат; тангашунос
Нумизматика — нумизматика, қадим-
 ги танга пулларни ўрганадиган фан
Нумизматический материал — нумиз-
 матик материал

О

Обивка — кертиш, двухсторонная
 обивка — икки томонлама кертиш
Обивная техника — кертма техника,
 кертиш техникаси
Обжиг — пишириш
Обжигательная печь — ҳумдон
Обжиг керамики — сопол пишириш

Обиталище — маскан; макон, бош-
 пана
Облицовка — қоплама
Облицовочная плита — қоплама лав-
 ҳа
Облицовочный кирпич — қоплама гишт
Облава — ўраш, ўраб овлаш (қадим-
 ийи ов усули)
Оборонительное сооружение — мудо-
 фаа иншооти
Обряд — маросим
Обрядовая пляска — маросим рақси,
 маросим ўйини
Обсерватория — обсерватория, расад-
 хона
Обсидиан — обсидиан вулқон шишаси
Огнеупорная глина — гилмоя
Ограда — гов, гўр гови
Ожерелье — маржон, мунчоқ
Окись железа — темир кукуни; темир
 зарраси
Окрашенные костяки — ранг олган
 скелетлар
Оледенение — музлаш, муз босиши
Ориньяк — ориньяк
Ориньяк — салютрейская стоянка—
 ориньяк — салютре макони
Ориньякская женская статуэтка —
 ориньяк аёл ҳайкали
Ориньякская статуэтка — ориньяк
 ҳайкали
Ориньякская стоянка — ориньяк ма-
 кони
Ориньякский слой — ориньяк қатлами
Орнамент — нақш
Орнаментика — наққошлик
Орнаментальная надпись — нақшин-
 кор ёзув
Оружие — қурол, яроғ, аслаҳа
Орхонская надпись — урхун китоба-
 си, урхун ёзувлари
Оседлое земледелие — ўтроқ деҳқон-
 чилик
Оседлое скотоводство — ўтроқ чор-
 вачилик
Оседлость — ўтроқлик (прочная осед-
 лость — муқим ўтроқлик)
Оссуарий — ассуарий; астадон; сопол
 тобутча
Останец — қолдиқ; супа
Останки — жасад, скелет
Острога — чангак (балиқ ови қуроли)
Остроконечник — тош сихча; найза-
 симон тош қурол
Отбойник — ушатғич
Отжимная ретушь — босиб ретуш-
 лаш; эзиб ретушлаш
Отжимная техника — эзиб учирш
 техникаси

Отжимник — учиргич, эзгич
Оттиск — нусха, из; қўйма
Отцеп — тош синиги
Охотничий инвентарь — ов қуролла-ри; ов анжомлари
Охотничье племя — овчи қабилла; ов билан кун кечирадиган қабилла
Охра — қизил кесак

П

Палеоботаника — палеоботаника; қадимги ўсимликлар қолдиқларини ўрганувчи фан
Палеоботаническое исследование — палеоботаника тадқиқоти
Палеозойская эра — палеозой эраси (геологик давр)
Палеоклиматология — палеоклиматология фани; қадимги иқлимликлар ҳақидаги фан
Палеолит — палеолит; қадимги тош даври
Палеолитическая землянка — палеолит ертўласи; палеолит даври турар жойи
Палеолитическая стоянка — палеолит макони
Палеолитический памятник — палеолит ёдгорлиги
Палеолитический слой — палеолит қатлами
Палеолитический человек — палеолит одами; қадимги тош даври одами
Панно — панно, нақш билан безатилган девор ёки шип
Пандус — пандус; кўтарма йўлак
Патриархат — патриархат; ота уруғи даври
Пашенное земледелие — ҳайдама деҳқончилик (ерни омоч билан ҳайдаб экиш)
Первобытная древность — ибтидий ёдгорлик
Первобытная коммуна — ибтидий коммуна
Первобытная культура — ибтидий маданият
Первобытное земледелие — ибтидий деҳқончилик
Первобытное скотоводство — ибтидий чорвачилик
Первобытное стадо — ибтидий одамлар подаси
Первобытность — ибтидий давр
Первобытный человек — ибтидий одам
Перегородчатая эмаль — ҳошияли сир

Песчаник — қумтош
Печь для плавки — ёндўкон
Питекантроп — питекантроп, маймун-одам
Пифос — хум
Плавильня — ёндўкон
Пластина — пластина, тош парракча
Пластинчатый пояс — тизма камар
Плинфа — юпка фишт, мусулмон фишт
Плоскодонная керамика — текис тагли сопол
Плотина — банд, тўғон, тоштўғон
Плужное земледелие — ағдарма деҳқончилик (ерни плуг билан ағдариб ҳайдаб экин экиш)
Плювиальная эпоха — плювиал даври («плювиал» — латинча ёмғир демакдир)
Погреб — ертўла
Погребение — қабр, кўмиш, гўр
Погребальная маска — ўлик ниқоби, ўликдан олинган ниқоб
Погребальная насыпь — қабр дўнги, қабр кўтармаси
Погребальное сооружение — соғона; мақбара, даҳма
Погребальный инвентарь — дафн жиҳозлари, гўр анжомлари
Подвеска — шокила, чўлпи
Подвеска для волос — чочпопук
Подкурганная яма — лаҳад
Подсечное земледелие — қирқма деҳқончилик (ўрмон ва чакалакзорларни қирқиб, ер очиб деҳқончилик қилиш)
Подставка — сира; сироқ; почла
Подстилка — тўшама
Поливная керамика — сирли сопол
Поливной сосуд — сирли идиш
Полировка — силлиқлаш; едириш; хирпалаш
Половец — қипчоқ
Поля погребеный — қабристон даҳаси
Портал — пештоқ
Поселение — мавзе, қишлоқ, макон
Постамент — супа, такурси
Предместье — рабод, ташқи шаҳар
Привески — шокила, чўлпи
Привилегированное погребение — бой қабри, зодагон қабри
Прикладное искусство — амалий санъат
Примесь — қотишма, аралашма
Примитивное качество — ибтидий деҳқончилик
Примитивное качество — ибтидий тўқимачилик
Приручение — қўлга ўргатиш (ёввойи ҳайвонларни қўлга ўргатиш)

Происхождение человека — одамнинг пайдо бўлиши

Проколька — тешгич

Проушный топор — тешилган болта; кўз қўйилган болта

Пряжка — тўқа

Пряслица — урчуқ

Пыльцевый анализ — чанг анализи (қатламларда сақланган қадимги ўсимликлар чангини микроскопда текшириб, уларни турини аниқлаш)

Р

Рамапитик — рамапитек (учламчи давр охирида яшаган қадимий маймун тури)

Ранний железный век — илк темир даври

Раскопка — қазич; ковлаш; қазишма

Расписная керамика — рангдор сопол, бўёқли сопол, гулдор сопол, ранг ёки бўёқ берилган сопол идишлар

Растительный орнамент — ислими

Резиденция — қароргоҳ

Религиозный обряд — диний маросим

Резец — кесгич, газан

Резервуар — сардоба, сувхона

Рельефный узор — ботирма нақш, қавартма нақш, бўртма нақш

Ретушь — ретушь

Ретуширование — ретушлаш, ретушь бериш

Рисс — рисс (музлик даври)

Ритон — ритон; шоҳ қадаҳ, суяк қадаҳ

Ров — хандақ

Рогожная керамика — чиптасимон сопол идиш

Рогатина — дастаси узун найза; айри

Роговик — роговик (майда донали тош жинси)

Родовая усыпальница — уруғ хилхонаси

Родовое общество — уруғчилик жамияти, уруғдошлик жамияти

Родовой вождь — уруғ бошлиғи, уруғ оқсоқоли

Родовой строй — уруғчилик тузуми, уруғдошлик тузуми

Розетка — ойгул; гулнақш

Ролик — галтак

Роспись — деворий сурат

Рубящее орудие — чопқич

Режущее орудие — кесгич

Ручное рубило — қўл чўқмори, қўл чопқичи

С

Сабля — қилич

Салютре — салютре, салютре даври, салютре босқичи

Салютрейская женская статуэтка — салютре аёл ҳайкалчаси

Салютрейская статуэтка — салютре ҳайкалчаси

Салютрейская стоянка — салютре макони

Салютрейский слой — салютре қатлами

Саркофаг — сарқаф

Сармат — сармат (қабил)

Сарматская эпоха — сармат даври

Сверление — пармалаш; тешиш

Сверло — парма

Свод — тоқ, равоқ

Сейминское погребение — сейм қабри

Секира — ойболта, табар

Селище — қадимий қишлоқ харобаси, қадимий қишлоқ

Серовская эпоха — серов замони; серов даври

Синантроп — синантроп; чин одами; хитой одами

Скань — ҳошия чиқариш, ҳошия (заргарлик услуги)

Скипетр — салтанат хассаси; салтанат тугроси

Скиф — скиф

Скифы земледельцы — зироаткор скифлар

Скифы кочевники — кўчманчи скифлар

Скифы пахари — қўшчи екифлар

Склеп — сағана

Скобель — ўроқ ранда; чақмоқ тошдан ясалган ўроқ ранда

Сколота техника — ёрма техника

Скорченные костяки — гужанак жасад, букчайтирилган жасад

Скорченное погребение — гужанак қилиб кўмиш, қўл ва оёқларини букиб кўмиш, букчайтириб кўмиш

Скребло — қирғич, тош қирғич

Скребок — қирғичча, тош қирғичча

Слесарь — шилангар

Слитка — ёмби

Слюда — слюда, шаффоф

Собирательство — теримчилик, териб овқат топиш

Сокровищница — хазина; ғазна

Сопки — сонка, чўққи тепалар

Солнечное божество — қуёш худоси, қуёш маъбудаси

Сопло — конуссимон найча; найча

Средний палеолит — ўрта палеолит

Сруб — ёғочбанд
Срубная керамика — ёғочбанд давр сополи
Срубная культура — ёғочбанд давр маданияти
Срубная эпоха — ёғочбанд давр
Срубный курган — ёғочбанд мозор қўрғон
Срубное жилище — ёғочбанд турар жой; ёғочбанд уй
Становление человека — одамнинг вуждга келиши, одамнинг пайдо бўлиши
Стоянка — макон, манзил
Старейшина — оқсоқол, уруғ оқсоқоли
Стилабад — тагкурси, супа
Сторожевая башня — динг
Стрела — ўқ; камон ўқи; ёй ўқи
Строительные остатки — бино қолдиқлари, қурилиш қолдиқлари
Субарктический период — субарктика даври
Субатлантический период — субатлантика даври
Суббореальный период — суббореал даври
Сферокопический сосуд — симоб кўзача
Сфинкс — сфинкс, одам бошли шер ҳайкали
Сфрагистика — сфрагистика; қадимги муҳрларни ўрганувчи фан
Сыродутный горн — темир эритиш кўраси, дамли кўра
Сыродутный процесс — рудадан темир ажратиш процесси

Т

Тагорская эпоха — тагор даври; тагор замони (эрамиздан аввал VIII—II асрлар)
Тазар — тазар, канализация қувури
Тарденуаз — тарденуаз; тарденуаз даври; тарденуаз замони; тарденуаз боқкичи
Тарденуазская стоянка — тарденуаз макони; тарденуаз даври макони
Тарденуазский слой — Тарденуаз қатлами, тарденуаз даври маданий қатлами
Тарденуазские микролиты — Тарденуаз микролитлари; тарденуаз майда тош қуроллари
Татуировка — татуировка қилиш, баданга суратлар солиш
Таштыкская эпоха — тоштиқ даври, тоштиқ замони (эрамиздан аввалги

I ва эрамизнинг IV асрлари)
Текстильная керамика — мато изли сопол
Терракота — терракота
Тесло — йўнғич
Техника двусторонней обивки — икки томонлама кертма техника
Техника обивки — кертма техника; кертиш техникаси
Техника скола — ёрма техника
Техника отжима — эзиб учириш техникаси; босиб учириш техникаси
Тигл — тигл; металл эритиш декчаси, чўмич
Тиски — исканжа
Тотем — тотем (уруққа асос солган аждод)
Тотемизм — тотемизм (аждодларга топиниш)
Тотемистический знак — тотем белгиси
Третичный период — учламчи давр (геологик давр)
Трехгранная — уч қиррали
Трехгранная печать — уч қиррали муҳр
Трехгранная стрела — уч қиррали ўқ
Трехлопастный — уч парракли
Трехлопастный наконечник — уч парракли пайкон
Трехпольная система — уч далали система, уч пайкалли алмашлаб экиш
Трипольское поселение — триполье мавзеи, триполье қишлоғи
Трута — пўкак
Трутник — тутантириқ; қовуқ
Трутовик — пўкак тутантириқ
Туннель — туннель; лаҳим
Труположение — ўлик кўмиш
Трупосожжение — жасад куйдириш

У

Ударная площадка — зарб майдончаси; зарб сатҳчаси
Узор — нақш
Узор рельефный — бўртма нақш; қавартма нақш
Укрепление — истехком
Укрепленное жилище — қўрғон
Укрепленная усадьба — қўрғон
Укрепленное поселение — мустаҳкамланган мавзе; истехком

Ф

Фатьяновский могильник — Фатьяново қабри
Фаясовая керамика — қошинли сопол

- **Феодалная усадьба** — феодал қўрғон
- **Феодалный замок** — феодал қасри
- **Филигрань** — ҳошия чиқариш, ҳошия
- **Финифть** — сир; эмаль
- **Фляга** — сувдон

X

- Хазары** — хазарлар (қабил)
- Халколит** — халколит, энеолит; мис-тош даври
- Халцедон** — халцедон (ярим қиммат-баҳо тиниқ тош)
- Хижина** — кулба; чайла
- Холм** — тепа, дўнг
- Храм** — ибодатхона
- Храм огня** — оташкада (олов ибодат-хонаси)
- Хронология** — хронология, сана
- Хронологизация** — хронологиясини белгилаш; саналаш

Ц

- Царские курганы** — подшо мозор қўрғонлари
- Царское клеймо** — подшо тамғаси
- Циклисты** — циклчилар
- Циклоническое сооружение** — циклоник иншоот
- Цитадель** — арк; кухандиз; ўрда; ички қалъа

Ч

- Чаша** — товоқ
- Чашечка** — товоқча
- Чекан** — гурзи
- Чеканка** — зарб қилиш; сўқиш
- Чеканка монет** — пул сўқиш; танга зарб қилиш
- Человеческая индустрия** — одам индустрияси; одам ясаган қуроолар
- Человеческая культура** — одамзод маданияти; кишилик маданияти
- Черепки** — сополак; сопол бўлақлар
- Черешковое орудие** — зуғотали қурол
- Чернолаковый сосуд** — қора лакли идиш
- Чернофигурный сосуд** — қора суратли идиш
- Чернь** — нил; мино; қуйма нақш
- Четвертичный период** — тўртламчи давр (геологик давр)
- Чешуйки** — тош зарралар

Ш

- Шалаш** — чайла; қапа
- Шамот** — шамот; майдаланган чифа-ноқ (шамот сопол идиш лойига ара-лаштирилган)

- Шахристан** — шахристон; ички шаҳар
- Шелль** — шелль
- Шелльская стоянка** — шелль макони
- Шелльская эпоха** — шелль даври; шелль замони
- Шелльский памятник** — шелль ёдгор-лиги
- Шелльское рубило** — шелль чуқмори
- Шелльский слой** — шелль қатлами
- Шелльский человек** — шелль одами
- Шерстистый носорог** — сержун каркидон
- Шнуровая керамика** — чилвир из нақшли сопол

Щ

- Щит** — қалқон
- Щит ледниковый** — муз қалқони

Э

- Экзогамия** — экзогамия (қариндош-лар ўртасида никоҳнинг ман қилиниши)
- Эмаль** — сир
- Эмалевая надпись** — сир берилган ёзув
- Эмальерная мастерская** — сирлаш ус-тахонаси
- Энеолит** — энеолит; мис-тош даври; мис-тош замони (эрамиздан аввалги IV—III минг йиллик)
- Эолит** — эолит, ибтидий қурол, иб-тидий тош қурол
- Эпиграфика** — эпиграфика (тош, ме-талл сопол ва ёғочлардаги қадимий ёзувларни ўрганувчи фан)
- Эпоха лингби** — лингби замони
- Этнография** — этнография (халқлар-нинг келиб чиқиши, урф-одати ва маданиятини ўрганадиган фан)
- Этнографический материал** — этногра-фик материал

Я

- Язычество** — мажусийлик, бутпараст-лик
- Языческий обряд** — мажусийлар ма-росими
- Язычник** — мажусий; бутпараст
- Яйцевидный сосуд** — тухумсимон идиш
- Ямочно-гребенчатая керамика** — чу-қурча-ботирма кунгурадор нақшли сопол
- Яшма** — яшма (кремнийли тош жин-си)

МУНДАРИЖА

Нашриётдан	2
Кириш	3

I ТОШ ДАВРИ

Биринчи боб. Палеолит (21) *Иккинчи боб.* Мезолит (44) *Учинчи боб.* Неолит (51) *Тўртинчи боб.* Энеолит (63)

II БРОНЗА ДАВРИ

Бешинчи боб. Бронза даври (73)

III ТЕМИР ДАВРИ

Олтинчи боб. Темир даврининг бошланиши (107) *Еттинчи боб.* Шарқий Европа ва Сибирда илк темир даври (115)

IV СССР ТЕРРИТОРИЯСИДАГИ ҚУЛДОРЛИК ВА ФЕОДАЛ ДАВЛАТЛАР

Сақизинчи боб. Қора денгизнинг шимолий соҳилидаги антик давлатлар (140) *Тўққизинчи боб.* Кавказдаги қулдорлик ва феодал давлатлар (163) *Ўнинчи боб.* Ўрта Осиё ва Сибирдаги қулдорлик ва феодал давлатлар (175) *Ўн биринчи боб.* Қадимги славянлар. Илк ўрта асрларда Шарқий Европа (195) *Ўн иккинчи боб.* IX—XIII асрларда Русь (209) *Ўн учинчи боб.* Волга Булғорияси (239) *Ўн тўртинчи боб.* Новгород (247) *Ўн бешинчи боб.* Москванинг кўтарилиб чиқиши (257) *Ўн олтинчи боб.* Ўзбекистонда совет археология фанининг тараққиёти (268) Археология терминларининг қисқача лўғати (287)

На ўзбекском языке

А. В. АРЦИХОВСКИЙ

ОСНОВЫ АРХЕОЛОГИИ

Учебник для исторических факультетов университетов и педагогических институтов.

Перевод со второго издания Москва, Политиздат — 1955

„Ў қитувчи“ нашриёти — Тошкент — 1970

Таржимон Ўразаев А.

Редактор Султонов Э.

Бадий редактор Алиев Қ.

Техредактор Сорокина Н.

Корректор Фофурова М.

Тершига берилди 22/X-1969 й. Боснига рухсат этилди 19/III-1970 й. Қоғози 60×90¹/₁₆. Физик л. 18,5. Нашр л. 19,32. Тиражи 10000.

„Ў қитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 68-35. Баҳоси 54 т. Муқоваси 18 т.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг 1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1970. Заказ № 898.

Типография № 1 Государственного комитета Совета Министров УзССР по печати. Ташкент, ул. Ҳамзы, 21.